


25.57
М. 90

Г. Д. МУСТАҚИМОВ

ЎСИМЛИКЛАР
ФИЗИОЛОГИЯСИ
ВА
МИКРОБИОЛОГИЯ
АСОСЛАРИ



• ЎҚИТУВЧИ •

28-57
M - 90

Г. Д. МУСТАҚИМОВ

ЎСИМЛИКЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ ВА МИКРОБИОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
педагогика институтларининг биология факультети
тадаборлари учун ўқув қўйлганма сифатида
тавсия этган



Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчى нашри

DIZIMGE ALINDI 2011

Ушбу ўқув қўлланмада ўсимликлар ҳужайрасининг физиологияси, ўсимликларнинг сув режими, карбонат янгиридан ва минерал моддаларни ўзлаштириши, моддалар алмашинуви, ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши масалалари кўриб чиқилади. Шунингдек, макроорганизмларнинг морфологияси ва физиологиясига оид материаллар ҳам келтирилган. Китобдан фойдаланишини осонлаштириш мақсадида китоб охирда баъзи атамалар рўйхати берилди.

Кўлланма педагогика институтларининг талабалари ва ўрта умумий таълим мактабларининг биология ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Тақризчи: Узбекистон Республикаси Фанлари академиясининг академиги
M. B. Муҳаммаджонов.



М 1906000000—115
353 (04) — 95 57—94

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1995

ISBN 5—645—02273—4

ИККИНЧИ НАШРГА СУЗ БОШИ

Ўсимлик вуз микробларнинг ички ҳаётий ҳодисаларини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш ўсимликлар физиологияси ва микробиология фанлари олдига қўйилган вазифадир, улар билан танишиш ва уларни ўзлаштириш биология фани асосларини тўла ўрганишга қўшимча ҳисобланади.

Шуларни назарда тутиб, муаллиф «Ўсимликлар физиологияси ва микробиология асослари» ўқув қўлланмаси иккинчи нашрини тайёрлашда бъязи масалалар юзасидан қўшимча маълумотлар киритиш билан бир қаторда, айрим бўлимлари қайтадан ишланди. Чунончи, кириш, ҳужайра физиологиясидан магиз, митохондрий, кўпиклар, сув режими, транспирация, сувнинг ҳаракатланиши углероднинг ўзлаштирилишида хлорофиллининг аҳамияти ва бъязи назариялар, фотосинтез ҳодисасининг C_3 ва C_4 йўналишлари, минерал озиқланиши, азотнинг табнатда айланиши, Кретович схемаси, ҳашаротхўр ўсимликлар, деснитрификация, органик моддалардан ферментлар, мойлар, витаминлар, органик моддаларнинг ҳаракатланиши йўллари изоҳлаб берилган. Нафас олиш ҳодисаларидан гликолиз схемаси, пентозофосфат ва глиоксилат цикллари янгидан киритилди. Микробиология бобига фаннинг ривожланиши йўллари, бактерия ҳужайрасининг ички ва ташқи тузилиши, актиномицет ва микроорганизмларга ташқи муҳит омилларининг таъсири устида тўхталиб ўтилган. Усиш ва ривожланиши бобига фитогормонлар, аллелопатия ва бир ҳужайрадан ўсимлик танасини тиклаш ҳақида сўз юритилган.

Муаллиф китобнинг иккинчи нашрини тайёрлашда ўзининг қўмматли фикр ва муроҷазаларини билдирган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги М. В. Муҳаммаджоновга, «Биология» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий ходими, биология фанлари номзоди М. Ю. Юнусхўжаевага ва Ф. Г. Мустақимовага ташаккур изҳор этади.

Муаллиф.

44548

КИРИШ

Ер шарининг турли жойларида тарқалгац ўсимликлар тури 500 000 да ортиқ. Улар орасида микроскопик, кўз билан кўриб бўлмайдиган гоят майд вакиллари бўлиши билан бир қаторда, танасининг узунилги 10 ва 100 м га етадиган флора вакиллари мавжуд. Ўсимликларнинг бир турлари паст температурада яшашга мослашган бўлса, бошқа турлари ўсиши ва ривожланиши учун юқори температура талаб қиласди. Баъзи ўсимликлар чўл ва даштларда ҳаёт кечирса, кўпчилик ўсимликлар нам ерларда ва сув ичидаги ўсиб, ривожланади.

Сайёрамиздаги ўсимликларнинг хилма-хил бўлиши, маълум жойларда ҳаёт кечириши ва ташки муҳит омилларига мослашиши ҳар қайси ўсимликтиннинг тарихий ривожланишида — эволюциясида вужудга келган.

Демак, ҳар қандай ўсимлик тури ўз тарихий эволюциясида уни ўраб олган ташки муҳит омилларини сингдириб, аста-секинлик ва изчиллик билан шароитга мослашади. Унииг ёш авлодлари ҳам келажакда ўзининг ўсиши ва ривожланишида худди шундай шаронитни талаб этади.

Ҳақиқатан ҳам, Ер шарининг ҳозирги ҳолатга келишида иқлим шаронити ҳам кесккун ўзгариб турганлиги геологлар томонидан ўрганилмоқда. Иқлиминнинг ўзгариб туриши тирик табият вакилларининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатиб келганлигиниңдан, ўзгариб шаронитта мослаша олган флора ва фауна вакиллари тез ривожланган бўлса, мослаша олмаган турлари ёхуд уларнинг айрим вакиллари шаронитни салбий таъсиридан нобуд бўлиб, йўқолиб кетган.

Юқорида баён этилган фикрлар, палеонтологик далиллар асосида тұла тасдиқланды ва тасдиқланмоқда. Мәндан, Палеозой эрасининг Силур даврида кенг ривожланған психофитлар, мәндан даврида шаронитнинг ўзгаришидан йўқолиб кетган. Улар үргида янги шаронитта мослашган дарахтсизмопапортниклар, мөхлар ва замбуруглар ривожланған. Мезозой эрасининг Перм даврида эса дарахтсизмопапортниклар үргида очиқ уруғли ўсимликлар, Кайназий эрасининг Неоген даврида ҳозирги замон епик уруғли дарахтлар, буталар ва ўт ўсимликлари ер юзасини өзгериб олган. Олдинги даврлардан сақланиб қолган ва ўзғарған шаронитта мослашкан ўсимлик турлари камдан-кам учрайди.

Ер юздаги тирик мавжудотлариниң ривожланишида ўсимликларнинг роли жуда муҳимдир. Ҳозирги вактда озиқ-евкат ва халқ ҳұжалигига учун зарур бўлган маҳсулотларни олиш мақсадидан парвариш этиладиган ўсимликларнинг тури иккى мингга бориб қолади. Шундай турлардан, галла, полиз ва мевали ўсимликлардан озиқ сифатида фойдаланылган, ғұза, зигир, каноп ва бошқа ўсимликлардан олинган маҳсулотлардан, тұзмачиликка, техникада ва қурилиш материаллари сифатида халқ ҳұжалигидан турли соҳаларида кеяг фойдаланилади.

Ўсимликлар дүнәси турли-туман вакиллардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳаёт фаолияти ботаникаға ғана турли соҳаларида ҳар тарафлама ўрганилмоқда.

Сайёрамизда тарқалгац ўсимликларнинг маълум тартибда ўрганиш ва уларни чиқиб келишларини чукур текшириб, феногенетик схемасини тузиш

вазифасини систематиклар бажарса, ўсимликларнинг ташки тузилишини морфологлар, ички тузилишини эса анатомлар ўрганидиди.

Ўсимликлар ҳужайрасида, органларида ва бутун бир ўсимлик танасида содир бўладиган ички ҳаёт жараёнларини очиб бериш юзасидан физиологлар илмий тадқиқот ишлари олиб борадилар.

Демак, ўсимликлар физиологияси фани ўсимликлар организмида ўтадиган ҳаёттий жараёнларни текширади. Ўсимликларда содир бўладиган ўсиш, ҳаракатланиш, моддалар алмашиши, ривожланиши ва кўпайиш ҳодисалари қандай қонун ва қоидалар асосида йўналишини чуқур ўрганиш ўсимликлар физиологияси фанининг асосий вазифасидир.

1800 йилда швейцариялик олим Жан Сенебе (1742—1809) ўсимликлар физиологияси терминини гавғия этди ва шу дилдан бошлаб ўсимликлар физиологияси мустақил фанлар қаторидан ўрин олди.

Бироқ ўсимликлар физиологияси Фанига доир экспериментал тажриба ишлари XVII аср бошларида ўтказила бошлаган. 1625 йилда голландиялик олим Ван-Гельмонт (1577—1644) ўсимликлар массаси нима ҳисобига ва қандай ҳосил бўлади деган саволни ҳал қилишини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу масалани ечиш учун 80 кг қуритилган тупроқ билан тўлғазилган идишга 2 кг массадаги терак новдасини ўтқазади. Терак новдасини 5 йил давомида дистилланган сув билан суғориб туради. Олиб борилган тажриба давомида ўсган ўсимлик ва қуруқ тупроқнинг массаси қайтадан ўлчаб кўрилганда новда 75 кг га ортганлигини, тупроқ эса 56 г га камайганлигини аниқлайди. Тажрибадан олинган далилларга асосланиб, ўсимликлар фақат сув ҳисобига ўсиб, ривожланиди деган холосага келгач, Ван-Гельмонт «Сув назарияси» ни таклиф этади.

Кейинчалик илмий-тадқиқот ишлари ўтказиб, Россия агрономиясига асос солган рус олимлари А. Т. Болотов (1738—1833) ва И. М. Комов (1750—1792) «Сув назарияси» ни инкор этиб, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун органик ва минерал элементлар зарур эканлигини ўз тажрибалари ёрдамида асослаб берадилар.

Бироқ Ван-Гельмонтнинг тажрибалари тирик организмларнинг ҳаёт жараёнларини ўрганиш ўйлида турли-туман асбоб-ускуналардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб берди. Бинобарин, Ван-Гельмонт томонидан ишлатилган «тэрози усули» дан ҳозирги кунда ҳам кенг фойдаланилоқда.

Италияник олим Марчело Мальпигий (1628—1694) ўз тажрибаларига асосланниб, Ван-Гельмонтнинг «сув назарияси» ни инкор этади.

Мальпигий нинабарли ўсимлик новдасининг ички тузилишини текшириб кўрганида поянинг ёғоч қисми толасимон ҳужайралардан ташкил топганлигини кузатиб, бу ҳужайраларга трахеялар деб ном беради. Шу пайтда у пўстлоқ қисмida тирик ҳужайралар борлигини ҳам пайқайди. Уларни пўстлоқ маъносида флоэма деб атайди.

Тажриба ўтказиш мақсадида новда пўстлогини ёғоч қисмigaча ҳалқа қилиб кесиб олади. Ҳалқалаш усулига кўра ўсимликтин ёғочлик қисмидаги трахеялар орқали тупроқдан сув ва тупроқ шираси қабул қилиниб, барг тўқималарига йўналтирилганлигини айтади. Барг тўқималарига этиб бортган моддалар ўша ерда қайта ишланиб, пўстлоқ қисмida жойлашган тирик ҳужайралар воситасида ўсимликтин бошқа органларига ва илдиз тўқима ҳужайраларига йўналганлигини айтади.

Ўсимликлар физиологияси фанининг ривожланишида инглиз олими Стевен Гелс (1677—1761) ишлари ҳам салмоқлидир. Бу олим ўсимлик танасида шираларнинг ҳаракатланиши тезлигини, илдиз босим кучи ва баргларда шимиш кучи мавжудлигини аниқлайди.

Инглиз химиги Жозеф Пристли (1733—1804), швед химиги Карл Шееле (1742—1786) ва голландиялик шифокор Ян Ингенхоуз (1730—1799) ўсимликларнинг ҳаво билан озиқланишига асос солган олимлардир. Шулардан Ян Ингенхоуз ўзининг илмий ишлари билан ўсимликлар томонидан углероддинг ўзлаштирилишини тўла тасдиқлайди. Бу олимларнинг олган далилларига асосан табиатда фотосинтез жараённи мавжудлиги аниқланди. Шуниси қизиқарлики, юқорида кўрсатиб ўтилган олимлардан қаридан 20 йил олдин, аниқроғи 1753 йилда рус олими Михаил Васильевич Ломоносов (1711—1765) ўсимликларнинг ҳаво билан озиқланишини ўзининг поэмасида (Слово о явлениях

воздушных от электрических сил происходящих) таърифлаб берган. Унинг фикрича шимолий туманларда ўсадиган қарагай ўсимлиги нинабаргларидағи кўзга кўринмайдиган жуда майда найчалар орқали ҳаводаги «ёғли намлик» ни қабул қилиб озиқланади. Унумсиз қумли тупроқда ўсадиган ўсимликлар ҳаводаги «ёғли намлик» ҳисобига ўсиб, ривожланиши туфайли ўзида смолосимон модда тўплайди. Шу билан бирга М. В. Ломоносов «ёғли намлик» қандай йўллар билан ҳавода тўпланганигини ҳам тушунтиради. Унинг айтишича, «ёғли намлик» ўрмонларнинг ёнишидан, вулканлар отилишидан, смолосимон (органик) моддаларнинг чиришидан, одамлар ва ҳайвонларнинг нафас олишидан ҳавода тўпланади. Ҳаво таркибида карбонат ангидрид борлиги ва бу газ юқорида айтиб ўтилган ҳодисалар жараённида ҳосил бўлиши М. В. Ломоносовнинг фикрини тўла тасдиқлади. Шуларни ҳисобга олганда, табиатда фотосинтез жараёни мавжудлигини биринчи бўлиб М. В. Ломоносов кузатган, десак хато бўлмайди. Ўсимликларнинг ҳаво билан озиқланишини ўрганиш масалаларини ривожлантиришда швейцариялик олимлардан Жан Сенебе (1742—1809) ва Теодор Соссюр (1767—1845) олиб борган илмий-тадқиқот ишларини диккатга сазовор. Жумладан Жан Сенебе «Ўсимликлар физиологияси» номли 5 томлик асарини чоп этди. Бу олим «Сенебе қўнифиороги» деб аталган, шишадан ясалган маҳсус қўнифиор өситасида ёруғлик спектрида кўринган нурларнинг ўсимликларга таъсирини ўрганди.

Теодор Соссюр ўсимликларнинг нафас олиш жараённига асос солди. Унинг айтишича, ўсимликлар ҳам одам ва ҳайвонларга ўхшаб, нафас олишда кислород қабул қилиб, карбонат ангидрид ва сув ажратади. Ютилган кислород миқдори ажратилга карбонат ангидридга тенг келганлигини ўзининг тажрибалари билан исботлади. Ўсимликлар карбонат ангидрид билан бир вақтда сувни ўзлаштиришини ҳам айтиб ўтди.

Ю. Саке (1832—1897) ёруғлик таъсирида крахмал ҳосил бўлишини тажрибалар асосида аниқлади. Ёруғлик энергияси ҳисобига анерганик моддалардан органик моддаларнинг синтезланишини назарда тутиб, немис олими Вильям Пфеффер 1897 йилда бу жараёни фотосинтез деб аташни тавсия этди.

Ўсимликларнинг ҳаво билан озиқланиш масалаларини ривожлантиришда рус олимларининг қўшган ҳиссалари катта.

А. С. Фоминцин (1835—1918) 1887 йилда биринчи бўлиб рус тилида «Ўсимликлар физиологияси» дағслигини чоп эттирган. Санкт-Петербургда ўсимликлар анатомияси ва физиологияси лабораториясини ташкил этган. У фототаксис ҳодисасини, фотосинтез жараёни сунъий ёруғликда ҳам содир бўлишини аниқлаган. Бу олим ўсимликлар физиологияси соҳасида академикликка сайланган.

Жаҳонга танилган К. А. Тимирязев (1843—1920) ўзининг иш фаолиятида фотосинтез жараёни учта қонуният асосида давом этганингини белгилайди: биринчидан, фотосинтез жараёни фақат хлорофилл молекулалари томонидан ютилган нур энергияси ҳисобига ўтади; иккинчидан, фотосинтез ютилган нур энергияси миқдорига боғлиқ ва учинчидан, ўсимликлар баргига тушган ёруғлик энергиясининг 1—3% игина ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади. К. А. Тимирязев фотосинтез жараёнининг химиявий томонларини мукаммал ишлаб чиқди. Хлорофилл қизил ва кўк-бинафша нурларни ютганлигини ва фотосинтез шу нурлар энергияси ҳисобига содир бўлишини кўрсатди.

М. С. Цвет хроматограмма усулини ишлаб чиқиб, хлорофилл икки хил «а» ва «в» кўриңишларда учраганингини кўрсатди. М. С. Цвет томонидан кашф этилган хроматограмма усули ҳозирги вақтда ҳам фан ва техникада кенг қўлланилади.

XIX асрнинг охириларда хлорофиллсиз бактериялар ҳам ҳаво билан озиқланганлиги аниқланди. Шу хилдаги бактериялар оксидланиш реакцияларида бўшаб чиқсан энергия ҳисобига карбонат ангидрид ва сувни ўзлаштириб, органик моддаларни синтезлайди. Табиатда бу жараёни мавжудлигини рус олими С. Н. Виноградский (1856—1953) рангиз олтингугурт, темир ва нитрификация жараёнини қўзговчи бактерияларда кузатган. Бу жараёнида оксидланиш реакциясида ажралган энергия ҳисобига содир бўлганлигини ҳисобга олиб, хемосинтез жараёни деб атаган.

Ўсимликлардаги нафас олиш жараёнини чуқур текшириб, ўргангани рус олимлари А. Н. Бах (1857—1946) ва В. И. Палладин (1859—1922) нафас олини назариясига асос солганлар. Академик С. П. Костичев (1877—1931) аэроб

ва ақаэрөб нафас олиш жараёнлари ўртасида узвий бөгланиш борлигини аниқлади.

Үсимликлар учун азот элементи қанчалик ақамиятлы әжанлигини батафсыл текширган Д. Н. Прянишников (1865—1948) оқсилининг биринчи синтезида ва унинг парчаланишида аммиак бошланғич ва охирги маҳсулот эканлигини тасдиқлadi. Оқсилининг синтезланишида аспарагин ва глутамин аминокислоталарининг ақамиятини күрсатиб берди.

Үсимликларнинг құрғоқчиликка ва паст температурага чидамлилигини ўрганиша ақадемик Н. А. Максимов (1880—1952) нинг физиология фанининг ривожланишига құшган ҳиссаси каттадир.

Умуман олганда, ҳозирғи вақтда фанни ривожлантаришда илмий-тадқиқот ишлери олиб боришида ақадемиклардан А. А. Курсанов, М. Х. Чайлахян, А. А. Ничипорович, И. И. Туманов, В. П. Строгонов ва бошқалар самарали хизмат құлмоқдалар.

Туз әритмасида ивитиб әкінған чигитдан ўстирилған ғұзаның шүрхокка чидамли бўлишини Б. П. Строгонов, Е. М. Ковальский, П. А. Генкель аниқлагандар.

Үсимликлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун стимуляторлардан, микроэлементлардан ва бошқа агротехник тадбирлардан фойдаланиш зарурлигини айтдилар. Физиологлар бошқа мутахассислар билан биргаликда агротехниканинг янги турларини ишлаб чиқмоқдалар.

Жұмладан, ботқоқ тупроқларға әкіладиган ғалла үсимликларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда микроэлементлардан — мис элементини қўллашиб зарурлигини ақадемик Я. В. Пейве ва бошқа олимлар текширгандар.

Профессор Н. Н. Назиров радиация нури таъсирида серхосил, теңпишар, вилт қасалига чидамли ва кузда баргини ўзи тўқадиган радиомутант АН-402 ғұза навини яратди. Аммоний нитратнинг 0,25% ли әритмасида ивитиған чигитдан қийғос униб чиққан майсалар баҳорнинг салқин күнларига чидамли бўлишини профессор Х. Х. Енилеев аниқлад, шу тадбирни қишлоқ хўжалигига қўлланишини тавсия этди.

Үсимликлар физиологияси фани экспериментал фандир. Бунда тажрибалар орқали олинган далилларга асосланиб, илмий назариялар яратилади. Тажрибалар ёрдамида табиий шаронтда ўсадиган ёхуд лабораторияда парвариш этилаётган үсимликларнинг ҳаёттый жараёнлари ўрганилади. Бу фан биохимия, агрохимия, ботаника, микробиология ва бошқа фанлар билан чамбарчас боғланғандир, шу фанларда қўлланиладиган усууллардан тажрибалар ўтказиш жараённада кенг фойдаланилади. Жұмладан, цитоплазманиң ёпишқоқлик ва эластиклик хусусиятини аниқлашда физик ва коллоид химия фанларидаги асбоблардан, үсимликларнинг химиявий таркибини аниқлашда биохимияда ишлатиладиган усууллар қўлланилади. Тубан үсимликларнинг ҳаёт жараёнларини текширишида микробиологияда ишлатиладиган асбоб-ускуналардан фойдаланилади ва ҳоказо. Масалан, үсимлик ҳужайраси таркибидаги органонидларни бир-биридан ажратиб олишида ультрацентрифугалар, жуда нозик кесикларни тайёрлаш учун ультрамикротомлар ишлаб чиқылған.

Органонидларнинг нозик тузилишларини ўрганиш мақсадида бир неча минг марта катталаштириб күрсатадиган электрон микроскоплар ҳам ишлаб чиқылди.

I боб. ЎСИМЛИК ҲУЖАЙРАЛАРИДА ҚУЗАТИЛАДИГАН ҲОДИСАЛАР

Ўсимлик ҳужайраларининг шакли, ҳажми ва хусусиятлари

Ўсимлик вакиллари сайёрамизнинг ҳамма жойида кенг тарқалган. Улар ўзларининг тузилишларига кўра бир ҳужайрали ва кўп ҳужайрали организмлардир. Бир ҳужайрали ўсимликларда ҳаёт жараёнлари шу ҳужайрани ташкил этган органоидларнинг фаолиятига боғлиқ. Юксак ўсимликлар эса маълум функцияни бажарадиган ҳужайралардан тузилган маҳсус тўқималардан иборат ва бир-бiri билан зич муносабатда бўлаётган органларининг бўлиши билан бир ҳужайрали ўсимликлардан фарқ қиласди. Ҳар бир ҳужайрада организмнинг ҳаёт жараёнлари давом этади. Ҳужайраларнинг шакли, ҳажмий, хусусиятлари ва бошқа кўрсаткичлари ҳам ҳар хил бўлади.

Юксак ва тубан ўсимликларнинг тўқималари катта, кичик ҳамда ҳар хил шаклдаги ҳужайралардан таркиб топган. Улар думалоқ, кўп қиррали, тўртбурчак, тухумсимон, цилиндрсимон, дисксимон бўлиб, катталиги 10—15 мкм¹.

Думалоқ, тўртбурчак, кўп қиррали, тухумсимон ҳужайралар — *паренхим*, цилиндрсимон ва чўзинчоқ шаклдагилари прозенхим ҳужайралар дейилади.

Тарвуз, лимон, апельсин меваларидағи ҳужайралар кўзга аниқ кўринади. Уларнинг ҳажми бир неча миллиметрга бориб қолади. Пахта (5—6 см) ва зифир (2—4 см) ўсимликларининг толаси прозенхим тип ҳужайралар бўлиб, уларнинг узуилиги сантиметр билан ўлчанади.

Каулерпа номли бир ҳужайрали сувўтининг умумий узунлиги 20—60 см га боради.

Ҳар қайси тирик ҳужайра ҳажми ва шаклидан қатъи назар, мураккаб тузилишга эга.

Ҳужайра ирсий хусусиятларни ўзида сақлайди. Тирик ҳужайрада ҳаёт жараёнлари ички ва ташқи омиллар таъсирдан ўзгариб туради. Масалан, фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган моддалар (углевод, оқсил, ёғ ва бошқалар)нинг бир

¹ Микрон — ҳозирги вақтда микрометр ўлчов бирлиги қабул қилиниб мкм деб ёзилади.

қисми ўсимлик танасини тузишда, заҳира озиқ тўплашда қатнашса, иккинчи қисми эса нафас олиш жараёнида сарфланади. Демак, ҳужайрадаги моддалар алмашиши жараёнлари ассимиляция ва диссимилляция асосида юзага келади. Тирик организмда бўладиган физикавий ва химиявий ҳодисалар асл физикавий ва химиявий жараёнлардан кескин фарқ қиласди. Масалан, иссиқлик таъсирида сувнинг буғланиши физикавий жараён бўлиб, буғланиш сўзи билан ифодаланса, ўсимлик тўқимасидан сувнинг буғланиши эса физиологик жараён бўлиб, транспирация дейилади.

Ўсимлик танасида ва органларида содир бўладиган ўзгаришлар ҳужайраларда кузатиладиган ўзгаришлар туфайлидир. Бу ўзгаришлар ҳар бир ўсимлик турининг ўзига хос бўлиб, ҳар хил бирикмаларни ҳосил қиласди. Масалан, галладошларга мансуб ўсимлик уруғларида углеводлар тўпланса, дуккаклиларда, оқсиллар, кўпчилик ўсимлик уруғларида ёф тўпланади.

Ҳужайрада содир бўладиган барча жараёнларни ўрганиш учун ҳужайра органоидлари шаклини, субмикроскопик тузилишини ва вазифасини аниқлаб олиш зарур.

Ҳужайра органоидларининг тузилиши, химиявий таркиби, физикавий хоссалари ва физиологик функциялари

Ҳужайрадаги органоидлар ҳажми ниҳоятда кичик бўлишига қарамай, улар жуда мураккаб тузилган, XX асрнинг 40-йилларигача ўсимлик ҳужайраси магиз, цитоплазма, ҳужайра пўсти, пластидалар, плазмодесма, ҳужайра оралиқлари, митохондрий ва вакуоладан ташкил топган, деб келинган.


Электрон микроскоп кашф этилгандан кейин буюмни бир неча ўн ва юз минг марта катталаштириб кўрсатиш имкониятига эга бўлинди. Бунинг учун дастлаб ҳужайра органоидларини бир-биридан ажратиш зарур бўлиб қолди. Бу масалани ҳал этишда минутига бир неча минг марта тезлик билан айланадиган ультрацентрифугалар яратилди.

Электрон микроскопда кузатиладиган буюмдан жуда нозик ва миллимикрон¹ ўлчамдаги органоид кесиклар тайёрлайдиган ультрамикротомлар кашф этилди.

Электрон микроскоп, ультрацентрифуга ва ультрамикротомлар ишлатила бошлагандан кейин ҳужайра таркибида эндосплазматик тўр ретикулум, рибосома, диктиосома — Гольжи аппарати, лизосома, сферосома ва бошқа майда таначаларнинг борлиги, уларнинг ташкини ва ички тузилишлари, функциялари аниқланди (1-расм).

Ҳужайра пўсти. Ҳужайра пўсти целлюлоза, гемицеллюлоза ва пектин моддаларидан ташкил топган. У бу билан ҳайвон ҳужайра пўстидан кескин фарқ қиласди. Целлюлоза ўсимлик танасини тик ҳолда мустаҳкам сақлаб туради.

¹ Миллимикрон — нонометр деб қабул қилиниб ним деб ёзилади.



1-расм.


A — ҳайвон ва *b* — ұсымлық ұхжайларининг схематик түзилиші:
1 — магиэча ва хроматин иллари жойлашған магиз; 2 — плазматик мембрана; 3 — ұхжайра пүсти;
4 — плазмодесмалар; 5 — гранулаты; 6 — грануласис эндоплазматик түр мембраналари;
7 — пиноцитоз вакуолалари; 8 — Гольжи аппараты — дистиосомалар; 9 — лизосома;
10 — грануласис эндоплазматик түр ичидаги мой томчилари; 11 — центриол ва центросфера
микронайчалари; 12 — митохондрийлар; 13 — цитоплазма — гиалоплазмадаги полиривосомалар;
14 — марказий вакуола; 15 — хлоропласттар.

Целлюлоза — $(C_6H_{10}O_5)_n$ молекуласи бир неча минг β -глюкоза қолдиқларидан иборат — полисахарид. Пахта толаси 10 800, зигир толаси 30000 ва ёғоч ұхжайлардаги целлюлоза молекуласи 2500—3200 дона глюкоза молекулаларидан иборат.

Целлюлоза молекулалари ҳисобига ұхжайра пүсти ҳосил бўлишидан аввал целлюлоза молекулаларини 100 таси бирлашишидан мицеля деб аталган тўпламлар ҳосил бўлади.



2-расм. Ҳужайра пўстида целлюлоза микрофибрillаларининг ўрнашиши. (Электрон микроскопда 25000 марта катталаштирилган).



3-расм. Плазмодесманинг кўндаланг кўриниши (А. Фрей-Вислинг ча):

1 — плазмалемма; 2 — цитоплазма;
3 — эндоплазматик тур; 4 — наїча
(тирқиш).


Уларнинг бирлашишидан йирикроқ микрофибрillалар, 250 дона микрофибрillаларни тўпланишидан 0,4—0,5 мкм йўғонликдаги макрофибрillалар юзага келади. Шу йирик бўлакчалар микро- ва макрофибрillалар ҳисобига ҳужайра пўсти тикланади (2-расм).

Ҳужайра пўсти рангиз бўлиб, ёруғлик нурини ўзидан осонлик билан ўтказади. Ҳужайра пўсти унга шакл бериш билан бирга цитоплазми, айниқса, плазмалемма қаватини ҳимоя қиласиди. Макрофибрillалар оралиқларида тирқишлир орқали ҳужайрага моддалар қабул қилинади ва ташландиқ моддалар ташқарига чиқарилади.

Целлюлоза — кислотали ва ишқорли хусусиятга эга бўлмаган индеферент бирикма. У юқори температурага чидамли ва кучсиз ишқорий ёки кислотали эритмада қайнатилганда ҳам осонликча эримайди.

Ҳужайра пўсти унинг ҳаёт фаолияти давомида чуқур ўзгаришларга учрайди. Цитоплазма лигинин моддаси ишлаб чиқарса, ҳужайра пўсти ёғочланади. Цитоплазма суберин моддасини ишлаб чиқарса, ҳужайра пўсти пўкақланади, кутин моддасини ишлаб чиқарса, барг пластинкаси, мева усти ва ёш новдаларда кутикула пардаси ҳосил бўлади. Целлюлоза лигинин, суберин ва кутин бирикмалари тўқималарнинг мустаҳкамлигини таъминлайди, микроорганизмлар ва ҳашаротлар таъсиридан сақлайди.

Кўп ҳужайрали ўсимликларда ҳужайрааро алоқа йўллари борлигини И. Н. Горожанкин (1848—1904) кузатиб, уларга плазмодесма деб ном берган. Плазмодесмалар фақат ўсимлик ҳужайраларига хосдир. Уларнинг сони бир неча юз



4-расм. Магизнинг электрон микроскопда катталаштирилган ҳолда кўринниши.
1 — магизча; 2 — магиз пўстининг оралиқлари; 3 — рибосомалар; 4 — эндоплазматик тўр;
5 — Гольжи аппарати; 6 — митохондрий; 7 — магиз.

донача бўлади. Плазмодесмалар плазмолемма мемранаси ҳисобига ҳосил бўлганлиги электрон микроскопда кузатилган (3-расм).

Магиз. Ҳужайра таркибидаги муҳим органоидлардан бири ядро эканлигини 1833 йилда инглиз олими Броун аниқлаган. Бироқ мемранага ўралган ва тўла тикланган ядро ҳамма ўсимлик вакилларида учрамайди. Шунга кўра барча ўсимлик вакиллари прокариот ва эукариот деб аталган гуруҳларга бўлинади. Бактерия ва кўк-яшил сувўтларида тўла ривожланиб, шаклланган ядро бўлмаганлиги сабабли, уларга прокариотлар дейилади. Пўстга ўралган ва тўла ривожланган ядроли ўсимликлар эукариот гуруҳига киради.

Ўсимлик ҳужайрасидаги энг йирик органоидлардан бири ядронинг ҳажми 10—25 мкм оралиғида. Ядро электрон микроскоп орқали кузатилганда пўсти 2 қаватли мемранадан иборат эканлиги кўринади. Мемраналар оралиғидаги бўшлиқقا перенуклеар бўшлиқ деб айтилади. Перенуклеар бўшлиғи энхилема деб аталган суюқлик билан тўлган бўлади. Ядро пўстининг айrim жойларида мураккаб тузилишга эга бўлган тирқишилар жойлашган. Шу тирқишилар воситасида ядро билан цитоплазма ўртасида зич муносабат боғланади. Жумладан, ядродан цитоплазмага информацион РНҚ молекулалари, рибосомаларнинг синтезланиши учун зарур бўлган РНҚ бўлаклари, цитоплазмада эса ядрога оқсиллар ва бошқа ядро ҳаёти учун зарур бирималар ўтиб туради.

Ядро пўсти ичидаги шираға кариоплазма ёхуд кариолимфа дейилади (4-расм). Кариолимфада махсус бўёқлар билан бўяладиган хроматин иплари ва ядроча жойлашган. Хроматин иплари ҳисобига хромосомалар тикланади. Хромосомалар хроматида деб аталган бўлакларга бўлинган. Ҳар қайси хроматида таркибида, ингичка ип шаклида, хромонема жойлашади. Хромонема ўз таркибида ДНК молекулаларини сақлайди. Хромонема ва ДНК молекулалари бирлашиб спирал шаклида буралган ҳолатда бўлади. Ҳужайрадаги жами ДНК молекулаларининг 95—99% и ядрода жойлашган. ДНК молекулалари асосий характерга эга бўлган ва оддий оқсиллар гуруҳига кирган гистонлар билан бирга мураккаб оқсил — нуклеопротеидни ҳосил қиласди. Кариолимфа, юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари, проламин ва гистон гуруҳларидаги оқсиллар, глюкопротеидлар, рибосома, н-РНК, РНК молекулалари ҳамда нафас олиш жараёнинг анаэроб фазасида қатнашадиган ферментлар ҳам мавжуд.

Ядро таркибида бир ёки бир нечта ядроча бўлиб, уларнинг асосий функцияси рибосома РНК молекулаларини синтезлашдир. Унда ҳосил бўлган РНК ёки унинг бўлаклари тирқишилар орқали цитоплазмага ўтиб, рибосомани тиклашда қатнашади. Тикланган рибосомада оқсилларнинг синтезланиши таъминланади.


Ядро(магиз)нинг асосий функцияси ирсий белгиларни насланд-наслга етказиб беришдир.

Цитоплазма ядросиз, ядро цитоплазмасиз яшай олмайди. Ҳужайра нормал ҳаёт кечирган тақдирдагина ҳар бир ўсимлик тури ўзига хос ирсий белгиларни бир авлоддан иккинчи авлодга ўтказади.

Ирсий белгиларнинг ўзгаришида ташқи факторлар, физиологик актив моддалар, химиявий бирикмалар, радиация нурлари ва турли физикавий ҳодисаларнинг аҳамияти катта.

Химиявий таркиби жиҳатдан ядро мураккаб органоиддир. Ядро ичидаги кариоплазмада рибоуклеин (РНК), дезоксирибонуклеин (ДНК) кислоталари, турли туман ферментлар мавжуд. Шунинг учун ҳар қайси ўсимлик турида махсус оқсиллар синтез қилинади. Хромосомаларда ДНК молекулалари жойлашиб, ирсий белгиларни ўтказишда, оқсил ферментларини, цитоплазма оқсилларини ва ўзига хос информацион РНК бирикмаларнинг синтез қилинишини идора қиласди.

Митохондрий — хондриосомалар. Митохондрий ёки хондриоцит омадеб аталувчи мазкур ҳужайра органоидларининг ҳажми 0,5—0,7 мкм оралиғида бўлиб, улар ипсизмон, донсизмон ва таёқча шаклида эканлигини 1874 йилда И. Д. Чистяков кузатган. Улар устида иш олиб борган Ф. Мевес (1904), ҳужайранинг бу органоидига ип-дон маъносида митохондрий деб ном берган.




5-расм. Митохондрийнинг схематик күрниши:

A — умумий күрниши: 1 — ташқи мембрана; 2 — ички мембрана; 3 — митохондрийни тұлдіриб тұрган суюқлик — матрикс; 4 — матрикс ичидә Ca үшін Mg элементтеринің сақлаган гранулалар; 5 — кристлар; 6 — ташқи ва ички мембраналар оралығы; 7 — F₁ бүлакчалар; 8 — кристенинг бир бұлғагы.

Б. Кристенинг молекуляр түзилиши: 1 — ташқи мембрана; 2 — ички мембрана; 3 — мембрана орасидагы бүшлиқ; 4 — оксил молекулалари; 5 — липоид қаваты; 6 — Кребс циклида қатнашадиган ферментлар занжыры; 7 — F₁ бүлакчалари (АТФ молекулалары синтезланишини таъминловчи танаачалар); 8 — кристенинг бир бұлғагы.

Митохондрий пүсти электрон микроскопда күзатылғанда ташқи ва ички деворлардан ташкил топғанлығы аниқланды. Уннинг ташқи девори цитоплазма билан яқын муносабатда бўлиб, моддаларнинг ичкарига ва ташқарига ҳаракатлантириб туришни таъминлайды. Ички девори ҳисобига митохондрийни ичидә кўндаланг тушган пардалар мавжуд. Шу кўндаланг тушган пардаларга кристалар дейилади. Крист пардалари мураккаб тузилишга эга бўлиб, З қават мембраналардан ташкил топған. Кристлар орасидаги бүшлиқ — матрикс суюқлик билан тұлған (5-расм). Матрикс таркибида липопротеид, фосфолипид, РНК, ДНК молекулалари, шунингдек, А, В, К ва Е витаминлари ҳамда нафас олиш жараёнининг аэроб фазасида (Кребс циклида) қатнашадиган ферментлар маълум изчилликда жойлашган. Митохондрийларнинг асосий вазифаси нафас олиш



6- расм. Рибосоманинг:

A — ташқи күринни; B — информацион РНК; B' — ташувчи (транспорт) РНК молекулалари; Γ — синтезланган оқсил молекуласи.


жараёнида органик моддаларнинг оксидланиши натижасида бўшаб чиқсан энергия ҳисобига АТФ молекулаларини синтезлашдан иборат. Оксидланиш жараёнида бўшаб чиқсан энергия ҳисобига АДФ молекуласига фосфор кислота қолдиги қўшилишидан АТФ молекулалари синтезланади. Бу ҳодисага оксидланиш ҳисобидан **фосфорланиш** деб аталади.

Хосил қилингани АТФ митохондрийнинг ташки девори орқали цитоплазмага чиқади ва АТФ энергияси ҳужайрада содир бўладиган жараёнларда сарфланади. АТФ дан фосфор кислота ажralгач АТФ АДФ га ўзгаради. Хосил бўлган АДФ қайтадан митохондрий ичига ўтиб, АТФ янги молекуласининг синтез бўлишида катнашади.

Митохондрийлар оддий бўлиниш ва куртакланиш йўли билан кўпаяди. Бошқа баъзи олимларнинг айтишича, улар ядропўстидан ажралган ва инициал деб аталган бўлакчалар ҳисобига кўпаяди. Уларнинг фаолияти 5—10 кун давом этади.

Рибосомалар. Ҳужайра ичидағи 10—30 нм катталиктадағи донадор жисм (гранула)лар рибосомалар дейилади (Д. Паллада, 1955). Улар цитоплазма, ядро ва эндоплазматик түр мембраннында якка ёки бир-бирига уланган ҳолда жойлашади. Бир-бири билан уланиб занжирсімөн жойлашса, полисома дейилади. Ядро ва, айниқса, эндоплазматик түр мембраннында жойлашған рибосомалар оқсил молекулаларини ҳосил қилишда актив қатнашади. Рибосома таркибидә 50% оқсил ва 50% РНҚ молекулалари мавжуд.

Рибосомаларнинг ҳар қайсиси битта юқори молекулали РНҚ ва бир неча оқсил молекулаларидан ташкил топған иккى қисмдан иборат (6-расм). Улар Mn, Ca, Co, Mg элементлар воситасыда бир-бири билан боғланған. Бу элементлар етишмаса, рибосома сүбединиц (50 S ва 30 S) деб аталған бүлактарга ажралып, үз функциясини бажара олмайды. Полипептид занжирлари рибосомаларда синтез қилинади.



7-расм. Гольжи аппаратининг тузилиши:

А. Илдиз-гилофи ҳужайра бүлгенининг электрон микроскопда күрниниши (Молленхауер, 1961); 1, 2, 3 — диктиосомалар; 4 — эндоплазматик түр; 5 — цитоплазма — гиалоплазма; 6 — митохондрий; 7 — вактасынан рибосомалар.

Б. Диктиосоманинг катталаштырылған ҳолда күрниниши: 1 — цистерна (бұшлиқ)лар; 2 — пузфакчалар.

Диктиосома (Гольжи аппарати) мавжудлигини Гольжи (1898) аниқлаган. Бу органоид К. Гольжи аппарати деб ҳам юритилади.

Улар ўсимлик ҳужайраларда юмaloқ, ўроқ ва таёқча шаклида бўлиб, диктиосома деб аталади. Электрон микроскопда диктиосомалар 5—8 тадан ётган қопчиқчалар, найчалар ва катта-кичик пуфакчалар шаклида кўринади (7-расм).

Моддалар алмашинувида ҳосил бўлган баъзи бирималар ва четдан кирган заҳарли моддалар диктиосомада тўпланганиги аниқланди. Диктиосома мемброналарида полисахарид ва липоид моддалар синтез қилинади. Улар лизосома ва ҳужайра пўстини ҳосил қилишда қатнашади.


Лизосомалар. Гидролиз жараёнларида қатнашадиган ферментларни ўзида сақловчи танаchalар лизосомалар деб аталади (Де-Дюву, 1955). Улар 1 мкм катталикда бўлиб, шакли думалоқ. Лизосомалар ҳужайранинг озиқ ҳазм қилиш системаси деб қаралади. Чунки ташқи муҳитдан фагоцитоз ва пиноцитоз йўли билан қабул қилинган озиқ моддалар лизосомадаги ферментлар таъсирида парчаланиб, ўзлаштирилади. Лизосомалар четдан қабул қилинган ва заҳарли моддаларни жамлаб (локализация қилиб) олади, деган фикрлар ҳам бор.

Сферосомалар — микросомалар. 0,55—0,9 мкм катталиктаги доначалардир. Сферосомаларда эстераза, гидролаза, липаза, фосфатаза, дезоксирибонуклеаза ферментлари борлиги аниқланган. Бироқ улар ҳали етарли даражада текширилмаган.

Эндоплазматик тўр ёки эндоплазматик ретикулум. Ҳужайра цитоплазмасини электрон микроскоп ёрдамида текширилганда тўр шаклида жойлашган мемброналар мавжудлиги аниқланниб, улар эндоплазматик ретикулум деб аталади. Улар найча қопчиқча (цистерна), вакуолалар шаклида бўлиб уч қаватдан иборат. Баъзиларининг устида кўп миқдорда рибосомалар жойлашган бўлиб, донадор эндоплазматик тўр деб юритилади (8-расм).

Эндоплазматик тўр оқсил ва лиpid бирималаридан иборат. Унинг таркибида АТФ-аза, оқсил ва липидларни синтезловчи ферментлар ҳам мавжуд. Эндоплазматик тўр бўшлиқлари орқали моддалар ҳаракатланади. Моддалар алмашинувида ҳосил бўлган бирималар аралашиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида тўр ком портмент деб аталган хоначаларга бўлинган.

Пероксисома. Ҳайвон ҳужайра-



8-расм. Эндоплазматик тўр — ретикулумнинг схематик кўриниши:

1 — ҳужайра пўсти; 2 — плазмалемма қавати; 3 — эндоплазматик тўр мемброналари; 4 — цистерна шаклида жойлашган эндоплазматик тўр; 5 — плазмодесма; 6 — цитоплазма (гиялоплазма); 7 — вакуола.

ларидаги таначалар, уларга пероксисома дейилади (Де-Дюву, 1965). Ўсимлик ҳужайраларида кузатилган шундай таначаларга глиоксисома деб аталган таначалар ёруғликда гликол кислотанинг оксидланишида, фотонафас жараёнида қатнашади. Улар эндоплазматик түр билан зич муносабатдадир.

Вакуола ва ҳужайра шираси. Вакуола эндоплазматик түр ҳисобига ҳосил бўлади. Эндоплазматик бўшлиқ («цистерна») ларда оқсиллар, углеводлар, пектин ва бошқа органик моддалар тўпланди. Кейинчалик «цистерна»лар ҳажми кенгайиб ва бир нечаси қўшилишидан умумий вакуола юзага келади.

Вакуолада сув ва анерганик моддалар тўпланиб, ҳужайра ширасини ташкил этади. Вакуоладаги бирикмаларнинг бир хилларини ўсимлик ўзлаштиурса, бошқалари ташландиқ ёки заҳира озиқ модда бўлиб хизмат қиласади.

Ҳужайра шираси таркибида оддий ва мураккаб углеводлар, глюкозидлар, ошловчи моддалар, алколоидлар, кислоталар, пектин моддалари, оқсиллар, минерал тузлар, каучук ва гуттаперча, смола, фитонцидлар, витаминлар ва ферментлар бўлади. Булардан ташқари, антоциан, антохлор ва антофен деган тўқимага ранг берувчи пигментлар ҳам бор.

Пластидалар — маҳсус функцияни бажарувчи таначалардир. Улар фақат ўсимлик ҳужайраларида учрайди. Катталиги 3—10 мкм бўлиб, эллипссимон, юмалоқ ёки бошқа шаклда бўлади.

Пластидаларнинг негизи строма деб аталади. Строма оқсил ва липоидлардан ташкил топган.

Лейкопластлар хромо- ва хлоропластларга айланиб туради. Ўз навбатида хромопласт ва хлоропластлар ҳам рангизланиб лейкопластларга айланади. Масалан, ёш сабзи ҳужайра пластидаларида каротиноидларнинг тўпланишидан у қизил ёки сариқ рангли бўлади. Агар сабзининг илдиз бўғзи ёруғликда қолдирилса, унда яшил рангли хлоропластлар ҳосил бўлади. Наъматак етилганда эса унга яшил ранг берадиган хлорофилл пигменти тарқалиб, ўрнига каротиноидлар тўпланди. Натижада хлоропласт хромопластга айланади.

Хлоропластлар яшил хлорофилл пигмент сақлаган пластидалардир.

Ўсимликнинг яшаш шароитига қараб хлоропластларнинг шакли ва ҳажми ҳам турлича бўлади (9-расм).


Сувўтларидаги пластидалар хроматофорлар дейилади. Улар йирик, ҳар хил шаклда: лентасимон, пластинкасимон бўлади (10-расм).

Хлоропластлар баргларда, яшил пояларда, меваларда ва дарахт пўстлоқларида кўп бўлади. Улар ёруғлик қувватига биноан ҳужайранинг турли қисмларига қараб актив ҳаракат қиласади.

Хлоропласт таркибидаги хлорофилл миқдори ўсимлик қуруқ массасига нисбатан 0,8% ни ташкил этади.


Хлоропластларда ДНК, РНК, А, Д, Е ва К витаминлар, ҳар хил ферментлар, хлорофилл молекулалари «а» ва «б», «с» ва «д» мавжуд.

Хромопластлар. Таркибидан каротин ва ксантофилл пигментлари бўлган сариқ, сариқ-зарғалдоқ ва қизғиши рангли пластидаларга хромопластлар дейилади. Хромопластлар наъматақ, тарвуз, қизил гармдори, помидор меваларида, лола, сариқ хризантема гулбаргларида ва сабзи илдизмевасида учрайди (11-расм).



9-расм. Исмалоқ хлоропластинынг схематик тузилиши:


1 — хлоропласт мембранаси; 2 — гранула; 3 — тилакоид; 4 — строма; 5 — ёғ томиллар; / 6 — ламеллалар.



6. Маккажӯхори хлоропластинынг электрон микроскопда кўриниши:

1 — хлоропластларнинг ташқи мембраваси; 2 — гранулалар; 3 — гранулаларни бирлаштирувчи пластинкалар — ламеллалар.

Хромопластларнинг ҳужайрада тутган ўрни тўла аниқланмаган, бироқ улар хлорофилл молекулаларини оксидланишдан ҳимоя қилиб, органик моддаларнинг синтезланишида бевосита




10-расм. Тури суvутларида учрайдиган хлоропластлар (хроматофорлар):

1 — зигнемада (юлдузсимон); 2 — жигар мохида (соявонсимон); 3— спирогира (тасмасимон); 4 — Родохортонда (товорсимон); 5 — Эндогониумда (панжарасимон); 6 — Хламидомонадада (косачасимон); 7 — Халқаланган товорсимон дропарнальдия; 8 — Клостридиумда (пластинкасимон) күринишларда учрайди.

қатнашади, деган фикрлар ҳам бор. Гулбардларининг ранг-бранг бўлиши каротиноидлар (рангли пигментлар гуруҳи)нинг биологик аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Лейкопластлар — рангсиз пластидалар. Ҳажми ва шакли хромопластларга яқин бўлиб, ўсимлик органларининг ҳамма қисмida учрайди.

Таркибида оқсил молекулалари кўп тўпланган лейкопластлар — протеопласт, ёф молекулалари кўп тўпланса, олео-



11- расм. Хромопластлар:

1 — пастурция тожибаргид; 2 — сабзи илдизмевасида; 3 — гармдори мева пўсти (перикарпий)да.



12- расм. Лейкопластларнинг жойлашиши (чапдан ўнгга):

традесканция эпидермисида; бойчечак баргиннинг устки эпидермисида; маккажӯхори эндоспермасида (уругда озиқ моддаларни тўпловчи маҳсус түқимада):

й л а с т, крахмал молекулалари кўп тўпланса амилопластлар дейилади.

Цитоплазмада лейкопластларнинг, кўпинча, ядро атрофида тўпланиши, уларда моддалар алмашиниш жараёни билан боғланиш борлигини эслатади (12- расм).

Үсімліклар ұхжайрасида учрайдиган ва уни ташкил этгандың компонентлары, уларнинг асосий функциялари

Хужайра компонентлари	Компонентларнинг асосий вәзифалари
Хужайра пүсти	Хужайрага шакт үшін мустақамлық беріш, ташқы мұхит омылларидан ұхмоя қилиш, моддаларнинг үтишини таъминлаш
Вакуола	Осмотрек жараёнларни тартибга солыш, зақира моддаларни түпласшылаш үшін озиқ моддаларни ҳазым қилиш
Ядро	Генетик информацияларни сақлаш үшін ирсият белгиларини наследдан-наслеге үтказыши таъминлаш
Ядроча	РНҚ молекулаларнин синтезлаш үшін тәксимлашында қатнашиш
Митохондрийлар	Нафас олиш жараённан асосан аэроб фазадаги Кребс циклигінен АТФ ни синтезлайдиган органоид
Хлоропластлар	Фотосинтез жараённан аносан фотофосфорланиш реакциясы үтишина қарастырылған
Голжи аппарати—диктиосома	Углеводларни түпласшылаш, уларнан ажратылған қиқараш үшін ұхжайра пүстининг тикланишини таъминлаш
Эндоцитматик түр	Моддаларнинг қаралтланишини тартибга солып үшін алмашиның марказларини белгилешкен таъминлаш
Лизосома	Озиқ ҳазым қилиш органды
Сферосома	Еелар түпленіши үшін сақланишини таъминлаш

Жүжіліра компонентлари		Компонентларнинг асосий вазифалари
ПРОТОПЛАСТ Протоплазма-цитоплазма	Рибосомалар	Оқсилларнинг синтезланишига масъул
	Микро танаачалар, пироксисома, глиоксисомалар	Глиоксалат цикли ва фотонафас олишда иштирок этиш
	МикроМайлар	Целлюлоза микрофибралларини маълум тартибда ўриашинин таъминлаш
	Асосий цитоплазма	Нафас олишда субстрат вазифасини бажариш ва гликолиз жараёнининг ўтишида иштирок этиш
	Плазмалемма	Моддаларнинг ташқаридан ва ичкаридан ҳаракатланишини тартибга солиш ва ҳимоячилик вазифасини ўташ


Цитоплазманинг тузилиши ва химиявий таркиби

Тирик мавжудотларнинг ҳаёт жараёнлари цитоплазмада ўтиши барча органоидларни ўзида сақлаганлигини назарда тутиб, цитоплазма умумий муҳит — субстрат деб танилади.


Цитоплазмадан ажralган ҳар қайси органоид алоҳида ва мустақил ҳаёт кечира олмайди. Органоидлардан ажратиб олинган цитоплазмада ҳам мустақил моддаларнинг алмашиниш жараёнлари кузатилмайди. Ҳаёттй жараёнларнинг ўз вақтида узлуксиз давом этиши учун цитоплазма ва ундаги органоидлар эволюцияда жорий этилган қонун ва қоидалар асосида ўз функцияларини түхтөвсиз бажариши зарур. Шунинг учун ҳужайрани махсус жуда мураккаб тузилган тирик организмнинг асосий бўлакчаси деб қараш керак.

Субмикроскопик тузилиши жиҳатдан цитоплазма уч қаватдан иборат. Биринчи қавати ҳужайра пўстига тегиб туради. Бу қават оқсил ва ёғсимон липоидлардан иборат бўлиб, плазмалемма дейилади.

Плазмалемма уч қатор кетма-кет жойлашган мембраналардан иборат. Ўртада жойлашган мембрана (13-расм) 2 қатор ёғсимон — липоид молекулалардан ташкил топган. Липоид молекулалари эса оқсил табиатли мембрана оралиғида жойлашган. Бу қават цитоплазмани ҳимоя қилади ва ҳужайрага ташкил муҳитдан моддаларнинг ўтишини таъминлайди.



1



2

13-расм. Биологик мембраналарнинг ҳар хил түзилиши:

1 — оқсил молекулаларини ёғсимон модда— фосфолипид қавати орқали ўтиб туриши ва унинг жойлашиши; 2 — фосфоглицид молекулаларининг оқсилдан ташкил топган курралар ичидаги жойлашиши.

Таркибида оқсиллар, ёғлар, липоидлар, углеводлар, РНҚ, сув, минерал элементлар ва бошқа бирикмалар бор.

2-жадвал

Карам барги цитоплазмасининг таркиби

Барг тўқимасидаги моддалар	Куруқ модда, % ҳисобида
Оқсиллар	63,11
Ёғлар, липоидлар ва эфирда эрувчан бирикмалар	20,75
Кул	6,45
Аниқланмаған моддалар	9,5

Хужайра таркибида сув миқдорининг кўп ёки оз бўлиши ўсимлик тўқимасининг ҳолатига боғлиқ. Масалан, қуруқ уруғларида, донларда сув миқдори 10—15% дан ошмаса, майса ва ўсиб турган ўсимлик тўқимасида 75—90% га етади..

Хужайра таркибидаги моддаларнинг кўпчилиги гидрофилл ва гидрофоб коллоидлардан иборат. Шунинг учун хужайрада моддалар алмашиниш жараёнларининг ўтиши ана шу колло-

Цитоплазманинг учинчи қавати тонопласт дейилади. У оқсил ва липоид молекулалардан ташкил топган бўлиб, хужайра ширасини ўзида сақлаган бўшлиқни — вакуолани ўраб олади.

Тонопласт мембранаси ҳам плазмалемма сингари тузилган. Бироқ липоид мембранныни ташкил этган липоид молекулалари бир неча қатор жойлашган. Тонопласт қавати вакуолага сув ва бошқа моддаларнинг ўтишида назорат қилиш вазифасини бажаради:

Плазмалемма ва тонопласт ўртасида жойлашган қават мезоплазма дейилади. Мезоплазмада ҳужайранинг ҳамма органоидлари жойлашган бўлиб, у ярим суюқ, ярим қуюқ коллоид моддадан иборат. Унинг

идлар ҳолатига боғлиқ. Жумладан, коллоидлар қаттиқ(гель) ҳолатда бўлганда моддалар алманиши жараёни, яъни биохимиявий ва физиологик жараёнлар секинлик билан давом этади. Коллоидлар суюқ (золь) ҳолатга ўтганда эса моддалар алманиши жараёни тезлашади.

Усимликларда ўсиш, ҳаракатланиш, кўпайиш, наслий белгиларни бир авлоддан иккинчи авлодга ўтишини таъминлаш ва ташқи омилларга мослашиш хусусиятларининг давом этиши, уларнинг ўтиш жараёни ҳужайра таркибидаги коллоидлар ҳолатига боғлиқ. Шуларни назарда тутиб коллоидларнинг хусусиятлари, яъни дисперс система, дағал, коллоид ва чин эритмалар ҳақида тушунча ҳосил этиш зарур.

Дисперс системалар

Бирор модда ичида бошқа модда заррачалари бир текис тақсимланишига дисперс система дейилади. Одатда, тарқалган модда дисперс фаза, уни ўраб олган модда дисперс муҳит деб аталади.

Дисперс муҳит суюқ, унинг ичида тарқалган дисперс фаза суюқ, қаттиқ ёки газ ҳолатидаги модда бўлиши мумкин. Дисперс фаза заррачаларининг ўлчамига кўра система дағал, коллоид ва чин эритма деб юритилади. Заррачаларнинг катта-кичиклигига қараб дисперс эритмалар ва моддалар жадвалда келтирилганидек, уч гуруҳга бўлинади:

3- жадвал

Дисперс эритма турлари	Дисперс фаза заррачалари ўлчами
Дағал эритма	0,1 мкм дан йирик
Коллоид эритма	0,001—0,1 мкм гача
Чин эритма	0,001 мкм дан кичик

Дисперс системада модда заррачаларининг ҳажми эритувчининг турига қараб ўзгарилиши. Натижада эритма тури ҳам ўзгариб кетади. Масалан, ош тузи кристаллари сувда эритилса NaCl ион ва молекулалар ҳолида тарқалиб чин эритма, бензолда эритилганда эса коллоид эритма ҳосил қиласди.

Икки компонентли эритмалардан ташқари, ўзида бир нечта ҳар хил моддаларни сақлаган мураккаб эритмалар ҳам табиатда кенг тарқалган. Мураккаб эритма таркибида бир вактнинг ўзида дағал, коллоид ва чин эритмалар бўлиши мумкин. Масалан, ўсимлик ҳужайра цитоплазмасида турли субмикроскопик органондлар ва ёф томчилари каби киритмалар дағал эритма, оқсил ва бошқа органик бирикмалар коллоид эритма ҳосил қиласди. Ҳужайра ширасидаги сув муҳитида анерганик моддалардан тузлар, кислоталар, органик моддалар-

дан глюкоза, органик кислота ва аминокислоталарнинг мавжудлиги чин эритмаларни эслатади.

Дагал дисперс системаларга суспензия, кўпиклар, кукунлар аэрозоллар, эмульсия мисол бўлади. Суюқ дисперс муҳит ичида тарқалган дисперс фаза заррачалари қаттиқ модда бўлса, бундай аралашма суспензия дейилади. Дисперс муҳит ҳам, унинг ичида аралашган дисперс фаза заррачалари ҳам суюқ ҳолатда бўлса, бошқача айтганда, бир-бирида эримайдиган суюқ моддалар аралашмаси эмульсия деб аталади. Масалан, сувга мой аралаштириб чайқатилганда эмульсия ҳосил бўлади. Сут ва маргарин ҳам шунга мисол бўла олади. Чангтўзон, кофе, какао ва цементнинг сувдаги эритмаси суспензияга мисол бўлади.

Дагал дисперс эритмаларда дисперс фаза заррачалари дисперс муҳитдан ажралиб туради. Заррачалар ё муҳит устида тўпланади ёки муҳит тубига чўкади. Бу ҳодиса дисперс муҳит ва дисперс фаза моддаларининг солиштирма массасига боғлиқ. Масалан, дисперс муҳит солиштирма массасидан дисперс фаза заррачаларининг солиштирма массаси оғир бўлса, улар чўжмага ўтади, енгил бўлса муҳит устида тўпланади.

Кўпиклар суюқ ва қаттиқ ҳолатда учрайди. Қаттиқ кўпикларга нон, пемза, пенопласт, зефир ва бошқалар мисол бўлса, суюқ кўпикларга совуннинг сувдаги аралашмаси (кўпиги) ва ёнғиниларни ўчиришда ишлатиладиган CO_2 гази билан бойитилган моддаларни айтиш мумкин. Кўпиклар таркибида дисперс фаза газ ҳолатидаги моддалар бўлганлигидан кўпикнинг 90% ини ташкил этади. Дисперс муҳит кўпикни ташкил қилишда қатнашган моддалар молекуласи ҳисобига ҳосил бўлган парда, бўшлиқ — пуфакчалардир. Масалан, сувга совун аралаштирганда совун асосини ташкил этган ёғ кислота тузларининг бирлашишидан ҳосил қилинган пардалар муҳит ҳисобланади.

Кукун(порошов)ларга мисол қилиб цемент, алибастр, оҳак уни, минерал ўғитлар, қуруқ крахмал, какао ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Кукунларда ҳаво дисперс муҳит бўлиб, юқорида кўрсатилган моддаларнинг тақсимланиши дисперс фазани ташкил этади.

Газ ҳолатидаги дисперс муҳит ичида бирорта суюқ ёки қаттиқ модда тақсимланса аэрозоль дейилади. Газ ичида суюқ моддалар тарқалганларига булат, туман; қаттиқ моддалар тарқалганлигига тутун, чанг мисол бўлади,

Молекуляр ва ионли дисперс системани ташкил этган дисперс фаза заррачаларининг ўлчами 1 нм дан кичик. Сувда осонлик билан эрийдиган шакар, аминокислота ва спирт каби органик бирикмалар молекуляр дисперс системага мисол бўлса, анорганик моддалардан тузлар, кислоталар ва ишқорларнинг эритмалари ионли дисперс системани ташкил этади.

Чин эритмаларда дисперс муҳит ва дисперс фаза заррачалар ўртасида чуқур муносабат мавжуд бўлса, яъни реакцияга киришса аралашма қизийди ($\text{K} + \text{H}_2\text{O}$; $\text{H}_2\text{SO}_4 + \text{H}_2\text{O}$) ёки со-

вийди ($\text{NH}_4\text{NO}_3 + \text{H}_2\text{O}$). Баъзан аралашманинг ҳажми ўзгаради (спирт + H_2O). Д. И. Менделеев таъбирича, чин эритмалар моддаларнинг оддий аралашмаси бўлмасдан, улар ўзининг табиати билан химиявий боғлаинган бирикмаларга яқин туради. Молекуляр-ионли эритмалар бир фазали гомоген аралашмалардир.

Чин эритмада дисперс фаза заррачалари ёруғлик нурини ютмайди, ўзидан ўтказади. Шунинг учун уларни ультрамикроскопда кузатиб бўлмайди. Эритма оптик жиҳатдан тиниқ бўлади. Дисперс фаза заррачалари кичик бўлган чин эритмаларда Р. Броун ҳаракати ва Д. Тиндалъ конуси кузатилмайди. Чин эритманинг асосий хусусиятларидан бири — ярим ўтказувчи пардалар орқали осонлик билан ўтишидир. Уларнинг бу хусусиятидан фойдаланиб, коллоид эритмаларда тарқалган чин эритма заррачалари ажратиб олинади. Бунинг учун турли шаклдаги диализаторлар қўлланилади. Чин эритма заррачаларини ажратиб олиш усули диализ дейилади.

Коллоид дисперс система. Табиатда химиявий моддалар икки катта гуруҳга бўлинади (Х. Грем, 1861). Кристаллоидлар, яъни кристалланиш қобилияти бўлган моддалар, масалан, ош тузи, шакар кабилар; коллоидлар, яъни кристалланиш қобилияти бўлмаган елим, оқсил каби бирикмалар.

Коллоид юонча «коло»— елим маъносини билдиради. Ўз даврининг йирик олимлари (И. Г. Боршцов, 1869 ва П. П. Веймарн, 1904) коллоид эритмалар Х. Грем айтганидай, махсус ва ўзгармайдиган аралашма бўлмасдан, дисперс муҳитнинг табиатига боғлиқ экан. Жумладан, совун сувда эриганда коллоид эритма, спиртда эриганда эса чин эритма ҳосил қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, дафал, коллоид ва чин эритмалар дисперс муҳит ва дисперс фаза заррачаларининг табиатига кўра, бир шаклдан иккинчи шаклгә ўтиб турар экан.

Коллоид эритма заррачалари эритувчи (сув)га бўлган муносабатига кўра лиофил (гидрофилл) ва лиофоб (гидрофоб) туругларга бўлинади. Гидрофил коллоид заррачалар эритувчи билан муносабатга киришиб, дисперсион муҳит молекулаларини ўз атрофига кўпроқ тўплайди. Гидрофоб коллоид заррачаларда бундай хусусият деярли кузатилмайди.

Коллоид заррачалар 0,001 мкм дан катта бўлганлигидан, улар ярим ўтказувчи парда орқали ўта олмайди. Ультрамикроскоп ёки «қора майдон» конденсори орқали оддий микроскопда кузатилганда коллоид заррачалар ялтироқ доначалар шаклида кўринади ва Тиндалъ конусини ҳосил қиласди. Уларда Броун ҳаракати кузатилади. Коллоид заррача адсорбциялаш хусусиятига эга, яъни адсорбент сифатида бошқа заррача ва молекулаларни ўзига боғлаб олади.


Гидрофоб ва гидрофилл коллоид заррачалар мусбат ёки манфий зарядли бўлади. Физика қонунига асосан бир хил зарядлилар бир-биридан қочади. Бу коллоид заррачаларнинг дисперсимон муҳитда чўкмаслигини таъминлайди. Дисперсион муҳит заряди коллоид заррача зарядига қарама-қарши бўл-

гаңда мұхит заррачалари коллоид заррачага адсорбцияланади, яғни бир-бири билан боғланади. Натижада зарядлар йириклишиб мицелла ҳосил қиласы. Мицеллаларнинг ұажми катта бўлишига қарамай, коллоид эритма ташқи кўриниши жиҳатдан чин эритмага яқин туради. Коллоид заррачаларни ўраган мұхит қавати сольват, ҳодисаси эса сольватланыш дейилади. Дисперсион мұхит сифатида сув молекулалари иштирок этса, гидратланыш ҳодисаси деб аталади.

Сув молекулалари манфий ва мусбат зарядларни сақлаган лигидан улар диполь, яғни икки зарядлы ҳисобланади. Коллоид эритма табиатига кўра ундаги заррачалар манфий ёки мусбат бўлади. Сув молекулалари билан коллоидлар ўзаро муносабатга киришганда сув молекулалари манфий ёки мусбатлик хусусиятини юзага чиқаради. Коллоид заррачаси мусбат бўлса, сув молекулалари ўзининг манфий белгили томони, аксинча, коллоид заррачаси манфий бўлса, мусбат белги томони билан бирлашади (14-расм).


Коллоид эритмага электролит ионлари қўшилса, уларнинг заррачалари коллоид заррача марказига жойлашиб, уларни нейтраллайди. Коллоид заррача изоэлектрик нуқта (ИЭН) ҳолатига ўтади. Изоэлектрик нуқтада гидрофоб коллоидлар қайтадан эримайдиган чўкма ҳосил қиласы. Бу ҳодиса коагулланыш дейилади. Масалан, аччиқ чой эритмасига лимон кислота таъсир эттирасак, танин ўз атрофидаги боғланган сув молекулаларини йўқотиб чўкмага ўтади. Бунда ошловчи модда – танин коагулланади.

Гидрофил коллоидлар ҳам коагулланади. Масалан, гидрофил коллоид оқсил эритмасига юқори температура ёки кучли кислота таъсир эттирилса коагулланиш ҳодисаси кузатилади. Коагулланган коллоид эритмә ҳолатига қайтмайди. Уларда бу хусусият йўқолади. Аммо гидрофил коллоидларда ўзига хос



14-расм. Гидрофилл коллоид заррачаларининг сув молекулалари билан боғланиш схемаси:

А. Сув молекуласи (дипол)нинг тузилиши; Б. Изоэлектрик нуқтада ва
В. Маълум зарядга -га бўлган коллонд заррача.



15-расм. Гидрозол коллоидларда коацерватнинг ҳосил бўлиш схемаси:

1—сув молекулалари билан ўраб олинган коллоид заррачалар; 2 — сув молекулаларининг қисман йўқолишидан сув пардасининг юқалашиб қолиши; 3 — сув қатлами йўқолиб сув пардасигосил қилиши туфайли пайдо бўлган коацерват.

коагулланиш-шўрланиш, коацерватланиш, золь ҳолатидан гель ҳолатига ўтиш ва бўкиш хусусиятлари мавжуд.

Бирор гидрофил коллоид эритма (оқсили)га туз кристаллари ёки концентрик туз эритмаси қўшилса, туз кристаллари сув молекулаларини дарҳол шимиб олади. Коллоид (оқсили) эса чўкмага ўтади. Бу ҳодиса шўрланиш деб аталади. Шўрланган оқсилига сув қўшиб концентрацияси камайтирилса, у қайтадан сув молекулаларини ўзига боғлаб тиниқ эритма ҳолатига ўтади. Бундай хусусият гидрофоб коллоидларга хос эмас.

Гидрофил коллоид эритманинг эскириб қолиши натижасида диффузион сув молекулалари камайганлигидан коллоид заррачалар бирлашиб умумий гидрат қаватига ўралади (15-расм). Коллоид эритма икки қаватга: устки коллоид заррачалардан холис сув, пастки зич коллоидларга бой эритмага ажralади. Бу ҳодиса коацерватланиш, заррачалар коацерватлар деб аталади. Баъзи коацерватлар ҳар хил зарядли ва бир неча турли коллоид заррачалардан ташкил топган. Улар мураккаб (комплекс) коацерватлар дейилади. Ҳар хил зарядли бўлганлиги учун мураккаб коацерват заррачалари бир-бирига интилади. Уларнинг атрофида маҳкам боғланган сув молекулалари заррачаларнинг бир-бирига қўшилишига ва чўкмага ўтишига йўл қўймайди, яъни коагулланмайди. Мураккаб коацерватлар ўз хусусиятини тез ўзгарта олади. Масалан, электролит қўшилганда, заррачалар заряди камаяди, натижада бир-бирига интилиш кучи ҳам камайиб, мураккаб коацерват золь — эритма ҳолатига ўтади. Температура кўтарилиганда, аксинча, заррачалар зичлашади, коагулланади — золь гелга айланади.

Комплекс коацерватларда вакуола ҳосил бўлиши, муҳитда тез тарқалиб кетмасдан ўз шаклини сақлаб қолиши, ҳажми-нинг катталашиши, ўзига моддаларни адсорбцилаши ва улар билан муносабатга киришиши ҳамда қовушоқлик хусусиятлари билан цитоплазмага ўхшайди. Академик А. И. Опарин коацер-

ватларнинг ана шу хусусиятларини назарда тутиб, ер юзида тирик мавжудотларнинг келиб чиқиши назариясини яратди. Ўнинг айтишича, ерда ҳайётнинг пайдо бўлишида комплекс коацерватлар дастлабки босқич ҳисобланади.

Гидрофил коллоидлар желатинланиш хусусиятига ҳам эга. Желатинланиш дирилдоқ (холодец) эритмасининг паст температурада қотиб қолишида кузатилади. Золь эритма ҳолатидаги полимер ва бошқа коллоидларнинг қотиб қуйқа (гель) ҳолатга ўтиши желатинланиш деб аталади. Бу ҳодиса коагулланиш ва коацерватланиш ҳодисаларидан фарқ қиласди. Бу жараёнларда коллоид заррачалари эритувчи молекулаларини йўқотиб, бир-бирига қўшилиб, чўкмага ўтади.

Желатинланишда коллоид заррачалар бир-бiri билан бирлашиб занжир, кейинчалик тўр ҳосил қилиб, тўр катакча бўшлиқлари 90% гача сув билан тўлади. Шу пайтда коллоид эритма (желатина) золь ҳолатдан гель ҳолатга ўтади. Агар температура кўтаришса ёки дисперсион муҳит миқдори кўпзийтирилса, гель ҳолатдаги коллоид заррачалар бир-биридан узоқлашиб, қайтадан золь ҳолатга ўтади. Уларнинг таркибидағи сув йўқотиши, яна желатинланиш ҳодисаси кузатилади. Желатинланиш учун сарф бўлган вақтга етилиш даври дейилади. Етилиш даври модданинг табиатига ва таъсир этувчи моддага боғлиқ. Масалан, 5% ли желатина 15°C да 50 минутдан кейин қуйқага айланса, эритмага K_2SO_4 қўшилганда желатинланиш 25 минут давом этади, яъни вақт 2 марта қисқаради.

Желатинланган ва гель ҳолатдаги коллоидларда бўкиш (сув шимиш) кучи катта бўлади. Масалан, қуруқ уруғларда шимиш кучи 1000 атмосфера босим кучига тенг бўлади. Уларнинг шимиш кучи дастлаб кучли бўлиб, сўнгра пасаяди ва кейинчалик бутунилай тўхтайди. Баъзи коллоидлар сув билан тўла тўйингандан кейин бўкиш тўхтайди. Бундай коллоидлар чекли бўкувчи коллоидлар деб аталади. Масалан, клетчатка, крахмал, желатина, цитоплазма ва бошқалар. Агар коллоид заррачалар тўла эриб, муҳитда бир текис тарқалса, чексиз бўкувчи коллоидлар дейилади. Чексиз бўкувчиларга гумми-арабик (дараҳт елими), кўпчилик оқсил бирикмалари, нитроцеллюзанинг ацетондаги ва каучукнинг бензиндаги эритмалари мисол бўлади. Чекли ва чексиз бўкувчи коллоидлар ўртасида қатъий чегара бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, паст температурада желатина ва крахмал чекли бўкувчи коллоидларга кирса, юқори температурада чексиз бўкувчи коллоидларга ўтади, сувда тиниқ эритма ҳосил қиласди.

Мутлақо бўкмайдиган коллоидлар ҳам бор, масалан, кремний гели.

Коллоид моддаларнинг бўкишида жуда катта куч ҳосил бўлади. Қадим замонларда тошларни бўлаклаш мақсадида ана шу кучдан фойдаланганлар. Бунинг учун ўсимликнинг қуруқ новдалари тош ёриқларига жойлаштирилиб, сув билан нам-

лантириб турилган. Ўсимлик тўқимаси коллоидларининг бўкиши натжасида тошлар бўлакланган.

Адсорбция коллоидларга хос бўлиб, табиатда кенг тарқалган. У тирик организмлардаги физик-химиявий жараёнларнинг ўтишида катта аҳамиятга эга.

Қаттиқ ёки суюқ модда юзасига эритма ёки буғ шаклидаги моддаларнинг ютилиб зичлашишига адсорбция дейилади. Бошقا модда заррачаларини ютган моддага адсорбент, ютилганига адсорбтив деб аталади. Агар адсорбент томонидан ютилган модда адсорбент ичига ўтса абсорбция, химиявий боғланса хемосорбция дейилади (CO_2 , SO_2 газларини $\text{Ca}(\text{OH})_2 + \text{NaOH}$ аралашмаси томонидан ютилиши). Адсорбент юзасида мавжуд куч майдони ҳисобига бошقا моддалар ютилиши адсорбция ҳодисасини юзага келтиради.

Адсорбент куч майдони ва ташқи омилларнинг таъсиридан адсорбциланадиган модда заррачалари атрофида бир, икки ва кўп қаватли парда ҳосил этади. Бир қаватли мицелла мономолекулар, икки қаватлиси бимолекулар ва кўп қаватлиси полимолекулар деб аталади.

4-жадвал

Кўриб ўтган дисперс системалар ўртасидаги мавжуд айрмалар тубандаги жадвалда келтирган

Дагал дисперс система	Коллоид дисперс система (коллонд эритмалар)	Молекуляр ион дисперс система (чин эритмалар)
Ҳажми 0,1 мкм дан катта	мкм дан кичик, нм дан катта	нм дан кичик
Шаффоф эмас, лойқа	Шаффоф-тиниқ (аммо сал хирароқ эритма)	Шаффоф-тиниқ
Қоғоз фильтр орқали ўтмайди	Қоғоз фильтр орқали ўтади	Яхши фильтрланади
Пергамент қоғоз орқали, ҳайвон ва ўсимлик мембранныдан ўта олмайди		Пергамент, ҳайвон ва ўсимлик мембранныдан осонлик билан ўтади
Гетероген (ҳар хил жинсли)		Гомоген (бир хил жинсли)
Ёргулкни тарқатади	Тиндарль конуси ҳосил бўлади	Ёргулк турини тўсмасдан ўтказади
Турғун эмас (чўқади ёки юқорида тўпланади)	Дагал эритмаларга тисбатан турғун	Турғун эритма (чўқмайди)
Вақт ўтиши билан эскиради		Эскирмайди

Барча тирик организмлар, шу жумладан, ўсимлик түқималарида ва айрим ҳужайраларда физик-химиявий жараёнлар нинг ўтишида адсорбция ҳодисаси катта роль ўйнайди. Масалан, тупроқдаги минерал элементлар ҳужайралар ичига ўтганда, аввало, цитоплазманинг плазмалемма мембраннынг адсорбцияланади.

Ўсимлик ҳужайрасидаги цитоплазмада коагулланиш, коацерватланиш, желатинланиш ва адсорбциялаш, бўкиш ҳодисаларининг кузатилиши, цитоплазманинг коллоид бирикмалардан ташкил топганлигини тасдиқлайди.

Цитоплазманинг коллоид ва физик хоссалари

Цитоплазмадаги моддаларнинг баъзилари заҳира модда ҳолида тўпланса, липопротеид, глукопротеид, фосфопротеид, нуклеопротеид, целлюлоза кабилар ҳужайранинг конституцион бирикмалари ҳисобланади. Бироқ бу бирикмалар доимо ўзгариб, янгиланиб туради. Ҳужайрадаги моддаларнинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиб, ўзгариб туриши ўсимликнинг ташқи омилларга мослашишига ёрдам беради. Масалан, амфотерм хусусиятга эга бўлган оқсил ва аминокислоталар муҳитнинг pH қимматига кўра мусбат ёки манфий зарядли табиатни юзага чиқаради.

Цитоплазма таркибида юқорида айтиб ўтилган моддаларнинг бўлиши унинг қовушоқлик даражасини белгилайди. Эритмадаги ион, молекула ва иирик агрегат ҳолатдаги заррачаларнинг бир жойдан иккинчи жойга ҳаракатланиши (сиљиши) да ишқаланиш кучи пайдо бўлади. Ишқаланиш кучи эритманинг қовушоқлик даражасини белгилайди. Эритмаларнинг қовушоқлик даражаси моддалар табиатига, эритма концентрациясига тўғри ва температурага тескари пропорционалдир. Масалан, паст температурада асал секинлик билан оқса, температура кўтарилганда асал молекулалари ўртасидаги боғланиш кучи камайганлигидан, асалнинг оқиши тезлашиши қовушоқлик даражаси пасайганлигини кўрсатади.

Қовушоқлик даражаси пауз деб аталган бирлик билан белгиланади. Масалан, сувнинг қовушоқлик даражаси 0,01 пауга тенг, мойники 0,98 га, глицеринники 10,53 пауз бирликка бориб қолади. Ўсимликнинг ривожланш фазасига қараб цитоплазманинг қовушоқлик даражаси ўзгариб туради. У моддалар алмашиниш жадаллиги ва иссиқликка бардошлигини белгилайди. Ривожланишнинг биринчи босқичида цитоплазманинг қовушоқлиги паст бўлади. У мева органлари ҳосил бўлгунча кўпая боради, гуллаш даврида эса яна пасаяди. Цитоплазманинг қовушоқлик даражаси ташқи омилларга қараб ҳам ўзгариб туради. Температура ошиши билан цитоплазманинг қовушоқлиги пасаяди ва аксинча температура пасайиши билан қовушоқлик даражаси ортади. Жумладан, калий элементи қальцийга нисбатан кўпроқ бўлса, қовушоқлик даражаси кама-

яди, кальций элементи кўп бўлса, цитоплазманинг қовушоқлик даражаси ҳам кўпаяди.

Цитоплазманинг қовушоқлик даражаси кўп бўлса, ўсимлик иссиқликка чидамли бўлади. Уларда моддалар алмашиниш жараёни секин ўтганлиги учун ўсиш жараёни ҳам секин давом этади. Ҳақиқатда ҳам иссиқ мамлакатларда ўсадиган кактус, алоэ, агава каби ўсимликлар цитоплазмасининг қовушоқлик даражаси кўчли бўлиб, моддалар алмашиш жараёни секин борганлигидан улар жуда секин ўсади. Лекин иссиқликка бардошли бўлади. Бунга гидрофил коллоидларга ва осмотик фаол бирикмаларга маҳкам боғланган сувнинг кўп бўлиши сабаб бўлади, бу эса коллоидларни коагулланишдан сақлади. Иссиқсевар ўсимликлар, жумладан, фўза, бодринг, қовун, тарвуз ва бошқа ўсимликларда паст температура таъсирида цитоплазманинг қовушоқлик даражаси ортганлигидан, улар бир неча кундан кейин нобуд бўлади. Масалан, эрта баҳор кунларида температура $+3$ — $+4^{\circ}\text{C}$ оралиғида бир неча кун давом этса, юқорида кўрсатилган ўсимликлар моддалар алмашиниш жараёнлари сустлашганлигидан нобуд бўлади.


Ўсимликларнинг иссиққа чидамлилигини, яъни цитоплазманинг қовушоқлик даражасини аниқлашда тубандаги усуллардан фойдаланиш мумкин.

1. Центрифугада хлоропластларни чўқтириш учун сарф бўлган вақтни аниқлаш. Бу усулда цитоплазманинг қовушоқлик даражасини белгилаб олиш учун барг тўқимасидан кичик кесиклар олинниб, центрифугада айлантирилса, хлоропластлар ҳужайранинг бир томонига ўтганлиги микроскопда кўзатилади. Цитоплазманинг қовушоқлиги қанча кучли бўлса, уларни чўқтириш учун сарф бўлган вақт ҳам шунча кўп талаб этилади.

2. Плазмолитик усулда қовушоқлик даражасини аниқлаш учун, дастлаб, ўсимлик ҳужайрасининг изотоник концентрацияси аниқланади. Кейинчалик эса ҳужайра ширасининг концентрациясига нисбатан $0,1$ — $0,2$ нормал, бир-биридан ортиқ бўлган шакар эритмалари тайёрланади. Сўнгра ўсимлик тўқимасидан олинган юпқа кесиклар шакар эритмасига жойластирилиб, бир қанча вақтдан кейин кесиклар олинади ва микроскопда ҳужайраларнинг ботиқ плазмолиз ҳолатига келганлиги кўзатилади. Шу ондаёқ вақтни белгилаб, ботиқ плазмолизнинг қавариқ плазмолиз ҳолатига ўтганлиги ҳам кўзатилади. Ботиқ плазмолиздан қавариқ плазмолизга келиш учун сарфланган вақт ҳисобга олинади.

Цитоплазманинг қовушоқлиги қанча кучли бўлса, ботиқ плазмолиздан қавариқ плазмолизга ўтиш учун шунча кўп вақт ўтади.

Цитоплазманинг (қайишқоқлик) даражаси ўсимликнинг қурғоқчиликка чидамлилик хусусиятини белгилайди. Қайишқоқлик кучи қанча кўп бўлса, ўсимлик шуңча қурғоқчиликка бардошли бўлади. Масалан, ксерофит ўсимликлардан — шувоқ,



1



2

6-расм.

1 — цитоплазманинг злодея баргида айланма ҳаракатланиши; 2 — традесканция тукиди цитоплазманинг турли томонга оқиб ҳаракатланиши:
 а — цитоплазма; б — хлоропластлар; в — мариз ва магизчаг; г — вакуола; д — ҳужайра пўсти.

итбинафша каби ўсимликлар. Бундан ташқари, бу ўсимликларнинг барглари сертўқ, илдизлари кенг тарқалган бўлади.

Цитоплазманинг қайишқоқлик даражаси ташки омилларга, ўсимликнинг физиологик ҳолатига боғлиқ. Масалан, кўпчилик ўсимликларда қайишқоқлик даражаси гуллаш фазасида камайса, ксерофитларда аксинча, бу даврда кўпаяди.

Цитоплазманинг қайишқоқлик даражасини аниқлашдан олдин текшириладиган ўсимлик ҳужайрасининг изотоник концентрацияси топилади. Сўнгра изотоник эритмага нисбатан 0,1 н ортиқ келадиган шакар эритмаси тайёрланади. Шу эритмага ўсимлик тўқимасидан олинган юпқа кесикларни солиб, минутига 1000 марта тезликда центрифугада айлантирилади. Кўрсаткич қилиб ҳўжайра пўстидан цитоплазмани ажратиб олиш учун ўтган вақт ҳисобга олинади.

Цитоплазма бир ерда қотиб қолган ҳужайра органоиди бўйласдан, у доимо бир жойдан иккинчи жойга ҳаракатланиб туради. Цитоплазманинг ҳаракати ротацион ва циркуляцион (айланма) шаклларда бўлади (16-расм).

Цитоплазманинг ўтказувчанилиги ҳақидаги назариялар

Ўсимлик ҳужайраларида бутун бир организм ҳаёт жараёнларининг бетўхтсов давом этишида цитоплазманинг ўтказувчанилик хусусияти муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир тирик ҳужайра

ҳаёт жараёни учун зарур бирикмаларни қабул қилиши, уларнинг бир ҳужайрадан иккинчи ҳужайрага ўтиши ва ташқи муҳитга чиқарилиши цитоплазманинг ўтказувчанлик хусусияти билан чамбарчас боғлиқ. Ҳужайра коллоидлари бирор ташқи ёки ички омиллар таъсирида коагулланса, цитоплазманинг табиий ҳолати ва структураси чуқур ўзгаришларга учрайди. Натижада унинг ўтказувчанлик хусусияти йўқолади ва ҳужайрадаги моддалар ўз-ўзидан ташқи муҳитга чиқади. Цитоплазманинг ўтказувчанлик хусусиятига паст ва юқори температура, ҳар хил заҳарли бирикмалар, турли физик омиллар кучли таъсир қиласи. Масалан, картошка тугунаги паст температурада қолдирилса, ундан ширанинг ўз-ўзидан оқиб чиқиши цитоплазманинг ўтказувчанлигига паст температура таъсир этишини тасдиқлади, қизилчани сувга солиб қайнатилганда, қизил аңтоциан пигментининг ажралиб чиқиши юқори температура таъсирини кўрсатади.

Ҳужайра ичига моддаларнинг қабул қилинишини биринчи бўлиб Г. Дютроше (1837) текширган. Унинг фикрича, сувва сувда эриган бирикмалар цитоплазма тешикчалари орқали диффузия ҳодисасига биноан қабул қилинади. Моддаларнинг қабул қилиниши ташқи муҳитдаги моддаларнинг концентрацияси билан ҳужайрага қабул қилинган бирикмалар концентрацияси тенг бўлгунга қадар давом этади. Концентрациялар тенг бўлгач, ортиқча моддани ҳужайра қабул қилмайди. Бу назария ташқи муҳит концентрациясига нисбатан ҳужайрада баъзи бирикмаларнинг кўпроқ тўпланишини ёритиб бера олмайди.

Э. Овертошинг (1899—1904) липоид назариясига асосан, плазмалемма мембранныси — липоид (оқсили ва ёғсимон модда) лардан ташкил топган. Мембрана орқали фақат липоидларда эрийдигаи бирикмаларгина ҳужайра ичига ўта олади. Аммо, мембрана орқали липоидларда эримайдиган моддаларнинг ҳам ўтиб кетганлиги аниқланган. Унинг бу ўтказувчанлик хусусиятига жуда мураккаб физиологик ҳодиса деб қаралади. Бу масала ҳозиргacha тўла ечилмаган.

Кейинчалик сувда эриган моддаларни ва сувни ўтишини тушунтиришда «мозаик» назария ишлаб чиқилди. Бу назарияга асосан цитоплазма мембранныси кетма-кет жойлашган липоид ва оқсили участкаларидан иборат бўлиб, липоид участкалардан ёғларда эрувчан, оқсили участкалардан сув ва сувда эриган моддалар ҳужайрага ўтади.

Элементларни ҳужайрага қабул қилинишида нафас олиш жараёни муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳам тажрибалар асосида аниқланган. Масалан, картошка тугунакларини КВг эритмасига солиб, шу эритма орқали кислород ўтказилганда, нафас олиш нормал ўтганлигидан, К ва Вг элементлари миқдорига нисбатан азот гази ўтказилганда К ва Вг элементлари кам тўпланганлиги кузатилади (Д. Хогланд ва Броер, 1936).

Кўпчилик олимлар С. Брукса, Д. А. Сабининнинг (1940)


ионларнинг фаол ютилиш назариясини қувватлаб, улар ташқи мұхитдаги ион дастлаб ҳужайранинг плазмалемма қаватига адсорбциланиб, сүнгра ўрин алмашиниш реакциясига биноан ион ва молекуляр мезоплазма қаватига ўтади.

$K^+ H^+$	K^-	K^-	$H^+ K^+$
KCl^-	HSO_3^-	Cl^-	Cl^-
ташқи эритма	цитоплазма		вакуола

Схемада кўрсатилганидек, адсорбциланган катион ёки анион, ҳужайра ичидаги катион ёки анион билан ўрин алмашиниб, у ердаги оқсиллар билан қўшилади. Алмашиниш реакциясига асосланиб, элементларнинг қабул қилинishi нафас олиш жараёни билан боғлиқ.

Бошқа маълумотларда ўсимлик ва микроорганизм ҳужайраларига озиқ моддаларнинг ўтиши иккита типда: диффузион ва ўзига хос стереохимиявий ўтиш асосида боради.

1. Пассив диффузион ўтиш, бунда фақат ҳужайра мембранныса эрувчан моддаларгина ўта олади (17-расм, а). Бунинг учун энергия талаб қилинмайди. Пассив диффузия ҳодисасида концентрацияси кучли бўлган жойдаги модда, концентрацияси кам бўлган жойга томон ҳаракатланади, яъни моддаларнинг химиявий потенциалига боғлиқ бўлади.



17-расм. Микроорганизм ва ўсимлик ҳужайраларига моддаларнинг ўтиши:

а — пассив диффузия; б — актив диффузия; в — моддаларнинг ўзига хос пассив стереохимиявий ва г — ўзига хос актив стереохимиявий ўтиши.

2. Ҳужайра мембранныса эримайдиган моддалар актив диффузион ўтиш типига асосан ўтади. 17-расм б да кўрсатилганидек, RO биримасини мембрана орқали ўтиши учун RO моддасига водород иони қўшилиб R—OH гача қайтарилади. Бунда АТФ таркибидағи энергия сарфланади. Ҳужайрага ўтган модда (R—OH) таркибидан бўшаган водород қайтадан ташқи мұхиттага чиқарилиб, оксид ҳолатдаги (R—O) модда билан бирекади ва унинг ҳужайра ичида ўтишини таъминлайди.

3. Ҳужайра мембранныса моддаларнинг ўзига хос пассив стереохимиявий ҳодисага кўра ўтиши учун энергия талаб қилинмайди. Лекин бу вақтда ҳужайра-

га ўтадиган модда мембранада ўрнашган маҳсус оқсил — пермеаза билан комплекс бирикма ҳосил қиласи. Сўнгра ташқи муҳитдаги модда ҳужайрага қабул қилинади (17-расм, в). Ҳужайрага модда қабул қилингандан кейин пермеаза (моддаларни ташувчи оқсил) бўшайди ва ташқаридан қабул қилиниши керак бўлган бирикманинг иккинчи молекуласини ўзига боғлаб олади.

4. Ҳужайра мембранныга моддаларнинг ўзига хос фаол стереохимиявий ҳодисасига кўра ўтиши бирмунча мураккаброқ бўлиб, у фаол диффузияни эслатади. Бунда ҳам энергия, ҳам актив водород талаб этилади (17-расм, г). Актив диффузион ўтишдан фарқ қиласидиган томони шундаки, бунда ташқи муҳитдаги моддалар фаол оқсил бирикмалар ёрдамида қабул қилинади.

Махсус пассив ва фаол стереохимиявий ҳодисасига асосан ўтишда ҳужайра ичига қабул қилинадиган моддалар ундаги маҳсус оқсил молекуласига бирикиб комплекс модда ҳосил қилиши керак. Бунинг учун қабул қилинадиган модданинг стереохимиявий тузилиши боғлаб оладиган (оқсил) модданинг стереохимиявий тузилишига ўхшаш бўлиши зарур. Шундагина ташқаридан қабул қилинадиган модда ташувчи оқсил (пермеаза ферменти) билан бирикиб комплекс модда ҳосил қиласи. Комплекс моддадан ажралиб чиққан маҳсус модда ташувчи оқсил янги молекуланинг ҳужайрага ўтишини таъминлаб туради.


Пермеаза ферментлари цитоплазманинг ўтказувчаник хусусиятини кўпайтиради. Ҳозиргача пермеаза ферментининг фақат микроорганизмларда мавжудлиги аниқланган. Юксак ўсимликларда ҳам шунга ўхшаш фаол моддалар бўлиши керак.

Ҳужайра пўсти пектин, целлюлоза, гемицеллюлоза, оқсил ва бошқа моддалардан иборат. Шу ердаги оқсил молекулалари манфий ва мусбат зарядга эга бўлганлигидан муҳитдаги катион ва анионлар билан муносабатга киришиб, катионни ёки анионни ўзига боғлаб олади.

Бундан ташқари, ҳужайра пўстидаги тўпланган моддаларни ҳужайра ичига ўтишида плазмалемма мембранныса ионофор деб аталган бирикмалар ҳам мавжуд. Ионофорлар таъсирида плазмалемма мембранныса ҳосил бўлган тирқишилар орқали моддалар ҳужайра ичига ўтади ёки ионофорлар ҳужайрага ўтадиган модда билан комплекс бирикма ҳосил қиласи. Ҳосил қилинган шундай комплекс бирикма ҳам ҳужайра ичига қабул қилинади.

Оқсил молекулалари ва ионофорларга боғланган моддалар диффузия асосида, айланма ҳаракат воситасида ва силжиш ҳодисасига биноан ҳужайрага қабул қилиниши 18-расм, А да келтирилган.


Шу йўсунда моддаларнинг ўтиши химиявий ёки электр градиенти (оз-кўплиги)га боғлиқ. Бошқача айтганда, химиявий йўл воситасида моддалар концентрик эритмадан бўш эритмага




1 - күрнишда



2 - күрнишда



3 - күрнишда



Ташқи
эрпітма

Мембрана

Цито-
плаазма

Б


18-расм. А. а — диффузия; б — айланма; в — силжиш воситасыда жүйжайрага моддаларнинг ўтиши:

ўтса, электрик градиентига биноан электр зарядлари күп жойдан кам жойга томон силжиди. Бу типдаги моддаларнинг ҳаракатлаши учун энергия һалаб қилинмайди.

Элементларнинг тайлаб ютилиши, яғни кам ердан концентрацияси ёки электр заряди күп бўлган жойга ўтиши учун нафас олиш жараёнида ҳосил қилинган АТФ таркибидаги энергия сарфланади. АТФ таркибидаги энергия, АТФ-аза ферменти фаоллигига пар-

Б. Цитоплазма мембранасыда жойлашган АТФ-аза насоси (Вахмистров-ча).

чаланишидан ажралади. АТФ нинг парчаланиши (гидролизланиши) калий ва натрий элементлар иштирокида фаоллашади:




1 моль миқдордаги тузни ҳужайрага қабул қилиниши учун 4600 Ж энергия талаб қилинса, АТФнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган 30 660 Ж/моль энергия ҳисобига, тахминан 7 моль модда ҳужайрага қабул қилинади.

Моддаларнинг градиентга қарама-қарши меъёрда фаол равишда ҳужайрага қабул қилиниши тубандаги схемада келтирилади.

Схемада кўрсатилганидек (18-расм, Б) ҳужайра ичида ўрнашган АТФ-аза, АТФ молекуласидан бўшаб чиқкан энергия ҳисобига АТФ-аза молекуласининг шакли ўзгариб, Na^+ ионини боғлагач, ташқарига чиқарилади ва унинг қайтиб ўзгаришида K^+ иони ҳужайрага ўтишини таъминлайди. Бошқача айтганда, АТФ-аза молекуласи шу моддаларнинг ташқарига ёки ичкарига ўтишида асосий вазифани бажаради.

Моддаларнинг 1 ҳужайрага қабул қилиниши пиноцитоз ҳодисасига асосан қўйидагича содир бўлади.

Льюис (1931) плазмалемма мембранныси сув ва унда эриган ташқи муҳит моддаларини ютганилигини кузатиб, бу жараённи пиноцитоз деб атаган. *Пино* — ичмоқ маъносини билдиради.



19-расм. Моддаларнинг ҳужайрага қабул қилинishi:

1, 2 — ташқи муҳитдаги катта-кичик моддалар; 3, 4 — моддаларнинг ҳужайра мембраннысида ҳосил бўлган бўшиликларга тўпланиши; 5, 6 — турли ферментларни лизосомаларнинг ҳосил бўлиши; 7 — лизосомадаги ферментларнинг пиноцитоз вакуолаларга қўйилниши; 8, 9 — вакуолада моддаларнинг ферментлар таъсирида парчаланиши; 10 — парчаланган моддалар (ҳазм бўлмаган ва ташландик қисмлар) нинг ташқарига чиқарилishi; 11 — цитоплазма қолдиқларининг парчаласиб ташқи муҳитга чиқарилishi.

Пиноцитоз жараёни барча тирик организмларга мансуб. Пиноцитооз жараёнида плазмалемма ҳужайра ичига ботган (инвагинация) қопчиқчалар шаклида күринади. Қопчиқларнинг ҳосил бўлиш механизми 2 фазадан ташкил топган. Биринчи фазада қабул қилинадиган модда плазмалеммага адсорбциланади, иккинчи фазада ботиқ чуқурча ҳосил бўлиб адсорбциланган бирикма чуқур ичига ўраб олинади (19- расм).

Пиноцитоз жараёнида митохондрийларнинг кўп тўпланиши метаболитик энергия зарурлигини исботлайди. Нафас олиш жараёнини тўсадиган моддалар билан таъсир этганда пиноцитоз ҳодисаси кузатилмайди.

Ҳужайрага сув ва сувда эриган моддаларнинг қабул қилинишида осмотик босим ва шимиш кучларининг аҳамияти

Ҳужайрага моддаларнинг ва сувнинг ўтишида диффузия ва осмос жараёнлари муҳим аҳамиятга эга.

Ярим ўтказувчи пардаси бўлмаган идишга ҳар хил концентрацияли икки ёки бир неча хил моддаларни сақлаган эритмаларни бир-бирига қўшганда, уларнинг ион ва молекулалари ҳаракатланиб аралашибига диффузия дейилади. Масалан, мис сульфатнинг концентрланган эритмасига ёки кристаллари устига эҳтиётлик билан сув қўшилса, мис сульфат ион ва молекулалари юқори концентрацияли муҳитдан паст концентрацияли муҳитга қараб ҳаракатланади. Натижада тиниқ сув мис сульфат иони ва молекулалари ҳисобига оч ёки тўқ яшил тусга киради, яъни диффузия ҳодисаси содир бўлади. Сув молекулалари ҳам ўз навбатида сув кам бўлган муҳитга, мис сульфат эритмасига қараб ҳаракатланиб, улар билан аралашади.

Диффузия ҳодисаси эритмаларнинг концентрацияси тенглашгунга қадар давом этади. Диффузия жадаллиғи моддалар зичлигига боғлиқ. Газлар орасидаги диффузия эритмалари орасидаги диффузияига нисбатан жадал ўтиб, газлар бир-бири билан тезда аралашади. Масалан, эфир ёки атир тўкилса, шу моддалар молекулалари муҳитга зудлик билан тарқалганлигини тезда пайқаб олиш мумкин.


Ҳар хил концентрацияли эритмаларни бир-биридан чала ва ярим ўтказувчи парда орқали ажратилганда ҳам диффузия ҳодисаси кузатилади. Моддаларнинг чала ўтказувчи пардалар орқали диффузияланишига осмос ҳодисаси дейилади. Осмос ҳодисаси чала ўтказувчи пардаларнинг табиатига боғлиқ.

Осмос ҳодисасини кузатиш учун идиш чала ўтказувчи парда орқали иккига бўлинади. Шу идишнинг бир томонига концентрланган шакар, иккинчи томонига тоза сув қўйилади. Шакар молекулаларига нисбатан сув (эритувчи) молекулалари кичик ва ҳаракатчан бўлганлиги учун улар ярим ўтказувчи парда орқали эритмага тез ўтади. Эритма ҳажми маълум даражага етгац, у сувнинг ўтишига тўсқинлик қилади. Эритма ичига

эритувчининг ўтишига тўсқинлик кўрсатган куч осмотик босим кучи деб аталади.

Осмотик босим кучини аниқлайдиган асбоб осмометр дейилади. Г. Дютроше (1837) турли концентрацияли эритмаларнинг осмотик босим кучини аниқлашда ҳайвон пуфагини ярим ўтказувчи парда сифатида қўлланган.

М. Траубе (1867—1874) тажриба далилларига асосланиб В. П. Пфеффер (1887) аиорганик моддалардан ярим ўтказувчи парда ҳосил қилиш учун 1 н ли CuSO_4 эритмасини сопол идиш ичига солиб, шу идишни 1 н ли $\text{K}_4\text{Fe}(\text{CN})_6$ эритмасига ботирган. Сопол идиш тешикчаларига кирган CuSO_4 молекулалари билан $\text{K}_4\text{Fe}(\text{CN})_6$ қуйидагича реакцияяга киришиб $\text{Cu}_2\text{Fe}(\text{CN})_6$ пардаси ҳосил қилган (20- расм):




Сопол идиш тешикчаларида чала ўтказувчи парда ҳосил бўлган.

Шу идиш ичига кучли шакар эритмасини солиб, идиш оғзи манометр ўринатилган каучук тиқин (пробка) билан махкам беркитилади ва идиш сувга ботирилади. Маълум вақт ўтғач, манометрдаги симоб устуни аста-секин юқорига кўтарилиб; бир нуқтада тўхтаб қолади. Бу нуқта осмотик босим кучини кўрсатади.

Осмотик босим кучи эритма концентрациясига, эриган модда заррачаларни миқдорига ва муҳит температурасига тўғри про порционал. Бошқача айтганда, эритма концентрациясининг ортиб бориши, температуранинг кўтарилиши ва моддалар заррачаси кўпайиши билан осмотик босим кучи ҳам ортади. Эритмада шакар каби электролитик бўлмаган, яъни ионларга тарқалмайдиган моддалар 1 моляр эритмасининг 0°C даги осмотик босим кучи 22,4 атмосферага тенг. Ионларга тарқаладиган моддалар 1 моляр эритмасининг 0°C даги осмотик босим кучи электролит бўлмаган эритмаларга нисбатан ўтра ҳисобда 1,5 марта ортиқ бўлади. Шу айрманни кўрсатадиган сон изотоник (Вант-Гофф) коэффициенти деб аталади. Бу кўрсаткич 1 ҳарфи билан белгиланади. Изотоник коэффициент эритманинг нормаллигига боғлиқ. Масалан, эритманинг концентрацияси 0,01 молга тенг бўлса, изотоник коэффициент 1,93; 0,8 молярда 1,64 га тенг бўлади.

Эритмаларнинг осмотик босим кучини ҳисоблашда Вант-Гофф қуйида келтирилган Менделеев-Клайперон тенгламасини



20-расм. Пфеффер осмотрининг схематик тузилиши:

1 — сопол идиш; 2 — осмотик босим кучи аниқлашадиган эритма; 3 — сув солинган идиш; 4 — манометр.

тавсия этди. У тенгламага изотоник коэффициентни ҳам кирилди:

$$P = RT C_i$$

Тенгламада: P — аниқланадиган осмотик босим кучи; R — газлар константи ($0,08207$); T — абсолют температура; C_i — изотоник эритма концентрацияси ва i — изотоник коэффициентни ифодалайди.

Ұсимлик ұжайраларидаги ёки тирик организмлардаги осмотик босим кучини плазмолиз усулида, күрсатыб үтилган тенглама асосида аниқланади. Ұсимлик ұжайрасини бирор кучли эритмага ботирганда вакуоладаги сув чиқиб кетғанлигидан цитоплазма ұжайра ичига тортилади, яъни ұжайра пўстдан ажралади.

Ұжайра пўстидан цитоплазма қаватининг ажралиши плазмолиз деб аталади (21-расм). Осмотик босим кучи ұжайрадаги коллоид, эриган моддалар миқдори ва шу моддаларнинг заррачалар сонига боғлиқ.


Плазмолиз ҳолатидаги ұжайранинг осмотик босим кучи кам бўлган эритма ёки сувга ботирилганда эритмадаги сув молекулалари ұжайра ичига ўтиб, ұжайра пўстидан ажралган цитоплазма қайтадан ўз ўрнига, яъни ұжайра пўстига бориб тақалади. Бу ҳодиса деплазмолиз дейилади.

Ташқи муҳит эритмасининг осмотик босим кучи ұжайра осмотик босим кучидан кўп бўлса гипертоник, кам бўлса гипотоник, ұжайра ва эритмаларнинг осмотик босим кучлари бир-бирига тенг келса, изотоник эритма дейилади.

Осмотик потенциали кучли бўлган ұсимлик ұжайрасини сувга солганды ташқаридан сув ұжайрага ўтиб, ұжайра тараанглашиб, тургор ҳолатга келади. Ҳужайрани тургор ҳолатта келтирган куч тургор босим кучи дейилиб, T ҳарфи билан ифодаланади. Тургор босим кучи таъсирида ұжайра пўсти кенгаяди ёки чўзилади. Бироқ, ұжайра пўсти ҳам маълум даражагача кенгайиб, тургор босимига тенг бўлган куч билан қаршилик кўрсатади. Бу куч W ҳарфи билан белгиланади. Ҳужайра сувга тўйинганды осмотик босим кучи, тургор босим кучи ва унга қарши кучлар ўзаро тенглашади:

$$P = T = W$$

Ұсимлик ҳаётгидаги ұжайранинг осмотик босим кучи муҳим аҳамиятта эга. У ҳаёт жараёнларининг ўз вақтида ва изчиллик билан



21-расм. Ҳужайрада плазмолиз ҳодисаси:

1 — ботиқ; 2 — қавариқ плазмолиз.

ўтишини таъминлайди. Осмотик босим кучи ҳужайрага сув ва сувда эриган моддалар қабул қилинишида, ўсимлик танасини тетик сақлашда хизмат қилади.

Ўсимликнинг осмотик босим кучи унинг тури ва яшаш шароитига кўра ҳар ҳил бўлади. Масалан, чучук сувда ҳаёт кечиравчи ўсимликларда осмотик босим кучи 1,5—2 атмосфера, дашт ва чўл ўсимликларида 15—20 ва шўр тупроқларда ўсадиган ўсимликларда 50—80 атмосфера босимига тенглашиб қолади. Шўр тупроқларда ўсадиган ўсимликларнинг осмотик босим кучи ҳужайра қабул қилган анорганик ва осмотик актив бирималар ҳисобига кўпаяди. Шу айтганларни қўйидаги жадвал рақамларидан ҳам қўриш мумкин.

5- жадвал

Ўсимликнинг яшаш мұхити	Осмотик потенциали (атмосфера босим ҳисобида)
Чучук сувлардаги ўсимликларда	1,5—2,0
Нам, зах ва жуда соя ўрмон ўсимликларида	5,8
Дашт ва чўл ўсимликларида	15—20
Шўр сувли кўл ва денгиз ўсимликларида	25—30
Шўркок ту проқларда ўсан ўсимликларда	50—80 ва ундан ҳам ортиқ

Ўсимликнинг турли органларида осмотик босим кучи ҳам турлича бўлади. Масалан, поянинг ўсиш нүктаси (конуси)даги ҳужайраларнинг осмотик босим кучи 22,1 атм га teng бўлса, сув етарли бўлганда илдиз ҳужайраларининг осмотик босим кучи 5,9 атм дан ортмайди.

6- жадвал

Тупроқдаги сув миқдори, %	Осмотик босим кучи	
	ер усти кис- мida, % (учки ўсиш конусида)	ўсимликнинг илди зида, %
11	26,5	12,0
16	24,4	7,8
23	23,1	7,2
31	22,1	5,9

Бироқ ташқи омилларнинг ўзгариши, ҳужайрада анорганик моддаларнинг кўп ёки оз тўпланиши, осмотик фаол моддаларнинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиб туриши ҳужайра осмотик босим кучини белгилайди.

Ўсимликларнинг ўсиши, ҳаракатланиши, сувни ўзлаштириши, танаси бўйлаб ҳаракатланиши, тўқималарнинг тетик ҳолда сақланиши, моддалар алмашиниш жараёнлари, уларнинг актив ёки пассив давом этиши ўсимлик осмотик босим кучига

боғлиқ бўлади. Жумладан, картошка, помидор каби ўсимликларда ҳаёт жараёнлари ўз вақтида фаол ўтиши учун осмотик босим кучи 8—12 атм бўлиши керак. Ундан кам ёки кўп бўлса, ўсимликларда моддалар алмашиниш жараёнлари суст боради ва уларнинг ўсиши ҳамда ривожланиши секинлашади.

Ҳужайрада сувни қабул қилишда осмотик босим кучидан ташқари шимиш кучи ҳам мавжуд. Уршпрунг ва Блюм (1918) ҳужайра шимиш кучини экспериментлар асосида аниқлаб, уни S ҳарфи билан ифодалашни тавсия этдилар. Шимиш кучи осмотик босим кучидан тургор босим кучининг айирмасига тенг бўлиб, қуидагида ифодаланади:

$$S = P - T$$

Осмотик босим кучидан тургор босим кучи қанча кўп фарқ қиласа, шимиш кучи ҳам шунча кўп бўлади. Агар ўсимлик тўқимаси сўлиб қолган бўлса, шимиш кучи осмотик потенциал кучга тенглашади, яъни $T=0$ бўлса, $S=P$ га тенг бўлади.

Шимиш кучи билан осмотик ва тургор босим кучлари ўртасидаги муносабатни қуидаги жадвалдан кўриш мумкин:

7- жадвал

Хина ўсимлиги ҳужайрасининг физиологик ҳолати	Хина ўсимлиги ҳужайрасида осмотик кўрсаткичлар, атм ҳисобида		
	осмотик босим кучи	тургор босим кучи	шимиш кучи
Сувга тўйинган ҳужайрада	9,3	9,3	0,0
Плазмолиз ҳолатидаги ҳужайрада	10,5	0,0	10,5


Жадвал рақамларига эътибор билан қарасак, ҳужайранинг плазмолиз ҳолатида тургор босим кучи камайиб, шимиш кучининг кескин ошганлигини кўрамиз.

Академик Н. А. Максимов (1925) шимиш кучи айрим шароитда осмотик босим кучига нисбатан анча кўп бўлганлигини кузатган. Бундай ҳодиса, айниқса ўсимлик тўқималари сўлиб қолганда кузатилади.

Ўсимликнинг ёш ҳужайралари очиқ ҳавода қолдирилганда уларда плазмолиз ҳодисаси содир бўлмайди. Суви буғланган ҳужайра цитоплазмаси ичкарига тортилиб, ҳужайра пўстини ҳам ўзи билан тортади. Натижада ҳужайра пўсти циториз ҳодисасига учрайди, яъни ғижимланган шаклни эгаллайди (22-расм).

Циториз ҳодисасида цитоплазма плазмолиздагидек ҳужайра пўстидан ажралмайди. Натижада тургор босим кучи қуидаги тенгламага асосан манфий ишорали бўлиб, шимиш кучи $S=P-T$ бўлмасдан, $S=P-(-T)$ ёки $S=P+T$ бўлади.

Ўсимлик тўқималаридаги шимиш кучи (Лилиенштерн бў-



22-расм.

a — тургор ҳолатдаги; б — сувини йўқотган, циторриз ҳодисасига учраган ҳужайра.

йича) шу тўқималар ҳажмига, В. С. Шардаков бўйича эса тўқима солинган эритма концентрациясининг ўзгаришига боғлиқ.

Ўсимлик тўқимасининг шимиш кучи эритманинг шимиш кучига тўғри келганлигини, яъни изотоник эритмани белгилаб олгандан кейин, қўйидаги тенглама асосида ўсимлик тўқимасининг шимиш кучи топилади:

$$S = RTC_i$$

Ўсимлик тўқимасининг шимиш кучини белгилаш билан уларнинг сувга эҳтиёжи аниқланади.

Тирик организмлар ва табиатнинг жонсиз жисмлари ўртасидаги фарқлар

Оsmотик ҳодисалар, цитоплазманинг қайишқоқлиги, ёпишқоқлик ва ўтказувчанлик хусусиятлари, уларнинг ташқи ва ички омиллар таъсирида ўзгариб туриши тирик организмларни табиатнинг жонсиз жисмларидан фарқини тасдиқлайди.

Бу фарқларнинг энг асосийси цитоплазманинг таъсирга жавоб қайтаришидир. Бошқача айтганда, тирик организмлар ташқи ва ички омиллар таъсирида қитиқланиш-қўзғалувчанлик хусусиятига эга.

Тирик организмлардаги қўзғалувчанлик хусусияти ташқи омиллар таъсирида жавоб қайтариш билан бирга, тўқималарда ҳам чуқур сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради. Масалан, ёруғлик ёки бирор бошқа омил таъсирида цитоплазма ва ундинги органоидларнинг ҳаракатланиш тезлиги ўзгариши ёки юксак ўсимликларда кузатиладиган тропизм, настик ҳаракатлар таъсири қилувчи омилларга қараб интилиш ёки қочишни кузатади.

тибгина қолмай, балки ҳужайра ва тирик тўқималарда биохимиявий ўзгаришларни ҳам юзага келтиради.

Цитоплазма оқсил бирималарининг амфотермлик хусусияти мухит шаронтига жавоб қайташида мухим аҳамиятга эга. Мухит ишқорий бўлганда шу мухитни нейтраллашда оқсил молекуласи ўзининг кислоталик хусусиятини, кислотали мухитда ишқорийлик хусусиятини юзага чиқаради.

Жонсиз табиат жисмларидан тупроқ ва унинг физик-химиявий хусусиятлари (иссиқлик, ёруғлик, намлик, шамол) иқлим шаронтига кўра ўзгараради. Масалан, иссиқ ва совуқ таъсирида жисмларнинг кенгайиши ёки торайиши, намлик таъсирида шу жисмларнинг эриб кетиши, тупроқ таркибидаги эритмалар ўртасидаги муносабатлар натижасида ҳар хил бирималарнинг ҳосил бўлиши каби физик-химиявий ўзгаришлар кузатилади. Аммо бу ўзгаришларда жонли мавжудотларда содир бўладиган белгилар кузатилмайди.

Ер шарида табиатни ташкил этишда қатнашган жонсиз жисмларнинг турлари жуда кўп. Жумладан, нефть, углерод, водород, кислород ва азот элементларининг турли нисбатда қўшилишидан ташкил топган. Шунга қарамасдан бу жисмлар тирик организм ҳисобланмайди.

Ҳамма тирик организм маълум шакл ва ҳажмга эга, улар тўхтовсиз ва изчиллик билан моддалар алмашиниш жараёнини давом эттиради. Тирик организмлар ташкил омилларга мослашиш қобилиятига эга. Ҳаёт жараёнларининг бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда ва изчиллик билан ўтиб туриши, тирик организмни жонсиз табиат жисмларидан фарқ қилишини тасдиқлайди.

Жонсиз жисмларда бир вақтнинг ўзида шу белгиларнинг фақат биттасигина кузатилади.

Тубан ўсимликларда актив ҳаракатланиш жараёнлари махсус орган (хивчин)лар воситасида, баъзиларида танасини тебратиш билан содир бўлади. Юксак ўсимликларда ҳаракатланиш турли-туман тропизм ва ҳужайра органларининг ҳаракатланишида кузатилади.. Бундай ҳаракатлар доимо тирик организм нобуд бўлгунча давом этади.

Ҳаракатланиш жараёни, барча тирик организмларга хос бўлиб, айрим жонсиз жисмларда ҳам бу ҳодиса кузатилади. Жумладан, натрий металини сувга ташланса, у реакцияга киришиб, сув юзасида зудлик билан ҳаракатланади. Аммо унинг ҳаракати натрий эриб бўлгунча давом этади. Тирик организмларга хос белгилар бу реакцияда кузатилмайди.

Жонли организм ҳар хил вазифани бажарадиган турли ҳужайралардан тузилган. Ҳужайраларнинг ўзи ҳам турли органоидлардан ташкил топган гетероген системадир. Органоидлар эса фақат тирик организмга хос бўлган бирималардан тузилган. Жумладан, митохондрийнинг ҳажми кичик бўлишига қарамай, унинг таркибида бир неча турли юқори молекулали оқсил-ферментлар, оқсил ва ёғсимон липоидлар бўлиб, энергияга

бой АТФ бирикмаларини ҳосил қилишда қатнашади. Ҳужайра таркибидаги рибосомалар эса шу тирик организм учун хос бўлган оқсил бирикмаларини ҳосил қилишда иштирок этади.

Габнатда соф олтин, олмос каби бир жинсли элементлар (гомогенлар) ва айрим бирикмалар ҳолида учрайди. Тупроқ жонсиз, бироқ мураккаб жисм бўлиб, у турли-туман бирикмалар йигиндисидан иборат гетероген система ҳисобланиб, жонли жисмлар қаторига қўшила олмайди. Тупроқдаги моддалар механикавий аралашиб, ўзаро химиявий усулда боғланади. Тупроқ, сув ва ҳаво таркибидаги химиявий моддалар тупроқдагидек ўзаро муносабатда бўлса ҳам, ўзининг мустақиллигини сақлади. Бундай муҳитларда ҳам тириклик белгилари кузатилмайди.

Тирик организмларда ўсиш жараёни ҳужайра сонининг кўпайиши ва катталашиши ҳисобига содир бўлади. Бир ҳужайрали ва кўп ҳужайрали тирик организмларда ўсиш белгилари тана ҳажмининг катталашиши билан белгиланибгина қолмай, балки ҳар бир ҳужайрада, тўқима ва бутун бир органларда жуда мураккаб сифат ўзгаришлари юзага келиши билан белгиланади. Бу сифат ўзгаришлари ўсимликнинг ривожланишида унинг бир фазадан иккинчи фазага ўтишини таъминловчи асосий омилдир.

Жонсиз жисмларда ҳам ўсиш, яъни ҳажмнинг катталашиш хоссалари мавжуд. Масалан, тўйинган эритманинг мувозанати бузилса, яъни оптика миқдорда эритилган моддалар молекулалари бир-бирига қўшилиб кетма-кет жойлашади ва ҳар қайсиси ўзига хос кристаллга айланади. Кристалл ҳажми маълум бир даражагача катталаша боради. Бунга шакар эритмасидан новвот ёки қанднинг ҳосил бўлиши мисол бўлади. Бу шакар молекулаларининг зичлашиши ҳисобига бўлиб, у ўзининг химиявий табиатини ўзгартмайди.

Тирик организмларда ташқи омилларга мослашиш (адаптация) ҳодисаси мавжуд. Ҳар қандай тирик организм ташқи шароит ўзгаришига жавобан ўз табиатини ўзгартиришга ва шу шароит омилларини ўзига сингдириб, келажак авлодга ўтказишда аста-секинлик билан, йиллар давомида мослаша бошлиди.

Мослашиш ҳодисасини аниқроқ тушуниш учун ўсимлик ҳужайрасидаги хлоропластлар шаклига ва ҳажмiga эътибор берайлик. Сув остида ўсадиган ўсимликлар қуёш нуридан тўлиқ фойдалана олмаганлиги туфайли, уларнинг хлоропласт (хроматофора)лари йирик-йириқ бўлиб, япалоқ шаклда тузилган. Катта ҳажмли япалоқ хроматофоралар спирогира, зигнема, эдогониум ва бошқаларда учрайди. Ер устида ўсадиган ўсимлик хлоропластлари анча кичик бўлиб, тухумсимон ва юмaloқ шаклда тузилган.

Ўсимликларнинг ташқи муҳит омилларига мослаша олишини галофит ўсимликлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, шўр ерларда ўсадиган *Salicornia herbascia* ўсимлиги-

нинг уруғи шўр сувдагига нисбатан чучук сувда тезроқ униб чиқади (В. А. Келлер). Лекин эволюция жараёнида табий танлаш натижасида бу ўсимликнинг ўзи шўрхок ерларда яшаши мослашган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир тирик организм яшаши учун курашиб ёруғликка, намликка, иссиқликка, озиқ моддалар турига, паразитлик ва бошқа ташқи омилларга бардош бериб яшаши мослашган.

Табиатнинг жонсиз жисмларида шароитга мослашиш мутлақо кузатилмайди. Аммо ош тузи сувда эритилса у эрийди, эритма буғлантирилса, у яна ўзининг кристалл ҳолатига келади.

Кўпайиш жараёни фақат тирик организмларга хос бўлиб, жонсиз жисмларда бундай жараён мутлақо сезилмайди. Ҳар бир тирик организм ўзига хос ирсий белгиларга эга бўлиб, шу ирсий белгиларни наслдан-насліга ўтказиб беришга мослашган. Ҳеч қачон шафтоли уруғидан олма, ўрикдан узум ва ёнгоқдан эман ўсиб чиқмайди. Бундан бир неча ўн ва юз йиллар аввал яшаган баъзи «олимлар»чувалчанглар ифлос сувларда ётган от қилидан, пашша чириган гўштдан, курбақа Нил дарёси суви остидаги лой (ил)дан пайдо бўлган, деган фикрларни қувватлаганлар.

Фан асосларини чуқур ўрганиб, тажриба далилларига таянган олимлар тирик организмлар фақат бўлиниш орқали ёки тухум ҳужайралари ёрдамида кўпайшини тасдиқладилар. Масалан, италиялик Франческо Реди 1680 йилда пашшанинг пайдо бўлишини текшириб, учта идишнинг ҳар бирига бир хил массада гўшт солиб, бирининг оғзини бир қават дока, иккincinnини пергамент қофоз билан маҳкам беркитиб, учинчи идиш оғзини очиқ қолдиради. Оғзи очиқ идишдаги гўшт устида қуртлар пайдо бўлган. Оғзи берк идишларда гўшт чириб қолишига қарамай, ҳеч қандай тирик мавжудот ҳосил бўлмаган.

Бу тажриба оғзи очиқ идишдаги гўштга пашша тухум қўйганлигидан, унда пашшалар ривожланган. Усти ёпиқ идишдаги гўштларда тириклик аломатлари кузатилмаган.

Содда организмлар ҳужайраларининг бўлиниши билан кўпайса, юксак ўсимликлар эса маҳсус жинсий ҳужайраларда ишлаб чиқарилган уруғларнинг қўшилиб уруғланиши натижасида кўпаяди.

Жонсиз табиатда бундай мураккаб урчиш ҳодисалари мутлақо кузатилмайди. Тоғ жинсларининг механик равишда парчаланиши, темир-терсакларнинг майдаланиши, заррачалар сонининг кўпайшига олиб келса-да, бу ҳодисаларни кўпайиш деб тушуниб бўлмайди.

Баъзи бир организмлар, жумладан, вируслар, жонли мавжудотлар билан жонсиз жисмлар чегарасида туриб, тирик организм ҳужайраларида жонли мавжудот ҳисобланса, ундан ташқарида жонсиз табиат жисмлари қаторига киради. Кўп олимлар уларнинг фақат нуклеин кислоталардан ташкил топ-

ганлигини аниқладилар. Демак, вирус ва шунга ўхшаш бизга маълум бўлмаган бир хил бирималарга жонли табиат билан жоисиз табиатни ўзаро боғлаб турувчи омиллар деб қарадади.

II боб. УСИМЛИКЛАРДА СУВ АЛМАШИНИШ ҲОДИСАЛАРИ

Табиатда сувнинг тарқалиши, физик ва химиявий хоссалари

Ер юзидағи барча тирик мавжудотлар ҳаёт жараёнлари сув билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, сув етарли бўлгандагина тирик организмда кузатиладиган физиологик ва биохимиявий реакциялар ўз вақтида ва маълум изчилликда давом этади. Дарҳақиқат, тирик мавжудотлар таркибидаги сув миқдори 70—80% ни ташкил этиши, унинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Сайёрамизнинг температураси, деярли бир меъёрда сақланиб туриши ҳам Ер шаридаги сув ҳавзаларининг фаолиятига боғлиқ. Чунки баҳор ва ёз ойларида қуёшдан ерга етиб келадиган электромагнит — ёруғлик энергияси океан, денгиз, кўл, тупроқ ва дарё сув ҳавзалари томонидан ютилиши туфайли атмосфера температурасининг пасайишига олиб келади. Куз ва қиш фаслларида ҳам, баҳор ва ёзда ҳам сув ҳавзаларида тўпланган ёруғлик, иссиқлик энергияси аста-секинлик билан ажралиб турганлигидан атмосфера ҳавоси ҳаддан ташқири совиб кетмайди. Хулоса қилиб айтганда, Ер юзидағи сув ҳавзалари атмосферадаги температуранинг бир хил сақланишини таъминлайди. Айтганлардан ташқари сув ҳавзалари завод-фабрикалардан, ўрмонларнинг ёнишидан, вулканлар отилишидан ва барча тирик организмларнинг нафас олишидан ажралиб чиққан карбонат ангиридиди ютиши билан атмосферанинг тозаланишида иштирок этади. Бу ҳол CO_2 гази кўплаб тўпланишидан ҳосил бўладиган ҳодисанинг пасайишига олиб келади.

Шу билан бирга сув таъсирида тоғ жинсларининг нураши ва емирилиши натижасида ер юзасининг манзараси чуқур ўзгаришларга учрайди. В. И. Вернадскийнинг айтишича, сайёрамиздаги энг муҳим геологик жараёнларнинг келиб чиқишида сув билан тенглашадиган омилни учратмаймиз.

Ер шаридаги сувнинг умумий миқдори 1,5 млрд км³ чамасида бўлиб, тубандаги жадвал рақамларига кўра сайёрамизнинг турли қисмларида тарқалганлиги кузатилади.

Сув табиатда буғ, суюқлик ва муз шаклларида учрайди. Сув тирик организмларнинг ҳаёт фаолиятида муҳим ўринни эгаллайди. Тирик организмлар тана температураси, сув туфайлигина деярли бир хил даражада сақланади. Сув эритувчи сифатида тирик организмларда содир бўладиган физиологик ва биохимиявий жараёнларнинг нормал ўтишини таъминлайди.

Гидросфера қисмлари	Сув миқдори, күб километр (км ³) хисобида
Ер шаридаги океан ва деңгизларда	1.370.000.000
Континентал қуруқликларда, жумладан,	90.009.000
ер ости сувларида	60.000.000
музларларда	29.000.009
күлларда	750.000
тупроқдаги намлиқда	75.000
атмосферада (туман, бұғ, булат, қор, ёмғир томчилары)	13.000
тирик организмларда	6.000
дарёларда	1.200


Сув ўсимликтарнинг озиқланиши учун зарур, чунки ўсимликлар моддаларни сувда эриган ҳолатда ўзлаштиради. Фотосинтез жараёнида сув таркибидаги водород ҳисобига углеводлар синтезланади. Сувдан ажралиб чиққан кислород эса аэроб шароитда ҳаёт кечирадиган тирик организмларнинг нафас олиш жараёнида сарфланади.

Сув рангсиз, шаффоғ бўлганлиги учун қуёш нурининг барг тўқималаридағи хлоропластларга етиб боришига тўқинлик қилмайди. Унинг бу хусусияти, айниқса, сув остида ўсадиган ўсимликлар учун жуда муҳимдир.

Сув водороднинг енгил атоми протий (^1H) билан кислороднинг турли массадаги атомларининг (изотопларнинг) қўшилишидан ҳосил бўлган. Унинг молекуласи H_2^{16}O ; H_2^{17}O ва H_2^{18}O шаклида ифодаланади. Дейтерий водород деб аталган ^2H ёки Д водороднинг масса атоми турли атом массасидаги кислород изотоплари билан қўшилиб, оғир (масса) сув молекулаларини — D_2^{16}O ; D_2^{17}O ва D_2^{18}O ҳосил қиласди. Оғир сув 101, 43°C да қайнайди, 3,82°C да зичлашади. Солишинга массаси 1,104 г. Оғир сув тирик организмларга салбий таъсир этади.

Протий деб аталган енгил водород битта протондан ташкил топган. Дейтерий деб аталган водород ўз таркибида битта протонни ва битта нейтронни сақлаганлигидан, протий водородга нисбатан унинг массаси иккى марта оғир. Дейтерий билан кислород қўшилишидан ҳосил бўлган сув «оғир сув» деб юритилади. Оғир сув илмий-тадқиқот ишларида «нишонланган атом» сифатида ва атом энергетикасида кенг қўлланилади. Бироқ оғир сув тирик мавжудотлар учун зиёнлидир,

Булардан ташқари табиатда тритий (T) деб аталган водород ҳам учрайди. Унинг мағзи таркибида битта протон ва иккита нейтрон борлигидан оддий сувга нисбатан 3 марта оғир. Тритийнинг кислород билан қўшилишидан «ҳаддан ташқари оғир сув» молекулалари ҳосил бўлади. Бундай сув молекулалари унинг ичидаги жуда камдан-кам, яъни 10^{17} молекула оддий



23- расм.

а — сув молекуласида кислород ва водород ионларининг бөгланиш тартиби; б — суюқ сув таркибидаги водород бөргамлари ҳисобига ҳосил бўлган кластерлар; в — эркин сув молекулаларининг жойлашиши (Френк- Винча).

сувда, фақат бир молекула ҳаддан ташқари оғир сувга тўғри келади. Бундай сув атом энергетикасида ишлатилади.

Химиявий жиҳатдан сув оксидланган водород бўлиб, у жуда турғун бирикмадир. Сув 1500°C дан юқори температурада (термодиссипация), ультрабинафаша нур (фотодиссипация), электр токи (электролиз) ва радиоактив нурлар (радиализ) таъсиридагина водород ва кислородга парчаланади. Сув иштирокида кўпгина бирикмаларнинг гидролизланishi, бошқа бирикмалар билан тезда қўшилиши унинг энг муҳим ва характерли химиявий хусусиятиdir.

Физик хоссаларига кўра сув таъмсиз, ҳидсиз, рангсиз, суюқ ва шаффоф модда, қалин қаватли сув ҳаворанг бўлади. Цельсий термометрида сув 100°C (Реомюр термометрида 80°) да қайнаб, 0°C да музлайди.

Турли эритмалар юқори температурада кенгайиб, паст температурада зичлашади. Сув ўзиға хос хусусияти билан бундай эритмалардан кескин фарқ қиласи. Сув $+4^{\circ}\text{C}$ да (аниқроғи $+3,98^{\circ}\text{C}$) зичлашиб, шу нуқтадан паст ёки юқори температурада унинг зичлиги камайиб, ҳажми ортади. Масалан, $+4^{\circ}\text{C}$ даги 100 см^3 сувнинг температурасини 0° га туширилса, у музлаб ҳажми $108,7 \text{ см}^3$ бўлади, яъни $8,7 \text{ см}^3$ бўлади, яъни $8,7 \text{ см}^3$ га ортади.

Сув молекуласи (23- расм, а) нинг структураси тенг томонли учбурчак ҳосил қилиб, унинг ён бурчакларида иккита мус-

бат (+) зарядли водород атомлари, учида битта манфий (—) зарядли кислород атоми жойлашган. Кислород билан водород атомлари ўзаро ковалент боғланган. Шунга биноан сув молекуласи кучли электрик хусусиятга эга. У ўз атрофидаги молекулалар билан водород боғламлари воситасида боғланади. Натижада бир неча сув молекуласида ташкил топган. 23-расм, б да кўрсатилганидек тўпламлар ҳосил бўлганлигидан уларга кластир дейилади. Улар орасида молекула шаклидаги сув ҳам тарқалган. Қор ва муз таркибидаги сув молекулалариңинг ҳаммаси водород боғлари билан боғланмаган сув молекулаларининг миқдори 15%, +25°C да 20% атрофида бўлади.

Сувнинг иссиқлик сифими бошқа қаттиқ ва суюқ моддаларнинг иссиқлик сифимига нисбатан юқори. Унинг куз ва қиш фаслларида секинлик билан совиши, ёз ойларида секинлик билан исиши ер шаридаги температуранинг маълум тартибда сақланишини таъминлайди.

Ўсимликлар учун сувнинг аҳамияти

Ўсимлик ва бошқа организмлар учун сувнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини транспирация жараёнидан ҳам бишлиш мумкин. Ўсимлик иссиқлик энергиясини кўп миқдорда сарфлаши туфайли унинг тана температураси пасаяди, яъни сув буғланиб тана температурасини тартибга солиб туради.

Сувнинг ўсимлик танасида кўп ёки оз бўлиши биохимиявий жараёнларнинг йўналиши ва уларнинг жадаллигига таъсир этишини қўйидаги жадвал (Б. А. Рубин маълумоти) дан кўриш мумкин:

9- жадвал

Тўқима таркибидаги сув миқдори, % ҳисобида	Нафас олиш жадаллиги, % ҳисобида
100,0	100,0
87,6	121,3
78,4	188,7
72,4	204,2

Сув миқдорини камайиши билан нафас олиш жадаллиги кескин ошганлигини жадвал рақамларидан кўриш мумкин. Бў эса тўқимада синтез жараёни секинлашиб, гидролиз жараёни, фоллашганлигини кўрсатади.

Сув танқислигига цитоплазманинг ёпишқоқлик даражаси кўтарилиб, моддалар алмасиниши сустлашади ва гидролиз жараёнларда ҳосил бўлган заҳарли моддалар (NH_3 , H_2S , CO_2 , ва $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$) тўпланишидан ўсимлик нобуд бўлади.

Үсимлик түқимасида гидрофил коллоид ва осмотик фоал моддаларга маҳкам боғланган ва боғланмаган диффузион сув бўлади. Заррачаларга маҳкам боғланган сув коллоидларни коагулланишидан сақлашда қатнашади. Диффузион сувнинг бир қисми моддалар алмашиниши жараёнларида сарфланса, кўпчилик қисми транспирация жараёнида буғлантирилади. Үсимлик түқималарида сувларнинг бундай бўлиниши қатъий эмас, чунки маҳкам боғланган сув молекулалари диффузион ҳолатга ва диффузион сув молекулалари маҳкам боғланган шаклга ўзгариб туради.

Ўсимлик тури ва яшаш шароитига қараб түқимадаги сув миқдори ҳам ҳар хил бўлади

(Б. А. Рубин маълумоти)

10- жадвал

Ўсимликлар номи	Сув миқдори % ҳисобида
Сувўтлар	96—98
Пиёз, салат барглари, помидор ва бодринг мевасида	94—95
Оқ қарам барги, редиска илдизи ва тарвуз этида	92—93
Сабзи ва пиёз мевасида	87—91
Ўт ўсимлик барглари, олма ва нок меваларида	83—86
Дарахт ва бута баргларида	79—82
Картошка тугунагида	74—80
Дарахтлар танасида	40—55
Қуруқ ғалла донида	12—14
Моҳ ва лишайникларда	5—7


Ўсимлик түқимасининг сув қабул қилиши.

Илдиз босим кучи. Ўсимликларда «йиғлаш» ва гуттация ҳодисалари

Сувўтлар сувни бутун таҳаси билан қабул қилса, қуруқ-яндайдаряшовчи ўсимликлар эса илдиз системаси орқали қабул қиласи. Ёш майсалар сувни илдизининг ҳамма қисмлари билан шимиса, илдизи қариган ўсимликлар эса фақат илдиз тукчалари билан шимади.

Қуюқ туман тушган ва ёмғир ёққан кунлари ўсимликлар сув (нам)ни барг түқималари орқали ҳам қабул қиласи. Ўсимликнинг илдизлари ўсимликка сув ва минерал моддаларни етказиб берибгина қолмай, балки олинган маълумотларга биноан илдиз системасида ўндан ортиқ турли аминокислота, қоксағиз ўсимлигида, каучук, тамаки ўсимлиги илдизида алкалоидлар ҳам синтезланади.

Илдиз тукчалари қабул қилган сув пўстлоқ паренхимаси, эндодерма, перицикл ва ўзак паренхима ҳужайраларидан ўтиб, илдизнинг ўтказувчи найларига етиб келади. Илдиз тукчалари шимиган сувнинг бир ҳужайрадан иккинчи ҳужайрага қараб бир томонлама ҳаракатланиши, ҳужайраларнинг шимиш кучига боғлиқ (24- расм).




24-расм. Илдиз тўқимасининг тузилиши ва сувнинг ҳаракатланиш йўллари:
1—илдиз туккаси; 2—пўстлоқ паренхимаси; 3—эндодерма; 4—перицикл; 5—ўзак паренхима ҳужайралари; 6—ўтказувчи найлар.

Қабул қилинган сувнинг поядаги ўтказувчи найларга ўтиши шу найлардаги эритма концентрациясига боғлиқ. Ўтказувчи найлардаги эритманинг концентрацияси қанча кучли бўлса, қабул қилинган сув шунча тез шимилади. Маълум куч воситасида сувнинг найлар орқали юқорига қарб ҳаракатланиши илдиз босим кучи дейилади. Илдиз босим кучи ўсимликнинг яшаш шароити ва турига қараб ўзгариб туради.

Илдиз босим кучини ўлчаш учун ўсимлик пояси ер устига яқин қисмидан кесилади, қолган қисмига каучук найча уланган манометр бирлаштирилади (25-расм). Илдиз ҳужайралари сувни жадал равишда сиқиши туфайли, найча ичидаги сув кўтарила бошлайди. Ўт ўсимликларида илдиз босим кучи 1—3 атм босим кучига teng бўлса, дараҳт ўсимликларида 10 атмосферага бориб қолади.

Ўсимлик ҳужайраси орқали сувнинг бир томонлама ҳаракатланиш схемасини Д. А. Сабинин тавсия этган.


Схемага биноан, ўсимлик ҳужайраларининг турли қисмларида моддалар алмашиниш жараёни ҳам турлича борганилиги учун шимиш кучи ҳам ҳар хил бўлади. Д. А. Сабинин фикрича, «А» ҳужайрасининг «Б» ҳужайрасига тёғиб турган қисмida моддалар алмашиниши суст ўтиб, «Б» ҳужайрасида жадал ўтганлигидан, унинг шимиш кучи «А» ҳужайрасининг шимиш кучидан кучли-



25-расм. Илдиз босим кучини аниқлайдиган асбоб:
1 — тувақдаги ўсимликтан кесилган поя тўвакачи; 2 — манометр; 3 — тўвакача билан манометрни бирлаштиридиган каучук най; 4 — манометр махкамалаб кўйиладиган тиргович.

роқ бўлади. Шунинг учун сув «А» ҳужайрасидан «Б» ҳужайрасига қараб ҳаракатланади (26-расм). Худди шундай нисбат «Б» ҳужайраси билан «В» ҳужайраси ўртасида ҳам кузатилади. Бунда «Б» ҳужайрасидан «В» ҳужайрасига сув осонликча ўтиб кетади.

Шикастланган ва кесилган поя ёки бошқа органлардан сув (шира) нинг оқиб чиқиш ҳодисаси ўсимликларнинг «йиғлаши» деб аталади. «Йиғлаш» жараёнида ажralиб чиқсан ўсимлик ширасининг химиявий таркиби йил фасллари ва ўсимлик турига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, баҳор ойларида оқ қайнин дарахтидан 50 л гача таркибида ҳар хил моддалар бўлган шира, қовоқ ўсимлигидан 4 л гача шира олиш мумкин. Унинг химиявий таркиби қўйидаги жадвалда келтирилган (Л. С. Литвинов маълумоти).



26-расм. Ўсимлик ҳужайралари орқали сувнинг бир томонлама ҳаракатланиши.


II-жадвал

Моддалар	Шира таркибидаги моддалар миқдори, г/л
Қуруқ модда	2,6
Кул	1,1
Олма кислота	0,46
Вино кислота	0,19
Шавел кислота	0,11
Лимон кислота	Жуда оз
Оқсили	0,035
Аминокислота (аланин ҳисобида)	0,08
Нитрит ва нитратлар (NO_3 ҳисобида)	0,074
NH_4	0,019

Баъзи ўсимликлардан, жумладан, Америка зарангидан ажralиб чиқсан шира таркибида шакарлар миқдори 8% чани ташкил этади.


Бразилия ва Венесуэла ўрмонларида коллофора номли дарахт пўстлоғи шикастланганида сигир сутига ўхшашиб оқ шира (2—4 л) оқиб чиқади. Уни сигир дарахти деб юритилади. Венесуэладаги галактодиндрон дарахтидан оқиб чиқсан оқ сут жуда ширин таъмли бўлиб, унинг таркибида шакар, оқсили, мой, крахмал ва минерал тузлар борлиги аниқланган.

Шикастланган ва кесилган поя ёки бошқа органлардан сув сиқиб чиқарилади. Бу ҳодиса гуттация деб аталади (27-расм). Гуттация ҳодисаси ҳам, йиғлаш ҳодисаси ҳам ўсимликларда илдиз босим кучи борлигини тасдиқлайди. Баъзи ўсимлик барг учларидаги гидратод деб аталган маҳсус оғизча-



27- расм. Гуттация ҳодисаси:

1 — бүгдой ёки арпа майсалари; 2 — шиша қалпок; а — ажралган сув томчилари.



28- расм. Примула баргининг тузилиши:

1 — гидатод — сув оризаси; 2 — эпитеяма ҳужайралары; 3 — ҳужайра орваликлари; 4 — хлоропласти ҳужайралар; 5 — эпидермис; 6 — сув найлари (трахеидлар).

лар орқали, сув сиқиб чиқарилади. Гидатодда ҳаво бўшлиғи бир неча қатор ҳужайралар йиғиндисидан иборат бўлган парда билан қопланиб, унга эпитетема дейилади. Эпитетема пардаси шира таркибидаги озиқ моддалар ва минерал элементларнинг ташқарига чиқишига йўл қўймайди (28- расм).

Йиғлаш ва гуттация ҳодисаларида ажралиб чиқсан шира таркибида учрайдиган элементлар миқдори ҳар хил даражада бўлиши эпитетема орқали ўсимлик учун керакли элементлар камроқ ажратилганлиги тубандаги жадвалдан кўринади:

12- жадвал


Ўсимлик номи	1 литр шира таркибидаги элементлар, мг ҳисобида		
	кальций	калий	фосфор
Кўкнор ўсимлиги шикастланганда гуттация вақтида	332 148	253 17	265 17
Қарам ўсимлиги йиғлашида гуттация вақтида	901 125	113 13	285 18

Гуттация ҳодисаси муҳим физиологик аҳамиятга эга. У ўсимлик танасида сув мувозанатини сақлашда хизмат қиласи. Масалан, кундузи транспирация суст ўтса, кечаси гуттация ҳодисаси кучли ўтади. Одатда, ҳаво ва тупроқ намлиги, кўпайгандага примула, картошқа, буғдой, қулупнай ва тол каби ўсим-

ликларда гуттация ҳодисаси кузатилади. Нам тропик иқлимда ўсуви ёмғир сезальпинияси ўсимлигидан гуттация ҳодисасида ажралиб чиқсан шира кучли ёмғир — жалага ўхшайди. Колоказия эскулента ўсимлигига гуттация ҳодисаси жуда кучли бўлиб, минутига 200 томчи шира ажратади.


Ўсимлик танасида сув ва эритмаларнинг ҳаракатланиши, уларни ҳаракатлантирувчи кучлар


Илдиз системаси қабул қилган сув ва унда эриган моддалар ўсимликнинг ўтказувчи найлари орқали юқорига қараб ҳаракат қилади. Бунга юқорига йўналган оқим дейилади. Фотосинтез жараёнида баргларда ҳосил бўлган органик моддаларнинг юқоридан пастга томон қилган ҳаракатни назарда тутиб, юқоридан пастга йўналган оқим дейилади. Бироқ, баргларда ҳосил бўлган органик бирикмалар пастда жойлашган органларга томон йўналибгина қолмай, балки ўсимликнинг юқорида жойлашган ўсиш конусларига ҳам оқиб



29-расм. Ксилема ва флоэмә ўтказувчи найлари:

1. а — ҳалқасимон; б — спиралсимон; в — нарвойсимон; г — тўрсимон ксилема найлари.
2. д — элаксимон флеэмә найи; е — йўлдош ҳужайра.





30-расм. Баргнинг шимиш кучини кузатиш:

1 — символ солинган идиш; 2 — символ; 3 — калан деворли шиша най (қайнатилган сувук сув билан тұлдырылған); 4 — каучук тиркиш (пробка); 5 — каучук тиркишга үрнатылған мөвзә.

Ана шундай энг муҳим кучлардан иккинчиси барг ҳужайраларининг шимиш кучи воситасида, баланд ўсган драхтлар тупроқдаги сувни осонлик билан шимиб олади. Илдиз босим кучи пастда жойлашган куч бўлса, шимиш кучи юқорида жойлашган куч дейилади (30-расм).

Сув молекулалари ўртасидаги илашиш-боғланиш учинчи кучdir. Немис олим O. Реннер ва швейцариялик олим А. Үршпрунг сув молекулалари ўртасидаги боғланиш-илашиш кучи 300—350 атм босим кучига тенг эканлигини аниқладилар. Бу куч сув йўлларининг узилиб қолишига тўсқинлик қиласи.

Ўтказувчи капилляр найларининг (юзаки) тортиш кучи тўртинчи кучdir. Йнгичка капилляр найларининг тортиш кучи, сув тасмасининг узилиб кетишига тўсқинлик кўрсатади. Ўсимликларнинг ўтказувчи найларидаги ҳаракатланиш тезлиги жуда секин бўлса-да, бир соатда бир неча метр масофани ўта олади.

боради. Бу органик моддаларнинг ҳаракатланишоқими деб аталади.

Ўсимликларда ўтказувчи найлар борлигини биринчи бўлиб М. Мальпигий (1679) ва С. Гельз (1727) кузатган.

Оқим ўлік ҳужайралар орқали пастдан юқорига йўналган бўлиб, бунда қатнашган найчалар ксилема элементлари, уларнинг йиғиндиси эса ксилема деб аталади. Юқоридан пастга йўналган оқимда тирик ҳужайралар иштирок этиб, уни ташкил қилган ҳужайралар тўплами флоэма деб аталади (29-расм).

Флоэма ва ксилеманинг ўтказувчи найлари ҳамма юксак ўсимликлар учун хос бўлиб, уларни аниқлашда дараҳт новдасидан фойдаланиш мумкин.

Илдизлари орқали сув ва унда эриган минерал тузлар ҳамда илдиз тўқималарида пайдо бўлган баъзи бир органик бирикмаларнинг юқоридаги органларга қараб ҳаракат қилишида бир неча хил кучлар иштирок этади. Улардан бири илдиз босим кучидир.

Илдиз системасининг аҳамияти ва унинг фаол ишлаши учун ташқи омилларнинг таъсири

Юксак ўсимликларнинг жадал ўсиши ва ривожланиши учун илдизлари яхши ривожланган бўлиши керак. Ўсимликларнинг илдизлари уларнинг тури, яшаш шароитига кўра тупроққа юза ёки чуқур жойлашганлиги жадвал рақамларидан кўринади.

13- жадвал

Ўсимлик тури	Илдиз жойлашган чуқурлик, м	Ўсимлик тури	Илдиз жойлашган чуқурлик, м
Галладошлар	1,5—2	Шувоқ	3,5
Қарам	1,5	Бўзтикан	6,0
Пиёз	1,0	Янтоқ	15—18

Ўсимликнинг ер устки қисмлари қанчалик яхши ривожланган бўлса, илдизлари ҳам шунчалик ва ундан ҳам кучли ривожланган бўлади. Масалан, бир туп сулининг илдизларини бир-бирига уланганда, унинг умумий узунлиги 87,4 км га боради. Бир туп буғдои илдизларининг умумий узунлиги 71,1 км га боради. Хулоса қилиб айтганда, ўсимлик илдизлари қанчалик яхши ривожланган бўлса, у керакли озиқ ва сув билан шунчалик яхши таъминланади.

Илдизларнинг фаол ишлаши учун тупроқ таркибидаги ҳаво етарили бўлиши талаб этилади. Ҳаво етишмаса, илдиз ҳужайраларида анаэроб нафас олиш жараёни бошланиб, ўсимлик учун заҳарли ҳисобланган CO_2 гази, этил спирт тўпланади, натижада ўсимлик нобуд бўлади. Тупроқдаги ҳаво бўшлиқларини сақлаб қолиш учун экинлар бостириб сугорилмаслиги керак.

Тупроқ эритмасининг концентрацияси кучли бўлиши илдизларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қиласди, яъни унинг осмотик босим потенциали ҳам кучли бўлади. Натижада илдиз тукчалари концентрик эритма таркибидаги сувни шимиб ола олмайди. Аксинча, бундай пайтда тупроқ эритмаси илдиз тукчаларидағи сувни шимиб олиб, илдизларни сувсизлантириб қўяди. Тупроқдаги концентрик эритма таркибида сувнинг кўп бўлишига қарамай, бу сувдан ўсимлик фойдалана олмайди. Бундай тупроқлар физиологик қуруқ тупроқлар дейилади.

Илдизларнинг нормал ривожланиши учун оптималь температура ва ўсимлик учун зарур озиқ моддалар бўлиши керак.

Тупроқдаги сув турлари

Айтиб ўтилганлардан ташқари, тупроқда сувни боғлаб турвчи бир неча кучлар ҳам мавжуд. Булар сувнинг ўз массаси, тупроқ заррачаларининг адсорбциялаш кучи, капилляр

найларнинг юз тортиш кучи ва, ниҳоят, тупроқ таркибидаги минерал ва органик моддаларнинг сув молекулалари билан бўладиган муносабатлари натижасида юзага келадиган осмотик кучлардир. Шу кучлар туфайли, тупроқда гравитацион, капилляр, адсорбциланган (парда) гигроскопик ва имбибицион сувлар мавжуд.

Гравитацион, капилляр ва қисман парда сувлар ўсимлик учун фойдали, гигроскопик, адсорбциланган ва имбибицион сувлар ўсимлик учун фойдасизdir. Демак, ўсимлик тупроқдаги сувнинг ҳамма турини қабул қила олмайди, унда қандайдир миқдорда фойдаланмаган сув қолиб кетади. Бу қолдиқ сувга сўлиш коэффициенти ёки ўлик заҳира сув дейилади.

Сўлиш коэффициентини тупроқнинг механик таркибини аниқлаш йўли билан белгилаш осон. Бунинг учун қўйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Q = \text{қум \%} \times 0,01 + \text{чанг \%} \times 0,12 + \text{лой \%} \times 57.$$

Тупроқнинг турига қараб сўлиш коэффициенти ҳам ҳар хил бўлғанлиги қўйидаги жадвалдан кўринади.

14- жадвал

Тупроқ турни	Тўла сув сигими, %	Сўлиш коэффициенти, %
Қумоқ тупроқ	23,4	0,9
Қумлоқ тупроқ	28,0	2,6
Енгил бўз тупроқ	33,4	4,8
Оғир бўз тупроқ	47,2	9,7
Лой тупроқ	64,6	16,2

Транспирация жараёни ва унинг ўсимлик учун аҳамияти. Барг оғизчаларининг тузилиши

Ер юзидан ва сув сиртидан сувнинг буғланиб туришини ҳамма кузатган бўлса, ўсимлик танасидан сувнинг буғланишини кузатиб бўлмайди. Сувнинг буғ ҳолига келиши физик жараён бўлиб, унинг ўсимлик танасидан буғланиши эса организм учун хос физиологик жараён ҳисобланади. Бунга транспирация жараёни дейилади. Улар қўйидаги хусусиятлари билан фарқ қиласидилар.

Ер юзидан ва сув сиртидан сув бир текис ва узлуксиз буғланиб туради, буғланиш миқдори эса температурага боғлиқ. Температура кўтарилиши билан буғланадиган сув миқдори ҳам тўхтовсиз орта боради.

Ўсимлик танасидан сув узлуксиз ва бир текис буғланмайди, аёввало қўпроқ буғланади, кейинчалик температура кўтарилиши билан баргдаги оғизчалар (ҳужайралар сувсизланиб) ёпилиб қолиши тўфайли буғланиш секинлашади.

Ҳаво қуруқ келганда ер юзидан ва сув сиртидан сув тез ва кўп буғланади.

Сув буғлари билан тўйинган муҳитда буғланиш сезилмайди. Ўсимлик тўқимасидан эса оз бўлса ҳам сув буғланиб туради ёки сиқилиб чиқарилади. Буғланиш, нафас олиш жараёнида ажратилган иссиқлик энергияси ҳисобига содир бўлади.

Транспирация жараёнининг аҳамияти қўйидагилардан иборат:

а) сув ва сувда эриган моддаларни ўсимликнинг юқорида жойлашган органларига етказиб беради;


б) фотосинтез жараёнининг тўхтовсиз давом этишини таъминлайди. Чунки ҳаводати карбонат ангидрид барг оғизчалари орқали ўтиши керак. Агар барг оғизчалари ёпиқ бўлса, CO_2 барг тўқимасига ўта олмайди ва фотосинтез жараёни кескин секинлашади. Транспирация жараёни туфайли барг оғизчалари очиқ бўлиб, унинг тўқимасига CO_2 гази ўтишига имкон яратилиади;

в) ташки мухитга нисбатан ўсимлик тана температурасининг анча паст бўлиши туфайли, унинг кучли қуёш нури таъсирiga бўлган бардошлиги ортади;

г) ферментларнинг жадал ишлаши, моддаларнинг ҳаракатланиб туриши, нафас олишнинг нормал ўтиши, ўсимлик тўқимасида сувнинг етарли бўлиши транспирация жараёнининг жадаллигига боғлиқ.

Ўсимлик танасидан буғланган сувнинг кўп қисми баргда жойлашган оғизчалар орқали ташки мухитга чиқади.

Оғизча ловиясимон ҳужайралардан ташкил топган. Бироқ



31-расм. Барг палладарида оғизчаларнинг жойлашиши
(чапдан ўнгга):

гулсапар ва маккажӯҳори барг эпидермисининг тузилиши.
 a_1a_1 — эпидермисларнинг умумий кўриниши:

1 — оғизча тириши; 2 — қамровчи ҳужайралар; 3 — ҳаво бўшлири;
4 — қўшимча ҳужайралар.

ғалладошлар оиласига киравчи ўсимликларда оғизча ҳужайралари ўзинга хос тузилишга эга (31-расм).

Ўсимликнинг яшаш шароитига ва турнига қараб оғизчалар баргнинг устки ва пастки (орқа) томонида жойлашган бўлади, 1 мм^2 барг сатҳидаги оғизчалар сони ҳам ҳар хил бўлади. Ўрта ҳисобда 1 мм^2 барг сатҳида 50—500 донагача барг оғизчалини жойлашади. Уларни қўйиндаги жадвал рақамларидан ҳам кўриш мумкин.

15-жадвал

Ўсимликлар түри	1 мм^2 барг сатҳидаги оғизчалар сони	
	баргнинг устки томонида	баргнинг остики томонида
Сули	25	23
Бүгдой	60	41
Маккажӯхори	52	68
Кунгабоқар	58	156
Помидор	12	130
Ловия	40	281
Олма	—	400
Олихўри	—	253
Нилуфар	406	—
Ғўза	119	246

1 мм^2 барг юзасидаги оғизчалар кўп бўлишига қарамай, улар барг юзасининг 1—2% ини эгаллайди.

Барг оғизчаларининг очилиб-ёпилиши бир қанча омилларга боғлиқ. М. Стольфельд оғизчаларнинг учта реакция асосида очилиб-ёпилишини тавсия этган.

Фотоактив реакция. Бу реакция оғизчаларнинг очилиши ва ёпилиши мезофил ва оғизчани қамраб турувчи ҳужайраларда юз берадиган биохимиявий ўзгаришларга боғлиқ. Жумладан, қоронфиликдан ёруғликка ўтганда, тўқиманинг мезофил ҳужайраларида фотосинтез жараёни бошланиши билан шакар крахмалга айланади. Қамраб турувчи ҳужайраларда эса, тўпланган ва ҳосил бўлган крахмал шакаргача парчаланади. Натижада бу ҳужайраларнинг осмотик босим кучи ортади. Осмотик потенциали ортган қамраб турувчи ҳужайралар мезофил ва эпидермис ҳужайраларидаги сувни шимиб олиб бўкади ва оғизча очилади.

Ёруғликдан қоронфиликка ўтган вақтда эса, аксинча, барг оғизчасини қамраб турувчи ҳужайралардаги шакар молекулалари крахмалга айланади, мезофил ҳужайраларда ёруғликда ҳосил бўлган крахмал оддий шакарга парчаланади. Натижада мезофил ҳужайралардаги осмотик босим кучи барг оғизчасини қамраб турувчи ҳужайралардаги осмотик босим кучидан ортиб кетади. Натижада мезофил ҳужайралар оғизчани қамраб турувчи ҳужайралардаги сувни шимиб олади. Таркибидаги сувни йўқотган барг оғизчалини ёпилади.

Гидроактив реакция. Барг тўқималарида сувнинг тез буғланиб кетиши натижасида (кун ўрталарида) барг оғизчасини қамраб турувчи ҳужайралар сувсизланиб қолишиндан оғизчалар ёпилади. Транспирация жадаллиги секинлашгач, фотоактив реакция гидроактив реакциядан устун бўлиб қолишиндан барг оғизчалари қайтадан очилади.

Гидропассив реакция. Ёмғир ёғиши ва ҳаво намлигининг кўп бўлиши туфайли, барг тўқимаси сувни кўп шимиб олишидан эпидермис ҳужайралари бўкиб қолади. Натижада барг оғизчасини қамраб турувчи ҳужайралар сиқилиб, оғизча пассив ҳолда ёпилади. Вақт ўтиши билан эпидермис ҳужайралардаги сув буғланиб, барг оғизчаси (пассив ҳолда) очилади.

Стольфельд реакцияларидан ташқари, барг оғизчасини қамраб турувчи ҳужайралар таркибида жалий ва натрийнинг кўпайиб кетишидан оғизчаларнинг очиқ ҳолда қолганлиги ҳам аниқланган. Бундай барг оғизчасини қамраб турувчи ҳужайралардаги шакар молекулалари крахмалга айланмайди. Натижада қамраб турувчи ҳужайраларнинг осмотик босим кучи ва шимиш кучи ортади. Бу ҳужайралар сувни кўп шимиб олиб, доимо таранг ҳолатда бўлади, оғизчалар эса ёпилмай қолади.

С. А. Кибрик (1973) фикрича, оғизчаларнинг очилиб-ёпилиши АТФ молекулаларининг синтезланишига боғлиқ. Ҳужайралар таркибида АТФ кўп бўлса, унинг энергияси ҳисобига осмотик актив бирикмалар ҳужайрага ўтади. Натижада ҳужайрада осмотик актив моддалар миқдори ортиб, оғизча очилади. Қамраб турувчи ҳужайралардан осмотик актив бирикма АТФ энергияси ҳисобига чиқарилса, ҳужайранинг осмотик потенциали камаяди ва оғизча ёпилади.


Барг оғизчаларида сувга эҳтиёж ҳаддан ташқари кўпайса, абсиз кислота тўпланиб, мембраналарнинг ўтказувчанлиги ортади. Натижада калий элементи камайиши туфайли қамраб турувчи ҳужайраларнинг осмотик потенциали камаяди, оқибатда оғизчалар ёпилади.

Барг оғизчаларининг очилиш даражасини қўйидағи усуллардан фойдаланиб аниқлаш мумкин.

Ф. Ллойд усули. Бу усулда ўсиб турган ўсимликнинг барг эпидермиси шилиб олиниб, абсолют спиртга солиб қўйилади.

Г.Х. Молотковский усули. Барг юзасини ва барг оғизчаларини фотоплёнкага расмга олиш.

Молиш усули. Молишнинг инфильтрация усули бўйича барг оғизчалари ор-



32-расм. Турли ўсимликларда барг оғизчаларининг кун давомидаги ҳолати.

қали спирт, бензин ва ксиол молекулаларининг ўтиб кетиши даражаси ҳисобга олинади.

Френсис Дарвин усули. Бу усулда Ф. Дарвин ишлаб чиққан парометр асбоби қўлланилади.

Текширишларга асосланниб, булутсиз, ўрта даражада қуруқ ва иссиқ кунларда барг оғизчалари соат 9—12 гача тўла очиқ, 13—15 соатга бориб ёпила бошлайди, қуёш ботишидан олдин тўлиқ ёпилади. Оғизчаларнинг кечакундуз очиқ туриши ёки қисқа муддатга очилиши ўсимлик турига қараб, ҳар хил бўлиши мумкин (32- расм).

Оғизчалар ва кутикула орқали бўладиган транспирация.

Транспирация жадаллигини аниқлашда қўлланиладиган усуллар. Транспирация кўрсаткичлари.

Ўсимлик қабул қилган сувнинг фақат 0,2 фоизини ўзлаштириб, 99,8 фоизини буғлантиради. Ўзлаштирилган сувнинг 20 фоизи органик моддалар ҳосил қилиш учун сарфланса, 80 фоизи цитоплазма коллоидлари ва осмотик жадал моддаларга боғланади.

Сув ўсимликнинг барг эпидермис ҳужайралари ва баргда жойлашган оғизчалар орқали ташқи муҳитга чиқарилса, яъни буғлантирилса, оғизчалар орқали бўладиган транспирация дейилади. Агар сув барг эпидермис ҳужайраларининг кутикула қавати орқали буғлантирилса, кутикуля р транспирация дейилади. Ёш ўсимликларда кутикуляр транспирация кучли бўлади, сўнгра барг эпидермис қутикула қавати қалинлашгач, оғизчалар орқали бўладиган транспирация кучаяди. Масалан, ўрик дараҳтининг ёш барглари баҳор ойларида транспирация жараёнида ялпи буғланган сув миқдорининг 73,4% ни кутикула қавати орқали буғлантирган, кузда эса атиги 15,4% и буғланган.


Кутикуляр транспирацияни аниқлаш учун дарахт баргининг остки, оғизчалар жойлашган томонига вазелин суркаб қўйилади.

Оғизчалар орқали бўладиган транспирация жараёни икки фазадан иборат. Биринчи фазада мезофил ҳужайралардаги сув буғга айланиб, ҳужайра оралиқ бўшлиқларида тўпланади (33- расм). Иккинчи фазада эса шу буғ ҳолидаги сув оғизчалар орқали диффузияланиб ташқи муҳитга чиқарилади.

Транспирация жараёнининг ўтиш жадаллигини тарозида тортиш (34- расм), ҳавони сўриб олиш ва кобальт-хлор усулларида аниқлаш мумкин.

Ўсимликларнинг сувни кўп ёки кам буғлантириши унинг тури ва яшаш шароитига боғлиқ. Шунга кўра транспирация кўрсаткичлари ҳам ҳар хил бўлади.

Маълум барг юзасидан (1 соатда тегишли вақт (1 m^2) давомида буғлантирилган сув миқдорига транспирация жадаллиги (интенсивлиги) дейилади. Бу кўрсаткич ўсимликларнинг турига ва яшаш шароитига қараб кундузи 15—250 г оралиғида



33-расм. Транспирация жарабинда сув буғланишининг икки фазаси:

1 — қора стрелкалар — сув (эритма) шаклини; 2 — оқ стрелкалар — сувнинг буғлантига ўтишини тасвирлайди.


бўлса, кечаси 1—20 г дан ортмайди. Масалан, бир кун давомида бир туп кунгабоқар ўсимлиги 4 стакан, карам ва маккажўхори 5 стакан, бугдой ва сули 0,5 стакан сувни, эман дарахти 5 ва оқ қайнин дарахти 6 челак сувни буғлантиради.

Вегетация давомида эса бир туп буғдои 85, арна 89, маккажўхори 200 кг сувни буғлантиrsa, 100 йиллик эман дарахти 12 000 кг, 1 гектар ердаги ўзга ўсимлиги 6 400 м³ сувни буғлантиради.

Транспирация жадаллиги цитоплазманинг ўтказувчанилигига, қопловчи тўқималарнинг тузилишига, оғизчани қамраб турувчи ҳужайраларнинг жадаллигига ва коллондлар томонидан сув молекулаларини боғлаб турадиган кучга боғлиқ.

Қурғоқчилик шароитида ўсимликлар сувни кам буғлантиради, деб келинган фикрни академик Н. А. Максимов рад этди. У ксерофитлар мезофитларга нисбатан сувни кўп буғлантиришини текширди. Буни қўйидаги жадвал маълумотлари тўла тасдиқлайди.

1 г қуруқ модда ҳосил қилиш учун сарфланган сув миқдори транспирация коэффициенти деб аталади. Қўпчилик ўсимликларда 1 г қуруқ модда ҳосил қилиш учун 300 г сув сарфланса, бошқа тур ўсимликларда сарфланган сув миқдори 1000 г га етиб қолади. Сувнинг оз ёки кўп сарфланиши ҳам ўсимликнинг тури ва яшаш шароитига боғлиқ. Масалан, ўзга ўсимлиги 1 г қуруқ модда ҳосил қилиш учун паст агротехникада 1000—1200 г сув сарфлаган бўлса, юқори агротехника тадбирлари қўлланилганда 1 г қуруқ модда ҳосил қилиш учун 500—600 г сув сарфланган.



34-расм. Транспирация жадаллигини белгилайдиган тарози.

Ўсимлик номи	Транспирация жадаллиги. 1 соатда 1 см ² барг сатҳидан буғланган сув миқдори, мг ҳисобида
<i>Verbascum ovalifolium</i>	8,8
<i>Salvia verticillata</i>	9,9
<i>Falcaria Rivini</i>	13,7
Мезофитлар	
<i>Viola odorata</i>	4,0
<i>Campanula rapunculoides</i>	8,3
<i>Erodium ciconium</i>	9,2

1 кг сарфланган сув ҳисобидан ҳосил бўлган қуруқ модда миқдори транспирация маҳсулоти деб аталади. Бу кўрсаткич 1—8 г оралиғида бўлади.

Маълум барг сатҳидан буғлантирилган сув миқдорининг худди шундай сув сатҳидан буғлантирилган сув миқдорига бўлган нисбати нисбий транспирация дейилади. У қуйидагича ифодаланади:

Барг сатҳидан буғлантирилган сув миқдори

Сув сатҳидан буғлантирилган сув миқдори

Одатда бу нисбат 0,1—0,5 оралиғида бўлади, баъзан 1 га тенглашади. Транспирация жадаллиги кескин пасайганда нисбий транспирация қиммати 0,01 ва ундан ҳам кам бўлади.

Маълум вақт ичида сарфланган сув миқдорини ўсимлик танасидаги умумий сув миқдорига бўлган нисбати сув сарфлаш тезлиги дейилади. У қуйидагича ифодаланади:

Маълум вақт ичида сарфланган сув миқдори

Ўсимлик танасидаги умумий сув миқдори

Бу кўрсаткич 10—80% атрофида бўлади. У ўсимлик танасидаги сувнинг неча фоизи ҳар соатда янгиланиб туришини кўрсатади. Н. А. Максимовнинг фикрича, баъзи ўсимликлар 1 соат ичида ўз таркибидаги сувнинг 100% ини янгилаб туради.

Транспирация жараёнинг ташқи муҳит омилларининг

таъсири. Ўсимликларда сув баланси ва сўлиш

Транспирация жараёнининг кучли ёки суст бўлиши ҳаво намлигига боғлиқ, яъни ҳаво намлиги кўп бўлса, транспирация жадаллиги секинлашади. Намлик камайганда транспирация жадаллиги кескин ошади, яъни у Дальтон қоидасига маълум

даражада бўйсунади. Далътон тенгламаси қўйидагича ифодаланади:

бунда:

$$V = K(F - f) \frac{760}{P} S$$

V — маълум сув сатҳидан буғланган сув миқдори; K — диффузия коэффициенти ($0,23 \cdot 10^{-4} \text{ м}^2/\text{сек}$), F — маълум температурада ҳаводаги буғ босими (жадвалдан топилади); f — тажриба температурасида ҳаводаги буғ босими; P — атмосфера босими; S — буғлантирувчи юза сатҳи.

Ҳаводаги максимал буғ босимининг температурага тўғри мутаносиблиги қўйидаги сонлардан кўринади:

Температура	-30	-20	-10	-0	+10	+20	+30
Максимал буғ босими	0,4	0,9	2,2	4,6	9,2	17,5	31,8

Маълум температурада ҳавони буғ билан тўйинтириш учун керак бўлган буғ босими (F) дан, тажриба вақтидаги буғ босими (f) нинг айрмаси ҳавода етишмаган намлик миқдори (d) қўйидаги тенглама асосида топилади:

$$d = F - f.$$

Транспирация жадаллигига ёруғликнинг таъсири катта. Масалан, ўсимлик қоронғилиқдан ёруғликка олиб чиқилса, унинг транспирация жадаллиги 30—40% тезлашади. Қуёш нури бевосита ўсимликка туширилса, транспирация жараёни янада кучлироқ ўтади. Бунда хлорофилл доначалари ютган қизил ва кўк-бинафша нурлар ҳамда барг тўқимасидаги сув молекулалари ютган инфрақизил нурлар энергияси ҳисобига барг тўқимаси исиб, транспирация жараёни тезлашади. Масалан, макка жўхорининг ҳар бир дециметр барг юзасидан қоронғилиқда 95 мг сув буғлантирилган бўлса, қуёшда эса ўсимлик баргидан 785 мг/dm² сув буғлантирилган (Визнер далиллари). Кучли шамол таъсирида ҳам транспирация жадаллиги кучаяди.

Ўсимликнинг тупроқдан сув қабул қилиши, унинг илдиз, поя ва барг орқали ер устки органларига етказиб, буғлантириб туриши ўсимликнинг сув балансини ташкил этади.

Ўсимлик тўқимасидан буғлантирилган сув миқдори қабул қилинган сув миқдоридан кўп бўлса, сув танқислиги пайдо бўлади. Сувнинг ўсимлик танаси орқали тўхтовсиз ҳаракатлануб туриши учун сув танқислиги 5—10% дан ортмаслиги керак. Агар тупроқдаги намлик камайиб кетса, сув танқислиги 25% гача кўтарилади. Натижада ўсимлик сўлийди, унинг ўсиши ва ривожланиши секинлашади. Бироқ сўлиш ўсимликларни бутунлай сувсизланиб қуриб қолишдан сақлайди. Сўлиган ўсимликларда барг оғизчалари беркилиб транспирация жадаллиги 5—10 марта камаяди. Баъзи ўсимликлар (жўка, ўрмон ёнғоги) баргларини тўқади.

Ўсимликларда сув танқислиги икки хил кўринишда бўлади:

1. Вақтингачалик сўлиш. Бунда ўсимликларнинг баргларигина сўлийди, поялари эса тургор ҳолатини сақлаб қолади. Бундай ўсимликларда кундузи ҳосил бўлган сув танқислиги эрталабгача қопланади. Вақтингачалик сўлиш кўпчилик ўсимликларга зарар келтирмайди. Бироқ лавлаги, кунгабоқар ва қовоқ каби ўсимликларда фотосинтез жадаллиги пасайиб, ўсиш жараёнларининг секинлашиши ва ҳосилнинг камайиши кузатилади.

2. Узоқ давомли сўлиш ҳодисаси. Бунда транспирация жараёнида сарфланган сув миқдори кўп бўлади, илдизлари сувни етказиб улгурмайди. Оқибатда, барг тўқималаригина эмас, балки ўсимлик поялари ҳам сўлиб қолади. Бундай сўлиш ҳодисасига учраган ўсимлик (шалфей)да қурғоқчиликка чидамли бўлишига қарамасдан, фотосинтез жадаллиги 70% гача пасаяди.

Узоқ давомли сўлишда ўсимликлар сув танқислигини эрталабгача йўқота олмайди ва уларда қолдиқ сув танқислиги юзага келади. Бу кундан-кун кўпайиб бориб, натижада ўсимлик қуриб қолади.

Ўсимликлар сув танқислигига учраганда уларда моддалар алмашиниш жараёни ўзгаради. Жумладан, синтез жараёнига нисбатан гидролиз жараёни тезлашади.

Ўсимликларни сувга бўлган талабига кўра гуруҳларга ажратиш

Ер шарининг турли жўғрофик районларида шароит турлича бўлиб, йил давомида тушадиган ёғин-сочин миқдори ҳам ҳар хилдир. Масалан, йиллик ёғин миқдори Москвада 500 мм, Киевда 300 мм, Тошкентда 300 мм бўлса, Ҳиндистоннинг Ассома вилоятида 12 666 мм, баъзан 22 987 мм га етиб қолади. Синд вилоятида эса ер юзасига бир томчи ҳам сув тушмайди.

Шунга мувофиқ, ўсимликлар ҳам сувда ва қуруқликда яшашга мослашиб, сувга талабчанлигига кўра бир неча экологик гуруҳларга бўлинади:

1. Гидрофитлар. Бу гуруҳга кирган ўсимликларнинг ҳаёт жараёнлари сув ичида давом этади. Гидрофитлар сув юзасида, сув ичида осилган ҳолда, сув остида буюмларга ёпишиб; илдиз ва ризоидлар ёрдамида сув остига ўрнашиб ҳаёт қечирали. Бу ўсимликлар сувни осмотик ҳодисасига биноан бутун танаси билан қабул қиласиди. Сув устида сузиб юрадиганларга — фитоплейсонларга тубан ўсимликлардан қўнғир сувўт — саргазумни (Қанаданинг Атлантика океани қирғоқларида шу ўсимликлар тўплланган қисмини саргазум денгизи деб аталади) ва юксак ўсимликлардан ряскани вакил қилиб олиш мумкин. Сув ичида осилиб турган фитопланктонларга актив ёки пассив ҳаракатчан бактерияларни, хламидомонада, зигнема, хроококкум ва бошқаларни вакил қилиб олиш мумкин.

Сув остидаги буюмларга ёпишиб ўсганлари фитобеңтосларга ипсимон олтингүгүрт ва темир бактериялари, хара, нителла, элодея ва бошқалар мисол бўла олади.

2. Гигрофитларга сув босган далаларда, ботқоқ ерларда, дарё ва кўл қирғоқларида ҳаёт кечирадиган ўсимликлар киради. Масалан, қамиш, шакарқамиш ва маданий ўсимликлардан шолини кўрсатиш мумкин.

35-расм. Ўсимликларнинг сувга бўлган муносабати:
сув юзасида ва ичида (1 — саргассум, 2 —
нилфия) сурсув жойларда



3. Мезофитларга сув билан етарли даражада таъмнинланган маданий ўсимликлардан гўза, карам, картошка ва бошқаларни кўрсатниш мумкин.



3

35-расм.
(3 — қамиш, 4 — шоли); ва қурғоқчилик майдонларида:

4. Ксерофитлар қурғоқчиликка чидамли бўлиб, улар чўл ва қуруқ даштларда ҳаёт кечиришга мослашган. П. А. Тенкель классификациясига биноан, ксерофитлар қўйидаги гурухларга бўлинади:

а) суккулентлар қалин баргли ва йўғон пояли ўсимликлар. Уларнинг баъзи бир турлари (*Cereus giganteus*) да сувни заҳира қилувчи тўқималар бўлиб, уларда 1—3 т гача сув тўпланади. Қактус, алоэ, агавалар шундай табиатли ўсимликларга киради. Уларнинг ҳужайра цитоплазмасининг ёпишқоқлиги юқори бўлиб, биоколоидлари сувни кўп боғлаб олади. Бундай ўсимликларда транспирация ва фотосинтез жараёнлари секин ўтиши туфайли ўсиш ва ривожланиш жараёнлари ҳам анча суст боради.



4

б) эвксерофитлар (ҳақиқий ксерофитлар)га седана ва шувоқ мисол бўлади. Бу ўсимликлар ҳужайра цитоплазмасининг қайишқоқлик ва ёпишқоқлик хусусияти кучли. Барг шапалоги зич тукланганидан транспирация жараёни суст ўтади. Илдизлари юза (50—80 см) жойлашган бўлса ҳам жуда яхши ривожланган.

в) гемиксерофитлар — ярим ксерофитлар цитоплазмасининг ёпишқоқлиги ва қайишқоқлиги паст. Бу ўсимликлар қурғоқчиликка бардош сезиз. Аммо, уларнига илдизи жуда яхши ривожланган сизот сувларигача етиб боради. Масалан, янтоқ илдизи 10 м, беда илдизи 18 м чуқурликкача ўсади.

г) пойкилоксерофитларга лишайниклар, Македония тоғларида ўсадиган (*Romadina Nathaliae Heberlea rhodopensis*) ўсимликлар киради, улар сув етишмай қолганда бутунлай қуриб қолади. Ёғинлардан кейин яна қайтадан ўзини тиклаб олади. Бу-



5




6



7



8



9

35-расм.
5 — маврак, 6 — ок шувок, 7 — момасирка,
8 — агава, 9 — кактус) ҳәёт кечирадиган
үсүмликлар.

ларга вельвичия (*Welwitschia*) ўсимлигини мисол қилиш мүмкін. У Намибия чүлларыда Атлантика океаның қирғоқларидан 80—100 км узоқликда ҳаёт кециради. Үнинг поясы түнгітакка ўхшаш бўлиб, ундан доимий (100 йил давомида) сақланадиган 2—3 м узунликдаги тасмасимон барглар ўсиб чиқади. Вельвичия ҳаводаги туман томчилари воситасида ўзининг сувга бўлган эҳтиёжини қондирганлигидан ксерофит ўсимликлар қаторига киради.

д) эфемер ва эфемероидлар ҳам ксерофитларга киради. Масалан, лола, гладиолус ва бошқалар. Юқорида қайд этилган ўсимликларнинг баъзи вакиллари 35-расмда көлтирилган.

Суфориладиган ўсимликлар физиологияси

Юқори ҳосил олиш учун ўсимлик тўқималаридаги сув алмашиниш жараёнларини чуқур ўрганиб, унга катта эътибор бериш лозим. Сув танқислигининг олдини олиш мақсадида, ирригация-суфориш тармоқлари барпо қилиш ишлари юксак даражага кўтарилиши керак. Экинлар суфориб парвариш қилинганда, улардан мўл ҳосил олинади.

Экин тури, ер майдонларининг рельефи, районнинг иқлим шароити ва хўжаликнинг имкониятига кўра экинлар З хил усулда суфорилади: ёмғирлатиб суфориш, эгатлар орқали суфориш ва ёппасига бостириб суфориш.

Ёмғирлатиб ва эгатлар бўйлаб суфориш сувни кам сарфлаш билан бир қаторда, экинлардан юқори ва сифатли мўл ҳосил олиш имконини беради. Масалан, сувни туман (аэрозоль) шаклида берилганда, сув 10 мартағача кам сарфланади.

Ёмғирлатиб суфорилганда чой ўсимлигидан олинган ҳосил, контрол варианtlарга нисбатан анча кўп бўлганлиги жадвал рақамларидан кўринади.

17- жадва 2

Вариантлар	Чой плантацияларидан олинган ҳосил, га/кг
Суфорилмаганда	1981
Хар 10 кунда ёмғирлатиб суфорилганда	4934
Хар куни ёмғирлатиб суфорилганда	7794

Экинларнинг сувга эҳтиёжига қараб суфориш вақтини белгилаб олиш ҳам муҳим агротехник тадбирлардан ҳисобланади. Одатда, тажрибали деҳқонлар ва қишлоқ хўжалик ходимлари суфориш вақтини белгилашда, ўсимликнинг ташқи кўринишига эътибор берганлар. Масалан, ғўза баргининг ранги тўқ яшил тусга кирганда, бошқа экинларда эса сўлиш аломатлари кузатилганда суфорилган. Бундай кўрсаткичлар ўсимликнинг сувга маълум даражада эҳтиёжини кўрсатади. Бироқ текширишлар-

даң аниқландики, сув ўсимликка айтиб ўтилган белгилар пайдо бўлишидан олдинроқ берилиши зарур экан. Ташқи белгиларига қараб суфориш ўсимликда сув танқислиги кўпайган пайтга тўғри келади.

Суфоришни кечиктириб юбормаслик мақсадида, ўсимликнинг физиологик ҳолатини эътиборга олиш зарур эканлигини академик Н. А. Максимов, Ф. Д. Сказкин, Н. С. Петинов ва бошқа олимлар кўрсатиб ўтдилар.

Ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжини бир неча усуслар билан аниқланади. Масалан, Ф. Н. Сказкин, Н. А. Максимов ва бошқалар барг оғизчасининг очилиш даражасига қараб сув беришни тавсия этдилар.

Барг ҳужайраларининг шимиш кучини эътиборга олиш кераклигини В. С. Шардаков тавсия этган. Бу усула Н. С. Петинов ўзгартишлар киритиб, ўсимлик барг тўқимасининг шимиш кучини аниқлаш билан бир қаторда унинг ривожланиш фазаларини ҳам эътиборга олиб суфорилганда, олинадиган ҳосил юқори бўлганлигини тасдиқлаган.

Экинларнинг сувга бўлган талабини аниқлашда баргнинг шимиш кучи аниқланади. Ёзга ва уруғлик беданинг сувга бўлган талабини белгилаш учун тубанда келтирилган ривожланиш фазаларида анализ ишлари ўtkазилади. Шимиш кучи кўрсатиленган сонлардан юқори бўлганда сув бериш зарурлигини тубандаги рақамлардан кузатилади.

Ғұза

Урғулік беда

Гуллашгача 12 атм

Майсаларида 3—5 атм

Гуллаш пайтида 14 атм

Шоналашда 8—11 атм

Қўсаклар етилганда 16 атм

Гуллаш фазасида 14—18 атм

Баргнинг шимиш кучини этиборга олиб суфорилганда, олинадиган ҳосил ҳам юқори бўлганлигини қуйидаги жадвал маълумотлари тасдиқлайди.

18- жадвал

Вариантлар	1 га майдондан олинган ҳосил, ц ҳисобида			
	Ғұза	лавлаги	маккжӯхори сутала-рининг сут-мум пишиқлигига	Боҳори буғодай
Сув берилмаганда	8,0	172	46	11,2
Тупроқ намлиги ва ўсиш фазаларига қараб суфорилганда	44,0	207	136	29,4
Шимиш кучига биноан сув берилганда	48,9	465	194	35,0

Физиология ва биохимия институтларида суфориш вақтини (зарурлигини) аниқлаш мақсадида барг тўқималарининг электр қаршилиги аниқланади. Тажриба далилларига кўра олма ва бошқа мева дарахтларининг электр қаршилилк кучи 500—

900 ом бўлгандага (сувга тўйинган ҳолат деб қаралиб), агар электр қаршилик кучи 1000—1500 ом га ётганда сув бериш зарур деб топилган.


Транспирация жадаллигини пасайтириш мақсадида турли антитранспирантлар тавсия этилади. Масалан, абсцис кислота билан тামаки, маккажӯхори ва қарағай дарахтига таъсир этилганда, уларнинг барг оғизчалари 2 ҳафтагача ёпиқ ҳолатда сақланар экан.

III боб. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ҲАВО БИЛАН ОЗИҚЛАНИШИ (углероднинг ўзлаштирилиши)

Табиатда ўзига хос ажойиб ҳодисалар тури сон-саноқсиздир. Шулар жумласига қуёш ва ой тутилиши, сувнинг суюқ, буғ, қор ва муз ҳолатида ўзгариб туриши, уруғ ва донлардан бутун бир ўсимликни ўсиб, ривожланиб етилиши, вулканлар отилиши ва ҳоказо ҳодисалар кузатилади.

Шу айтганлар қаторида ер юзидағи бутун тирик мавжудотлар учун глобал аҳамиятга эга бўлган фотосинтез ҳодисасига тенгглашадиган жараён йўқ десак хато қилмаймиз.

Дарҳақиқат, биосинтез жараёни барча автотроф-литстроф ўсимликларда қўйидаги реакция асосида содир бўлади:




36- расм. Ёруғликда қраҳмал ҳосил бўлишини аниқлаш:

а — шаклни қозо билан беркитилган барг; б — баргга туширилган фотосенегативдаги расм.

Формулага биноан, фотосинтез жараёни содир бўлиши учун аиорганик моддалардан карбонат ангирид ва сув, ёруғлик энергияси ва ўсимлик тўқималарида яшил рангли хлорофилл молекуласи бўлиши зарур.


Фотосинтез жараёнида синтезланган оддий углеводлар ҳисобига мураккаб углеводлар (целлюлоза, крахмал), ёғлар ва бошқа турли элементлар иштирокида турли хил оқсиллар, витаминлар, органик кислоталар ва бошқа ҳаёт учун зарур бирикмалар тўпланади. Булардан бўлак, сайёрамиздаги аэроб шароитда ҳаёт кечирадиган мавжудотларнинг нафас олиши учун зарур бўлган кислород мисли кўрилмаган миқдорда барпо этилади. Бу жараён ёруғлик энергияси ҳисобига содир бўлганлигини назарда тутиб фотосинтез терминини В. Пфеффер (1897) тавсия этган.

Хлорофиллнинг қанчалик муҳим ва ер юзидағи тириклик учун зарур эканлигини К. А. Тими裡ев фикрича, ҳамма органик моддалар турли-туман бўлишига қарамасдан, ўсимлик, ҳайвон ёки инсон организмларида учраса-да барг томонидан ишлаб чиқарилган моддалардир. Баргдан, аниқроқ айтганда,



37- расм. Ян-Ингенхауз тажрибасида кислороднинг ажралинини кузатиш:

1 — воронка; 2 — сув ўсимлиги-эълоди; 3 — сувлни идиш; 4 — ажралетган пухакчалар; 5 — воронка учига тўнтариб қўйилган пробирка.



38- расм. Энгельман ўсулида фотосинтез жараёнида кислород ажралишини аниқлаш:

1 — коронгиликда аэроб бактерияларнинг спирегира атрофида баравар тарқалиши; 2 — ёргуликда спирогира ажратган кислородга қараб хроматографда тўпланиши.

хлорофилл донасидан ташқари органик моддалар ҳосил бўладиган лаборатория ҳали бўлмаган. Бошқа организмларда улар турли ўзгаришларга учраса-да фақат шу ерда (хлорофилл донасида) қайтадан анирганик моддалар ҳисобига ҳосил бўлади.

Қўёш энергияси туфайли баргда крахмал ҳосил бўлишини немис олим Ю. Сакс (1862) кузатган. Бунинг учун қора ёки зар қофоздан бирорта шакл ясалиб (36-расм) ва у билан барг юзасини қоплаб, ўсимликни ёруғ жойга қўйиб қўйилади. Орадан 2—3 кун ўтгач, ўсимликдан баргни узиб олиб, қопланган қофозни баргдан ажратиб олинади ва баргни қайнаб турган сувга ботирилади, сўнgra спирт эритмасида рангизлантирилади. Рангизлантирилган баргни спиртдан олиб ликопчага ёйилади ва йод эритмаси таъсир эттирилади. Ёруғлик таъсир этган шакл ўрнининг кўк рангга бўялиши, ёруғликда крахмал ҳосил бўлганлигидан далолат беради.

Фотосинтез жараёнида кислород ажралиб чиқишини Ян-Йингенхоуз тажрибасидан аниқлаш мумкин (37-расм).

Фотосинтез жараёнида аэроб бактериялар иштирокида кислород ажралиб чиқишини Энгельман тажрибаларида кузатилилади (38-расм).

Ер шаридаги барча тирик организмлар учун зарур бўлган органик моддалар мисли кўрилмаган миқдорда ана шу фотосинтез жараёни туфайлигина вужудга келади. Жумладан, сувда ва қуруқликда ҳаёт кечирувчи яшил ўсимликлар йил давомида 174 млрд. т карбонат ангирид ўзлаштириб, 450 млрд. т органик модда ҳосил қиласиди. Ўзлаштирилган, CO_2 ўрнига 500 млрд. т кислород ажратади. Кислороднинг кўп қисми инсон, ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмларнинг нафас олиш жараёнида, қолган қисми эса табиатда органик моддаларнинг ёниши ва металларнинг оксидланишида сарфланади.

Янги маълумотларга асосан, Ер шаридаги тарқалган ҳамма ўсимликлар бир йилда 100 млрд. т органик модда тўпласа, шулардан 50 млрд. т ни сувўтлар ва сувда ҳаёт кечирувчи гулли ўсимликлар тўплайди. Сайёрамизнинг турли қисмларида тарқалган ўсимликлар ҳосил қилган бирламчи маҳсулот ва ўзлаштирилган ёруғлик энергия миқдори 39-расмда кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, ўсимликлар табиатда асосий ва муҳим обьект ҳисобланади. У қуйидаги жараёнларда бевосита иштирок этиши ўсимликларнинг космик роли шунчалик юқори эканлигини тасдиқлайди. Умумлаштириб айтганда, ўсимликларнинг космик роли тубандагилардан иборат:

1. Ўсимликлар космосдан етиб келган ёруғлик (қўёш) энергияси ҳисобига сув ва карбонат ангирид ўзлаштириши туфайли химиявий энергияга бой бўлган турли-туман органик моддаларни синтезлайди. Бошқача айтганда, инсон, ҳайвон ва бошқа гетеротроф (органотроф) ҳамда автотроф (литотроф) организмлар учун зарур бўлган озиқ моддаларни етказиб беради.

Ер юзининг 71%
(363 млн. км²) океан
ва денгизлардан
иборат.

Ер юзининг 29%
148 млн. км²
қуруқликнан
иборат.



Бир йиллик маҳсулот

Млрд.тонна				
Ҳисобида.	10,4	28,4	8,7	5,4
Ўзлаштирилган				
ёруғлик энергияси.	$17,6 \times 10^{13}$	$47,1 \times 10^{13}$	$14,6 \times 10^{13}$	$9,2 \times 10^{13}$
Джоулы ҳисобида.				
Нилюкалория	$4,2 \times 10^{16}$	$11,4 \times 10^{16}$	$3,5 \times 10^{16}$	$2,7 \times 10^{16}$

Деярли 50 млрд. тонна органин маддо ер шаридаги сүвбугчорлар
сүвба ҳаёт кечиривчи гулли ўсимликлар турмандидан топишганни

2. Аэроб шароитда ҳаёт кечирадиган гетеротроф ва автотроф организмларниң нафас олиши учун зарур бўлган кислород билан таъминлайди.

3. Атмосферадаги карбонат ангидрид миқдорининг бир меъёрда сақланишини таъминлайди.

Геологик даврларда ўсимликлар ҳаёт фаолиятида тўпланган кўмир, нефть ва бошқа ёқилғилар ҳисобига хоналар иситилиди, кийим-кечакларнинг, озиқ моддаларнинг ҳаммаси ёруғлик ҳисобига ва хлорофилл ёрдамида юзага келтириладиган моддалардир.

Карбонат ангидриднинг ўзлаштирилиши, кислороднинг ажратилиши ва кўп миқдорда органик моддаларнинг ҳосил бўлиши қуёш энергияси ҳисобига юзага келади. Бироқ қуёш энергиясини ўсимликлар жуда оз миқдорда химиявий потенциал энсргияга айлантиради.

Масалан, 1 га ерга 4,5 млрд, ккал қуёш энергияси тушадиган бўлса, унинг 2,2 миллиарди фотосинтетик актив радиация (ФАР)га тўғри келади. Кўпчилик ўсимликлар шу энергиянинг фақат 40 млн. к-калориясини (ФАР нинг 2—3% ини) ўзлаштиради. Хлорелла каби бир ҳужайрали ўсимликлар ФАР нинг 20—30% ини ўзлаштиради.

Карбонат ангидриднинг ўзлаштирилиш эволюцияси

Карбонат ангидридни ўзлаштирадиган организмлар қўйида-ги гуруҳларга бўлинади:


1. Ўзида хлорофилл сақлаган тубан ва юксак ўсимликлар.
2. Фотосинтетик бактериялар.
3. Хемосинтетик бактериялар.

Химия·фанининг маълумотларига асосан карбонат ангидридни инсонлар ҳам, ҳайвонлар ҳам ўзлаштирганлиги аниқланди. Инсонлар ва ҳайвонлар ўзлаштирган карбонат ангидрид жуда кам миқдорда бўлишига қарамай, ер юзида тирик организмларнинг пайдо бўлиш эволюциясини тушунтиришда муҳимdir. Эволюциянинг дастлабки босқичларида кислородсиз — анаэроб шароитда яшаган гетеротрофлар карбонат ангидридни қўйидаги химиявий реакциялар асосида ўзлаштирган (А. И. Опарин маълумоти).




Формулага биноан, тирик организмдаги қандайдир углеводород (RH) бирикмаси дастлаб карбонат ангидридни ўзига бириктириб органик кислота ҳосил қиласди. Ҳосил бўлган органик кислота оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида ажралиб чиқсан энергия ҳисобига оксид ҳолатидан яна қайтарилиган ҳолатга ўтади.

Реакцияларнинг ўтишида тирик организмларда мавжуд актив бирикмалар — ферментлар иштирок этганилиги қўйидаги формуладан кузатилади.



Формуладаги пигоузум кислотага карбоксилаза ферменти таъсирида карбонат ангидрид бирикади. Натижада оксалат-сирка кислота ҳосил бўлади. Оксалат-сирка кислота ўз навбатида бошқа органик бирикмалар билан реакцияга киришиб умумий моддалар алмашиниш жараёнида қатнашади. Масалан, пигоузум ёки оксалат-сирка кислотага қабул қилинган амиак (NH_3) ни қўшилишидан аланин ёки аспарагин деб аталган аминокислоталар ҳосил бўлади. Келгусида бу кислоталар оқсилининг синтезланишида иштирок этади:



Эволюциянинг кейинги босқичларида гетеротроф организмлар билан бир қаторда автотроф организмлар ҳам пайдо бўла бошлайди. Шу даврда автотроф организмлар таналарининг тузилишида ва озиқланишида зарур бўлган органик бирикмалари ҳосил қилиш учун сув, карбонат ангидрид ҳамда қуёш энергиясидан фойдаланадилар.

Автотроф озиқланиш содда тузилган бактериларда кузатилиб, бунга бактериал фотосинтез ёки фоторедукция деб юритилади. Бактериал фотосинтезнинг эмпирик формуласи қўйидагича:





Бактериал фотосинтез яшил ўсимликлардаги фотосинтездан қўйидаги белгилари билан фарқ қиласди:


1. Фотосинтез жараёни яшил ўсимликларда фақат аэроб шароитдагина содир бўлиб, ташқи муҳитда кислород ажратилади. Бактерияларда эса бу жараён анаэроб шароитда ўтиб; ташқи муҳитда оксидланган анорганик моддалар тўпландади.

2. Яшил ўсимликлар қабул қиласган карбонат ангидридин органик моддаларгача қайтаришда сув тарқибидаги водород қатнашади. Бактериал фотосинтезда ўзлаштириладиган карбонат ангидрид водород сульфид H_2S ва ҳар хил углеводородлар тарқибидаги водород ҳисобига қайтарилади. Яшил гугурт бакте-

рияларда карбонат ангидрид яшил рангли бактериовиридин пигменти иштирокида ўзлаштирилади. Қарбонат ангидридни органик оирикмагача қайтаришда водород сульфид H_2S таркибидаги водород қатнашади. Фотосинтез маҳсулоти сифатида соф олтингугурт ёки сульфат кислотанинг ҳосил бўлиши қўйида-гича ифодаланади:




Пурпур (тўқ қизил) ва қизил гугурт бактерияларда бактериохлорофилл пигменти билан бирга каротиноидларга яқин тўқ қизил бактериопурпурин пигменти мавжуд. Уларнинг кўпчилиги карбонат ангидрид оксидини органик моддаларгача қайтиришда метан, спирт, органик кислота ва, ҳатто ҳаводаги эркин водороддан фойдаланганлиги тенгламадан кўринади:



Эволюциянинг кейинги босқичида сувда яшил рангли тубан ўсимликлар юзага келганлигидан ҳаво таркибида кислород тўплланганлиги туфайли аэроб организмлар пайдо бўлган. Айни шу даврда химиявий бирикмаларнинг оксидланиш жараёнида ажралиб чиққан энергия ҳисобига карбонат ангидридни ўзлаштирувчи — хемосинтетик бактериялар тез ривожланган.

Хемосинтез жараёни фотосинтез жараёни каби бактериялар учун ўзига ҳос озиқланиш тури эканлигини рус олими С. Н. Виноградский илмий ишларида баён этган. Хемосинтез жараёни водород-сульфид H_2S ли илиқ сувларда ҳаёт кечирадиган пигментсиз олтингугурт бактерияларига ҳос. Бу бактериялар оксидланиш жараёнида ҳосил бўлган энергия ҳисобига CO_2 ни ўзлаштириб, органик бирикмалар ҳосил қиласди. Бунинг тенгламалари қўйида-гича:




Реакцияга мувофиқ оксид ҳолатида қабул қилинган CO_2 водород-сульфид таркибидаги водород ҳисобига органик моддаларгача қайтарилади. Бу жараён Беггиота мирабилис (*Beggiota mirabilis*) бактерияси иштирокида боради.

Таркибida 5% дан ортиқ фосфор ва олтингугурт сақлаган тупроқларда тиобациллус тиоксиданс (*Thiobacillus thiooxidans*) бактерияси соф олтингугурт S_2 ва водород-сульфид H_2S ни сульфат кислотасигача оксидлайди. Оксидланиш реакцияси туфайли ҳосил бўлган энергиянинг бир қисми CO_2 ни ўзлаштириш учун сарфланади. Қолган энергия ўзида фосфат кислота сақлаган АДФ, АТФ типидаги маҳсус органик бирик-

ма сифатида тўпланади. Муҳитда олтингугурт ва водород-сульфид бирикмалари камайиб қолса, мавжуд АТФ энергия карбонат ангиридни ўзлаштириш учун сарфланади. Бунда қўшимча маҳсулот сифатида фосфат кислота муҳитга ажралиб чиқади. Оксидланиш вақтида ҳосил бўлган ва тўпланган заҳира энергия ҳисобига CO_2 нинг тинимсиз ўзлаштирилиши бактериялар учун ўзига хос хусусиятдир.

Хемосинтетик жараён темир бактерияларида ҳам кузатилади. Лептотрікс охрацеае (*Leptotrix ochraceae*) ва Спирофилум феррегениум (*Spirophillum ferrigenium*) бактериялари чучук кўл ва денгиз сувларида ҳаёт кечиради. Темир бактериялари темир тузларининг оксидланишида қатнашиб, қўйидагида реакция содир бўлади:




Оксидланиш жараёнида ажралиб чиқсан карбонат ангирид шу реакцияда ҳосил бўлган химиявий энергия билан бирга органик моддаларнинг синтезланишида сарфланади. Темир гидроксид эса сув остига тўпланишидан ботқоқ-темир рудалари пайдо бўлган.

Хемоавтотроф организмлардан нитрификация жараёнини қўзғовчи бактериялар органик модда миқдори 0,025%дан кўп бўлган муҳитда яшай олмайди. Шу хусусиятлари билан бошқа хемоавтотроф организмлардан фарқ қиласди. Уларнинг электив культурасини тайёрлашда минерал туз эритмаларини қўллаш зарурлигини С. Н. Виноградский ишлаб чиқди.


Нитрификация жараёни 2 фазадан иборат бўлиб, 2 хил микроорганизмлар иштирокида содир бўлади. Биринчи фазада Нитрозомонас (*Nitrosomonas*) ёки нитрококкус (*Nitrococcus*) бактериялари иштирокида аммиак қўйидаги реакцияга асосан нитрит кислотагача оксидланади:



Иккинчи фазада нитробактер (*Nitrobacter*) қатнашиб, нитрит кислота ва унинг тузлари нитрат кислотагача оксидланади. Реакция қўйидаги формула асосида ўтади:



Оксидланиш реакциясида ажралиб чиқсан энергия читрификаторларнинг карбонат ангиридни ўзлаштириб, тубандаги реакцияга биноан, органик моддаларни синтезлашида сарфланади.



Метан ва бошқа углеводородларни оксидловчи бактериялар ҳам хемоавтотроф организмлар қаторига киради.

Эволюциянинг юқори босқичларида ерда, сувда ҳам қуруқликда яшовчи тубан ўсимликлар билан бир қаторда, ўзида яшил пигмент (хлорофилл) сақлаган, сувда ҳам қуруқликда яшашга мослашган юксак ўсимликлар актив ривожлана бошлиди. Юксак ўсимликлар яшил пигмент сақлаган пластида-

40- расм. Хлоропласттарниң ёруғлик қуваатига нисбатан ҳаракаттаниши-

α — тарқоқ ёруғлиқда; *б* — қоронгиликда; *в* — күчли ёруғлиқда.

ларнинг катта ёки кичик бўлиши яшаш шароитига кўра, шу ўсимликнинг муҳитга мослашганлигини кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам, сувда яшовчи сувўтларида қуёш нурининг таъсири кучли бўлмаганлиги туфайли пластидалари катта бўлиб, ўсимликнинг турига қараб улар лентасимон, юлдузсимон, панжарасимон, соябонсимон ва япалоқ шаклда ҳужайрада жойлашади. Улар *хроматофорлар* деб аталади.

Сувда ҳам қуруқлиқда яшайдиган юксак ўсимликларда яшил, сариқ ва зарғалдоқ рангли пигментлар дуксимон ёки юмалоқ шакллардаги хлоропластларда ўрин олади. Хлоропластлар хроматофорларга нисбатан ҳажм жиҳатдан

кичикдир. Бироқ, ўсимликнинг яшаш шароитига, баргларнинг ёруғликка нисбатан жойлашишига кўра хлоропластлар ҳажми бир хил бўлмайди. Жумладан, соясевар ёки ёруғсевар ўсимликларнинг шимол томонида жойлашган барг ҳужайраларидаги хлоропласттарниң ҳажми, ёруғсевар ва сояга чидамили ўсимликларниң жануб томонида жойлашган баргларнинг хлоропластлари ҳажмига нисбатан анча йирик бўлади.


Ҳужайра пластидалари цитоплазма билан бирга пассив ҳаракатланишдан тамқари, қуёш нури таъсирига жавобан актив ҳаракатланиш хусусиятига ҳам эга.


Қуёш нурининг кучли ёки кучсиз бўлишига қараб ҳужайра пластидаларининг жойлашиш тартиби кўрсатилган. Тарқоқ ёруғлиқда хлоропластлар ҳужайранинг ҳамма қисмларига баравар тақсимланади. Қуёш нури тик тушиб, кучли ёруғлик таъсирида хлоропластлар ҳужайранинг бир томонига ўтиб, қуёш нурига нисбатан вертикал ўрнашади. Қоронгиликда хлоропласттарниң ҳужайрада жойлашиши ўзига хос эканлиги 40-расмда яққол кўринади.

Қуёш нурига нисбатан хлоропласттарниң ҳаракатланиш формалари ўсимликнинг яшаш шароитига қараб мослашиши чуқур реакцияларга нақада० боелиқ эканлигининг ёрқин далилидир.

Хлоропластнинг тузилиши, пигментлар, уларнинг химиявий таркиби ва физикавий хусусиятлари

Фотосинтез жараёни фақат хлорофилл молекуласини сақлаган барг тўқималаридағина содир бўлишини олимлар исботладилар. Хлорофилл пишиб етилмаган меваларда, кўк поялар-






41-расм. Хужайра мембраналари ва улар ўртасидаги онтогенетик үзүносабат (схема).

да, ўсимликнинг ички тўқималарида ва баъзи ўсимлик ургурида учрайди.

Фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган органик бирималарнинг умумий моддалар алмасиши жараёнига қўшилишида ҳужайрадаги бошқа органоидларнинг аҳамияти катта. Масалан, фотосинтез жараёнида ҳужайра мағзининг аҳамиятини кўрсатишида рус олими И. И. Герасимовнинг илмий ишлари диққатга сазовордир. У вояга етиб, бўлиниш олдида турган спирогира ҳужайрасига паст температура билан таъсир этилганда, ҳосил бўлган қиз ҳужайраларнинг бири икки мағизли, иккинчиси мағизсиз қолган. Мағизсиз ҳужайрада фотосинтез жараёни тезда



42- расм. Маккажүхори мезофил ҳужайралари хлоропластларининг схематик тузилиши (А.М. Силаевача):

1 — хлоропластнинг иккитадан қўш қаватли мембраналари; 2 — хлоропласт пўстидаги тирқишилар; 3 — хлоропласт суюқлиги—струма; 4 — тилакоидлардан ташкига топган гранулалар; 5 — гранулалар оралигидаги тилакоидлар.

тўхтаб қолган бўлса, икки мағизли ҳужайрада эса жадаллашганлиги туфайли унинг ҳажми анча катталашган. Янги маълумотларга кўра ҳужайра мағзи ирсий белгиларни авлоддан-авлодга ўtkазишда хизмат қилибгина қолмай, балки фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган крахмални оддий шакаргача парчалаб, ўсимликнинг бошқа органларига тарқатишда қатнашади. Хулоса қилиб айтганда, фотосинтез жараёнининг нормал давом ётиши учун ҳужайрадаги ҳамма органоидлар функцияларини узлуксиз ва ўз вақтида давом эттириши керак.

Хлорофилл эллипссимон, дуксимон, думалоқ ва бошқа шаклдаги хлоропластларда жойлашган. Бир ҳужайрада ўртacha 20—50 донагача хлоропласт бўлади. Ҳажми 3—10 мкмдир. Шунга қарамай тўқималарда уларнинг умумий сатҳи анча сезиларли даражада. Масалан, вояга етган эман дарахтидаги хлоропластларнинг умумий сатҳи 2 гектарга бориб қолади. Хлоропластларнинг кўпайиши ҳақида олимларнинг фикрлари турлича. Масалан, Г. А. Ливитская ва А. Табенский хлоропластлар бўлиниб кўпаяди, дейди. А. Гперман фикрича, хлоропластларнинг сони митохондрийлар ҳисобига кўпаяди.

К. Мюлеталер ва Фрей-Висслинг (1959) фикрича, хлоропластлар ва митохондрийлар мағиз пўстидан ажralиб чиққан инициал танача бўлакларидан ҳосил бўлишини юқоридаги схема асосида кўрсатди (41- расм).

Хлоропластнинг ҳосил бўлиши бир неча босқичдан иборат. Биринчи босқичда, схемада келтирилгандек, ўзида оқсилипоид моддаларни сақлаган инициал танача катталашади. Инициал таначанинг ички мембранны ҳисобига танача марказига томон бўртмалар пайдо бўлади. Иккинчи босқичда бўшланғич, яъни пропластид вужудга келади. Бунда инициал танача йириклилашиб, юмалоқ ёки эллипссимон шаклни эгаллайди.

Пропластид ичидаги бўртмалардан ламелла мембраналари ҳосил бўлиб, уларнинг сони кўпаяди. Учинчи босқичда, рангсиз пропластиларда тикланган тилакоидлар ҳисобига гранулалар ҳосил бўлади. Тўртиңчи босқичда, ёруғлик таъсирида ўзида яшил рангли хлорофилл молекулаларини сақлаган хлоропластар тўла тикланади. Рангсиз пропластларнинг ҳосил бўлишида ёруғлик талаб қилинмайди. Лекин қоронфиксикда ҳосил, бўлган пропластид ўзининг тузилиши жиҳатидан, ёруғликда ҳосил қилинган пропластилардан фарқ қилса-да, келажаёда ёруғлик таъсирида улар ҳам яшил рангдаги ва нормал тузиленган хлоропластларга ўзгаради.

Хлоропластлар жуда кичик бўлишига қарамай, жуда мураккаб тузиленган. Схемага биноан, хлоропласт пўсти икки қават мембранадан ташкил топган (42-расм). Хлоропласт пўстида жуда майда тирқишлир бўлиб, шу тирқишлир воситасида хлоропласт ва цитоплазма ўртасида узвий боғланиш таъминланади. Хлоропластнинг бўшлиқ қисмида оқсил-липоид табиатли модда мавжуд бўлиб, строма деб аталади.


Хлоропластни тўлдириб турган оқсил-липоид табиатли стромада ламелла деб аталувчи уч қаватли мембраналар маълум тартибда жойлашган. Хлоропласт ламеллалари ҳисобига, қопчиқча маъносида, тилакоид деб аталувчи таначалар ҳосил бўлади. Улар тахланган тангачалар сингари зич жойлашади. Тилакоидлар тўпламига гранулалар дейилади.

Тилакоидлар 10 нм ҳажмдаги, ниҳоятда майда квантосомада деб аталган таначалардан ташкил топган. Ҳар бир квантосомада 160 та «а» ва 70 «в» хлорофилл молекулалари, 48 молекула сариқ-зарғалдоқ рангли пигментлар ва бошқа органик бирикмалар, темир, марганец, мис элементлари, шунингдек оксидданиш-қайтарилиш жараёнларида қатнашадиган ферментлар мавжуд.

Баъзи (шакарқамиш, маккажӯхори, тариқ, оқжӯхори каби тропик) ўсимлик баргларининг ўтказувчи найлари атрофидаги ёпишиб турган ҳужайра хлоропластларида тилакоидлар тикланмайди. Уларда фақат строма ламеллаларигина ҳосил бўлади. Хлоропластлардаги пигментлар кўпинча, гранулаларда жойлашган бўлади. Гранулалар морфологик жиҳатдан мураккаб тузиленган бўлиб, оқсил-липоид бирикмалардан иборат. Оқсил-липоид мембраналар орасида пигмент молекулалари, фосфолипид, оксидданиш-қайтарилиш реакцияларида иштирок этадиган ферментлар ва бошқа органик моддалар жойлашган.

Фрей-Висслинг схемасига кўра, ламелла ва гранула бўлакчалари уч қаватдан иборат. Биринчи ва учинчи қаватлар оқсил, иккинчи қават эса липоид бирикмалардан ташкил топган.

Хлорофиллнинг порфирин ҳалқаси, фосфолипид молекулаларининг гидрофил гуруҳлари ламелланинг оқсил қаватида, хлорофиллнинг фитол спирт қолдиги, фосфолипиднинг гидрофоб қисми ва каротиноидлар липоид қаватида жойлашганлигӣ, сувни парчалашда карбонат ангиридид (CO_2) ни углеводларгача



43- расм. Ламеллаларнинг тахминий молекуляр тузилиш схемаси (Кальвин, 1962).

қайтаришда қатнашадыган ферментлар ламелланинг оқсил қаватидан ўрин олганлиги М. Кальвин схемасида көлтирилган (43- расм).

Хлоропластнинг 3/4 қисми сув, 1/4 қисми қуруқ моддадан иборат. Қуруқ моддани 100% деб олганда, уннинг 30—45% и оқсил, 20—40% и липоид, 10—20% и турли захира углеводлар ва 6,5—10% и кул тарқибидаги элементларга түғри келади.

Хлоропласт таркибида юқоридалардан ташқари ДНК, РНК, А, Д, Е ва К витаминлари ҳамда бошқа органик биримлар учрайди.

Хлоропластлар, умуман ўсимликларнинг яшиллиги хлорофилл пигменти туфайлидир. Ўрта ҳисобда ўсимликдаги қуруқ модда миқдорининг 1% и хлорофиллга түғри келади. Хлоропластларда хлорофиллдан ташқари, сариқ рангли ксантофилл ва зарғалдоқ-сариқ рангли каротин пигментлари ҳам мавжуд. Қаротиноидларга нисбатан хлорофилл миқдори 3—4,5 марта күп бўлганлиги учун барглар яшил тусда кўринади. Рус олимларидан В. И. Любименко ва Н. А. Монцевердлар (1912) сариқ ва яшил пигментлар ўртасида миқдор жиҳатдан ўзгармас нисбат борлигини аниқлаб бердилар. Кузда ташқи омиллар таъсирида хлорофилл тарқалиб ксантофилл ва каротин пигментлари иштирокида барглар сариқ ва қизғиши рангга киради.

А. А. Табенцкий фикрича, ёш ҳужайраларда хлоропластлар майды гранулалардан ташкил топган бўлса, қари ҳужайраларда йириклишаб пўсти эриб хлорофилл молекулалари ўз табиий ҳолатини йўқотади.

Хлорофилл ва бошқа пигментларнинг турли-туман хоссаласи

44-расм. М.С. Цвет хроматограммасининг схематик кўриниши:

1 — шакар кукуни тўлдирилган шиша най; 2 — колба; 3 — насосга уланадиган тумшукча; 4 — «а», «в» хлорофилллар ва ксантофилл; 5 — адсорбциланмаган каротин пигментининг колбада тўпллангани.

ри билан танишиш учун пигментларни барг тўқимасидан ажратиб олиш зарур. Бунинг учун эритувчи сифатида спирт, бензин, ацетондан фойдаланилади.


Бу соҳада К. А. Тимирязев, Г. Краус ва М. С. Цветнинг ишлари диққатга сазовордир.

Рус олимни М. С. Цвет (1901) «Хлорофилл доначаларининг физик-химиявий тузилиши» деган илмий ишида, барг пигментларини бир-биридан ажратиш учун хроматографик усулни кашф этди. М. С. Цветнинг хроматографик усули айни вақтда ҳам кенг қўлланилмоқда. Бунинг учун оқ бўр ёки шакар кукунидан 44-расмда кўрсатилганидек устун тайёрланади. Шу устун орқали пигментли спирт эритмаси аста-секин ўтказилади, моддаларнинг адсорбциланиш дарражасига кўра пигментлар биринкетин, бир-биридан ажралади. Оқ бўр ёки шакарга тез адсорбциланган модда устуннинг юқори қисмида, камроқ адсорбцилангани эса бир оз пастроқда, адсорбциланмайдигани тўғридан-тўғри устундан ўтади.

М. С. Цвет ана шу усулдан фойдаланиб, ранги спирт эритмасида «а» ва «в» хлорофилл, каротин ва ксантофилл пигментларининг молекулалари борлигини кўрсатиб берди.

Тажрибага асосан «а» хлорофилл — кўк-яшил, «в» хлорофилл — сарғиш-яшил, ксантофилл — сариқ ва каротин зарғалдоқ рангда бўлишини ва «а» хлорофилл молекулаларининг «в» хлорофилл молекулаларига нисбатан З марта кўп эканлигини аниқлади. Яшил пигментларнинг умумий миқдорига нисбатан каротиноидлар 3—4,5 марта кам бўлиши тажриба далилларига кўра тасдиқланди.

Расмда кўрсатилганидек, устуннинг юқори қисмида «в», пастроқда «а» хлорофилл, устун остига яқин қисмида ксантофилл молекулалари тўпланган. Каротин молекулалари адсорбциланмаганлиги учун устундан ўтиб колбада тўпланган.



Ўсимлик тўқималаридаги хлорофиллнинг оз-кўп бўлиши ўсимликнинг турига қараб ҳар хил бўлади.

19-жадвал

Ўсимликларнинг ҳўл баргларидаги хлорофилл миқдори, % ҳисобида

Соясевар	.	Еруғсевар	
Сассик дараҳт	— 0,460	Эман	— 0,250
Маржон дараҳт	— 0,227	Қорақарағай	— 0,250
Заранг	— 0,400—0,493	Қарағай	— 0,109—0,178
Кунгабоқар	— 0,165	Қовоқ	— 0,175
Шоколад дараҳт	— 0,790	Ғўза	— 0,19

Еруғсевар ўсимликларга нисбатан соясевар ўсимлик баргларидаги хлорофилл миқдори кўпроқ эканлигини жадвал рақамларидан кузатиш мумкин.

Пр ўсимликнинг ўзида баргларнинг сояда ёки ёруғда жойилғиша қараб ҳам хлорофилл миқдори ҳар хил бўлади. Масалан, ёруғда жойлашган чинор дараҳтининг ҳўл баргига хлорофилл миқдори 0,68% ни, соядаги баргига эса 1,12% ни таъкид этади. Ўрта ҳисобда ўсимлик қуруқ моддасининг 1% и хлорофиллга тўғри келади.

Хлорофилл «а» ва «в» кўринишдан ташқари, диатом ва қўнғир сувўтларида «с», қизил сувўтларида «d» формалари ҳам учрайди. Бундан ташқари, кўк-яшил сувўтларида фикоцин, қизил сувўтларида фикоэритрин, диатом ва қўнғир сувўтларида фикоксантин пигментлари фотосинтез жараёнида иштирок этади.

Сувўтларида қўшимча пигментларнинг бўлиши чуқур сувостида ҳаёт кечирувчи ўсимликларнинг эволюциясида углеродни ўзлаштиришга мослашганлигини, яъни хроматик адаптация ҳодисасини тасдиқлайди.


Дарҳақиқат, чуқур сувостидағи ўсимликларга қуёш спекторидаги нурларнинг ҳаммаси етиб бормайди. Масалан, 10 м қалинликдаги суворқали кўк-бинафша нурнинг 45% и, қизил нурнинг 1—2% и ўтади, холос. Сувнинг қалинлиги 100 м бўлганда кўк-бинафша нурнинг 0,5% и, қизил нур эса бутунлай ўтмайди. Бундай жойлардаги ўсимликларда фотосинтез жараёни кўк ва яшил нурлар ҳисобига содир бўлади.

А. А. Рихтер (1914) тажриба далилларига кўра, қизил сувўтлари — яшил нур, яшил сувўтлари эса қизил нур таъсирида фотосинтез жадал борганилигини кузатган. Унинг маълумотлари қуйидагича.

Хлорофиллнинг химиявий таркибини немис олимларидан Р. Вельштеттер ва А. Штолль (1913) аниқлаб, эмпирик формулаларини ишлаб чиққанлар.

Унинг структура формуласини 1930—1940 йилларда немис биохимиги Г. Фишер ишлаб чиққан. 1960 йилда американлик олим Р. Б. Вудворд ва германиялик И. Штрель сунъий хлорофилл молекуласини синтез қилган.


Ұсмилк түри	Қызил нур	Яшил нур
Яшил сувўти	35	23
Қызил сувўти	7	27 пуфакчалар
Қызил сувўти	11	45 сони



лиги кўриниб турибди. Хлорофиллинг, а, б, д ва бактерияхлорофилл структура формулалари қўйида келтирилади. Тўртта пиррол ҳалқалардаги азот атомлари молекула марказида жойлашган магний метали билан боғланган.

Тўртинчи пиррол ҳалқасига фитол спирт қолдиfi, бешинчи (қўшимча) ҳалқага метил спирт қолдиfi қўшилишидан хлорофиллин дикарбон кислотанинг мураккаб эфири ҳосил бўлган. «а» хлорофилл молекуласида II пиррол ҳалқасидаги учинчи углерод аюмига метил (CH_3), «в» хлорофилл молекуласида эса альдегид (CHO) группа бирикканлиги билан ҳам улар бир-биридан фарқ қиласди.





Хлорофилл молекуласи яшил рангли металл-органик бирикма қаторига кирганлиги ва таркибида магний элементи борлигини аниқлаш учун хлорофилл эритмасига HCl кислота таъсири, этирилади. Бунда хлорофилл таркибидаги магний метали хлорид кислотадаги водород билан ўрин алмашинади:



Ҳосил бўлган қўнғир рангли эритма феофитин дейилади. Хлорофилл металл-органик бирикма эканлигини исботлаш учун феофитиннинг қўнғир рангли эритмасига $Zn(CH_3COO)_2$ ёки $Cu(CH_3COO)_2$ туз кристаллари қўшиб қиздирилса, эритма


хлорофилл, хлорофиллин дикарбон кислотанинг мураккаб эфири бўлиб, унда кислотадаги бир карбоксилнинг водороди метил (C_3OH), иккинчи карбоксилнинг водороди фитол ($C_{20}H_{39}OH$) спиртлар қолдиғига (CH_3 ва $CO_{20}H_{39}$) алмашинган. Формуладан «в» хлорофилл молекуласида «а» хлорофиллга нисбатан 2 атом водород кам ва бир атом кислород кўп-

яна яшил рангга киради. Реакция юқоридаги формула асосида боради:



Бактериоклорофилл „с”

Хлорофилл молекуласи мураккаб эфиirlар гурухига киришини аниқлаш мақсадида хлорофилл эритмасига ишқор қўшиб қайнатилади. Хлорофилл ишқор таъсирида парчаланганда хлорофиллин дикарбон кислота тузлари, метил (CH_3OH) ва фитол ($\text{C}_{20}\text{H}_{39}\text{OH}$) спиртларига ажралади. Бу реакция қуйидагича ифодаланади:




Хлорофилл ва бошқа пигментларнинг физик хоссалиридан бири, спектрда кўринган нурларнинг танлаб ютиши жадвалда келтирилган.


21- жадвал

Спектрда кўринган нурлар ранги	Хлорофилл «а» $\text{C}_{55}\text{H}_{72}\text{ON}_4\text{Mg}$	Хлорофилл «в» $\text{C}_{55}\text{H}_{70}\text{O}_2\text{N}_4\text{Mg}$	Ксантофилл $\text{C}_{40}\text{H}_{64}\text{O}_2$	Каротин $\text{C}_{40}\text{H}_{56}$
Пигментлар томонидан ютиладиган нурлар узулиги, мм				
Қизил Кўк-бинафша	660—720 450—400	650—685 500—400	— 481—450	— 482—452

Қуёшдан келган оқ ёруғликни спектроскоп орқали ўтказилгандага 7 хил — қизил, зарғалдоқ, сариқ, яшил, ҳаво ранг, кўк ва бинафша рангли нурлардан ташкил топганлиги кўринади (45-расм). Оқ ёруғлик таркибида булардан ташқари, спектрда кўринганийдиган инфрақизил ва ультрабинафша нурлар ҳам бўлади.



45-расм. Хлорофилл ва каротиноидларнинг спектр нурларини ютиши:
А. «а» ва «б» хлорофилллари томонидан ютилган нурлар;



1 — каротин; 2 — ксантофилл томонидан ютилган нурлар.

Баргга етиб келган ёруғлик нурлари хлорофиллнинг порфириң ҳалқасидаги қўш боғлиқ углерод (С), азот ва кислород электронлари томонидан ютилади. Ютилган ёруғлик энергияси ҳисобига хлорофилл молекулалари энергияга бой фаол ҳолатни эгаллади. Хлорофилл ютган энергиянинг бир қисми иссиқлик, иккинчи қисми эса бошқа узунликдаги ёруғлик нури шаклида муҳитга тарқалади. Бу ҳодиса флюоресценция деб аталади.

Флюоресценсия ҳодисасида хлорофилл томонидан ютилган нур бошқа узунликдаги нур шаклида ташқи муҳитга чиқарилади. Шу вақтда қайтарилган нур ҳисобига хлорофилл жигар рангли бўлиб кўринади. Флюоресценсия ҳодисаси хлорофиллнинг фотохимик актив бирикма эканлигини тасдиқлайди. Табий ҳолатдаги баргларда бундай ҳодиса кузатилмайди.

К. А. Тимиризев таълимотига кўра фотосинтез жараёни хлорофилл ютган қизил ва кўк-бинафша нурлар энергияси ҳисобига содир бўлиб, бунда ёруғлик энергияси химиявий энергияга айланади, яъни хлорофилл ёруғлик энергиясини химиявий энергияга айлантирадиган такомиллашган оптик сенсибилизатордир. Унинг айтишича, хлорофилл томонидан ютилган ёруғлик нури энергияси фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган органик моддалар таркибидаги химиявий энергияга ўзгаради. Бошқача айтганда, ёруғлик энергияси ҳисобига энергияга бой турли-туман химиявий бирикмалар (оқсиллар, углеводлар, ёслар ва бошқа моддалар) синтезланади.

К. А. Тимиризев фотосинтез жараёни қўйидаги қонуниятларга бўйсунишини аниқлади:

1. Фотосинтез жараёни фақат хлорофилл молекулалари ютган ёруғлик энергияси ҳисобига содир бўлади.

2. Фотосинтез миқдори ютилган нурлар миқдорига тўғри пропорционал. Бошқача айтганда, ютилган нур қанча кўп бўлса, фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган маҳсулот ҳам шунча кўп бўлади.

3. Фотосинтез жараёнида ютилган нурнинг 1—3% инигина ўсимликлар ўзлаштиради.


Хлорофилл ва бошқа пигментларнинг биосинтези

Моддалар алмашиши ҳодисаларида барча мураккаб оқсил, ёғ ва мураккаб углеводлар, витаминалар ва бошқа бирикмалар фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган содда углеводларнинг чуқур ўзгариши туфайли синтезланади. Шу билан бирга фотосинтез жараёнининг жорий этилиши учун зарур бўлган пигментлар ҳам синтезланади. Пигментлардан хлорофилл молекуласининг ҳосил бўлиши икки фазадан иборат бўлиб, бири катализитик фаза дейилиб, қоронфиликда ёруғлик талаб этилмайди. Бу фаза ўзи бир неча босқичлардан ташкил топган. Биринчи босқичда шу бирикма (ацетат — гликокол)лар ўртасида содир бўладиган муносабат натижасида порфобилиноген, учинчи босқичда порфобилиноген эса хлорофилл молекуласини асосий бирикмаларидан пиррол ҳалқаларини ҳосил қилишда манба ҳисбланади. Тўртинчи босқичда порфобилиноген ҳисобига ҳосил қилинган тўртта пиррол ҳалқалари ўзаро муносабатга киришади. Уларнинг тўрттаси қўшилишидан тетрапиррол деган бирикмә протопорфирин синтезланади. Бу бирикма Mg метали ва III пиррол ҳалқасига метил спирт қолдиги қўшилишиданprotoхлорофиллдага ўзгаради.

Рангсиз protoхлорофиллд ёруғлик нури иштирокида водород ионларини боғлаб олиши билан яшил рангли хлорофиллдага ўзгаради ва ёруғлик фазасини ташкил этади. Ёруғлик берилмаса, protoхлорофиллд яшил рангли хлорофиллдага ўтмаганлигидан ўсимликлар оқишсариқ рангда қолиб, уларга этиолирланган, яъни рангсиз ўсимликлар дейилади.

Кейинчалик хлорофиллддан «а» молекуласининг тикланиши учун ёруғлик нури талаб қилинмай, балки биохимиявий жараёнлар давом этади.


Protoхлорофиллддан ҳосил бўлган хлорофиллд молекуласига хлорофиллаза ферменти жадаллигига IV пиррол ҳалқасига фитол спирт қолдиги қўшилишидан хлорофилл «а» тўла тикланади. Келажакда ёш «а» хлорофилл молекулалари ҳисобига «в» хлорофилл молекулалари ҳосил бўлади.



46-расм. Хлорофиллнинг ҳосил бўлиш схемаси.

Юқорида күрсатыб ўтилган биохимиявий ўзгаришларда ёруғликтан ташқары кислород, темир элементи ва температура 1—2°C оралығыда бўлиши зарур. Темир элементи хлорофиллнинг ҳосил бўлишида катализаторлик вазифасини бажаради. Бу элемент етишмаса, ўсимликлар рангсиз бўлиб хлороз касалига дучор бўлади.

Сувўтларида хлорофиллдан ташқары ўзига хос рангли пигментлар фикобилинлар гуруҳига киради. Жумладан, кўкяшил сувўтларида кўк-ҳаво рангли мураккаб оқсил фикоцианин (фикоцианин — $C_{34}H_{42}N_4O_9$), қизил сувўтларида қизил рангли мураккаб оқсил фикоэритробилин (фикоэритрин — $C_{34}H_{47}N_4O_8$) пигментлари мавжуд. Бу оқсилларнинг актив гуруҳи тубандаги формулада келтирилган:



Бу пигментлар ҳам тўртта пиррол ҳалқалардан ташкил топган бўлсада, уларнинг пиррол ҳалқалари бир қатор кетма-кет жойлашиши билан хлорофилл молекуласиникидан кескин фарқ қиласи.

Бу пигментлар спектрда кўринган кўк, яшил ва сариқ рангли нурларни ютиш қобилиятига эга. Хлорофиллнинг йўлдош пигментларидан каротин ва ксантофилл ҳақида олдинги мавзуда тўхтаб ўтилди.

Фотосинтез жараёнида пигментларнинг тутган ўрни

Фотохимия фани таълимотига кўра, қуёшдан келадиган ёруғлик квант ёки фотон деб аталган бўлакчалар шаклида тарқалади. Ёруғликни призма орқали ўтказилгандан оқ ёруғлик бир неча тўрли нурлардан ташкил топганлиги кузатилади. Жумладан, спектрда инфрақизил, қизил, зарғалдоқ, сариқ, янйил, бинафша ва ультрабинафша нурлар кўриниб, ҳар қайси нур маълум тўлқин узунлигинга ва энергияга эга эканлиги жадвал рақамларидан кўринади.

Фотосинтез жараёни юқорида күрсатыб ўтилган содда тенглама билангина белгиланиб қолмай, балки тирик организм учун бу муҳим ва жуда мураккаб ҳодиса бўлиб, бирин-кетин изчилик билан борадиган реакциялардан таркиб топган.

Фотосинтез жараёнида кузатиладиган реакцияларнинг бир

Ёруғлик нурлары	Спектрда күринган нур узунлиги, мкм	Энергия		
		I квантта ЭВ ҳисобида	I «молль» квантта, ккалл ҳисобида	I «молль» квант, кЖ ҳисобида
Үльтрабиңафша	400 дан паст	4,88	112,5	470
Бинафша	400—424	3,02	69,7	292
Зангри	424—491	2,70	62,2	260
Яшыл	491—550	2,39	55,0	230
Сариқ	550—585	2,14	49,3	206
Заралдоқ	585—647	2,0	46,2	193
Қизил	647—740	1,82	42,1	176,4
Инфрақызыл	740 дан ортиқ	0,88	20,4	85

хиллари фақат ёруғлик нури таъсирида вужудга келса, бошқа хил реакцияларнинг ўтиши учун ёруғлик бўлиши шарт эмас. Чунки бу реакциялар махсус ферментлар иштирокида давом этади. Ана шу ёруғлик реакцияларда синтезланган АТФ ва НАДФ Н₂ молекулаларидаги энергия ҳисобига сув ва карбонат ангидриддан дастлабки углеводлар ҳосил қилинади.

Фотосинтез жадаллиги, маълум бир муддатгача, ёруғлик қувватига кўра пропорционал ортиб борганилигини ва кейинчалик сустлашганлигини кузатган К. А. Тимирязев (1871) фотосинтез жараёни фотофизикавий ҳодисалардан ташқари, фотохимиявий, яъни химиявий реакцияларга боғлиқ бўлиши лозим эканлигини фараз қилди.

1905 йилда инглиз олим Ф. Ф. Блэкман фотосинтез жараёни, ҳақиқатан ҳам К. А. Тимирязев таҳмин қилганидек икки фазадан иборат эканлигини тасдиқлади. Унинг айтишича, фотосинтезнинг «ёруғлик» фазасида ёруғлик энергияси сарфланса, «қоронғилик» фазасида, яъни энзиматик-ферментатив реакциялар ўтиши учун ёруғлик энергияси бевосита иштирок этмас экан. Шу айтганларга биноан, фотосинтез жараёни «ёруғлик» ва «қоронғилик» фазаларидан иборат бўлганлиги аниқланди.

«Қоронғилик» фазаси, баъзан «Блэкман реакциялари» деб ҳам юритилади.

Шу масалани ойдинлаштиришда О. Варбург (1919—1924) ва Р. Эмерсон (1932) далилларига кўра, ёруғлик энергияси ҳисобига йўналадиган реакциялар тез фурсатда —0,00001 секунд давомида ўтиб улгурса, «қоронғилик» фазасидаги ферментатив реакциялар ўтиши учун 0,04 секунд давомида вақт талаб этилади.

Фотосинтезнинг «ёруғлик» фазаси икки босқичдан иборат. Уларнинг бири фотофизикавий босқич дейилиб, унда хлорофилл ва бошқа пигментлар томонидан ёруғлик энергиясининг ютилиши билан характерланади. Шу вақтда ёруғлик энергиясини ютган хлорофилл молекулалари қўзғалган, яъни энергияга бой ҳолатга ўтиб, шу энергияни ёруғлик фазасининг иккинчи

босқицидаги **фотохимиявий** жараёнларнинг ўтишини таъминлаш учун жўнатади.

Фотохимиявий босқичда ёруғлик энергияси сувни парчалаш, АТФ ва НАДФ·Н молекулаларини синтезлаш учун сарфланади.

Илмий-тадқиқот ишларига асосан, фотосинтез жараёнининг ёруғлик фазасида икки хил фотосистема қатнашганлиги ҳам аниқланган.

Биринчи фотосистема (ФС-1)да 675 дан 695 нм узунликдаги қызил нурларни ютувчи 200 га яқин «а» ва «в» хлорофилл молекулалари ҳамда 700 нм узунликдаги нурни ютувчи ва реакция маркази бўлиб ҳисобланган П-700 «а» хлорофил молекуласи мавжуд. ФС-1 таркибидаги хлорофилл молекулалари томонидан ютилган нур энергиясини П-700 га етказиб берилади.


Иккинчи фотосистема (ФС-II) да реакция марказида «а» хлорофиллнинг П-680 нм узунликдаги нурларни ютувчи молекуласидан ташқари, 670—683 нм узунликдаги нурларни ютувчи «а» ва «в» хлорофилл молекулалари ўрин олган.

Айтиб ўтганлардан ташқари ФС-I ва ФС-II фотосистемаларда ёруғлик нурини ютувчи каротиноидлар, энергияга бой электрон (e^-) ва протон (H^+) ларни ҳаракатланишида қатнашадиган ферредоксин, пластицинин, пластохинон, цитохром « b_6 », цитохром « f » ва марганец (Мп) қатнашади.

Фотосистемалардаги хлорофилл молекулалари томонидан ютилган ёруғлик энергияси ҳисобига, энергияга бой АТФ молекулалари ҳосил бўлганлигини назарда тутиб, АДФ га фосфор кислота қолдигининг қўшилиши фотосинтетик фосфорланиш ёки фотофосфорланиш деб аталади.


Фотофосфорланиш икки хил кўринишда бўлганлиги Д. И. Арнон томонидан аниқланган. Унинг бирига «циклик», иккинчисига «ноциклик» фотосинтетик фосфорланиш деб юритилади.

«Циклик» фотофосфорланиш биринчи фотосистема (ФС-1) даги пигментлар комплекси фаолиятида содир бўлади. 47- расмда кўрсатилганидек, ФС-1 даги пигментлар комплекси томонидан ютилган ёруғлик энергияси реакцион марказдаги П-700 молекуласида тўпланиш натижасида П-700 «а» актив (қўзғалган) ҳолатга ўтади. П-700 «а» молекуласидаги энергияга бой электрон оксидланиш-қайтарилиш потенциали паст ($-0,43$ эв



47-расм. Циклик фотофосфорланиш схемаси.

га тенг), бўлган ферредоксинга йўналтиради. Оксидланиш-қайтарилиш потенциали юқори бўлган (+0,18 эв га тенг) цитохром «*v*₆» ферредоксиндан қабул қилиб олган электронни оксидланиш потенциали яна ҳам кучлироқ (+0,36 эв га тенг келган) «*f*» цитохром қабул қилиб олади. Шу вақтнинг ўзида, тенгламада кўрсатилганидек, ёруғлик энергияси ҳисобига химиявий энергияга бой АТФ молекуласи ҳосил бўлади:



Кейинчалик «*f*» цитохромдан электронни оксидланиш потенциали +0,40 эв га эга бўлган П-700 а хлорофилл молекуласига етиб келиши билан П-700 «*a*» актив ҳолатни эгаллайди. Электронни қабул қилиш билан оқ П-700 «*a*» хлорофилл молекуласи ёруғлик энергиясини қабул қилиб, қайтадан актив (қўзғалган) ҳолатга ўтиб, юқоридаги ҳодисалар тақорланиб турди, яъни АТФ молекулаларининг синтезланиши давом этади.

«Ноциклик» фотофосфорланишда ФС-І ва ФС-ІІ фотосистемаларни ташкил этган хлорофиллар комплекси иштирокида содир бўлади.

Ёруғлик энергияси ҳисобига юзага келган энергияга бой электроннинг ҳаракатланиш занжири ва шу реакцияда кўрсатилган маҳсулотлар юзага келиши 47-расмда келтирилган.


«Ноциклик» фотофосфорланишда ҳам электронларни ҳаракатланиш занжирида электронларни ташувчи бирикмалар бўлиб, улар оксидланиш-қайтарилиш потенциали қувватига биноан маълум тартибда жойлашган.

Электронларни ҳаракатлантирувчилардан пластохинон электронларни ва протонларнинг (2 \bar{e} +2 H⁺) йўналишини таъминлайди. Қолган бирикмалар фақат электронларни ҳаракатланишида иштирок этади.

П. Хинкля ва Р. Мак-Карти (1978) назариясига кўра, ноциклик фотофосфорланишда электронлар ҳаракатланиши ФС-ІІ фотосистемасидаги П-680 «*a*» хлорофиллинг актив ҳолатга келишидан бошланади.

Ёруғлик энергиясини қабул қилиб активлашган (қўзғалган) ҳолатга ўтган П-680 «*a*» ўзидағи электронни (2 \bar{e}) пластохинонга йўналтиради. Электронларни қабул этган пластохинон тилакоиднинг ташқи томонида жойлашган протон (2 H⁺) ни боғлаб, қайтарилиган ҳолатга ўтади. Электрон ва протонларни боғлаб олган пластохинон тилакоиднинг ёғсимон (липид) бирикмалари жойлашган қаватга ўтиб, ўзидағи электронларни (2 \bar{e}) «*f*» цитохромга, протонларни (2 H⁺) тилакоиднинг ички бўшлиғига йўналтиради. Пластохинон эса аввалги, яъни оксидланган ҳолатга ўтиб, тилакоид мембраннынинг ташқи томонига йўналади. Бу ҳодисалар тақорланиб туради.

«*f*» цитохром ўзига қабул қиласан га ҳам олган электрон (2 \bar{e}) ларни оксидлаш қуввати кучлироқ (-0,37) бўлган пластоцианинга




48-расм. Ноциклик фотофосфорланишда электронларнинг I ва II фотосистемаларда ҳаракатланиш схемаси; Пх — пластахинон; Пц — пластацинин; в₆ — ва f цитохромлар; АДФ АТФ, НАДФ Н₂; Фд = ферредоксин; Рб — дф — рибулосидифосфат; ФГК — фосфоглициерин кислота.

48-расмда күрсатылғандай, латинча тәтади. Бу ҳолатни әгри-бугри шаклдаги күрнишига күра зет (z) схемаси деб ҳам юритилади.

Зет (z) схемасида энергияга бой электронларнинг ҳаракатланып турған П-680 хлорофилл молекуласига ёруғлик квант (энергияси) нинг келиб турғышыга боғлиқ.

Ноциклик фотофосфорланиш жараёни тубанда күрсатылған тенглама асосида АТФ, НАДФ·Н, кислород ва протон (H^+) лар ҳосил бўлади:



Бу тенгламада АДФ ва фосфор кислота ўртасида содир бўладиган муносабат натижасида АТФ молекуласи синтезланади. Шу билан бирга сувнинг парчаланиши натижасида ундан ажралган водород атомлари ҳисобига оксид ҳолатидаги НАДФ⁺, қайтарилган НАДФ·Н ҳолатни эгаллайди. Сувдан бўшаб чиққан кислород ташқи муҳитга чиқарилади.

Ёруғлик фазасида хлорофилл ва бошқа пигмент молекулалари томонидан ютилган ёруғлик энергияси сув молекулаларини парчалаганлигини ҳам кўриб ўтиш зарур.


Ёруғлик энергияси иштироқида сувнинг парчаланишига

йўналтиради. Пластоцианин эса «f» цитохромидан қабул қилган электронларни ФС-1 системадаги П-700 га етказиб беради. Натижада актив (қўзғалган) ҳолатдаги П-700 энергиянинг бир қисмини циклик фотофосфорланиш жараёнида АТФ молекуласи ҳосил бўлишида сарфланса, иккичи қисми эса ноциклик фотофосфорланишда қатнашувчи биримлар воситасида оксид ҳолатдаги НАДФ⁺ ни қайтарилган НАДФ·Н₂ ҳолатга ва АТФ нинг иккичи молекуласи синтезланшида сарфланади.

Хулоса қилиб айтганда, ноциклик фотофосфорланишда энергияя бой электрон йўналиши ўзининг кўриниши билан


«ёз» ҳарфи (z)ни эслатади. Бу ҳолатни әгри-бугри шаклдаги кўрнишига кўра зет (z) схемаси деб ҳам юритилади.

фотооксидация ёки фотолиз деб аталади. Бу реакция тубандагыча ифодаланади:



Сувнинг парчаланишида — фотолиз жараёнида ҳосил бўлган OH групбалари ишараси муносабатига киришишидан водород пероксид (H_2O_2) синтезланади: $\text{OH} + \text{OH} \rightarrow \text{H}_2\text{O}_2$.


Заҳарли водород пероксид ўз навбатидан каталаза ферменти иштирокида сув ва эркин кислородга парчаланади. Бўшаб чиқсан кислород тубандаги реакцияга мувофиқ ташқи муҳит (атмосфера) га чиқарилади;



XX асрнинг 40-йилларигача фотосинтезда ажralиб чиқсан кислород карбонат ангидрид таркибидаги кислород деб келинган. 1941 йилда рус олимлари А. П. Виноградов ва Р. В. Тейс, Америка олимлари С. Рубен ва М. Камен тажрибаларида ҳавога ажратилган кислород сув таркибидаги кислород эканлиги тасдиқланди.

Бу масалани ҳал этишда табиатда тарқалган кислород З хил изотоп, яъни 0^{16} , 0^{17} , ва 0^{18} шаклларда учраганлиги назарда тутилиб, сув ва карбонат ангидрид таркибидаги кислороднинг изотоплари аниқланган. Тажриба далилларига асосан, сув таркибидаги изотоп 0_1^6 , карбонат ангидрид таркибидаги изотоп 0_1^{18} эканлиги ҳам тасдиқланди.

Шуларни назарда тутиб, А. П. Виноградов ва Р. В. Тейс фотосинтез жараёнида ажralиб чиқсан кислородни сув таркибидаги 0^{16} изотопи, органик модда (глюкоза) таркибидаги 0^{16} изотопи эканлиги қўйидаги тенгламадаң кўринади:



Фотосинтезда вужудга келган сув молекулаларига метаболитик сув дейилади.


Фотосинтез жараёнининг «қоронғилик» фазасида содир бўладиган биохимиявий реакциялар, юқорида кўрсатиб ўтилган ёргелик фазасида синтезланган АТФ ва НАДФ·Н энергиялари воситасида содир бўлади.

Фотосинтез табиатига доир назариялар


Фотосинтез жараёнида биринчи маҳсулот формальдегид (CH_2OH) ҳосил бўлиб, уларнинг бир-бiri билан полимерланиши ҳисобига углеводлар ҳосил қилиниши муқаррар деган фикрни немис олими А. Байер 1870 йилда баён этган эди. Бироқ бу назария — формальдегид назарияси асоссиз деб топилди.

Бу масалани ёритишда К. А. Тимирязев ҳам ўз ҳиссасини кўшди. К. А. Тимирязев (1871) фотосинтез жараёнида хлорофилл бевосита иштирок этиши зарурлигини кўрсатди. Унинг фикрича, ўсимлик тўқимасидаги хлорофилл «маҳсус» кислород

билингдан актив молекула ҳолатига ўтиб, биринчи босқичда оксидланган хлорофиллнинг актив молекуласи карбонат ангидрид билан боғланади:



Иккинчи босқичда ХОСO_2 деб фараз қилинган модда ёруғлик энергияси таъсирида кислород ва ХОС моддасига парчаланади:




Учинчи босқичда ХОС биримаси сув билан бирга номаълум углеводнинг ҳосил бўлишини таъминлайди. Хлорофилл эса бўшаб чиқади:





Тўртинччи босқичда ўз активлигини йўқотган хлорофилл кислород билан бирга актив ҳолатга ўтиб, ҳаводан қабул қилинган навбатдаги карбонат ангидрид молекуласини боғлаб олади ва юқорида кўриб ўтилган реакциялар қайтадан тақорланади. Шуларга асосланган К. А. Тимиризев фотосинтез жараёни циклик ҳодиса бўлиши керак, деган холосага келади. Айни вақтда хлорофиллнинг бу жараёнда бевосита қатнашганилиги ва фотосинтез циклик давом этганилиги тўла тасдиқланди. Бироқ, мазкур жараёнда CO_2 газининг хлорофилл молекуласига бевосита боғланганилиги тасдиқланмади.

Сўнгги маълумотларга кўра фотосинтез жараёнининг қонронтиллиқ фазасида ҳаводан қабул қилинган CO_2 ўсимлик тўқимасидаги актив бирималар билан реакцияга киришиб боғланади. Бу актив моддалар акцепторлар дейилади. Баъзи олимларнинг фикрича, карбонат ангидридни боғлаб олувчи акцепторлар органик кислоталар, аминокислоталар ва бошقا бирималар бўлиши керак. Америкалик олим М. Кальвин ва унинг шогирдлари рибулёзадифосфатни акцептор деб белгилади ва шу асосда карбонат ангидридинг ўзлаштирилиш схемасини тавсия этди. Ҳозир бу схема олимлар томонидан қабул қилинган:

а) схемага мувофиқ, ҳаводан қабул қилинган карбонат ангидрид карбоксидисмутаза ферменти иштирокида рибулёза-1, 5-дифосфатга бирекишидан олти углеродли органик кислота ҳосил бўлади. Бу кислота тез фурсатда 2 молекула 3-фосфоглицерин кислота (ФГК) гача парчаланади:




б) ҳосил бўлган 3-фосфоглициерин кислота АТФ иштирокида никотин-амидениндинуклеотидфосфат — НАДФ·Н₂ водороди ҳисобига 3-фосфоглициерин альдегидигача (ФГА) қайтарилади:




3- фосфоглициерин
кислота (ФГК)

3- фосфоглициерин альдегид (ФГА)

в) бу альдегид молекулаларининг бир қисми триозофосфат изомераза ферменти жадаллигига фосфодиоксиацетон-диоксиацетонфосфат молекуласига айланади, яъни фосфоглициерин альдегид изомери пайдо бўлади:




г) ФГА ва фосфодиоксиацетон молекулалари альдолаза ферменти жадаллигига реакцияга киришиб, фруктоза-1,6-ди-фосфат ҳосил қиласди:




д) кейинчалик фосфоглициерин альдегиди ҳисобига ҳосил бўлган фруктоза-1,6- фосфат молекулалари ўзаро бириншидан сахароза, крахмал ва бошқа полисахаридлар синтезланади.


Шакар ва полисахаридларнинг синтезланишида қатнашмаган фруктоза-1,6 фосфат молекулаларининг бир қисмидан фосфатаза ферменти иштирокида фруктоза-6-фосфат ҳосил бўлади. 3-фосфоглициерин альдегид молекулаларни ферментлар иштирокида чуқур ўзгаришларга учрайди. Жумладан, 3-фосфоглициерин альдегид билан фруктоза-6 фосфат ўртасида содир бўладиган реакциялар натижасида молекуласида 4,5 ва 7 углерод атоми бўлган моддалар ҳосил бўлади. Масалан, транскеталаза ферменти воситасида фруктоза-6-фосфат таркибидаги 5-ва 6-углерод группалари 3-фосфоглициерин альдегидга қўшилишидан 5-углеродли ксилиулоза 5-фосфат ҳосил бўлади. Фруктоза-6-фосфатнинг қолган қисмидан 4-углеродли эритроза-4-фосфат пайдо бўлади:




е) диоксиацетон фосфат билан эритроза 4-фосфат альдолаза ферменти иштирокида ўзаро бирикиб, 7-углеродли седогептулоза-1,7-дифосфат ҳосил қиласди:




ж) седогептулозо-1,7 фосфат фосфатаза ферменти таъсирида бир молекула фосфат кислотани йўқотиб, седогептулоза-7-фосфатга айланади:




з) транс-кеталаза ферменти седогептулоза-7-фосфат таркибидан икки углеродли гурӯҳларни ажратиб, 3-фосфоглицерин альдегидга бирикиши натижасида бешта углеродли пентозалар, рибоза-5-фосфат ҳосил бўлади:




и) ксиулоза-5-фосфат фосфокетопентоза эпимираза ферменти, рибоза-5-фосфат эса фосфопентоза изомераза ферменти жадаллигида рибулоза-5-фосфатнинг ҳосил бўлишида қатнашади:



к) навбатдаги реакцияда рибулоза-5-фосфатга АТФ молекуласидаги фосфат кислота қўшилишидан рибулоза-1,5-фосфат тикланади:



Рибулоза-1,5-фосфат ҳаводан қабул қилинган янги CO_2 билан реакцияга киришади ва юқорида кўриб ўтилган реакциялар изчиллик билан такрорланади. Бир молекула карбонат ангиридридинг ўзлаштирилишида ёруғлик фазасида синтезланган уч молекула АТФ энергияси ва икки молекула НАДФ· H_2 сарфланади (49- расм).



49-расм. Кальвин схемаси бўйича фотосинтезда углероднинг биохимиявий ўзгариши.


Маккажүхори ва баъзи тропик ўсимликларда фотосинтезнинг ўзига хос йўналиши

Күриб ўтилган М. Кальвин схемасига биноан, фотосинтез-нинг биринчи маҳсулоти сифатида ўзида 3 атом углерод сақлаган фосфоглициерин кислота ҳосил бўлганилигини назарда тутиб, бу типдаги фотосинтез C_3 йўналишидаги йўл деб юритилиади.

Рус олимлари И. А. Торчевский ва Ю. С. Карпилов (1960), фотосинтез жараёнида биринчи маҳсулот бўлиб, у ўзида 4 углерод сақлаган бирикма ҳосил бўлганлигини кузатганлар. Шу

Мезофилл құжайыра

Еңдош құжайыра



50-расм. Фотосинтез жараёнининг С₄ йўналиш схемаси / Хетч-Слэк - Карпилов, 1966/:

Ташки мухитда қабул қилинган CO₂ (1) фосфоенолпироузум кислота (2) га қўшилишидан оксалат сирка кислота (3) гача ўзгарида: НАДФ Н₂ (4) таркибидаги водородни қабул қилиган оксалат сирка кислота олма кислота (5) гача қайтарилади. Ендош құжайыра ўйған олма кислота CO₂ (6) ва пироузум кислота (7) га паризланади. Олма кислота (5) дан ажралтав CO₂ (6) Кребс циклидаги рибулозадифосфат (8) га қўшилишидан 2 молекула 3 – фосфоглицерин кислота (9) га ўзгарида. Шу пайдай оксид ҳолатидаги НАДФ – (10) олма кислота (5) парчаланишида ажратилган водородни қабул қилиб, қайтарилган НАДФ Н₂ (11) ҳолатга ўтади. Оксид ҳолатдаги 3-фосфоглицерин кислота НАДФ Н₂ (11) таркибидаги водород қўшилишидан 3-фосфоглицерин альдегид (12) гача қайтарилади. Бир канча реакциялардан кейин шакар ва крахмал (13) молекулалари синтезланади. Ҳосил бўлган шакар (13) ёндош құжайралар ёндига ўтказувчи найлар (14) воситасида ўсимлик танасида тарқалади. Олма кислота (5) ни парчаланишидан ҳосил бўлган пироузум кислота (7) фосфор билан муносабатга киришишнан (15) фосфоенолпироузум кислота (2) винг янги молекуласи ҳосил қилиниб, кўриб ўтилгин реакциялар тақрорланиб туради.


масалани чўқур текширган Австрия олимлари Хетч ва Слэк (1966), рус олимларининг илмий-тадқиқот ишларини тасдиқлаб, фотосинтез жараёнида С₄ йўналишдаги йўл мавжуд эканлигини аниқладилар. С₄ йўналишдаги йўл Хетч-Слэк-Корпилов схемаси деб аталади.

С₄ йўналишдаги йўл схемасида ҳар хил тузилишга эга бўлган барг ҳужайраларининг узвий боғланишидан иборат комплекс деса ҳам бўлади. Жумладан мезофил ҳужайралардаги хлоронпластлар ҳажм жиҳатдан кичик бўлишига қарамай, балки ҳар тарафлама тикланган органоиддир. Ўтказувчи найларга тақалган ҳужайраларнинг хлоропластлари йирик бўлсада, хлоропластлар ичиде тилакоидлар ва улар ҳисобига ҳосил бўладиган гранулалар кузатилмайди. Шу типдаги ҳужайраларнинг узвий боғланиб, фотосинтез жараёнини ўтаганлигини назарда тутиб, Корпилов (1970) кооперативга (ҳамкорликка) асосланган схема деб юритишни тавсия этади.


Хетч-Слэк-Карпилов схемаси асосида содир бўладиган карбонат ангидридни ўзлаштириш маккажўхори, шакарқамиш ва бошқа тропик, субтропик ўсимликлар учун хос бўлиб, тубандаги реакциялардан таркиб топган (50-расм).

Биринчидан, ўсимликларга қабул қилинган CO₂ гази мезофил ҳужайраларида, ҳужайралардаги фосфоенолпироузум кислота-

га қўшилишидан, ўзида 4 углерод сақлаган оксалат-сирка кислота ҳосил бўлади.




Шу вақтнинг ўзида оксалат-сирка кислота НАДФ·Н₂ таркибидаги водород ҳисобига олма кислотагача қайтарилади.



Кейинчалик олма кислота плазмодесмалар воситасида ўтказувчи найлар ёнидаги (ёндош) ҳужайралар ичига ўтиши билан CO₂ ва пироузум кислотага парчаланади.




Ҳосил бўлган пироузум кислота фосфор кислота билан муносабатга киришидан фосфоенолпироузум кислотанинг янги молекуласи ҳосил бўлишини таъминлайди.



Бу бирикма мезофил ҳужайраларига ўтиб, CO₂ газни боғлаб олиб, юқорида кўрсатилган реакцияларда қатнашади.

Олма кислотадан ажралган CO₂ гази Кальвин циклига қўшилиб, моносахарид ва полисахаридларни синтезлашда сарфланганлиги тубандаги tenglama ва схемада кузатилади:



Хетч- Слэк- Корпилов схемаси

Бу схема суккулентларда содир бўладиган фотосинтез жараёнинг ўзига ҳос ва нозик томонларини ечиб беришда ёрдам беради. Суккулентлар ва шу схемага биноан фотосинтез жараёнини ўтказадиган ўсимликлар CO₂ газини органик кислоталарга боғлаб олиш хусусиятига эга бўлганлигидан, уларда заҳира тўпланган CO₂ ҳисобига, барг оғизчаларининг ёпиқ бўлишига қарамай, углеводларнинг синтезланиши давом этади. Бу ўсимликларда ёруғликда нафас олиш содир бўлмаганлиги сабабли улар фотосинтезни C₃ йўналишида ўтадиган ўсимликларга нисбатан анча ҳосилдор бўладилар.

В. В. Сапожников фикрича (1896) фотосинтез жараёнида углеводлар билан бир қаторда оқсиллар ҳам синтезланади.

А. А. Ничипорович далилларига биноан, кўк-бинафша нурлар таъсирида оқсил ва органик кислоталар кўп синтезланса,

қизил нур таъсирида углеводлар ва ёғлар ҳосил бўлганлиги жадвалда келтирилган:

23- жадвал

Ўсимлик тури	Углеводлар, мг		Оксил, мг	Органик кислота, мг		
	қизил	зангори		зангори*	қизил	зангори
Кунгабоқар	25,57	12,86	22,0	36,8	1,98	3,79
Маккажӯхори	25,25	18,38	1,39	10,0	0,98	0,80

Фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган углеводлардан сахароза, рафиноза (фруктоза+глюкоза+галактоза) ва стахиоза (фруктоза+галактоза+галактоза+глюкоза) молекулалари флоэма найлари орқали бошқа органларга томон ҳаракатлади. Флоэма ҳужайраларида митохондрий кам бўлганлигидан бу моддалар нафас олишда кам сарфланади. Булардан ташқари, ўтказувчи найларда сахарозани парчаловчи ферментлар учрамайди. Углеводлардан ташқари, ўтказувчи найлар орқали аминокислоталар ва бошқа органик бирикмалар ҳаракатланиб туради.


Фотосинтез жараёнига ички ва ташқи муҳит омилларининг таъсири

Фотосинтез жараёнинг интенсив давом этишида ташқи муҳит омилларининг таъсири жуда сезиларли даражада бўлади. Шулардан ёруғлик энг муҳим ва ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Қўёшдан келган электромагнит нурларининг умумий қиммати $386 \cdot 10^{20}$ ваттга тенг. Электромагнит нур таркибидаги қисқа тўлқин узунликдаги ультрабинафша нурлар Ер атмосфераси томонидан (озон экрани) узун тўлқинли инфрақизил нурларнинг кўпчилик қисми атмосферадаги сув томчилари томонидан ютилади. Ер юзасига эса спектрда кўринган 380—740 нм тўлқиндаги нурлар етиб келади. Ўларнинг энергияси $2 \cdot 10^{17}$ ваттдан ортмайди. Космосдан келган қуёш ёруғлик энергияси ҳисобига яшил ўсимликлар анорганик моддалар (сув-карбонат ангидрид) дан органик моддалар синтез қиласи.


Ер юзасига етиб келган электромагнит нурлар энергиясини 100% деб олинса, шулардан 30% и қайтарилади, 70% и атмосфера, сув ҳавзалари ва ер юзаси томонидан ютилади. 0,05% и фотосинтез маҳсулотларини ҳосил қилишда қатнашади: 0,0005% и озиқ моддаларни ҳосил қилишда ва 1% дан кам миқдори техникада, яъни қуёш электростанцияларида фойдаланилади.

Бироқ вегетация даврида 1 гектар ерга тушган энергияни 4,5 млрд қкалга тенг деб олинса, шундан 2,2 млрд ни фотосинтетик актив радиация (ФАР) ташкил этади. Ўсимликлар фақат



51-расм. Баргга тушган қүёш энергиясининг сарфланиши (А.М. ва Д.М. Гродзинский, 1973).

Шимолий кенглиқ



52-расм. Россиянинг турли зоналарида сув ва минерал элементлар билан тўла таъминланган ва фотосинтетик радиация (ФАР) нинг 5% ини ўзлаштирган юқори сифатли ўсимлик навлари томонидан тўпланадиган биологик ҳосилни кўрсатадиган А. Ничипорович схемаси.

40 млн ккал ни ўзлаштиради, яъни бу сон 0,5—3% чамасида бўлади (51-расм).

Россиянинг турли зоналарида 1 га майдонга тушадиган ёруғ-

лик энергияси ва вегетация даврининг давомийлиги ҳам турли-ча бўлади. Буни 52-расмда келтирилган А. А. Ничипорович маълумотидан яққол кўриш мумкин. Масалан. Мурманск ви-лоятида бир мавсумда, яъни 2,5—3 ойлик вегетация даврида 1 га майдонга тушган ФАР 1 млр ккал бўлса, Москвада 3 млрд ккал, вегетация даври 9 ойга чўзилган. Тошкент ва Ду-шанбада 4,5 млрд, ккал бўлган. Турли зоналарда ўстирилган ўсимликларнинг биологик ҳосилини бир-бирига тақдосланганда ҳам кўзга қўринарли фарқ борлиги сезилади. Масалан, Санкт-Пітербург вилоятида бир гектар майдондан олинган биологик ҳосил 25 га/т бўлса, Душанбада икки марта кўп, яъни 50 т бўлган.

Эслатма: 1 га даги ўсимлик массасининг умумий қуруқ массаси биологик ҳосил деб аталади.

Қўёш нурининг Ер шарида ёруғлик таъсири бир текис тар-қалмаслиги ва ўсимликларнинг зоналар бўйлаб ҳаёт кечири-шини ҳисобга олиб, ўсимликлар ёруғсевар ва сояпарвар гуруҳ-ларга бўлинади.

Ёруғсевар (гелиофит) ўсимликлар чўлларда, даштларда, қирларда ҳаёт кечиришга мослашган. Гелиофитларда фотосин-тез жараёни тўлиқ ўтиши учун ёруғлик кучи тўла, яъни 100 ёки 50% бўлиши зарурлигини К. А. Тимирязев тажрибалар билан тасдиқлаган.

Баъзи ўсимликлар, жумладан, Судан саванналарида тар-қалган оқ акация (*Acacia albida*) булатли күпларда, яъни ёруғ-лик нури камайганда ва ёмғир ёқсан пайтларда баргларини тўқади. Қуёш чиқиши билан янги барглар чиқариб, ҳаётни жараёнларини тиклаб ўса бошлайди. Бундай ҳодиса ўсимликларнинг ёруғсевар гуруҳига мансуб эканлигини кўрсатади.


Гелиофит ўсимликлар баргларининг тузилиши билан ҳам ёруғликка мослашган бўлади. Уларнинг барглари сертомир, усти туклар билан зич қопланган бўлади. Барг оғизчалари кўп бўлиб, зич жойлашган. Устунсимон ва мезофилл ҳужайралари бир-бирига яқин бўлиб, зич жойлашган ва бир неча қаватдан иборат. Ҳужайрада хлоропластлар кўп бўлиб, уларнинг ҳажми кичик бўлади. Хлорофилл миқдори эса сояга чидамли ўсимликларга нисбатақ кам. Масалан, сояга чидамли аспидистра ўсимлиги баргига хлорофилл миқдори 0,4% ни ташкил этса, ёруғсевар қарағайдага 0,11% дан ортмайди.

Сояга бардошли (сциофит) лар гуруҳига ўрмонларда ўса-диган ўтлар, буталар, папоротниклар ва мох каби ўсимликлар киради. Сциофитларга кислица обикновенная (*Oxalis acetosella*), майник (*Majanthemum bifolium*), хина (*impatiens noli tangere*), қарга кўз (*Paris quadrifolia*) ни вакил қилиб кўрсатиш мумкин. Сциофитларга ёруғликнинг 1/55, ҳатто 1/100 қисми берилганда ҳам фотосинтез жараёни давом эта-ди. Сциофит ўсимликлар баргига устунсимон ва мезофил ҳу-жайралар сийрак бўлиб, бир қаватдан жойлашган, баъзилари-нинг баргига устунсимон ҳужайралари бўлмайди. Хлоропласт-


1 кг ҳўл барг таркибидаги хлорофилл миқдори, г ҳисобида

24- жадвал

Нина баргли ғсимликларда		Кеңг баргли ғсимликларда	
сояга бардошли	ёргесевар	сояга бардошли	ёргесевар
Тисс — 2,44	Тилоғоч — 1,18	Какао дараҳти — 7,9	Семизак — 1,06
Арпа — 1,92	Қарғай — 1,13	Липа — 4,9	Кокос палмаси — 1,14
Оқ қарғай — 1,75	Араукария — 0,97	Аспидистра — 4,0	Қумқиёқ — 1,95



A



B

53-расм. A — ёргеликда, B — сояда жойлашган қорақайин баргининг анатомик тузилиши:

1 — эпидермис; 2 — орназалар; 3 — уступсизон паренхима; 4 — булутсизон паренхима; 5 — ўтказувчи найлар.

лари йирик, сони кам бўлишига қарамай, хлорофилл миқдори гелиофит ўсимликларга нисбатан анча кўп эканлиги қўйидаги жадвалдан кўринади.

Бир ўсимликнинг ўзида баргнинг сояда ёки ёруғликда жойлашишига қараб анатомик тузилиши ҳар хил бўлади (53-расм).

Шу билан бирга баргиде хлоропластлар ҳажми ва хлорофилл миқдори турлича бўлади. Жумладан, жанубий томонда жойлашган баргларнинг анатомик тузилиши, ёруғсевар ўсимликларнинг барг тузилишини такрорлайди. Шимолий томонда, яъни ёруғлик нури кам тушадиган жойда ўсан барглар сояга бардошли ўсимликлар барг тузилишини эслатади.

Хлорофилл миқдорига нисбатан ҳам сояда жойлашган барг билан ёруғликда жойлашган барглар бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, чинорнинг жануб томонда жойлашган барг тўқимаси таркибидаги хлорофилл миқдори 0,68% ни ташкил этса, шимол томондагисиники эса 1,12% га бориб қолади.

Ёруғлик ва соя томондаги барглардаги хлорофилл миқдори (1 кг ҳўл моддада, г ҳисобида)

25- жадвал

Ўсимлик номи	Ёруғликдаги баргларда	Соядаги баргларда
Жўка	2,58	3,11
Заранг	2,66	2,91
Қорақайин	2,73	3,74

Ўсимлик танасининг шаклланишида ва баргларнинг маълум тартибда жойлашишида ҳам ёруғликнинг роли катта эканлиги 54-расмдан кўринади. Жумладан, қоронғиликда парвариш қилинган ўсимлик барглари оқиш-сариқ рангда бўлади. Уларга этиолирланган ўсимлик дейилади. Қоронғиликда ўсимлик баргларининг ранги ўзгарибгина қолмай, балки пояси ёруғликда ўсан ўсимликка нисбатан ҳаддан ташқари чўзилиб ўсади. Бундай ўсимликнинг барглари ва механик тўқималари нормал ривожланмайди. Оқибатда шундай ўсимликлар тезда ерга ётиб қолганлиги сабабли, нобуд бўлади. Ёруғликда ўсан ўсимликлар яшил рангли бўлиб, нормал ривожланади.

Гелиофит ва сциофит ўсимликлардан ташқари, ёруғликда ва сояда нормал ҳаёт кечирувчи ўсимликлар ҳам бор.

Ўсимликнинг қайси гуруҳга мансуб бўлишидан қатъи наэр, ёруғлик ҳаддан ташқари кўп бўлганда барг тўқимасининг температураси кўтарилиб, транспирация жараёни жадаллашади, ҳужайралар сувсизланиб, хлорофиллнинг активлиги сустлаша-




54-расм. Баргларнинг ёруғлиқка нисбатан мозаик жойлашиши:

a — ёронгул; *b* — тошёар; *c* — құнғироқгул; *d* — заранг.

ди. Натижада фотосинтез маҳсулотининг камайишига сабаб бўлади.

Температура. Фотосинтез жараёнининг ўтишида иссиқлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўсимликларнинг яшаш шароити ва турига кўра фотосинтез маълум жадалликда давом этиши учун талаб этиладиган оптималь температура турлича бўлади (55- расм).



55-расм. Фотосинтез жадаллигиннинг турли ўсимликларда ҳар хил бўлиши (график).

Қўёшдан келган ёруғлик энергиясининг кўп бўлишига қарамай, шу ёруғликнинг 2—5%, баъзан 10% нигина ўсимликлар ўзлаштирадилар. Масалан, картошка ёруғлик энергиясининг 2—4+ ини, зифир 3,6% ини, сабзи 0,85% ини ўзлаштиради.

Академик А. С. Фоминцин (1866) фотосинтез жараёни табиий ёруғикдан ташқари сунъий ёруғикда ҳам органик моддаларнинг синтезланишини кузатган. У керосин лампа ёруғлигига спирогира сувўтини парвариш қилган. Электр нурида фотосинтез содир бўлганлигини Р. Гарвей (1923) кузатган. Академик Н. А. Максимов ўсимликларнинг ёруғлик культурасини ривожлантириш йўлларини кўрсатиб берди. Ҳозирги вақтда электр лампалари воситасида иссиқхоналарда экинлар парвариш қилиниб, улардан мўл ҳосил олинмоқда. Бу усул, айниқса, Шимолий районларда сабзавот экинлари етиширишда қўлланилиб, шаҳар аҳолисига турли сабзавотлар етказиб берилмоқда. Люминесцент ва, айниқса, ксенон лампалар нури таъсирида бодринг, помидор каби ёргувечар ўсимликлар яхши ривожланади.

Кўпчилик ўсимликларда фотосинтез жараёнининг жадал

ўтиши учун оптимал температура 20—28°C оралиғида бўлиши керак. Шимолий денгизда ўсуви қўнғир ва тўқ қизил сувўтлари учун оптимал температура 7—8°C ҳисобланади. Температура оптимал нуқтадан кўпаядиган бўлса, фотосинтез жараёни сустлашиб, ўрнига нафас олиш жараёни жадаллашади.

Фотосинтезнинг нафас олишга бўлган нисбати компенсацион нуқта дейилиб, у қўйидагича ифодаланади:


$$\frac{\text{фотосинтез}}{\text{нафас олиш}} = \text{компенсацион нуқта}$$

Компенсацион нуқтанинг кўп ёки оз бўлиши фотосинтез жараёнида тўпланган маҳсулот миқдорини белгилайди. Компенсацион нуқтанинг бирдан катта бўлиши, фотосинтез жараёнида органик моддаларнинг кўп тўпланганлигини кўрсатади. Синтезланган моддаларнинг кўп қисми нафас олиш жараёнида сарфланса, компенсацион нуқта бирдан кам бўлади. Бу ҳодиса узоқ давом этса, ўсимлик нобуд бўлади.

Тажриба далиллари га кўра, температуранинг ҳар 10°C кўтарилиши билан фотосинтез жадаллиги ҳам 1—2 марта тезлашади. Бу, температура коэффициенти дейилиб, $Q_{10} = 1—2$ сонлари билан ифодаланади.

Фотосинтез жараёни учун температура коэффициенти 20—35°C оралиғида мусбат бўлади. Температура кўтарилиб нафас олиш жадаллашганда температура коэффициенти кескин камайиб, манфий сонга айланади. Бу, фотосинтез маҳсулотининг камайишига олиб келади. Холоса қилиб айтганда, 30—45°C гача фотосинтез жадаллиги Вант Гофф қондасига бўйсунади.

Ҳаво таркибида CO_2 миқдори 0,02—0,03% ни ташкил этади. Бу, ўсимликлар учун оптимал миқдор ҳисобланади (56- расм). Агар CO_2 миқдори 0,04—0,05% бўлса, кўпчилик ўсимликларда фотосинтез жараёни жадаллашади. CO_2 миқдорини кўпайтириш мақсадида экинзорларга маҳаллий ва минерал ўғитлар солинади. Бу, тупроқ структурасини яхшилабгина қолмай, балки микроорганизмлар фаолияти натижасида карбонат ангирид миқдорини ҳам кўпайтиради. Тупроқда органик моддалар миқдори қанча кўп бўлса,



56- расм. CO_2 нинг барг тўқимасига ўтиш йўли:

а — оқ стрелкалар газ ҳолатидаги CO_2 ви;
б — қора стрелкалар сувда эриган CO_2 ви кўрсатади.

карбонат ангидрид ҳам шунча кўп ажратилади. Масалан, чириндики кам бўлган 1 га майдондаги тупроқдан бир соатда 2 кг CO_2 ажралса, чириндига бой тупроқдан ажралган карбонат ангидрид миқдори 10—25 кг га етади.

Ўсимлик қолдиқларининг парчаланиши натижасида ажралган CO_2 миқдори
(Н. И. Базилевич ва Л. Е. Родин, 1971).
Тахминий ўртача далиллар

26- жадвал

Зоналарни тупроқ турлари	1 соатда 1 га ердан ажралган CO_2	1 кечакундузда 1 га ердан ажралган CO_2 , кг	Иил давомида га/т
Тундра	1,5	36	0,4
Ўрмон	3,3	79	2,0—2,5
Ўрмон-дашт	4,5	108	4,0
Дашт	2,0	48	2,5
Чўл	0,4	17	11—12
Нам ўрмон (субтропик)	9,0	216	11—12

Экинларга карбонат ангидридни сув билан бериш мумкинлигини Константинов тавсия этган. Масалан, лавлагини карбонат ангидридга бой сув билан суғорилганда, 1 га дан олинган ҳосил 68,5 ц га ортган. Лавлаги таркибидаги шакар миқдори 1,03% га кўпайган.

Фотосинтез жараёнининг жадаллигига минерал элементларининг таъсирини Л. А. Иванов ва И. Л. Коссовичлар текшириб, минерал элементлар билан тўлиқ таъминланган эман дарахти баргларида контролдагига нисбатан фотосинтез жадаллиги 2,5 марта кўп бўлган.

Фотосинтез жараёнида оксидланиш-қайтарилиш реакциялари ўз вақтида ве изчиллик билан давом этиши учун барг тўқимаси, айниқса, мезофилл ҳужайралар сув билан етарли таъминланган бўлиши зарур. Мезофилл ҳужайраларда сув этишмай қолса, гидролиз жараёни кучаяди. Натижада органик моддалар кам тўпланади.

27- жадвал

Барг ҳужайраларининг ҳолати	100 см ² барг юзасидан 1 соатда ҳосил бўлган қуруқ модда миқдори, мг
Тургор ҳолати	16,1
Тургор ҳолатини бир оз йўқотган	12,5
Бир оз сўлиган	8,5
Кучли сўлиган	5,3
Сўлиб, осилиб қолган	1,6

Барг тўқимасининг сувга тўйинган ёки тўйинмаган бўлиши ҳам ўсимликни CO_2 билан таъминланишини ва шу билан бирга фотосинтез жадаллигини белгилайди. Жумладан, барг тўқима-

си ҳаддан ташқари сувга түйинса, барг оғизчалари гидропассив реакцияга биноан ёпилади. Транспирация кўпайганда эса барг оғизчалари гидроактив реакцияга мувофиқ ёпилади. Кўрсатиб ўтилган мисоллар CO_2 нинг ҳужайрага ўтишига тўсқинлик қилганлигидан фотосинтез сустлашиб, тўхтаб қолиши ҳам мумкин.


Фотосинтез жадаллигига таъсир этадиган иччи омилларниң бири — баргнинг ёши, сўнгра барг оғизчаларининг очиқ ёки ёпиқ бўлиши, хлорофилл миқдори ва ассимилятларнинг ҳаракатланиб ва ўзгариб туриши ҳам муҳим ўринни эгаллади.

Барг ўсиши билан фотосинтез жадаллиги маълум бир давргача ортиб боради. Барг қариши туфайли фотосинтез жадаллиги камая бошлайди. Масалан, кўпчилик бир йиллик ўсимликларда фотосинтез жадаллиги шоналаш ва гуллаш даврларигача ортиб борса, гуллашдан кейин сустлашади.

Фотосинтез ва моддалар алмашиниш жараёнларида ҳосил бўлган маҳсулотлар ассимилятлар дейилади. Синтезланган оддий углеводларнинг бир қисми нафас олишда сарфланади, қолган қисми эса бирламчи крахмал ва бошқа бирикмалар ҳосил қилиб, фотосинтезнинг давом этишини таъминлади. Синтезланган органик моддалар бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгариб, ўсимлик органлари бўйлаб ҳаракатланади. Натижада фотосинтез жадаллиги кескин ортади. Аксинча, синтезланган органик моддалар ўзгармаса, ўсимлик органлари бўйлаб ҳаракатланмаса, фотосинтез жадаллиги кескин пасаяди.

Фотосинтезга таъсир кўрсатган бу ички фактор ҳақида акад. А. Л. Курсановнинг ишлари диққатга сазовордир. Масалан, олма ва нўхатнинг етилмаган яшил меваларида озиқ моддалар баргдан келиб тўпландиганлиги туфайли мева тўқималарида фотосинтез жадаллиги жуда паст даражада бўлган (57-расм). Озиқ моддаларнинг меваларга етиб келиши, (мева банд пўстини ҳалقا шаклида кесиб) тўхтатиб қўйилганда, уларда фотосинтез жадаллиги барглардагига нисбатан кучайиб кетган.

Баргдаги хлорофилл миқдорининг ортиши билан фотосинтез жадаллиги кучайганлиги кўзатилади. Бироқ, ўзлаштирилган CO_2 миқдорини, хлорофилл миқдорига бўлган нисбати (ассимиляционсон) тескари пропорционал эканлигини В. И. Любименко, Р. Вильштеттер ва А. Штоль ўз тажрибаларида кузатганлар.



57-расм. Олма баргидан синтезланган маҳсулот оқиб туришининг фотосинтез жадаллигига таъсирин:

1 — новдадаги баргдан фотосинтез маҳсулотининг бошқа ерга оқиб туриши олдини олиш учун барг жойлашган новда пўстини унинг юкориоригидан ва барг банди остидан ҳалقا қилиб кесиб олинганди; 2 — ҳалقا қилиб кесилмаган новдада қолдирилган баргдаги фотосинтез жадаллиги (А.Л. Курсанов).

Бошқача айтганда, хлорофилл миқдори кўп бўлган ўсимлик баргларида CO_2 камроқ ўзлаштирилса, хлорофилл миқдори кам бўлганларида CO_2 кўпроқ ўзлаштирилади. Яъни:

$$\frac{\text{ўзлаштирилган } \text{CO}_2 \text{ миқдори}}{\text{хлорофилл миқдори}} = \text{ассимиляцион сон}$$

Буларни қўйида келтирилган жадвал далилларидан ҳам кўриш мумкин.

Хлорофилл миқдори ҳисобига фотосинтез жадаллиги (В. Н. Любименко тажрибасидан)

28- жадвал


Ўсимлик номи	Баргнинг ёши	Ҳўл масса ҳисобига хлорофилл миқдори	100 г хлорофилл ҳисобига ўзлаштирилган CO_2 , мг	Ассимиляцион сони
Пихта	жуда ёш барглари 2 йиллик барглари	8,0 33,3	27,3 17,1	3,4 0,5
Арча (ель)	ёш барглари 2 йиллик барглари	11,9 32,5	43,6 22,4	3,6 0,68

Фотосинтез жараёни доимо ўзгарувчан ташқи омилларнинг мураккаб бирлиги таъсирида ўтганлиги туфайли, бу омиллардан бирортаси етишмаса, фотосинтез жадаллиги максимумга ета олмайди. Шунга асосланиб Ф. Ф. Блекман «чегараловчи омиллар» қонунини тавсия қилди. Унинг фикрича, ташқи омиллардан бирортаси етишмаси, ўсимликда фотосинтез жараёни тўхтайди. Фотосинтезни «чегараловчи омил» ўрнига қолган омиллардан бирортаси (CO_2 , ёруғлик ёки сув); кўп берилганда ҳам фотосинтез жадаллиги сустлашганлиги-ча қола беради.


Бошқа олимларнинг фикрларига асосан, минимум ҳолатдаги омил фотосинтез жараёнини бутунлай бўғиб қўймасдан, балки бир оз сустлаштиради. Агар минимум ҳолатдаги омил ўрнига бошқа омилларнинг таъсири кучайтирилса, у ҳолда фотосинтез жадаллиги активлашади. Масалан, ёруғлик омили билан CO_2 миқдори ўртасидаги муносабатни олиб кўрайлик (58-расм).

Карбонат ангидрид миқдорини ўзгартирмай, ёруғлик кучи кўпайтирилса, фотосинтез жараёни бир текис ўтади. Муҳитда карбонат ангидрид миқдори кўпайтирилса, фотосинтез жадаллаги ошади (графикка қаранг, 59-расм).

Кўриб ўтилган минимум ҳолатдаги омил бу жараёни сикиб қўймаганлигини тасдиқлайти. Ўсимликнинг яшаш ша-



58-расм. Қарағай барғидаги фотосинтез жадаллигининг CO_2 миқдорига бөллигі.



59-расм. Карбонат ангидрид миқдори билан өруғлик күчи нисбатага күра фотосинтез жадаллигининг ўзгариши.

роитига қараб Шимолий вилоятларда температура, дашт ва чүлларда сув, ўрмон зоналарида ёки зич жойлашган экинларда өруғлик минимум даражада бўлса ҳам фотосинтез жараёни давом этади.

Немис агрономи Вольнинг тажриба далилларига кўра, бир омилни кучайтириш билан, чегараловчи омил таъсирини қандайдир даражада камайтириб, фотосинтез жадаллигини кучайтириш мумкинлиги жадвалда келтирилган.

29-жадвал


Еруғлик вури- нинг қуввати	Ўғитланмаган тупроқда, намлик даражаси, % ҳисоб ида			Ўғитланган тупроқда, намлик даражаси, 60%
	20	40	60	
Кам	100	218	236	
Ўртача	108	291	311	257
Кучли	125	319	458	397
				663

Эслатма: жадвалда жавдарда тўпланган яшил массани назорат тариқасида, фоиз ҳисобида олинган.

Фотосинтез жараёнини текшириш усуллари

Фотосинтезнинг қанчалик жадал борганлигини аниқлашда ёки бу жараёнда бўшаб чиқсан кислород миқдори ёки органик моддаларни ҳосил қилишда ўзлаштирилган карбонат ангидриднинг миқдори ҳисобга олинади.

Бундан ташқари, фотосинтезда ўзлаштирилган карбонат ангидрид ҳисобига синтезланган органик модда миқдорини аниқлаш ўйли билан ҳам фотосинтез жадаллиги қандай даражада ўтганлиги аниқланади.



60-расм. Фотосинтез жадаллигини аниқлашда ишлатиладиган асбоблар:
а — эвдиометр; б — ҳавони сўрадиган.

Энг осони ва мактаб шароитида қўллашга қулай усуллардан бири, ярим барглар ёхуд муаллиф томонидан ўзгартирилган доиралар методидан фойдаланиш анча яхши натижалар беради. Кўрсатилган методлардан доиралар усули амаллий машғулотлар қўлланмасида батафсил баён этилган.

Фотосинтез жадаллиги эвдиометр асбобида аниқланади (60-расм, а). Бу усулни К. А. Тимирязев кенг қўллаган.

Фотосинтез жараёнида ўзлаштирилган CO_2 миқдори ҳавони сўриш усули билан аниқланади (60-расм, б).

Бўшаб чиққан кислородни сув ўсимликларида аниқлаш учун Г. Дютрошенинг пуфакчаларни санаш тажрибасидан фойдаланиш мумкин.

Ҳосил бўлган қуруқ моддани аниқлашда тубанда келтирилган формуладан фойдаланилади:


$$M = \frac{m_1 - m_0}{\frac{1}{2}(P + P_1)} \cdot T = (\text{г}/\text{м}^2 \text{ кеча-кундуз});$$

Бунда: M — фотосинтез маҳсулдорлиги; m_0 — тажриба бошидаги ўсимлик барг тўқимасининг қуруқ модда массаси; m_1 — тажриба охиридаги ўсимлик барг тўқимасининг қуруқ модда массаси; P — тажриба бошида ва P_1 — тажриба охирида олинган барг юзаси; T — тажриба давомийлигини ифодалайди (кеча-кундуз ҳисобида).

Фотосинтез жараёни мавсум ва кеча-кундуз давомида ўзгариб туради. Ташқи омиллар оптималь даражада бўлганда фотосинтез жараёни қуёш чиқиши билан бошланиб, қуёш ботганда тўхтайди. Ёруғлик билан тўлиқ таъминланган ўсимликларда фотосинтез жараёни тинмасдан 24 соат давом этиши мумкин. Шуни назарда тутиб, кўп ерларда ўсимликларни сунъий ёруғликда парвариш қилиб, улардан мўл ва сифатли ҳосил олинмоқда. Бу усул ёруғлик культураси деб аталади.

Фотосинтез жадаллиги эрталаб қуёш чиқиши билан кучли бўлиб, тушда секинлашади ва қуёш ботгач, бутунлай тўхтайди.


Иссиқ иқлимли шароитда фотосинтез кун чиқиши билан бошланиб, соат 9—11 ларда максимум нуқтага етади, сўнгра секинлашади, қуёш ботишидан олдин яна кучаяди. Фўзада фотосинтез жадаллигининг кун давомида ва ривожланиш фазаларида ўзгаришини жадвал маълумотларидан ва графиклардан кўриш мумкин (61-расм, А, Б, В), (Ю. С. Носиров, 1956).




61-расм. Фўзанинг кун давомидаги ва айрим ривожланиши фазаларидаги фотосинтез жадаллиги:

А — гуллаш фазасида; Б — кўсак туғиши фазасида; В — кўсак етилиш олдидан;

1 — фотосинтез жадаллиги; 2 — ёруғлик кучи (1-10000 люкс ҳисобида) 3 — температура (1-5° С га тенг деб олинган).



Б



Ойлар	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь
Температура	24 — 29	29 — 33	29 — 32	30	28 — 29
Фотосинтез жадаллиги, мг CO_2 , дм 2 соат	17 — 25	14 — 18	11 — 12	11 — 12	5 — 7

Фотосинтез ва ҳосил

Фотосинтез жараёнининг кучли ёки кучсиз бўлиши олинадиган ҳосил миқдорини ва сифатини белгилайди. Экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олиш мақсадида ерга тушган ёруғликдан тўлиқ фойдаланиш йўлларини топиш керак. Бунинг учун экин қаторлари шимолдан жанубга қараб йўналган бўлиши ёки квадрат усулда экилиши керак.

Карбонат ангидрид миқдорини кўпайтириш фотосинтез жадаллигини ва экинларнинг ҳосилдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Бунинг учун экин майдонларига минерал ва маҳаллий ўғитлар солиш зарур.

Кўрсатилган агротехника тадбирларининг йиғиндиси ўсимликнинг нормал ривожланишини таъминлаб, ассимиляцияловчи органлар сатҳининг кўпайишига олиб келади.

А. А. Ничипорович маълумотларига кўра, буғдойдан нормал ҳосил олиш учун 1 га майдондаги умумий барг сатҳи 20—30 000 м 2 га, бошқа экинларники эса 30—40 000 м 2 га тўғри келиши керак. Юқори ҳосил олиш учун 1 м 2 барг сатҳи кун давомида 8—10 г қуруқ модда тўплаши керак. Шундагина 1 га ердан ўртача 40—50 ц буғдой, 70—80 ц маккажўхори ҳамда 450—1000 ц кўк масса ҳосили олиш мумкин.

Бир ҳужайрали диатом ва кўк-яшил сувўтлар юксак ўсимликларга нисбатан қуёш нуридан тўлароқ фойдаланиш қобилиятига эга. Жумладан, хлорелла қуёшдан тушган энергиянинг 24% ини фотосинтез учун фойдаланганлиги туфайли, тўплangan органик модда миқдори анча сезиларли бўлади. Хлорелла кун бўйи 1 м 2 барг сатҳи ҳисобида 70 г қуруқ модда тўплайди. Бошқача айтганда, кун давомида 1 га сув юзасидаги хлорелла 700 кг қуруқ модда тўплайди.

Тўплangan қуруқ модда оқсил, аскарбин кислота, ёғ ва бошқа органик бирикмалардан иборат. Айни вақтда, хлорелла ҳайвон ва паррандаларни озиқлантиришда қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда.

Фотосинтез жадаллиги билан тўплangan қуруқ модда ўртасида зич муносабатни текширган Л. А. Иванов биологик ҳосилни аниқлаш учун тубандаги tenglamani тавсия этади:

$$M = AST - BS_1 T_1, \text{ бунда:}$$

M — ўсимликларда тўпланган қуруқ модда миқдори; A — фотосинтез жадаллиги; S — барглар сатҳи; T — кунлар сони; B — нафас олиш жадаллиги; S₁ — барглар сатҳи ва T₁ — кунлар сонини ифодалайди. Бошқача айтганда, AST кўпайтмалари фотосинтез жараёнида тўпланган қуруқ модда миқдори ва BS₁T₁ кўпайтмалари нафас олишда сарфланган қуруқ модда миқдорини белгилайди. Шу сонларнинг айрмаси фотосинтезда ҳосил бўлган фойдали маҳсулотни кўрсатади.

Қуруқ модданинг кўплаб тўпланиши учун компенсацион нуқта, яъни $\frac{AST}{BS_1T_1}$ га бўлган нисбати бир неча марта (10) зиёд бўлиши зарур.

Тубанда келтирилган А. А. Ничипорович тенгламаси асосида 1 кечакундузда тўпланган қуруқ модда миқдори қўйидагича аниқланади:

$$C = \frac{\Phi_{CO_2} K_{\phi} L}{1000} \text{ га/кг, бунда:}$$

C — 1 кечакундузда тўпланган биологик ҳосил; Φ_{CO_2} — 1 кечакундузда 1m² барг ҳисобига ўзлаштирилган CO₂ миқдори (г ҳисобида); K_φ — ўзлаштирилган CO₂ миқдорини қуруқ модда ҳисобига айлантириш коэффициентини ифодалайди.

Тажриба далилларига кўра 1 кг ўзлаштирилган CO₂ ҳисобига 0,64 г қуруқ модда (глюкоза)га тўғри келади. Бироқ тўпланган органик модданинг бир қисми нафас олиш жараёнида (5—10%), иккинчи қисми ўсимликдан тўкилган барг, гул (10% чамасида), учинчиси илдизлари томонидан қабул қилинган моддалар (5—6%) ва тўртинчиси ўсимлик тўқималаридан оқиб чиқан эрувчи моддалар ҳисобига ажратилса, K_φ 0,64 га тенг бўлмасдан, тахминан унинг қиймати 0,5 гача камаяди.

Кўриб ўтилганларни ҳисобга олганда, хўжалик учун тўпланган қуруқ модда миқдори ўсимлик турига кўра ҳар хил бўлади. Жумладан, лавлагидан олинадиган хўжалик маҳсулоти 50% ни ташкил этса, ғўзадан олинадиган хўжалик маҳсулоти (тола ҳисобида) 1% дан ошмайди.

Тенгламадаги L—1 га даги ўсимликлар баргининг умумий сатҳини ифодалайди. 1 га ердан олинган грамм ҳисобидаги маҳсулотни килограммга айлантириш мақсадида, олинган ракамлар тенгламадагидай 1000 га бўлиниади.

Қишлоқ хўжалик ходимларининг иш жараёнидаги фойдали маҳсулот миқдорини аниқлаш қўйидаги тенглама асосида бажарилади:

$$X_{xoc} = B_{xoc} - Y, \text{ бунда:}$$

X_{xoc} — хўжалик ҳосилини; B_{xoc} — биологик ҳосилни ва Y — вегетация давомида йўқотилган қуруқ модда миқдорини ифодалайди.

IV б о б. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ТУПРОҚДАН ОЗИҚЛАНИШИ

(минерал элементларнинг ўзлаштирилиши)

Ўсимликлар учун минерал элементларнинг аҳамияти

Ўсимликлардан сифатли ва мўл ҳосил олиш учун уларга маҳаллий ва минерал (элементларни) ўғитларни ўз вақтида солиб туриш муҳим агротехник табдирлардан бири ҳисобланади.


Ўсимликларни озиқлантириш қадим замонлардан қўлланиб келинган. Масалан, Американинг маҳаллий аҳолиси —aborигенлар маккажўхори донларини балиқ қолдиқлари билан қўшиб экканлар. Ўша даврда Европа ва Осиё аҳолиси ҳам экин майдонларининг унумдорлигини ошириш мақсадида гўнг, туйилган суюқ, ўчиқдан чиққан кул ва бошқа хўжаликдаги ташландиқ моддалардан фойдаланганлар. Қадимги римликлар эса экинларни алмашлаб экишга эътибор берганлар. Улар ўғит сифатида Везувий вулқонидан чиққан кулни, тупроқ муҳитини нейтраллаш мақсадида тупроқнинг турига қараб оҳак, гипс ва бошқа моддаларни ишлатганлар.

Ўша даврларда фан ва техниканинг, айниқса, химия фанинг тубан босқичда бўлганлиги туфайли, ўғитлаш усулларининг илмий асослари ишлаб чиқилмаган эди. Ҳаттоқи, ўша даврнинг атоқли файласуфларидан Аристотель ўсимликлар тупроқдаги ўзлаштириш мумкин бўлган моддалар билан озиқланади, деган фикрда бўлган.

Б. Палиси (1563) ўсимликларга ўсимлик кули таркибидағи моддаларни қайтадан етказиб бериш зарурлигини айтади. Ўсимликлар минерал элементлар билан таъминланганда, уларнинг нормал ривожланишини Т. Соссюр ўз тажрибаларида кузатган. Ўсимликларни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш зарурлиги рус олимлари А. Т. Болотов (1770) ва И. И. Комов (1788) асарларида баён этилган.

Бироқ, немис агрономи А. Тэйер (1800) ўсимликларни фақат чириндилар билан озиқлантириш керак, деган «гумус» назариясини қувватлаб чиққан. Унинг фикрича, минерал элементлар гумус — чиринди ҳосил бўлишини фаоллаштиради.

Немис олими Ю. Либих (1840) Тэйернинг гумус назариясини тақиқид қилиб, Б. Палисининг айтган фикрларини қувватлайди. Бошқача айтганда, у ўсимликларни минерал моддалар билангина озиқлантириш керак, деган фикрга келади. Шу билан Ю. Либих, «қайтариш» қонунини, яъни ўсимлик қолдиқларини ёндириб, уларни экин майдонларига солишини тавсия этади. Унинг фикрича, гўнг тоғ жинсларининг эмирилишида ва ер юзасига карбонат анgidрид чиқариб туришдагина иштирок этади. Ўсимликлар учун ҳаво таркибидағи азотли мод-



62-расм. Элементлар билан тұла таъминланған ва айрим элементлар құшилмаган еритмаларда парварыш қилянған тамаки үсімлигі:

1 — азотсиз; 2 — фосфорсиз; 3 — калийсиз; 4 — кальцийсиз; 5 — магнийсиз; 7 — борсиз; 8—олтингүргүртсиз; 9 — марганецсиз; 10 — темирсиз ва 6 — зәрур элементлар билан тұла таъминланғанда.

далардан NH_3 етарлы деб ҳисоблайди. Бироқ, үсімликлар үзлаштира оладиган азотли бирикmalар ҳаво таркибида жуда кам эканлиги аниқланды. Сүнgra үсімликларни минерал элементлар, билан озиқлантириш борасида илмий изланишлар олиб бориши давом эттирилди.

Ю. Либих сүяк унини сульфат кислота билан ишлаб, фосфорли үғит тайёрлашни тавсия этғач, суперфосфат саноатига асos солинди. Кейинчалик, табиий фосфоритлар ҳисобига суперфосфат тайёрлаш усулини инглиз олимі Лооз (1843) ишлаб чиққан. Бу даврда минерал элементларнинг үсімлик ҳаётида мұхим ақамиятга эга эканлиги аниқланған бўлса-да, аммо үсімликлар учун зарур бўлган элементлар тури белгиланмаган эди.

Шу масалани ҳал этишда немис олимлари И. А. Кноп ва Ю. Сакс (1859) үсімликларни маълум нисбатда минерал элементлари бўлган еритмада парвариш қилдилар. Тажрибага кўра, үсімликларнинг нормал үсиши ва ривожланишини таъминлаш учун K, Ca, Mg, Fe, S, P ва N элементлари зарур эканлиги аниқланды (62-расм). Бундан ташқари, үсімликлар учун Cu, Zn, Mn, Mo, Co микроэлементлари жуда оз миқдорда зарур эканлиги яқин йилларда аниқланды ва ҳоказо.

Үсімликлар кулининг химиявий таркиби

Агар құритилған бирор үсімлик күйдирилса, унинг тузилишида иштирок этган углерод, кислород, водород ва азот элементлари ҳавога ажralиб чиқади. Қуруқ модда таркибидаги

элементларнинг ҳаммасини 100% деб олсак, шунинг 80—95% и органоген деб аталган С, О, Н ва N элементларига, қолган 20—5% и кулга тўғри келади.

Ўсимликларнинг турига, ўсан ернига қараб, таркибидаги кул миқдори ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, картошка барги таркибидаги 5,2—12,9% ни, сабзи баргидаги 8,4—17,8% ни ва лавлаги баргидаги 14,1—21,0% ни ташкил этади.

Битта ўсимликнинг ўзида ҳам, унинг турли органларида ҳам кул миқдори ҳар хил бўлишини тубандаги жадвалдан кўриш мумкин.

Қуруқ модда таркибидаги кул элементлари

30- жадвал

Ўт ўсимликлар		Дараҳтлар	
органлари	кул. %	органлари	кул. %
Ўруғи	3	Ёғочланган қисми	1
Пояси	4	Пояси	3
Илдини	5	Пўстлоғи	7
Барглари	15	Барглари	11

Кул таркибидаги табиатда учрайдиган элементларнинг барчasi бўлиши мумкин. Масалан, ғўза кулида асосий элементлардан ташқари, қалай барий, мис ва ҳатто, рубидий элементлари ҳам борлиги тубандаги жадвалдан маълум (С. А. Кудрин маълумоти).

31- жадвал

Элементлар	% ҳисобида	Элементлар	% ҳисобида
Кислород	45,00	Олтингугурт	0,200
Углерод	43,00	Хлор	0,050
Водород	6,30	Темир	0,030
Азот	1,40	Марганец	0,005
Калий	1,50	Қалай	0,004
Кальций	1,00	Бор	0,003
Кремний	0,50	Рух	0,003
Алюминий	0,35	Титан	0,001
Магний	0,30	Барий	0,003
Фосфор	0,30	Мис	0,001
Натрий	0,20	Рубидий	0,0005

Баъзи ўсимликлар айrim элементларни тўплаш хусусиятига эга. Масалан, астрагаллар турига кирадиган ўсимликларнинг кўпчилиги, селен, гунафши, оққалдирмоқ ўсимликлари руҳ элементини тўплаш хусусиятига эга эканлиги аниқланган.

Кул таркибида учрайдиган элементларнинг ҳаммаси ҳам ўсимликлар учун зарур эмас. Олтин, селен, литий каби элементлар пассив равишда қабул қилиниб тўпланиши мумкин. Масалан, маккажӯхори, қирқбўғин ўсимликлари олтин, оқ қайин кумуш, ғалладошлар стронций, қўзиқорин селен, даурская лиственница литий, гуинафша ва оққалдирмоқ рух элементини тўплаш хусусиятига эга.

Ўсимликлар учун зарур бўлган элементларни аниқлашда, сув, қум ва тупроқ культураси ишлатилади.

Макро- ва микроэлементлар. Уларнинг аҳамияти

Ўсимликлар илдизлари орқали қабул қилинган элементлар фақат пассив тўпланиб қолмай, балки ҳар қайсиси ўсимликка ўзига хос таъсир этиб, умумий моддалар алмашинуви жараёнларини тубдан ўзгартириши мумкин. Тирик мавжудотларнинг ҳаёт жараёни давомида ҳар қайси элемент ўзига хос функцияни бажаради.

Ўсимликларнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун қўйида таърифланадиган бир нечта макро- ва микроэлементлар бўлиши зарур. Шу элементларнинг бирортаси етишмаса, ўсимликлар нормал ривожланмайди.

Ўсимликлар ва бошқа тирик мавжудотлар тўқималарида учрайдиган элементларнинг кўп-озлигига қараб А. П. Виноградов (1932) уларни учта гуруҳга бўлганлиги тубандаги жадвалда фоиз ҳисобида келтирилган.

32. жадвал

Гуруҳлар	Миқдори	Элементлар
Макроэлементлар	10^1 $10^0 - 10^{-1}$ $10^{-1} - 10^0$ $10^{-2} - 10^{-1}$	O, H C, N, Ca S, P, K, Si Mg, Fe, Na, Cl, Al
Микроэлементлар	$10^{-3} - 10^{-2}$ $10^{-4} - 10^{-3}$ $10^{-5} - 10^{-4}$	Zn, Br, Mn, Cu, Mo I, As, B, Fe, Rb, Ti Cr, Ni, Si, Ag, Co, Bi, Th
Ультраэлементлар	$10^{-6} - 10^{-5}$ $10^{-11} - 10^{-6}$ $10^{-12} - 10^{-11}$	Au, Rb Hg Ra, Em

Макроэлементлар. Фосфор (P) жадал оксидланувчи бўлганлиги туфайли табиатда эркин ҳолда учрамайди. Табиий фосфоритлар таркибидаги фосфор миқдори 5—35% гача етади. Фосфоритлар Қозоғистон, Санкт-Петербург, Москва ва Калуга вилоятларида, Американинг Флорида штатида, Жазоир, Тунисда ва бошқа мамлакатларда кўп тарқалган.

Фторапатит 2 Ca₅(PO₄)₃F, хлорапатит 2 Ca₅(PO₄)₃ Cl деб аталаидиган фосфоритлар фосфорли ўғит ишлаб чиқаришда асосий хомашё ҳисобланади. Илдизидан органик кислота ажратувчи ўсимликлар (гречиха, люпин) фосфорит таркибидаги фосфорни ўзлаштирганлиги Д. И. Прянишников ва П. С. Коссович тажрибаларида тасдиқланган. Е. И. Ратнер ва О. Я. Самойлова (1958), Менгдел ва Вейсфольг (1953) тажрибаларидан маълум бўлишича, глицерофосфат ва глюкозафосфат каби органик бирикмалар ўсимликлар илдизидан ажралиб чиқадиган фосфатаза ферменти таъсирида парчаланади. Бунда ажралган фосфорни ўсимликлар яхши ўзлаштиради.


Ортофосфат кислота (H₃PO₄)нинг ўсимликлар қабул қилган қолдиғи — PO₄ аниони ўз шаклини ўзгартирмай, фосфорли органик ва анорганик бирикмалар ҳосил бўлишида иштирок этади. Органик моддага фосфат кислота қолдиғи қўшилиши фосфорланиш деб аталади. Фосфорланган органик бирикма ўзидағи фосфат кислота қолдиғини фосфор сақламаган органик бирикмага ўтказганда, янги фосфор-органик бирикма ҳосил бўлади. Фосфор-органик бирикмаларнинг узлуксиз равишда янгидан ҳосил бўлиб туриши моддалар алмашинуви жараёнларининг актив давом этишини таъминлайди.

Айрим фосфор-органик бирикмаларга бир ёки икки молекула фосфат кислота қолдиғи қўшилишидан макроэргик (~) боғли бирикмалар ҳосил бўлади. Масалан, аденоzinидифосфат (АДФ) молекуласи иккита, аденоzinтрифосфат (АТФ) молекуласи учта фосфат кислота қолдиғи қўшилишидан ҳосил бўлган. АДФ да битта, АТФ да иккита макроэргик боғ бўлади. АДФ ва АТФ молекулалари моддалар алмашинуви жараённида муҳим ўрин эгаллайди, яъни энергияни тўплаш ва бўшатиш функциясини бажаради.

Тирик организмларда PO₄ аниони, аденин асоси билангина боғланмасдан, цитозин (Ц), тимин (Т), гуанин (Г) ва урапцил (У) асослари билан бирикканлигидан, бу асослар ҳам энергияга бой диганда ва трифосфат формаларида синтезланади. Шулардан ГТФ энергияси оқсилларни, ЦТФ энергияси ёғсизмон лиpidларни ва УТФ углеводларнинг синтезланишида сарфланади. Юқорида кўрсатиб ўтилган энергияга бой бирикмалар АТФ энергияси ҳисобига синтезланади.

Булардан ташқари, фосфор элементи нафас олиш ва фотосинтез жараёнларида оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини жадаллаштирадиган ферментлар (НАДФ·Н₂ ва ДНК, РНК каби нуклеин кислоталар таркибида бўлиши у нақадар муҳим физиологик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Цитоплазма таркибидаги лецитин мураккаб оқсиллар гуруҳига кириб, ўз таркибида фосфор элементини сақлаган муҳим бирикмадир.

Органик бирикмалар фосфат кислота қолдиғи билан қўшилгандагина актив ҳолатга ўтиб, биохимиявий реакцияларда иштирок этади (63-расм).



63-расм. Фосфорнинг табнатда айланыш схемаси (Г. Д. Мустақимов, 1978).


Фосфат кислота тузлари (Na_2HPO_4 , K_2HPO_4 , KH_2PO_4 да башқалар) ұжайра шираси таркибидаги водород ионлари концентрациясини тартибга соли shadeda буферлик вазифасини ба жаради. Фосфорнинг Са да Mg ли тузлари 6 атомли спирт-инозит билан бирикіб, фитин номлы фосфор-органик бирикмеге айланади. Бу бирикма зақира модда сифатида зигир, соя, кунгабоқар да ғұза каби үсімліклар уруғида түпланади. Фитин одам да ҳайвонлар учун асосий фосфор манбасы ҳисобланади.

Фосфор етишмаса, маккажүхори барглари четида қора-қизил, тамаки барглари юзасыда құнғир доғлар ҳосил бўлади. Үсімлікларнинг пояси да барглари үсишдан тўхтайди, уруғи тўла етилмай қолади.

Олтингүзүрт (S) сульфат кислота қолдиги сифатида, үсімліклар калий, магний да кальций тузлари таркибидан қабул қилинади.


Үсімліклар SO_4^{2-} аниони шаклида қабул қилган олтингүзүрт барглар ұжайрасыда мураккаб үзгаришларга учраб, сульфидрил (SH) да дисульфид (S—S) гурӯхларгача қай-

тарилади. Бу гурӯҳлар фотосинтез жараёнида углеводлар ва аммиак билан реакцияга киришиб, цистеин ($\text{HSCH}_2\text{CNSH}_2$, COOH),



молекулаталарини ҳосил қилишда иштирок этади.

Үзидә SH гурӯҳи сақлаган трипептид-глютатион



нафас олиш жараёнида оксидланиш-қайтарилиш реакциялары да қатнашади.

Үсимликлар организмидаги оқсиллар парчаланганда таркибидаги сульфидрил ва дисульфид гурӯҳлар SO_4 гача оксидланади. Ҳосил бўлган SO_4 аниони флоэма найлари бўйлаб ҳаракатланиб, қайтадан янги аминокислота ва кейинчалик оқсилнинг синтезланишида иштирок этади.


Үсимликлар хужайрасидаги SO_4 аниони гипс (CaSO_4) друзлари ҳосил бўлишида иштирок этади. Органик моддалар таркибида олtingугурт элементи анион (SO_4) шаклидагига нисбатан кўп бўлиши қўйидаги жадвалдан кўриниб туриди (Петерсон маълумоти).

33- жадвал

Үсимликлар	1 кг қуруқ модда таркибидаги олtingугурт	
	жами	сульфатлар таркибидаги
Карам	8,18	1,95
Беда (пичани)	3,61	1,79
Рапс	4,22	0,51

Үсимликларнинг ёш тўқимасида олtingугуртнинг кўп қисми асосан оқсил бирималар таркибида, қари тўқималарда эса сульфат тузлари таркибида бўлишини Мотес аниқлаган.

Нобуд бўлган үсимликлар тўқимасидаги оқсиллар парчаланганда муҳитда заҳарли модда — водород сульфид (H_2S)



64-расм. Олтингүргүртнинг табиатда айланиш схемаси.

түппланади. Тупроқда яшовчи олтингүргүрт бактериялари уни сульфат кислотагача оксидлаб, зарарсизлантиради. Сульфат кислота тупроқдаги катионларни биректириб олиб, сульфат тузларигача ўзгаради. Сульфат кислота қолдигини ўсимликлар қайтадан ўзлаштириб, оқсил ҳосил бўлишида иштирок этади. Табиатда олтингүргүртнинг айланиши схема шаклида кўрсатилган (64-расм).

Олтингүргүрт оқсил молекулаларидан ташқари, хантал, саримсоқ, ниёз мойлари ва В₁ витамини таркибида ҳам учрайди. Олтингүргүрт етишмаса, ўсимликлар ўсишдан тўхтаб, барглари оқара бошлайди.

Кўп ўсимликлар ўсиши ва ривожланиши учун хлор (Cl) талаб қилинмаса-да, микроэлементлар қаторида уни ишлатиш мумкин. Масалан, қанд лавлаги ва гречиха каби ўсимликлар хлор бўлган ерларда яхшироқ ривожланади.

Хлор ионлари NaCl тузи шаклида галофитларда кўп тўпланиб, улар илдиз ҳужайраларининг осмотик босимини орттиради.

Йод ва бром (J ва Br) ҳам микроэлементлар қаторига киради, улар баъзи дентиз сувўтлари таркибида кўп миқдорда тўпланди.

Фалла ўсимликлари, қирқбўғим ва диатом сувўтлари қалқонида кремний (Si) кўп тўпланиши уларнинг ўзига хос хусусиятига боғлиқ.

Ўсимликларнинг нормал ривожланиши учун қўйидаги элементлар ҳам зарур ҳисобланади:

Калий — KCl, K₂CO₃ ва K₂HPO₄ тузлари шаклида ўсимликлар тўқимасида сақланади. Калий қанд лавлагининг ил-

дизида, картошка тугунагида, яъни крахмалли уруғларда кўп миқдорда учрайди.

Қалийнинг кўп қисми эркин ҳаракатланса, қолган қисми оқсиллар билан вақтинча боғланган ҳолда учрайди. Қалий ўсимликларнинг ёш органларида кўп, қариларида эса камроқ бўлади. У қари тўқималардан ёшларига ўтиб, қайтадан биохимиявий ва физиологик жараёнларда қатнашади. Қалий оқсил ва углеводлар синтезланишида иштирок этади. Амилаза ва сахараза ферментлари фаолиятини жадаллаштиради. Рибосомаларда оқсилни синтезлаш ва гидролизлаш жараёнларида қатнашадиган пируваткиназа ферменти активлигини кучайтиради. Цитоплазма ёпишқоқлик даражасининг пасайиши қалийга боғлиқ. Қалий етишмаса, барглар оқаради, фотосинтез жараёни сусаяди, ўсимликларнинг уруғи нимжон бўлиб, унувчаник хусусияти йўқолади, хлоропластларда тилакоидлар ва гранулалар ҳосил бўлмайди. Ўсимлик ўсишдан тўхтаб, нобуд бўлади. Бироқ, қалий билан таъминланган ўсимликларда шакарлар кўп тўпланганлигидан, улар совуқقا чидамли бўлади.

Қальций (Ca) ўсимликлар нафас олишида тўпланган органик кислоталарни нейтраллайди. Қальций таъсирида цитоплазма қуюқлашади, унинг ўтказувчаник хусусияти пасаяди. Натижада моддалар алмашинуви жараёни сустлашади, Қальций қари тўқималарда ва органларда кўп миқдорда тўпланади. Бу элемент пектин билан бирикиб, кальций пектат биримаси шаклида ҳужайраларни бир-бирига ёпиштирадиган пардани ташкил этади.

Қальций етишмаса, ўсимликларнинг илдизлари заиф ривожланади, баргларда жигар ранг доғлар пайдо бўлади, углеводлардан ўсимлик тўла фойдалана олмайди, заҳира оқсиллар ўз вақтида парчаланмайди.

Таркибида кальций бўлмаган тупроқларда K, Na, Mg таъсирида ўсимликлар ривожланишдан тўхтайди. Ён илдизлари заиф ривожланади, илдиз тукчалари шишади ва пўсти ёрилиб кетади. Агар ерга кальцийли ўғитлар солинса, катионлар ўртасида физиологик мувозанат тикланиб, илдизлари нормал ривожланади. Катионлар ўртасида ўзаро антагонистик муносабат мавжуд. NH₄, Fe ва Al катионлари учун Ca антогонист элемент ҳисобланади. Антогонистик муносабатни ҳисобга олганда, ўсимликларга ўғит сифатида аммоний нитрат (NH₄NO₃) солинганда Ca ни ҳам етказиб бериш зарур.

Магний (Mg) хлорофилл молекуласининг порфирин ҳалкаси марказида жойлашган. У мойлар ва углеводлар синтези ҳамда гидролиз жараёнларини жадаллаштиради. Кейинги маълумотларга асосан кальций ва айниқса, магний рибосомаларнинг структура тузилишини сақлайди. Бу элементлар етишмаса, рибосомалар майда бўлакларга ажралишидан оқсилнинг синтезланиш жараёни тўхтайди. Н. С. Сисакян маълумотларига кўра, магний оқсил молекулаларининг синтезланишида

аминокислоталарнинг бир-бира га боғланишини жадаллаштиради. Агар магний етишмаса, мойлар ва ўглеводлар алмашинуви жараёни бузилиб, баргларда оқиш доғлар пайдо бўлади.


Темир (Fe) хлорофилл молекуласи таркибига кирмасада, унинг ҳосил бўлишида катализаторлик вазифасини бажаради. Бу элемент оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида иштирок этадиган катаиза, пероксидаза, цитохромоксидаза ферментлари таркибига киради. Агар темир етишмаса, ўсимликларнинг барги сарғайиб, хлороз касаллигига учрайди. Айни вақтда хлорозга қарши курашишда темир қўшилган органик моддалар — хелатлар ишлатилади.

Нуклеин, органик (амино) кислоталарга, витамин, антибиотик ва ауксин каби органик моддаларга микро ва ультрамикроэлементлар қўшилишидан ҳосил бўлган мураккаб комплекс бирикмаларга хелатлар дейилади. Органик моддаларга қўшилган металлар хелатлар молекуласини циклик тузилишини таъминлайди (65-расм).

Хлорофилл, ферментлар ва бошқа турли ўзида металл сақлаган органик моддалар хелатлар хусусиятига эга. Хелатлар ўсимлик тўқимасида металларнинг ҳаракатланишини таъминлаш билан бирга, бир актив оқсил бирикмасидан иккинчи актив оқсил бирикмасига электронларни етказиб бериш функциясини бажаради. Умуман айтганда, хелатлар моддалар алмашиш жараёнида актив қатнашади.

Шафтоли, олча ва олма каби ўсимликларда темир элементи етишмай қолса, касалланади. Бу ҳодиса, асосан, кальций кўп ва pH даражаси ишқорий хусусиятга эга бўлган тупроқларда кузатилади. Шундай шароитда ӯсадиган ўсимликларнинг ҳосили камайиб, меваларининг ранги ҳам нормал ҳолатда бўлмайди.

Микроэлементлар. Юқорида айтиб ўтилган 7 та асосий элементдан ташқари, оз миқдор бўлсада, бошқа элементлар ҳам ўсимликлар учун зарурлиги аниқланган. Булар жуда кам бўлишига қарамай, ўсимликларнинг ўсиб ривожланишини таъминлайди. Бундай элементлар микроэлементлар деб аталади. Микроэлементларнинг айримлари ферментларга қўши-



65-расм. Хелатларнинг схематик тузилиши:

a — 3 чўққили; *b* — 2 чўққили қандайдир металл қўшилиган хелатлар (металл органик модда); *a* — мис глюколят (мисга 2 молекула глицин аминокислота қўшилишидан ҳосил бўлгач ҳолат).

либ, анорганик катализаторларга нисбатан модда алмашып жараёнини бир неча минг ва миллион марта активлаштирганигин рус олими Г. Г. Густавсон (1870) күрсатиб ўтган.

Микроэлементлар ферментларни активлаштириши билан бирга, тирик организмларда содир бўладиган ўсиш, ривожланиш жараёнларини жадаллаштирас экан. Бироқ уларни маълум бир меъёрда қўллаш зарур. Чунки уларнинг миқдори ҳаддан ташқари кўпайиб кетса, тирик организмларга салбий таъсир этганлигини ҳам эсдан чиқармаслик зарур. Ўсимлик талаб қилган миқдордаги микроэлементларни экинларга беришдан олдин, тупроқдаги мавжуд микроэлементлар миқдорини аниқлаш мақсадга мувофиқидир. Агар жадвалда кўрсатилганидек, микроэлементлар миқдори ўртача ёки кўп миқдорда бўлса, улар таркибидаги ўғитларни қўшимча тариқасида бериш талаб этилмайди.


Тупроқдаги микроэлементларнинг миқдорига биноан уларнинг қимматини баҳолаш (Г. Я. Ренькис маълумоти)

34- жадвал

Тупроқ қиммати	1 кг тупроқдаги микроэлементлар миқдори, мг					
	В (сувга чиқарилган эритромада)	Cu 1 н HCl	Mn 0,1 н H ₂ SO ₄	Mo оксалат эритмасида	Zn 1 н KCl	Co 1 н HNO ₃
Элементлари жуда кам	0,1 дан кам	0,3 дан	0,1—кам	0,05—кам	0,2 кам	0,2—кам
Элементлари кам	0,1—0,2	0,3—1,5	1—10	0,05—0,15	0,2—1,0	0,2—1,0
Элементлари ўрта даражада	0,3—0,5	2—3	20—50	0,20—0,25	2—3	1,5—3,0
Элементларга бой	0,5—1,0	4—7	60—100	0,3—0,5	4—5	4—5
Элементларга жуда бой	1 дан кўп	7 дан	100— кўп	0,5—дан кўп	5—дан кўп	5—дан кўп

Микроэлементларнинг ўсимликка ижобий таъсир этганлигини назарда тутиб, ўзида бор, марганец, молибден элементларини сақлаган ўғитлар химия саноатида ишлаб чиқарилмоқда.

Бор (В) ўсимликлар учун зарур элемент эканлигини Е. В. Бобко ва М. Н. Белоусов (1931) лавлаги ўсимлигида аниқлаганлар. Бор иштирокида углеводлар, АТФ молекулалари синтезланишида ва ўсимликлар кальций ўзлаштиришида борнинг аҳамияти катта. Кальций билан бор маълум нисбатда бўлгандагина ўсимликлар нормал ривожланади. Масалан, лавлагида бу нисбат 100 га, тамакида 200 га, сояда 500 га тенг бўлиши керак. К. Т. Старовойтов маълумотларига кўра, ҳар гектар ерга 1,2 кг бор солингандан себарга ҳосили контролдагига нисбатан 5,2 га/ц, бор, марганец сульфат солингандан 15,7 га/ц ортган. Бор барглардаги шакарларнинг шоналарга-



66-расм. Бор элементининг физиологик аҳамияти:

A — бор етишмаслигидан рангли карам пояси марказий қисмининг бузилиши; *B* — лавлагида илдиз чириш касаллиги туфайли баргларининг қорайиб қолиши.

ча етиб боришида иштирок этганигидан рўза, беда, соя ва мева дараҳтларининг ғунчаси камдан-кам тўкилади. Агар бор етишмаса, ўсимликларнинг ўсиш нуқтаси нобуд бўлади, яъни қуриб қолади, илдизи ривожланмайди, камбий тўқимасининг ҳужайралари тўла шаклланмайди, қандавлагининг ўзаги чириб кетади ва ҳоказо (66-расм).

Марганец (*Mn*) оқсилларнинг парчаланишини, фотосинтез жараёнини ва кўп ферментларнинг фаолиятини жадаллаштиради. У оқсидловчи ферментлар таркибида бўлади. Марганец етишмай қолса, ўсимликлар таркибидаги хлорофилл миқдори камаяди, ҳосилнинг сифати пасаяди, ҳосил камаяди, нитратлар таркибидаги азот ўзлаштирилмайди. Масалан, фўзага 0,25% ли $MnSO_4$ эритмаси пуркалса, ҳосилдорлик контролдагига нисбатан ортганлиги аниқланган (Г. А. Алиев маълумоти, 1956).


Мис (*Cu*) хлорофиллни тарқалиб кетишидан сақлаши билан бирга фотосинтез жараёнини жадаллаштиради. У пероксидаза ферменти ҳосил бўлишида иштирок этади ва кўпгина ферментларнинг жадаллигини таъминлайди. Мис таъсирида цитоплазма коллоидларининг гидрофиллик ҳусусияти ортиши ҳисобига сув молекулалари маҳкам боғланади. Агар мис етишмаса, олма дараҳти новдаларининг учидаги барг ҳосил бўлмаганигидан учки қисми қуриб қолади.

Ботқоқ тупроқли ерларга мис солинса, экинлар ҳосилдорлигига таъсир этиши мумкинлигини Я. В. Пейве, О. К. Кедрова-Зихман ўз ишларида тасдиқладилар. Масалан, бундай ерларга таркибида мис сақлаган пирит огаркаси солингданда ғалла экинлари ҳосилининг ортганлиги тубандаги жадвалдан кўринади.

Таркиба вариантылары	Арпа (Вятский 1163) га/ц	Сули (Писарев), га/ц	Бүгдөй (Яровая но- вника), га/ц	Жавдар (кузги), га/ц
P ₂ O ₅ (60 га/кг, K ₂ O 90 га/кг) Хар гектар ерга 1 т дан пирит огарка- си солинган	0,0 15,4	0,0 10,3	0,0 6,2	12,5 18,7


Эслатма: сульфат кислота ва қоғоз ишлаб чиқариш санаатида ташландық моддага пирит огаркаси дейилади. Бу модда таркибида мис элементининг миқдори 0,5% га бориб қолади.

Рух (Zn) ўсимликлар танасида ауксин ҳосил бўлишини ва уларнинг иссиқликка бардошлигини таъминлайди. Танасида рух бўлганлигидан фўза вилтга, картошка фитофтора касаллигига чидамли бўлади. Рух ферментлар фаолиятини жадаллашибди. У H₂CO₃ ни CO₂ ва сувга парчаловчи карбогидраза ферменти таркибида киради. Бу элемент фосфатаза, энолаза ва полипептидларни парчаловчи ферментлар таркибида бўлиши ҳам аниқланган. Калий, кремний, марганец ва молибден элементларини ўсимлик қабул қилишида рухнинг аҳамияти катта. Агар рух етишмаса, ўрикнинг барглари майдалашиб кетади, ток барглари хлорозга учрайди. Рух элементи етишмаслигидан помидор баргларининг ҳужайраларидаги хлоро-



67-расм. Рух етишмаслигидан помидор баргига кузатиладиган ўзгаришлар:

1 — контрол: 2 а — рух етишмаганда баргларда ишканалат кристаллари; б — ишканалат бўлган ҳужайралар; в — хлоропластларинчиг тарқалиб кетиши.



68-расм. Олхўри ниҳолларининг ўсишига молибденнинг таъсири:
1 — контрол; 2 — 0,01 мг/л молибден берилган ўсимлик.

пластлар тарқалиб кетиши туфайли, барглар хлороз билан касалланади. Барг тўқималари барвақт қариб қолганлигидан уларнинг анатомик тузилиши ҳам тубдан ўзарганилиги 67-расмда келтирилган.

Молибден (Mo) дуккакли ўсимликларнинг ва, бинобарин, тугунак бактерияларининг ривожланишини жадаллаштириш билан бирга ўсимликлар ҳосилининг ортишига ҳам сабаб бўлади. Молибден нитрогеназа ферменти таркибида учрайди, у молекуляр азотнинг ўзлаштирилишини жадаллаштиради. Молибден сақлаган нитратредуктаза ферменти иштироқида оксид ҳолидаги азот (NO_3^-) биримаси қайтарилиган ҳолга (NH_3 га) ўтади. Агар молибден етишмаса, лимон баргларида сариқ доғлар пайдо бўлади. Олхўри ниҳолларининг ўсишига молибденнинг таъсири 68-расмда келтирилган.

Кейинги йилларда ўсимликлар тугунагида ва тупроқда эркин яшовчи азотофиксаторлар ванадий (ҳар гектарга 50—100 г дан) таъсирида азотни актив ўзлаштириши аниқланган. Натижада дуккакли экинлар ҳосили ҳам анча ортади.

Ўсимликларнинг азот ўзлаштириши

Табиатда азот ҳаво таркибининг 78% ини ташкил этишига қарамай, ўсимликлар қуруқ моддаси таркибидаги миқдори 1—3% дан ошмайди. Молекуляр азотни юксак ўсимликлар


бевосита ўзлаштира олмаганликларини Франция олими Ж. Б. Буссенго илмий-тадқиқот ишларида тұла тасдиқлаган. Азот тириклик хусусиятіни сақлаган оқсил ва бошқа мураккаб бирикmalар таркибида асосий ўринни эгаллайди.

Азот фақат оқсиллар, ферментлар ҳосил бўлишида иштирок этибгина қолмай, балки у хлорофилл молекуласи, ДНҚ, РНҚ, АТФ, НАД, НАДФ, витаминлар, алкалоидлар ва бошқа турли бирикmalар таркибида ҳам учрайди. Нитрит, нитрат ва аммоний тузлари таркибидаги NO_2 ва NO_3 анионлари ва NH_3 катиони шаклидаги азотни ўсимликлар ўзлаштиради. Ҳаво таркибидаги NO_2 , NO_3 ва NH_3 газларини ўсимликлар ўзлаштысада, уларнинг миқдори кам (0,0001%) лигидан, ўсимликни азотга бўлган эҳтиёжини тұла қондира олмайди. Айтганларни назарга олиб, әкинларни азот элементи билан таъминлаш мақсадида, ер майдонларига маҳаллий ва азотли минерал ўғитлар етказиб бериш зарур. Тупроқнинг таркибида азотли бирикmalар тонналааб ҳисобланади, уларнинг тури ҳам жуда хилма-хилдир.

Тупроқда учрайдиган азотли бирикmalар қуидаги 3 гурӯхга бўлинади:

1. Нитрит кислота тузлари — KNO_3 , NaNO_3 , $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$;
2. Аммонийли тузлар — $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$, NH_4NO_3 ;
3. Органик моддалар таркибидаги азот.


Нитратлар таркибидаги азотни ўсимликлар NO_3 аниони шаклида қабул қиласи, сўнgra у барг тўқималарида NH_3 гача қайтарилади. А. Н. Бах, Д. Н. Прянишников ва Михлин маълумотларига кўра, NO_3 ва NO_2 анионларининг аммиаккача қайтарилиш реакцияси қуидагича боради:





Реакцияда иштирок этган нитратредуктаза ферменти молибден воситасида жадаллашса, нитритредуктаза ва гипонитритредуктаза мис, гидроксиламинредуктаза эса марганец ва магний иштирокида жадаллашади.

Нитратлар қайтарилиши учун зарур водород ва электронларни НАД· H_2 ва НАДФ· H_2 бирикmalари етказиб беради.


Ҳосил бўлган аммиак молекулалари кетокислоталар билан реакцияга киришиб, турли-туман аминокислоталар ҳосил бўлишида иштирок этади. Масалан:






Үсимликлар ўзлаштирган NH_3 илдизларнинг ўзидаёқ кето-кислоталар билан реакцияга киришиб, ҳосил бўлган аминокислоталар ҳам оқсил молекулалари пайдо бўлишида иштирок этади. Аммиак углеводларга бой ўсимликларга сезиларли зарар етказмасада, оқсилга бой ўсимликларга салбий таъсир этади. Тажрибада органик кислоталар кўп бўлган ўсимликлар аммиакдан тўла фойдалана олишини А. В. Владимиров ўз ишларида тасдиқлаган. Шуларни ҳисобга олиб, оқсилга бой ўсимликлар ўсадиган ерларни нитратли бирикмалар билан ўғитлаш зарур. Аммонийли тузлардан $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ солингандан тупроқни оҳаклаш керак.

Ўсимлик тўқималарида аммиак кўпайганда, заҳарли аммиак ўсимлик тўқимасида мавжуд аспарагин ва глутамин деб аталган аминокислоталар ёрдамида заарсизланади. Бу бирикмалар ортиқча аммиак гуруҳларини ўзига бириктириб, амид шаклигача ўзгарганлиги қуидаги тенгламаларда келтирилган:




Аммиак етишмаганда аспарагин ва глутамин амидлари ўзи бириктириб олган NH_2 гуруҳини бошқа оксикислоталарга ўтказганлиги учун янги аминокислоталар, тубандаги тенгламага асосан, ҳосил бўлишида иштирок этади.




Шунга асосланиб, аспарагин ва глутамин амидлари NH_2 гурухини етказиб берувчи донаторлар бўлиб ҳисобланади.

Ҳар қандай аминокислота ўзидағи NH_2 гурухини бошқа кетокислотага ўтказиши натижасида янги аминокислота ва янги кетокислота ҳосил бўлишини А. Г. Брунштейн, М. Г. Крицман (1937) аниқлаб, унга қайта аминланиш деб атаганлар. Қўйида қайта аминланиш реакцияси ифодаланган:



Қайта аминланиш реакциясида трансаминаза ёки аминофераза ферменти иштирок этади.

Оқсил бирикмалари доим янгиланиб, ўзгариб туради. Улар парчаланганда аминокислоталаргача тарқалади. Аминокислоталарнинг ўзи ҳам парчаланиб, аммиак ва кетокислоталар ҳосил қиласди. Ажралиб чиқсан NH_3 гурухи бошқа оксикислоталар билан бирикиб, янги аминокислоталар ҳосил бўлишида иштирок этади. Шуларни эътиборга олиб, академик Д. Н. Прянишников азот ўзлаштирилиши ва бирламчи оқсил ҳосил бўлиши схемасини (дастлабки синтезланиши) тубандагича ифодалаган:



Тупроқдаги азотли анерганик бирикмалар таркибидаги азотни ўсимликлар ўзлаштираса, оқсил молекулалари таркибидаги азотни бёвосита ўзлаштира олмайди. Ўсимликлар оқсил таркибидаги азотни ўзлаштириши учун оқсил парчаланиб минераллашиши зарур. Аммо И. С. Шулов, Г. Г. Петров тажрибаларида аспарагин, аргинин, мочевина каби азот сақлаган органик моддаларни юксак ўсимликлар ўзлаштириши тасдиқланган. Органик азот бирикмаларининг ўзлаштирилишини аниқлашда И. С. Шулов ишлаб чиқсан стерил культура усули қўлланилади.

Баъзи бактериялар ва замбуруғлар нитратли, аммонийли тузлар билан бир қаторда органик моддалар (пептон) таркибидаги азот ҳисобига ҳам яхши ривожланади. Сут кислотали бижғиши жараёнини қўзғатувчи термобактериум сереале

(*Thermobacterium cereale*) эса мұхитда альбумоза оқсили бұл-
гандагина ривожланади.

Аммонификация, нитрификация ва денитрификация жараёнлари. Молекулар азотны ўзлаштирувчи микроорганизмлар. Ҳашаротхүр ўсимликлар

Ұзінде азот сақлаган ва айниқса оқсили бирикмалар тупроқда яшовчи чиритувчи бактериялар ва бошқа түрли микроорганизмлар таъсирида күчлі ўзғарышларга учраб минераллашади. Бу жараёнларда күп миқдорда аммиак ажралиб чиққанлиги учун аммонификация жараёни деб атала-ди. Күз ва қиши фаслларыда ерда түппланган органик моддалар чириши ҳисобига әрта бағоргача аммиак ва нитрат тузлар-нинг миқдори анча күпаяди. Аэроб шароитда нитрат, анаэроб шароитда аммонийли тузлар күп түппланади.

Аммонификация жараёнида бациллус субтилис, бациллус мезантерикус, бациллус микоидес, бактериум коли, бактериум вулгарес, актиномицетлар ва моғор замбуруғлари иштирок этиб, оқсиllар пептон, полипептид ва аминокислоталаргача парчаланади. Мураккаб оқсиllардан нуклеопротеидлар парчаланганда мұхитда рибоза, дезоксирибоза шакарлари, фосфат кислота, урацил, аденин, тимин, цитозин ва гуанин номлы азот асослари түпланади. Ҳосил бўлган бирикмалар мұхитда түпланаб қолмай, балки уларнинг ўзғариши ҳам давом этади. Аминокислоталарнинг навбатдаги парчаланишида аммиак, водород сульфид газлари, чумоли, сирка, пропион, мой ва бошқа органик кислоталар; пропил, бутил, амил ва бошқа түрли спиртлар; фенол, крезол, скатол, индол, метил меркаптан (CH_3SN) каби ёқимсиз ҳидли бирикмалар ажралиб чиқади.


Оқсиll парчаланиши натижасида ҳосил бўлган водород сульфид ва фосфорли бирикмаларнинг қанчалик чуқур ўзгар-
ганилигини олtingугуртнинг ва фосфорнинг табиатда айланиши схемаларида кўриш мумкин.

Оқсиll ва бошқа азотли органик моддаларнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган аммиакнинг бир қисми ўсимликлар томонидан бевосита қабул қилинса, бир қисми нитрифи-
кация жараёнини қўзғатувчи бактериялар томонидан нитрит ва нитрат кислоталаргача оксидланади.


Нитрификация жараёни. Табиатда нитрификация жараёни содир бўлганлиги (Т. Шлэзинг ва А. Мюнц, 1877) қўрсатиб ўтилган бўлса-да, шу жараёни қўзғовчи тирик организмларни, биринчи бўлиб рус олими С. Н. Виноградский 1890 йилда ўзи ишлаб чиққан озиқ мұхити воситасида тупроқдан ажратиб олган. С. Н. Виноградский ўзининг қлмий-тадқиқот ишларыда нитрификация жараёни икки фазадан ташкил топганлигини кўрсатиб берди.

Биринчи фазада нитрозомонас гурухига кирган түрли мав-
жудотлар ҳаёт жараёнида аммиак ҳаводаги кислород ҳисоби-

га оксидланишидан, тубандаги тенгламага биноан нитрит кислота ҳосил бўлади:




Иккинчи фазада нитробактер иштирокида биринчи фазада ҳосил бўлган нитрит кислотанинг оксидланиши натижасида нитрат кислота вужудга келганлиги тенгламада келтирилган:




Нитрификаторларга органик моддали шароит салбий таъсир этади. Аммо улар ўз таналарини ташкил этишда оксидланиш реакцияларида ажралиб чиқсан энергия ҳисобига анорганик ($\text{CO}_2 + \text{H}_2\text{O}$) моддалардан органик моддаларни синтезлайди. Фотосинтез жараёнида анорганик моддалардан органик моддаларнинг синтезланиши ёруғлик энергияси ҳисобига ҳосил бўлса, нитрификаторларда, рангиз олтингугурт ва темир бактерияларининг оксидланиш реакцияларида ажралиб чиқсан энергия ҳисобига содир бўлганлигини назарда тутиб, хемосинтез деб аталади.

Денитрификация жараёни. Нитрификация жараёнида вужудга келган нитрит ва нитрат бирикмалари таркибидаги NO_2^- ва NO_3^- анионлари ўсимликлар томонидан қабул қилинади, қандайдир қисми эса сув билан грунт сувларига ювилиб кетади. Булардан ташқари, тупроқда нитрит ва нитрат бирикмалари таркибидаги оксид ҳолидаги азот баъзи бир микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятида молекула шаклидаги азот (N_2) гача қайтарилади. Бу жараён денитрификация деб аталади. Денитрификация жараёнини қўзғовчи микроорганизмларда микрококкус денитрификанс ва бактерия студзериларни кўрсатиш мумкин.

Денитрификаторлар кислородли ва кислородсиз шароитда ҳаёт кечиравчи факультатив анаэроб бактериялар қаторига киради. Улар аэроб шароитда озиқланиш учун сарфланадиган органик модда ($\text{C}_6\text{H}_{12}\text{O}_6$) ни ташқи муҳитдан қабул қилинган кислород воситасида оксидлаб, энергия яратади. Анаэроб шароитда эса озиқланиш учун сарфланадиган органик моддани оксидлашда нитрат ва нитрит тузлари таркибидаги кислороддан фойдаланади. Натижада тенгламада кўрсатилганидек, экинлар учун зарур бўлган азот тузлари таркибидаги азот молекуляр ҳолга ўтиб, ҳавога чиқарилади:



Бундан ташқари, тупроқ таркибидаги нитрит ва нитрат тузлари билан амид, аминокислота ва аммоний бирикмалари ўртасида содир бўладиган реакцияларда ҳам азот молекуляр (N_2) шаклда ажралиб чиқсанлиги тенгламалардан кузатилилади.



Шу айтганларни ҳисобга олганда денитрификатор бактериялари иштирокида вужудга келган жараёнга бевосита, химиявий реакцияларда содир бўлган жараёнга билвосита денитрификация дейилади.

Тугунак бактериялари. Тугунак бактериялари табиатда кенг тарқалган бўлиб, уларнинг кўпчилиги турли-туман дуккакли, баъзилари дуккаксиз ўсимликларнинг илдиз ҳуҗайраларида тугунаклар ҳосил бўлишида иштирок этади. Дуккакли экинларга азотли ўғитлар берилмаганда ҳам, шу ўсимлик тўқималарида бошқа ўсимликларга нисбатан азот кўп тўпланганлигини назарда тутган (Ж. Б. Буссенго, 1838), дуккакли ўсимликлар молекуляр (N_2) азотни ўзлаштирадилар, деган хulosага келади. Бироқ бу фикрни тасдиқлаш кейинги тажрибаларда кузатилмайди.

1866 йилда М. С. Воронин дуккаксиз қандағоч дарахти илдизларидаги тугунакларда бактериялар мавжудлигини аниқлади.

Дуккакли тугунак бактериялар томонидан молекуляр азот ўзлаштирилишини Г. Гельригель ва Г. Вильфорт (1866) тажрибаларида батафсил текшириб, қуйидаги хulosага келган:


а) дуккакли ўсимликлар тупроқ муҳитида азот бирикмалиари етишмай қолганда молекуляр азотни ўзлаштириб, шу элементга бўлган эҳтиёжни қондиради;

б) дуккакли ўсимликларнинг молекуляр азотни ўзлаштириши тугунак бактерияларнинг иштирокида содир бўлади. Тугунак бактериялар бўлмаса, дуккакли ўсимликлар молекуляр азотни ўзлаштира олмайди.

Тоза ҳолда тугунак бактерияларни ажратиб олган М. Бейерник (1888), дастлаб уларга бациллус радицикало, кейинчалик эса бактериум радицикало деб ном беради. Ҳозирги вақтда улар ризобиум авлодига киритилди. Улар ўзига хос бўлганлигидан, айрим дуккакли ўсимлик илдизидагина тугунак ҳосил қилганлигини назарда тутиб, шу дуккакли ўсимлик номи билан аталади. Масалан, себаргада ризобиум трифолин, сояда ризобиум японика, ловияда ризобиум фасоли дейилади. Баъзилари эса бир нечта, масалан, ризобиум легуминозарум, нўхат, вика, чина ва нут каби дуккакли ўсимликларда тугунак ҳосил қилишга мослашган.

Айрим дуккакли ўсимлик илдизлари ва илдиз тўқимасида ҳосил бўлган тугунаклар ҳар хил шаклда бўлади (69-расм).

Тугунак бактериялар дуккакли ўсимликлар билан симбиоз ҳаёт кечириш жараённада дуккакли ўсимликлар тугунак бактерияларга шакарлар, органик кислоталар, витаминлар, ўстирувчи моддалар етказиб берса, тугунак бактериялар молеку-



69-расм. Дуккакли ўсимликлар илдизидаги тугунаклар:

1 — нұхат; 2 — себарға; 3 — сераделла; 4 — люпин; 5 — донник ўсимлигі.

ляр азотни ўзлаштириб, ўсимликка аммиак, аминокислота каби азотли бирикмаларни етказиб беради.

Молекуляр азотнинг ўзлаштирилишида дуккакли ўсимликлар тўқимасида қизил рангли пигмент леггемоглобин бўлса, бактерияларнинг фаолияти активлашади.

Тугунак бактериялар моновида перитрихиал хивчинланган бўлиб, аэроб шароитда ҳаёт кечиради. Қариб қолган тугунак бактериялари тармоқланган шаклни эгаллайди, уларга бактериалар дейилади.

Тугунак бактерияларнинг актив (нав) штаммларидан тайёрланган «нитроген» препарати дуккакли ўсимликлар донига қўшилиб, бактериал ўғит сифатида қишлоқ хўжалигида ишлатилади.

Тупроқдаги молекуляр азотни әркин ҳолда ўзлаштирадиган мавжудотлар

1. С. Н. Виноградский (1893) махсус электив культура усулинин қўллаб, аэроб шароитда ҳаёт кечирадиган мавжудотни тупроқдан ажратиб, Клостридиум пастеурианум деган ном беради. Спора ҳосил қилувчи дук (урчук) Клостридиум деб аталган бацилла кислородли шароитда яшай олмайди. Тупроқ таркибидаги кислороддан ўзини сақлаб қолиш мақсадида бу бацилла клостероидес деб аталган бацилла билан симбиоз ҳаёт кечиради. Клостридиум пастеурианум азот

бираикмалари етказиб турса, клостерондес унга витаминалар етказиб бериш билан бирга, кислородсиз шароит туғдириб туради (И. Л. Роботнов, 1958, В. Т. Емцов, 1959). Клостридиум пастреурианум перетрихиал хивчинланган. У шакарларни тубандаги тенглама асосида парчалаб, мой кислотали бижкиш жараёнини қўзгайди:



Кейинчалик Голландиялик микробиолог М. Б. Бейеринк (1901) молекуляр азотни ўзлаштирадиган бактерияни ажратиб, унга азотобактер хроококкум иномини беради. Азотобактер хроококкум аэроб шароитда ҳаёт кечирадиган мавжудот. Ҳужайраси йирик, нейтрал (рН) ва рН 7,2 да яхши ривожланниб, нордонлиги рН —5,6 бўлган тупроқларда учрамайди. Бактерияларни сунъий равишда кўпайтириб, турли экинлар учун «азотобактерин» ёки «азотоген» деб аталган бактериал ўғитлар, экинларни парвариш қилишда уруғлар билан бирга аралаштириб сепилади.

Азотобактериннинг қандлавлаги ва ғўза ўсимликлариiga ижобий таъсир кўрсатганлиги жадвал рақамларидан кўринади (А. Генкель (1974) китобидан олинган жадвал муаллиф томонидан бироз қисқартириб берилди).

36- жадвал


Тажриба-вариантлари	Киргизистон Давлат селекция станицасида қандлавлагидан олинган ҳосил, г/ц	Озарбайжон Қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтида ўтказилган тажрибада ғўздан олинган ҳосил, г/ц
Контроль (сувда ивтилган уруғ ва чигит)	490,8	22,8
«Азотобактерин» эритмасида ивтилган үруғ ва чигит	491,5	25,3
«Азотобактерин» да ивтилган уруғ ва чигитга суперфосфат қўшилган	536,3	27,4

Жадвал далиллариiga эътибор берганда «Азотобактерин» ўфити қўшиб берилганда қандлавлаги ва ғўза ўсимликларидан олинган ҳосил анча кўп бўлганлиги кузатилиди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мавжудотлардан ташқари молекуляр азотни ўзлаштиришда баъзи замбуруғлар, актиномицетлар, кўк-яшил сувўтлари, микробактериялар ва ўзида азотобактер ёки бактерия бейеринк турларини сақлаган лишайниклар ҳам қатнашади.

Молекуляр азотнинг аммиаккача ўзгаришида оксидланиш ва қайтарилиш жараёнлари асосида содир бўлганлиги тубандаги схемада келтирилган (70- расм).

Бу жараёнлар мураккаб структурали нитрогеназа фермент-



70-расм. В. Л. Кретович схемаси бўйича микроорганизмлар томонидан молекуляр азотнинг ўзлаштирилиши.

ларининг активлигига содир бўлиб, реакциялар натижасида ҳосил бўлган аммиак оксикислоталар билан муносабатга киришишидан аминокислоталар ва улар ҳисобига турли оқсиликлар синтезланади.

Ҳашаротхўр ўсимликлар. Юксак ўсимликларнинг айрим турлари — ҳашаротхўр ўсимликлар ҳайвонлар оқсили таркибида газотни ўзлаштиришга мослашган. Буларнинг 500 га яқин тури бўлиб, кўпчилиги ботқоқликларда, баъзилари қум-тупроқли ерларда ва тошлар орасида яшайди.

Кўпчилик ҳашаротхўр ўсимликлар баргининг ўзи ҳашаротларни қамраб олишга мослашган. Баъзи ўсимликларнинг барг пластинкаси ва банди карнайча, пуфакча ёки кўзачага айланган. Баъзиларнинг барги ўз шаклини ўзгартиргмаган. Шимолий Америкада ўсадиган ҳашаротхўр саррацения баргининг банди карнайчага ўхшайди. Карнайчанинг ўрта қисми юқори ва пастки қисмiga нисбатан анча кенг. Усти қизил рангли чиғаноққа ўхшаш барги билан ёпилиб туради. Ички девори жуда силлиқ бўлгани туфайли унинг ичидаги суюқликка тушган ҳашарот қайтиб чиқолмасдан нобуд бўлади. Саррацения ўсимлиги ҳашарот оқсиликларининг парчаланишидан ҳосил бўлган ами-

нокислоталар ва бошқа моддалар ҳисобига озиқланади (71-расм).

Россиянинг Шимолий районларида сфанга ботқоқликларида росянка ва жирянка деб аталган ҳашаротхўр ўсимликлар ўсади. Бундай ўсимликларда ҳам хлорофилл пигменти бўлиб, уларда фотосинтез жараёни нормал ўтади (С. П. Костичев).

Кўп йиллик росянканинг барглари йўсунлар устида ёйилган бўлади. Барглар юзасида шарсимон бошли (25 тагача) тукчалар бўлиб, улар ялтироқ ва ёпишқоқ шилимшиқ модда ажратади. Ҳашаротлар ана шу шилимшиққа ёпишгандан кейин баргларнинг четидаги тукчалар барг марказига қараб юмилиб, ҳашаротни қамраб, шунингдек барг ҳам букилиб ҳашаротни ўраб олади. Бу жараён 2—3 соат давом этади. Гўшт ёки оқсили бошқа моддалар билан ҳам росянка баргининг юмилишини кузатиш мумкин. Оқсили ўрнига шакар, қум каби жисмлар ишлатилса, барг тукчаларида жавоб реакцияси кузатилмайди, яъни ҳаракатланмайди (72-расм).

Ўсимликлар барг тукчаларидан ажралган шира — пепсинга яқин ферментлар таъсирида оқсилилар парчаланишидан ҳосил бўлган оддий азот бирикмаларини ўзлаштиради. Тукчалардан антисептик чумоли кислота ҳам ажралади. Ҳашарот тўқимасидаги азот бирикмалари ўзлаштирилгандан кейин барг қайтадан ёзилади. Оқсилини парчалаш ва ҳазм қилиш муддати бир неча кун давом этади.

Жирянка номли ҳашаротхўр ўсимлик ҳам торфли ботқоқликларда яшайди. Баргларнинг юзаси шилимшиқ модда билан қопланганлигидан улар ёғли бўлиб кўринади. Барг тўқимасининг 1 см² юзасидаги безлар сони 25 000 тага етади. Ҳашарот таъсирида қитиқланган безлар фермент ва кислота ажратиб чиқаради. Сўнгра барг ҳашаротга яқин жойда букилиб, ҳашаротни ўраб олади. Бир кеча-кундуздан кейин барг қайтадан ёзилади. Халқ хўжалигида фойдаланиш мақсадида Кольск ярим оролидаги аҳоли маҳсус пишлоқ тайёрлаш мақсадида янги соғиб олинган сутга жирянка баргини солишади.

Ботқоқликлардаги кичик ҳавзаларда пузырчатка деб аталган илдизсиз ҳашаротхўр ўсимлик яшайди, у сувдаги майдада ҳашаротлар ва балиқчалар билан озиқланади. Пузырчатка (73-расм) баргларнинг қирқилган шаклл哩лари сув юзасида жойлашиб, ўсимлик поясининг мувозанатини сақлайди. Сув юзасидан чиққан поя учларида сариқ рангли анча йирик гул очилади. Пуфакча шаклига кирган барглар сув остида жойлашиб, ҳашаротларни тутишда хизмат қиласиди. Бундай баргларнинг «офиз» тешикчаси атрофи сезгир тукчалар билан қоп-



71-расм. Барги карнайчага айланган сарренция.




72-расм. Росянка:

1 — умумий кўриниши; 2 — баргнинг ҳашарот (пашша)ни қамраб олган пайти.

ланган бўлади. Пуфакча оғизчасида ичкарига очиладиган қопқоқча бор. Пуфакча ичи ўлжали сув билан тўлгач, босим таъсирида қопқоқча ёпилади. Пуфакча деворида зич жойлашган безлар ёрдамида 15—20 минутдан кейин ҳашарот таркибидаги моддалар ўзлаштирилади.

Шимолий Американинг торфли ботқоқликларида ўсадиган венера пашша хўри (74-расм) деган ўсимликнинг барги икки қисмдан иборат. Пояга яқин қисмида фотосинтез жараёни содир бўлади. Баргнинг иккинчи қисми икки палладан иборат. Палланинг четлари қиррали бўлиб, сирти қизил рангли безлар билан қопланган. Безлар озиқ ҳазм қилиш шираси ажралишида хизмат қилади. Паллалар марказида учтадан сезгир тукча жойлашган. Сезгир тукчаларга ҳашарот тегиши билан барг паллалари тезда ёпилади. Паллалар четидаги қирралар ҳам




73-расм. Баъзи барглари пуфакчага айланган пузирчатка:
1 — умумий кўринниши; 2 — ўлжалли пуфакчанинг катталаштирилгани.


бир-бири орасига кириши туфайли улар маҳкам жипслашади. Палла безларидан ажралган шира таъсирида ҳашарот танасидаги оқсил бирималари парчаланиб ўзлаштирилади. Бир неча соат ўтгач, барг паллалари яна очилади.

Мадагаскар ва Зонд оролларида ўсадиган эпифит ҳашаротхўр непентес (75-расм) ўсимлигининг барг банди кўзачага ўхшайди. Непентесларнинг 30 га яқин тури бўлиб, кўзачаларининг узунлиги 2,5—3,5 см га етади. Агар непентес кўзачаларига кичик қушлар тушиб қолса, улар ҳазм бўлиб кетади. Эволюция жараёнида непентес баргларининг банди кенгайиб, баргчага айланган. Баргнинг учидан ўсан узун жингалаклар дарахтлар шохига ўралиб қолади. Жингалаклар учida кейин кўзача ҳосил бўлади. Кўзачанинг сирти ранг-баранг барглар билан қопланган. Ички девори жуда силлиқ. Кўзачалар деворида, уларнинг марказига қия тушган ўткир тукчалар бўлиши ҳашаротнинг ташқарига чиқиб кетишига йўл қўймайди. Кўзачалар деворидаги безлар озиқ ҳазм қилиш шираси ишлаб чиқарди.

Узбекистонда Амударё ва Сирдарё сувларида альдронда деб аталган ҳашаротхўр ўсимлик ўсади (76-расм).



75- расм. Барғи күзачага айланған иепентес.



74- расм. Венера пашахүри:
а — гуллаган ўсимлик; б — ўлжани қамраб олувчи барглари.



76- расм. Сирдарё ва Амударёда учрайдиган, барглари пуфакчага айланадиган альдрованда ўсимлиги.

Табиатда азотнинг айланиши

Ҳаво таркибидаги молекула шаклидаги азот (N_2) нинг миқдори 75—80% ни ташкил этади. Бироқ бу элемент, юқорида қайд этилгандек, кўпчилик ўсимлик турлари томонидан бевоси-

та ўзлаштирилмайди. Шуларни назарда тутиб, ўсимликлар учун зарур бўлган ва улар осонлик билан қабул қиласидиган азотли бирикмаларнинг тупроқда тўпланишини кўриб ўтиш керак.

Биринчидан, ҳаводаги молекула шаклидаги азот чақмоқлар вақтида ҳосил бўлган кучли электр зарядлари ҳисобига NH_3 , NO_2^- ва NO_3^- каби бирикмалар ҳаво ва тупроқ муҳитида тўпланиди. Тупроқдаги сув билан муносабатга киришган NH_3^+ , NO_2^- NO_3^- анионларни ўсимликлар қабул қилиб, ўзлаштиради.

Иккинчидан, тупроқда эркин ҳаёт кечириб молекуляр шаклидаги азот микроорганизмларга мансуб клостридиум, азотобактер, кўк-яшил сувўтлар, актиномицетлар, лишайниклар ва бошқалар томонидан ўзлаштирилади. Бу организмлар ўзлаштирилган азот элементи ҳисобига ўзига зарур бўлган оқсил ва бошқа азотли бирикмаларни синтезлайди. Шу организмлар нобуд бўлгандан кейин уларнинг таналари таркибидаги оқсил ва азотли бирикмалар чиритувчи бактериялар активлигида азотли содда моддаларга айлангандан кейин ўсимликлар ўзлаштиради.

Учинчидан, дуккакли ўсимликлар тугуна гидаги ризобиум турига мансуб ва баъзи дуккаксиз жирганоқ, оққайнин, жийда, қандағоч каби ўсимликлар илдизларидаги тугунакларда симбиоз ҳаёт кечиравчи микроорганизмлар воситасида молекуляр азот ўзлаштирилиб, тупроқни азотли моддалар билан бойитиша қатнашади.

Тўртинчидан, экинлардан юқори ҳосил олиш учун химия саноатида турли-туман азотли ўғитлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бешинчидан, нобуд бўлган ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмлар таркибидаги мураккаб органик моддаларнинг чириши натижасида таркибида азот элементини сақлаган сода бирикмалар ҳам тупроқ муҳитида тўпланди.


Азот элементи ҳам углерод, фосфор, олтингурут ва бошқа элементлар каби бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиб туради. Юқорида ҳаво ва тупроқ муҳитида молекуляр азотнинг боғланган ҳолатга ўтганлиги айтилган бўлса, қуйидаги сатрларда молекуляр азотнинг қайтадан ҳаво таркибига қўшилиб, унинг аввалги миқдорини тиклашда қатнашадиган ҳодисалар кўриб ўтилади!

Биринчидан, ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг ёниш, чириш жараёнларида органик моддалар таркибидаги азот ҳавога қайтиб чиқади.

Иккинчидан, тупроқ ва сувда нитрит, нитрат тузлари билан аммоний ва бошқа моддалар химиявий жараёнларда оксид (NO_2^- , NO_3^-) ҳолатдаги азот молекуляр шаклдаги азот (N_2) га ўзгариб, ҳавода тўпланди.

Учинчидан, тупроқда ҳаёт кечирадиган денитрификатор бактериялар ҳам нитрит ва нитрат тузлари таркибидаги кислородни истеъмол қилиш туфайли ҳаво молекуляр (N_2) шаклдаги азот билан бойиб боради.

Атмосфера азоти (1 га га қаршиб 70 минг т.)



77-расм. Азоттинг табиатта айланиши (схема).

Хулоса қилиб айтганда, ҳаводаги молекула шаклидаги азот ҳаво, сув ва тупроқ мұхитидә бирикма шаклида түпласа, кейинчалик бирикма таркибидаги азоттинг ҳавога қайтадан қайтиб чиқиши унинг табиатта айланиб туришидан далолат беради (77-расм). Бу жараён глобал ақамиятга эга.

Мувозанатлы әритмалар. Сув, қум ва тупроқ культураларини тайёрлаш усуllлари. Физиологик ишқорий ва нордон тузлар

Үсимликлар қабул қылган катионларнинг күп-оз бўлишига қараб, улар органларида ва айрим тўқималарида содир бўладиган физиологик ҳамда биохимиявий жараёнлар актив ёки пассив равишда давом этади. Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган катионлар ва бошқа элементлар ўсимликларнинг моддалар алмашинуви жараёнига таъсир қилиб, шу жараёнларни тартибга солишда хизмат қилади. Ҳар қайси элемент моддалар алмашинуви жараёнига ўзига хос таъсир кўрсатганлигидан бир элементнинг функциясини иккинчи элемент бажара олмайди. Жумладан, кальцийнинг функциясини калий, калийнинг функцияси ни темир бажара олмайди ва ҳоказо.

Бир валентли элементлар цитоплазманинг ёпишқоқлигини камайтиrsa, икki валентлиси, аксинча, уни оширади. Бу элементлар ўртасидаги қарама-қаршилик — антогонистик ҳодиса цитоплазманинг ёпишқоқлик даражасини ўзгартириш билан чегараланмай, балки унинг ўсиши ва моддалар алмашинуви жараёнларининг жадаллигини ҳам белгилайди. Масалан, ўсимлик майсаларининг илдизи $CaCl_2$ тузи әритмасида парвариш қилинганда илдизлари яхши ривожланмайди. Худди шундай ҳо-

лат NaCl тузи эритмасида ҳам сезилади. Агар ўсимлик натрий ва кальций бўлган эритмада парвариш қилинса, илдизлари анча яхши ривожланади. Эритмага калий қўшилса, илдизлари тез ўсиб, яхши ривожланади. В. Остергаут маълумотларига кўра, 40 кунлик буғдой майсаси илдизининг узунлиги 0,12 мм, NaCl эритмасида 39 мм, KCl да 68 мм, MgCl_2 да 7 мм ва CaCl_2 эритмасида 70 мм чамасида ўсан. 1000 ҳисса NaCl эритмасига 10 ҳисса CaCl_2 ва 22 ҳисса KCl эритмалари қўшилса, буғдой майсалари илдизининг узунлиги 324 мм га етган.

Демак, ўсимликлар нормал ўсиши ва ривожланиши учун эритмадаги катионларнинг миқдори маълум нисбатда бўлиши зарурлигини юқоридаги далиллар тасдиқлади. Маълум нисбатда бўлган ионлар ҳисобига тайёрланган аралашма мувозанатли эритма дейилади ва улар тажриба асосида ҳосил қилинади.

И. А. Кноп, Г. Гельригель, Кроне ва Д. Н. Прянишниковлар усулида тайёрланадиган мувозанатли эритмаларни ҳосил қилишда тузлар тубандаги жадвалда кўрсатилган миқдорда олиниади.

37- жадвал

Прянишников	Кноп	Гельригель	Кроне
эритмалари			
NH_4NO_3	0,240	$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$	1,000
$\text{CaHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	0,172	K_2HPO_4	0,250
MgSO_4	0,060	MgSO_4	0,250
KCl	0,160	KCl	0,125
FeCl_3	0,025	$\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{A}_2\text{O}$	0,0125
CaSO_4	0,344	$\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$	0,0125

Эслатма: жадвалда кўрсатилган туз кристаллари 1 л сувда ёки 1кг тупроққа ёхуд 1 кг қумга қўшиб аралаштирилади.

Агар жадвал рақамларига эътибор берилса, унинг таркибида K, Ca, Mg, Fe, S, N ва P элементлари борлиги кўзга ташланади. Мувозанатли эритмалар тайёрлашда айни вақтда таркибида бор, мис, рух, марганец ва бошқа элементларни сақлаган туз кристаллари ишлатилади. В. А. Чесноков ва Е. Н. Базириниа ишлаб чиқкан мувозанатли эритма таркиби қўйида ги тузлардан иборат:

$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$	0,500 г	FeCl_3	0,006 г
NH_4NO_3	0,160 г	H_3BO_3	0,0007 г
KNO_3	0,400 г	MnSO_4	0,0005 г
MgSO_4	0,280 г	ZnSO_4	0,00001 г
KH_2PO_4	0,140 г	CuSO_4	0,00002 г

Минерал элементлардан тайёрланган эритмада ўсимлик ўстириш усули сув култураси деб аталади. Сув культурасини немис олимларидан И. А. Кноп ва Ю. Сакс (1858—1859)

ишлаб чиққанлар. Ўсимликларни ўстиришда субстрат (мухит) сифатида құм ищлатылса құм күльтураси, тупроқ ишлатылса тупроқ күльтураси деб аталади.

Ўсимликлар сув ёки бошқа субстратда ўстирилганда баъзи элементларни күпроқ, бошқаларини эса камроқ ўзлаштирганligидан муҳиттинг pH даражаси ўзгаради. NOH^- ёки OH^- ионларининг күп түпланишидан муҳиттинг ишқорий ёки кислотали хусусияти ортади. Шуларни этътиборга олиб, ўсимликларга бериладиган минерал тузлар химиявий жиҳатдан нейтрал бўлишига қарамай, физиологик ишқорий ёки физиологик нордон туз деб аталади. Масалан, аммоний сульфат ($(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$) химиявий жиҳатдан нейтрал туз бўлиб, муҳит (эримта) да NH_4^+ ва SO_4^{2-} ионларигача парчаланади. Ўсимликлар олтингурутга нисбатан азотга талабчан бўлганигидан NH_4^+ катионини ўзига күпроқ қабул қиласи. SO_4^{2-} аниони эса муҳитда түпланади. Субстратда түпланган кислота қолдири — муҳиттинг кислоталик хусусиятини намоён қиласи. Аммоний сульфат тузи физиологик жиҳатдан кислотали тузлар қаторига киради.

Кислотали муҳитни нейтраллаш мақсадида субстратга мөргель, оқак ёки бўр қўшиш зарур. Сув күльтурасида pH даражасини ўзгартирган эритма янги тайёрланган эритма билан алмаштирилади.

NaNO_3 ва KNO_3 физиологик ишқорий тузлар қаторига киради, улар сувда эритилганда Na^+ катионига ва NO_3^- анионига ажралади. Бу тузлар таркибидаги анионлар ўсимликтан күпроқ сингийди, натрий ёки калий муҳитда күп түпланиш натижасида субстрат ишқорий хусусиятга эга бўлади. Ишқорий муҳитни нейтраллаш мақсадида субстратга гипс (CaSO_4) кўшилади.

Ўсимликларнинг турига ва яшаш шароитига кўра муҳиттинг доим бир хил нейтрал бўлиши талаб қилинмайди. Баъзи ўсимликлар, масалан, люпин кислотали муҳитда, яъни pH даражаси 4—5 оралиғида яхши ривожланса, бошқалари (масалан, беда) нормал ривожланиши учун pH 7—8 оралиғида бўлиши талаб қилинади.

Д. Н. Прянишников маълумотига биноан pH қимматига кўра ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига кўрсатган таъсири қўйидаги жадвалда келтирилган.

38- жадвал

Ўсимликлар номи	Кўрсатилган pH оралигига ўсади	Ўсиш учун энг қулай pH даражаси
Люпин	4—6	4—5
Зигир	4—7	5—6
Картошка	4—8	5
Буғдой	5—8	6—7
Беда	6—8	7—8

Мұхиттінг, жумладан, тупроқ әритмасида водород ёки гидроксил ионларини оз ёки күп бўлиши, ўсимликларнинг ҳаётий жараёнларига ижобий ёки салбий таъсир этганилиги қуидаги жадвалда келтирилган.

33- жадвал

pH қийматлари

7,5	7,0	6,5	6,0	5,5	5,0	4,5 дан кам
Люпин, картошка, чой ўсимликлари салбий, гўза, беда, ўсимликларига ижобий таъсир этади.	Фалла, дуккакли, полиз ва техник ўсимликларнинг ўсишнига жуда қулай (оптимал) шароит ҳисобланади.	Жавдар, сули ва картошка учун ижобий бўлса, қандлавлагига салбий таъсир этади.	Себарга, карам, маккажўхори ўсимликларнинг ўсишига салбий таъсир этганилигидан тупроқни оҳаклаш зарур. pH 4 дан кичик бўлганда алюминийга чиникчан чой ва люпин яхши ўсади.			
Молибдендан ташқари ҳамма элементларнинг қабул қилиниши сустлашади.	Ҳамма элементларнинг қабул қилиниши активлашади.	Молибдендан ташқари K, Ca, Mg ва микрэлементлар тупроқдан ювилади. Тупроқ заррачаларига фосфор фиксацияланади (ютилади).	Нитрификация жараёни сустлашади. pH 4 дан кичик бўлганда етарли қабул қилинмайди. Тупроқ ва ўғитлар таркибидағи фосфорнинг қабул қилиниши сустлашади.			

А. В. Петербургский, 1971 китобидан олинниб бироз ўзгартирилди.

Тупроқ таркибидаги минерал моддаларнинг шакли: Элементларнинг тупроқ заррачаларига ютилиши

Турли жўғрофия зоналари тупроғи таркибидаги минерал моддалар эритма, кристалл шаклида тупроқ заррачаларига ва тупроқ коллоидларига адсорбициланган ҳолда учрайди.

Эритмалар таркибидаги элементларни ўсимликлар осон ўзлаштирусада, миқдор жиҳатдан улар тупроқда жуда оз бўлади. Кўпчилик элементлар тупроқ заррачаларига ва тупроқ коллоидларига ютилган ҳолда учрайди.

Озиқ моддали эритма тупроқ қавати орқали ўтказилганда, элементларнинг тупроқ заррачаларига адсорбциланиши тупроқниң ютиш қобилиятини, тупроқдаги коллоидларнинг аҳамиятини текширган К. К. Гедройц моддаларнинг адсорбциланиш (ютилиши)ни тубандаги гуруҳларга бўлади:

1. Механик ютилиш. Бирор эритма тупроқ қавати орқали ўтказилганда тупроқ заррачалари оралигидаги майда капиллярларда эритманинг майда заррачалари — суспензия қисми механик равишда ютилиб қолади. Масалан, лойқаланган ифлос сув тупроқ орқали ўтказилса, шу лойқа заррачалари

тупроқдан ўтиб кетмай, балки капиллар бўшлиқларида механик равиша тўпланади — адсорбциланади.

2. Физик ютилиш. Тупроқ заррачалари сатҳида юз тортиш кучи бўлганлигидан, эритма ва газлар таркибидагӣ моддаларнинг молекулалари тупроқ заррачаларига ютилади.

Масалан, тупроқ орқали ранги эритма ўтказилганда тинқ — рангсиз сув томчилари сизиб чиқиши физик ютилиш ҳодисаси борлигини тасдиқлайди. Баъзи ионлар, жумладан NO_3^- аниони тупроқ заррачалари томонидан физик адсорбциланмаганлигидан тупроқ орқали фильтрланиб, еости сувларига қўшилиб кетади. Шуни ҳисобга олиб, нитратли ўғитлар ерга кузда эмас, балки эрта баҳорда ёки экинларни озиқлантириш даврида солинади.

3. Химиявий ютилиш. Тупроқдаги бирималар орасида химиявий муносабат бўлиши сувда эриган моддаларнинг эримайдиган шаклга ўтиши тупроқда химиявий ютилиш қобилиятини ифодалайди. Масалан, калий ёки натрий гидрофосфат (K_2HPO_4 , Na_2HPO_4) тузлари тупроқдаги кальций билан реакцияга киришганлигидан қийин эрийдиган тузларга — $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ га айланиб, фосфор элементи химиявий ютилади.


4. Биологик ютилиш тупроқдаги микроорганизмларнинг кўп-озлигига боғлиқ. Микроорганизмлар ҳаёт фаолиятида органик бирималардан ташқари, минерал элементларга ҳам эҳтиёж сезади. Шунинг учун ерга солинган минерал ўғитларнинг бир қисмини микроорганизмлар ўзлаштириши биологик ютилишни ифодалайди. Биологик ютилиш даражаси микроорганизмлар миқдорига боғлиқ.

Микроорганизмлар нобуд бўлиб, улар таркибидаги органик моддалар минераллашгандан кейин, минерал элементларни мадданий ўсимликлар ўзлаштиради.

5. Физик-химиявий ютилиш тупроқдаги органик (гумус) ва анорганик (лойқа, кремний кислота, темир ва алюминий гидратлари) бирималардан ташкил топган коллоидларга боғлиқ. Ҳар қайси коллоид заррача (мицелла) ўзида электр зарядини сақлайди. Тупроқ таркибида нисбий зарядли мицеллалар кўп бўлганлигидан тупроқ нисбий (—) зарядли хисобланади. Шунга кўра, тупроқ коллоидлари нисбий зарядли анионларга нисбатан мусбат (+) зарядли катионларни ўзига кўпроқ ютади.

Ишқорий тупроқ заррачаларида кальций ва магний катиолари кўпроқ, аммоний ва калий катионлари камроқ адсорбциланади. Кислотали тупроқларда водород, шўрҳок тупроқларда натрий ионлари кўп ютилади.

Анорганик ва органик коллоидларга Са ва Mg ионлари қўшилишидан нейтралланган коллоид зарядлар коагулланиб чўкмага ўтиши тупроқнинг структурасини яхшилайди. Калий, алюминий ва айниқса натрий ионлари тупроқ структурасини бузади. Бу элементлар таъсирида тупроқдаги коллоидлар золь (эрита) ҳолатга ўтади.



78-расм. Тупроқдаги элементларнинг ўрин алмашиш реакциясига кўра ўсимликларга ўтиши; илдиз тўқимасининг тупроқдаги лой (5), гумус (7) ва оҳак (6) заррачаларига муносабатини ифодаловчи схема:

1 — ҳужайраларо парда; 2 — пектинцеллюзда қаватли ҳужайра пўсти; 3 — мөгиз; 4 — цитоплазма ва унинг айланма ҳаракати. Схемада илдиз туккаларидан ажралган катион (H^+) лар ўрнига тупроқ заррачаларидаги катионлар (Ca^{++}) алмашиниши кўрсатилган.

Коллоид заррачаларга ютилган катионлар, ўғит таркибидаги элементлар ва ўсимликлар илдизидан субстратга (тупроқ) ажралган ионлар ўртасида алмашинув реакцияси содир бўлади. Бошқача айтганда, тупроқ заррачаларидаги элементлар ўсимликлардан ажралиб чиқсан катионлар билан ўрин алмади (78-расм).

Тупроқ заррачалари неча грамм катион ютиб олса, деярли шунча катион ажратиб чиқаради. Тупроқдаги ўсимликларга ёки эритмага ўтган катионлар миқдори ўсимликлардан ёки эритмадан ажралган катионлар миқдорига деярли эквивалент бўлади. Масалан, NH_4Cl эритмаси тупроқ орқали ўтказилса, унинг заррачаларига 0,369 г NH_4^+ иони ютилиб, унинг ўрнига 0,343 г Ca^{++} ва 0,044 г Mg^{++} элементлари эритмага ажралиб чиқади.

Тупроқдаги физик-химиявий ютилишнинг хусусияти ўсимликлар учун зарур элементларнинг алмашинувида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Тупроқнинг ютиш қобилияти суфориш суви ва ёғин-сочин суви таъсирида ўғитлар таркибидаги элементларнинг ювилиб кетмаслигини таъминлайди.

Тупроқ заррачалари элементларни боғлаб олиб, тупроқ эритмаси концентрациясининг пасайишига сабаб бўлади. Паст концентрацияли тупроқ эритмаси таркибидаги сувдан ўсимликлар тўла фойдаланади.

Ўсимликларнинг минерал элементларни қабул қилиши. Бактериал резосфера ва микориза

Минерал элементларнинг ўсимликлар тўқимасига ўтиши ва у ерда тўпланиши жуда мураккаб, ҳозирча тўла ҳал этилмаган физиологик жараён. Яқин вақтгача, ўсимликлар тўқимасига элементларнинг ўтиши ва у ерда тўпланиши осмотик ҳодисалар билан транспирация жадаллигига боғлиқ деб тахмин қилиб келинди. Олимларнинг фикрича, транспирация жараёни қанча жадал борса, қабул қилинган элементлар миқдори ҳам шунча кўп бўлар экан. Бундай тушунчага 1892 йилда К. А. Тимирязев қарши чиқиб, уни танқид қилған эди.

Ҳужайрага элементларнинг ўтиши адсорбция ва алмашинув ҳодисаларига боғлиқ эканлигини эътиборга олиб, Д. А. Сабинин ва унинг шогирдлари тубандаги босқичлар бўлишини кўрсатдилар.

Биринчи босқичда ионлар ва катионлар ҳужайра пўстига адсорбциланиб, катион ўрнига катион, анион ўрнига анион алмашинади. Масалан, Д. А. Сабинин ва И. И. Колесов тажрибаларида қўроғошин $Pb(NO_3)_2$ билан тўйинтирилган ўсимликлар 0,25 нормал $CaCl_2$ эритмасига туширилганда, ўсимликлар тўқимасидаги Pb нинг 80% и эритмага ўтиб, Ca билан ўрин алмашган. Бу жараён аста-секинлик билан давом этганилиги қўйидаги жадвал рақамларидан кўринади.

Буғдои илдизлари томонидан ютилган Pb нинг Ca элементи таъсирида сиқиб чиқарилиши

(Д. А. Сабинин, И. И. Колесов.)

40- жадвал

Ютваган қўроғошин	0,25 n $CaCl_2$ эритмасига ботирилган илдизлардан бўшаб чиқсан қўроғошин (Pb), % ҳисобида			
	биринчи	иккинчи	учинчи	жами
(Pb), мг	марта $CaCl_2$ зритмасига бостирилганда			
98,15±2,83	56,12±1,75	13,03±0,25	11,0±0,1	80,15

Иккинчи босқичда ҳужайрага қабул қилинган ионлар цитоплазма оқсилилари билан реакцияга киришади.

Учинчи босқичда илдизнинг эндодерма ва перицикл ҳужайралари орқали ўтган анион ва катионлар ўтказувчи найчаларга томон ҳаракатланади.

Тўртинчи босқичда ўтказувчи найчаларга етиб келган ионлар сув оқими билан ўсимликлар тўқимасига тарқалиб ўзлаштирилади.

Ўсимликлар ҳужайрасининг элементларни қабул қилишида нафас олиш жадаллиги муҳим ўринни эгаллайди. Д. Хоглэнд

ва Бройер (1936) тажрибаларида сув культурасида ўстирилган арпа К ва Вг элементлари қабул қилинганилиги ўрганилган. Эритма орқали ҳаво ўтказилганда илдиз ҳужайралари томонидан Вг ва К кўп, азот ўтказилганда жуда кам ютилганлиги аниқланган. Ўсимликлар илдизларининг нафас олиш жадаллиги ҳам 2 марта камайган.

Нафас олиш жараёнида ажралиб чиққан водород билан тупроқдаги катионлар реакцияга киришиши натижасида водород ташқи муҳитга, тупроқдаги металлар эса ҳужайрага ўтганилигини Зб-бетдаги расмдан кўриш мумкин.

Ўсимликлар илдиз ҳужайрасидан H^+ ва HCO_3^+ ионларидан ташқари, органик ва анорганик кислоталар ҳам ажралиб, сувда эримайдиган моддаларга таъсир этади ва улар таркибидаги элементларни ўсимликлар ўзлаштиришини таъминлайди. Масалан, силлиқ мармартош ўсимлик илдизи ёнида қолдирилса, ўсимликтан ажралган кислоталар таъсирида унинг сиртида чизиқлар пайдо бўлади. Силлиқ тошлар устида лишайниклар ривожланишини ҳам бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўсимликлар минерал элементларни ўзлаштиришида тупроқдаги микроорганизмлар ажратадиган баъзи органик (сирка ва мой) ва анорганик (NH_3 , H_2SO_4) кислоталар ҳам маълум дарражада ижобий роль ўйнайди. Улар ажратган моддалар таъсирида сувда эримайдиган бирикмалар эриб, таркибидаги минерал элементларни ўсимликлар осон ўзлаштиради. Ўсимликлар ҳам, ўз навбатида, микроорганизмлар учун қеракли органик моддаларни етказиб туради. Ўсимликлар билан микроорганизмлар ўртасида симбиотик муносабат бўлиши туфайли илдиз атрофида микроорганизмлар тўпланади. Бу микроорганизмлар тўплами бактериал ризосфера деб аталади.


Бактериал ризосферадаги микроорганизмлар ўсимликин ўстирувчи моддалар, витаминлар ва антибиотиклар билан таъминланиб турганлигини Е. И. Ратнер ва И. И. Колосов (1954) аниқлаганлар.

Ўсимликларнинг илдизлари билан тупроқ замбуруғлари ўртасида қатъий муносабат борлигини Ф. М. Каменский (1881) аниқлаган. Ўсимликлар билан замбуруғлар ўртасидаги симбиотик муносабат микориза (замбуруғ-илдиз) деб аталади. Микориза бир неча хил бўлади.

1. Ички ёки эндотроф микоризада замбуруғлар илдиз ҳужайралари ичida тўпланиб, зич тугунак ҳосил қиласди (79-расм). Бу хилдаги микоризада илдиз тукчаси ўз вазифасини тўла бажаради.

2. Ташқи ёки эктотроф микоризада замбуруғ гифлари (иплари) илдиз учларини ўраб олади ва келажакда илдиз тукчаси вазифасини бажаради. Илдизнинг ўсиши билан замбуруғлардан ҳосил бўлган қин ҳам ўсади.

3. Баъзан эктотроф микоризада замбуруғ гифлари илдиз ҳужайраларида тугунак шаклида тўпланиб, эндотроф



79- расм. Микоризалар:

1 — микоризасыз илдиз бўлғи; 2 — қорақайн илдизидаги микориза; 3, 4 — граб илдизи кўндаланг кесигидаги микориза; а — замбуруғ ҳисобига хосил бўлган қин; 5 — андромеда илдизидаги эндотроф микориза; 6 — замбуруғ гифларининг илдиз ичига жойлашиши; 7 — андромеда илдизининг кўндаланг кесиги ва 7 — узуна кесиги; ə — ичи замбуруғ гифлари билан тўлган ҳужайралар.

микоризага ўхшайди. Бу типдаги микориза экто-эндотроф микориза деб аталади.

4. Перитроф микоризада замбуруғлар илдиз тўқимасидан узоқ масофада бўлсада, тупроқдаги pH даражасини тартибга солиш, яъни буферлик вазифасини бажаради.

Микоризани ташкил этган замбуруғлар ўсимликларга кўрсатадиган ижобий таъсир қуйидагилардан иборат:

а) замбуруғ гифларидан ажралган кислоталар воситасида сувда эримайдиган бирикмалар эриб, ўсимликлар осон ўзлаштирадиган шаклга айланади.

б) замбуруғ гифларидан ажралган ферментлар таъсирида мұрақкаб органик моддалар парчаланади.

в) эктотроф ва эктоэндотроф микоризали ўсимликларда микоризалар ҳисобига илдизнинг сатқи кattalaшади.

Баъзи ўсимликлар ўз ферментлари воситасида эндотроф ва экзоэндотроф микориза гифларини ҳам эритиб юбориб, таркибидағи моддаларни ўзлаштиради. Ўсимликлар ҳам, ўз навбатида, замбуруғларнинг озиқланиши учун зарур углеводлар, ўстирувчи моддалар, витаминлар ва бошқа физиологик актив бирикмаларни етказиб беради.

Эман ниҳоли ўсишига микоризанинг таъсири (П. Б. Раскатов дарслигидан олинди)

41- жадвал

	Микоризали ниҳоллар	Микоризаси ниҳоллар
Ер устки қисмининг узунлiği, см	35,5	17,5
Ер устки қисмининг массаси, г	17,0	3,1
Барглар сони	42,0	12,0
Баргларнинг умумий юзаси, см ²	591,0	98,0
Илдизнинг массаси, г	11,0	4,5

Замбуруғлар ва эман ниҳоли ўртасида вужудга келган симбиотик ҳаёт фаолиятида ўсимликнинг ривожланишига күрсатылған таъсир жадвал далиллари асосида тасдиқланади.

Ўсимликларни ўстиришда ишлатиладыган минерал ўғитлар

Ўсимликларнинг нормал ўсиши ва ривожланиб, ҳосилга киришини таъминлаш мақсадида ишлатиладыган маҳаллий ўғит—гүнг таркибида турли-туман элементлар бўлади. Шунга қарамай, химия саноати таркибида азот, фосфор ва калий бўлган минерал ўғитлар ишлаб чиқармоқда. Саноат корхоналарида ҳар йили қишлоқ хужалигига 155 т ўғит етказиб бериш кўзда тутилади.

Фосфорли ўғитлар сифатида саноатда ишлаб чиқариладиган су-перфосфат — $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$, Na_2HPO_4 , KH_2PO_4 ва Киров, Орлов, Воронеж вилоятларидағи, Коратоғ тоғларидаги қазилма бойликлардан фторапатит — $2\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_3\text{F}$, хлорапатит — $2\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2\text{Cl}$ ва аппатит — $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_3$ каби табиий фосфоритлар кўп ишлатилади.

Табиий фосфоритлар таркибидаги фосфордан кўп ўсимликлар фойдалана олмайди. Улардан фақат илдизлари орқали ўзидан органик кислоталар ажрататган люпин, гречиха каби ўсимликлар фойдаланиши мумкин. Бошқа экинларга фосфорли ўғит сифатида фосфорит солингандан қўшимча равишда физиологик нордон тузлар ишлатиш керак. Баъзи олимларнинг

фикрига кўра, картошкага фосфорит билан бирга аммоний сульфат — $(\text{NH}_4)_2 \text{SO}_4$ қўшиб солингандан ундан олинадиган ҳосил ғектарига 18 ц га ортган. Нитрификация жараёнида ҳосил бўлган нитрит, ва нитрат кислоталар таъсирида фосфорит таркибидаги фосфор сувда эрувчан бирикмага айланаб, ўсимликларга етиб боради.

Фосфор ўсимликлар ўзлаштира оладиган ҳолатга келишида тупроқда яшовчи фосфор бактерияларининг аҳамияти катта. Улар фосфор-органик бирикмаларнинг парчаланишида иштирок этиб, экинларни фосфор билан таъминлайди. Шуни ҳисобга олиб, актив фосфор бактерияларидан «фосфобактерин» деган бактериал ўғит тайёрланади. Уруғ ва дон экишдан олдин «фосфобактерин» ўғити билан дориланади.

Н. С. Авдонин (1942) бир ҳисса суперфосфатга 5 ҳисса тарик қилиғи қўшиб майда доналар (гранулалар) шаклида тайёрланган фосфорли ўғитни полиз экинлари қатор ораларига солишини тавсия этган. Донадор суперфосфат солинган майдонлардан анча юқори ҳосил олинганигини қўйидаги маълумотлардан кўриш мумкин.

42- жадвал

Ўсимликлар тури	Тажриба ўтказилган жой	Донадор суперфосфат солинганда, контролга нисбатан ортиқча олинган ҳосил, га/ц
Карам	Москва	119,1
Помидор	Крым	32,7
Қизилча	Воронеж	55,4
Редиска	Москва	37,4
Шолғом	Москва	38,1

Эслатма: жадвал анча қисқартириб өлинди.

Донадор суперфосфат таркибидаги фосфор сувда эрувчаник хусусиятини сақлаб қолади, шунинг учун ўсимликлар ундан тўла фойдаланади. Натижада ўсимликлар ёш майсаларининг илдизи яхши ривожланиб, қурғоқчиликка чидамлилиги ортади.

Юқорида айтилганлардан ташқари, суперфосфат донадор шаклда солинган, таркибидаги фосфорнинг кўп қисмини ўсимликлар яхши ўзлаштиради. Масалан, ерга донадор суперфосфат солинса, таркибидаги фосфорнинг 70% ини ўсимликлар ўзлаштирган бўлса, куқун ҳолидаги суперфосфат солинганда шолғом унинг фақат 6,3% ини ўзлаштирган, холос.

Бир ғектар экин майдонига етадиган донадор суперфосфат тайёрлаш учун 7—10 кг (P_2O_5 ҳисобида) суперфосфат сарф бўлса, оддий усулда солища 120 кг сарфланади. Шуларни ҳисобга олганда донадор фосфорли ўғит анча афзалликка эга эканлиги кўзга ташланади. Бироқ донадор ўғит ҳамма экинлар учун ҳам бир хилда фойдали бўлавермайди. Масалан, рангўт, хонтал ва ловия каби экинларнинг ҳосилига таъсир этмайди. Фосфорли ўғитлар таъсирида шакар, крахмал ва оқсили миқдори кўпаяди. Каноп, ғўза ва зифир толаларининг узунлиги

ортади, сифати яхшиланади. Қандлавлаги таркибидаги шакар миқдори 2,2% га күпаяди, совуққа чидамлилиги ортади.

Үсимликларга азот, нитрат кислота ёки аммонийли тузлар шаклида солинади. Үзида азот сақлаган ва ўғит сифатида ишлатыладиган бирикмалар тuri жуда хилма-хил бўлиб, үсимликлар турига қараб, уларнинг таъсири ҳам ҳар хил бўлганлигини қўйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

43- жадвал

Үсимликлар тuri	Азотсиз	NaNO ₃	NH ₄ NO ₃	(NH ₄) ₂ SO ₄	Ca(NO ₂) ₂	Ca(CN) ₂	Ca(NO ₃) ₂	NH ₄ Cl
Ғўза	19,5	24,0	23,0	22,7	22,8	22,6	—	—
Қузғи буғдой	16,7	21,8	20,4	20,2	20,3	19,8	21,0	19,6
Қандлавлаги	184	240	221	222	223	217	227	216
Картошка	167	203	204	212	204	208	200	180
Зигир толаси	4,8	7,0	6,4	6,2	6,4	6,4	6,5	5,9

Эслатма: жадвалда келтирилган сонлар га/ц ҳисобида олинган.

Ерни азотга бойитишда минерал ўғитлардан ташқари, азотобактерин ёки азотоген деб аталадиган бактериал ўғитлар ҳам кўп ишлатылади. Бактериал ўғитлар уруғ ва донга қўшиб аралашибтирилади.

Бактериялар нобуд бўлгандан кейин ўзлаштирилган молекуляр азот ҳисобига улар танасида синтезланган азотли органик моддалар минераллашади ва кейин уларни экинлар ўзлаштиради.

Азотобактерин ишлатилганда экинлар ҳосили ортганлиги қўйидагӣ жадвалда кўрсатилган.

44- жадвал

Үсимликлар тuri	Тажриба сони	Контрол	Азотобактерин	Кўшимча ҳосил, % ҳисобида
			солинган ўсимликлардан олинган ҳосил, га/ц	
Карам	19	230	307	33
Помидор	9	168	215	28

Калий 40% ли калийли тузлар— KCl (52—56%), K₂SO₄ (45—50%) ёки табиатда учрайдиган сильвинит KClNaCl (12—15%) ва корналлит KCl·MgCl₂·6H₂O (15—17%) минераллари сифатида ерга солинади. Үсимликлар турига қараб, калий ҳар хил миқдорда ишлатылади. Масалан, галла, зигир ва себаргага камроқ (25—90 га/кг), картошка, қанд лавлаги ва ғўзага кўпроқ (90—300 га/кг) калий солинади.

Химия саноатида минерал-органик ўғитлар донадор шаклда ишлаб чиқарилади. Донадор ўғит минерал ўғитларни гўнг,

Турли хилдаги калийли ўғитнинг ғўза ҳосилига таъсири

45- жадвал

Тажриба вариантлари	1 га майдондан олинган пахта ҳосили, га/ц	К элементи ҳисобига қўшилган ҳосил, га/ц
Калий билан таъминланмаганда	32,3	—
KCl тузи таъсирида	34,8	2,5
K ₂ SO ₄ тузи таъсирида	36,2	3,9

торф ва турли бошқа органик моддалар билан аралаштириб тайёрланади.

Ўғитлар таркибидағи минерал элементларни ўсимликлар бир вақтнинг ўзида ва бирданига қабул қилмасдан, вегетациянинг айрим даврларига кўра, оз ёки кўп қабул қилиши қўйидаги жадвалдан кузатилади.

46- жадвал

Рўзанинг ривожланиш фазалари	Талаб этилган азот, %	Фосфор, %
Чигит унишидан шоналашгача	7	5
Шоналашдан гуллашгача	46	35
Гуллашдан кўсак тугилгунча	44	50
Ҳосил етилишигача	3	10

Ривожланиш фазаларига кўра ғўзанинг азот ва фосфор ўзлаштириши (Б. П. Мачигин маълумоти)

47- жадвал

Ғўзанинг ривожланиш фазалари	Анализлар куни	Фазаларга кўра				Бир кечка-кундуда 1 га майдонда ўзлаштирилган	N P ₂ O ₅		
		азотининг		фосфорининг					
		ўзлаштирилишин							
		га/кг	%	га/кг	%				
2—3 ҳақиқий баргли фазаси	22 V	0,5	0,3	0,06	0,1	0,017	0,002		
Шоналаш	30 VI	19,5	10,2	6,4	8,6	0,48	0,16		
Ёлласига гуллаш	26 VII	55,8	29,2	9,4	12,9	2,14	0,36		
Пахта етилиши бошида	16 IX	91,7	48,9	43,6	59,6	1,76	0,84		
Вегетация охирида	8 X	21,8	11,4	13,8	18,8	0,99	0,63		
Жами	—	189,3	100	73,2	100	—	—		

Эслатма: кўрсатилган сонлар гектар бошига 35—40 центнер ҳосил олишда сарфланган.

Рўзанинг униб чиқишидан шоналашгача азот ва фосфор элементларидан 3—5%, калийдан 2—3%, шоналашдан гуллашгача азотдан 25—30%, фосфор ва калийдан 15—20%, гуллашдан қўсақлар етилгунча азотдан 65—70%, фосфор ва калийдан 75—80% ўзлаштиради.

1 т пахта ҳосили олиш учун азотдан 46, фосфорда 16 ва калийдан 48 кг солиниши керак.

Сули ўсимлигига К ва Са элементлари маълум миқдорда, даврларга мос ҳолда қабул қилинади

48- жадвал

Даврлар	I	II	III	IV	V	Жами
Калий	39%	31%	31%	9%	—	100 %
Кальций	24%	18%	16%	26%	16%	100%

Ўғит сифатида ишлатиладиган минерал элементларнинг физиологик аҳамияти

Ўсимликлар тупроқдан ўзлаштирган N, P ва S элементлари оқсил, витамин, углеводлар, ёф ва бошқа органик моддалар ҳосил бўлишида иштирок этади. Бошқа катионлар эса ўсимликлар ҳаёт фаолиятида юз берадиган жараёнларнинг нормал боришини таъминлаб, физиологик ва биохимиявий жараёнларни жадаллаштиради. Шу билан бир қаторда минерал ўғитлар таъсирида ўсимликлардаги умумий моддалар алмашинуви жараёнлари ўзгариб, бир модда ўрнига иккинчи модда кўпроқ тўпланади. Масалан, тамаки экилган далага нитратли тузлар солингандан, ўсимликлар тўқимасида 3,97% гача лимон кислота тўпланса, аммонийли тузлар солингандан лимон кислота миқдори 0,79% дан ортмаган.

Л. А. Владимиров маълумотига кўра, тамаки ўсимлиги нитратли тузлар билан ўғитланганда таркибидағи шакар миқдори 1,6% ни ташкил этган бўлса, аммонийли тузлар солингандада эса 3,92% гача ортган.

Қўксағиз ўсимлиги нитрат кислота (NaNO_3 , KNO_3) тузлари билан ўғитланганда таркибидағи каучук миқдори 2,23% ни ташкил қилган, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ солингандан 4,63% гача кўпайган. Булардан ташқари, минерал элементлар таъсирида ўсимликларнинг шакли ҳамда жинс белгилари ўзгарганлигини Е. Г. Минин ва Н. А. Саттаров аниқлаганлар. Маълумотларга қараганда, маккажӯҳори ва бодринг ўсимликларида азот етишмаса, урғочи гуллар, калий етишмаса, эркак гуллар камроқ ҳосил бўлади.

В б о б. ЎСИМЛИКЛАР ТҮҚИМАСИДА УЧРАЙДИГАН ОРГАНИК БИРИКМАЛАР, УЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ ВА ҲАРАКАТЛАНИШИ

Ўсимликлар тўқимасида учрайдиган органик бирикмалар

Ҳар қандай тирик организм, шу жумладан, тубан ва юксак ўсимликлар ҳам турли-туман органик бирикмалардан ташкил топган. Бу бирикмалар бир-бирига бевосита боғлиқ бўлганлигидан тирик организмнинг ҳаётий жараёнлари нормал давом этади. Акс ҳолда, яъни бундай ўзаро муносабат бирлиги йўқолса, тирик организм нобуд бўлади.

Ўсимликларда учрайдиган органик моддалар миқдори экинларнинг парвариш қилиниш жойига кўра турлича бўлади. Дарҳақиқат, химиявий анализ далилларига қараганда, буғдой дошидаги оқсил миқдори шимолдан жанубга томон ортиб боради. Масалан, Санкт-Петербург вилоятида ўстирилган буғдой дони таркибидаги оқсил миқдори 14,3% ни ташкил этган бўлса, Українанинг Полтава вилоятида парвариш қилинган буғдой донида 18,95% га бориб қолган. Фарбдан шарққа томон йўналганда ҳам оқсил миқдори ортганилиги кузатилади. Масалан, Белоруссиядаги дон таркибидаги оқсил миқдори 13,32% ни ташкил этса, Иркутск обlastida унинг миқдори 19,95%, яъни 6,63% га кўпроқ бўлганлиги аниқланган.

Грузия республикасида парвариш қилинган кунгабоқар пистасидаги ёғ миқдори 43,8%ни, Новгород вилоятида эса 51,9% ни ташкил этган. Бу далиллар шимолий районларда парвариш қилинган ўсимликларда ёғнинг кўпроқ тўпланганлигидан далолат беради.

Тупроқдаги сув миқдорининг кўп-оз бўлиши ҳам ёғнинг кўп ёки оз тўпланишига кучли таъсир этади. Жумладан, тупроқ таркибидаги сув миқдори, тўла сув сифимининг 40% и бўлганда кунгабоқар пистасида 52,3%, сув миқдори 60% га тенг келганда 58,3% ва тупроқдаги сув, тўла сув сифимининг 80% га кўпайтирилганда ёғ миқдори 62,8% га бориб қолар экан.

Ер шаридаги ўсимликларнинг уруғи ва донида тўпланган моддаларнинг миқдорига кўра, улар ёғли, оқсилли ва крахмали ўсимликлар деб юритилади. Шунингдек ўсимликларнинг қаррийб 90% и ёғли ўсимликлар гуруҳига киради.

Ёғли ўсимликларга кунгабоқар (50%), ғўза (23—25%), канакунжут (50—70%), оқсилли ўсимликларга соя (30%), ловия (23%), люпин (39%), ясмиқ (30%), крахмали ўсимликларга буғдой (65%), маккажӯҳори (70%), шоли (70%) ва сули (50%) ўсимликларини мисол қилиш мумкин.

Органик моддаларнинг ҳар қайсиси ҳужайрада мавжуд бўлган айрим участкаларда — кампартментларда синтезланади. Кампартментлар — ҳужайрадаги эркин бўшлиқлардан цитоплазма ва вакуолни кўрсатиш мумкин. Шу бўшлиқларда ҳосил бўлган ва тўпланган шакар, глюкоза, фруктоза каби мод-

далар ташқи мұхитта чиқарыладын бирикмалардир. Уларнинг ҳаракатланишини ҳужайра мембраналари томонидан назорат қилинмайды.

Марказий вакуолда органик кислоталар, ошловчи моддалар, алколоидлар ва бошқа бирикмалар түпланады. Цитоплазмада эса махсус мембраналар билан ўралған органоидлар үзига хос органик моддаларни ҳосил қилишда реакцион кампартментлар бўлиб ҳисобланади. Жўмладан, сферосомаларда ёғлар, транслосомаларда турли фенол бирикмалари, рибосомаларда оқсилилар синтезланади. Синтезланган юқори молекулали моддаларнинг ҳар қайсиси үзига хос вазифани ўтайди. Масалан, ДНК ирсият белгиларини наслдан-наслга ўтишини ва турли-туман оқсилиларни, шу жумладан оқсил ферментлари ҳосил бўлишини бошқаради.


Ўсимликлар танасидаги органик бирикмалар турли-туман бўлиши билан бирга уларнинг функцияси ҳам хилма-хилдир. Уларнинг баъзилари конституцион модда бўлиб, ўсимликлар танасини ва ҳужайра органларини тузилишида иштирок этади. Бошқалари заҳира озиқ модда сифатида ва физиологик актив бирикма шаклида ўсимликларнинг ҳаёт жараёнидаги моддалар алмашинувида иштирок этади. Аммо ўсимликлар таркибидаги моддалар ўз шаклини ўзgartириб туради. Масалан, заҳира ҳолдаги крахмал, ферментлар таъсирида парчаланиб, нафас олиш жараёнида сарфланиши мумкин ёки заҳира ҳолдаги оқсилиларнинг парчаланишидаги аминокислоталар цитоплазма ҳосил бўлишида иштирок этадиган оқсил бирикмаларига қўшилиб конституцион модда сифатида ўзгаради. Конституцион ҳисобланган моддалар ҳам ферментлар иштирокида парчаланиб, озиқ моддалар қаторида сарфланади.

Хулоса қилиб айтганда, органик моддаларнинг бир турдан иккинчи турга айланиши, яъни ўзгариб туриши тириқ организмлар учун хос ҳодисадир. Масалан, оқсил молекулалари ҳам ҳар 10—15 кунда янгиланиб туради. Тириқ организмлар таркибидаги мураккаб моддалар оқсил табиатли махсус бирикмалар, ферментлар иштирокида ўзгариб туради.

Ферментлар

Ферментлар, яъни энзимлар деб аталган мураккаб органик катализаторлар турли-туман моддалар алмашинувидан содир бўладиган биохимиявий жараёнларни жадаллаштиради. Тириқ организмлар таркибидаги ферментлар борлигини биринчи бўлиб рус олими Г. Н. Кирхгоф (1814) аниқлаган. У арпа майсасидан ажратиб олинган модда таъсирида крахмал парчаланганинги кузатиб, уни амилаза деб атаган.

Пейен ҳам (1833) арпа майсасидан крахмални шакаргача парчалайдиган модда ажратиб олиб, уни емирилиш маъносидаги астаза деб атаган. Шван (1836) ошқозон ширасидан ажратиб олинган ферментга пепсин, А. Я. Данилевский (1862)



80-расм. А — Крик ва Уотсон (1953) тасвирлаган ДНК қүш занжириинің схемаси. Таркибида С ва Н элементларини сақлаган асосларни ифодалайды; Б — бир занжирлі ДНК азот асосларининг иккінчи занжирдагы азот асослари билан водород воситасыда комплементар боғланиши.


ошқозон ости безидан ажратилған суюқликка тұрғасын деб ном берган.

И. П. Павлов (1877) ферментлар оқсил табиатлы бирикмалардир деган эди. Үнинг айтишича, «... улар химиявий жараёнларни идора қилиши натижасыда ҳаёт пайдо бўлади, яъни улар тўла маънода ҳаётни қўзғатувчилар ҳисобланади». Тирик мавжудотлар ҳаётида ферментлар нақадар муҳим функция бажарганигини И. П. Павлов сўзлари тўлиқ тасдиқлайди. Ферментлар махсус бирикмалар эканлигини Р. Вилштеттер (1928) тасдиқлаган. Ферментлар оқсил табиатлы бирикмалар эканлигини Д. Самнер (1926) соя ўсимлиги донидан мочевина ни парчалайдиган, кристалл шаклидаги уреза ферментини ажратиб олган. Айни вақтда юздан ортиқ фермент кристалл шаклида эканлиги аниқланди (80-расм).


Ферментлар, яъни органик катализаторлар, майдаланган темир, платина, никель, палладий каби анорганик катализаторлардан тубандаги белгилари билан фарқ қиласы:

1. Ҳар бир фермент ўзига хос ҳусусиятга эга бўлиб, маълум бир моддага таъсир этади ва унинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишини жадаллаштиради. Масалан, уреаза фақат мочевинанинг парчаланишида иштирок этади.

Уреаза ферменти мочевина $\text{H}_2\text{N}-\text{C}(=\text{O})-\text{NH}_2$ ни сув иштирокида CO_2 ва NH_3 га парчаланишини жадаллаштиради:



Бироқ, уреаза абсолют ўзига хос ферментлар гуруҳига кирса ҳам, оксимочевина $\text{HOHN}-\text{C}(=\text{O})-\text{NH}_2$ ни ҳам гидроксиламиин (NH_2OH), CO_2 ва NH_3 га парчаланишини жадаллаштиради:



Сахараза, малтаза ва лактаза ферментлари ҳам абсолют ўзига хос ферментлар ҳисобланади. Липаза ферменти эса фақат эфир боғларини узишда иштирок этади. Баъзи ферментлар жумладан, пероксидаза бир неча хил пероксидларнинг, шу жумладан, водород пероксиднинг парчаланишини ҳам жадаллаштиради.

2. Ферментлар анорганик катализаторларга нисбатан жуда актив бўлиши билан бирга уларнинг ишлаши учун юқори температура талаб қилинмайди. Кўпчилик ферментлар актив ишлаши учун температура $35-38^{\circ}\text{C}$ оралиғида бўлиши керак.

3. Ферментларнинг миқдори кам бўлишига қарамай, улар иштирокида парчаланадиган моддаларнинг миқдори анча кўп бўлади. Масалан, 1 г сахараза ферменти 48 соатда 1 т шакарни фруктоза ва глюкозага парчалайди. Ўзида 1 атом темир сақлаган каталаза ферменти 1 минутда 5 000 000 молекула водород пероксидни сув ва кислородга парчалайди.

Ошқозонда ишлаб чиқариладиган пепсин ферментининг 2 грами 2 соат давомида 100 кг пиширилган тухум оқсилини парчалаша, ошқозон ости бези иштирокида ишлаб чиқарилган 1,6 г амилаза ферменти 1 кечакундузда 175 кг крахмалини парчалайди.

4. Ҳужайра ичидаги ферментлар миқдори ва тури жуда кўп. Шунга қарамай, улар бир-бири билан қатъий муносабатда бўлиб, ҳар қайси фермент ўзига хос функция бажариши билан бирга бир фермент иккинчи фермент учун зарур субстрат — маҳсулот тайёрлаб беради. Масалан, амилаза ферменти крахмалини малтозагача парчалаб, малтаза ферменти учун зарур бўлган малтоза дисахаридни етказиб туради. Малтаза ферменти малтозани икки молекула глюкозага парчалайди.


Ферментлар	Парчаланувчи модда	1 минутда парчаланган модда молекулалари
От жигаридаги каталаза	H_2O_2	5 000 000
Картошқа фосфорилазасы	Крахмал	10 000
Соя донидан олинган уреаза	Мочевина	46 000
Арпа майсасидаги амилаза	Крахмал	19 000
Молекуладаги сут кислота дегидрогеназасы	Сут кислота	31 000

Глюкозани пироузум кислотагача ўзгариб боришида 11 хил фермент иштирок этади.

Юқорида айтғанлардан маълумки, ҳужайра ичидаги биохимиявий жараёнлар изчиллик билан давом этар экан.

5. Ферментлар анорганик катализаторларга нисбатан жуда мураккаб тузилган. Масалан, оқсил полипептидларни парчаловчи хемотрипсин 246 дона аминокислота молекулаларидан ташкил топган (81-расм). Анорганик катализаторлар катализланувчи (парчаланувчи) моддага тез ва бир вақтда таъсир этиб, уни оддий моддаларга айлантиrsa, ферментлар органик моддаларга маълум бир тартибда ва изчиллик билан таъсир этиб, уларнинг парчаланишини жадаллаштиради. (81-расмдаги б схемага қаранг).

Оддий химиявий реакцияни тезлаштиришда температура, босим ва анорганик катализаторлар қўлланилади. Бундай реакцияларда А моддаси Б моддасига тўғридан-тўғри қўшилиб, реакция қуйидагича бўлади:



Тирик организмларда содир бўладиган биохимиявий жараёнлар маҳсус биологик катализаторлар — ферментлар активлигида юзага келади. Ферментлар иштирокида биологик жараёнлар маълум изчилликда ва бир неча босқичлардан ташкил топганлиги билан оддий химиявий реакциялардан кескин ажralиб турганлиги тубандагилардан иборат:





Ферментатив реакцияларнинг биринчи босқичида фермент реакцияга кирувчи моддага қўшилиб, уни активлаштиргач, яъни бириккач, комплекс бирикма ҳосил қилинади: $A + F \rightarrow AF$.

Иккинчи босқичда фермент иштирокида активлашган модда иккинчи моддага бориб қўшилади: $AF + B \rightarrow AFB$.

Учинчи босқичда ҳосил бўлган комплекс бирикмадан фермент ажralиб, мустақиллигини тиклайди ва янги реакцияларнинг ўтишини активлаштиради:

81-расм. A — хемотрипсин ферменти тузилишидаги полипептид занжирларнинг жойлашishi:

B — фермент (1) билан парчаланувчи модда (2) нинг боғланишидан комплекс модда (3) нинг ҳосил бўлиши. Ҳосил бўлган актив комплекс бирикма (4) дан фермент (5) нинг ажralиши ва гидролиз маҳсулотлари (6) нинг юзага келиши.



АБФ→ АБ + Ф.

Ҳар қандай биохимиявий ёки химиявий реакцияларынг ўтишида реакцияга киришувчи моддаларнинг ўз энергияси бўлади. Лекин шундай энергия етарли даражада бўлмаганлигидан у ёки бу ҳужайрада реакциялар содир бўла олмайди. Демак, реакция содир бўлиши учун қўшимча энергия талаб этилади. Шу қўшимча энергияга активлаштирувчи куч дейилиб, у Е ҳарфи билан ифодаланади.

Ферментлар ёрдамида содир бўладиган реакцияларнинг ўтиши учун сарф бўладиган активлаштирувчи куч (энергия) катализаторсиз ёки анорганик катализаторлар билан ўтганлигига нисбатан кам талаб қилинганлиги жадвалдан кузатилади.

Катализаторсиз, катализаторли ва ферментатив реакцияларни ўтиши учун сарф бўлган активлаштириш (Е) кучи қийматлари

50- жадвал

Реакциялар	Катализаторлар	Е қиймати, Ж/моль
$2 \text{H}_2\text{O}_2 \rightarrow 2\text{H}_2\text{O} + \text{O}_2$	Катализаторсиз Коллонд платина Каталаза ферменти	75,4 49,0 23,0
Сахароза → → глюкоза → фруктоза	Водород ионлари иштирокида Хамиртурушдан олинган сахарараза ферменти	108,6 48,2
Козеин оқсилининг парчаланиши	Водород ионлари иштирокида Трипсин ферменти иштирокида	86,2 17,6

6. Ферментларнинг актив бўлишига муҳитнинг температураси ва pH (кислотали ёки ишқорли) қиймати кучли таъсир этганини жадвал рақамларидан кузатилади.

**Ферментлар фабилиятига температура ва муҳит нордоњлик (pH)
қийматининг таъсiri**

51- жадвал

Ферментлар номи	Температура	pH қиймати
Канакунжут	35	5,0
Баргдаги сахарараза	55	4,5—5,6
Майсадаги амилаза	45	4,9—5,2
Бодомдаги эмульсин	48	6,0
Каталаза	0	7,0
Турушдаги мальтаза	40	6,1—6,8
Целlobиаза	46	5,1
Аспарагиназа	—	8,0

Жадвал рақамларига кўра, баъзи ферментлар паст температурада ва нейтрал шароитда жадаллашса (катализ), бошқа ферментлар учун юқори температура ва кислотали шароитда (буғдой сахаразаси) жадаллашганлиги кўрилади.

7. Ферментларнинг фаолияти SH гуруҳи ва Mp, Mo, Co каби элементлар таъсирида жадаллашади. Булар активаторлар деб аталади. Бироқ оқсилларни коагуллайдиган бирималар таъсирида ферментлар инактивлашади. Бундай бирималар ингибиторлар дейилади. Ингибиторларга қалай, симоб ва бошқа оғир металл тузлари ва танин мисол бўлади. Ўзида темир ва мис тутувчи ферментлар учун цианид кислота (HCN) ингибитор ҳисобланса, Mg тутувчи ферментлар фтор иони таъсирида инактивлашади.

Ферментларнинг жадаллашиши ташқи муҳит омиллари, активаторлар ва ингибиторлар таъсиридан ташқари, ҳужайра цитоплазмаси коллоидларининг ҳолатига ҳам боғлиқ. Академик А. И. Опарин маълумотига кўра ферментлар цитоплазма коллоидларига адсорбциланган ҳолда бўлса, ҳужайрада синтез, цитоплазма коллоидларидан бўшаган ҳолда бўлса, гидролиз жараёнлари жадаллашиб, мураккаб моддалар парчаланади.


Одатда, ферментлар жадаллиги янчилган тўқималарда текширилади. Бундай ҳолатда ҳужайралар шикастланишидан моддалар алмашинуви жараёнларининг изчиллиги ва тартиби бузилади. Ферментларнинг активлиги ҳам ўзгариб қолганлигидан тўла ва етарли маълумотлар олиш қийинлашади. Ўсимликлар тўқимаси янчилганда шу тўқимада фақат гидролиз жараёнларини аниқлаш мумкин, синтез жараёнларини эса ўрганиб бўлмайди.


Шуларни ҳисобга олиб, А. И. Опарин, А. Л. Курсанов ва бошқалар ферментлар жадаллигини ўрганишда ҳужайранинг табиий ҳолатини таъминлаш зарурлигини айтиб ўтдилар. Бу соҳада академик А. Л. Курсанов ишлаб чиққан вакуум инфильтрация усули кенг қўлланилмоқда.

Вакуум инфильтрация усулидан фойдаланган Б. А. Рубин пиёз, карам ва сабзи тўқималаридаги ферментлар жадаллиги билан ўсимликларнинг тез ёки кеч етилиши орасида қатъий — коррелятив муносабат борлигини аниқлаган. Б. А. Рубин ва шогирдларининг маълумотларига кўра, эртапишар навларда гидролиз, кечпишарларда синтез жараёни устун турар экан.

Тирик организмлардаги ферментлар иккита катта гурухга бўлинади:

1. Бир компонентли ферментлар. Бу гурухга кирган ферментлар соғ оқсил молекулаларидан иборат. Улар-





82- расм. Рибонуклеаза ферменти таркибидаги аминокислоталар. Юмалоқ қора доиралар ферменттинг актив гурухини ташкил этган аминокислоталарни күрсатади.

нинг актив гурухи вазифасини оқсил молекуласининг айrim боғлари бажаради. Масалан, пепсин ферментининг актив гурухи тирозин аминокислотаси таркибидаги фенол қисмидир.

α -химотрипсин ферментининг актив гурухи функциясини молекуланинг 195- ўриндаги серин, 57- ўриндаги гистидин, 16- ўриндаги изолейцин, 102- ва 194- ўринлардаги аспарагин аминокислоталари бажаради (81- бетдаги расмга қаранг).

РНК молекуласининг парчаланишини жадаллаштиришда қатнашадиган рибонуклеаза ферментида актив гуруҳ вазифасини 7- ва 41- ўринлардаги лизин, 39- ўриндаги аргинин, 12- ва 119- ўринлардаги гистидин аминокислоталари бажаради (82- расм).

II. Икки компонентли ферментлар икки хил биркмадан тузилган. Уларнинг бири апофермент (ферон ёки апоэнзим) дейилиб, у ферменттинг актив гурухини ўзида сақладиган ўзига хос оқсил молекуласидир. Иккинчи қисми эса кофермент (агон ёки коэнзим) дейилиб, у ферменттинг актив гурухини ташкил этади. Икки компонентли ферментларнинг актив гуруҳида витаминлар қатнашади. Масалан, карбоксилаза ферментининг актив гуруҳида В₁ витамин бўлиб, маҳсус оқсил қисми билан боғланган. Нафас олиш жараёнида қатнашадиган

дегидраза ферментининг актив гуруҳида никотин кислота, яъни РР витамин ўрин олган.

Икки компонентли ферментлар нормал ишлаши учун апофермент билан кофермент қисмлари узвий боғланган бўлиши керак. Ферментлар митохондрий, рибосома, пластилларда ва ҳужайранинг бошқа органоидларида жойлашган бўлсада бошқа хиллари цитоплазмада тарқалган.

Ферментлар классификацияси

Кейинги маълумотларга кўра, тирик организмлар таркибида мавжуд бўлган ферментлар сони 2 мингдан ортиқ эканлиги аниқланган. Ферментларни номлашда субстрат, кофермент ва фермент қайси гуруҳга кирганлиги ҳисобга олинниб, охирига «аза» қўшимчаси қўшилади. Масалан, этил спиртли бижфишда иштирок этадиган дегидрогеназа ферменти алкоголъдегидрогеназа деб аталади.


Бундан ташқари, фақат субстрат номи охирида «аза» қўшимчаси кўп ферментлар учун ишлатилади. Масалан, целлюлозани парчаловчи фермент 1,4-глюкон-4 глюконгидролаза дейилмасдан, соддароқ қилиб, целлюлаза деб аталади. 1962 йилдаги Халқаро ферментлар конгресси якунларига асосланиб, ферментлар олти катта гуруҳга бўлинади.

1. Оксидоредуктозалар

Бу гуруҳга кирган ферментлар нафас олиш ва бижфиш жараёнларида содир бўладиган биологик оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини жадаллаштиради. Бу ферментлар гуруҳига анаэроб шароитда органик бирикмалар таркибидан водород ва электронни ажратиб олувчи дегидрогеназалар, водород ва электронларни бир бирикмадан иккинчи бирикмага ўтказувчи флавин, цитохром, цитохромоксидаза ва пероксидаза ферментлари киради.

а) дегидрогенезаларнинг актив гуруҳини никотинамидадениндинуклеотид (НАД) ёки никотинамидадениндинуклеотидфосфат (НАДФ) ташкил этади. Ферментларнинг никотинамидадениндинуклеотид (НАД) актив гуруҳи икки қисмдан иборат: биринчи қисм фосфат кислота қолдири билан қўшилган никотин кислота амиди (РР витамини), иккинчи қисм аденил кислотадир. Никотинамидадениндинуклеотидфосфат (НАДФ) юқорида айтиб ўтилган бирикмалардан ташқари, аденил кислота таркибига бир молекула фосфат кислота қолдири қўшилиши билан фарқ қилиши қўйидаги формуладан кўринади:


Дегидрогенезалар 200 га яқин бўлиб, уларнинг актив гуруҳи НАД ёки НАДФ дан ташкил топган бўлсада, шу актив гуруҳларни ўзига боғлаган оқсил табиати хилма-хиллиги билан бир-биридан кескин фарқ қиласи. Ўзида актив гуруҳ сақлаган оқсилларнинг молекуласи турли-туман бўлганлигидан ҳар қайси фермент маълум бир бирикмага ўз таъсирини кўр-



Эслатма: 1- никотинамид; 2- рибоза шакари; 3- азот асони аденин.



сатади. Масалан, сут кислотага — лактатдегидрогеназа, олма кислотага — малатдегидрогеназа, изолимон кислотага — изоцитратдегидрогеназа, глутамин кислотага — глутаминдегидрогеназа, глицерин-фосфатга — глицерофосфатдегидрогеназа, глюкозага глюкозо-6-fosfat дегидрогеназа, турли альдегидларга — альдегиддегидрогеназалар дейилади ва ҳоказо.

Дегидрогеназалар барча ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмлар ҳужайрасида учраб, оксидланувчи органик маддалар таркибидаги водород ва электронларни ажратиб олиб, ўзига боғлади. Бу реакция схема тарзида қуйидагича ифодаланади:




Лактатдегидрогеназа ферментининг актив гуруҳи НАД бўлиб, у сут кислотадаги 2 Н ни ўзига боғлаб олиб, сут кислотани пироузум кислотагача оксидлаганлигини қуйидаги тенгламадан кўриш мумкин:

Изоцитратдегидрогеназа ферментининг актив гуруҳи НАДФ. Бу фермент изолимон кислотани оксалат-карабо кислотагача оксидлайди. Тенглама қуйидагича ифодаланади:




Дегидрогенеза ферментлари томонидан боғланган водород ва электронлар ҳаводан қабул қилингандык кислородга бевосита етказиб берилмайды. Бу ферментлар водород ва электронларни флавинлар деб аталган оралиқ ферментларга ўтказиб беришда иштирок этади.

б. флавин ферментлар (флавопротеидлар) ҳам иккى компонентли ферментлар қаторига киради ва ҳар қайси фер-




мент махсус оқсил ва актив гурухдан (B_2 витаминдан) ташкил топган. Флавин ферментларининг баъзилари flavinmononukleotid (ФМН), бошқалари flavinадениндинуклеотид (ФАД) деб аталган актив гурухни ўзида сақлади. Улар химиявий тузилишига кўра бир-биридан анча фарқ қиласди. Масалан, flavinmononukleotid таркибида рибофлавин — B_2 витамин фосфат кислота қолдиги билан бириккан. Flavinадениндинуклеотид (ФАД) деб аталган рибофлавиннинг фосфорли эфири унинг аденил кислота билан бирикишидан ҳосил бўлганлиги формулада келтирилган.

Сариқ рангли рибофлавин — B_2 витаминнинг қўшилишидан flavin ферментлари сариқ-зарғалдоқ тусда бўлади. Уларнинг кўпчилиги НАД ва НАДФ ферментларидан қабул қиласган водородни бевосита кислородга етказиб бермай, балки цитохром системага ўtkазади. Flavin ферментларининг умумий сони 30 тага яқин. Уларнинг дегидрогеназа ферментларидаги водород ва электронларни ажратиб олиши қўйидаги схемада кўрсатилган:



Flavinпротеидлар томонидан қабул этилган водород ва электронлар убихинон оқсили — Q ферментига ўtkазади. Flavin ферменти эса қайтадан оксидланган ҳолатга ўтиб, ўзининг сариқ-зарғалдоқ рангини тиклайди:




Хаводан қабул қилинган кислородни актив ҳолатга олиб келишда зарур бўлган электронларни етказиб беришда цитохром деб аталган бирикмалар борлигини Англиялик олим Д. Кейлин (1933) аниқлади.

Цитохромлар бир неча хил бўлсада, ҳозирча «в», «с», «а» ва цитохромоксидаза ферменти анча чуқур ўрганилган. Ҳар қайси цитохром махсус оқсил ва ўзида темир элементини сақлаган (темир порфирини) актив гурухидан ташкил топганлигидан, улар ҳам икки компонентли ферментлар гурухига мансуб.

Цитохромлар ва цитохромоксидаза ферменти таркибидаги


темир элементи электрон қабул қылса қайтариlgан, йўқотса оксидланган ҳолатга ўтади. Жумладан, 3 валентли темир (Fe^{+++}) иони электронни қабул қылса, 2 валентли темир иони (Fe^{++}) гача қайтарилади.




Агар 2 валентли темир Fe^{++} иони ўзидағи электронни йўқотса, 3 валентли темир Fe^{+++} ионигача оксидланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг тирик организмда содир бўлиб туриши моддалар алмашинуви жараёнларининг изчиллик билан боришини ва маълум бир тартибга бўйсунгандигини тасдиқлайди.

Темирпорфирин ферментлар қаторига каталаза ва пероксидаза ферментларини ҳам киритиш керак. Каталаза ферменти моддалар алмашинуви вақтида ҳосил бўладиган водород пероксидни парчалайди:



Пероксидаза ферменти турли-туман органик бирикмаларнинг водород пероксид иштирокида қўйидаги формулага мувофиқ оксидланишини жадаллаштиради:



Булардан ташқари, оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида ферредоксин каби ферментлар иштирок этади. Улар Ca, Mg, Fe, Cu, Co, Mn ва Zn элементларидан бирини сақлаган мегал-лорганик бирикмалардир.

г) оксидазалар ва оксигенезалар. Оксидазалар ўзига қабул қилиб олган водородни бевосита кислородга етказиб бериш хусусиятига эга. Уларга ўсимлик ва замбуругларда кенг тарқалган полифенолоксидазани мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ферментлар феноллар (гидрохинон, пиракатехин, пирогаллол) таркибидаги электрон ва протонларни ажратиб олиб, кислородга етказиб беради.

Полифенол бирикмаларининг оксидланиши натижасида хинон ва қорамтири рангли бошқа бирикмалар ҳам ҳосил бўлади. Олма, кафтошкани кесганда маълум вақтдан кейин шу жойнинг қорамтири рангга кириши полифенолоксидазанинг фаолиятига боғлиқ.

Тирозиназа ферменти таъсирида оксидланган тирозин аминокислотаси меланин деган қорамтири моддага айланади. Органик моддаларга кислородни бевосита боғловчи баъзи ферментлар оксигеназалар деб аталади.


II. Гидролазалар

Гидролазалар деярли ҳаммаси бир компонентли ферментлар бўлиб, оддий оқсиллар — протеинлар гуруҳига киради. Бу ферментларининг простетик актив гуруҳи вазифасини оқсил мо-

лекуласининг ён занжиридаги OH, SH, CHO ва бошқа боғлар бажаради. Гидролазалар мураккаб углевод, дисахарид, ёф ва оқсилларнинг парчаланишини жадаллашириди. Гидролиз жаёнлари сув иштирокида содир бўлади. Гидролаза ферментлари бир неча гуруҳга бўлинади:

1. Мураккаб эфирларнинг гидролиз реакцияларини тезлаширидан эстеразалар парчаланувчи моддалар табиатига кўра З гуруҳга бўлинади:

а) карбоэстераза ферментларидан липаза тубандаги реакцияга мувофиқ мойларни глицерин ва мой кислоталарга парчалайди:



б) фосфоэстераза, яъни фосфотазалар фосфорли эфирлар таркибидаги фосфат кислота қолдигининг ажралишини жадаллашириди. Бу гуруҳга дезоксирибонуклеаза (ДНК-аза) ва рибонуклеаза (РНК-аза) ферментлари киради.

в) сульфоэстеразалар, яъни сульфатазалар олтингугуртли эфир бирикмаларидан сульфат кислота қолдигини ажратувчилардир.

2. Глюкозидазалар, яъни карбогидролазалар углеводларнинг гидролизланишида иштирок этади:

а) целлюлаза — цитаза ферменти целлюлозани целлобиоза дисахаридгача парчалайди. Ҳосил бўлган дисахарид целлобиаза ферменти иштирокида 2 молекула глюкозагача парчаланади.


б) амилаза — диастаза ферменти крахмални мальтозагача, мальтоза эса мальтаза иштирокида глюкозагача парчаланади.

в) сахараза ферменти шакарқамиш ва қандлавлаги шакарининг глюкоза ва фруктозага парчаланишини жадаллашириди.


г) пектиназа — пектинэстераза ферментлари пектин бирикмаларининг парчаланишини тезлашириди. Аммо мевалар етилишида эримайдиган пектин бирикмаларининг эрувчан пектинга айланишида ферментлар иштирок этганлиги ҳалигача маълум эмас.

3. Амидазалар амидларнинг сув, аммиак ва аминокислоталарга парчаланишини таъминловчи ферментлардир:


а) уреаза мочевинани карбонат ангидрид ва аммиакка парчалайди:



б) аспарагиназа аспарагин амидни аммиак ва аспарагин кислотага парчалайди:



в) глутаминаза глутамин амидни аммиак ва глутамин кислотага парчалайди. Реакция қуидагыча боради:





4. Пептидазалар оқсил ва полипептид молекулаларидаги пептид боғларнинг ажралишини жадаллаштирувчи ферментлардир. Оқсил молекулалари марказида жойлашган пептид боғларнинг узилишида иштирок этган пепсин, трипсин, химотрипсин ва папайотин каби ферментлар эндопептидлар деб аталади.

Карбоксипептидаза, аминопептидаза, дипептидаза ва баъзи катепсинлар оқсил молекулалари занжирининг охирида жойлашган пептид боғларгагина таъсир этадиганлар экзопептидазалар деб аталади.

III. Трансферазалар

Трансферазалар бир органик бирикма таркибидаги айрим радикалларни, маълум боғларни, молекула бўлакларини ажратиш ёки бутун бир молекулани иккинчи органик моддага ўтказиш ва қўшиш вазифасини бажаради. Масалан, метилтрансфераза метил (CH_3) гуруҳларини бир бирикмадан иккинчи биринкмага олиб бориб боғлади:






Тенгламада аминотрансфераза ферменти пироузум кислотага амин гурухини, фосфотрансфераза ферменти глюкозага фосфор кислота қолдигини боғлаганлиги күрсатилган.

Бу синфга пептозилтрансфераза, аминотрансфераза, фосфотрансфераза, ацетилтрансфераза ва бошқа ферментлар мисол бўлади.


IV. Лиазалар (ажратувчи-парчаловчи ферментлар).

Лиазалар органик бирикмалар таркибидаги айрим гуруҳларнинг ажралиш жараёнини жадаллаштиради. Улар 2 боғли бирикмаларга бошқа турли модда молекулаларининг айрим радикалларини ёки гуруҳларини боғлашда иштирок этади. Бу реакцияларда сув ва фосфат кислота иштирок этмаслиги қуйидаги тенгламалардан маълум:


а) карбон-карбоилиаза бирикмалардаги CO_2 гуруҳни ажратиб олишда ёки қўшишда иштирок этади.



б) альдолаза нафас олиш ва бижгиш жараёнларида муҳим ўрин эгаллайди. Бу фермент фруктозадифосфатни қийидаги реакцияга мувофиқ фосфодиоксиацетонга ва фосфоглициерин альдегидига парчалайди ёхуд уларни қўшади:




а) фумаратгидратаза (фумараза) олма кислотадан сув молекулаларини ажратиб олиб, фумарат кислота ҳосил бўлишини жадаллаштиради:




V. Лигазалар (синтетазалар)

Лигаза ёки синтетаза деб аталган ферментлар оддий органик бирикмалар ҳисобига мураккаб органик бирикмаларнинг синтезланишини тезлаштиради. Синтез жараёнлари АТФ молекулалари таркибидаги энергия ҳисобига содир бўлади.

а) аспарагинсинтетаза:




б) пируваткарбоксилаза:



VI. Изомеразалар

Изомеразалар органик моддаларнинг турли-туман изомерлари ҳосил бўлишини жадаллаштиради.


а) триозафосфатизомераза иштирокида 3- фосфоглицерин альдегид фосфодиоксиацетонга ва, аксинча, фосфодиоксиацетон 3- фосфоглицерин альдегидга ўзгариб туради:



б) глюказафосфатизомераза глюказа-6 фосфатнинг фруктоза-6- фосфатга айланишида иштирок этади:


глюказа-6-фосфат глюказафосфатизомераза фруктоза-6- фосфат

в) фосфоглицерат-фосфомутаза анаэроб шароитда 3- фосфоглицерин кислотанинг 2- фосфоглицерин кислотагача ўзгаришини таъминлайди:



Углеводлар

Ўсимликлар танасидаги углеводларнинг ўмумий миқдори қуруқ массасининг 50% ини ташкил этади ва озиқ модда бўлиши билан бирга ўсимликлар ҳужайрасининг тузилишида иштирок этади. Углеводлар углерод, кислород ва водороддан ташкил топган бўлиб, уч гурухга бўлинади:



83-расм. Крахмал доначаларининг шакли.

a — мураккаб донача—сулида; *б* — картошкада; *1* — содда; *2* — ярим муракка; *3* — мураккаб крахмал доначалари; *в* — сутламада; *г* — ёронгул барғ бандида; *д* — ловияда; *е* — маккажұхорида.

1. Оддий углеводлар — моносахаридлар.
2. Олигосахаридлар — биринчи даражали полисахаридлар.
3. Полисахаридлар — мураккаб углеводлар.

Оддий углеводларга 3 углеродли триозалардан глицерин альдегид ва диоксиацетонни, 5 углеродли пентозалардан ксилоза, арабиноза, рибоза ва дезоксирибозани; 6 углеродли, яъни гексозалардан глюкоза, фруктоза, галактоза, сарбоза, маннозаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Моносахаридлар таркибида CH_2OH , CH_3OH гуруҳлар борлигидан улар сувда эриш ва кристалланиш хусусиятига эга.

Олигосахаридлар, яъни биринчи даражали муреккаб углеводлар гуруҳига сахароза, малтоза, целлобиоза лактоза шакарлари киради, уларнинг умумий формуласи $\text{C}_{12}\text{H}_{22}\text{O}_{11}$.

Сахароза глюкоза ва фруктоза молекулаларидан ташкил топган бўлса, лактоза таркибида галактоза ва глюкоза моносахаридлари бўлади. Малтоза ва целлобиоза дисахаридлари иккι молекула глюкозанинг қўшилишидан ҳосил бўлади.


Сахароза ўсимликлар тўқимасида кўп учрайди. Қандлавлаг ва шакарқамиш таркибида сахароза миқдори 20—25% га етади.

Крахмалнинг парчаланишидан малтоза ҳосил бўлади. Целлобиоза клетчатканни ҳосил қилишда иштирок этади. Лактоза сут таркибида кўп бўлади.

Олигосахаридларга чигит ва эвкалипт дарахти таркибида учрайдиган трисахарид — рафиноза киради. Рафиноза фруктоза, глюкоза ва галактоза моносахаридларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Глюкоза, галактоза ва иккι молекула фруктоза қўшилишидан стахиоза тетрасахарид ҳосил бўлади. Стахиоза соя, ясмиқ каби ўсимликлар таркибида учрайди.

Полисахаридлар — муреккаб углеводларга крахмал, цэллюлоза, гемицэллюлоза, агар-агар ва пектин моддалар мисол бўлади. Ўсимликлар тўқимасидаги крахмал заҳира модда бўлиб, у ҳар хил доначалар шаклида учрайди (83-расм). Крахмал йод таъсирида кўкаради.

Крахмал амилоза ва амилопектин деб аталадиган мод-



84-расм. Крахмал молекуласи таркибидаги моддалар:

1 — амилоза 2 — амилопектин биримларининг схематик кўришиши.

далардан ташкил топган. Амилоза иссиқ сувда эрийди ва ѹод таъсирида кўкаради. Амилопектин эса иссиқ сувда эримайди, ѹод таъсирида қизил-бинафша рангга киради, глюкоза молекулари 84- расмдагидек тармоқланиб кетган.

Крахмал таркибидаги амилопектин миқдори 80—90% га етади, қолган 10—20% и амилозага тўғри келади. Крахмал амилаза ферменти таъсирида мальтозагача парчаланади.

Целлюлоза таркибидаги глюкоза молекулаларининг сони 10 000—12 000 донагача етади. Пахта толасининг 90% и ва ёғоч поясининг 50—70% и целлюлоза молекуласидан ташкил топган. Целлюлоза инсон организмида ҳазм бўлмайди. Лекин кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ошқозонида яшовчи бактериялар ишлаб чиқарадиган цитаза ферменти таъсирида парчаланади. Гидролиз жараёнида ҳосил бўлган ди- ва моносахаридларни ҳайвонлар ўзлаштиради.

Инулин ҳам полисахаридлар қаторига киради, у картошкагул (12%), сачратқи илдизида (10%), топинамбур ва кўксағиз каби ўсимликлар таркибида учрайди. Инулин фруктоза молекулаларидан ташкил топган. Лишайникларда глюкоза молекулаларидан ташкил топган лихенин полисахариди учрайди.

Гемицеллюлоза пальма, хурмо, кофе уруғида учрайди. У манноза, арабиноза, ксилоза ва галактоза моносахаридларидан ташкил топган.

Мураккаб углеводларга кирган агар-агар галактоза молекулалари қолдиғидан иборат, унинг таркибида сульфат кислота ҳам учрайди. Бу модда сув ўсимликларидан олинади ва кондитер саноатида, микробиологияяда кўп ишлатилади.

Пектин ўсимликлар мевасида, поясида, тугунакларида учрайди. Пектин ҳужайраларни бир-бирига ёпишириб туришга хизмат қилади. У кондитер саноатида мармелад ва пастила тайёрлашда ишлатилади.

Елим ва шилимшиқлар. Олча ва олхўри каби ўсимликлар танаси шикастланганда галактоза, манноза, арабиноза, ксилоза ва глюкон кислоталардан ташкил топган елим ажралади. Зифир ва жавдар донини ивитганда шилимшиқ модда ажралиб чиқади, унинг таркибида 90% гача пентоза, яъни ўзида беш атом углерод сақлаган моносахаридлар бўлади.

Фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган моносахаридлардан келажакда дисахаридлар, полисахаридлар, органик кислоталар, аминокислоталар, ёғлар, оқсиллар, витаминлар, гормонлар алколоидлар, ошловчи моддалар каби бирикмалар синтезланади.

Ёғлар ва ёғсимон бирикмалар, яъни липоидлар

Сувда эримайдиган ёғлар ва ёғсимон органик моддалар липоидлар деган умумий ном билан аталади. Липоидлар органик эритувчиларда — эфир, бензин, бензол ва ацетонда


осонлик билан эрийди. Улар химиявий тузилишига ва табиатига кўра бир неча гурӯҳга бўлинади.

1. Мойлар. Ўсимликлар турига қараб, таркибидаги мой миқдори ҳар хил эканлигини қўйиндаги жадвалдан кўриш мумкин.

52-жадвал

Ўсимликлар тури	Ёғ миқдори, %	Ўсимликлар тури	Еғ миқдори, %
Буғдоӣ мағзида	7—8	Зигир	37—47
Маккажӯҳори (донида)	40—50	Ерёнгоқ	35—55
Ғўза (чигитида)	17—26	Канакунҷут	45—60
Кунгабоқар	33—57	Қунжут	48—62
Кокос ёнғори	65—72	Қўқнор	45—55

Ёғ молекуласи 3 атомли спирт-глицерин билан (тенгламадагидек) ёғ кислоталарининг қўшилишидан ҳосил бўлади:



Тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталарининг баъзи вакилари тубандаги жадвалда келтирилган.

53-жадвал

Кислота номи	Химиявий формуласи	Эринч температураси, °C
--------------	--------------------	-------------------------

Тўйинган ёғ кислоталари

Мой	$\text{CH}_3\text{CH}_2\text{COOH}$	— 5,3
Капрон	$\text{CH}_3(\text{CH}_2)_2\text{COOH}$	— 4,0
Қаприл	$\text{CH}_3(\text{CH}_2)_6\text{COOH}$	+16,0
Қаприн	$\text{CH}_3(\text{CH}_2)_8\text{COOH}$	+31,3
Лаурин	$\text{CH}_3(\text{CH}_2)_{10}\text{COOH}$	+43,5
Миристин	$\text{CH}_3(\text{CH}_2)_{12}\text{COOH}$	+54,4
Пальмитин	$\text{CH}_3(\text{CH}_2)_{14}\text{COOH}$	+62,9
Стеарин	$\text{CH}_3(\text{CH}_2)_{16}\text{COOH}$	+69,6

Тўйинмаган ёғ кислоталари

Олеин	$\text{CH}_3(\text{CH}_2)_7\text{CH}=\text{CH}(\text{CH}_2)_7\text{COOH}$	+13,4
Линол	$\text{CH}_3(\text{CH}_2)_3-(\text{CH}_2-\text{CH}=\text{CH})_2(\text{CH}_2)\text{COOH}$	-5,0
Линолен	$\text{CH}_3(\text{CH}_2)\text{CH}=\text{CH}(\text{CH}_2)_7\text{COOH}$	-11,0
Арахидон	$\text{CH}_3(\text{CH}_2)_4(\text{CH}=\text{CH}\text{CH}_2)_4\text{COOH}$	-49,5

Линол ва линолен ёф кислоталари инсон ва ҳайвонлар организмида синтезланмаганлигидан улар витамин қаторига қўшилади.

Глицеринга қўшилган ёф кислоталарининг турига кўра турли-туман ёғлар синтезланади. Масалан, канакунжут мойи таркибида 80% рицинол, хонтал ва рапс мойида эрук мой кислотасининг миқдори 55%га бориб қолади.

Тўбандаги жадвалда ўсимликлар таркибидаги мой кислоталар миқдори келтирилади.

54- жадвал

Мой кислоталари	Pахта	Соя	Кунга-боқар	Макка-жӯхори	Зингир	Зайтун	Корамол	Қўй
	мойларидаги, %						ёгида, %	
Пальмитин	20	6	—	15	12	9	34	27
Стеарин	2	4	9	15	12	2	27	31
Олеин	31	22	39	24	19	82	43	36
Линол	40	49	46	61	16	4	2	3
Линолен	—	10	—	—	52	—	0,6	—

Суюқ мойлар таркибида тўйинган мой кислоталарга нисбатан тўйинмаган ёф кислоталари устун туради ва, аксинча, қаттиқ ёғларда тўйинган ёф кислоталари, тўйинмаган ёф кислоталаридан бир неча фоизга ортиқ эканлиги жадвал рақамларидан кўринади.

Мой таркибидаги 1—2% чамасида эркин мой кислоталари, 1—2% фосфотидлар, 0,3—0,5% стеринлар ва витаминлар ўчиради. Мойларнинг сарғиш рангда бўлиши каротиноидларга, нашаш мойининг яшил рангда бўлиши хлорофилл молекулаларида боғлиқ. Мойлар ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ҳаёт жараённида энергетик модда сифатида сарфланади. Бошқа органик моддаларга нисбатан мойлар энергияга бой бўлганлигидан, кўпчилик (90%) ўсимликлар уруғида асосий заҳира бирикма сифатида тўпланади. Дарҳақиқат, 1 г мой оксидланганда 9,3 ккал энергия ҳосил бўлса, 1 г шакар ёки оқсил оксидланганда ажралиб чиқсан энергия 4,1 ккал дан ортмайди.

Тўйинмаган ёф кислоталаридаги қўш боғламларининг кислород билан оксидланиши натижасида альдегид ва ёф кислоталари тўпланиши туфайли ёғлар эскириб ёқимсиз ҳидли бўлиб қолади.

Ёғлар таркибидаги $\text{CH}_3\text{CH}_2\text{CH}$ грухлари кўплигидан улар сувда эримайди, сувда аралаштирилганда эмульсия ҳосил қиласида. Ёғларга ишқор ёки кислота таъсир эттирилганда совунланиш реакцияси туфайли сув иштироқида глицерин ва ёф кислоталарига ёки унинг тузларига гидролизланади.

1 г мой таркибидаги эркин ёки глицерин билан боғланган

мой кислоталарини нейтраллаш учун сарф бўлган КОН миқдори (мг ҳисобида) совуналаниш сони деб аталади.

1 г мой таркибидаги эркин мой кислоталарини нейтраллаш учун сарфланган КОН миқдори мойнинг кислоталик сони дейилади.

100 г мой томонидан боғланган йод миқдорига (г ҳисобида) йод сони дейилади. Бу кўрсаткич воситасида ёф таркибидаги қўш боғларнинг кўп-озлиги аниқланади. Таркибида қўш боғли тўйинмаган ёф кислоталарини сақлаган ёғлар лак, бўёқ ва алифмой ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

Ўсимликларнинг яшаш шароитига кўра тўйинмаган ёф кислоталаридаги қўш боғлар сони кўп-озлигига қараб йод сони ҳар хил бўлади. Масалан, Тошкентда ўсан зифир мойнинг йод сони 154 бўлса, Архангельскда ўсан зифир мойнинг йод сони 195 бўлган.

2. Фосфатидлар ҳосил бўлишида ёф кислоталар билан бирга глицериннинг битта водороди фосфат кислота қолдиги билан ўрин алмаштиради. Фосфатидлар синтезланишида глюкоза, галактоза ва пентоза ҳам иштирок этади. Фосфатидлар оддий оқсиллар билан қўшилиб, липопротеид деб аталадиган мураккаб оқсиллар ҳосил қиласди. Липопротеидлар мағиз, пластида, митохондрий ва рибосомалар таркибида асосий ўринни эгаллади.

Фосфатидларнинг оз ёки кўп бўлиши ўсимликнинг турига боғлиқ эканлиги қўйидаги жадвал маълумотларидан кўринади.

55- жадвал

Ўсимлик	Куруқ модда ҳисоби-га фосфатидлар миқдори, %	! Ўсимлик	Куруқ модда ҳисоби-га фосфатидлар миқдори, %
Соя уруғида Нўхат уруғида	1,6—2,2 1,0—1,1	Бугдой донида Маккажӯхори донида	0,4—0,5 0,2—0,3
Чигитда	1,7—1,8	Кунгабоқар пистасида	0,7—0,8

Таркибида лецитин ёки кефалин сақлаган фосфолипидлар оқсиллар билан бирниб липопротеидларнинг синтезланишини таъминлайди. Ҳосил бўлган липопротеидлар цитоплазма ва мембраналарнинг тикланишида маъсул бирималардир.

Фосфолипидлар таркибида лецитин ва кефалиндан ташқари соя уруғида мио-инозит, маккажӯхори донида церебран деган моддалар борлиги аниқланган.

3. Ёғларда эрийдиган каротиноидлар. Бу гуруҳга кирган бирималар фақат органик эритувчи (спирт, бензин, бензол) ларда эрийди. Масалан, хлорофилл хлорофиллиндикарбон кислотага фитол ва метил спирт қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу

пигменттүрлөрдөн таңбадағы мурасынан шығады. Хлорофиллдан таңбадағы пигменттердің көмегінде олар гурухынан алынады.

4. Стероид ва стероллар юқори молекулалы циклик спирттар билан ёғ кислоталарининг бирикисидан ҳосил бўлади. Стероллар оқсиллар билан бирикиси, цитоплазма таркибида учрайдиган комплекс моддаларни ҳосил қиласи. Масалан, эргостерол бирикмаси ультрабинафша нур таъсирида D₂ витамин ҳосил қилишда иштирок этади.

Стероллар маккажӯхори, буғдой ва шоли донининг муртагида ва турушлар таркибида кўп учрайди. Бу бирикмалар совунланиш реакциясига киришмаганлиги сабабли, уларни бошқа липоид бирикмалардан ажратиб олишда совунланиш реакциясидан фойдаланилади.

Ёғлар ҳосил бўлишида оддий углеводлар муҳим аҳамиятта эга эканлиги устида С. Л. Иванов тадқиқот иши олиб борган. Унинг маълумотига кўра, уруғ ривожланишининг дастлабки босқичида таркибида эрувчан шакарлар ва азотсиз моддалар кўп бўлиб, уруғ етилиш даврида уларнинг миқдори кескин камайиб, унинг ҳисобига ёғлар ҳосил бўлади. Бундай ҳолатни етилаётган канакунжут уруғи мисолида кўриш мумкин.

56- жадвал

Кунлар	Шакарлар. % ҳисобида	Ёғлар. % ҳисобида
7 июля	11,45	7,35
18 июля	11,20	9,30
8 августа	9,49	15,21
18 августа	1,68	45,75


Шакар ҳисобига ёғнинг синтезланиши ўрмон ёнғорининг етилиш жараёнида содир бўлганлиги қўйидаги жадвал далилларидан кўринади.

57- жадвал


Анализ кунлари	Ўрмон ёнғори магзининг таркиби. % ҳисобида			
	мой	глюкоза	сахароза	крахмал ва декстринлар
6 VII	6	7,6	0	21,8
1 VIII	16	2,4	0,5	14,5
15 VIII	42	0,0	0,6	3,2
1 IX	59	0,0	0,8	2,6
4 X	62	0,0	1,6	2,6

Канакунжут уругини текшириб олинган маълумотлар ёғ ҳосил бўлишидаги асосий маҳсулот шакар эканлигини яққол исботлайди. Яқин йилларда таркибида нишонланган углерод (C¹⁴) атомлари сақлаган шакарлар ишлатилган вақтда ҳам

улар ҳисобига ёғ ҳосил бўлиши тўла тасдиқланади. Шакарлар мураккаб ферментлар иштирокида кетма-кет ва изчиллик билан ўзгариши натижасида. ёғ кислоталар ва глицерин синтезланади. ёғ кислоталар билан реакцияга киришган глицерин ҳисобига қуйидаги оддий схема асосида ёғлар ҳосил бўлади:



Моддалар алмашинуви жараёнларида ўсимликлар тўқимасидаги мойларнинг парчаланишини аниқлашда мойли уруғ-



85-расм. Ёғнинг парчаланиш схемаси.

ларнинг ўниш вақтида тажриба ўтказилади. Унаётган уруғ таркибидаги ёғ миқдорининг камайиб боришини муаллиф чигит устида, Мюнц кўкнор устида тажриба ўтказганлар. Муаллиф далилларига кўра, унган чигит мағзи таркибидаги ёғ миқдори қуруқ массасининг 20% ини ташкил этган бўлса, 3 кун ўтгач мағиз таркибида қолган ёғ миқдори 17,1% ва 5 кундан кейин 6,4% ни ташкил этган. Бу ёғнинг аста-секин парчаланиб боргандитини кўрсатади. 191- бетда ёғнинг парчаланиш схемаси келтирилган (85-расм).

Схемага диққат билан қаралса, глицерин ва ёғ кислоталар бевосита моддалар алмашинуви вақтида сув ва карбонат ангидридга парчаланиб кетмай, балки бир қанча оралиқ бирикмалар ҳосил бўлиши кузатилади ва бу жараёнда бир неча хил фермент иштирок этганлиги кўзга яққол ташланади.

Ўсимликлар тўқимасидаги липидларнинг парчаланиши эстепаза гуруҳига кирган ферментлар воситасида рўёбга чиқади. Жумладан, ёғлар липаза ($\text{pH}=3,6$), хлорофилл хлорофиллаза ($\text{pH}=5,9$), фосфатидлар фосфатаза ($\text{pH}=5-6$) ферменти иштироқида парчаланади. Айтиб ўтилган ферментлар актив ишлани учун муҳитнинг pH даражаси 3-6 ва баъзилари учун 8 га (картошкадаги фосфатаза учун) тенг бўлиши керак.

Оқсиллар

Тирик мавжудотлар таркибидаги органик бирикмаларнинг химиявий жиҳатдан энг мураккаби ва биологик энг муҳими оқсиллардир, улар ҳайвонлар ва ўсимликлар тўқимасида минглаб ва миллионлаб бўлиб, оқсил: C, H, O, N, P, S элементларидан ташкил топган.

Тирик мавжудотлар таркибидаги аминокислоталар сони 100 дан ортиқ бўлиб, оқсил ҳосил бўлишида шулардан 20 хил кислота иштирок этади. Хужайранинг цитоплазмаси ва бошқа органоидлари таркибида оқсил асосий ўринни эгаллайди. Г. И. Мульдер (1838) оқсилларга протеинлар деган ном бериб, уларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган эди.


Ўсимликлар турига қараб, оқсил бирикмаларининг миқдори ҳар хил бўлишини қуидаги жадвалдан кўриш мумкин:

58- жадвал

Ўсимликлар тури	Қуруқ модда ҳисобига оқсил миқдори, %
Ловия уруғи	25
Нўхат уруғи	25
Кунгабоқар уруғи	25
Буғдой дони	15
Маккажўхори дони	10
Себарганинг вегетатив органлари	15
Картошка тугунаги	2
Қизилча	1
Қарам	1,5
Бодринг	0,7

Эслатма: картошка, қизилча, карам ва бодрингни анализ маълумотлари шу ўсимликлар тўқимасининг ҳўл массаси ҳисобига олинган.

Оқсил молекуласи турли-туман аминокислоталар комбинациясидан ташкил топган бўлиб, бир аминокислотанинг COOH гуруҳи иккинчи аминокислотанинг NH₂ гуруҳи билан реакцияга кириши туфайли тубандаги реакция асосида пептид (CO—NH) боғлар ҳосил бўлади:



Иккита аминокислотанинг бириклишидан ҳосил бўлган биримма — дипептид глицилаланин деб аталади.


Э. Фишер ва унинг шогирди Е. Абергергальден 18—19 та аминокислотани бир-бирига қўшиш натижасида оқсилларга яқин бўлган полипептид-пептон ҳосил қилган.

Оқсил молекулалари ҳосил бўлишида жуда кўп аминокислоталар қатнашади. Улардан лейцин, изолейцин, лизин, метионин, тирозин, триптофан, фенилаланин, валин, нормалин ва аргинин каби аминокислоталар инсон ва ҳайвонларда синтез қилинмағанлиги сабабли улар тайёр ҳолда ўсимликлардан қабул қилинади.

Аминокислоталарнинг химиявий тузилиши диққат билан кузатилса, уларда кислота (COOH) ва ишқорий (NH₂) гуруҳлар борлиги кўзга ташланади. Бир вақтнинг ўзида кислота ва ишқор хусусиятларини сақлаган моддалар амфотерм бирикмалар деб аталади. Амфотерм хусусиятли аминокислоталарнинг комбинациясидан ҳосил бўлган оқсиллар ҳам амфотерм бирикмалар ҳисобланади. Оқсил бирикмаларнинг амфотермлик хусусияти жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кислотали шароитда улар ўзининг ишқорий хусусиятини юзага чиқарса, ишқорий шароитда кислоталик хусусиятини юзага чиқариб, муҳитни нейтраллашда иштирок этади.

Оқсиллар физик-химиявий хусусиятига кўра, ипсимон (фибрilla) ва юмалоқ (глобула) шаклларда учраб, улар бирламчи, иккиламчи, учламчи ва тўртламчи тузилишга эга. Соч, ҳайвонлар шохи ва туёғи таркибидаги керотин, ипак фибриони ва мускуллар миозинини фибрilla шаклидаги оқсилларга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Глобула шаклдаги оқсиллар ўсимликлар ва ҳайвонлар органларида кўп тарқалган, уларнинг шакли шарсимон, дуксимон ва баъзан нинасимон бўлади.

Аминокислоталарнинг ҳар хил тартибда ва изчилликда бириклиши натижасида ўзига ҳос оқсил молекулалари синтезланади. Алфавит ҳарфларининг маълум тартибда ва изчилликда



86-расм. Оқсил молекулаларини бир, иккى, уч ва тұртламчы түзилиши:

a — аминокислоталарининг кетма-кет пептид ($\text{CO} - \text{NH}$) ко-волеят бөгламлари воситасида оқсил занжирининг ҳосил бўлиши, оқсил бирламчи түзилишининг тасвирланиши; *б* — спирал шаклида жойлашган полипептид занжиринида CO ва H гурӯҳларини водород бөгламлари воситасида бор-ланниши, оқсил иккиласмачи түзилишининг ташкил этилиши; *в* — оқсил молекуласининг учламчи түзилишида үбір неча полипептид занжирларининг фазода үзига хос бирлашишидан коптоқ (глобула) шаклини етаплаши. Бунга мұшак оқсилни многлобин мисол бўлади. Учламчи түзилишдаги оқсиллар водород ва дисульфид бөгламлари билан мустахкам болғандаги. Тұртламчы түзилишдаги оқсил молекула-ларин учламчи түзилишдаги оқсил молекулаларининг бирлашишидан гашкил топған. Масалан, гемоглобин молеку-ласи тұртта мустахкам полипептид занжирининг бирлаши-шидан ташкил топади. Бу полипептид занжирларининг иккитаси α ва иккитаси β спирал полипептид занжирларидир.

жойлашиши натижасида, маълум сўзлар тузилганидек, амино-кислоталар қўшилишидан ҳам пептид бөглар воситасида маълум бир функцияни бажарадиган оқсил биримларни ва ферментлар ҳосил бўлади.

Аминокислоталар қолдигининг маълум изчилликда биринчи натижасида ҳосил бўлган полипептид занжирини бирламчы түзилишдаги оқсил ёки фермент деб аталади.

Бирламчы структуралы оқсил молекуласи пептид ($\text{CO} - \text{NH}$) бөгларидан ташкил топган бўлиб, молекуланинг бир томонида амин (NH_2), иккинчи томонида карбоксил (COOH) гурӯхи жойлашган. Бирламчы структуралы оқсил молекуласи тұғри ип шаклида, унинг ён тармоқлари бўлмайды. Бирламчы оқсилни ташкил этишда ковалент бөглар ($-\text{CO}-\text{NH}-$) ва дисульфид ($\text{S} - \text{S}$) бөглар ҳам учрайди. Бирламчы структу-

ралы оқсил молекуласи асосида, иккиламчи, учламчи ва түртламчи структурали оқсил молекулалари ташкил топади (86-расм).

Оддий ва мураккаб оқсиллар. Оқсил молекулаларининг синтезланиши

Оқсиллар химиявий тузилишигә кўра, оддий ва мураккаб оқсилларга бўлинади. Оддий оқсиллар-протеинлар, мураккаб оқсиллар — протеидлар деб аталади.

Оддий оқсиллар — протеинлар

Булар ўсимликлар уруғида заҳира модда сифатида тўпланади. Протеинлар турли эритувчиларда эриш хусусиятига қараб, ўз навбатида бир неча гуруҳни ташкил этади:

а) альбуминлар сувда эрийдиган оқсиллардир. Улар буғдой донида, ўсимликларнинг яшил тўқималарида кам учрайди. Тухум оқсили таркибида альбумин гуруҳига кирган оқсиллар жуда кўп бўлади;

б) глобулинлар 10% ли NaCl , $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ тузлар эритмасида осон эрийди. Улар ўсимликлар тўқимасида кўп учрайди. Нўхат донида легумин, ловияда фазелин глобулинлари учрайди;

в) проламиналар 70% ли спиртда эрийдиган оқсиллардир. Буғдой донида глиадин, арпа да гордеин, маккажўхорида зеян оқсиллари бўлади;

г) глютелинлар 0.2—2% ли ишқор эритмасида эрийдиган оқсиллардир, улар уруғ қуруқ массасининг 1—3% ини ташкил этади;

д) протаминлар ва гистонлар ҳужайралар мағзида учрайди ва ДНК молекулалари билан боғланган бўлади.

Мураккаб оқсиллар — протеидлар

Оқсил табиатига эга бўлмаган ва простетик гуруҳ деб аталган моддаларнинг оддий оқсиллар билан бирикишидан мураккаб оқсиллар ҳосил бўлади. Мураккаб оқсил унинг молекуласига қўшилган модданинг номи билан аталади ва бир неча гуруҳга бўлинади:

а) липопротеидлар оддий оқсилларга ёғ, лецитин, холистерин, кефалин ва бошқа турдаги липоидлар қўшилишидан ҳосил бўлади. Липопротеидлар цитоплазманинг муҳим компоненти сифатида қатнашади, ўсимликлар тўқимасидаги липопротеидлар ҳозиргача тўла текширилмаган;

б) оддий оқсил молекулаларига глюкоза, манноза, галактоза, гексозамин, глюкурон кислота ва бошқа углеводлар қўшилишидан ҳосил бўлган мураккаб оқсиллар глюкопротеидлар деб аталади. Глюкопротеид (мукоид) ларга тупук таркибидаги муцин, тоғай ва суюк таркибидаги мукоидлар киради;

в) оқсил молекуласига рангли моддалар қўшилишидан хромопротеидлар ҳосил бўлади. Хромопротеидларга хлорофилл ва гемоглобин мисол бўлади. Бу гуруҳга ўзида металл сақлаган каталаза, пероксидаза ферментлари ва цитохромлар қўшилади;

г) оқсил молекуласига фосфат кислота қўшилишидан фосфопротеидлар ҳосил бўлади. Фосфопротеидларга сут таркибидаги казеин оқсили мисол бўлади. Фосфорпротеидлар кам ўрганилган;

д) оқсилларга нуклеин кислоталар қўшилишидан нуклеопротеидлар ҳосил бўлади. Нуклеопротеидлар ҳаёт жараёнда муҳим ўрин эгаллайди. Тирик организмлар таркибидаги мураккаб органик мoddани Ф. Мишер (1868) балиқ спермасидан ажратиб олиб, уни нуклеин деб атаган.

Ҳар қандай тирик мавжудот ҳужайраларида гетероциклик азотли асослар бўлиб, уларнинг баъзилари пурин, бошқалари пиридин деб аталган бирикмалар ҳисобига ҳосил бўлади. Пуриннинг химиявий ўзгаришидан аденин ва гуанин, пиридиндан цитозин, урацил ва 5-метилцитозин асослари ҳосил бўлади. Ўсимликлар ҳужайрасида ўзида 5 атом углерод сақлаган рибоза ва дезоксирибоза шакарлари ҳам бор.

Пиридин ёки пурин асослари рибоза ёки дезоксирибоза шакарлари билан қўшилишидан ҳосил бўлган аденоzin, гуанозин, уридин, цитидин, тимидин ва 5-метилцитидиндан нуклеозитлари ҳосил бўлади.

Пурин ва пиридин асослари деоксирибоза шакари билан қўшилишидан ҳосил бўлган нуклеозитлар дезоксиаденоzin, дезоксигуанозин, дезоксицитидин, 5-метилдезоксицитидин ва тимидин деб аталади.

Нуклеозитлар таркибига фосфат кислота қолдиғи қўшилишидан нуклеотидлар ҳосил бўлади. Бу кислоталар ҳам ассонони билан, яъни аденил кислота, гуанил кислота, цитидил кислота, уридил кислота ва тимидал кислота деб аталади.

Нуклеотидлар нуклеин кислоталар синтезланишида иштирок этадиган мономерлардир. Мономерлар қўшилишидан нуклеин кислоталардан рибонуклеин (РНК) ва дезоксирибонуклеин (ДНК) молекулалари ҳосил бўлади. Улар ўртасидаги муҳим фарқлар қўйидаги жадвалда келтирилган.



59. жадвал

Нуклеотидлар ҳосил бўлиши да иштирок этадиган азотли асослар	РНК		Нуклеотидларнинг ҳарфлар билан ифодаланиши
	таркибидаги нуклеотидлар	ДНК	
Аденин	аденил кислота	дезоксиаденил кислота	A
Гуанин	гуанил кислота	дезоксигуанил кислота	Г
Цитозин	цитодил кислота	дезоксицитидил кислота	Ц

Нуклеотидлар ҳосил бўлиши-да иштирок этадиган азотли исослар	РНК	ДНК	Нуклеотидларнинг ҳарфлар билан ифодаланиши
	таркибидаги нуклеотидлар	—	
Урацил	уридил кислота	—	У
Тимин 5- метилцитозин		тимидил кислота 5- метилдезоксици-тидил кислота	Т МЦ


Хужайрадаги нуклеотидлар фақат РНК ва ДНК молекулалари ҳосил бўлиши учун сарфланмай, балки уларга фосфат кислоталар қолдиги қўшилиши натижасида ўзида 2-фосфат кислота қолдиги сақлаган АДФ ва 3-фосфат кислота қолдиги қўшилган АТФ молекулалари ҳам ҳосил бўлади. Нуклеотидга бир молекула фосфат кислота қолдиги қўшилиши натижасида АДФ молекуласида макроэргик боғ ҳосил бўлади. Бу макроэргик боғ энергияга бой бўлиб, АДФ молекуласидан фосфат кислота қолдиги ажралганда 8—10 минг калория энергия бўшаб чиқади.

АДФ молекуласида битта, АТФ молекуласида иккита макроэргик боғ бўлади. Уларнинг химиявий структураси қўйида-гича:



Шу тарзда макроэргик боғли 2 ва 3-фосфат кислота қолдиги сақлаган бирикмаларда гуанозин, цитидин ва уридиннинг икки ва уч фосфатлари молекулалари бўлиб, улар ГДФ, ГТФ, ЦДФ, ЦТФ ва УДФ, УТФ ҳарфлар билан ифодаланади.

Макроэргик боғ фақат АДФ ва АТФ молекулаларида бўлмай, балки фосфоенолпироузум кислотада



ва ацетилфосфат $\text{CH}_3 - \underset{\text{O} \sim \text{P}}{\text{C}} - \underset{\text{O}}{\overset{/\!}{\text{C}}}$ таркибида ҳам учрайди.

ДНҚ молекулалари ҳосил бўлишида иштирок этган нуклеотидлар сони кўп бўлганлигидан, уларнинг молекула массаси бир неча юз мингдан бир неча миллион бирлигача етади. Масалан, бактериум Коли ДНҚ молекуласининг узуцлиги 1,1 мм бўлиб, массаси $2,8 \cdot 10^9$ га teng келганлигини Керне аниқлаган.

ДНҚ молекуласи эшилган иккита тасмага ўхшашиб бўлиб, биринчи тасмадаги аденин (А) асоси иккинчи тасмадаги тимин (Т) асосига цитозин (Ц) асоси гуанин (Г) асосига рўпара туриши — комплементлар бўлиши ДНҚ молекуласининг муҳим омили ҳисобланади. Уларни схема тарзида қўйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчи тасмадаги нуклеотидлар: А А Г Т Г Г Т А Т ва ҳоказо.

|| || || || || || || ||

Иккинчи тасмадаги нуклеотидлар: Т Т Ц А Ц Ц А Т А ва ҳоказо.

Аденин билан тимин асоси иккита, цитозин билан гуанин асоси учта водород кўприкчалари воситасида боғланган бўлади. Уларнинг ҳаммаси юқорида келтирилган.

Хўжайранинг бўлинишида ДНҚ молекуласининг эшилган тасмаси иккита тасмани қўшиб турган водород кўприкчалари ДНҚ полимераза ферменти таъсирида ажralгандан кейин уларнинг ҳар қайси ўз мустақиллигини эгаллайди. Мустақил қолган ҳар қайси тасма ҳўжайра цитоплазмасида ҳосил бўлган нуклеотидлар ДНҚ молекуласи тасмасида ўзига хос жойлашган иккита эшилган янги ДНҚ молекулалари синтезланаб, қиз ҳўжайраларга баравар тақсимланади. Янгидан ҳосил бўлган ДНҚ молекуласи тасмасининг бири эски, иккинчиси эса янги синтезланган тасмадир.

Оқсиллар синтезланнишида ДНҚ молекуласи бевосита қатнашмасада, у тирик мавжудотлардаги оқсил молекуласи қандай ва қайси аминокислоталар ҳисобига ҳосил бўлишини ифодалайди. Оқсиллар турини аниқлашда ДНҚ молекуласи асосида маҳсус хабарловчи — информацион РНҚ (и-РНҚ) ҳосил бўлади. ДНҚ тасмасидаги нуклеотидлар қандай жойлашган бўлса, унинг нусхаси тўлиқ ва ўзгармасдақ и-РНҚ молекуласига кўчирилади. Шунга қарамай, ДНҚ молекуласидаги тимин асоси ўрнини и-РНҚ да урацил асоси эгаллаши билан ДНҚ дан бир оз фарқ қиласди. Ҳар қайси оқсил учун маҳсус и-РНҚ ҳосил

бўлади. Бошқача айтганда, и-РНК сони тирик мавжудотларда синтезланадиган оқсиллар турининг сонига мос келади. Оқсилнинг турига қараб, и-РНК бир неча юзта ва ҳатто, мингта нуклеотиддан ташкил топган бўлиб, унинг молекуляр массаси миллион бирликкача етади.


и-РНК молекуласи тасмасидаги оқсилнинг синтезланиши учун зарур бўлган аминокислоталар турини ва уларнинг жойлашиш тартибини ифодалашда З та асоснинг бош ҳарфлари олинади. Булар кодон ёки кодон дейилади.

ДНК даги нуклеотид жойлашиш тартибининг и-РНК га терилиши транскрипция деб аталади. ДНК тасмасидаги нуклеотидлар асосида ҳосил бўлган и-РНК мағиз пўстидаги оралиқлардан чиқиб цитоплазмадаги рибосомаларга бориб жойлашади.

Рибосомалардаги нуклеин кислота рибосома и-РНК дейилиб, қисқача р-РНК шаклда ифодаланади. р-РНК 4—6 000 нуклеотиддан ташкил топган бўлиб, унинг молекуляр массаси 1,5—2 миллионга teng. Рибосомалар таркибида 60% РНК ва 40% маҳсус оқсил бўлиб, улар оқсиллар синтезланишини идора қилишда мъясудлар.

Рибосомаларда жойлашган и-РНК тасмасидаги муайян аминокислоталарни етказиб туришда ҳужайрада ўзига хос ташувчи — транспорт РНК молекулалари ҳам мавжуд. Бундай РНК молекулалари т-РНК шаклида ёзилади. т-РНК молекуласининг массаси 25—35 минг бирликдан ошмайди. Унинг таркибидаги нуклеотидлар сони 60—90 дона оралиғида, т-РНК сони оқсиллар синтезланишида иштирок этадиган аминокислоталар сонига teng. Шунга кўра, ҳар қайси аминокислотанинг ўзига хос т-РНК си бўлади (87-расм).

т-РНК нинг ҳар бир аминокислотани ўзига боғлаб олиш хусусиятини аниқлашда З та ҳарфдан иборат белги ишлатилади. Белгиларни аденин, гуанин, урацил ва цитозин азот асосларининг бош ҳарфлари билан кўрсатиш қабул қилинган. Ҳар қайси т-РНК қандай аминокислотани боғлаб олиши ҳар хил



87-расм. т-РНК молекуласи тузилишининг схемаси.

нисбатда жойлашган учта азот асосининг бош ҳарфлари билан ифодаланганлигини қўйидаги жадвалдан кўриш мумкин.


60- жадвал

Аминокислоталарнинг		Аминокислоталар кодини ифодалайдиган азот асосларининг жойлашиш тартиби
тўлиқ номи	қисқартирилган номи	
Аргинин	Арг	АГГ АГА ЦГУ ЦГЦ ЦГА ЦГГ
Аспарагин	Аспи	ААУ ААЦ
Аспарагин к-та	Асп	ГАУ ГАЦ
Аланин	Ала	ГЦУ УЦЦ ГЦА ГЦГ
Глутамин	Глун	ЦАА ЦАГ
Глутамин к-та	Глю	ГАА ГАГ
Глицин	Гли	ГГУ ГГЦ ГГА ГГГ
Цистеин	Цис	УГУ УГГ
Гистидин	Гис	ЦАУ ЦАЦ
Изолейцин	Изе	АУУ АУГ АУА АУГ
Лейцин	Лей	ЦУЦ ЦУА ЦУГ УУА УУГ
Метионин	Мет	АУГ
Валин	Вал	ГУУ ГУЦ ГАУ ГУГ
Лизин	Лиз	ААА ААГ
Фенилаланин	Фе	УУУ УУЦ
Серин	Сер	УЦУ УЦЦ УЦА УГГ
Пролин	Про	ЦЦУ ЦЦЦ ЦЦА ЦЦГ
Треонин	Тре	АЦУ АЦЦ АЦА АЦГ
Триптофан	Три	УГА УГГ
Тирозин	Тир	УАУ УАЦ УАА УАГ

Жадвалга эътибор берилса, аргинин 6, лейцин 5, аланин, глицин, изолейцин, валин, серин, пролин, треонин ва тирозин 4, метионин эса 1, қолган аминокислоталар 2 хил белги билан ифодаланганлиги кўзга ташланади. Аминокислоталарнинг баъзилари бир неча хил белги билан ифодаланиш сабаблари ҳали аниқланмаган.


и-РНК тасмасида ҳам аминокислоталар қандай тартибда ва изчилликда, жойлашганлигини аниқлашда 3 та азот асоси бош ҳарфларидан иборат белгилар кўрсатилиши айтиб ўтилди. Бу белгилар т-РНК даги белгиларга қарама-қарши бўлганлигидан т-РНК белгиси антикод ёки антикодон деб аталади. Масалан, и-РНК молекуласи тасмасида УУУ ҳарфли кодга ААА антикодли т-РНК, ГАУ ҳарфли кодга ЦУА антикодли т-РНК ўз аминокислотасини биритира олади. Бошқа турдаги антикодга эга бўлган т-РНК нинг аминокислотасини и-РНК ўзига боғламайди. Бирор кўчли омил таъсирида боғланниб қолганда эса ўсимлик ирсий белгиларининг ўзгаришига сабаб бўлади.

и-РНК тасмасидаги аминокислоталар ўзига хос жойлашиб, ўзаро боғлангандан кейин рибосомаларда ёки полисомаларда ҳосил бўлган полипептид (оқсил) молекулалари бўшаб чиқиши билан умумий моддалар алмашинуви жараёнларида фаол қатнашади. Қўйида оқсил синтезининг схемаси келтирилган (88-расм).




88- расм. Оксилнинг синтезланиш схемаси.

Схемага кўра, аминокислота ва т-РНК молекулалари и-РНК тасмасига бориб жойлашишидан олдин фаол ҳолга келади. Бунда дастлаб АТФ даги макроэргик боғлар энергияси ҳисобига ва маҳсус аминоацил т-РНК синтетаза ферменти воситасида аминокислота активлашади, яъни пептид боғлари ҳосил қилиш учун зарур энергияга эга бўлади. Реакция қуийдагича боради:



Кейинчалик аминокислота жадаллашгандан кейин т-РНК аминоацилденилат ферменти билан реакцияга киришади. Фаол аминокислота билан т-РНК ўртасидаги ўзаро муносабат қуидаги тенгламада келтирилган:



Кейин АМФ молекуласидаги АДФ ва АТФ молекулалари тикланса, бўшаб чиқсан аминоацил т-РНК синтетаза ёки бошқача айтганда рН-5 ферменти аминокислоталарнинг янги молекуласини жадаллаштиришда қатнашади.

Витаминлар

Үсімликлар тұқымасыда оқсил, углеводлар ва ёғлардан ташқари, жуда оз миқдорда витаминалар борлығини ва улар одамлар, ҳайвонлар, үсімликлар ҳаётида мұхим ўрин әгаллашыни рус олими Н. И. Лунин (1880) анықлаган. Қейінчалик поляк олими Қазимир Функ (1912) цинга, рапид ва пеллагра касалликлари айрим моддалар етишмаслығы натижасыда келиб чиқишини кузатган ва уларни «ҳаёт» деган мағынада vita деб атаган. Витаминалар етишмаслығидан келиб чиқадиган касалликлар а в и т а м и н о з деб аталади.

Витаминалар мураккаб тузилган бўлиб, таркибидан С, Н, О, N элементларидан ташқари, Cl, Co ва бошқалар ҳам учрайди. Кўпчилик ферментларнинг фаол гуруҳи таркибини витамин ташкил этади. Витаминаларнинг 30 га яқин тури бўлиб, шулардан 20 таси энг мұхим ҳисобланади.

А ва Д витаминалар үсімликлар тұқымасыда бўлмаганлиги сабабли провитаминалар деб аталади. Провитаминалар инсон ва ҳайвонлар органига қабул қилингандан кейин витамина айланади.

Витаминалар ва провитаминалар үсімликларнинг яшил баргларида, меваларида ва бошқа органларида кўп тўпланади. Битаминалар ёғларда ва сувда эрувчанлигига кўра икки гуруҳга бўлинади.

Ёғларда эрувчан витаминаларга А (ретинол), Д (эргоальциферол), Е (токоферол) ва K (филлохинон) витаминалар киради. Инсон ва ҳайвонларнинг ингичка ичагидаги маҳсус фермент воситасыда үсімликлардан қабул қилинган каротиннинг парчаланишидан ретинол ($C_{20}H_{29}OH$) деб аталган А витамин ҳосил бўлади. Қовоқ, сабзи, беда ва зарғалдоқ рангли бошқа меваларда каротин кўп бўлади, балиқ мойи ва моллар жигари ҳам ретинолга бойдир. А витамин етишмаса шапқурлик касаллиги пайдо бўлади. Инсон ва ҳайвонларнинг ўсиш жараёнлари сусаяди.

Эргоальциферол (Д витамин — $C_{28}H_{44}O$) провитамин ҳисобланади. Үсімликлар таркибидаги эргостеринни инсон ва ҳайвонлар қабул қилгандан кейин ультрабинафша нурлар таъсирида Д витаминга айланади. Д витамин етишмаса, кальций ва фосфор элементлари ўзлаштирилмаганлигидан сүяк тұқымалари юмшаб, болаларда рапид касали пайдо бўлади.

Токоферол (Е витамин — $C_{29}H_{50}O_2$) гўшт, тухум, сут, нўхат, ловия донида, зигир ва пахта мойлари таркибидан кўп бўлади. Е витамини етишмаса эркакларда спермий етилиши сустлашади, аёлларда эмбрионни ташлаш ҳодисалари кузатилади.

Филлохинон (K_1 витамин — $C_{11}H_7O_2 \cdot C_{20}H_{39}OH$ ва K_2 витамин $C_{11}H_{12}OH \cdot C_{36}H_{42}OH$). Үзіда фитол ($C_{20}H_{39}OH$) сақлагани K_1 дефорнизил ($C_{36}H_{42}OH$) сақлагани K_2 витамины дейилади. Филлохинон беда, қичитқитикан, исмалоқ ва бошқа үсімликлар тұқымасыда учрайди. Филлохинонлар қон ивишини

таъминловчи протромбин оқсилиниң ишланиб чиқишига таъсир этади.

Сувда эрувчи витаминларга аскорбин кислота (C), тиамин (B₁), рибофлавин (B₂), никотинамид кислота (PP) ва бошқалар киради.

Аскорбин кислота (C витамин — C₆H₈O₆) наъматақ мевасида, етилган ёнғоқ мағзида, гармдорида, укроп, пиёз ва бошқалар таркибида кўп бўлади. Аскорбин кислота сорбит шакаридан синтезланади. Агар бу кислота етишмаса, милклар яллигланади, тишлар тушади, қон капиллярлари ва майдатомирлар девори мўртлашиб, ёрилишидан тана бўшлиқларига қон оқиб чиқиши кузатилади. Аскорбин кислота нафас олиш жараёнидаги оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида фаол қатнашади. У одам, маймунлар ва денгиз чўчқаларидан ташқари, ҳамма ҳайвонлар танасида синтезланади.

Мева ва сабзавотларнинг камлигидан куз ва қиши фаслларида, узоқ вақт давомида витамили озиқларни қабул қила олмаганликларидан Шимолий районларда цинга касаллиги келиб чиқишига сабаб бўлади. Жан Қартье (1535) саёҳатчиларидан 100 та матрос цинга билан касалланиб, уларнинг 25 таси ҳалок бўлган. Қолган ўлим ҳолидаги беморлар қарағайнинг барг сувини ичиши натижасида улар соғайган. Саёҳатчи Лантев (1736) Шимолий денгиздан йўл солишга йўналганда цинга касаллигининг олдини олиш мақсадида қарағай барг ширасини ишлатган. Саёҳатчи Кузенштерн (1803) цингадан сақланиш учун Камчатка аҳолисига ёввойи саримсоқ, шумурт ва сельдерейни истеъмол қилиш зарурлигини айтган. Россияда 1490 йилда 260 минг 444 аҳоли цинга билан касалланган. Шулардан 70 минг киши ҳалок бўлган.

Тиамин (B₁ витамин — C₁₂H₁₇N₄SO·HCl) қуруқ турушларда, соя, ловия донида, шоли, бугдой, арпанинг сиртқи қобиғида кўп бўлади. Тиамин карбоксилаза ферментининг фаол гурухини ташкил этади. Агар тиамин етишмаса, бери-бери касаллиги пайдо бўлади. Бу касалликда марказий ва периферик нерв системаси тўқималари ишдан чиқади. Бери-бери касаллиги кўпинча Хитой, Япония, Бирмада ва Шарқдаги бошқа мамлакатларда кенг тарқалган.

Ява ва Модур оролларида 1896 йилда қамоқхонада ётган 279 623 маҳбусдан бери-бери (марказий ва периферик нерв системаси) билан касалланган 8400 киши ўлган. Англиянинг Гонконг колониясида 1941 йилда 350 000 аҳолидан 10 000 таси бери-бери билан касалланиб, шулардан 1000 таси ҳалок бўлган. Японияда (1920—1929) 200 000, Америкада (1917) 160 000, 1930 йилда 250 000 киши бери-бери билан касалланиб, уларнинг кўпчилиги ҳалок бўлган.

Рибофлавин (B₂ витамин — C₁₇H₂₀NO₆) жигар, мускулларда, буйракда, мияда, тухум, сут ва чигит кунжараси таркибида кўп бўлади. Рибофлавин фосфат кислота билан кўшилган ҳолда (фосфат кислота шаклида АТФ молекуласи

билин қўшилиб) сариқ рангли флавин мононуклеотид ва флавин адениндинуклеотид (ФАМ ва ФАД) ферментларининг фаол гурӯҳини ташкил этади.

Рибофлавин етишмаса, паррандаларнинг тухум қўйиши сустлашади ва улар фалажланиб нобуд бўлади.

Никотинамид кислота (РР витамин — $C_6H_5O_2N$) гуруч, картошка, сабзи, гўшт таркибида кўп учрайди. Никотин кислотанинг амид шакли дегидрогеназа ферментининг фаол гурӯҳини ташкил этади. РР витамин етишмаса, оғиз бўшлифи, тил ва тери яллиғланади. Нерв фаолияти сусаяди, одамнинг ақли пасаяди.

Юқорида' баён этилганлардан ташқари, пиридоксин (B_6), биотин (H), пантотен кислота, фолий кислота (B_c), цитрин, флавон (P) ва таркибида CN ҳамда Со элементи сақлаган антианемик (B_{12}) витаминлар ҳам ҳаёт учун зарур эканлиги аниқланган.

Инсон ва ҳайвонларга витаминлар ниҳоятда зарур бўлиб, ўсимликларнинг ўсиши ривожланиши ва моддалар алмашинуви жараёнлари давом этиши учун муҳим органик бирикмалар бўлиб ҳисобланади. Кўпина витаминлар (аскорбин кислота) оксидланиш-қайталиш реакцияларида қатнашиб, фотосинтез жараёнини, углеводларнинг ўзгаришини, ассимилятлар ҳаракатланишини ва гулнинг уруғланиш жараёнини фаоллаштиради. Аминокислоталар, оқсил, органик кислоталар, оқсил синтезланишида ҳамда илдизлар ривожланишини жадаллаштиришда тиамин ва никотин кислота муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Тиаминда ивитилган чигитнинг униши тезлашганлигини Л. А. Полянская, А. К. Носов ва И. С. Овчаров (1963), ғўзанинг шўрхокка чидамлилиги ортганлигини Б. П. Строганов (1949) аниқлаган.

Моддалар алмашинуvida ҳосил бўлган иккинчи даражали органик бирикмалар

Ўсимликлар тўқимасида ҳосил бўладиган органик моддалар иккинчи даражали ҳисоблансада, лекин ҳаммаси ҳаёт жараёнларининг нормал боришида катта аҳамиятга эга. Уларнинг баъзилари айрим ўсимликларда кўп миқдорда тўпланса, бошқаларида эса кам миқдорда тўпланади.

Иккинчи даражали органик бирикмаларга органик кислоталар, глюкозидлар, ошловчи моддалар, алколоидлар, эфир мойлари, смолалар, ўстирувчи гормонлар, антибиотиклар, фитонцидлар, каучук, ранг берувчи ва бошқа турли бирикмалар киради.

Органик кислоталардан чум оли кислота ($HCOOH$) малина, олма меваларида учрайди, у ўткир ҳидли бўлади.

Сирка кислота (CH_3COOH) сирка кислотали бижғишини қўзғатувчи, мой кислота ($CH_3CH_2CH_2COOH$) мой кислотали бижғишини қўзғатувчи ва сут кислота сут кислотали бижғишини қўзғатувчи бактериялар томонидан кўп миқдорда ишлаб чиқарилади. Улар бошқа ўсимликлар тўқима-

сида оз учрасада, лекин уларнинг ҳаёти учун жуда зарур бирикмалар қаторига киради.

Пироузум (CH_3COCOOH), оксалат (HOOC COOH), қаҳрабо ($\text{HOOC CH}_2\text{CH}_2\text{COOH}$) вино ва лимон ($\text{HOOC CH}_2\text{HOOC COH CH}_2\text{COOH}$) кислоталари ҳамма ўсимликларда учрайди ва нафас олиш, бижғиши жараёнларида оралиқ модда сифатида ҳосил бўлади. Шулардан оксалат кислота ровоч ва шўракларда; вино кислота узум, тут, помидор ва ананасда; лимон ва қаҳрабо кислоталар лимон, қорақат, ғўза баргларida, шафтоли ва қулуңпай меваларида кўп тўпланади. Булардан ташқари, баъзи ўсимликлар тўқимасида хинин, салицил, кумар ва кофеин кислоталар кўп тўпланади.

Моносахаридлар билан спирт, альдегид, фенол каби моддаларнинг бирикишидан ҳосил бўлган бирикмалар глюкозидлар деб аталади. Амигдалин глюкозиди аччиқ бодом, шафтоли, ўрик данаклари ва олча, олма уруғлари таркибида учрайди, у глюкоза, бензой альдегид ва цианид кислоталарнинг бирикишидан ҳосил бўлган.

Глюкованил ванил мевасида, солонин картошка тугунағида, кварцетин пиёзнинг ранги ташқи пўстида, қизилмия ва етмак илдизида сапонин глюкозидлари бор. Ёввойи картошка ўсимлигида демиссин глюкозиди учрайди. У колорадо қўнғизи личинкаларини йўқотишида ишлатилади. Марваридгул гулидан, ангишвонагул баргидан ва адонис ўсимлигидан юрак мускуларини даволайдиган глюкозидлар олинади. Глюкозидлар озиқовқат саноатида, тиббиётда, техникада ва бошқа соҳаларда кўп ишлатилади.

Ўсимликлардаги моддалар алмашинувида ўзига хос тахир ва кислотали хусусиятга эга бирикмалар ҳосил бўлиб, улар хом терини пиштишда ишлатилади ва ошловчи илдизлар деб аталади. Ошловчи моддаларнинг кўп-оз бўлиши ўсимликлар турига боғлиқ. Масалан, эман дарахти пўстлоғида 8—12% татун, скумпия баргларida 16—32% ва торон илдизида 13—27% бўлади. Ошловчи моддалар баъзи бактерияларга салбий таъсир этади, ўсимликларнинг ўсиш жараёнларини жадаллашибдириади ва иммунитет ҳосил бўлишида қатнашади.

Ишқор табиатли органик моддалар алколоидлар деб аталади. Алколоидлар олма, сут, вино ва лимон кислоталар билан қўшилиб, тузлар шаклида ўсимликлар тўқимасида тўпланади. Дуккакдошлар, кўкнордошлар ва томатдошлар оиласида кирган ўсимликлар таркибида алколоидлар кўп бўлади.

Никотин, анабазин, атропин, кокайн, хинин, кофеин, кодеин ва теобромин каби бирикмалар алколоидларга мисол бўлади. Алколоидларнинг кўпчилиги одам ва ҳайвонларни даволашда ишлатилади. Анабазин, никотин кабилар қишлоқ хўжалигида зараркунандаларга қарши курашда қўлланилади.

Айни вақтда алколоидларнинг мингдан ортиқ тuri бўлиб, шулардан 100 дан ортиғи Ўзбекистонда ўсадиган ўсимликлар-

дан ажратиб олинган, уларнинг химиявий тузилиши аниқланган бўлиб, дори-дармон сифатида ишлатилмоқда. Шулардан дельфиниум ўсимлигидан ажратиб олинган алколоид тирик организмларга кучли таъсир этади.

Алколоидларнинг ўсимликлар ҳаётида тутган ўрни тўла аниқланмаган. Баъзи олимлар алколоидлар ташландиқ модда деб ҳисобласалар, бошқалари улар заҳира озиқ модда сифатида тўпланади деган фикрни илгари суради. Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, улар ўсимликларни ҳимоя қилиш вазифасини бажаар экан.

Ўсимликлар барги, пояси, гули, уруғи ва илдизидаги фақат органик эритувчиларда эрийдиган, ҳидли моддалар эфир мойлар дейилади. Улар температура паст бўлишига қарамай тез буғланади. Воронеж, Курск, Тамбов, Самара вилоятларидағи, Украина, Тожикистон, Арманистон ва Грузиядаги жамоа ва давлат хўжаликларида атиргул, чиннигул, ёронгул, ялпиз ва кориандр каби эфир мойли ўсимликлар экиб ўстирилади. Эфир мойлар тиббиётда, озиқ-овқат саноатида, косметикада ва бошқа соҳаларда кўп ишлатилади.

Микроорганизмлар ажратган ўзига хос баъзи бирикмалар касаллик туғдирувчи организмларга салбий таъсир этиб, уларни нобуд қиласади. Бундай моддалар антибиотиклар деб аталади.

Хозир 500 га яқин антибиотик текширилиб, тиббиёт ва ветеринарияда ишлатилмоқда. Шулардан пенициллин, стрептомицин, тетрациклин, биомицин, грамицидин, бициллин ва бошқалар дори-дармон сифатида кўп ишлатилади.

Совет олими Б. П. Токин (1928) микроорганизмларни нобуд қиласиган бирикмалар юксак ўсимликлардан ҳам ажралишини аниқлаб, уларни фитонцидлар деб атаган.

Баъзи эфир мойлар, алколоидлар, органик кислоталар ва аминокислоталар фитонцидлик хусусиятига эга. Фаол фитонцидлардан хонтал таркибидаги аллил мойи микроорганизмларга кучли таъсир этиб, уларни нобуд қиласади. Пиёз, саримсоқ, қорақат, қарағай ва бошқа ўткир, ҳидли фитонцид моддаларини шу ўсимликлар ишлаб чиқаради. Сабзида изокумарин, нўхатда пизантин, себаргада трифолизин, ловияда фазеолин ва картошкада решитин фитонцидлари учрайди.

Ўсимликлар гулининг ранг-баранг бўлиши гултошибаргларидаги ранг берувчи моддаларга — антоциан пигментига боғлиқ. Ҳужайра шираси pH қимматининг ўзгариши натижасида ранг ҳам ўзгаради. Масалан, кислотали шароитда (pH 3—2) антоциан қизил, pH 8,5 га тенглашса, бинафша кучли ишқориј шароитда (pH 11) тўқ бинафша рангга ўзгаради. Қорақат мевасининг тимқора бўлиши антоциан билан хлорофиллинг комбинациясига боғлиқ.

Цитрус мевалар пўстининг сариқ рангда бўлиши ҳам таркибидаги антоциан пигменти, қора ва қўнғир ранглар ҳосил бўлиши антофен пигментига боғлиқ. Ҳужайра ичидагаво

бўлиши натижасида гултожибаргларнинг тузи оқ бўлади. Булардан ташқари, баъзи ўсимликлар ўстирувчи гормонлар (ауксин, гиббереллин, цитокинин), каучук, смола, елим, канифоль, каҳрабо ва бошқа бирикмалар ишлаб чиқаради.

Ўсимликлар танасида моддаларнинг ҳаракатланиши

Ўсимликлар органлари ўртасида мавжуд физиологик жараёнларнинг ўзаро бирлигини таъминлашда ва тўқималарда ҳосил бўладиган бирикмаларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши (ҳаракатланиши) муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши узлуксиз ва ўз вақтида давом этиши учун бир органда ҳосил бўлган органик моддалар иккинчи органга силжиб ўтиши керак. Акс ҳолда ўсиш ва ривожланиш жараёнлари бузилиб, ўсимликлар нобуд бўлади.

Фотосинтез жараёнини таъминлаш учун илдизлари барг тўқималарига сув ва минерал элементлар етказиб берса, баргларда ҳосил бўлган органик бирикмалар ҳисобига илдиз ҳужайралари озиқланади. Ўсимликлар қабул қилган ва синтез жараёнида ҳосил бўлган моддаларнинг ҳаракатланишини М. Мальпигий (1679) ва айниқса, С. Гэльс (1727) ҳар томонлама пухта текшириб, ўсимликлар танасида юқоридан пастга ва пастдан юқорига йўналадиган оқимлар борлигини аниқлаган. Оқимларнинг бири пўстлоқ томонда, иккинчиси эса поянинг ёғочланган қисмида жойлашганлигини дараҳт новдасида яққол кўриш мумкин.

Ўсимликлар танасидаги қислема найлари бўйлаб сув ва унда эриган минерал элементлар пастдан юқорига қараб ҳаракатланса, флоэма найлари бўйлаб органик моддалар пастга ва юқорига йўналади. Баргларнинг ассимиляцияловчи ҳужайраларида тўпланган моносахаридлар унинг флоэма элементларига ўтгандан кейин сахарозага айланиб, поя бўйлаб ўсимликнинг бошқа органларига томон ҳаракатланади. Азотли органик бирикмалар аминокислота ва амид (аспарагин, глутамин) шаклдагина концентрацияси кўп жойдан концентрацияси кам жойга қараб ҳаракатланади. Органик моддалар билан бирга фосфор, калий ва оз миқдорда кальций ҳам ёш органларга қараб ҳаракатланади ва қайтадан моддалар алмашинувида иштирок этади.


Пиёз ва бошқа сахарофилл ўсимликларда органик моддалар кечаю кундуз деярли баравар ҳаракатланса, крахмалли ўсимликларда шакарлар кечаси ҳаракатланиб, заҳира тўпловчи органларга йигилади. Баҳорда органик моддалар қислема найлари бўйлаб ўсиш нуқталарига томон ҳаракатланади.

А. Л. Курсанов ишларидан олинган схема билан танишсак, нишонланган фосфорни илдиз қабул қилгандан кейин у қислема ва флоэма найларига тенг тарқалган ҳолда ҳаракатланганигини кўрамиз. Агар новданинг пўсти схемада кўрсатил-

тандек, ҳалқа шаклида ёғоч қисмигача арчиб олинса, илдиздан қабул қилинган фосфор ксилема найлари орқали ўтиб, ҳалқа устида қайтадан флоэма ва ксилема элементлари бўйлаб ҳаракатланганини кўринади (89-расм).

Моддаларнинг ҳаракатланишини таъминловчи ва тартибга солувчи омиллар ҳали тўла аниқланмаган.

Моддаларнинг ҳаракатланиш жараёнлари акад. А. Л. Курсанов лабораториясида пухта текширилмоқда. Тажриба маълумотларига кўра моддаларнинг ҳаракатланиши цитоплазманинг фаоллигига, адсорбцилаш хусусиятига ва нафас олиш жадаллигига боғлиқ экан.



89-расм. А. Л. Курсанов схемасига кўра, нишонланган фосфорнинг ҳаракатланиш оқими.

Флоэма ва ксилема найларида ҳужайралар қанча жадал нафас олса, моддаларнинг ҳаракатланиши ҳам шунча тезлашади. Аксинча ўтказувчи найлар ҳужайраларига нафас олиш жараёнини бўғувчи (HCN , KCN , NaF) моддалар билан таъсир этилганда, моддалар ҳаракатланишдан бутунлай тўхтайди. Ўсимликлар тўқимаси бўйлаб моддалар бир хил тезликда ҳаракатланмайди. Масалан, аминокислоталар бир соатда 90 см, шакарлар 70—80 см масофага силжийди. Анорганик моддаларнинг ҳаракатланиш тезлиги 20—40 см дан ошмайди.

Моддаларнинг ҳаракатланиш тезлиги ташқи муҳит омилларига ва ўсимликларнинг физиологик ҳолатига ҳам боғлиқ.

Е. Мюнх (1930) таълимотига кўра, элаксимон ҳужайралар

орқали органик моддаларнинг бир ҳужайрадан иккинчисига қараб ҳаракатланиши тургор босим кучига боғлиқ. Бошқача айтганда, барг ҳужайраларида органик моддаларнинг концентрацияси билан тургор босим кучи, элаксимон ҳужайралардагига нисбатан кучли бўлганлигидан барг ҳужайраларидаги органик моддалар элаксимон ҳужайраларга томон силжийди.


Д. Фенс (1972) фикрича, ассимилятларнинг ҳаракатланиши босим таъсиридан ташқари, ҳужайрадаги оқсили молекулаларининг перитальтик қисқаришига ҳам боғлиқ.

Бу масалани акад. А. Л. Курсанов бошчилигидаги академиянинг Тимирязев номидаги ўсимликлар физиологияси институтидаги чуқур текширилмоқда.

А. Л. Курсановнинг ўз ходимлари билан олиб борган илмий тадқиқоти маълумотларига кўра, органик моддаларнинг ҳаракатланиши бир неча босқичдан ташкил топганлиги аниқланди.

Биринчи босқичда хлорофилл доначалари тўпланган крахмал глюкозагача парчаланади. Глюкозага фосфор кислота қўшилишидан фруктоза дифосфат синтезланади. Бу бирикма ҳисобига ҳосил бўлган фосфоглицерин альдегиди ва фосфодиоксиацетон хлоропласт мембранныси орқали цитоплазмага ўтади. Крахмалнинг содда бирикмаларгача ўзгариб, хлоропластдан цитоплазмага ўтиши ҳужайра ичидаги йўл деб аталади. Хлоропластларда синтезланган аминокислоталар ҳам шу йўл билан цитоплазмага йўналади.

Иккинчи босқичда цитоплазмага ўтган триозалар ҳисобига, қайтадан фруктозодифосфат тикланиб, унинг бир қисми нафас олишда ва бошқа моддаларнинг ҳосил бўлишида сарфланади. Кўпчилик қисми сахароза ҳолатигача ўзгариб қўшни ҳужайра



90-расм. Органик модда (шакар, аминокислота ва бошқа)ларнинг ҳаракатланиш йўллари:

Ҳужайра ичидаги (A), баргиннинг мезофил ҳужайралари (B) орқали йўналадиган смиласт (1) ва апопласт (2) йўллари воситасида оқиб келган моддалар оралиқ ҳужайралар (В)дан ўтказувчи найлар—флоэма (Г)га ўтиб, озиқ сарфланадиган ва тўпланадиган ҳужайра (Д) ларга етиб бориши.

ларга йўналтирилади. Уларнинг бир қисми ҳужайрадаги плаzmодесмалар воситасида, яъни симпласт оқими билан ҳаракатланса, бошқа қисми ҳужайра пўстидан ҳужайра оралиқлари, яъни апопласт оқими билан оралиқ ҳужайраларга етиб боради.

Мезофил ҳужайралари билан элаксимон ҳужайралар ўртасида оралиқ ҳужайралар жойлашган.

Учинчи босқичда органик моддаларни қабул қилиб, уларни флоэма элементларига йўналтирадиган оралиқ ҳужайралар насос функциясини ўтайди. Бу ҳодисада АТФ молекуласининг энергияси сарфланади.

Тўртинчи босқичда флоэма элементларига етиб келган органик моддалар узоқ масофали транспорт воситасида, органик моддаларни сарфловчи орган ва хазина (заҳира тўпловчи) ҳужайраларга йўналтирилиши схемадан кузатилади (90-расм).

Органик моддаларнинг ҳаракатланишида озми-кўпми энергия сарфланади. Моддаларнинг ҳаракатланиш тезлиги, нафас олиш ва фотосинтез жараёнларида ҳосил бўлган энергия қимматига боғлиқ. Жумладан кислород етишмаса ёки заҳарли моддалар таъсирида нафас олиш сустлашса, органик моддаларнинг ҳаракатланиши ҳам сустлашади.

Баргда тўпланган органик моддалар ўсимликнинг бошқа органларига тақсимланиши маълум қонуниятга боғлиқ эканлигини ҳам А. Л. Курсанов (1976) ўз ходимлари билан аниқлаган.

Шулардан:

1. Озиқлантириш қонунига биноан тўла етилган барглар ёш баргларни керакли органик бирикмалар билан таъминлайди.

2. Ноқулай шароит, яъни ёруғлик етишмагандага қари барглар шиддатли қонунга асосан нобуд бўлади. Бошқача айтганда, шиддатли қонуниятда ўсимликлар кераксиз баргларни тўкиб юборади.

3. Генератив (мева ва гул) органларининг тикланиш даврида поянинг ўрта ва паст қисмидаги барглар ўзидағи органик моддаларни илдизларига йўналтиради. Юқорида жойлашган барглар, гул ва меваларни ассимилят (органик модда)лар билан таъминлайди.

Меваларга аввал мевага яқин турган барглардан органик моддалар оқиб келса, кейинчалик узоқда жойлашган барглар ҳам меваларни озиқ моддалар билан таъминлашда қатнашади (И. Ф. Беликов, 1955, 1973).

Ўсимлик органлари (мевалар) ўртасида рақобатлик муносабати ҳам мавжуд. Дарҳақиқат, физиологик фаол (ўстирувчи) моддалари кўп бўлган мевалар озиқ моддалари билан етарли даражада таъминланиши туфайли улар яхши ривожланади. Озиқ моддалар бошқа гул ва меваларда етишмай қолса, улар тўкилиб кетади.

VI б.б. ТИРИК МАВЖУДОТЛАРДА НАФАС ОЛИШ ВА БИЖФИШ ҲОДИСАЛАРИ


Үсимликларнинг нафас олиш жараёнида ажраладиган энергия

Ер юзидаги барча тирик мавжудотларнинг ҳаёт фаолияти нафас олиш билан чамбарчас боғлиқ бўлганлигидан, бу жараён тинимсиз (кечаю кундуз) давом этиб туради. Нафас олиш жараёни бир дақиқа тўхтаб қолса, тирик организмда содир бўладиган ҳаётий жараёнларнинг тартиби бузилиб, у ўз ҳаётини тугатади, яъни нобуд бўлади.

Нобуд бўлган организмда ўсиш, ривожланиш ва ҳаракатланиш каби фақат тирик организмларга хос бўлган белгилар кузатилмайди. Демак, тубан ва юксак организмлар ҳужайрасида тириклик аломатлари рўёбга чиқиши учун озми-кўпми энергия талаб этилади.

Нафас олиш жараёнида, яъни органик моддаларнинг оксидланишида ажралиб чиқсан энергиянинг бир қисми иссиқлик ва ёруғлик шаклида сарфланади. Тахминан 40—50% энергия АТФ молекулаларида тўпланади. АТФ молекулаларидаги энергия тирик мавжудотларнинг ҳаёт жараёнларида ишлатилади. Бошқача айтгандэ, ўсиш, ҳаракатланиш, ривожланиш ва умумий моддалар алмашиши жараёнларининг ўтишида муҳим энергия АТФ, ГТФ, УТФ, ТТФ ва ЦТФ молекулаларида тўпланади. Шу бирималар таркибида тўпланган энергия астасекинлик ва маълум изчиликда истеъмол этилганлигини ҳисобга олиб, бу энергия фойдали ёки маҳсулли энергия деб аталади.

Нафас олиш жараёнида ажралиб чиқсан иссиқлик энергияси Дьюар идишларида ёки термос колбасида аниқланади. Бунинг учун унган уруғ ёки ўсимликтин бошқа органлари термос колбасининг 1/3 қисмигача тўлдирилади. Нафас олишда ажралиб чиқсан карбонат ангидрид газини ютиш учун KOH ёки NaOH солингган кичик пробирка колба ичидаги буюм орасига жойлаштирилади. Колба оғзи момиқ билан ўралган термометр воситасида маҳкам



91-расм. Нафас олишда ажралиб чиқсан иссиқлик энергиясини аниқлаш:

1 — икки деворли шиша идиш ёки термос колбаси; 2 — термометр; 3 — момиқ; 4 — унган урувлар; 5 — NaOH ёки KOH эритмаси солингган идиши.

беркитилади. 30—60 минут ўтгач, нафас олишда ажралган иссиқлик ҳисобига термометр симоби шкала бўйлаб аста-секин кўтарилигани кузатилади (91-расм).

Тажриба маълумотларига кўра, 1 т олма ёки нок меваси 1 кечакундузда 247—401 ккал иссиқлик ажратар экан. Буғдой майсаларидан ажралиб чиққан иссиқлик энергияси тубандаги жадвалда келтирилган (Дъюар, 1915).

61- жадвал

Майсаларнинг ёши	1 кг майсадан (25°C) иссиқлик шаклида ажралниб чиққан энергия, кЖ.
2 кунлик	363
3 кунлик	540
4 кунлик	2938
5 кунлик	3216
6 кунлик	4341

Унаётган уруғларнинг нафас олишида ажралиб чиққан иссиқлик энергияси ҳисобига муҳитнинг температураси $30-50^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши туфайли ёнгин ҳодисалари юз берishi мумкин. Бундай кўнгилсиз ҳодиса пахта бунтларида, нам ҳолда қолдирилган дон, уруғ ва чигит уюмларида содир бўлишига йўл қўймайдиган чора-тадбирларни қўллаш талаб этилади.

Нафас олиш ва бижғиш жараёнлари тубан ва юксак ўсимликларда, ҳайвонот вакилларида ва микроорганизмларда бир тарзда давом этсада, баъзи бир фарқлар кузатилади. Жумладан, ҳайвон организмида маҳсус нафас олиш органи (ўпка, жабра, трахея) бўлиб, ҳаводан қабул қилинган кислород қон элементлари воситасида шу мавжудотларнинг ҳамма ҳужайраларига етказилади.

Ўсимликларда эса маҳсус орган бўлмаганлигидан кислороднинг қабул қилинишида ҳужайра пўстининг ўтказувчанлик хусусияти билан бир қаторда, барг оғизчаси (устыца) ва ясмиқчалар асосий вазифани ўтайди. Булардан ташқари, фотосинтез жараёнида ажралган ва илдиздан қабул қилинган сувда эриган кислород ҳам нафас олиш жараёнида иштирок этса керак.

Сув ичида яшашга мослашган ўсимликларда ҳаво омборлари яхши ривожланганигидан шу бўшлиқларда тўпланган кислород ҳисобига нафас олиш жараёни тинмасдан давом этади. Айрим бактерияларда ҳавони сақлайдиган аэросома мавжудлиги аниқланган.

Денгиз қирғозларидан илдизлари сувга ботган мангразор ўсимликларида маҳсус пневматофор деган илдизсимон ўсимталар бўлади. Денгиз, океан сувлари тўлқинлар натижасида қирғозни босгандан пневматофорлар сув остида қолиб кетади. Сув қайтганда эса пневматофорлар бўшлиғи ҳавога тўлиб

қолади. Шу ҳаво ҳисобига ўсимликларнинг нафас олиш жара-
сни таъминланади.


Кўрсатиб ўтилган ташқи ва ички айрмаларга қарамай
нафас олиш ва бижғиш жараёнларининг асл моҳияти ҳар бир
тирик (ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмлар) ҳужайраларида
энергияга бой АТФ молекулаларини синтезланишидир.

Нафас олиш жараёнида ўсимликлар тўқимасидан ёруғлик
энергияси ҳам ажралишини А. Г. Гурвич аниқлаган. У илдиз-
нинг ўсиш конуси (нуқтаси)ни ташкил этган ҳужайралар
ультрабинафша нурларга яқин ёруғлик ажратишини аниқлаб,
бу ёруғликни «метогинетик нурлар» деб атаган. А. Г. Гурвич
фикрича, «метогинетик нур» ёш ҳужайранинг бўлиниш жараё-
нини тезлаштиришда қатнашади. Баъзи замбуруғлар ва бак-
териялар ҳам нафас олиш вақтида ёруғлик ажратишини кўп
олимлар кузатган.

Нафас олиш жараёнида сарфланадиган органик моддалар. Нафас олиш коэффициенти


Турли-туман ферментлар жадаллигида содир бўладиган
нафас олиш жараёнининг биринчи босқичида (қолганлари
кейинчалик кўриб чиқлади) мураккаб органик моддалар, содда
бирикмаларгача, жумладан, оқсиллар аминокислоталаргача,
ёѓлар глицерин ва ёғ кислоталаргача, поли-ва-олигосахаридлар
моносахаридларгача парчаланади.


Гидролиз жараёнида ҳосил бўлган содда бирикмалар
иккинчи босқичда оксидланиш-қайтарилиш реакцияларидан
кейин карбонат ангидрид ва сувгача оксидланиши натижасида
энергия ажралганлиги тенгламада келтирилган:



Нафас олишда углевод оксидланганда ажралиб чиқсан
карбонат ангидрид миқдори шу жараёнда истеъмол этилган
кислород миқдорига тенг келганлигини кўрсатади. Одатда
нафас олишда ажралиб чиқсан карбонат ангидридни кисло-
родга бўлган нисбати CO_2/O_2 га нафас олиш коэффи-
циенти деб аталади. Бу кўрсаткич сарфланадиган модданинг
табиатига, ташқи муҳит таркибидаги газлар миқдори билан
чамбарчас боғлиқ бўлиб, бирдан катта ва бирдан кичик бўли-
шини қўйидаги тенгламалар тасдиқлайди: Углеводлар учун
нафас олиш коэффициенти, яъни $6\text{CO}_2/6\text{O}_2$ га бўлган нисбати
1 га тенг эканлиги кўриб ўтилади.



Агар нафас олиш жараёнида ёғ кислоталари сарфланади-
ган бўлса, бу нисбат 1 дан кичик эканлиги тенгламада кел-
тирилган:





Оқсиллар сарфланганда ҳам нафас олиш коэффициенти 1 дан кичик бўлади. Акад. С. П. Костичев маълумотларига кўра, шакар ва ёғлар етишмаганда нафас олиш жараёнида оқсиллар сарфланганигини кузатиб, «оқсилли нафас олиш» деб ном берган. Оқсилли нафас олиш жараёнида сув, CO_2 лардан ташқари, аммиак ва водород сульфид ҳосил қилинганигидан, ўсимликларга салбий таъсир этади (Н. А. Максимов, 1958).

Нафас олиш жараёнида органик кислоталар истеъмол қилинса, нафас олиш коэффициенти, тенгламада кўрсатилгандай, 1 дан катта бўлади:



Тенгламаларга эътибор берилса, нафас олиш коэффициенти сарфланадиган моддалар таркибидаги кислород ва водород миқдори бир-бирига боғлиқ эканлиги кўзга яққол ташланади. Жумладан, углеводларга бой майсаларда нафас олиш коэффициенти 1 га тенг келсада, ёғларга бой (зигир, чигит), бирдан кичик, лимон ва бошқа органик кислоталарга бой меваларнинг юмшоқ тўқималаридаги нафас олиш коэффициенти 1 дан катта бўлади.

Могор замбуруғларини турли органик моддалар аралашмаси сақлаган муҳитда парвариш этганда, нафас олинида биринчи навбатда углеводлар, кейинчалик ёғлар ва сўнгра органик кислоталар сарфланганиги нафас олиш коэффициентини топиш усули воситасида аниқланган (Б. А. Рубин, 1976).

Анаэроб шароитда оралиқ моддалар сифатида этил спирт, оксалат, вино кислоталар, аммиак ва бошқа бирикмалар ҳосил бўлиб, аэроб шароитда яшайдиган ўсимликларга салбий таъсир этади, ҳатто уларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлади. Шуларни эътиборга олиб, экинларни бостириб суформаслик, экин майдонларини яхшилаб юмшатиш керак.

Ўсимликларнинг илдизлари ёки уруғи сув остида қолганда анаэроб нафас олиш жараёни бошланади. Органик моддалар сув ва CO_2 газигача оксидланмасдан, оралиқ маҳсулотлар ҳосил бўлганлиги туфайли нафас олиш коэффициенти қескин ортади. Масалан, ташқи муҳитдаги кислород миқдори 5% дан 1% га тушганда, сабзи илдизи тўқималарининг нафас олиш коэффициенти 0,85 дан 3,5 гача, уна бошлаган арпа уруғларини эса 0,99 дан 6 ва 7,5 гача ортганлигини Б. А. Рубин кузатган.

Кислородсиз нафас олишда ўсимликлар түқимасида спирт ҳосил бўлишини ҳисобга олиб, академик С. П. Костичев бу жараённи анаэроб нафас олиш жараёни деб атаган. Юксак ўсимликлар ҳаётини сақлаб қолишда анаэроб нафас олиш маълум вақт давомида ёрдам берсада, жараён узоқ вақт давом этганда спирт таъсирида ўсимликлар нобуд бўлади.

Ўсимликларнинг нафас олиш жадаллиги (интенсивлиги)га ташки ва ички омилларни таъсири

Маълум вақт, масалан 1 ёки 24 соат давомида текшириш учун олинган 1 ёки 100 г қуруқ ёки ҳўл модда массаси ҳисобига ажралган CO_2 ёки ютилган O_2 миқдори нафас олиш жадаллиги деб аталади. Бу кўрсаткичнинг қиммати ўсимликнинг турига, яшаш шароитига, ҳолатига, ички ва ташки муҳит омилларига боғлиқ.

Ўсимлик турига кўра нафас олиш жадаллиги турлича бўлганилиги қўйидаги 62- жадвалда келтирилган (Б. А. Рубин, 1976).

62- жадвал

Ўсимликлар тури	15—20° да 1 кечакундузда 1 г қуруқ модда ҳисобига ажралган CO_2 миқдори, мг
Буғдои барги	138,7
Жўка барги	92,4
Буғдоининг ёш илдизи	53,4
Сулининг ёш илдизи	31,0
Тиним ҳолатидаги сирен куртаклари	11,6
Хонтал майсалари	58,3
Куингабоқар майсалари	43,7
Қизилча илдизи	6,7

Нафас олиш жараёнида ўсимликлар танасидаги органик мoddалар кундан-кунга камайиб борганилигидан барглар ҳосил бўлгунга қадар унинг массаси камайиб борганилиги 63- жадвал рақамларидан кўринади.

63- жадвал

Ўсимликлар тури	Доннинг қуруқ массаси, г	Майсаларнинг қуруқ массаси, г	Сарфланган органик модда миқдори, %
46 дона буғдои дони	1,665	0,712	57
1 дона маккажўхори дони	0,529	0,290	45
40 дона нўхат дони	2,237	1,076	52

Жадвал маълумотлари қуруқ модданинг 45—57% нафас олиш жараёнида сарфланганлигини кўрсатади. Бошқача айтганда, тажриба учун олинган маккажўхорининг 1 та донининг массаси 0,529 г га teng бўлса, тажриба охирида унинг массаси 0,239 г гача камайган, яъни қуруқ модданинг 45% нафас олиш жараёнида сарфланган. Буғдои ва нўхат донида нафас олиш учун сарфланган қуруқ модда миқдори 57% ва 52% ни ташкил этади.

Нафас олиш жараёни суст ёки жадал ўтиши ўсимликларнинг ёшига боғлиқлигини қўйидаги 64-жадвал (А. Б. Рубин маълумоти) рақамлари тасдиқлайди.

64- жадвал

Ўсимликлар тури	Еши, кечакундуз ҳисобида	Нафас олиш жараёнида 1 соатда 1 кг ҳўл модда ҳисобига ажралиб чиқсан CO_2 миқдори, кг
Амагер нав оқбош карам барглари	3 8 31 48	314 155 67 52
Кунгабоқар барглари	22 36 50 64 99	300 81 46 59 25
Эпрон нав картошканинг ёш барглари	30 45 62 77	735 811 688 673
Мэгор замбуруғ мицеллийсининг 2 кунлик культураси 3 кунлик » 4 кунлик »	2 3 4	3432 1337 541

Жадвалда келтирилгандек, 1 соатда 1 кг ҳўл модда ҳисобига карамнинг ёш баргларидан CO_2 314 мг ажралган бўлса, 48 кунлик баргдан ажралган CO_2 миқдори 52 мг дан ортмаган. Бошқача айтганда, карамнинг 3 кунлик баргидан нафас олиш жадаллиги 48 кунлик баргидагига нисбатан тахминан 6 марта кучли бўлганлиги кўринади. Шундай ҳодиса, яъни ёш барг билан қари барг ўртасида бўлган фарқ кунгабоқар ва картошка баргларида ҳам сақланади.

Қулупнай, қовоқ, маккажӯхори ва бошқа ўсимликларнинг ёш баргларида нафас олиш жадаллиги қари барглардагига нисбатан 2—10 марта юқори бўлишини В. А. Чесноков ва бошқа олимлар кузатган. Демак, ёш организмда ҳаёт жараёнларининг жадал бориши натижасида энергия ҳам кўп талаб қилинади. Шу сабабли уларда нафас олиш жараёни ҳам кучли ўтади. Қари ўсимликлар органларида эса нафас олиш секинлашади ва ҳаётининг охирида бу жараён бутунлай тўхтайди.

Одамнинг нафас олишига нисбатан ўсимликларнинг ёш тўқималари анча кучли нафас олади. Масалан, унган уруғ ва мэгор замбуруғлари 24 соат давомида ўз массасига нисбатан 6—10% CO_2 ажратиб чиқарса, одам нафас олиши вақтида ажралган CO_2 миқдори танаси массасининг 1,2% ни ташкил этади.

Нафас олиш жадаллиги (интенсивлиги) га температура, заҳарли моддалар, муҳитдаги кислород ва CO_2 миқдори кучли таъсир кўрсатганлигини кўп олимлар текширганлар. Температуранинг баланд-паст бўлиши барча химиявий реакцияларнинг


ўтиш тезлигини ифодалайдиган бўлса, биологик жараёнда ҳам температура зарурий омил ҳисобланади. Вант-Гофф қоидасига асосан, температура ҳар 10°C га кўтарилиши билан химиявий реакцияларнинг жадаллиги 2 марта тезлашади, унга темпера тура коэффициенти дейилади ва $Q_{10}=2$ белгиси билан ифодаланади. Тирик организмларда, шу жумладан, ўсимликларда ҳам нафас олишнинг температура коэффициенти $Q_{10}=1,9-3,3$ оралиғида бўлади. Масалан, 1 кг нок 0°C да 1 соат давомида нафас олишда 2,8 мг CO_2 ажратган бўлса, $8,1^{\circ}\text{C}$ да 10,4 мг; $15,5^{\circ}\text{C}$ да 15,5 мг карбонат ангидрид ажратган. Бошқача айтганда, температура 0° дан $8,1^{\circ}$ гача кўтарилиши билан нафас олиш жадаллиги ёки температура коэффициенти 3,7 га; $8,1^{\circ}$ дан $15,5^{\circ}$ гача кўтарилиганда 1,9 га тенг бўлганлиги кузатилган.

Тирик организмда нафас олиш жадаллиги $45-50^{\circ}\text{C}$ гача, Вант-Гофф қоидасига бўйсунади. Температура 50° дан юқори кўтарилиганда цитоплазмани ташкил этган оқсили молекулаларининг табиий ҳолати ўзгариши — коагулланиши натижасида нафас олиш жараёни бутунлай тўхтайди.


Паст температурада нафас олиш жадаллиги сустлашади. Жумладан, температура 10°C га пасайганда кўпчилик ўсимликларнинг нафас олиши сезилмайди. Қишлоғчи куртаклар ва нинабаргли дарахтларнинг нафас олиши эса 20 ва -25°C да ҳам давом этади.

Нафас олиш жараёнининг нормал боришида ўсимликлар тўқимаси ва айрим ҳужайралари сув билан таъминланган бўлиши зарурлигини қуидга келтирилган жадвал далиллари тўла тасдиқлайди.

Температура ва намлик даражаси ҳар хил бўлганда нафас олиш жадаллиги турлича бўлиши В. Л. Кретович эгри чизиқларидан ҳам яққол кўринади (92 ва 93-расмлар).



92-расм. Олма ва нок меваларининг нафас олиш жадаллигига температуранинг таъсири.



93-расм. Температура ва намликка кўра [буғдой донининг намлик даражасига кўра (14 %, 16 %, 18 ва 22 %)] нафас олиш жадаллигиниң ўзгариши.

Б. А. Рубин маълумотларига кўра, 1 кг қуруқ уруғ нафас олганда 1 соат давомида 1,5 мг CO_2 ажратган бўлса, уруғнинг намлиги 14—15% гача ортганда ажралиб чиққан карбонат ангидрид миқдори 4—5 марта кўпайган. Уруғлар таркибидаги намлик миқдори 30—35% га етганда нафас олиш жадаллиги, қуруқ уруғларнига нисбатан бир неча минг марта тезлашган.

Кучли нафас олишда кўп миқдорда иссиқлик ажралишидан элеваторларда сақланадиган ўруғлар қизиб, ёниб кетмаслиги учун ўларнинг намлиги 10—12% дан ошмаслиги зарур.

Нафас олиш жадаллигига муҳитдаги карбонат ангидриди миқдори кучли таъсир этганлигйни Ф. Кидд оқ хонтал уруғида текширган. Унинг маълумотлари қўйидаги 65- жадвалда келтирилган.

65- жадвал

Нафас олишда	Атмосферадаги CO_2 миқдори, %					
	0	10	20	30	40	50
Сарфланган O_2 миқдори, мл	197	185	122	104	97	90
Ажралиб чиққан CH_2 миқдори, мл	173	158	96	75	61	41
Нафас олиш коэффициенти, CO_2/O_2	0,87	0,85	0,79	0,72	0,63	0,45

Муҳитда CO_2 газининг миқдори кўпайиши билан нафас олишда ажралиб чиқадиган карбонат ангидриди миқдори камайиб борганилиги жадвалдаги рақамлардан кўриниб турибди.

Қалин пўстли уруғларнинг суст униши ёки бутунлай унмасдан қолиши ҳам уруғ пўсти ичидаги тўпланган карбонат ангидридга боғлиқ. Агар уруғларнинг пўсти шикастланса, унинг остидаги CO_2 гази ташқарига чиқиши ва уруғ тўқимаси сув ҳамда кислород билан таъминланиши натижасида уруғлар уна бошлади.

Рентген, ультрабинафша нўрлар, ультратовуш ва бошқа физикавий омиллар ўсимликларнинг нафас олиш жадаллигига турлича таъсир этади. Кучли физикавий омиллар нафас олишга салбий таъсир этса, кучсизлари таъсирида нафас олиш жадаллашади.

Заҳарли моддалар таъсир этганда ўсимликларнинг нафас олиш жадаллиги ҳар хил бўлишини тубандаги 66- жадвалдан кўриш мумкин.

66- жадвал

Этиолирланган барғ	Заҳарли моддаларнинг номи	Заҳарли моддалар таъсир ўтигинча ажралиб чиққан CO_2 миқдори, мг	Заҳарли моддалар таъсир этганда ажралиб чиққан CO_2 миқдори, мг
Вика барғи	паральдегид	160,4	196,3
»	пиридин	189,9	229,5
»	кокайн	82,5	178,2
»	морфии	49,3	89,3

Ғұза майсасининг нафас олиш жадаллигига гексахлорциклогексаннинг таъсирини муаллиф текширган. Экиладиган чигйт гексахлоран билан аралаштирилса, унинг миқдорига қараб, ғұза майсаларининг нафас олиш жадаллиги турлича бўлган. Ўни қуидаги жадвалдан кўриш мумкин.


67- жадвал

Тажриба варианты	100 г қуруқ модда ҳисобига 1 соатда ғұза майсаларидан ажралган CO_2 миқдори, мг			
	1 кечакундуда	3 кечакундуда	5 кечакундуда	7 кечакундуда
Контроль	81	197	424	362
ГХЦГ—40 кг/т	72	178	342	323
ГХЦГ—80 кг/т	66	154	—	215


Ұсимликлар тўқимаси шикастланган вақтда ҳам ўша жойдаги тўқималар кучли нафас олади. Болгар олимни К. Попов маълумотига кўра, яраланган картошка тугунагининг нафас олиш жадаллиги яраланмаган картошка тугунагиникига нисбатан 5—6 марта тезлашган.

Нафас олиш жараёнини текшириш усуллари

Ұсимликларнинг нафас олиш жадаллигини аниқлашда турли асбоб-ускуналар ишлатилади. Уларнинг баъзилари 94 ва 95-расмларда кўрсатилган. Нафас олиш жадаллиги нафас олишда ажралиб чиқсан карбонат ангиридини ёки кислород искеъмол этилишини ҳисобга олиш йўли билан аниқланади. Ҳозирги вақтда илмий тадқиқот муассасаларида ва олий ўқув юртларида Варбург респирометри ишлатилади. У 96-расмда кўрсатилгандек, а, б, в, г, д ва е қисмлардан иборат. а — рангли эритма солинадиган резервуар; б — шиша найлардан тайёрланган манометр; в — манометр ичидаги рангли эритмани маълум нуқтагача кўтаришда ишлатиладиган бурама; г — текшириладиган буюм солинадиган шиша




94-расм. Үнаётган уруғлар томонидан кислороднинг ютилишини аниқлайдиган асбоб:
1 — рангли эритма; 2 — унган уруғ солинади; 3 — рангли эритмата ботирилган шиша най;
4 — NaOH эритмаси.



95-расм. Нафас олиш жадаллигини аниқлашда ишлатиладиган Петтен коффер асбоби:

1 — NaOH эритмаси солинган идиш; 2 — ууруглар солинган идиш; 3 — маълум концентрацияли (тити маълум) $\text{Ba}(\text{OH})_2$ эритмаси; 4 — ҳавони сўрадиган идиш — аспиратор.



96-расм. Варгург респирометри:

a — рангли эритма солинган резервуар;
b — манометр (шиша найдан тайёрланган);
c — манометр ичидаги рангли эритмани маълум нуткатача кўтаришда ишлатиладиган винт; *d* — текшириладиган буюм солинадиган шиша идиш; *e*— HCl ; *f*— KOH ёки NaOH солинган эритма.

идиш. Бу идишнинг д бўлагига HCl ва е қисмига KOH ёки NaOH эритмаси солинади.

Нафас олишда ўсимликлар тўқимасига ютилган кислород ва шу жараёнда ажralиб чиқадиган карбонат ангидриднинг NaOH билан боғланиши ҳисобига буюм солинган идиш ичидағи ҳаво сийраклашади. Бунинг эвазига манометрдаги рангли эритма буюм солинган идиш томонга қараб кўтарилади. Энди идиш ичидағи NaOH билан HCl эритмалари аралаштирилса, NaOH ютган CO_2 гази ажралишидан идиш ичидағи ҳаво кенгаяди. Шу вақтнинг ўзида манометр бўйлаб кўтарилиган рангли эритма ҳаракати пасайиб тўхтаган нутка ажралиб чиққан карбонат ангидрид миқдорини ифодалайди.

Нафас олиш жараёни ҳақида олимларнинг мулоҳазалари

Тирик организмларда нафас олиш жараёни қандай қоида

ва қонунлар асосида содир бўлганлигини ва унинг ўзига хос нозик сирларини ўрганиш бундан 200 йил аввал бошланган. Шунга қарамай, бу масала ҳали ҳам тўла ўрганилмаган.

А. Л. Лавуазье ва П. С. Лаплас (1777) нинг таъкидлашича тирик организмларда содир бўладиган нафас олиш жараёнида ҳам, ёниш жараёнига ўхшаш, кислород ютилиб, тенгламада кўрсатилгандек, карбонат ангидрид ажратилади. Бироқ тирик организмларда бу жараён аста-секин давом этади $\text{C} + \text{O}_2 \rightarrow \text{CO}_2$.


Эндиғина ҳалок бўлган ҳайвон тўқималарида кислород ютилиши ва карбонат ангидрид ажралишини италиялик Ладзоро Спаланцани ҳам кузатган. Унинг фикрича, нафас олиш жараёни, Лавуазье айтганидек, ўпка тўқималаридағина содир бўлмай, балки танани ташкил этган ҳамма ҳужайраларга ҳам хос ҳодисадир.

Швецариялик Т. Соссюр (1797) ўсимликлар ҳам ҳайвонлар каби нафас олиш жараёнида кислородни истеъмол этиб, карбонат ангидрид ажратганилигини тажрибалар воситасида тасдиқлаган.

Нафас олиш жараёни барча тирик организмларга хос ҳодиса эканлигини кўрсатиб берди.


Химия фани ривожланиши туфайли нафас олиш жараёнининг ойдинлаштирилмай қолган сирларини ўрганишга имкон яратди. Бу соҳада рус ва чет эл олимларининг илмий-тадқиқот ишлари алоҳида ўрин тутади. Жумладан, А. Н. Бах (1897) «Аста-секинлик билан оксидланишнинг пероксид назарияси»ни яратди. А. Н. Бах фикрича, ҳаводан қабул қилинган кислород тўғридан-тўғри ва бевосита органик моддаларни оксидлай олмайди. Чунки молекула шаклидаги $O=O$ кислород «инерт» бирикма бўлиб ҳисобланади. Кислород фаол атом ҳолатига ўтгандагина органик моддаларни оксидлаши мумкин.

А. Н. Бах фикрича, кислородни фаол ҳолатга олиб келишда тирик организмдаги оксигеназа деб аталган моддалар қатнашади. Шу моддалар кислород билан муносабатга киришганигидан пероксидлар ҳосил бўлади:




Ҳосил бўлган пероксиддан, пероксидаза ферменти фаоллигига атом ҳолидаги фаол кислород ажралади. Бу фаол кислород органик модданинг оксидланишини таъминлайди. Реакциядан эркин чиқсан оксигеназа ҳаводан қабул қилинган кислороднинг янги молекуласини боғлаб олади.

Нафас олиш жараёни чукур ва ҳар тарафлама текширган И. В. Палладин (1859—1922) 1911 йилда органик моддаларнинг анаэроб шароитда оксидланиш назариясини ишлаб чиқди. И. В. Палладин фикрича, тирик организмларда сув ва органик моддалар таркибидаги водородни ажратиб олувчи бирикмалар бўлиши керак. Ўзига водород бириктириб олувчи моддаларни И. В. Палладин «нафас олиш пигментлари» деб атади. Бу модда тенгламада R ҳарфи билан ифодаланган:





Келажакда нафас олиш пигменти томонидан боғланган водород ҳаводан қабул қилинган ва фаоллаштирилган кислородга етказиб берилади. Водород билан муносабатга киришган кислород водородни оксидлаб, нафас олишда ажралиб чиқадиган сув ҳосил бўлишини таъминлайди:




Эркин ҳолда ажралган нафас олиш пигменти (R) бошқа органик модда ва сув молекулалари таркибидаги водородни ўзига боғлаб олади. И. В. Палладин таърифига биноан нафас олиш жараёни белгили курра, яъни узилмас занжир асосида давом этганлигини А. Н. Бах назариясида ҳам кузатилади.

Шу масалада иш олиб борган немис олимни Т. Виланд (1912) И. В. Палладин назариясини қувватлайдиган тажрибалар ўтказади. Жумладан, Т. Виланд химиявий реакциядаги водородни ажратиб олиш мақсадида нафас олиш пигменти ўрнига катализатор сифатида палладий /Pd металлини қўллайди. Реакция қўйидагича давом этади:




Тенгламада кўрсатилганидек, палладий (Pd) метали сув таркибидаги водородни қабул қилиб қайтарилса, сирка альдегид эса сирка кислотасигача оксидланади. Палладий (PdH₂) боғлаб олган водородни кислородга етказиб беради. Водородини йўқотгач палладий палладий металигача оксидланади.

Швед олими Т. Тунберг (1920) тирик мавжудотларда органик моддалар таркибидаги водородни ажратиб олишда, бошқача айтганда, органик моддани оксидлашда маҳсус ферментлар борлигини аниқлаб, улар учун дегидрогеназа терминини тавсия этган. Дегидрогеназа водородни органик моддадан ажратиб олувчи бирикмадир. Уларнинг химиявий таркиби VI бобда айтиб ўтилди. Реакция қўйидагича давом этади:



О. Варгбург (1924) фикрича органик моддалардан ажратиб олинган электрон (e⁻) бир бирикмадан иккинчи бирикмага йўналтиришда ўзида темир элементини сақлаган гемин-фермент деб аталган бирикмалар бўлиши керак. Шу типдаги бирикмаларнинг мавжудлиги кейинчалик Д. Кейлен (1925) томонидан аниқланди. Бу бирикмалар цитохромлар деб аталади. Цитохромлар оқсил ва темир элементини сақлаган, темирпорфирин деб аталган фаол гуруҳдан таркиб топган.

Ўз навбатида цитохромлар бир неча гуруҳга бўлинади. Маълум узунликдаги ёруғлик нурини ютиши билан улар бироридан фарқ қилганилиги тубандаги схемада берилган.




Д. Кейлен схемасида «а» цитохроми 604, «в» цитохроми 566, «с» цитохроми 550, узунликдаги нурларни ютганлиги билан бир-биридан фарқ қилади. 520 ва 450 нм узунликдаги нурлар ҳамма цитохромлар томонидан бир хилда ютилганлиги ҳам схемада берилган.

Нафас олиш ҳодисасининг биохимиявий томонлари

Нафас олиш ҳодисаси икки фазадан иборат бўлиб, биринчи фаза ўтиши учун кислород талаб қилинмаганлигини назарда тутиб, у анаэроб фаза ҳисобланади. Шу фазада нафас олишда сарфланадиган модда (глюкоза) парчаланиш ҳодисасига учраганлигини ҳисобга олиб гликолиз фазаси деб аталади. Гликолиз фазасидаги реакциялар цитоплазмада содир бўлади.

Мураккаб органик моддаларнинг нафас олишда сарфланиши учун уларнинг ҳар қайси глюкозагача ўзгаради. Ана шу глюкоза фаол ҳолатга ўтиб, нафас олишда қатнашиши учун фосфор кислота қолдиғи билан муносабатга киришгач, глюкоза—6—фосфатга ўзгариши зарур.

Гликолиз фазасининг биринчи реакцияси тубандаги тенгламада келтирилган. Реакцияни тезлаштириш гексокиназа ферменти иштирокида ва АТФ энергияси ҳисобига содир бўлади.




Иккинчи реакция глюкоза—6-фосфат фосфорогексо-


изомераза ферменти фаоллигиде фруктоза — 6 — фосфатта ўзгаради:



Учинчи реакцияда фосфогексокиназа иштирокида фруктоза — 6-фосфатта АТФ ҳисобига фосфор кислота қолдиги қўшилишидан фруктоза — 1,6 фосфат тикланади:




Тўртинчи тенгламага биноан фруктоза — 1,6-фосфат альдоза за ферменти таъсирида фосфодиоксиацетон ва 3-фосфоглицерин альдегидига парчаланади. Натижада 2 молекула ўзида уч карбонат атоми сақлаган (триоза) шакар ҳосил бўлади:




Кўриб ўтилган реакциялар гликолиз ҳодисасининг биринчи босқичи деб қабул қилинса, триоза шакарини пироузум кислотагача ўзгариши шу ҳодисасининг иккинчи босқичини ташкил этади. Иккинчи босқичда қуйидаги реакциялар кузатилади:


Биринчи реакцияда фосфотиозизомераза ферменти иштирокида фосфодиоксиацетон 3-фосфоглицерин альдегидигача ўзгаради;




Иккинчи реакцияда 3-фосфоглицерин альдегид триозо-фосфатдегидрогеназа ферменти иштирокида 1,3-фосфоглицерин кислотагача оксидланади. Шу билан бирга оксидланиш-қайтарилиш ҳодисаларида оксид ҳолатдаги дегидрогеназа ферментининг фаол гурухини ташкил этган никотинамидадениндинуклеотид (НАД^+) водородни ўзига қабул қилиб, энергияга бой-2-молекула қайтарилиган ($\text{НАД}\cdot\text{Н}$) ҳолатни эгаллайди:




Учинчи реакцияда 1,3-фосфоглицерин кислота фосфорглицераткиназа иштирокида 3-фосфоглицерин кислота ва сўнгра фосфоглицератмутаза ферменти иштирокида 2-фосфоглицерин кислотага ўзгаради. 1,3-фосфоглицерин кислота таркибидаги фосфор кислота қолдиги ажралиб чиқиши билан АДФ молекуласига қўшилишидан АТФ синтезланади:




Түртінчи реакцияда 2-фосфоглицерин кислота енолаза (фосфоглицерадегидрогеназа) ферменти таъсирида, бир молекула сув ажралиши натижасыда, энергияга бой фосфоенолпироузум кислотага ўзгаради:




Бешинчи реакцияда пируваткиназа ферменти иштирокида фосфоенолпироузум кислота таркибидаги юқори энергияга эга фосфор кислота қолдиги ажралиб АДФ молекуласыға құшилишидан АТФ ҳосил бўлади. Фосфоенолпироузум кислота енолпироузум кислотага ўзгаради:



Гликолиз ҳодисасининг охирги реакциясида енолпироузум кислота ўз-ўзидан пироузум кислотага оксидланади:




Юқорида изоҳлаб ўтилган реакцияларни умумлаштирганда, қўйидаги схемани кузатиш мумкин:



Кўриб ўтилган реакцияларга ва умумлаштирилган схемага эътибор берилса, гликолиз ҳодисасида энергияга бой 4 молекула АТФ ва 2 молекула НАД·Н ҳосил бўлганлиги кўзга ташланади. АТФ молекулаларининг бири глюкоза —6- фосфатни иккинчиси фруктоза —1,6- фосфат синтезланishiда, қолган иккитаси фойдали маҳсулот сифатида бошқа ҳаётий жараёнларда сарфланади.

Юқоридаги реакциялар умумлаштириб ёзилганда тенгламада 2 АТФ, 2 НАД·Н ҳосил бўлганлиги кузатилади:



Тенгламада кўрсатилган НАД·Н нинг ҳар қайси оксидланганда 3 молекула АТФ синтезланади. Демак, 2 НАД·Н оксидланишида 6 молекула фойдали энергияга эга АТФ ҳосил бўлади. Демак, тенгламага асосан гликолиз жараёнида ҳосил бўлган АТФ молекулаларининг миқдори 8 га тенг бўлади. Шу 8 та АТФ молекулаларидағи фойдали энергияни тоپиш зарур. Чунончи, бир АТФ молекуласидаги бир фосфор кислота қолдифини ажralишида $30,6 \text{ кЖ}$ га тенг бўлган энергия бўшаб чиққанлиги инобатга олиниб, $30,6$ ни 8 га бўлган кўпайтмаси: $30,6 \times 8 = 244,8 \text{ кЖ}$ ни ташкил этади.

Тажриба далилларига аоссланиб, 1 моль глюкозани калориметрда ёндирилганда фойдали энергия миқдори 2875 кЖ га тенг келади. Нафас олишда гликолиз фазасида ҳосил бўлган фойдали энергия $244,8 \text{ кЖ}$ га тенглиги юқорида аниқланди.


Энди шу фазада нафас олишнинг фойдали коэффициенти (НФК) ни тошиш учун, колориметрда 1 моляр глюкоза ёндирилганда ажralиб чиққан энергия миқдори (2875 кЖ) ни 100% деб олсак, гликолиз ҳодисасида ҳосил бўлган фойдали энергия (НФК) тубандаги тенглама аосида тошилади:

$$\frac{2875}{244,8} = \frac{100}{x} \quad X = \frac{244,8 \cdot 100}{2875} = 8,25$$

Демак, нафас олишнинг гликолиз фазасида НФК қиммати $8,25\%$ дан ошмас экан.


Ҳаволи, яъни аэроб шароитда нафас олиш жараёнининг иккинчи фазаси З босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичида мураккаб тузилган пируватдегидрогеназа¹ деб аталган мульти фермент иштирокида пироузум кислота таркибидан CO_2 ажralиб чиқади. Шу вақтнинг ўзида энергияга бой НАД·Н + H^+ ва ацетил КоA ($\text{CH}_3\text{CO} \sim \text{S} \cdot \text{CoA}$) ферменти ҳосил бўлади.

¹ Пираватдегидрогеназа мульти ферменти дигидролипоилтрансфераза, пираватдекарбоксилаза ва дигидролипоилдегидрогеназа ферментларидан ташқари тиаминпирофосфат, коэнзим — А ($\text{SH}-\text{CoA}$), липой кислота, НАД⁺ ва ФАД⁺ коферментларидан ташкил топган комплекс бирикма.




Шу реакциялар билан нафас олиш иккинчи фазасининг биринчи босқичи тугалланади.

Аэроб нафас олиш иккинчи фазасининг иккинчи босқичи 2 ва 3 асосли органик кислоталар ҳосил бўлиши билон характерланади. Бу босқич Кребс цикли деб аталади (97- расм).




97- расм. Кребс цикли.


1. Бу фазанинг биринчи босқичида ҳосил бўлган ацетил КоA фермент оксалатсирка кислота билан муносабатга киришишидан Кребс циклининг биринчи реакциясида лимон кислота юзага келади:




2. Лимон кислота таркибидан бир молекула сув ажралышидан цис-аконит кислота ҳосил бўлади:




3. Цис-аконит кислотага бир молекула сув бирикишидан изолимон кислота ҳосил бўлади:



4. Изолимон кислота водородини йўқотиб, оксалат-каҳрабо кислотага айланади:




Реакция вақтида сув ва органик моддалардан ажралган водород ва электронлар (H^+ ва 2e^-) ҳаводан қабул қилинган ва фаоллашган кислород билан бирикиб, сув ҳосил қилишда иштирок этади.



5. Оксалат-каҳрабо кислотадан карбонат ангидрид ажралиши натижасида α -кетоглутар кислота ҳосил бўлади:


6. α -кетоглутар кислота бир молекула сув қўшиб олиб, ўзидан бир молекула водород ва бир молекула карбонат ангидрид ажратиши билан характерланади. Реакция охирида α -кетоглутар кислота каҳрабо кислотагача оксидланади:




Бу реакцияда ажралиб чиқсан водород атомлари ҳаводан қабул қилинган кислород билан бирикиб, сув ҳосил қиласди.

7. Бир молекула водородини йўқотган каҳрабо кислота фумар кислотагача оксидланади:


Ажралиб чиқсан водород атомлари цитохром система ва цитохромоксидаза ферменти иштирокида кислород билан бирикиб, сув ҳосил қиласди.




8. Фумар кислотага сув бирикишидан олма кислота ҳосил бўлади:



9. Кребс циклининг охирги босқичида олма кислотадан бир молекула водород ажралишидан оксалат-сирка кислота ҳосил бўлади:




Кетон шаклидаги оксалат-сирка кислота ўз-ўзидан енол шаклига ўтиб, Кребс циклидаги реакцияларда иштироқ этади:



Нафас олишда фотосинтез жараёнида фақат тўпланган органик моддалар сарфланибгина қолмай, балки бу жараёнда ҳосил бўлган сирка кислотанинг кофермент — А билан реакцияга киришишидан ёғ кислоталари синтез бўлишига замин тайёрланади. Нафас олиш жараёнида пироузум, оксалат-сирка, а — кетоглутар ва фумар кислоталарга аммиак бирикиши натижасида аланин, аспарагин ва глутамин аминокислоталар ҳам ҳосил бўлади.

Кребс циклида содир бўлган реакцияларни умумлаштириб қўйидаги тенглама ҳолида ифодалаш мумкин:



Тенгламага мувофиқ Кребс циклида бир молекула АТФ, бир молекулада ФАД · Н₂ ва 3 молекула НАД · Н синтезланар экан. Энди 3 молекула НАД · Н оксидланганда тўққизта, бир молекула ФАД оксидланганда 2 молекула АТФ ҳосил бўлса, Кребс циклида ҳосил бўлган АТФ сони 1+9+2, яъни 12 ни ташкил этар экан. Нафас олиш жараёни иккинчи фазасининг биринчи босқичида ҳам бир молекула НАД · Н ҳосил бўлганлиги кўриб ўтилди. Унинг оксидланишида ҳосил бўладиган 3 молекула АТФ ни ҳам Кребс циклида ҳосил бўлган АТФ сонларига қўшилса, нафас олиш жараёнининг иккинчи фазасида синтезланган АТФ миқдори 12+3=15 ни ташкил этади.

Гликоліз жараёнида глюкоза молекуласининг биохимиявий ўзгариши натижасида 2 молекула пироузум кислота ҳосил бўлганлиги юқоридаги тенгламадан кўринади. Аэроб нафас олиш фазасини биринчи ва иккинчи босқичларida бир молекула пироузум кислотанинг оксидланишида 15 АТФ ҳосил бўлган бўлса, пироузум кислотани икки молекуласи оксидланганда 30 молекула АТФ синтезланганлиги тасдиқланади.

Шу АТФ молекулаларининг фойдали энергияси 30,6 кЖ ни 30 молекула АТФ кўпайтмасига тенг келади.

Нафас олишнинг аэроб фазасида ҳосил бўлган фойдали энергия шу фазада ҳосил бўлган АТФ (30) сонини АТФ ва АДФ гача ўзгаргандаги энергия (30,6 кЖ) қимматини кўпайтмасига тенгdir, яъни $30 \times 30,6 = 918$ кЖ.

Нафас олиш жараёнини биринчи фазасида 8 та АТФ молекулаларида тўплланган фойдали энергия 244,8 кЖ ни ташкил қилган деб олинса, иккинчи фазада 30 та АТФ молекулаларида тўплланган фойдали энергия 918 кЖ га тенг эканлиги ҳам аниқланган эди. Шу сонларнинг йиғиндиси нафас олишда сарфланган глюкозанинг оксидланишида 38 та АТФ молекуласида тўплланган энергия миқдорини кўрсатади, яъни уларнинг йиғиндиси: $244,8 + 918 = 1162,8$ кЖ га тенгdir.

Тажриба далилларига кўра бир молекула глюкозани колориметрда ёндириганда фойдали энергия миқдори 2875 кЖ га тенг эканлиги аниқланган. Нафас олишнинг фойдали энергия қиммати (коэффициенти) (НФЭК) ёки (НФК) неча фоизни ташкил этганлигини аниқлаш мақсадида 2875 кЖ ни 100%, нафас олишда ҳосил бўлган 1162,8 кЖ неча фоизга тенглиги тенгламада келтирилган:

$$\frac{2875}{1162,8} = \frac{100}{x} \quad X = \frac{1162,8 \cdot 100}{2875} = 40,18\%$$

Демак, глюкозани нафас олиш жараёнида сув ва CO_2 гача оксидланишида ҳосил бўлган ёхуд АТФ молекулаларида тўплланган фойдали энергия 40,18% дан ошмас экан.

Шунга қарамай, бу қиммат электр станциялардан олинадиган 35—40% (КПД) фойдали энергия қимматига тенглашар экан.

Фотосинтез жараёнида баргга тушган ёруғлик энергиясини фақат 6—8% и фойдали энергияга ўзгаради.

Хулоса қилиб айтганда, аэроб нафас олишда органик моддалар оксидланиши натижасида CO_2 ва H_2O га парчаланиб, батамом йўқолиб кетмай, балки моддалар алмашиши ҳодисаларининг нормал ўтиши учун янги бирикмалар ҳосил қилинишида иштирок этар экан.


Аэроб нафас олишнинг иккинчи фазасидаги учинчи босқичда оксидланувчи (сарфланувчи) органик моддалар таркибидаги электрон ва протон (H^+) ларнинг, ҳаводан қабул қилинган кислородга томон электрон (протон)ларнинг ҳаракатланиш занжири (ЭҲЗ) муҳим ўринни эгаллади.

Органик моддалар оксидланишида электрон (протон) ларни йүқотилиши ва бошқа оксидловчи бирикмалар томонидан қабул қилиниши оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига мансуб ҳодисалардан биридир. Бу ҳодиса, яъни электрон (протон) ларнинг ҳаракатланиш занжири (ЭХЗ) да жойлашган бирикмаларнинг оксидланиш-қайтарилиш кучи (потенциали E_0) га боғлиқ.

Электрон ҳаракатланиш занжири (ЭХЗ) да бошқача айтганда, оксиланувчи (субстрат) моддадан кислородгача электронлар йўналиши маълум тартибда ва изчилликда оксидланиш-қайтарилиш кучи (потенциали) га биноан жойлашганилиги қўйидаги схемада келтирилган:

	$- E_0, \text{ В}$
Глюкоза — глюкон кислота	— 0,44
НАДФ	— 0,324
НАД	— 0,320
ФАД	— 0,063
K_0A	— 0,0
Цитохром «в»	+ 0,050
— «— «с»	+ 0,260
— «— «а»	+ 0,290
Цитохромоксидаза (a_3)	+ 0,550
Кислород $1/2 O_2$	+ 0,816

Электрон (протон) ларнинг ҳаракатланиш занжиридаги ферментларнинг жойлашиш тартиби қўйидаги схемада кўрсатилган:



Схемада кўрсатилганидек, органик модда таркибидаги водород ва электрон дегидрогеназа ферменти томонидан ажратиб олинади. Дегидрогеназалар органик моддадан ажратиб олинган водород ва электронни бевосита ҳаводан қабул қилинган кислородга етказиб бера олмайди. Шуни ҳисобга олиб, уларни анаэроп ферментлар деб ҳам юритилади. НАД таркибидан водород ва электрон унинг оксидланиш-қайтарилиш кучидан кучлироқ бўлган ФАД ёки ФМН деган ферментга ўтади. Ундан Q энзим (убихинон) ажратиб олиши билан цитохром схемасидаги цитохромларга етказиб беради.

Убихинондан электрон «в» цитохромга ўтказилганда протон электронни қабул қилиб, ион (H^+) ҳолатга ўтади. Электрон эса «в» цитохромдан «с» цитохромга, ундан «а» цитохромга, кейинчалик «а₃» ёки цитохромоксидазага ўтиб, ҳаводан қабул қилинган кислородга етказиб бериши билан актив — ион ҳолатга ўзгарган кислородга водород қўшилиши натижасида сув молекуласи юзага келади.


Оксидланиш-қайтарилиш потенциали қуввати (E_0) ни потенциометр асбобида аниқлаб, кЖ ёки вольт қимматида ифодаланади. Электрон ҳаракатланиш занжиридаги электронлар манфий сондан мусбат сонга томон йўналади, яъни оксидлаш кучига кўра ҳаракатланади.

Нафас олиш жараёнининг пентозофосфат цикли

Юқорида кўриб ўтилган дихотомик, яъни гликолиз Г. Кребс циклидан ташқари, апотомик ёки пентозофосфат деб аталган нафас олиш цикли ҳам мавжудлигини О. Варбург, Ф. Дикенс (1935), В. А. Энгельгарт (1938) аниqlаган.


1. Дихотомик ва пентозофосфат (аптомик) йўлида нафас олиш циклининг дастлабки реакциясида глюкоза фосфор кислота билан муносабатга киришишидан фаол глюкоза—6—фосфат бирикмаси ҳосил бўлади: глюкоза + $H_3PO_4 \rightarrow$ глюкоза —6—фосфат.

2. Иккинчи реакцияда НАДФ гуруҳини сақлаган дегидрогеназа ферменти фаоллигида глюкоза—6—фосфат таркиби, даги водородни ажралиши натижасида 6—фосфоглюкон кислота юзага келади:




Учинчи реакцияда 6—фосфоглюкон кислотадан бир молекула CO_2 ва бир молекула H_2 ажралишидан, рибулеза—5—фосфат ҳосил бўлади. Бу реакцияда 5 та углерод атомли углевод ҳосил бўлганлиги ҳисобга олиниб, пентозофосфат цикли деб юритилади.

Кўриб ўтилган реакция ўзида НАДФ⁺ сақлаган фосфоглюконатдегидрогенеза ферменти активлигига боради.




Иккинчи ва учинчи реакциялар 6 марта такрорланиши натижасида 12 молекула НАДФ·Н₂ синтезланади. Жумладан, ёғ, ёғ кислоталари, нитрат ва сульфатларни қайтариш реакцияларини ўтказиш учун ҳосил бўлган НАД·Н водороди муҳим ўринни эгаллайди. Шу жараёнда ҳосил бўлган рибоза шакари АТФ, ГТФ, НАД, НАДФ ва ФАД, коэнзим А таркибига қўшилади.


4. Рибулеза —5— фосфатэпимераза ферменти фаоллигида рибулеза —5— фосфатнинг бир қисми ксиулоза —5 фосфатга ўзгаради:




5. Рибулеза —5— фосфатнинг иккинчи қисмидан рибулезо-фосфатизомераза иштирокида рибоза —5— фосфат юзага келади:




6. Тўртинчи реакцияда ҳосил бўлган ксиулоза —5— фосфат ва рибоза —5— фосфат молекулалари ўртасида содир бўлган реакция натижасида седогептулеза —7— фосфат ва 3- фосфоглицерин альдегид ҳосил бўлади. Бу реакцияда транскетолаза ферменти фаол иштирок этади:




7. Седогептулеза —7— фосфат трансальдолаза ферменти фаоллигида 3 фосфоглицерин альдегиди билан муносабатга киришишидан фруктоза —6— фосфат ва эритроза —4— фосфат ҳосил бўлади:



8. Ксиулоза —5— фосфат молекуласи билан эритроза —4— фосфат транскетоизомераза ферменти реакцияси натижасида фруктоза —6— фосфат ва 3 фосфоглицерин альдегиди ҳосил бўлади:




9. Триозофосфатизомераза ферменти активлигида 3 фосфоглицерин альдегидини бир қисми ҳисобига 3- фосфодиоксиацетон синтезланади:



5, 6, 7, 8- ва 9- реакцияларнинг ҳар қайсиси 2 марта тақрорланади.


10. 3- фосфодиоксиацетон 3- фосфоглицерин альдегиди билан муносабатга киришишидан фруктоза —1, 6- фосфат ҳосил бўлади. Бу реакцияни активлаштиришда альдолаза ферменти қатнашади:



II. Фруктоза —I,6— фосфат таркибидаги биринчи углерод боғламидаги фосфор кислота қолдигини ажралиб чиқиши на-тижасида фруктоза —6— фосфатга ўзгаради. Бу реакция гек-созодифосфатаза ферменти активлигига ўтади:




12. Апотомик, яъни пентозофосфат циклининг охирги реакциясида глюкозофосфатизомераза ферменти фаоллигига фруктоза —6— фосфатглюкоза —6— фосфатга ўзгаради:



10- ва 11- реакциялар бир мартадан, 12- реакция эса 5 марта тақорланади.

Кўриб ўтилган реакцияларни пентозофосфат циклини тубандаги тенглама билан умумлаштириб ифодалаш мумкин:



Глюкоза —6— фосфатнинг бир молекуласини тўла оксидла-ниши натижасида 12 молекула НАДФ · H₂ ҳосил бўлади. Бир НАДФ · H молекуласини оксидланишида 3 молекула АТФ ҳосил бўлса, унинг 12 молекуласи ҳисобига 36 молекула АТФ ҳосил бўлади.

Пентозофосфат циклида ҳосил бўлган фойдали энергияни аниқлаш учун Г. Кребс циклида кўрсатилган тенгламадан қуийдагича фойдаланилади:

$$\frac{2875}{1106,6} = \frac{100}{X} \quad X = \frac{1106,6 \times 100}{2875} = 37,9\%$$

Демак, пентозофосфат циклида ҳосил бўлган фойдали энергия (37,9%), гликолиз ва Г. Кребс циклида тўпланадиган фойдали энергия миқдори (40,1%) га деярли тенглашар экан.


Пентозофосфат цикли энергия ҳосил қилиши билан чегаралмайди. Бу циклда ҳосил бўлган НАДФ · H, ацетил КоA ферменти ёф кислота, ёғларнинг синтезланишида, нитрат ва сульфатларни қайтариш реакциялари учун водородни етказиб беради. НАД, НАДФ, ФАД ва бошқа нуклеотид кислоталар учун керакли рибоза ва дезоксирибоза шакарлари билан таъминлайди. Булардан ташқари, пентозофосфат циклида ҳар хил сонли углерод сақлаган ($C_3 - C_7$) углеводлар синтезланади. Пентозофосфат циклида ҳосил бўлган рибулеза —1,5— фосфат фотосинтез жараёнида асосий бирикма сифатида қатнашади.

Глиоксилат цикли

Глиоксилат цикл ҳодисаси баъзи бактериялар (бактериум коли) да, мотор замбуруғларида ва ёғли ўсимлик уруғларининг унишида учрайди. Бу ҳодиса ҳужайрада жойлашган ва глиок-

сисома деб аталган махсус органоидларда содир бўлади. Глиоксисомада ёғ кислоталари ўзига хос ферментлар активлигига шакарларгача парчаланади.

Глиоксилат ҳодисаси қўйидаги схема асосида содир бўлиши, унинг Г. Кребс циклига яқин эканлигини тасдиқлайди.



Глиоксилат циклининг схемаси

Схемага диққат билан назар ташланса, биринчи галда пиорузум кислота ҳисобига ҳосил бўлган ацетил кофермент ($\text{CH}_3\text{CO} \sim \text{SK}_0\text{A}$) оксалат сирка кислота билан муносабатга киришишидан лимон кислота синтезланади. Лимон кислотадан бир молекула сув ажралиши натижасида цисаконит кислотага ўзгаради. Цисаконит кислотага сув қўшилишидан изолимон кислота ҳосил бўлади. Изолимон кислота изоцитратлиаза ферменти активлигига каҳрабо ва глиоксил кислоталарга парчаланади. Ҳосил бўлган глиоксил кислота ацетил K_0A ферменти билан муносабатга киришишидан сув иштирокида малатсинтетаза ферменти активлигига олма кислотага айланади. Охирги реакцияда олма кислота ўз таркибидаги водородни йўқотишидан оксалат сирка кислотагача оксидланади. Ҳосил бўлган оксалат сирка кислота ацетил K_0A билан муносабатга киришишидан юқорида кўрсатилган реакциялар шу тартибда давом этади.

Бу ҳодисанинг моҳияти тубандагилардан иборат:

1. Глиоксил кислота глицин аминокислотанинг синтезланишида асосий маҳсулот бўлиб ҳисобланади;

2. Глиоксил кислота ўзидан CO_2 ни йўқотиши билан моддалар алмашинишида муҳим ўринни тутган чумоли альдегид чумоли кислотагача ўзгаради;

3. Глиоксилат ҳодисасида ҳосил бўлган каҳрабо кислота ёф кислоталарини содда углеводларгача ўзгаришини таъминлаганилиги (274- бетдаги) ёф кислоталарининг триозаларгача парчаланганлигини схемада кўрсатилган эди;

4. Бу ҳодиса ёғлар, углеводлар, органик кислота, аминокислота ва бошқа бирималар билан узвий боғлиқ эканлигини тасдиқлайди;

5. Глиоксилат ҳодисасида икки молекула ацетил K_0A ҳосил бўлганлиги билан ҳам Г. Кребс циклидан фарқ қиласи.

Анаэроб нафас олиш билан аэроб нафас олиш ҳодисаларининг узвий (генетик) боғланиши

Юқорида танишилганидек, аэроб нафас олиш жараёни гликолитик ва З карбон кислота (Г. Кребс цикли) фазаларидан иборат эканлиги ва бу жараёнда бир неча хил фермент иштирок этиши кўзга ташланади.


Ҳавосиз шароитда аэроб организмларда анаэроб нафас олиш жараёни боради. Бундай пайтларда нафас олишда сарфланадиган органик бирималар тўла оксидланмай, балки оралиқ маҳсулотлар ҳосил қилиб тугалланади. Анаэроб нафас олишда этил спирт ва карбонат ангидрид ажралиб чиқиши қуидаги тенгламада ифодаланган:



Демак, анаэроб нафас олишда энергия кам ажралар экан. Жумладан, аэроб шароитда глюкоза оксидланиши натижасида 686 ёки 2875 кЖ энергия ажралса, анаэроб нафас өлишда фақат 48 ккал ажралар экан. Демак, анаэроб шароитда етарли даражада энергия ҳосил бўлиши учун сарфланган органик модда миқдори аэроб нафас олишдагига нисбатан 12—14 мартадан ортиқ бўлиши зарурлиги кўриниб туради.

Аэроб нафас оладиган ўсимликларда содир бўладиган анаэроб нафас олиш жараёни узоқ вақт давом этса, бу ўсимликлар нобуд бўлади. Шунга қарамасдан, анаэроб нафас олиш жараёни баъзи микроорганизмлар учун хосдир. Шуларни ҳисобга олиб, микроорганизмларда содир бўладиган анаэроб нафас олиш жараёни бижғиши деб аталади.

Анаэроб нафас олиш ва бижғиши жараёнларида ҳам нафас олишда сарфланадиган органик моддалар жуда мураккаб биохимиявий ўзгаришларга учраганликларини аэроб нафас олиш ҳодисасини биринчи фазасидаги биохимиявий реакциялар ва энг сўнгига пироузум кислота ҳосил бўлиши билан тугаллан-




Глюкозанның түлөөлүктүк парчалашынни жадаллаштыручи ферменттәр ва максулоттар схемасы.

ганлиги анаэроб нафас олиш ва бижгиш ҳодисаларига ҳам хосдир (юқоридаги схемага қаранг).

Бироқ, анаэроб нафас олиш ва бижгиш ҳодисаларидан аэроб нафас олиш ҳодисасидаги Г. Кребс цикли кузатылмайды. Аэроб нафас олиш ҳодисаси анаэроб нафас олиш ва бижгиш ҳодисаларидан шу күрсатылған фарқлар билан кескин ажралиб турады.

Шундай чуқур айрмаларга қарамай, бу ҳодисалар ўртасыда зич боғланишлар борлигини кузатган академик С. П. Ко-

тичев ўзи ишлаб чиққан схемада яққол күрсатыб ўтади. Бижгиш ва нафас олиш жараёнлари ўртасидаги узвий боғланишни ифодалайдиган схема.



Бижгиш жараёнлари

Бижгиш жараёнлари хилма-хил микроорганизмлар иштироқида содир бўлади ва турли-туман маҳсулотлар синтезланишини таъминлайди. Шунга кўра, бижгиш жараёнининг номи ҳосил бўлган маҳсулот ёки бижгиш жараёнида сарфланадиган мөдданинг номи билан аталади.

Этил спиртли бижгиш вино, пиво тайёрлашда ва хамир оширишда уларга ўзига ҳос таъм бериш учун қадимдан фойдаланиб келинган бўлсада, унинг биологик жараён эканлигини Франциялик олим Луи Пастер (1858) аниқлаган.

Анаэроб шароитда яшаган туруш замбуругларининг нафас олишида сарфланадиган углеводлар ҳисобига этил спирт ҳосил бўлади. Бу жараён этил спиртли бижгиш деб аталади ва у қуйидаги умумлаштирилган тенглама билан ифодаланаади:




Этил спиртли ва бошқа турли бижгиши жараёнлари жуда мураккаб биохимиявий жараён бўлиб, бунда глюкоза катта ўзгаришларга учрайди. Бижгиш жараёнларида охирги маҳсулотлар — турли-туман бирикмалар ҳосил бўлади. Жумладан, бу бижгишида охирги маҳсулот — этил спирт тўпланади ва карбонат ангидрид ажралиб чиқади.


Этил спиртли бижгиш жараёни туруш замбуруғларига хос бўлсада, баъзи мөнор замбуруғлари ва айрим бактерияларнинг ҳаёт фаолиятида ҳам этил спирт ҳосил бўлганлиги аниқланган. Турушлар факультатив анаэроб организмлар бўлиб, сахаромицетлар оиласига киради. Улар куртакланиш йўли билан, айрим вақтларда спора ҳосил қилиб кўпаяди. Уларнинг ҳаёт фаолиятида муҳитда 10—15% гача этил спирт тўпланади. Агар муҳитга NaHSO_3 , Na_2SO_3 тузлари қўшилса, этил спирт ўрнига кўп миқдорда глицерин йигилади.

Турушлар глюкоза, фруктоза ва бошқа моносахаридларнинг бижгишида қатнашади. Улар учун азот манбаи пептом, аминокислота ва амиак бирикмалари ҳисобланади. Муҳитда аминокислоталар миқдори кўпайганда улар дезаминланиш реакциясига учраб, ўз таркибидаги NH_2 гуруҳини йўқотишидан сивуш мойлари — амил ва изоамил спиртлар ҳосил бўлади.

Бижгиш жараёнида юқорида айтиб ўтилган гликолитик реакцияларда ҳосил бўлган пироузум кислота таркибидаги карбонат ангидрид карбоксилаза ферменти ёрдамида ажралиб чиқишидан ҳосил бўлган сирка альдегид алкогольдегидрогеназа ферменти иштирокида, водород қўшилгандан кейин этил спиртгача ўзгарганлиги қуйидаги тенгламада ифодаланган:




С. П. Костичев фикрига кўра, пигоузум кислота таркибидан карбонат ангидрид ажралгач ҳосил бўлган сирка альдегид фаол водород ҳисобига этил спиртгача қайтарилади ёки сув иштирокида икки молекула сирка альдегид ўртасида мавжуд муносабат натижасида, Канницаро реакциясига мувофиқ, этил спирт ва сирка кислота ҳосил бўлади:



Реакцияга мувофиқ, сирка альдегиднинг бир молекуласи водород иштирокида этил спиртгача қайтарилса, иккинчи молекуласи кислород билан сирка кислотагача оксидланади. Бошқача айтганда, Канницаро реакцияси оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига асосланган.

Айрим бактериялар этил спирт ҳисобига яшашы натижасыда этил спирт аэроб шароитда сирка кислотагача оксидланади. Бу жараён аэроб шароитда бўлсада, этил спирт сув ва карбонат ангидридгача парчаланмасдан, оралиқ модда сифатида сирка кислота ҳосил бўлганлигини ҳисобга олиб, сирка кислотали бижғиш деб аталади. Бу жараённи қўзғайдиган бактериялар этил спиртни қўйидаги тенгламага муовфика оксидлаб, сирка кислота ҳосил қилиши билан характерланади.



Сим Симъ Европа Клиентъ

Сирка кислотали бижғиши биологик жараён эканлигини Луи Пастер (1862) анықлада, бу жараённи құзғатуви бактерияларни соғ ҳолда ажратып олиш усулларини ишлаб чиққан. Сирка кислотали бижғиши жараёнини құзғовчи бактериялар мұхит сиртида ўзига хос парда ҳосил қилиши билан бир-бидан фарқ қиласы. Буларнинг баъзилари сирка кислота ишлаб чиқариш саноатида құлланылади.

1. Ацетобактер ацети (*Acetobacter aceti*) бир-бирига уланиб занжир ҳосил қилувчи, спорасиз кичик таёқчалардир. Мұхитда спирт миқдори күп (11%) бўлишига қарамай, бу бактериялар яшай беради. Ацетобактер ацети 30—34°C да пи-во юзасида актив ривожланиб, 6% гача сирка кислота ҳосил қиласи, температура 40°C гача кўтарилиганда бактериялар ҳужайраси узунчоқ ёки ноксимон шаклда йириклишади. Улар инволюцион форма деб аталади.

Бу бактериялар мұхит юзасыда йод таъсирида сариқ ранг-га бўяладиган, колба деворига ўрмаламайдиган силлиқ ва шилимшиқ парда хосил қиласади.

2. Ацетобактер пастеурианум (*Acetobacter pasteurianum*) муҳит юзасида ҳосил қилған Ғадир-бұдур қуруқ парда йодтағысирида күкаради.

Сирка кислотали бижғиши жараёнини құзғатувчилар ичидә пиво ва вино саноатига заар етказадиган микодерма вини (*Mycoderma vini*) шу маҳсулолтар таркибидаги спиртни сув ва карбонат ангирилдігача парчалайды. Вино ва пиво юзасида ҳосил бўлган парда фижимланган ва оқиш рангда бўлиб кўринади.


Шакарларни оксидлаб, лимон, олма, каҳрабо ва бошқа кислоталар ҳосил қилишда микроорганизмларнинг салмоқли ҳиссаси бор.

Сут кислотали бижғиш

Бу жараён қадимдан құлланилиб келинган бүлсада, тирик организмлар асосида боришини Луи Пастер (1860) анықлаган. Сут кислотали бижғиши мұхитда сут кислота ҳосил бўлиши билан характерланади ва реакция қўйидагича боради:




Бу бактериялар гликолитик реакция давомида ҳосил бўлган пироузум кислотадан CO_2 газини ажратадиган карбогидраза ферментидан холи бўлади. Шунинг учун оксидланиш вақтида органик моддалардан ажралган водород ҳисобига пироузум кислота сут кислотагача қайтарилади. Бу жараён сут кислотали бижғиши қўзғатувчи бактерияларда мавжуд лактико-гидрогеназа ферменти иштирокида боради. У қўйидаги тенглама билан ифодаланади:



Сут кислотали бижғиши қўзғатиша факультатив анаэроб бактериялардан стрептококкус лактис, лактобактериум булгарикум, лактобактериум делбрюки, бактериум брасика ва бактериум куккумерис ферментати ва бошқалар иштирок этиади. Бу бактерияларнинг ҳаёт фаолиятида фақат сут кислота ҳосил бўлишини ҳисобга олиб, улар иштирокида борадиган бижғиши гомоферментатив бижғиши деб аталади.

Бактериум коли ҳаёт фаолиятида сут кислотадан ташқи мұхитда каҳрабо ва сирка кислоталар, этил спирт ва CO_2 , H_2 газлари ҳам тўпланади. Шунинг учун бундай сут кислотали бижғиши гетероферментатив бижғиши дейилади ва реакция қўйидаги тенгламага мувофиқ боради:




Сут кислотали бижғиши жараёни кефир, қимиз тайёрлашда, қатиқ ивитишда, сабзавотларни тузлашда ва силос бостиришида кенг құлланилади.

Қимиз ва кефир тайёрлашда сут кислотали бижғиши қўзғатувчи бактериялардан ташқари, турущ замбуруғлари ҳам қўшилади. Шу сабабли маҳсулот таркибида сут кислотадан ташқари, этил спирт ҳам тўпланади.

Мой кислотали бижғиш


Мой кислотали бижғиши жараёни мой кислота ҳосил бўлиши билан характерланади. Бу жараённи облигат (ҳақиқий) анаэроб шароитда яшовчи, спора ҳосил қиласидиган ва вегета-

тив ұжайралари дұксимон, ноғора таёқчасига үшаш ривожланадиган бактериялар құзғатади. Улар табиатда кенг тарқалған бўлиб, сут, пишлоқ, консерваларни бузиб, картошка ва сабзавотларни чиритиб, халқ ҳўжалигига катта зарар етказади. Баъзилари, масалан, клостридиум пастиурианум (*Clostridium pasteurianum*) молекуляр азотни ўзлаштириб, тупроқни азотга бойитганлигидан экинларга фойда келтиради. Булардан ташқари, бу бактериялар ҳаёт фаолиятида ҳосил бўлган ёқимсиз ҳидли ва рангсиз мой кислота турли ёқимли ҳидли эссенциялар тайёрлашда ишлатилади. Масалан, мой кислота билан метил спирт бирикишидан ҳосил бўлган метил эфиридан — олма, этил эфиридан — нок, амил эфиридан — ананас ҳиди келади. Эссенциялар қандолатчиликда ва атирупа саноатида кўп ишлатилади. Мой кислотали бижғиши ҳам биологик жараён эканлигини Луи Пастер (1861) аниқлаган. Бу жараён қуйидаги реакцияга мувофиқ боради ва натижада мой кислота ҳосил бўлади:




Мой кислотали бижғиң жуда мураккаб биохимиявий жарән бўлиб, бунда пироузум кислотадан сирка альдегид ҳосил бўлади.

Сирка альдегидлар карбонаттага ферменти воситасида ўзаро бирикіл, ацетальдоль ҳосил қиласы, бу реакция қуйидагича боради:



Ацетальдоль молекуласидаги атомларнинг ўрин алмашиниши натижасида улар мой кислотагача ўзгаради:



Бу бактериялар ўзидан кучли ферментлар ажратып, целлюлоздозани хам гидролизлайды.

Целлюлозанинг парчаланиши (бижгиш)


Ер устида ва ер остида кўп миқдорда ўсимликлар қолдиги тўпланади. Қолдиқларнинг кўпи целлюлозага тўғри келади. Аэроб ва анаэроб бактериялар, замбуруғлар ва бошқа тирик мавжудотларнинг ҳаёт фаолиятида целлюлоза глюкозагача парчаланади. Микроорганизмлар танасидаги целлюлаза ферменти таъсирида целлюлоза цеплобиозагача, цеплобиоза эса цеплобиаза ферменти иштирокида глюкозагача парчаланади. Ҳосил бўлган глюкоза бижғиши жараёнида мой ва сирка кислоталаргача ўзгаради. Бу жараёнда карбонат ангидрид, водород ва метан газлари ажralиб чиқади.

Целлюлозанинг бижгишида икки хил бактерия иштирок этади. Бу жараёнда ҳосил бўлган метан ва водород миқдорига асосланиб, водородли ва метанли бижгиш жараёнлари содир бўлади. Шунга кўра, бактериялар ҳам бациллус целлюлоза гидрогеникум (*Vac. cellulose hydrogenicum*) ва бациллус целлюлоза метаникус (*Vac. cellulose methanicus*) деб аталган. Бу бактериялар узун, ингичка таёқалар шаклида бўлиб, спора ҳосил қилганда вегетатив ҳужайралари ногора таёқчасига ўхшайди.


Аэроб микроорганизмлардан бактерия целлфациула, кўпгина актиномицетлар ва бошқа микроорганизмлар целлюлозани CO_2 ва сувгача парчалайди.

Пектиннинг парчаланиши

Ўсимликлар тўқимасида пектин моддалар ҳам кўп бўлади ва улар муҳим роль ўйнайди. Пектин ўсимликлар ҳужайрасини бир-бирига ёпиштириб туради. Пектин қуйقا (студень) деган маънони билдиради. Пектин барглар, мевалар, сабзавотларда ва бошқа ўсимликлар тўқимасида кўп учрайди. Пектин жуда мураккаб бирикма бўлиб, совуқ сувда эримайди. Кислотали муҳитда пектин моддалар пектин кислота ва углеводларга (асосан, арабинозага) парчаланади. Пектин кислота баъзи бактериялар, мөғор замбуруғлари, актиномицетлар ва бошқа микроорганизмлар ишлаб чиқарган пропектиназа, пектиназа ва пектаза ферментлари иштирокида қўйидаги тенгламага мувофиқ парчаланади:



Ҳосил бўлган углеводларни бактериялар бижгитиши натижасида улар CO_2 , H_2 ва мой кислотага парчаланади:




Пектинли бижгиш жараёнлари зифир, каноп ва бошқа ўсимликлар толасини ажратиб олишда кенг қўлланилади. Тола олинадиган ўсимликлар сувда, яъни анаэроб шароитда ивитилса, бижгиш жараёни гранулобактер пектиноворум (*Granulobacter peclinovorum*) ва бактериум фельзинеум (*Bacterium felsineum*) бактериялари иштирок этади. Шудрингда аэроб шароитда яшайдиган бактериялар, мөғор замбуруғлари ва

актиномицетлар фаол қатнашади. Целлюлоза ва пектин моддаларнинг парчаланиши натижасида тупроқ гумус (чиринди)-га боййиди.

Нафас олишда ажралган энергиянинг сарфланиши. Нафас олиш билан фотосинтез жараёнлари ўртасидаги мұносабат

Нафас олиш жараёнида ажралып чиққан энергиянинг күп қисми (50—80%) моддалар алмашынуви, ўсиш, ҳаракатланиш жараёнларида сарфланса, қолган 20—50% и иссиқлик энергияси шаклида ташқи мұхитта ажралып чиқади. Ўсиш жараёнларини тутатган қары ўсимликларда нафас олишда ажралған энергиянинг күп қисми (90% и) иссиқлик шаклида ажратылып, қолган (10%) и ички жараёнларга сарфланади.

Табиатда яшил ўсимликларнинг ҳаёт фаолияти синчиклаб текширилса, уларда бир-бираига қарама-қарши иккى мұхим жараён бориши ҳамда улар бир-бираига узвий мұносабатда болып бўлиши кўзга ташланади. Жараёнларнинг бири фотосинтез дейилиб, бунда анорганик моддалардан турли-туман бирикмалар ҳосил бўлади. Иккинчиси нафас олиш жараёни бўлиб, бунда фотосинтез жараёнида синтез қилинган органик бирикмалар оксидланиб, улар ўсимликлар таркибида камайиб боради. Бироқ бу жараёnda фақат юқорида айтиб ўтилган органик бирикмалар сарф бўлиб қолмай, балки зарурый аминокислоталардан аланин, аспарагин, глутамин, лимон, олма, вино, каҳрабо каби органик кислоталар ва шакарлар ҳосил бўлади. Шу билан бирга нафас олиш жараёнида ажралып



98- расм. Углероднинг табиатда айланиш схемаси.

чиққан энергия фотосинтез жараёнида сарфланишини эсдан чиқармаслик керак. Бу иккала жараённи бир-бирига таққослагандаги фарқни 68-жадвалдан кўриш мумкин.

Табиатда углерод, биринчидан, органик моддалар ҳосил бўлишида сарфланса, иккинчидан, органик бирикмаларнинг нафас олиши ва чириш жараёнларида оксидланиб, ташқи муҳитга карбонат ангидрид шаклида ажралиб чиқади. Углероднинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиб туриши унинг табиатда айланишини ифодалайди (98-расм).

68- жадвал

Жараённинг айрим белгилари	Фотосинтез	Нафас олиш
Жараён ўсимликнинг қайси тўқимасида боради	Фақат ўсимликнинг хлорофилл сақлаган ҳужайраларида	Тирик организмнинг барча ҳужайраларида
Жараён бориши учун қандай маҳсулотлар зарур	Сув ва карбонат ангидрид	Органик бирикмалар ва кислород
Жараён қандай шароитда давом этади	Фақат ёруғликда	Тинимсиз, кечакундуз
Энергия	Тўпланади	Ажратилади
Жараённинг натижаси	Ўсимликларнинг массаси ортади	Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг массаси камаяди
Жараён давомида қандай маҳсулотлар ҳосил бўлади	Органик моддалар ва кислород	Карбонат ангидрид ва сув

VII боб. МИКРОБИОЛОГИЯ ФАНИ АСОСЛАРИГА ДОИР МАСАЛАЛАР. МИКРОБИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Кўз билан кузатиб бўлмайдиган кичик ва тирик мавжудотларнинг шакли, ҳажми, ўсиш ва ривожланиш жараёнларини текширадиган фан микроbiология деб аталади. Бу термин юонон тилидан олинган бўлиб, *микрос* — кичик, *биос* — ҳаёт ва *логус* — фан деган сўзлардан ташкил топган.

Табиатда микроорганизмлар мавжудлигини биринчи марта голландиялик олим Л. Левенгук (1632—1723) кузатиб, уларнинг ташқи тузилиши ва ҳаракатланишини, ўзи ишлаб чиққан содда микроскоп ёрдамида аниқлаган. Л. Левенгук ўзининг 140—300 марта катта қилиб кўрсатиш имкониятига эга бўлган микроскоп орқали тиш кирида, ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларида, чириган сувда ва бошقا буюмларда микроорганизмлар борлигини текшириб, тирик организмларнинг ташқи

шаклини расмга олган. Л. Левенгук микробиология фанининг морфология бўлимига асос солган.


XVIII аср охирларига бориб, микроскопнинг мукаммаллашган нусхалари ишлаб чиқилиши билан, майда мавжудотларнинг ҳаёт жараёнлари чуқур ва ҳар тарафлама ўрганила бошланди. Шу даврларда яшаган рус олим М. А. Тереховский (1775) микроорганизмларга паст ва юқори температуранинг ва органик, анерганик моддалар таъсирини ўрганиш жараёнида бу организмлар ўз-ўзидан вужудга келмаганигини тажрибалар воситасида исботлаб берган. Шунга қарамай, ўша даврнинг фан арбобларидан инглиз олим Д. Нидхэм (1745)нинг «Микроорганизмлар моддаларнинг чириши натижасида вужудга келади», деган фикрни қувватлаб келганлар. Кейинчалик 1857 йилда франциялик олим Луи Пастер, оригинал тажрибалар асосида «Тирик мавжудотлар ўз-ўзидан вужудга келмаганигини» ва М. А. Тереховский фикрларини қувватлайдиган далиллар келтирган.

Бу ишлардан ташқари Луи Пастер, куйдирги, қутуриш қасалликларини қўзғовчи ва пиво, вино саноатига, пиллачиликка зиён келтирадиган микроорганизмларни текшириб, улар билан қурашиб чораларини ишлаб чиққан. Бу олим сут кислотали, мой кислотали ва этил спиртли бижғиш жараёнларини тирик мавжудотларнинг ҳаёт фаолиятига боғлиқ эканлигини кўрсатиб ўтди. Кўпгина илмий тадқиқот ишлари билан жаҳонга танилган машҳур олим Луи Пастер микробиология фанининг физиология ва биохимия бўлимига асос солган фан арбобидир.

Микробиология фанининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган немис олим Роберт Кох (1843—1910) вабо ва сил қасалликларини қўзғовчи микробларни текшириб, улар билан қурашиб чоралари устида ишлаган. Бу олим микробларни бир-биридан ажратиб олиш мақсадида микробиологияда қаттиқ озиқ муҳити ҳисобланган картошка ва желатинани қўллаш усуllibарини ишлаб чиққан. Озиқ муҳитлари ва ишда қўлланиладиган буюмларни микроорганизмлардан холи қилиш мақсадида стериллаш (наслсизлантириш) учун «Кох қайнатгичи»ни тавсия этган.

Микробиология фанининг ривожланишида рус олимларининг қўшган ҳиссалари салмоқлидир. Жумладан, Д. С. Самойлович (1744—1805), Ибн Сино ва бошқа ўрта аср олимлари айтганидек, ўлат — тоун (чума) ва бошқа қасалликлар кўзга кўринмайдиган тирик организмлар воситасида тарқалади, деган фикрни қувватлади. П. С. Ценковский (1822—1887), Пастердан мустасно ҳолда, куйдирги қасаллигига қарши эмлаш усулини ишлаб чиққан. Микробларнинг ривожланиш тарихини яратган, шу туфайли морфология бўлимига асос солган фан арбобларидан бири ҳисобланади.


И. И. Мечников (1845—1916) инсон ва ҳайвон организмларида маҳсус органларда айрим (лейкоцит, боғловчи тўқима,



99-расм. Микроскопларниң түзилиши.

А. УЭМВ-100 А электрон микроскопнинг күрниші:

1 — электрон замбарак (пушка); 2 — конденсор ойнаси; 3 — объектив ойнаси; 4 — проекцион ойна; 5 — текширилдиган буюмни камера ичидаги экрандан күзатыш ойнаси; 6 — текширилдиган ускуналар үрнатылған стол (пульт).



Б. МБИ-1 биологик микроскопининг түзилиши:

1 — объективлар; 2 — окуляр; 3 — конденсор; 4 — күзгү; 5 — тубус; 6 — тубус түткәпчى; 7 — буюм столчасы; 8 — револьвер; 9 — кисқычлар; 10 — макровинт; 11 — микровинт; 12 — конденсорни ҳаракатлантирадылған бурама; 13 — микроскоп товони.

талоқ ва жигар ҳужайралари) танаачалар бўлганлигини аниқлаб, улар заарли микробларга қарши курашаётганлигини, уларни ҳазм қилиш хусусияти мавжудлигини аниқлаб, шундай танаачаларни фагоцитлар деб атади. Унинг фагоцитлар назарияси юксак баҳоланиб, кейинчалик И. И. Мечников Нобель мукофоти олди. Микробиология соҳасида у кенг кўламда илмий тадқиқот ишларини давом эттирганлиги туфайли, и м м у н и т е т масаласини ҳам ёритиб берди.

Франциялик олим Де-Эрелл (1917), рус олими Н. Ф. Гамалея (1888) илмий даилларга асосланиб, табиатда фоят майда мавжудотлар борлигини аниқлаб, уларни бактериофаглар деб атади.

Д. И. Ивановский (1892—1920) табиатда учрайдиган, лекин биологик микроскоп ёрдамида кўриб бўлмайдиган ва турли-туман касалликларни қўзговчи мавжудотларни аниқлаб вирусология фанига асос солди.

Микробиология фанининг ривожланишида С. Н. Виноградский, В. С. Воронин, С. П. Костичев, В. Л. Омелянский, М. В. Федоров, А. М. Музafferов, М. А. Каримов, Н. Г. Запрометов ва бошқа олимларнинг қўшган ҳиссалари салмоқлидир.

Микробиология фанининг ривожлантирилиши жараёнида кичик мавжудотларнинг ташқи ва ички тузилишини ва ҳаёт фаолиятини кўзда тутган ҳолда уларнинг табиатдаги ўрнини чуқур ўрганиб, улардан фойдаланиш усусларини ишлаб чиқиш давом эттирилмоқда.

Шу қўйилган масалаларни ҳал этиш мақсадида замонавий люминисцент, фазоконтраст ва электрон микроскоплар қўлланилганлигидан, илмий тадқиқот ишларида янги йўналишлар ва усуслар ишлаб чиқилмоқда. Дарҳақиқат, инсонлар ва ҳайвонлар соғлигини сақлаш борасида кўпгина касалликларни келтириб чиқарувчи микробларга қарши курашиш чоралари амалда қўлланилмоқда. Баъзи микробларнинг ҳаёт фаолиятини назарда тутиб, оқсил, ёф ва бошқа маҳсулот тайёрлаш жараёнида фойдаланилади. Металлургияда ҳосил бўладиган ташландиқлар таркибидаги қимматбаҳо элеменларни ажратиб олиш мақсадида айrim микроблардан самарали фойдаланилмоқда. Масалан, Онтарио (Канада)да уран оксидларини, Американинг Невада вилоятида марганец, рух, темир ва хром элементларини ҳамда металлургиянинг бошқа ташландиқ ҳисобланган маҳсулотларидан ажратиб олишда маълум микроблардан фойдаланилади.

Сайёрамиздаги нефт ва газларнинг тўпланиши, тупроқнинг унумдорлиги ва табиатдаги айrim элементлар (углерод, азот, фосфор, олтингугурт)нинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиб турини ҳам микроорганизмлар ҳаёт фаолиятига боғлиқ эканлигини эсдан чиқармаслик керак.

Микробиология фанида ўрганиладиган мавжудотлар

Микроскоп ёрдамида кузатиладиган ва уларнинг ҳаёт фаолияти текшириладиган мавжудотларга: бактериялар, актиномицетлар, микобактериялар, спирохеталар, бактериофаглар, вируслар, риккетсиялар, миксомицетлар, замбуруғлар, личайниклар, бир ва кўп ҳужайрали сув ўтлари ва протозоо — содда ҳайвонлар ўрганилади.

1. Бактериялар. Бактериялар ташки кўринишидан шар ёки цилиндр шаклида бўлиб, сайдерамизнинг турли жойларида кенг тарқалган. Уларни баланд тоғлар чўққисида, чуқур океан сувлари остида, ҳавонинг юқори қатламларида ва тупроқ таркибида учратиш мумкин.

Бактериялардан энг содаси шарсимонлар бўлиб, уларнинг ўзини бир неча гурӯҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

а — микрококклар (*Miccoscoccus*) сапрофит организмлар. Сувда ва ҳавода кенг тарқалган. Микрококклар муҳитда биттадан тарқалган бўлади.

б — диплококклар (*Diplococcus*) кўпайиш жараёнида ҳужайраси иккига бўлинсада, тарқалиб кетмасдан жуфт ҳолатда тўп бўлиб туради.

в — стрептококклар (*Streptococcus*) шарсимон ҳужайралар бир-бирига занжирга ўхшаш туташган ҳолатда бўлади.

г — тетракокклар (*Tetragacoccus*) ҳужайранинг бўлиниши туфайли тўртта шарсимон бўлакча ҳосил қиласи. Улар бир-бирига туташшиб, тўртта шарнинг йиғиндишидан таркиб топади. Шу туфайли улар тетракокклар деб аталади.

д — сарциналар (*Sarcina*) шарсимон ҳужайраларнинг 8, 16, 32 ёки 64 та бўлакчага бўлиниб, бир-бири билан куб (пахта тойи) га ўхшаб бирлашган шаклда бўлади.

е — стафилакокклар (*Staphylococcus*) шарсимон ҳужайраларнинг бўлиниши жараёнида ҳосил қилинган ҳужайралар бир-бирига тартибсиз равишда боғланганлигидан, унинг кўриниши узум шингилига ўхтайди.

Вибрион, спирилла, бактерия, бацилла ва клостридум деб аталган мавжудотлар таёқча (цилиндр) симон шаклдагилари ҳам бўлиб, улар айрим хусусиятлари билан бир-биридан ажраблиб туради.

Жумладан,вибрионларнинг танаси бироз букилган бўлиб, вергулга ўхшаб туради. Спирохеталар танаси бир неча марта букилган шаклда кўринади.

Ҳаёт жараёнларида спора ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлмаган таёқчасимонларга бактериялар дейилади. Спора ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлганлари бациллалар деб аталади.

Бацилла ва клостридийлар деб аталган мавжудотларнинг ривожланиш босқичини маълум бир даврда, айниқса, ноқулай шароитда вегетатив ҳужайра ичидаги цитоплазманинг ҳаммаси

ёки унинг бир қисмини қуюқлашиши натижасида ҳосил бўлган шар ёки эллипссимон шаклдаги тўплам спора деб аталади.

Бациллаларнинг вегетатив ҳужайраси ичида ҳосил бўлган споранинг ўрнига ва унинг вегетатив ҳужайра диаметрига нисбатан катта бўлиб, вегетатив ҳужайра марказида жойлашса, ҳужайра шакли дук (урчук) ка ўхшаб қолади. Шу маънода улар латинча дук маъносида клостридиј деб аталади. Агар спора вегетатив ҳужайранинг бир қутбида жойлашса, улар *ногора* таёқчалари деб аталади. Кўпчилик бациллаларда вегетатив ҳужайранинг шакли ривожланиш жараённида мутлақо ўзгармайди. Бу кўрсаткич бациллаларнинг турини, яъни систематикасини тузишда муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, пектин бижғиши жараённида қатнашадиган грануло-бактер пектиноворум (*Granulabacter pectinovorum*) ҳужайраси ногора таёқчасига ўхшаса, молекуляр азотни ўзлаштирувчи клостридиум пастеурианум ҳужайраси дукни эслатади ва чириш жараёнларида иштирок этадиган пичан бацилласида спора ҳосил бўлишидан унинг вегетатив ҳужайраси шакли ўзгармасдан ўз ҳолатини сақлаб қолади.

Бацилла ва клостридијларнинг вегетатив ҳужайра пўсти спора ҳосил қилишда қатнашмаса ҳам, бациллаларнинг ҳаракатчан хивчинлари маълум вақтгача ўз вазифасини ўтайди. Спора 18—20 соат давомида ҳосил қилиниб, яъни тайёргарлик, спора ва спора пўсти ҳосил бўлиши босқичларидан иборат. Спора мураккаб тузилишига эга.

Споранинг ташқи пўсти эъзи на дейилиб, цитоплазмани ташқи омил таъсиридан қақлади. Ичкарисида жойлашган қавати и н ти на дейилиб, у спорадан вегетатив ҳужайранинг ўсиб чиқишига ёрдам беради. Бир вегетатив ҳужайрада биттагина спора ҳосил қилинганлигини назарда тутиб, бу ҳодисани кўпайиш жараённи деб тушунилмасдан, ривожланиш циклининг фақат бир босқичи деб қарап зарур. Етарли даражада оптималь шароит вужудга келганда спорадан 4—5 соатдан кейин интина қаватига ўралган янги вегетатив ҳужайра ўсиб чиқади.

Бактериялар катталиги мкм билан ўлчанади. Беггиота мирабилис (*Biggeotia myabilis*) бактериясининг узунлиги 1 см бўй-

69- жадвал

Бактерия номи	Узунлиги, см	Кўндаланг кесимин, мкм
Микрококк	0,8	0,8
Стрептококкус лактес	0,8—1,2	0,5—0,8
Ацедофил таёқчаси	1,5—6,0	0,6—0,9
Пишилоқ таёқчаси	2,5—6,0	0,7—0,9
Пичан таёқчаси	1,2—3,0	0,8—1,2
Картошка таёқчаси	3,0—10,0	0,75—1,0
Сил касали таёқчаси	1,5—3,5	0,3—0,5
Куйдирги таёқчаси	4,8	1,0—1,5
Бруцеллэс касалини қўзғовчи таёқча	0,5—1,5	0,4—0,6

либ, унинг кўндаланг кесими 50 мкм га бориб қолади. Баъзи бактериялар ҳажми 69- жадвалда келтирилган.

Табиатда маҳсус фильтрлар орқали ўтиб кетадиган ультрабактериялар ҳам мавжуд.

Бактериал ҳужайранинг тузилиши

Бактериялар жуда кичик мавжудотлар бўлишига қарамай, юксак ўсимлик ҳужайраси каби мураккаб тузилган.

Ер юзидағи тирик организмлар шаклланган ёки шаклланмаган ядронинг бўлиши ёки бўлмаслиги билан прокариот ва эукариот гуруҳларга бўлинади. Ирсият белгилари ўзига хос маҳсус мембрана пўстига ўралган ҳолда ҳужайрада мустақил ўринни эгаллаган, ҳужайра органоиди тикланган магнит (ядро) деб юритилади. Тикланган магнит эукариот гуруҳига кирган мавжудотларга хос. Маҳсус мембронаси бўлмай; ирсият белгилари ҳужайра ичидаги тўплам ёки тарқоқ ўрнашган мавжудотлар прокариот гуруҳига киради.

Прокариотларга бактерияларни, кўк-яшил сув ўтларини, актиномицетларни ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

Бактериялар кўзга кўринмайдиган прокариот гуруҳига мансуб кичик организмлар бўлишига қарамай, бошқа юксак мавжудотларнинг ҳужайраси сингари мураккаб тузилишга эга эканлиги кўринади (100-расм).

Бактериининг ҳужайра пўсти рангсиз, углевод, пектин, липоид ва ўзида азот элементини сақлаган — хитин деб аталган бирикмалардан ташкил топган. Ҳужайра пўсти микроорганизмга шакл бериш билан бирга уни ноқулай шароит таъсиридан сақлаш вазифасини ҳам ўтайди.

Баъзи бактериялар оқсили кам, углеводи кўп шароитда қолганда шилимшиқ ишлаб чиқариб, шилимшиқ қин (капсула) га ўралади. Қин оқсил билан дексстрин ёки глюкоза молекулаларидан ташкил топади. Сувда ҳаёт кечириувчи ипсимон бактериялар ажратиб чиқарган шилимшиқлари ёрдамида сув остидаги буюмларга ёпишиб ҳаёт кечиришга замин яратади. Шилимшиқ ҳисобига ҳосил қилинган қин ичидаги олтингугурт бактерияларида олтингугурт, темир бактерияларида темир гидратлари тўпланди.

Ҳужайрадан ҳужайра пўсти орқали муҳитга цитоплазматик ўсимталар чиқади. Бу ўсимталарга хивчинлар дейилади. Хивчинлар ҳужайрадаги блефоропласт (базал танача) билан узвий боғланган.

Ҳужайра пўсти устида ипсимон ингичка ва узунлиги 0,3—0,4 мм келадиган фимбрий ёки пили деб аталган ўсимталар цитоплазма мембраналарида жойлашади. Фимбрийлар муҳитдаги буюмларга ва бошқа ҳужайраларга ёпишиш вазифасини бажарибгина қолмай, балки ҳаётини давом эттириш мақсадида F— пили шаклдагиси жинсий орган ролини бажаришда иштирок этади. Чунки конъюгация вақтида F— пили ирсият ДНК


молекуласини доноран реципиент ҳужайрасига ўтишини таъминлайди.

Ҳужайра пўсти, схемада кўрсатилганидек, мураккаб тузилган бўлиб, бу ерда моддаларни ичкарига ва ташқарига ўтишини тамилайдиган каналча (найча) лар мураккаб моддаларни парчалайдиган ва ташқи муҳитга чиқариладиган экзоферментлар ва ички жараёнларни активлаштирадиган эндоферментлар ўрин олган. Ташқи муҳитга турли заҳарли моддалар ҳам ажратилади.

Ичак таёқчаси (*Escherichia coli*) ҳужайра пўстининг схематик тузилиши 101-расмда келтирилган.


Расмдаги гликопептид деб аталган, яъни углевод ва оқсил биримларидан ташкил топган муреин қавати (каркас) деб аталади. Шу муреин қаватининг Кристан Грам (1884) усулида бўялиш ёки бўялмаслигига биноан бактериялар икки гуруга бўлинади. Грам усулида бўяладиганлари грам мусбат, бўялмайдиганлари грам манфий деб аталади. Бу кўрсаткич бактерияларнинг турини аниқлашда амалда кенг қўлланилади.

Бактерияларнинг цитоплазматик мембранаси таркибида, бошқа юксак мавжудотлардаги плазмалемма қаватидаги каби, оқсил, ёғсимон липоид ва бошқа моддалардан ташкил топганини билан танишиб ўтилди. Цитоплазматик мембрана осмотик тўсиқ вазифасини бажариб, ҳужайрага моддаларнинг қабул



100-расм. Бактерия ҳужайрасининг ички тузилиши:

- 1 — поли-β-окси май кислота гранулалари;
- 2 — мой томчилари;
- 3 — олтингугурт киритмалари;
- 4 — найсмон ва 5 — пластинкасимон тилакоидлар;
- 6 — пупакчалар;
- 7 — хроматофорлар;
- 8 — нуклонд (магн);
- 9 — рибосомалар;
- 10 — цитоплазма;
- 11 — хивчинлар;
- 12 — хужайрана ўраб олган шилемшиқ капсула;
- 13 — хужайра пўсти;
- 14 — хужайра пўсти;
- 15 — цитоплазматик мембрана;
- 16 — месосома;
- 17 — ҳаво бўшлиқлари;
- 18 — ламеллалар;
- 19 — полисахарид;
- 20 — полифосфат гранулалари.



101-расм. Ичак бактерияси (*Escherichia coli*) ҳужайра пўстининг схемаси:

ОК — оқсил; ГП — турли бирикмалардан ташкил тонгган гетерополисахарид; Л — лирондлар — ёғсимон моддалар; М — ҳужайра пўстига мустаҳкамлик берувчи ва турли хил моддаларни ўзинда сақловчи мурени қалқони (каркаси) инг белбоги; ЦМ — цитоплазматик мембрана; Ц — цитоплазма.

қилининини ва чиқариб турилишини таъминлайди. Мембрана таркибида маҳсус перм иаза деб аталган ферментлар бўлиб, улар органик ва анорганик моддаларнинг, электронларнинг ҳужайра ичига ҳамда ҳужайрадан ташқарига ўтказилишини тартибига солиб туради.

Цитоплазматик мембрана фаол ривожланганда ҳужайра ичидаги мураккаб тузилган мезосомалар ва шакли жиҳагдан соддароқ, пуфакчасимон везикулаларни ҳосил қилинишида иштирок этади.

Мезосомалар нуклеотидлар билан зич муносабатда бўлиши туфайли ДНК молекулаларини бўлининишида ва хромосомаларни қиз ҳужайраларга тақсимланинишида қатнашади деган фикрлар ҳам бор. Мезосомалар ҳисобига ҳужайра ичидаги айrim бўлма (компартмент) лар ҳосил қилинса керак.

Фотосинтетик бактерия ҳужайрасида хроматофорлар мавжуд бўлиб, уларнинг таркибида бактериохлорофилл, каротиноид ва электронлар ҳаракатини таъминловчи убихинон ва цитохром ферментлари ва АТФ молекулаларини синтезланинишида қатнашадиган система ҳам борлиги кузатилади.

Хроматофорлар пуфакча, ламеллалар ва бошқа шаклларда учраб, улар тилакоид дейилиб, цитоплазма мембранини билан тилакоидлар ўртасидаги муносабат сақланади.

Бир ҳужайрадаги рибосомалар сони 10 000 дан ортиқ бўлиб, оқсил бирикмалари бир неча рибосоманинг бирлашишидан ҳосил бўлган полисомаларда синтезланади.

Аэросома (газ вакуол) лар фақат прокариот мавжудотларга ҳос бўлиб, бактерия ҳужайра массасини камайтиришда хизмат қиласи. Шу туфайли бактерияларнинг сув ичидаги осилган (муаллақ) ҳолда туришини таъминлайди.

Карбоксисома деб аталган пулакчалар ичидаги фермент фот-ва хемосинтез жараёнларида карбонат ангидриднинг ўзлаштирилишини активлаштирадиган ферментлар қаторига киради..

Хужайрада учрайдиган киритмалар таркибида фосфор сақлаган полифосфатлар, углевод сақлаган полисахаридлар, олтин-гугурт, мой томчилари ва бошқа бирикмалар ҳам түпланади.

Заҳира озиқ ва энергетик моддалар сифатида валютин, яъни полифосфат, гликоген — полисахарид ва крахмалсимон гранулеза, ёғ кислоталари ва бошқа бирикмалар оқсил молекулаларидан ташкил топган мембрана билан ўралган ҳолда бўлади.

Цитоплазмада тарқалган ирсият белгиларини ўзида сақлаган ДНК молекулаларининг йиғиндиси нуклеотидлар деб аталади. Бактериялардаги ДНК молекуласи иккита бир-бираiga спирал ҳолда ўралган ипсимон доирадан иборат. ДНК аденин — А, тимин — Т, гуанин — Г ва цитозин — Ц нуклеотидларидан ташкил топган бўлиб, $A + T$ нисбати ҳар бир бактерия ҳаётида доимий бўлганлигидан, бу $G + C$ кўрсаткич микроорганизмларнинг турини аниқлашга ёрдам беради. ДНК молекуласи генетик ахборот (информация)ни сақловчи хромосома бўлиб ҳисобланади.

Хромосомалардан ташқари ирсият белгиларини ўзида сақлаган айрим жисм плазмидлар ҳам мавжуд. Улар ҳам ДНК молекулалари ҳисобига пайдо бўлиб, жинсий кўпайиш жараёнларини, дори-дармонларга чидамли хусусиятларини таъминлашда иштирок этади.

Цитоплазма майдонали, рангсиз, ярим суюқ модда. Унинг 80% и сув, 20% и органик ва анерганик моддаларга тўғри келади. Ёш ҳужайраларда цитоплазма бир хил табиатли бўлиб кўринади. Ҳужайра қариши билан цитоплазмада вакуоллар ҳосил бўлиб, ҳужайра ичи катаксимон шаклини эгаллайди. Цитоплазма мураккаб оқсил — липоид бирикмалардан иборат коллоид модда. Унинг сирт таранглик кучи жуда катта бўлганлигидан суюқ муҳитда ўзининг шарсимон шаклини йўқотмайди. Цитоплазма тирик ҳужайраларни зарур моддалар билан таъминлайди. Бактерия ҳужайрасининг ташки муҳит таъсирига қарши туриши ва шу муҳит хусусиятини ўзгарта олиши ҳам цитоплазмага боғлиқ. Муҳитнинг хусусиятини ўзгартишда оқсил табиатли ферментларнинг роли катта. Тирик организм (бактерия) ларнинг цитоплазмаси доимо ўзгариб, янгиланиб туради. Цитоплазмадан ташқари ҳужайра ичидаги мағиз (ядро) ёки уни ташкил этган моддалар тарқалган.

Баъзи бактерияларда мағиз моддалари цитоплазмада диффузион тарқалган бўлса, иккинчи хил бактерияларда эса у эллипс ёки ипсимон хроматик доначалар шаклида кўринади. Учинчи тур бактерияларда хроматик доначалар ҳужайранинг маълум қисмидагина тўпланиб, мағизга асос солади, яъни дифференцияланган мағиз борлиги кузатилади (А. А. Имшенецкий). Масалан, миксококкус (Mycosoccus) ларда мағиз моддалари диффузион тарқалган, полиангум (Polyangum) вакиллари-

да дифференцияланган мәғиз морфологик жиҳатдан түрғун эмас, яъни ривожланиш босқичига күра ўзгариб туради. Дифференцияланган мәғизни сорангим (Sorangium) вакилларида кузатиш мумкин. Мәғиз моддаси мураккаб нуклеопротеид комплексидан, яъни махсус оқсил ва нуклеин кислоталардан ташкил топган.

Бактерияларнинг ҳаракатланиши

Баъзи бактериялар актив ҳаракатланиш хусусиятига эга. Улар бир жойдан иккинчи жойга силяжип туради. Ҳужайра танасидан ўсиб чиқкан цитоплазматик ипча—хивчин орқали ҳаракат қиласади. Хивчиннинг узун ёки қисқа бўлиши бактерия турига боғлиқ бўлиб, одатда бактерия танаси узунлигидан 20 марта қисқа бўлади. Баъзи бир турларida, масалан, нитро-зомонас яваненензисда хивчин танага нисбатан 50 марта узундир.

Бактериянинг ҳаракатланиш тезлиги ҳам турига қараб ҳар хил бўлади. Бактерияларнинг кўпчилиги бир секундда ўз танаси узунлигига тенг бўлган масоффани босиб ўтади, бошқа турлари, жумладан хроматиум окенин (Chromatium Okenii) секундига 46 мкм, Тиоспириллум янензе (Thiospirillum jenense) 87



102-расм. Хивчинланиш типлари:

A. а — монотрихи; б — лофотрихи; в — амфотрихи; г — перетрихи; *Б. перитрихи хивчинланиш бактериум протеусинт электрон микроскопда (17 900 марта) китталаштириб кўрсатилган.*

мкм масофани босиб ўтса, Вибрио комма (*Vibrio comma*) нинг босиб ўтган масофаси 200 мкм ни ташкил этади.

Бактериялар тўғри чизиқ бўйлаб ва думалаб ҳаракатланади. Уларнинг ҳаракати танаси устидаги хивчинларининг ўрнашишига боғлиқ. Хивчинларининг ўрнашишига қараб улар 4 типга бўлинади:

1. Танасининг бир қутбида биттагина хивчини бўлган бактериялар монотрих хивчинланган бактериялар дейилади.

2. Танасининг бир қутбида тармоқланган бир ёки бир неча хивчини бўлган бактериялар лофотрих хивчинланган бактериялар дейилади. Монотрих ва лофотрих хивчинланган бактериялар тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракатланади.

3. Хивчинлари икки қутбида жойлашганлари амфитрих хивчинланган бактериялар дейилади.

4. Бактерия ҳужайрасининг ҳамма томони хивчин билан ўраб олинган бўлса, перитрих хивчинланган бактериялар дейилади. Перитрих хивчинланган бактериялар думалаб ҳаракатланади (102-расм).

Айрим микроорганизмлар, жумладан, спирохета ва спирилларнинг ҳаракатланиш органи (хивчини) бўлмаганлиги сабабли, улар бир жойдан иккинчи жойга илонга ўхшаб силжиб, сирғалиб ҳаракатланади.

Бактерияларнинг ҳаракатланиш тезлиги температура, ҳаёт жараёнларида ҳосил бўлган бирикмалар ва муҳитдаги заҳарли моддаларга боғлиқ.


Хамиртуруш замбуруғлари бир жойдан иккинчи жойга силжимасдан, бир ернинг ўзида ҳаракатланиб туради.

Бактерияларнинг кўпайиши

Бактериялар оддий бўлиниш йўли билан кўпаяди. Бўлиниш даврида ҳужайранинг ўртасида ҳалқасимон парда вужудга келади, ҳужайра бўлинишидан иккита янги ҳужайра ҳосил бўлади. Бактериялар систематикасини тузишда ҳужайранинг бўлиниш типи эътиборга олинади. Масалан, шарсимон бир сатҳда бўлинганда кокклар, диплококклар, стрептококклар ва стафилококклар юзага келади. Агар бўлувчи иккита парда бир-бирига перпендикуляр тушиб қолса, тетракокклар, агар учта парда ҳосил бўлиб, улар бир-бирига перпендикуляр келиб қолса, сарциналар ҳосил бўлади. Цилиндросимон бактериялар кўндаланигига бўлинса, спириллалар узунасига бўлинади. Бактерия ҳужайраси тенг иккига бўлинса, изоморф бўлиниш, қиз ҳужайраларининг бири кичик, иккинчиси каттароқ бўлиб қолса, гетероморф бўлиниш ҳодисаси камдан-кам учрайди.

Гетероморф бўлинишда бўлувчи парда вегетатив ҳужайранинг учига яқин жойлашса, кокксимонлар ҳосил бўлади, кейинчалик улар узайиб она ҳужайра шаклини эгаллайди.

Бактерияларнинг кўпайиш тезлиги уларнинг яшаш шароитига боғлиқ. Оптималь температурада озиқ моддалар етарли миқ-



103-расм. Бактерияларнинг кўпайиши:

I — мослашиш (лаг); II — зудлик билан кўпайиш (лог);
III — тургулилк (стационар); IV — қариш (ўлиш) даврларн.

дорда бўлганда ҳар 20—30 минутда ҳужайра бўлиниб туради. Кўрсатилган шу тезликда бактериялар кўпаядиган бўлса, 5 кечакундуз ичидаги битта ҳужайрадан ҳосил бўлган бактериялар колонияси денгиз ва океанини тўлдириб қўйиш қудратига эга. 1—2 мкм катталикдаги бактерия ҳужайрасининг кўпайиши натижасида қўйидаги рақамларни кўриш мумкин: битта бактериядан 15 соатдан сўнг 1 068 616 704 дона, 20 соат ўтгач массаси 1,5 гга тенглашади. 30 соатдан кейин бактериянинг массаси 1,645 кг, 40 соатдан кейин 173 546 т га бориб қолади (Г. Л. Селибер, 1953).

Аммо шароитнинг ўзгариб туриши, микроорганизмлар ўртасида бўладиган ўзаро муносабат ва бошқа нокулай омиллар таъсирида уларнинг кўпчилиги нобуд бўлади. Шунинг учун тез кўпайиш ҳодисалари табиатда кузатилмайди.

Бактерияларнинг кўпайиш фазалари тубандаги эгри чизиқ (103-расм) да келтирилган. I лаг фазасида кўпайиш жараёни кузатилмайди. Бу фазада бактериялар шу янги муҳит шароитига мослашади. II лаг фазасида ҳужайраларнинг бўлиниши фаоллашиб, кўпайиш жараёни чўққисига етади. III стационар фазада кўпайиш жадаллиги секинлашади, ҳосил бўлган янги ҳужайралар сони билан нобуд бўлган ҳужайралар сони деярли бир-бира га тенглашади. IV охирги фазада ҳосил бўлган янги ҳужайраларга нисбатан нобуд бўлган бактериялар сони кундан-кунга кўпайиб, уларнинг кўпайиш жараёни тўхтайди.

Баъзи олимлар бактерияларнинг жинсий йўл билан кўпайишини исбот қилдилар. Бунда иккита етилган ҳужайра бир-бира га яқинлашиб қўшилади. Бу жараёни конъюгация ёки конъюкция деб аталади. Ҳужайралар ичидаги ҳосил бўлган конидиялардан бўшаб чиққан бактериянинг янги ҳужайралари етилади.

Бактерияларнинг ривожланиш цикллари

Бактериялар ривожланиш даврида бир нечта босқични ўтади. Шу босқичларнинг йиғиндиси ривожланиш цикли деб аталади. Мисол тариқасида пичан бацилла (*Bacillus subtilis*) сининг ривожланиш цикли устида тўхтаб ўтамиш.

Пичан бацилласининг ёш ҳужайралари перитрихиал хивчин-


ланган ва фаол ҳаракатчан бўлади. Ривожланиш циклининг дастлабки даврларида ҳужайра хивчинларини тўкиб, ҳаракатдан тўхтайди ва тезда бўлина бошлиди. Ҳосил бўлган ҳужайралар бир-бирига тулашиб, узун занжир шаклини эгаллади. Етилган ҳужайралар қайтадан хивчин пайдо қилиб, бир неча вақт ҳаракат қилгандан кейин, кўпайиш жараёни яна давом этирилади. Бу босқич бир неча марта тақрорланади. Шу давр давомида ҳужайралардан ажратилган шилимшиқ ҳисобига муҳит устида зооглея деб аталган шилимшиқ парда ичидаги бациллалар ғуж бўлиб тўпланади. Ривожланишнинг навбатдаги босқичида ҳужайрадаги цитоплазма қуюқлашиб спора пайдо қиласи. Спора ҳосил қилган вегетатив ҳужайра ҳаракат қилмай, бир жойда тўхтаб қолади. Вегетатив ҳужайра пўсти шилимшиқланиб эрийди ва спора ташки муҳитга чиқади. Қулай шароит яратилса, спорадан янги ҳаракатчан пичан бацилласи униб чиқади. У юқорида кўрсатилган ривожланиш босқичларини қайтадан тақрорлайди ва спора ҳосил қилиб, ривожланиш даврини тутгатади.

Ипсимон бактериялар сув остидаги буюмларга ёпишиб ҳаёт кечиради. У шилимшиқ қин ичидаги жойлашган бўлиб, вояга етган ҳужайранинг бир учидаги хивчинлар тўплами пайдо бўлади. Улар бир қанча вақтгача ҳаракатланиб юргандан кейин сув ости буюмларига ёпишиб олгач, хивчинларини йўқотади. Хивчинсиз ҳужайра тезда кўпайиб, шилимшиқ қинга ўралади. Унда ҳужайралар вояга етиб, хивчинлар пайдо қилиб, мустақил ҳаракатлана бошлайди, янги ҳужайрада ривожланишнинг биринчи босқичи бошланади.

2. Актиномицетлар — нурли замбуруғлар бўлиб, табиатда кенг тарқалган организмлар. Тупроқдаги миқроорганизмларнинг 20—30% и актиномицетларга тўғри келади (М. Ф. Федоров, 1963).

Актиномицетлар бир ҳужайрали, шохланувчи мицеллийлардан ташкил топган таёқчасимон шаклдадир. Мицеллийларнинг бир гуруҳи муҳит (субстрат) га жойлашган, иккинчи хили ҳавога кўтарилиган ҳолатда бўлади. Ҳавога кўтарилиган гифалар учидаги кўпайиш учун хизмат қиласидиган конидиялар ўрин олган (104-расм). Келажакда конидиялардан споралардан янги актиномицетлар тикланади.

Мицеллийларнинг ташкил топиши ва спора ёрдамида кўпа-



104-расм. Актиномицетлар:

1 — мицеллийларнинг тузилиши; 2—сементлар орқали споралар пайдо бўлиши.

йишига кўра актиномицетлар замбуруғларни эслатади. Ҳужайра пўсти ва цитоплазмасининг химиявий таркиби ва ҳақиқий мafiz (ядро) нинг бўлмаслиги билан улар таёқчасимон бактерияларга яқин туради.

Муҳитда тўпланган актиномицетларнинг ранг-баранг (қизил, яшил, қўнғир, қора ва пушти рангда) бўлиши, ишлаб чиқарилган пигментларга боғлиқдир. Актиномицетлар, деярли ҳаммаси ўзидан антибиотик ишлаб чиқаради. Жумладан, стрептомицин, террамицин, неомицин ва бошқалар тиббиётда дори-дармои тайёрлашда ишлатилади. Фитобактериомициү, трихотецин эса ўсимликларнинг ўсишини жадаллаштиришда ва касалниклар билан курашишда, шунингдек биовит-40, аурокорм-2, аурофак-2А ва витамицин каби моддалар ёш молларнинг ўсишини жадаллаштирганигидан чорвачиликда қўлланилади.

Актиномицетларнинг ҳаёт фаолиятида оқсил, целялюоза каби мураккаб органик моддаларнинг бир қисми содда бирикмаларга парчаланса ёки минераллашса, қолган қисми ҳисобига чиринди, яъни гу м у с — юқори молекулали мураккаб моддалар ҳам яратилади. Тупроқдаги органик моддаларнинг 90% и гумусга тўғри келади. Гумус таркибида 3—5% азот ва 0,2—1,45% фосфор элементлари учрайди. Гумус турғун бўлишига қарамай, у ҳам аста-секин минераллашиши туфайли ўсимликларни зарур элементлар билан таъминлашда иштирок этади.

3. Микробактериялар гуруҳига кирган микроорганизмлар танаси қисқа ва баъзан тармоқланган шаклдаги мицеллийлардан иборат. Уларнинг аксарияти спора ҳосил қилмайди. Айримлари ноқулай шароитга бардош бера олмайдиган спора ҳосил қилиш хусусиятига эга. Кўпайиш вақтида микобактерия ҳужайраси катакчаларга бўлинib, коккилар шаклида тарқалиди. Баъзи бирлари куртакланиб қўпаяди.

Субстратдаги колониялари хамирдек майнин бўлади. Улар сапрофит микроорганизмлар қаторига киритилиб, тупроқдаги органик моддаларни парчалашда иштирок этади. Микобактериялар 5—10% ли кислота, спирт ва ишқорли шароитда ҳам ўз ҳаёт фаолиятини сақлаб қолади.

Бу организмлардан **Микобактериум** туберкулеза (*Mycobacterium tuberculosis*) сил касалини, баъзилари мохов касалини қўзғатади.


Юқорида айтилганлардан ташқари, проактиномицет авлодига кирган микроблар типик актиномицетлардан анча фарқ қиласиди. Ривожланишнинг дастлабки даврларида проактиномицетлар мицеллийсининг ҳамма қисмida ёки айримларида кўндаланг пардалар ҳосил бўлиб, улар таёқчасимон қисмларга бўлинади. Сўнгра бу таёқчасимон бўлаклардан ўз навбатида коккисимон споралар ҳосил бўлади.

4. Риккетсиялар жуда майда таёқча бўлиб, ип ва шарсимион шаклларда учрайди, бактериал фильтр орқали ўта олмаслиги ва микробиологияда ишлатиладиган бўёқлар билан бўялишига кўра бактерияларга яқин туради. Бироқ, фақат тирик


организмларда яшаб күпайганлиги билан вирусларни эслатади. Буларни биринчи бўлиб 1909 йилда америкалик олим Г. Т. Риккетсия кузатган. 1913 йилда чех олими С. Провачек риккетсиялар устида кўп илмий ишлар олиб борган. Шу билан бирга Г. Т. Риккетсия ва С. Провачек микроблар таъсирини ўз организмларида текшириш ишларини олиб борганликларидан улар тепкили терлама касалига йўлиқиб ҳалок бўлганлар. Бразилия олими Х. Роха Лима тавсиясига кўра бу микрорганизмлар Риккетсий-Провачек деб юритилади.

Риккетсийлар бурга, бит ва кана таналарида яшаб, тепкили терлама, Ку-безгак ва бошқа юқумли касалликларни қўзғайдилар.

5. Спирохеталар бурама (штопор) шаклидаги узун (500 мкм) ва ингичка (0,3—1,5 мкм) ипсизон мавжудотлардир. Асосий танаси (скелети) эластик ипдан иборат. Ҳужайраси пўстсиз, цитоплазмаси шу спирал скелетга тасмасимон ўралган. Ирсият белгилари цитоплазмада бир текис тарқалган. Сапрофит спирохеталар сув ҳавзаларида, ботқоқликларда, инсон ва ҳайвон ичакларида учрайди. Баъзи турлари сўзак, сариқ ва бошқа касалликларни қўзғайди. Тиш кирида тиш спирохетаси учрайди (105-расм).




105-расм. Спирохеталарнинг тузилиши:
а — бореллия (ҳайталанадириш тиф); б — сўзак (тропонема) ва в — сариқ касаллиги (лептоспора) ни қўзғовчилар.



106-расм. Грипп вирусининг схематик тузилиши:
1 — рибонуклеопротеин; 2 — мембраннымон ҳават; 3 — ёғсимон липоидлар; 4 — гемаглютеинин; 5 — энзим — ферментлар.

6. Вируслар — фоят майда организмлар бўлиб, уларнинг ҳажми нм (нонометр) билан ўлчанади. Масалан, полиомиелит касалини қўзғовчи вируснинг ҳажми 10—25 нм, гриппники 100—



107-расм. Тамаки ўсимлиги баргига мозаика касалигини қўзғовчи (ВРМ) Т-2 вируснинг схемаси (Френкель-Конрат, 1972):

1 — спирал ўқи; 2 — РНК молекуласи; 3 — наид; 4 — капсидни ташкил этган айрим бўлакчалар — капсомерлар; 5 — капсиднинг умумий кўрниши.

нинг 300 га яқин тури инсон ва ҳайвонларда, 200 га яқин тури ўсимликларда ривожланиб, турли касалликларни қўзғайди.

Вирус бўлакчаси вибрион дейилиб, унинг таркибида махсус оқсила ва ДНК ёки РНК молекулалари ўрин олган. Жумладан, чечак, герпес ва адено-вирус ДНК, грипп, қутуриш, қизамиқ вирусларида РНК молекулалари мавжуд.

ВРМ вируснинг нуклеин кислоталари 107-расмда кўрсатилганидек, махсус оқсила молекулаларидан ташкил топган қобиқ билан ўралган. Оқсила қобиғи капсид деб атадан. Капсиднинг ўзи айрим капсомерлар деб атадан қисмлардан иборат. Капсомер бир ёки бир неча юз оқсила молекулаларидан ташкил топган. Жумладан, тамаки баргига доғланиш (мозаика) касалини қўзғовчи вирус (ВРМ) нинг капсид қавати 2250 та капсомерлардан ташкил топган бўлиб, ҳар қайси капсомернинг ўзи 158 та аминокислотадан таркиб топган. Бу вирус кристалл шаклидаги оқсилдан ташкил топганлиги аниқланган.

7. Бактериофаглар ҳам вируслар каби жуда кичик мавжудот бўлиб, ҳажми нонометр билан ўлчанади. Улар юқори (65°C) ва паст (-185°C) температурага, ёруғлик нурига, юқори босим (6 000 атм.) га, заҳарли модда (сулема, фенол) ларга

120 нм, чечак ва трахома (кўз касади) вирусларининг катталиги эса 200 нм га этиб қолади (106-расм).

Табиатда вируслар борлигини рус олимий Д. И. Ивановский аниқлаб, вирусология фанига асос солган.

Вируслар махсус бактериал, яъни, жуда майда тирқишиди. Фильтрлар орқали ҳам осонлик билан ўтиб кетади. Шуни ҳисобга олиб, уларни фильтрланувчи организмлар деб юритилади. Уларнинг таҷачалари таёқча, куб, шар ва ипсимон шаклларда бўлади. Улар риккетсиялардек фақат тирик организмларда яшаб, ривожланади. Уларнинг таҷачалари таёқча, куб, шар ва ипсимон шаклларда бўлади. Улар риккетсиялардек фақат тирик организмларда яшаб, ривожланади.

Уларнинг таҷачалари таёқча, куб, шар ва ипсимон шаклларда бўлади. Улар риккетсиялардек фақат тирик организмларда яшаб, ривожланади.

Вирус бўлакчаси вибрион дейилиб, унинг таркибида махсус оқсила ва ДНК ёки РНК молекулалари ўрин олган. Жумладан, чечак, герпес ва адено-вирус ДНК, грипп, қутуриш, қизамиқ вирусларида РНК молекулалари мавжуд.

ВРМ вируснинг нуклеин кислоталари 107-расмда кўрсатилганидек, махсус оқсила молекулаларидан ташкил топган қобиқ билан ўралган. Оқсила қобиғи капсид деб атадан. Капсиднинг ўзи айрим капсомерлар деб атадан қисмлардан иборат. Капсомер бир ёки бир неча юз оқсила молекулаларидан ташкил топган. Жумладан, тамаки баргига доғланиш (мозаика) касалини қўзғовчи вирус (ВРМ) нинг капсид қавати 2250 та капсомерлардан ташкил топган бўлиб, ҳар қайси капсомернинг ўзи 158 та аминокислотадан таркиб топган. Бу вирус кристалл шаклидаги оқсилдан ташкил топганлиги аниқланган.

7. Бактериофаглар ҳам вируслар каби жуда кичик мавжудот бўлиб, ҳажми нонометр билан ўлчанади. Улар юқори (65°C) ва паст (-185°C) температурага, ёруғлик нурига, юқори босим (6 000 атм.) га, заҳарли модда (сулема, фенол) ларга

чидалы. Бактериофаглар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ҳар қайси миайян бактерия танасида ҳаёт кечириб, ривожланади ва уларни эритиб (лизис), ҳалок бўлишга олиб келади. Шакл жиҳатдан бактериофаглар сперматозоидларга ўхшайди (108-расм). Бактериофагнинг бош қисмида ДНК молекуласи ўрин олган.


Бактериофаглар ўз танаси асосида жойлашган ўсимталар билан бактерияга ёпишиб, бош қисмида жойлашган ДНК молекуласини бактерияга ўтказади. Шу бактерияга ўтказилган ДНК молекулалари синтезланниб, бактерия ҳужайраси ичидаги маҳсулот ҳисобига ёш бактериофаглар таналари тикланади. Кейинчалик бактерия пўстини ёрилишга олиб келади, натижада ёш бактериофаглар ташқарига чиқиб, янги бактерияларга ёпишиб ривожлана бошлади.

8. Миксомицетлар
(*Mycotycesetes*) шилимшиқлар. Булар чириётган барг, дарахт пояларида учрайди. Ҳужайралари кўп мағизли бўлиб, ёлғон оёқ (псевдоподобий) лари ёрдамида ҳаракатланади. Ривожланиш цикли мураккаб бўлиб, спора орқали ёки оддий бўлинини ўйли билан кўпаяди. Нам мұхитга тушиб қолса, таналари бўкиб ёрилади, ичдан чиқсан цитоплазмаси амёба шаклидаги ҳужайраларга бўлинади. Қулай шароитда спорадан бир ёки бир неча зооспора ўсиб чиқади (109-расм.). Зооспоралар бўлиниб кўпаяди. Сўнгра хивчинларини ташлаб, амёба шаклига киради.

Миксомицетлардан альпидиум брассика (*Plasmodiophora brassicae*) карамда «қора оёқ» ва картошка тугунагида ўсма касалини қўзғайди.


9. Замбуруғлар (Fungi). Тўқимасида хлорофилл моддасини сақламайдиган тубап ўсимликлардир. Уларда мағиз дифференциалланган бўлиб, спора ёрдамида кўпаяди. Замбуруғлар морфологияси хилма-хил бўлиши билан бир-биридан фарқ қиласи.

Замбуруғлар орасида сапрофит, паразит ва факультатив паразитлар мавжуд бўлиб, улар ўсимлик, инсон ва ҳайвонларда турли касалликларни қўзғайди. Замбуруғлар бир неча синфа бўлинади.



108-расм. Бактериофагнинг схематик тузилиши:

1 — бактериофагнинг бош қисми; 2 — вукленин кислота; 3 — дум пусты; 4 — нуклеин кислотанин ҳаракатлантирувчи най; 5 — найни ўраб олган пустлоқ; 6 — найнинг базад - пластикаси; 7 — тищимон ўсимталар; 8 — инсимон ўсимталар.



109-расм. Миксомицет шилимшиқларининг ривожланиши даврлари:

1 — циста ҳолатиди; 2—цистадан ўсиб чиқаётган зооспорангиг хивчинга айланниши; 4, 5 — хивчинини йўқотиб миксоамёбаларнинг жуфтлашиши; 6 — магнэлари қўшилган диплоид зигота ҳосил бўлишини; 7, 8 — диплоид миксоамёбалар (зигогалар) қўшилишидан плазмодий ҳосил бўлиши; 9, 10 — миксомицетес мева таансининг тикланиши.

Фикомицетлар (*Phycomyctes*) бир ҳужайрали бўлиб, ҳужайраси пардалар билан бўлинмаган. Замбуруғларнинг гифалари тармоқланган ингичка ипга ўхшаб, жингалак шаклда тўпланиб, мицеллийни ташкил этади. Улар узун ёки қисқа бўлиб, спора ҳосил қиласди. Буидай гифлар спорангиялар дейилади. Спорангиялар учида шарсимон шаклдаги эндоспоралар билан тўлган споралар бор.


Фикомицет замбуруғларининг баъзилари одамда ўпка ва ўрта қулоқ касалликларини қўзғайди. Фикомицетлар табиатда нон, сабзавот, гўнг ва бошқа нам ерларда учрайди. Вакили моғор замбуруғи (110-расм.).

Аскомицетлар (*Ascomyctetes*) ҳалтали замбуруғлар бўлиб, мицеллийлари кўп ҳужайрали. Жинсий кўпайганда махсус ҳалтча (аско) лардаги аскопоралар орқали, жинссиз кўпайганда эса конидиялар ёрдамида кўпаяди. Аскомицетлардан аспергил (*Aspergillus*) мицеллийси пардалар билан бўлинган. Ўзида конидия сақловчи гифлар бир ҳужайрадан ташкил топган. Бир-бiriға уланган конидиялар сув томчиларига ўхшаб тарқалган нуркўринишида гиф устида жойлашган (111-расм).

Пеницилл (*Penicillium*) замбуруғининг гифи асосий қисм ва бир неча бўғимдан ибрат. Улар тармоқланиб кетишидан гиф (конидия сақловчи) нинг умумий кўриниши дастага ўхшайди. Даста учларида шарсимон, бир-бiriға уланган конидиялар бор. Конидиялар яшил тусда бўлганлигидан улар яшил мөғор деб юритилади.

110-расм. Фикомицетлар, мөнор (*Phycotomycetes*) нинг түзилиши:

1 — мукорнинг мицеллийси;
2 — спорангия банди; 3 — спорангияси;
4 — спорангиянинг ривожланышы (*a, b*); 5 — етилган спорангия; 6 — жинсий күпайини (*e, g, d*), зиготаларнинг күшилиши ва ривожланиси;
7 — етилган зигота ва уннаг ўсиб чиқиши.





Махсус пишлоқ тайёрлашда (*P. roqueforti*, *P. camberti*) пеницилл замбуруғлари ишлатилади.

Аскомицетларга мансуб бўлган (*Saccharomycetes*) сахромицетеслар йирик ҳужайрали турушлар, овал, шар ва таёқчилик шаклларда учрайди. Туруш ҳужайраларида цитоплазма майдонали ёки тиниқ. Унда вакуола, дифференциалланган мағиз,

111-расм. Аскомицетлар:

a. пеницилл; 1—конидия банди; 2—стеригма; 3—конидиялар; *b*. аспергилл; 2 — конидиялар; 3 — конидиянинг алоҳида кўрининши; 4 ва 5 конидиянинг ўсиши; 6—мицеллий гифлари.





112-расм. Турушлар:

а) көпвойчиликда ишлатыладыган туруш (*Saccharomyces cerevisiae*); б) вино туруши; в) куртакланыш жараённан ҳосил бўлган колониялар; г) турушларда споралар ҳосил бўлиши.

ўсимликларда паразитлик қилиб ҳаёт кечиради. Буларга одамлар истеъмол қиласидиган қўзиқоринлар ҳам киради.

Мукаммалашмаган замбуруғлар (*Fungi imperfecti*) фақат конидиялар ҳосил қилиб жинссиз қўпаяди. Бу замбуруғларнинг кўпчилиги одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар орасида ҳар хил касалликларни тарқатади. Масалан, ғўзада вилт касаллигини виртициллиум замбуруғлари тарқатади.


10. Лишайнеклар (*Zichenes*) яшил ёки кўк-яшил сувўтлари, ассо ва базидиомицет замбуруғлари ўртасида симбиоз ҳаёт кечиравчи организмлардир. Лишайнекларда азот ўзлаштирувчи азотобактерлар ҳам учрайди. Лишайнеклар тошларда, дарахт таналарида ва қарағайзор ўрмонларда ҳамда тундрада кўп учрайди. Улар соредий деб аталган бўлакчалар ёрдамида қўпаяди. Соредий сувўти, бактерия ва замбуруғ гифаларидан ташкил топган, чанг шаклида бўлиб, шамол ёрдамида тарқалади (113-расм).

11. Содда ҳайвонлар (*Protozoa*) бир ҳужайрали организмлар бўлиб, тупроқда тўрли-туман биохимиявий жараёнларнинг ўтишида қатнашади (114-расм). Ҳайвон ичакларида турли касаллик туғдирувчилар кўп. Протозоалар зич цитоплазмали бир ёки бир неча мағизли ҳужайралардан иборат. Баъзилари тиним босқичида цистага ўралган бўлади. Циста кальций, стронций ва силиций тузларидан ташкил топган қалин пўстга ўралган.

гликоген, волютин, ёғ томчилари ва ипсимон хондриосомалар мавжуд. Турушлар асосан куртакланыш ва спора ҳосил қилиб қўпаяди. Турушлар пиво, вино, қимиз тайёрлашда, нон заводларида кент қўлланилади (112-расм.).

Аскомицетлардан баъзи бирлари ғалла ўсимликларига катта зиён келтиради.

Базидиомицетлар (*Basidiomycetes*) кўп ҳужайрали мицеллийлардан ташкил топган бўлиб, базидиоспоралар ёрдамида жинсий йўл билан қўпаяди. Кўпчилиги тупроқдаги чириган органик моддалар ҳисобига, баъзилари



113-расм. Лишайникларнинг тузилиши:

1 — гомеомер ва 2 — гетеромер лишайниклар; а — гетеромер лишайникнинг устки ва пастки қобиқлари; б — сувўтлар жойлашган қатлам; в — замбуруғ гифалари; 3 — лишайникларнинг айrim юлпайиш бўлакчалари — соридиянинг тузилиши; а — спора; б — сувўти; в — замбуруғ гифалари.

114-расм. Содда ҳайвонлар:

1 — сохта оёқлилар — амебалар;
2 — хивчинлилар; 3 — киприклилар.

Микроорганизмларнинг химиявий таркиби ва озиқланиши

Махсус озиқланиш органи бўлмаганлиги сабабли микроорганизмлар эритма ҳолидаги озиқ моддаларни диффузия ва адсорбция ҳодисасига биноан қабул қиласди. Ҳар қайси микроорганизм ҳаёт фоалияти учун зарур бўлган элементлар миқдори ҳар хил. Бу қўйидаги жадвалда кўрсатилган.

70- жадвал

Микроорганизм ҳужайраси таркибидаги элементлар миқдори, % ҳисобида

Элементлар	Бактерияларда	Турушларда	Мотог замбуругларда
C (углерод)	50,4	49,8	47,9
N (азот)	12,3	12,4	5,24
H (водород)	6,78	6,7	6,7
K (калий)	2,41	2,34	2,81
P (фосфор)	4,95	3,54	4,85
S (олтингугурт)	0,29	0,04	0,11
Na (натрий)	0,07	—	1,12
Mg (магний)	0,82	0,42	0,38
Ca (кальций)	0,89	0,38	0,19
Fe (темир)	0,08	0,035	0,16
Si (кремний)	0,03	0,09	0,04

Булардан ташқари, микроорганизмлар ҳужайрасида жуда оз миқдорда бор, марганец, мис, бром, ѹод, молибден ва бошқа микроэлементлар учрайди.

Қабул қилинган элементлар ҳисобига ҳар бир микроорганизм ўзига хос --- махсус оқсил углевод, ёғ ва бошқа турли органик моддаларни синтез қилиш қобилиятига эга.

Микроорганизмлар синтез қилган органик бирикмаларнинг нисбати уларнинг турига кўра ҳар хил. Баъзи микроорганизмларда оқсил моддаси устунлик қиласа, бошқаларда ёғ ёки углеводлар кўп тўпланади. Буни қўйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

71- жадвал

Микроорганизмлар	Оқсил	Углевод	Е _F	Кул
	% ҳисобида			
Чиритувчи бактерия	80	4	5—7	10
Сил таёқчаси	56	—	40—50	2—4
Туруш	40—60	25	4	7—10
Мотог замбуруги	20—40	20	8—40	7
Қўзиқорин	25—30	25—60	5	5—10

Органик моддалар таркибидаги углерод ва азот миқдори бошқа элементларга нисбатан кўп. Бу элементларни баъзи микроорганизмлар анорганик, бошқалари эса органик моддалар тарки-

бидан ўзлаштириб олади. Микроорганизмларнинг систематикасини тузишда уларнинг углерод, кислород ва азот манбаига бўлган муносабати ҳисобга олинади.


Углероднинг ўзлаштирилиши

Углеродни ўзлаштириш жиҳатидан микроорганизмлар икки катта гуруҳга бўлинади.


1. Прототроф ёки автотрофлар. Бу гуруҳга кирган микроорганизмлар CO_2 таркибидағи углеродни ўзлаштириш қобилиятига эга. Бунда ёруғлик ёки химиявий реакциялар вақтида ажралиб чиқсан энергия сарфланади. Қуёш энергияси ҳисобига углеродни ўзлаштирган микроорганизмлар фотосинтетик, химиявий реакция вақтида ажралган энергия ҳисобига углеродни ўзлаштирган микроорганизмлар хемосинтетик организмлар деб аталади.

Фотосинтез жараёни яшил ва пурпур (қизил ва тўқ қизил) пигментли олтингугурт бактерияларида содир бўлади. Пурпур бактерияларида бактериопурпурин пигменти бўлиб, химиявий таркиби жиҳатидан каротиноидларга (ликопин гуруҳига) яқин туради. Бундан ташқари, уларда бактериохлорин деган пигмент ҳам мавжуд. Бактериохлорин ҳавода оксидланиб, хлорофиллга яқин турган моддага айланади.

Пурпур бактерияларда фотосинтез жараёни қуйидаги формула асосида водород сульфид сульфат кислотагача оксидланади:




Яшил гугурт бактериялари хлорофилл типидаги бактериовиридин пигменти ёрдамида углеродни қуйидаги формула асосида ўзлаштиради:



Водород сульфид (H_2S) олтингугуртгача оксидланади.

Юксак ўсимликларда оксид шаклидаги карбонат ангидрид сув молекуласидаги водород иштирокида қайтарилади. Яшил ва пурпур бактерияларда эса CO_2 гази водород сульфид (H_2S) таркибидағи водород ҳисобига органик бирикмаларгача қайтарилади. Бактериал фотосинтез жараёнида кислород ажралиб чиқмайди. Шунинг учун бактериал фотосинтез фоторедукция деб аталади.

Пигментсиз бактериялар карбонат ангидридни химиявий реакциялар вақтида ажралиб чиқсан энергия ҳисобига ўзлаштириши хемосинтез деб айтилади. Бу ҳодиса рангиз олтингугурт, темир ва нитрификация жараёнини қўзғовчи бактерияларда содир бўлиб, уни рус олими Виноградский (1888) аниqlagan. Нитрификаторларда хемосинтез жараёни қуйидаги реакция асосида ўтади:




Бошқа хемоавтотроф бактерияларда ҳам хемосинтез жараённи шу йүснинде боради. Лекин олтингүргөт бактерияларида водород сульфид (H_2S) сульфат кислотагача (H_2SO_4), темир бактерияларида темирнинг икки валентли тузлари (FeSO_4) темир уч валентли тузларига $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$ оксидланishiдан ҳосил бўлган энергия ҳисобига карбонат ангирид қайтарилиб, органик бирикмалар ҳосил бўлади.

Оксидланиш реакцияларида ҳосил бўлган энергия АТФ молекулаларининг барпо қилинишида сарфланади, яъни ҳужайра-да потенциал энергия ҳосил бўлади, деган фикрлар бор. Реакция қўйидагича боради:



Синтез қилинган АТФ молекуласидан фосфор кислота қолди-ғи ажралади. Шу энергия ҳисобига карбонат ангирид қўйидаги формула асосида углеводгача қайтарилади:



2. Гетеротроф ёки метатрофлар. Бу гурухга жуда кўп турда-ги микроорганизмлар кириб, улар органик бирикмалар таркиби-даги углеродни ўзлаштиради. Гетеротроф организмлар ичida сапрофит ва паразит ҳаёт кечирувчи формалари ҳам учрайди:

Сапрофитлар муҳитдаги ўлик органик моддалар таркибидаги углеродни ўзлаштиrsa, паразитлар тирик организмдаги органик моддалар таркибидаги углерод ҳисобига озиқланади.

Ўсимлик тўқима (хужайра) сига ўтиб, уни нобуд қиласи, сўнгра тўқима таркибидаги моддалар ҳисобига яшайдиган микроорганизмларга декстроктив, тирик тўқима (хужайра) даги моддалар ҳисобига яшайдиган микроорганизмлар ба ла н слангани паразитлар деб аталади. Балансланган паразитларнинг баъзилари ўсимлик нобуд бўлиши билан ҳалок бўлади (қорақуя ва занг замбуруғлари), бошқа турлари тирик ёки ўлик ўсимлик қолдиқларида ҳаёт кечирадиганлари факультатив паразитлар деб аталади.

Ҳар қайси микроорганизм маълум органик моддалардаги углеродни ўзлаштириб олишга мослашган. Уларнинг баъзилари тўла қайтарилган (парафин ёки алкан) ва қўш боғсиз бирикмалар таркибидаги углеродни ўзлаштиради. Кўпчилик микроорганизмлар оксидланган углеводлар, кетонлар, альдегидлар, органик кислоталар ва қўш боғли бирикмалар таркибидаги углеродни осонлик билан ўзлаштиради.

Гетеротроф организмлар ҳам карбонат ангирид таркибидаги углеродни ўзлаштириш қобилиятига эга. Бу ҳодисани рус олими А. Ф. Лебедев (1941) аниқлаган.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, микроорганизмларнинг баъзи турлари гудрон, капрон, резина, гербицид, заҳарли

ва бошқа турли синтетик мөддалар таркибидаги углеродни ўзлаштириш қобилиятига эга. Хулоса қилиб айтганда, микроорганизмлар таъсирига учрамаган бирикма йўқ экан.

Гетеротроф микроорганизмлар табиатда муҳим ўрин тутади. Улар углеродни ўзлаштириш билан бўйр қаторда, муҳитни карбонат ангидрид билан бойитади. Масалан, тупроқда тарқалган гетеротрофлар ҳаёт фаолияти натижасида органик мөддалар парчаланади. Шунинг эвазига бир гектар ердан ҳар йили 7 000 000 л СО₂ гази ажратиб чиқади.

Органик мөддаларнинг парчаланиб туриши, ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларининг чириши, атмосферада СО₂ газининг дёярли бир меъёрда бўлиши шу муҳитда тарқалган микроорганизмлар ҳаёт фаолиятига боғлиқ. Демак, микроорганизмлар табиатда углерод айланишини тартибга солиб туради. Ҳақиқатан ҳам, органик мөддалар таркибидаги углерод муҳитга чиқмасдан ҳар йили тўпланиб турса, атмосферадаги (600 миллион тонна) карбонат ангидрид 30 йилдан кейин батамом органик мөддаларга боғланиб қолган бўлар эди. Натижада яшил ўсимликлар учун зарур бўлган озиқ мөддаси (СО₂) тугаши билан ер шарида ҳаёт ҳам сўнар эди.

Азотнинг ўзлаштирилиши

Ҳар бир тирик организм, шу жумладан, микроорганизмлар ҳам танасида оқсил бирикмаларини синтез қилиш учун азот элементини ўзлаштириши зарур. Микроорганизмлар турига қараб ҳар хил типдаги азотли бирикмаларни истеъмол қиласди.

Микроорганизмларнинг азот манбаига бўлган талабини Н. Д. Иерусалимский кузатиб, уларни 2 грухга бўлишни тавсия қилган.

Аминоавтотрофлар деб аталган микроорганизмларга молекуляр азотни ўзлаштирувчи азотобактер, клостириум ва түгунак бактериялар, замбуруғ ва актиномицетлар, шунингдек, кўпгина сувўтлари киради. Азотли бирикмалар (NH₃, NO₂, NO₃) ҳисобига аминокислоталарни ва шу асосда зарур оқсилларни синтез қилувчи нитрификаторлар ҳам аминоавтотрофларга киради.


Аминогетеротрофларга кирган микроорганизмларнинг баъзилари фақат тайёр оқсил бирикмаларида (паразитлар) ёки пептон (сут кислотали бижгишни қўзғовчи бактериялар) да ривожланади. Бошқа турдаги микроорганизмлар оқсил ва бошқа юқори молекулали азотли бирикмалар таркибидаги азотни бевосита ўзлаштира олмайди. Лекин улар шу бирикмаларни содда мөддаларга парчалаш учун ташқи муҳитга кучли ферментлар ажратади. Сўнгра азотли содда бирикмалар микроорганизмлар томонидан ўзлаштирилади.

Микроорганизмларнинг нормал ривожланиши учун углерод ва азотдан ташқари олтингугурт, фосфор, калий, магний, каль-

ций, темир ва бошқа микроэлементлар, шунингдек, ферментлар; витаминалар ва бәзги аминокислоталар бўлиши зарур.

Микроорганизмларнинг кислородга бўлган талаби

Микроорганизм ҳужайрасига қабул қилинган моддалар цитоплазмага қўшилишидан олдин жуда мураккаб ўзгаришларга учрайди. Улардан углеводлар, ёғлар, оқсиллар синтезланади. Шу бирикмаларнинг бир қисми нафас олиш ёки бижфиш жараённида сарфланади. Бунда органик моддаларнинг оксидланишидан ҳосил бўлган энергия АТФ ва бошқа бирикмаларда макроэргик боғламлар сифатида тўпланади (аккумуляцияланади) ва қуйидаги схема асосида сарфланади:



Баъзан табиатда нам пахта, пичан, торф ва гўнг ўз-ўзидан ёниб кетади. Бу микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятида ажраби чиқсан иссиқлик энергияси ҳисобига юзага келади.

Микроорганизмларнинг кўпчилиги кислородли — аэроб шароитда нафас олади, бунда сарфланган органик моддалар Н₂O ва СО₂ гача парчаланади, ажраби чиқсан энергия миқдори кўп бўлади.



Баъзи бактериялар ва турушлар кислородсиз — анаэроб шароитда нафас олади. Анаэроб шароитда органик моддаларнинг парчаланишидан Н₂O ва СО₂ дан ташқари, турли оралиқ маҳсулотлар вужудга келади, яъни органик модда тўла парчаланмайди, натижада ажраби чиқсан энергия миқдори ҳам кам бўлади. Буни қуйидаги тенгламадан кўриш мумкин:



Анаэроб шароитда содир бўладиган нафас олиш жараёни бижфиш деб аталади.

Бу жараёнларнинг жуда мураккаб эканлиги, ўсимликларда нафас олиш жараёни бобида батафсил баён этилган.

Микроорганизмлар кислородли ва кислородсиз шароитда ҳаёт кечиришига кўра анаэроб ва аэроб гуруҳларга бўлиниди. Булардан ташқари, кислородли ва кислородсиз шароитда ҳаёт кечирадиган бетараф микроорганизмлар ҳам мавжуд. Булар факультатив анаэроб организмлар деб аталади.

Микроорганизмларга ташқи омилларнинг таъсири

Ҳар бир тирик организмнинг ҳаёти ташқи омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Ташқи шароит қанчалик қулай бўлса, микроорганизмлар ҳаёт фаолияти ҳам шунчалик жадал ўтади.

Эволюция даврида тирик мавжудотлар каби микроорганизмлар ҳам маълум иқлим шароитига мослашиб ривожланган. Жумладан, Ер шарининг иссиқ районларида иссиқликка чидамли микроорганизмлар, Шимолий вилоятларда совуқсевар микроорганизмлар тарқалган. Баъзилари шўр сувларда, бошқа турлари эса иссиқ булоқларда ҳаёт кечиришига мослашган.

Микроорганизм ҳужайрасининг 75—85% и сувдан иборат. Муҳитдаги озиқ моддаларнинг қабул қилиниши учун улар эриган ҳолда бўлиши керак. Субстратда сув миқдори етарли бўлмаса, микроорганизм ўз ҳаёт фаолиятини давом эттира олмасдан ҳалок бўлади.

Бироқ спора ҳосил қилувчи микроорганизмлар муҳитда сувнинг камайишига қарамай, ҳаёт фаолиятини бир неча йиллар давомида сақлаб қолади. Қулай шароит яратилганда микроорганизм спорадан ўсиб, ўзининг ҳаёт фаолиятини давом эттиради.

Спора ҳосил қилмайдиган бир хил бактерияларнинг сувсизликка чидамлилиги қўйидаги жадвалда баён этилган.

72- жадвал

Микроорганизмлар тури	Сувсизликка чидамлилиги
Стафилакокклар	2 йилдан ортиқ
Сут кислотали бижғиши қўзғовчи бактериалар	10 йилгача .
Паратиф бактериялари	2 ойгача
Қуруқ тупук ичидаги қолиб кетган сил касаллиги таёқчаси	Ярим йил ва ундан ортиқ

Сирка кислотали бижғиш ва нитрификация жараёнини қўзғовчи бактериялар сувсиз шароитга мутлақо чидамсиз бўлади.

Тупроқ таркибидағи микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти нормал ўтиши учун тупроқдаги сув миқдори тўла сув сифими нинг 40—80% ини ташкил этиши зарур. Шу шароитдагина уларнинг ҳужайраларида биохимиявий ва физиологик жараёнлар фаол ўтиб, улар яхши ривожланади.

Микроорганизмлар ривожланиши ва кўпайишида намликтининг муҳим эканлиги қўйидаги жадвал маълумотларидан кўринади (А. М. Казаков).

Микроорганизмлар сонини хисобга олган вақт	1 г гүшт устидаги бактериялар сони			
	ювиб қўйилган гүшт устида	куритилиган гүшт устида		
температура	2,2—3,3	7,2—10	2,2—3,3	7,2—10
Тажриба бошида	30000	30000	30000	30000
24 соатдан кейин	400000	1000000	40000	200000
48 соатдан кейин	660000	6000000	42000	—
72 соатдан кейин	760000	гүшт чириган	45000	400000
96 соатдан кейин	2000000 ҳиди ёқимсиз		70000	ҳиди ёқимсиз

Жадвал рақамларини кўздан кечириб, ювиб қўйилган гүшт юзида сув етарли бўлганлигидан гүшт чириб қолганлиги, қуритиб қўйилган гүшт эса муҳит температураси юқори ($7,2-10^{\circ}\text{C}$) бўлганда ҳам чиrimaganligi kўrinadi.

Намлик кам бўлганда микроорганизмлар секин ривожланади. Шуни эътиборга олиб, мева, дон, пичан ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиб сақланади. Маҳсулотларни сақлашда хона температурасига ва ҳаво намлигига эътибор бериш керак.

Ташқи омиллар ичida температура энг муҳими ҳисобланади. Бу омил микроорганизмларнинг моддалар алмашиниши жадаллигига таъсир қилиб қолмай, шу шароитда уларнинг ҳаёт кечириш имкониятини ҳам белгилайди.

Микроорганизмлар турига кўра, температура ҳам ҳар хил талаб қилинади. М. Ф. Чистяков китобидан олинган қўйидаги далиллардан кўриш мумкин:

74- жадвал

Микрорганизмлар тури	Температуранинг координати нуқталари, $^{\circ}\text{C}$		
	минимум	оптимум	максимум
Бактериялар			
Streptococcus lactes	8—10	30—35	40—45
Bact. Phosphoreum	0	16—18	28—30
Bact. Coli	10	37	50
Bact. bulgaricum	20	40—45	50
Bact. Ludwigi	50	60	80
Bacillus subtilis	5—8	30—35	50—60
Bacillus termophilus	41	60—65	72—75
Замбуруфлар			
Botrytis cinerea	—5 дан —2 гача	22—25	30—33

<i>Penicillium glaucum</i>	—5 дан —1,5 гача	25—27	31—36
<i>Aspergillus niger</i>	7—10 3 0,5—5	33—37 18—30 25—30	40—43 44 40—45
Ерочни нобуд құлувчы замбуруғлар Турушларнинг күп тури			

Жадвалда минимал температурада микроорганизмнинг жуда секин, оптималь температурада кучли ривожланғанлығы, максимал температурада ривожланиши сустлашганлығы ёки бутунлай тұхтаб қолғанлығы күзатылады.

Ерізидеги барча микроорганизмлар тури температура мұносабатыга күра учта экологик гурухға бўлинади.

Псирофил (совуқсевар) микроорганизмлар. Бу гуруҳдаги микроорганизмларнинг нормал ривожланиши учун минимал нуқта $-10-0^{\circ}\text{C}$ оралиғида, оптималь нуқта $+10^{\circ}\text{C}$ ва максимал нуқта $+30^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлиши талаб этилади. Улар Шимолий Музоекеани ва дengizларда, шунингдек, совуқ тупроқларда кўп тарқалған

Термофил (иссиқсевар) микроорганизмлар табиатда кам учрайди. Улар учун минимал температура 30°C , оптималь температура $50-60^{\circ}\text{C}$ ва максимал температура $70-80^{\circ}\text{C}$ оралиғида бўлиши керак. Улар иссиқ булоқларда, ўз-ўзидан исиб, баъзан ёниб кетадиган (дон, пахта, пичан, гүнг ва бошқа) буюлар тўплланган жойда бўлади.

Мезофил микроорганизмлар гурухига кирган микроорганизмлар юқорида айтиб ўтилган гуруҳлар оралиғидан ўрин олиб, улар учун минимум $0+10^{\circ}\text{C}$, оптимум $25-30^{\circ}\text{C}$ ва максимум нуқта $40-45^{\circ}\text{C}$ оралиғида бўлади. Улар ер шарида кўп тарқалған.

Паст температурада микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти секинлашиб, ўсиш ва кўпайиш жараёнлари тўхтайди, бошқача айтгандан, улар анабиоз — яширин ҳолатга ўтади. Температура кўтарилиши билан ҳаёт жараёнлари қайта фаоллашади.

Паст температура, кўпчилик микробларга, айниқса чири тувчи бактериялар ривожланишига салбий таъсир этиади. Шундан фойдаланиб озиқ маҳсулотлари турли типда ясалган музхоналарда сақланади.

Микробылар юқори температура таъсирида тезда ҳалок бўлади. Масалан, спора ҳосил қымайдиган кўпчилик бактерия ва микроблар $60-70^{\circ}\text{C}$ иссиқликда 10—30 минутда, $80-100^{\circ}\text{C}$ иссиқликда 1—3 минутда ҳалок бўлади. Бациллаларнинг спораларини ўлдириш учун бир неча соат давомида уларни 100°C иссиқликда қайнатиш талаб этилади. Бу қўйидеги жадвал рақамларидан кўринади.

75- жадвал

Бациллалар тури	100 °C иссиқликда спорасини ўлдириш учун талаб этилган вақт, минут билан
<i>Bacillus simplex</i>	3—4
» <i>mycoides</i>	3—10
» <i>anthracis</i>	5—10

Бациллалар түри	100 °C иссиқлика спорасын ұлдирис үчүн талаб этилган вақт, минут билан
» <i>megatherium</i>	15—16
» <i>robur</i>	34—55
» <i>subtilis</i>	120—180
» <i>botulinus</i>	300—350
» <i>culinardicus</i>	1140—1200

Юқори температурадан фойдаланиб консервалаш саноатида ишлаб чиқариладиган озиқ маҳсулотлари ва бошқа буюмларни микроорганизмлардан турли типда заарасизлантирилади, яғни стерилланади. Бунинг учун Қох қайнатгачи ва турли шаклдаги автоклавлар ишлатилади. Сутни 70 °C иссиқлика 30 минут давомида иситиш пастериллаш деб аталади. Микробиология машғулотларида ишлатиладиган шиша идишлар қоғозга ўралып, құритгич шкафларда 180 °C иссиқлика қыздырылади. Булардан ташқари, эритмаларни микроблардан холи қилиш учун маҳсус бактериал фильтрлардан фойдаланылади.

Микроорганизмларга концентрик эритмаларнинг таъсири

Ҳар қандай организм табиий шароитда маълум концентрацияли эритмаларда ҳаёт кечиради. Бинобарин, эриган моддалар миқдорига күра эритма маълум даражадаги осмотик босим кучига ҳам эга. Шунға биноан, мұхитда яшовчи микроорганизм ҳужайрасининг босим кучи ҳам оз ёки күп бўлади. Масалан, чучук сувнинг осмотик босим кучи жуда оз бўлганлиги туфайли шу мұхитда ҳаёт кечирувчи микроорганизм ҳужайрасининг осмотик босим кучи кам бўлади. Денгиз суви ва шўр тупроқда эриган моддалар күп бўлганлигидан осмотик босим кучи 10 ва 100 атм га тенглашиб қолади. Шундай кучли концентрацияли эритмаларда мұхитнинг босим кучидан кучлироқ осмотик босимга эга бўлган микроорганизмларгина ҳаёт кечира олади.

Ҳақиқатан ҳам шўр тупроқларда ва денгиз сувларида ҳаёт кечирувчи микроорганизмлар ҳужайраларида осмотик босим кучи 50—80 атм га, баъзи мөғор замбуруғларида 200 атм га тенг.

Мұхит концентрациясининг кучли бўлиши кўпчилик микроорганизмларга салбий таъсир этади. Шунинг учун озиқ маҳсулотларини ош тузи ёки шакарнинг кучли эритмаларида сақланади. Жумладан, балиқларни кучли ош тузи эритмасида, меваларни эса кучли шакар эритмасида сақланади.

Турли концентрацияли ош тузи эритмасининг микроорганизмлар ривожланишига таъсири қуйидаги жадвалда келтирилган.

Микроорганизмлар түри	Ош тузи эритмасининг концентрацияси, %	Микроорганизмлар түри	Ош тузи эритмасининг концентрацияси, %
Бактериялар		Турли замбуруғлар	
<i>Streptococcus lactes</i>	2—5	<i>Mycoderma</i>	10
<i>Bacillus batulinus</i>	6—7,5	<i>Torula rosea</i>	20
» <i>subtilis</i>	10—15	Моғор замбуруғлари	12
<i>Micrococcus anantiacus</i>	15—20	<i>Botrytis cinerea</i>	17
<i>Bacterium vermicosum</i>	20	<i>Aspergillus niger</i>	20
» <i>holophilum</i>	25% дан күпроқ	<i>Penicillium glaucum</i>	түйнінг түйнінг түйнінг
		<i>Oospora Nikitiinski</i>	түйнінг түйнінг түйнінг түйнінг

Жадвалда көлтирилген рақамларга күра баъзи микроорганизмлар ривожланиши 2—5% ли туз эритмасида түхтаса, айримлари 25% дан күпроқ бўлганда ҳам ҳаёт жараёнларини давом эттиради.

Осмотик босими кучли эритмаларда нормал ривожланган микроорганизмлар осмофиллар деб аталади. Туз эритмасининг кучли концентрациясида ривожланган микроорганизмлар голофиллар, яъни тузсеварлар деб аталади.

Голофил бактериялар (*Bacterium serratum salinarium*) тузланган балиқлар устида ривожланади, натижада қизил рангли колониялар ҳосил бўлади. Бу бактерия таъсирида бузилган маҳсулот қизил рангга бўялганлиги учун фуксин деб аталади.

Осмофиллар (моғор ва туруш замбуруғлари ҳамда баъзи бактериялар) асал, жем каби консервалар сифатини бузади.

Микроорганизмларга физик ва химик омилларнинг таъсири

Микроорганизмларга, жумладан, яшил, қизил ва тўқ қизил (пурпур) олтингугурт бактериялари ҳужайрасида фотосинтез жараёнининг ўтишида ёруғлик зарур омил ҳисобланса, бошқа микроорганизмларга катта зарар келтириб, уларни ҳалок қиласди. Масалан, қуйдирги касаллигини қўзғовчи бактерияларга қуёш нурининг салбий таъсирини В. И. Палладин текширган. Қуйидаги жадвалда тажриба натижалари келтирилган.

Ёруғлик таъсири қиласган вақт, минут ҳисобида	Каттиқ озиқ модда устида ўсган колониялар сони
0	2520
10	360
20	133
30	4
50	4
70	0

Жадвалдан маълумки, қуёш нури таъсир этмаган муҳитда 2520 дона колония ҳосил бўлган. Қуёш нурида 20 минут турганда колониялар сони 133 тада ошмаган, 70 минут турганда эса озиқ муҳитидаги бактериялар колонияси тўлиқ ҳалок бўлган. Қуёшдан тарқалган ҳаво ранг, бинафша ва, айниқса, ультрабинафша нурлар микробларга кучли таъсир этиб, фақат ҳужайраларни нобуд қилибина қолмай, балки спораларга ҳам таъсир этган.

Еруғлик яхши тушадиган хоналарда касаллик тарқатувчи микроорганизмлар камдан-кам учрайди.

Рентген ва радиоактив нурлари, электромагнит ва радиотўлқинлари, ультратовушлар, кучли босим ҳам микроорганизмларга салбий таъсир этиб, уларни нобуд қилади. Аммо океанларда 9000 м чуқурлиқда ҳаёт кечирадиган микроблар 900 атм босимга ҳам бардош бера олади.

Муҳитдаги Н ёки OH ионларининг миқдори шу субстратнинг кислоталилик ва ишқорийлик даражасини ифодалайди. Кўпчилик бактериялар ишқорий ёки нейтрал муҳитда, яхши ривожланса, сирка кислотали ва сут кислотали бижгиш жараёнини қўзғовчи бактериялар ва, айниқса, замбуруғлар муҳитнинг кислотали бўлишини талаб этади.

Кўпчилик бактерияларнинг нормал ривожланиши учун муҳитнинг pH даражаси 6—8, замбуруғлар учун pH 3—6 оралиғида бўлиши керак. Масалан, сут кислотали бижгиш жараёнини қўзғовчи *Streptococcus lacles* учун pH минимум 4,0—4,5 бўлса, максимуми 8 га тенг келади. Нитрификация жараёнини қўзғовчи нитробактер ва нитрозомонаслар учун pH нинг минимум нуқтаси 7 га, оптимум нуқтаси 7—8 га ва максимум нуқтаси 9,7 га тўғри келади. Аспергиллус замбуруғининг минимум pH нуқтаси 1,5 га, оптимуми 3—8 оралиғида ва максимум нуқтаси 11,6 га тенгdir.

Баъзи микроорганизмлар муҳитнинг pH ини ўзи учун мослашиб кисусиятига эга. Масалан, туруш замбуруғлари нейтрал шароит ($pH=7,5$) да этил спирт ўрнига сирка кислота ишлаб чиқаради. Муҳитнинг pH и 4 га етгандан кейин, шу замбуруғ учун оптимал нуқтаки $46-49^{\circ}\text{C}$ да этил спирт ҳосил қила бошлайди. Бошқа тур замбуруғлар ҳам оксалат кислота ишлаб чиқариб, муҳит кислоталигини оширади.

Микроорганизмлар ҳаёт фаолиятини тўхтатиш ва уларни нобуд қилишда анорганик моддалардан йод, K_2MnO_4 , симоб, кумуш каби оғир металл тузлари, карбонат ангидрид, хлор, азон газлари, органик бирикмалардан спирт, фенол, формальдегид, хлороформ ва бошқалар кучли таъсир қилади. Шунинг учун улар тиббиётда, қишлоқ ҳўжалигида ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Бу бирикмалардан эфир, спирт ва ишқорларнинг кучсиз эритмаси микроорганизм таркибидаги ёғ ва липоидларни эритса, оғир металл тузлари HgCl_2 , CuSO_4 , AgNO_3

ва формалин бактерия танасидаги оқсилларни коагуллайди (ивитади). HNO_3 , хлор, K_2MnO_4 каби кучли оксидловчилар микроорганизм таркибидаги мавжуд органик бирикмаларнинг парчаланишини активлаштиради.

Кўрсатилган химиявий бирикмаларнинг концентрацияси жуда паст бўлса, микроорганизмларнинг ривожланиши ва ўсиши тезлашади. Масалан, CoCl_2 нинг кучсиз эритмаси билан азотобактерга таъсир этилганда, молекуляр азотни ўзлаштириш жараёни жадаллашади. Натижада тупроқда боғланган азот миқдори кўпайиб, тупроқ унумдорлиги ҳам ошади.

Айтиб ўтилган физик ва химиявий омиллардан ташқари микроорганизмнинг ўсиши ва ривожланишига биологик омиллар ҳам кучли таъсир этади.

Табиий шароитда ҳамма тирик организмлар инсон, ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмлар ўзаро яқин муносабатда бўлиб, бир-бирларига ижобий ёки салбий таъсир этиб ҳаёт кечиради.

Тупроқда ва сувда яшовчи микроорганизмлар ўзаро таъсирiga асосланиб бир неча гуруҳга бўлинади.

Симбиоз муносабат. Бунда микроорганизмлар бир-бiri билан ўзаро ҳамкорликда ҳаёт кечириб, иккала микроорганизм ҳам нормал ривожланади. Масалан, сут кислотали бижгиш жараёнини қўзғовчи бактериялар сут кислота ишлаб чиқариш билан, туруш замбуруғлар учун муҳитнинг pH ини пасайтирадиган бўлса, туруш замбуруғлари эса уларга керакли витаминларни етказиб беради. Клостродиум пастеурианум ҳақиқий анаэроб бўлганлигидан, аэроб бактериялар билан бирга ҳаёт жараёнларини ўтказади. Бу бактериялар томонидан синтезланган азотли бирикмаларнинг бир қисми аэроб бактерияларга етказиб берилса, аэроб бактериялар муҳит таркибидаги кислородни жадалроқ ўзлаштириб, клостродиумга анаэроб шароит яратади.

Шунингдек, юксак ўсимлик билан бактерия ҳам симбиоз ҳаёт кечириши мумкин. Бунга мисол қилиб дуккакли ўсимликлар тугунагида ҳаёт кечирувчи тугунак бактерияларни, сувўтлари билан замбуруғлар муносабатидан пайдо бўладиган лишайникларни кўрсатиш мумкин.

Микроорганизмлар билан ҳайвонлар ўртасида симбиоз ҳаёт кечириш формалари ҳам бор. Масалан, қурт-қумурсқалар озиқланганда, тук, соч, ёғоч каби органик бирикмаларни бевосита ўзлаштира олмайди. Уларнинг ҳазм қилиш органларида яшайдиган бактериялар уларни содда бирикмаларгача парчалаб ҳашаротларга етказиб беради.

Қорамоллар ошқозони ва ичакларида яшовчи баъзи бактериялар ўзидан кучли фермент ажратиб, клетчаткани парчалайди. Натижада ҳайвонлар ҳосил бўлган улгеводларни ўзлаштиради.

Асал муми билан озиқланадиган медоведа номли қушнинг озиқ ҳазм қилиш йўлида мумни парчалайдиган микроблар

яшаб, мураккаб ҳисобланган мум содда бирикмаларга парчаланади ва қаш томонидан ўзлаштирилади.

Метабиоз ҳаёт кечириш формаси ҳам симбиознинг бир шакли бўлиб, ундан бир оз фарқ қиласди. Метабиозда бир микроорганизм иккинчи микроорганизм ҳаёт фаолияти учун зарур маҳсулотни тайёрлаб беради. Масалан, кўпгина чиритувчи бактериялар мураккаб оқсилларни оддий бирикмаларга парчалайди. Оқсилинг парчаланишидан ҳосил бўлган оддий бирикмалар ҳисобига кўпгина микроорганизмлар ўз ҳаёт фаолиятини давом эттиради. Масалан, нитрификация жараёнини қўзғовчи бактерияларни олайлик. Нитрификация жараёнининг биринчи фазасида нитрозомонас (*Nitrosomonas*) бактерияси қатнашиб, аммиакни нитрит кислотагача оксидлайди, нитрификациянинг иккинчи фазасида нитробактер (*Nitrobacter*) иштирок этиб, нитрит кислота ҳисобига нитрат кислота ҳосил қиласди.

Антибиоз микроорганизмлар бир-бирига салбий таъсир этиб, улар ўртасида антогонистик муносабат юзага келади. Антибиозда бир микроорганизм иккинчи микроорганизмнинг ҳаёт фаолиятини бўғиб қўяди. Масалан, сут кислотали бижгиш жараёнини қўзғовчи бактериялар кўпчилик чиритувчи бактериялар учун заҳарли бўлган сут кислота ишлаб чиқаради.

Бациллус бревис (*Bacillus brevis*) бацилласи грамм мусбат бактерияларни нобуд қиласдиган бирикмалар ишлаб чиқаради. 1942 йилда рус олимлари Г. Ф. Гаузе ва М. Г. Бражниковалар стафилакокк, пневмококкларга кучли таъсир этадиган бирикмаларни ишлаб чиқиб, унга грамицидин С деб ном бердилар.

Кўпгина замбуруғлар микроорганизмларга салбий таъсир этадиган ва уларни нобуд қиласдиган моддалар ишлаб чиқаради. Пенициллин, стрептомицин, ауреомицин, хлоромицин, тетрациклин ва террамицин кабилар антибиотикларга мисол бўлади.

В. А. Монасеен ва А. Г. Полотебнов (1871) яшил могор пенициллум (*Penicillium*) нинг дори-дармонлик хусусиятига эга эканлигини кузатганлар. Унинг таркибидаги пенициллин моддаси шифобахш таъсир этганлигини А. Флеминг (1939, 1941) аниқлагач, уни ажратиб олиб, дори-дармон сифатида ишлатган. Яшил замбуруғларнинг бошқа бир туридан ажратиб олинган пенициллинни дори-дармон сифатида ишлатиш зарурлигини академик З. В. Ермольева (1941) тавсия этган.

Ҳозирги вақтда 1300 дан ортиқ антибиотик ажратиб олинган бўлсада, уларнинг 30—50 туригина дори-дармон сифатида ишлатилади. Стрептомицинни (*Actinomyces globisporus streptomycini*), Ауреомицинни Актиномицесс ауреофациесус (*Actinomyces aureofacilus*), террамицинни — окситетрациклини, Актиномицесс ремозус (*Actinomyces remosus*) томонидан ишлаб чиқарилади.

Пиёз, саримсоқ каби ўсимликлардан микроорганизмларга қарши заҳарли модда — фитонцидлар ажралади. Улар таъсирида күпгина микроблар ҳалок бўлади. Бундай моддалар ҳайвонларда ҳам учрайди. Масалан, товуқ тухуми оқсили таркибидаги лизоцим моддаси таъсиридан микроорганизмлар ҳалок бўлганлигини П. А. Лещенков (1909) аниқлаган.

Бундан ташқари, кўз ёшида, тупукда ва бошқа шилимишилар таркибida бактерияларни эритиб юборадиган бирикмалар бор. Тиф, дизентерия ва грипп вирусларини балиқлардан ажратиб олинадиган экмолин моддаси ҳалок қиласи (З. В. Ермольева, 1941, 1945).

Бирор тирик организм қайси гуруҳга киришидан қатъи назар ишлаб чиқсан бирикма бошқа организмга салбий таъсир кўрсатса, бундай бирикмалар антибиотиклар дейилади.

Агар антибиотиклар бактерияларга таъсир қилиб, уларнинг ривожланишини тўхтатса бактериостатик, нобуд қиласа бактерицид, замбуругларга таъсир қилиб, уларнинг ривожланишини тўхтатса фунгистатик, нобуд қиласа фунгицид деб юритилади.

Микроорганизмларнинг табиатда тарқалиши

Ер шарининг турли географик зоналарida иқлим шароити ҳар хил бўлишига қарамай, микроорганизмлардан холи бўлган районни топиб бўлмайди. Шимолий Муз океанида ва Африка саҳросида, баланд тоғлар чўққисида ва чуқур сув остида, инсон ва ҳайвон танасида, ўсимлик органларида сон-саноқсиз микроблар тарқалгандир. Микроорганизмларда ҳаёт жараёнларини сақлаш хусусияти кучли бўлганлигидан улар бир неча юз, ҳатточи бир неча минг йиллардан кейин ҳам қулай шароитда тириклик хусусиятларини намоён қилган. 1911 йилда муз тагидан топилган мамонт устида микроорганизмлар борлиги ва улар яшашга қодир эканликларини Омелейский кузатган. Америкалик Мейер Антарктидада (Жанубий қутбда) 30 м қалинликдаги муз ораларида микробларни ажратиб олиб, қулай шароитда парвариш қилиб, уларда ҳаёт жараёнларини уйғотган. Бу микроблар 3 000 йил давомида муз ичидан анабиоз ҳаёт кечирганлигидан далолат беради.

Фойдали микроблардан ташқари, инсон, ҳайвон ва ўсимликларда турли хил касалликларни туғдирувчилари ҳам учрайди. Заарарли микроблар ишлаб чиқарадиган заҳарли моддалар токсинлар деб аталади. Ташқи муҳитга чиқарилган заҳарли моддалар экзотоксин, ҳужайра ичидан сақланганларига эндотоксин дейилади. Бундай микроблардан сақланниш учун ҳар бир шахс гигиена қондаларига риоя қилиши зарур. Тоза ва соғлом тери кўп микроорганизмларни ҳалок қилиш қобилиятига эга. Шунга қарамай, одамлар баданида уларнинг сони миллион ва миллиардлар билан ҳисобланади.

Ийсөйләрнинг оғиз, бурун бўшлиқларида, айниқса касалланган тишларида турли хил заарарли ва заарсиз микроорганизмлар учрайди. Улканинг альвеолаларигина микроблардан холи бўлади. Трахея ва бронхларда ҳаво таркибидаги барча микроблар учрайди.

Қизилўнгач ва ошқозонда микроблар сони кам бўлса, ингичка ичак, айниқса, йўғон ичакда микроблар сон-саноқсиздир. Масалан, бир г ахлат таркибидаги микроблар сони миллиардлар билан саналади.

Баъзи ҳайвонлар ахлатининг 1/3 қисми микроблардан иборат экан. Ахлат таркибида кокклар ва таёқчасимонлар, вибройонлар ва спирохеталар, вируслар ва актиномицетлар, турушлар, замбуруғлар ҳамда содда ҳайвонлар вакиллари учрайди. Шулар ичида вабо, полиомиелит, дизентерия, сариқ ва бошқа касалликларни туғдирувчилар ҳам бўлиши мумкин. Бола туғилиб, 2,5 соат ўтгач, унинг танасида микроблар тўплана бошлайди. Микроблар турининг ўзгариб туриши ҳар бир шахснинг ёши, озиқланиши ва гигиена қоидаларига риоя қилишига бўрлиқ.

Инсонлар, ҳайвонлар ва ўсимлик органларидаги микробларнинг хилма-хил бўлиши ҳаво таркибидаги микрофлорага бўлиқ.

Ҳаво микрофлораси. Ҳаво қуруқ бўлса, тупроқдан кўтарилиган чанг-тўзон ҳисобига ҳаво микроблар билан ифлосланиб туради. Ўг чанг таркибида бир миллионгacha микроблар борлиги аниқланган. Йил фасллари ўзгариши билан ҳаводаги микроблар сони ҳам ўзгаришини парижлик Микелея текширган. «Вуни» қўйидаги жадвал рақамларидан кўриш мумкин.

78- жадвал

Йил фасллари	1 м ³ ҳаводаги бактериялар сони	1 м ³ ҳаводаги могор замбуруғлари сони
Қишида	4305	1345
Баҳорда	8080	2275
Ёзда	9845	2500
Кузда	5665	2185

Ер юзига яқин ҳаво таркибида микроблар сони жуда кўп бўлиб, юқорига кўтарилиган сари камая боради (Е. Н. Мишустин).

Москва шаҳар ҳавоси таркибидаги микроблар сони

79- жадвал

1 м ³ даги микроблар сони	Текшириш учун олинган ҳавонинг ер юзидағи баландлиги
5000	5—10 м
3000	500 м
1700	1000 м
600	2000 м

Янги маълумотларга асосланиб, ердан 20 км баландликда ҳам спора ҳосил қилувчи ва мөғор замбуруғлари бўлиши аниқлансан.

Океанларда, дengизларда ва баланд тоғлар ҳавосида микроблар сони кам бўлса, аҳоли зич жойлашган марказларда уларнинг сони кўп бўлади.

Турли жойлардан олинган ҳаво таркибидаги микроблар сони (Войткеевич маълумоти)

80-жадвал

Турли жойлар	1 м ³ ҳаводаги микроблар сони
Молхоналарда	1—2000000
Аҳоли яшайдиган хоналарда	20000
Шаҳар кўчаларида	5000
Шаҳар боғларида	200
Денгиз устидаги ҳавода	1—2

Олимларнинг далилларига кўра, шамоллатилмаган ҳонадаги 1 м³ ҳаво таркибидаги микроблар сони 200—300 минг донага бориб қолар экан. Жумладан, дарс бошлашдан олдин 1 м³ синф ҳавоси таркибидаги 300 дона микроб борлиги аниқланган. Дарсдан кейин эса микроблар сони 4 минг гача кўпайган. Бу ҳодиғса танаффус вақтида деразаларни очиб, хонани шамоллашиб зарурлигини кўрсатади.

Микроблар кичик бўлганилиги туфайли биз уларни кўра олмаймиз. Аммо уларни кўз билан кўриш қобилиятига эга бўлганимизда эди, уларнинг кучли жалага ўхшаб турғанлигини кузатган бўлар эдик.

Ҳавонинг қуруқ бўлиши, қуёш нури, озиқ моддаларнинг йўқлиги уларнинг кўпайнишига ва ривожланишига йўл қўймайди. Натижада ҳаво таркибидаги заарли микроорганизмлар ҳам камдан-кам учрайди.



Сув микрофлораси ҳам ўзига хос бўлиб, унинг таркибидаги бошқа тирик мавжудотлар учун заарли ва заарсиз микроб турлари мавжуд. Заарли микробларнинг кўпчилиги сув тозалангандаги ҳалок бўлади. Терлама тиф таёқчаси 4—6 ҳафта, паратиф ва дизентерия таёқчалари 2—6 кундан бир неча ҳафтагача, сариқ касаллигини қўзғовчи микроблар узоқ вақт давомида ўз ҳаёт фаолиятини сақлаб қолади. Муҳитда микробларнинг кўп ёки оз бўлиши сувда эриган органик ва анорганик моддалар миқдорига боғлиқ. Органик моддаларнинг тезда минераллашиши сувдаги микроорганизмлар ҳаётига таъсир этиб, уларни ҳалок қилади. Ультрабинафша нурлар ҳам микробларга салбий таъсир қилади.

Шаҳар ва қишлоқлардаги оқиб чиққан ташландиқ сувлар ҳисобига дарё, кўл ва дengизларда микроблар сони кўпаяди. Лекин шаҳар ва қишлоқлардан узоқлашган сари микроблар сони камая боради. А. С. Разумов маълумоти бўйича қишлоқка кириш олдидан 1 мл сувда 197 мингтacha микроб бўлса,

қишлоқдан чиққан сувда уларнинг сони 400 минг донага етган. Москва шаҳрига кириб келаётган Москва дарёсининг 1 мл суви таркибидаги микроблар сони 2 000 тани ташкил этган бўлса, шаҳардан ташқарига чиққач, микробларнинг сони 100 000 донагача етганлиги аниқланган. Бу ҳодиса Москва дарёсини аҳоли ва турли корхоналар чиқиндилиари ҳисобига ифлослантирилганлигидан далолат беради. Сув ости қатламида микроорганизмлар жуда кўп бўлади. Денгиз ва океанларнинг чуқур (5—9 км) сув қатламларида ҳам микроорганизмларнинг ўзига хос шаклдагилари ҳаёт кечирганлигини А. Е. Кресс (1959, 1964) аниқлаган. 1 г денгиз туви тупроғида микроблар сони $367,14 \cdot 10^6$ гача бўлиб, уларнинг массаси 0,3 г ни ташкил этади (В. С. Буткевич, 1932). Бу тупроқда сульфатларни қайтарувчи нитрификация, денитрификация жарайёнларини қўзговчи ва целлюлозани парчаловчи аэроб ва анаэроб бактериялар ҳам учрайди (Б. Л. Исаченко, 1951).

Истеъмол қилинадиган сувлар турли (тиндириш, коагуллаш ва фильтрлаш) усусларда тозаланади.

Тиндириш ва коагуллаш усусларини қўллагандан ҳавзалардаги сувга $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$ ёки $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$ тузлари солинади. Сув таркибидаги муаллақ жисмлар билан бирга микроорганизмлар ҳам сув остига чўқтирилади. Фильтрлаш усули кенг қўлланилади, бунда ҳавзаларда тиндирилган сув турли фильтрлардан ўтказилади. Фильтрлардан ўтган сувда микроблар сони 1—10% гача камаяди. Қолганларини ҳам йўқотиш мақсадида фильтранган сувга CaCl_2O кристаллари қўшилади, бунда унинг сув билан реакцияга киришишидан атом ҳолидаги кислород ажralиб чиқиб, микробларни ҳалок қиласи.



Одатда, 1 мл сув таркибидаги микроблар сонига кўра сувлар тоза (100—500), ўрта (500—1000) ва ифлос (1000 дан ортиқ) сувга ажратилади.

Тупроқ микрофлораси. Тупроқ таркибида озиқ моддалар, намлиқ ва ҳаво етарли даражада бўлса, микроорганизмларнинг ривожланиши учун энг қулий муҳит (субстрат) ҳисобланади. Ўрта ҳисоб билан 1 г тупроқда 2,5—5 миллиардгача микроорганизмлар бўлади. 30 см ли 1 гектар ҳайдаладиган тупроқ таркибидаги микроблар массаси 3—5 т га етиб қолади.

Тупроққа тушган ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари ҳисобига микроорганизмлар ўз ҳаёт фаолиятини давом эттириб, мисли

күрилмаган даражада күпайиб, тупроқ заррачалари орасыда түпланади.

Тупроқдаги микроорганизмлар сони тупроқ турига, унинг физик-химиявий хоссаларига ва иқлим шароитига кўра хилма-хил бўлганлиги қўйидаги жадвалда келтирилган.

81- жадвал

Тупроқ турни	1 г тупроқ таркибиндаги бактериялар сони
Торфли-ботқоқ тупроқ	707 000 000
Сув босган ўтлоқ тупроқ	549 000 000
Лойли подзол тупроқ	852 000 000
Ўрмон-подзол тупроқ	2 246 000 000
Экин экиб келинаётган бўз тупроқ	1 622 000 000
Суфориладиган бўз тупроқ	1 830 000 000
Кора тупроқ	1 930 000 000
Жанубий қора тупроқ	3 500 000 000
Томорқа тупроқлари	5 286 000 000

Тупроқ заррачалари томонидан микробларнинг ютилиб қолганлиги сабабли тупроқнинг юза қисмида микроблар кўп бўлиб, пастга тушган сари уларнинг сони камая боради.

Тупроқнинг генетик зоналари бўйича бактериялар миқдори (1 г тупроқда, миллион ҳисобида, С. Разумов ва Н. Ремизов маълумоти).

82- жадвал

Тупроқ зоналари	Тупроқ олинган чуқурлик, см	Экин экилмайдиган ўртача подзол тупроқ	Тупроқ олинган чуқурлик, см	Экин экиладиган ўртача подзол тупроқ	Тупроқ олинган чуқурлик, см	Ўрмон подзол тупроқ
A ₁	1—4,5	955,8	2—5	1086,0	0—2,5	2693,0
»	4,5—7,5	852,9	10—15	982,4	2,5—5	2246,6
«	7,5—11	565,9	—	—	5,8	1781,5
A ₁ —A ₂	11—15	402,6	—	—	9—12	782,6
A ₂	15—19	87,1	16—18	618,2	12—15	517,0
»	18—23	71,0	20—22	382,5	16—20	355,9
A ₂ —B	23—28	50,8	—	—	21—25	265,6

Фасллар ўзгариши билан тупроқдаги микроорганизмлар сони ҳам ўзгариб туради. Буни қўйидаги жадвал рақамларидан кўриш мумкин.

Иил фасллари ўзгариши билан тупроқдаги микроблар сони (1 г тупроқда, миллион ҳисобида)

83- жадвал

Жами сони		Азотобактерлар		Кокклар		Бациллалар		Турушлар		Протозоолар	
18.V	8.VII	18.V	8.VII	8.V	8.VII	18.V	8.VII	18.V	8.VII	18.V	8.VII
281,9	499,3	38,2	49,9	137,0	269,6	103,5	175,5	2,2	3,6	0,7	0,7
285,8	466,3	36,9	47,0	160,0	254,3	80,4	152,1	2,2	2,2	—	0,7

Ўсимликлар илдизидан ажратган органик кислоталар, витаминлар ва анорганик моддалар тупроқдаги микроорганизмлар ҳаёт фаолиятига кучли таъсир қиласы. Баъзи микробларга бу моддалар ижобий таъсир қылғанлыгыдан, үлар илдиз атрофига тұрпалиниб, симбиоз ҳаёт кечира бошлады. Бактериялардан ҳосил бўлган тұрпам ризосфера деб атлади.

Илдизлар билан замбурууғлар ўртасидаги муносабатни 1881 йилда Ф. М. Каменский аниқлаб, микориза деб атади.

Тупроқ структурасини яхшилашда, ўсимлик ва ҳайвон қодиқларини чиритишда, гумус ҳосил қилишда ва ўсимликлар учун зарурый озиқ моддаларни етказиб беришда тупроқдаги микроорганизмларнинг хизмати жуда катта.

Тупроқдаги микроорганизмлар хилма-хил бўлиши туфайли улар бир-бiri билан симбиоз ёки антогонистик ҳаёт кечиради. Тупроқда ҳам инсонлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар учун зарарли микроблар жуда кўп. Паразит микроблар тирик организм тўқималарига ўтиб, ўсимлик ҳужайраларидаги бирикмалар ҳисобига яшайди.

Уларнинг кўпчилиги барг оғизчалари, ясмиқчалар ва зарарланғац ўсимлик тўқималари орқали, баъзилари ўзидан кучли ферментлар ажратиб, ҳужайра пўстини эритиб, ўсимлик тўқималарига ўтади ва ўсимликни зарарлантиради.

Бундай ўсимликда цитоплазманинг ўтказувчанлиги кучаяди, барг оғизчалари юмилиш хусусиятини йўқотади. Транспирация жараёни жадаллашади, илдизлари ишдан чиқади, ўтказувчи найлар орқали моддаларнинг ҳаракатланиши секинлашади; фотосинтез жараёни сустлашади. Хулоса қилиб айтганда, моддалар алмашиши жараёни бузилиб, ўсимлик нобуд бўлади.

Тупроқдаги микроорганизмлар ҳаёт фаолияти шу ерда ўсадиган ўсимлик турига ҳам боғлиқ. Масалан, кузги буғдой, қора буғдой (гречиха), вика, пиёз ва саримсоқ каби ўсимликлар ажратган моддалар касаллик қўзғовчи бактерияларни ҳалок қиласа, картошка, хрен ўсимликлари эса зарарли бактериялар ривожланишини жадаллаштиради.

VIII б о б. ЎСИМЛИКЛАРДА ЎСИШ, ҲАРАҚАТЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Ўсимликларнинг ўсиши. Меристема ҳужайраларининг ўсиш фазалари


Моддалар алмашиниши жараёнининг тўхтовсиз давом этиши натижасида ўсимлик танасининг ҳажми ва массаси кундан-кунга ортиб боради.

Ўсимлик танасида ҳужайраларнинг цитоплазма ва ҳужайра органоидларининг, вегетатив ва генератив органларининг, тўпланган қуруқ моддалар миқдорининг кўпайиши каби, барча белгиларнинг йифиндиси ўсиши ифодалайди. Шу белгилар алоҳида-алоҳида олинганда ўсиш жараёнини ифодалай өлмайди. Тор маънода, ўсимлик массасининг ортиши ва ҳажмининг катталлашиши ўсиш деб аталади.

Ўсимликнинг танаси ўсиш нуқта (конус)сидаги ҳужайраларнинг бўлиниб кўпайиши ҳисобига ўсади, катталашади ва йўғонлашади. Ўсиш конусини ташкил этган тўқима мерис-


115-расм. Узунасига кесилган поянинг учки ўсиш нуқтаси — апиқал мерис-
тема:

1 — ўсиш нуқтаси; 2 — бошлангич барглар;
3 — қўлтиқ куртаклар; 4 — барглар.



тема дейилиб, жойлашиши ва функциясига биноан бир неча кўринишда бўлади:

а) учки ўсиш ёки бирламчи мерисема тўқимаси поя, новда, ўқ ва ён илдиз учларида жойлашган. Бирламчи



116-расм. Узунасига кесилган илдизнинг ўсиш нуқтаси:


I — ҳужайраннинг бўлиниш зонаси; II — ўсиш зонаси; III — илдиз тукчалари жойлашган ёки дифференцияланиш зонаси; IV — қоплагич (эпидермис) тўқималарни сақлаган ён илдизчалар зонаси; 1 — ён илдиз тармоги; 2 — илдиз тукчалари; 3 — эпидермис қавати; 4 — эктодерма; 5 — илдиз пўстлоги; 6 — эндодерма; 7 — қсилемма ва флоэма нағлари; 8 — илдиз гилофи.

меристема ҳужайралари кўндалангига бўлиниши туфайли улар узунасига ўсади. Учки ўсиш апикал ўсиш дейилади (115, 116-расмлар).

Энига ўсиш камбий ёки иккиласми меристема дейилиб, уни ташкил этган ҳужайралар узунасига бўлиниб кўпаяди, натижада поя, новда, илдиз ва уларнинг шохлари йўғонлашади. Бундай ўсиш тангентал ўсиш дейилади.

Интеркалар (киритма-қистирма маъносида) меристема фалладошларга мансуб ўсимликларнинг поя бўғим ораларида жойлашган бўлиб, барг қўлтифи билан ўраб олинган. Интеркаляр меристема тўқимаси ўсимликнинг ердан кўтарилиб тик ўсишини таъминлайди (117-расм). Бу типдаги ўсиш интеркаляр ўсиш деб аталади.

Базал меристема фалладошлар ва бошقا бир паллали ўсимликлар барг негизида жойлашган бўлади. Барг негизини ташкил этган ҳужайралар кўпайиши ҳисобига барг ўсади. Бу базал ўсиш типи дейилади.



117-расм, Киритма меристема түқимасининг жавдар поясида жойлашиши (а) ва буедойнинг узунласига кесилган (б) схемаси:

1 — ҳужайраларнинг бўлинниши зонаси; 2 — ҳужайраларнинг дифференцияланиш зонаси; 3 — тўла тиклабтаган тўқима; 4 — бўғим негизи; 5 — бўғим оралиги; 6 — поя бўшлиги; 7 — барг кўлтиғи.

Гўл ўки ҳам базал меристема ҳисобига ўсади. Меристема ҳужайраларининг бўлинниши туфайли ўсимлик танаси энига ва узунласига ўсади, унинг ҳажми ва массаси кўпаяди.

Меристема ҳужайраларнинг ўсишини текширган Ю. Саксуни учта: эмбрионал, чўзилиш ва дифференцияланиш фазаларига бўлади.

Эмбрионал фаза даври унаётган уруғ, дон, кўп йиллик ўсимликларнинг қишлоғчи куртак ва пиёзча тўқималарида ўрин олган ҳужайраларга мансуб. Бу тўқима ҳужайраларидаги физиологик ва биохимиявий жараёнларни жадал ўтиши учун қулай шароитлардан температура, намлик ва ҳаво етарли бўйни зарур.

Ўсиш нуқтаси (конуси)даги ҳужайралар карниокинез — митоз йўли билан бўлиниб, уларнинг ҳисобига бўйига ўсади. Бу фазада ҳужайраларнинг жадал бўлиниши мезоинозит, тиамий ва биотин витаминларидан ташкил топган ўстирувчи гормон «биос» қатнашади. Ҳужайра ҳажми кичик бўлганлигидан мәриз иирик бўлиб кўринади. Ёруғлик микроскопида

кузатылмайдыган ҳужайра органондлары электрон микроскоп ёрдамында текширилганды, улар жуда кичик ва тұла ривожланмаган нусхалари борлиги анықланған.

Меристемада фотосинтез жараёни содир бўлмаганлигидан, бу тўқима ҳужайраларига озиқ моддалар (аминокислоталар, ёғ кислоталари, органик кислоталар, шакарлар, витаминалар ва бошқа органик бирикмалар) барглардан етказиб турилади.

Бирламчи меристема ҳужайраларининг тўхтовсиз бўлиниб турнишига қарамай, унинг ҳажми ўзгармайди. Масалан, зич тупроқ қатламларида ўсадиган илдиз учидаги меристема узунлиги 10 мм бўлса, очиқ ҳавода ўсуви поянинг учки ўсиш нуқтаси 2—30 см дан ортади. Учки ўсиш нуқтасининг муайян ҳажмни сақлаб қолиши сабаби, эмбрионал фазада вужудга келган ҳужайраларнинг чўзилиш фазасига ўтиб туришидир.

Чўзилиш фазасида ҳужайра узунасига чўзилиб, кўндалангига (энига) кенгаяди. Ҳужайрада цитоплазма миқдори кўпаяди, ёпишқоқлик хусусияти пасаяди. ДНК нинг синтезланниши жадаллашади, пластид, митохондрий ва бошқа органондлар тикланади, вакуолачалар марказга тўплана бошлиди. Ҳужайраининг осмотик босими ва шимиш кучи пайдо бўлишидан сувнинг ҳужайрага ўтиши тезлашади. Натижада ҳужайра ҳажми олдингига нисбатан 20—50 марта ортади. Бу фазада ҳужайранинг чўзилиши, кенгайишини ауксин деган ўстирувчи модда таъминлайди.

Ҳужайра пўстининг ўсишида эластик ва пластик чўзилиш ҳодисаларин кузатилади. Осмотик босим таъсирида бирбиридан узоқлашган целялюзоза молекулалари босим кучи камайиши билан олдинги ҳолатига қайтиб келса, эластик чўзилиш деб аталади. Целялюзоза молекулалари тарангланыш чегарасигача бир-биридан узоқлашиб, осмотик босим кучи пасайишига қарамай, олдинги ҳолатига қайтиб кела олмаса, пластик чўзилиш деб аталади. Молекулалар орасига целялюзозанинг янги молекулалари ўрнаша бошласа, ҳужайра пўсти йўғонлашади.

Чўзилиш фазасини тутатган ҳужайралар дифференцияланиш фазасига ўтади. Бу фазада шира билан тўлган вакуола тўла тикланиб, ҳужайра марказини эгаллади. Цитоплазма эса ҳужайра пўстига бориб тақалади.

Дифференцияланиш ва чўзилиш фазаларини ўтган ҳужайралар пўстига пектин, гемицелялюзоза, елим — камед, шилимшиқ, лигинин ва суберин бирикмалари қўшилади. Натижада ҳужайра пўсти ёғочланади ёки пўкакланади.

Шакл ва ҳажм жиҳатдан бир хил бўлган ҳужайралар тўпламидан маҳсус функцияни бажарувчи тўқималар пайдо бўлади. Масалан, илдиз, поя ва баргнинг ксилема, флоэма, ўтказувчи найлари ва ассимиляцияловчи тўқима ҳужайралар инфинидисидан ташкил топган.

Хужайра қайси фазада бўлишидан қатъи назар, ўсимлик танасининг ўсишини таъминлайди. Жумладан, эмбрионал фазада ўсимлик танаси фақат бўлиниш йўли билан ҳосил бўлган хужайралар ҳисобига катталашади. Бунда ўшиш секин ўтади. Иккинчи фазада хужайра пўстининг тезда чўзилиши ва кенгайиши ҳисобига ўсимликда ўшиш жараёни ҳам тезлашади. Дифференцияланиш фазасида эса ўшиш жуда секин ўтиб, охирида бутунлай тўхтаб қолади. Бу ҳодисани Ю. Сакс «S» шаклидаги эгри чизиқ асосида борганлигини кўрсатиб «ўшишнинг катта даври» деб атаган.

Ўсимликнинг ўшиш жадаллигини аниқлаш


1. Ўсимликни ёки унинг айрим органларининг маълум вақт ичida қанчалик тез ўсанлиги миллиметрларга бўлинган чизгич ёрдамида ўлчанади.

2. Ўсимликнинг учки ўшиш нуқтаси (конуси) горизонтал ўрнатилган микроскопда аниқланади (118- расм, а). Бунинг учун ўшиш нуқтасига бир хил оралиқда тушь билан белгилар қўйиб чиқилади.

3. Ўшишини аниқлашда ауксанограф ёки ауксанометрлар ишлатилади (118- расм, б, в).

4. Ўсимликнинг ўшишини белгилашда фотография усули ҳам кенг қўлланиллади. Бунда ўсимлик ёнига миллиметрли қозоғ ёки чизгич қўйилади.

5. Маълум вақт ичida ўсимликда тўпланган қуруқ модда миқдори Блекман формуласига асосан топилади:



118- расм. Ўсимликнинг ўшиш жадаллигини аниқлашда қўлланилладиган асбоблар:

а — горизонтал микроскоп;
б — Визлер ауксанографи;
в — Мустакимов гуксанометри.

$$\Gamma = \frac{\lg \frac{w_0}{w_1} 2,3026}{T}$$

бунда: w_0 — олдингі масса, w_1 — тажриба охиридагы масса, T — үтгандай вақт.

6. Даражат поядарыннинг йўғонлигига кўра ўсиш таъсирини белгилашда дендрограф асбоби қўлланилади.

Ўсимликнинг ўсишига ташқи омилларнинг таъсири

Ўсимликнинг ўсиши ҳужайранинг физиология ва биохимияни жараёнларигагина эмас, балки ташқи муҳит омилларига ҳам ҷаъбарчас боғлиқдир. Ташқи омиллар ўсимлик учун қанча қулай бўлса, ўсиш жараёнлари ҳам шунча жадал үтади ва, аксинча, шароит ноқулай келса, ўсимликнинг ўсиши сустлашади.

Ўсимликнинг турига ва яшаш шароитига қараб температуранинг минимум ва максимум нуқталари ҳар хид бўлади. Масалан, шимолий районларда ўсуви ўсимликлар паст, жаңубдагилари эса юқори температура билан таъминланганда, ўсиш жараёнлари ўз вақтида давом этади (119-расм).

Жадвал маълумотларига кўра маккажўхори, ёўза ва, гайниқса, бодринг каби иссиқсевар ўсимлик уруғларининг юқори температурада; буғдор, сули ва арпа донларининг пастроқ температурада униб чиқиши, эволюция даврида моснашганлигини ислботлайди.

Ўсимлик онтогенезининг турли фазаларида иссиқликка бўлган талаб бир хилда бўлмайди. Ўсуви даври бошида ва охирида пастроқ температура талаб этилса, шоналаш ва гуллашда температура юқори даражада бўлиши зарур.

Ўсимликнинг ер усткӣ ва ер ости органларида ҳам температурага бўлган талаб турлича бўлади. Жумладан, илдиз ва тугунакларининг ўсиши учун паст, ер устки органлари учун эса юқори температура талаб этилади.

Кўпчилик ўсимлик уруғлари, тўғунаклари ва пиёзчаларининг униб чиқишида ёруғлик талаб этилмайди. Ҳаттоқи кўкнор ўсимлигининг уруғлари ёруғлик таъсирида ўзининг ўнувчанлик хусусиятини йўқотади. Автотроф яшил ўсимлик тўқималарида фотосинтез жараёни ўз вақтида давом этиши учун ёруғлик зарурий омил бўлиб ҳисобланади, чунки бунда ўсиш жараёнлари учун зарур бўлған озиқ

119-расм. Ўсимликларнинг ўсишига температуранинг таъсири:
I — бодринг; II — маккажўхори; III — люпин.

моддалар синтез қилинади. Агар ўсимлик етарли даражада озиқ моддалар билан таъминланган бўлса, ўсиш жараёнлари қоронфиликда тезлашади. Буни қуидаги жадвал рақамларидан кузатилади.

**Уруғларнинг ўниб чиқишини таъминлаш учун
температуранинг координал нуқталари қуийдаги
жадвалда берилган**
(Н. А. Максимов ва бошқалар маълумоти)

84- жадвал

Ўсимликлар тuri	Температура, °C		
	минимум	оптимум	максимум
Арпа, сули, буфдоӣ	0—5	25—31	31—37
Кунгабоқар	5—10	31—37	37—44
Маккажӯҳори	5—10	37—44	44—50
Қовоқ, ғўза, шоли	10—15	37—44	44—50
Қовун, бодринг	15—18	31—37	44—50


85- жадвал

15 минут давомида кунгабоқар ўсимлигининг ўсиш жадаллиги, (мкм ҳисобида)	
қоронфида	ёргуга
125	60
120	54
116	71

Қоронфиликда ўсимлик ҳужайраларида чўзилиш фазаси узоқ давом этади. Дифференцияланиш фазаси кечикканлигидан ҳужайралар ортиқча чўзилади. Бироқ қоронфиликда ўсан ўсимликнинг механикавий тўқималари яхши ривожланмайди, ўсимлик танаси ерга ётиб қолади. Бундай ҳодиса қалин экилган экинзорларда кузатилади. Табиий ёруғликда қисқа нурлар таъсирида ҳужайранинг чўзилиш фазаси ўз муддатида тўхтаб, дифференцияланиш фазаси бошланади. Табиий ёруғликда ўсимликларнинг механик тўқималари ва бошқа органдар нормал ривожланиб, · табиий шакли тўла тикланади (120- расм).

Г. Клебснинг айтишича, эмбрионал фазадаги ҳужайраларнинг бўлинини ультрабинафша нурлар таъсирида тезлашади. Қизил нурда ҳужайраларнинг чўзилиш фазаси узоқ давом этади, натижада ўсимлик бўйига ўсади.

Альп тоғларида ўсадиган ўсимликларнинг паст бўйли бўлиши ультрабинафша нурларнинг кўплигидандир. Бундан ташқари, тоғ шароитида ўсадиган ўсимликларнинг ўсишига паст температура ҳам салбий таъсир этади. Япониянинг шимолий тоғларида ўсувчи Бонсай номли дарахтлар тоғжинслари ораларига ўриашиб, паст температура, кучли шамол



120- расм.

α — ёруғында; *β* — коронигүлікда ұсқан картошка ұсмалығы. Поя бүгімлари (1—8) сонлар билан ифодаланған.

ва ультрабинафша нурларнинг күп бўлишидан улар яхши ўсмай, паст бўйли бўлиб қолган (121- расм).

Яшил ұсмалыклар аэроб организмлар бўлганлиги учун муҳитдаги кислород ҳисобига нафас олади.


Ер устки органлар учун ҳаво таркибидаги кислород миқдори етарли (21%). Ұсмалыкларга кислороднинг нақадар зарур эканлигини илдизларининг ривожланишидан кўриш мумкин (122- расм). Кислороднинг күп ёки оз талаб қилиниши ұсмалык турига ҳам боғлиқ. Буни қўйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Ургуларнинг униши ва куртакларнинг ұсишида сувнинг аҳамияти жуда катта. Вегетация даврида сув етишмаса, үсиш жараёнлари сустлашиб, бутунлай тўхтаб қолади. Ҳуҗайраларда чўзилиш фазаси қисқариб, дифференцияланиш фазаси тез бошланғанлигидан ұсмалыкнинг бўйи паст бўлиб қолади.

Ұсмалыкнинг нормал ұсиши ва тўқималарда физиологик ва биохимиявий жараёнларнинг ўз вақтида давом этиши учун тупроқ намлиги тўла нам сиғимининг 60—70% ини ташкил этиши зарурлиги қўйидаги жадвалда келтирилган.


86-жадвал

Ұсмалыклар тури	Илдизнинг фаол ұсиши учун талаб қилинадиган кислород, %	Эслатма
Соя	6	Илдизларнинг нормал ұсишини таъминлайдиган кислород миқдори, ўрта ҳисобда 10—16 % бўлиши керак
Арпа	8	
Помидор	16	



121-расм. Японияда «Бонсай» деб аталган пакана «митти» дарахтлар:


1 — 400 ёшли, баландлиги 55 см ли Глен арчаси; 2 — 300 ёшли, баландлиги 75 см ли гуллаб турған Япония ўриғи; 3 — 400 ёшли, баландлиги 92 см ли оқ қарағай дарахти.



122-расм. Помидор илдизининг ўсиш жадаллигига кислороднинг таъсирі.

87- жадвал

Тупроқ намлаги, %	Асосий новданинг узуулиги			
	Әманнинг		Қарагайнинг	
	см	%	см	%
30	3,6	47	3,9	34
60	7,7	100	11,5	100
90	5,7	74	6,4	55



123-расм. Гексахлораннинг ғўза майсаси ўсишига таъсири:
A — контрол; B — ГХЦГ — 40 кг/т; C — ГХЦГ — 80 кг/т.

Айтиб ўтилган омиллардан ташқари тупроқ эритмаси концентрацияси, рН миқдори, заҳарли моддалар ва бошқалар ўсимликнинг ўсиш жараёнига таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалик зааркундаларига қарши курашишда қўлланиладиган препаратлар ҳам шулар жумласига киради. Масалан, ғўза ўсимлигининг ўсишига ГХЦГ препаратининг таъсирини муаллиф (1956) текширган. Тажриба далиллари ғўза майсаларини контрол майсаларга нисбатан секин ўсганлигини кўрсатди (123-расм).

Ўсимликнинг ўсишини жадаллаштирувчи фитогормонлар

Ўстирувчи гормонлар, витамин ва ферментлар сингари ўзига хос бирикма бўлиб, ўсиш жараёнларини жадаллаштиради. Ўсимликнинг ўсишига таъсир этадиган бундай моддаларнинг мавжудлигини Ч. Дарвин (1880) таъкидлаб ўтган эди. Дарвиндан кейин бундай моддаларни излаш авж олди.

Ўсимликнинг поя, илдиз учларидан ўсишини тартибга соладиган (корреляциялайдиган), «ички секрет» деб аталган моддалар ажralиб чиқишини Эррер (1906) айтган.

А. А. Набоких (1908) кунгабоқар гипокотилидан ўсимликларга таъсир этиб, уларнинг ўсишини ўн баравар тезлаштирадиган бирикма ажратиб олган.

Үсимликларда ўсиш жарайенини жадаллаштиришда ауксинлар қатнашишини Н. Г. Холодний (1927) ва голландиялик олим Ф. М. Вент (1928) тұла тасдиқладилар. Голландиялик биохимик Ф. Кегель (1933) сидик таркибидан ажратиб олинган бирикмама ауксин «а» ($C_{18}H_{35}O_5$), маккажүхори майсасидан олинганига эса ауксин «б» ($C_{18}H_{30}O_4$) деб ном берди. Ризопус (Rhizopus) замбуруғидан ажратиб олинган β — индолил-сирка кислотаси ($C_{10}H_9O_2N$) гетероауксин деб юритилади.

Гетероауксин тубан үсимликлардан ташқари, барча юксак үсимликлар түкимасида мавжуд бўлиб, ауксинларга нисбатан бир неча марта кучлидир. Гетероауксин моддалар алмашиниши жараёнида триптофан аминокислотаси ҳисобига синтезланади. Триптофандан дастлаб шиким кислота, ундан эса гетероауксин ҳосил бўлади. Шуниси қизиқарлики, гетероауксин стимулятор бўлиб, ўсиш жараёнларини жадаллаштирса, шиким кислота, аксинча, ўсиш жараёнларига салбий таъсир этадиган ингибиторлар қаторига киради.


Үсимликларнинг ўсишида ва, айниқса, ҳужайраларнинг бўлнишида ўстирувчи гормон «биос» катта аҳамиятга эга. Биохимиявий анализлардан аниқландыки, «биос» тиамин (B_1) мезинозит ва биотин витаминларидан ташкил топган эканлиги айтиб ўтилди.

Ауксинлар меристема тўқималарида синтезланаб, үсимликнинг бошқа органларига юқоридан пастга йўналади. Үсимлик органларининг ауксинга бўлган сезгирилиги ҳам ҳар хил эканлигини Н. А. Максимов (1948) аниқлаган. Унинг фикрича, поя учун ауксиннинг 10^{-4} — 10^{-5} (0,0001—0,00001) оралиғида моляр концентрацияси оптималь бўлса, куртаклар учун 10^{-8} — 10^{-9} (0,0000001 — 0,00000001), илдизлар учун 10^{-9} — 10^{-11} (0,000000001 — 0,0000000001) моляр концентрация оралиғидан ошмаслиги лозим (124-расм.).

Ауксиннинг моляр концентрацияси юқорида кўрсатилганлардан кўп бўлса, ўсиш жараёнларига салбий таъсир этади.

Ўсиш нуқтасидан (метистемадан) узоқлашган сари үсимлик органларида ауксин миқдори камая боради. Вика үсимлиги устида олиб борилган тажриба далиллари 88-жадвалда келтирилган.

Ауксин ва гетероауксин гормонлари таъсирида ферментлар




124-расм. Турли концентрациядаги ауксиннинг үсимлик органларининг ўсиш жадаллаштириши.

Үсимлик органлари	Ауксин миқдори (нисбий бирлик хисобида)
Бош куртакларда	12
Ривожланувчи баргларда	2,2
Поя учида жойлашган иккинчи барг- ларда	1,5
Учинчи баргларда	0,5
Тұртнинчи баргларда	0,4

фаолияти ва нафас олиши жадаллашады, ұжайраға сувнинг қабул қилиниши ва оқсилларнинг синтези тезлашады.

Гибберелла фуюкурои (*Gibberella fujikuroi*) замбуруғидан ажратиб олинған бирикма таъсирида Е. Куросава (1926) шоли ва маккажүхорининг ўсиши тезлашганligini кузатган.



125-расм. Зигир ва тамаки үсимликларининг ўсишига гиббереллининги таъсири:

1 — 5 марта гиббереллин пуркалған ўсимликларнинг бўйи 5 м га етган; 2 — контрол (сув пуркалған) ўсимликларнинг бўйи 2,5 м дан ошмаган; 3 — 6 марта гиббереллин пуркалған мамонт навли тамакининг бўйи 2,5 м; 4 — контрол ўсимлик бўйи 1 м бўлған.

Кейинчалик бу бирикма тоза ҳолда ажратилиб, химиявий таркиби аниқланғач, унга гибберелла деб ном берилған (Т. Ябута ва Сумики).


Яқын йилларда гибберелла ва гибберелласимон моддаларга катта ақамият берилиб, уннинг ўсимликларга таъсири чуқур ва ҳар тарафлама ўрганилмоқда.

Юксак ўсимликлар тұқымасыда гибберелла ва гибберелласимон моддаларнинг борлыгини М. Кәдли ва Ц. Веста (1956) аниқлаган. Айни вақтда 60 дан ортиқ бундай моддалар ҳар хил ўсимлик тұқымаларидан ажратып олинмоқда. Гиббереллинлар поя, илдиз, ёш баргларда синтезланиб, юқоридан пастга, пастдан юқорига ҳаракатланиши ва кучли концентрацияда заңдарсиз бўлиши билан ауксинлардан фарқ қиласи. Гиббереллинлар таъсирида уруғ, куртак ва картошка тугунаклари тиҳим ҳолатидан уйғонади. Каноп, зифир, тамаки ва бошқа паст бўйли ўсимликларнинг ўсиши жадаллашади (125, 126-расмлар).

Гиббереллинлар таъсирида узун кун ўсимликларининг қисқа кунда гуллаши ҳам тезлашади. Гиббереллин ноциклик фотофосфорланиш циклининг ўтишини тезлаштиради. Бу модда мева лон кислотани ўзгариши натижасида ҳосил бўлади.

Абсиз кислота (АБК) деб аталган ингибиторнинг синтезланишида мевалон кислота асосий маҳсулот эканлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Бу ҳодиса тирик организмларда моддалар алмасиши жараёни қанчалик узвий бօғланганлигини күрсатиши билан бир қаторда, бир модда ҳисобига бир-бирига зид бирикмалар синтезланиши имконияти мавжудлигини ҳам күрсатади.

ДНК молекулаларининг тарқалишида ажралған аденин асоси ҳисобига, цитокинин деган актив бирикма ҳосил бўлиб, у ўсимлик ҳужайраларининг бўлиннишига ва ўсишига ижобий таъсири этганлиги аниқланған (Скуг, 1956). Цитокинин таъсирида сарғайиб қолған барглар яшил тусга киради, уларнинг қурғоқчиликка ва иссиқликка чидамлилиги ортади, оқсил парчаланишидан ҳосил бўл-



126-расм.

1 — гуллаш олдиндан, гуллаш охирда ва мева туккандан сүнг гиббереллин пуркалған қора кишиши узумы; 2 — контрол узум шингиллари

ган маҳсулотлар ёш баргларга қараб ҳаракатланади.

Зеатин деган цитокинин маккажүхори донидан ажратиб олиинган (Д. С. Летам, 1964). У илдизларда ҳосил бўлиб, барг ва пояларга қараб ҳаракатланади. Цитокинин иштирокида меристема ҳужайраларида дифференцияланиш фазасининг ўтиши тезлашади. Унинг таъсирида каллус (органик моддалар тўплами)дан бутун бир ўсимлик тикланади.

Цитокинин ёки бошқача айтганда, кининлар таъсирида уруғларнинг униши ва тиним ҳолатидаги куртакларнинг ўсиши тезлашади, моддалар алмашиши жараёнида ҳосил бўлган маҳсулотларнинг тақсимланиши маълум тартибда сақланади. Ўсимликларнинг қурғоқчиликка ва иссиқликка чидамлилиги ортади.

Цитокинин, ауксин ва этилен билан бир жинсли гулли ўсимликларга таъсир этилганда урғочи гуллар, гиббереллин билан таъсир этилганда эркак гуллар ҳосил бўлади.

Ўсимлик ҳужайраларининг бўйига ўсишига салбий таъсир қиласидиган моддалар ретарданлар деб аталади. Ретарданлар таъсирида пояларнинг ўсиши сустлашади. Ретарданлар гиббереллинларга нисбатан акс таъсир кўрсатади.

Хлорхолинхлорид (ССС ёки Тур деб аталган) ретарданти ўсимликлар ўсишига салбий таъсир қилишига қарамай, уларнинг иссиқликка, қурғоқчиликка, баъзи касалликларга ҳамда паст температурага чидамлилигини оширади.

Хлорхолинхлорид эритмаси пуркалган ғалла экинларида поясининг қисқариши ва йўғонлашишида ерга ётиб қолиш ҳодисалари кузатилмайди. Ресубликамизда синтезланган этрель (2-хлор этил фосфат кислота) деб аталган ретордант ғалла экинларида қўлланилади. Унинг таъсирида поя йўғонлашади, ўсимликнинг бўйи эса 2—5 см га қисқароқ бўлиб ўсади.

Боғдорчилликда олма навларининг ўсишини тўхтатадиган Алар ретордантини ишлатганда ўсимликнинг мева ҳосил қилиш даври қисқаради.

Шундай бирикмаларга ингибиторлар ҳам киради. Улар ўзларининг химиявий структурасига кўра ўстирувчи гормонларга ўхшаса ҳам, ўсимликларнинг ўсишига салбий таъсир этади. Ўсимликнинг тиним даврида сақланиши ингибиторларга боғлиқ. Ўсимликнинг ўшиш жараёнларини тезлаштириш мақсадида сунъий тайёрланган химиявий стимуляторлар ишлатилади. Стимуляторлардан фенилгетероауксин, β — индолил — γ — мой кислотанинг гетероауксинга нисбатан бир неча марта актив эканлиги аниқланди.


Аллелопатия ҳодисаси

Фитоценоз ва экосистемадаги ўсимликлар бир-бирига таъсир кўрсатиб ривожланишига аллелопатия дейилади. Аллелопатия грекча «аллелос»— ўзаро ва «патес» (pates) таъсир

күрсатиш сўзларидан иборат терминни Г. Молиш (1937) тавсия этди.

Бу соҳада С. П. Костичев, Н. Г. Холодний, Б. П. Токин, Г. Грюммер ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари диққатга сазовордир. Бу ҳодиса табиатда кенг тарқалган. Ҳар қандай юксак, тубан ўсимликлар ва бошқа тирик организмлар ўзларининг ҳаёт жараёнларида турлӣ-туман физиологик актив моддалар ишлаб чиқаради. Бир организмдан ажралиб чиққан модда бошқа организмга салбий ёки ижобий таъсир этиши мумкин. Масалан, саримсоқда ҳосил бўладиган аллиин актив моддалар қаторига кирмайди, аммо аллииназа ферменти активлигига аллицин ($C_6H_{10}S_2$) деган физиологик актив бирикмага, яъни фитонцидга ўзгаради.

Физиологик актив моддалар тубандагиларга бўлинади.



Г. Грюммер схемаси. (1955).

Аллелопатия ҳодисаси 4 хил кўринишда учраганлиги схемада кўрсатилган.

1. Юксак ўсимликлар томонидан ишлаб чиқарилган ва фитонцид теб аталган моддалар — колинлар тубан ўсимликларга ва микроорганизмларга салбий таъсир этиши.

2. Юксак ўсимликлар орасидаги ижобий ёки салбий муносабат.

3. Микроорганизмлар томонидан ишлаб чиқарилган ва маразмларнинг — антибиотикларнинг микроорганизмларга таъсири.

4. Маразмларнинг юксак ўсимликларга салбий ёки ижобий таъсири.

Кўрсатиб ўтилган (колин — фитонцид) ва маразм (антибиотик) ларнинг тупроқда тўпланиши натижасида ўсимликларнинг ва бошқа организмларнинг ўсиши ҳамда ривожланишини активлаштириши ёки тўзиши мумкин.

Бундай моддаларга этилен, эфир мойлари, CN гуруҳини сақлаган глюкозидлар (амигдалин) ва бошқа моддалар мисол бўлади. Улар ёмғир сувлари билан барг, поя ва бошқа орган-

лардан оқиб, тупроқда түппланади ва юксак ўсимликларнинг илдизларига таъсир кўрсатади.

Ўсимликлар ўртасида содир бўладиган муносабатни тўла ва ҳар тарафлама ўрганиш натижасида экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишда амалий ишларга имконият яратилади. Жумладан, алмашлаб экиш масалаларини тўғри ҳал этишда ва бир вақтнинг ўзида қандай ўсимликларни бирга экиш мумкинligини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Ўсимликларда тиним даври

Ўстирувчи фитогормонлардан ташқари, ўсимликларга салбий таъсир этувчи ингибитор деб аталган моддалар ҳам кенг тарқалган. Табиий ингибиторлардан кумарин, скополетин, абсциз кислота, эскулатин, шиким кислота ва бошқалар таъсирида ўсимликлар тиним даврига ўтади. Тиним ҳодисаси куз ва қиши фаслларига тўғри келади.

Куз ва қиши ойларида кун узунлигининг қисқариши ва температуранинг пасайиши ўсимликтининг ўсишига салбий таъсир этиб, улар тиним даврига ўтади. Бу вақтда ўсимликлар ҳажми ва массаси ортмасада, нафас олиш, моддалар алмашиниши жараёнлари, биохимиавий ўзгаришлар жуда секинлик билан ўтади. Академик Н. А. Максимов фикрича, ўсимликларнинг тиним давридаги нафас олиш жадаллиги 200 марта секинлашади. Ўсимликларда ёзги қисқа ва узоқ давомли тиним ҳолати бўлади.

Ўрта Осиё ва Сахара чўлларида ўсадиган ўсимликларда куз ва қишидан ташқари ёз ойларида ҳам тиним ҳолатига ўтганликлари кузатилган, шунингдек чўлларда ҳаёт кечиришга мослашган ўсимликлар иқлимининг иссиқ ва ҳавонинг қуруқ бўлишидан баргларини ва, ҳатто, новдаларини тўкиб, ёзги тиним даврига ўтадилар. Қулай шароит туғилганда бундай ўсимликларда ўсиш жараёни қайтада давом этади.

Куз бошидан баҳор ойларигача чўзиладиган тиним даври узоқ давомли тиним даври деб аталади. Ўсимликтин тиним даврида моддалар алмашиниши бутунлай тўхтаб қолмайди. Узоқ давомли тиним даври органик (чукур) ва мажбурий тиним даврларидан иборат:

а) органик тиним даврида ўсимлик ҳужайраларида жуда мураккаб биохимиавий ўзгаришлар содир бўлиб, ўсиш жараёнларига салбий таъсир этадиган ҳар хил бирикмалар, ингибиторлар (абсциз кислота) ҳосил бўлади. РНҚ ва аминокислоталар миқдори камаяди (В. Г. Конорев, Н. А. Сатарова). Органик тиним даври картошка ва дарахт куртакларида кузатилади. Эндигина баргларини тўккан дарахт куртакларига ёки даладан йиғиб олинган картошка тугунағига ўсиш учун қулай шароит яратилса ҳам уларда ўсиш белгилари кузатilmайди. Маълум муддат ўтгандан кейин шароит ноқулай бўлишига қарамай, куртак ва тугунакларда ўсиш жараёнлари бош-



127-расм. Ўсимликларни тиним давридан уйғотиш усуллари:

а — эфир таъсирида (марваридгулнинг гуллаши); б — клиқ (35°C) сув таъсирида (сирень) ва в — ўрмон ёнгорининг гуллаши.

ланганлиги кузатилади. Органик тиним даврида ўсимлика жараёнларини давом эттириш учун замин тайёранади. Ўсимликларни органик тиним ҳолатдан уйғотиш учун теомочевина, гиббереллин (0,01%) ва 2—3% ли роданит тузлари ишлатилмоқда.

Чуқур тиним даври органик тиним давридан кейин ёки у билан бир вақтда давом этади. П. А. Генкель ва Е. З. Окнина (1948) фикрича, чуқур тиним даврида цитоплазманинг физикхимиявий хусусияти ўзгариб, липоид қавати қалинлашади, натижада цитоплазманинг ўтказувчанлик хусусияти пасаяди, ошловчи моддалар миқдори кўпаяди ва плазмадесма ишчалари


хужайра ичига тортилади. Оқібатда хужайраларо алоқа узилади. Ҳар қайси ҳужайра ўз мустақиллігінің эгаллайди.

Чуқур тиним давридан «үйғотиш» мақсадида бир қанча усууллар ишлаб чиқылған ва улардан зарур пайтларда кенг фойдаланилади.

Эфирлаш усули. Сирень, ландыш ёки бошқа бирор ўсимликдан кесилған новдаларни эфир аралаштирилған (ҳар 10 л ҳаво учун 5 мл эфир) ҳавода 48 соат 17—19°C да сақланади, сұнгра уларни газ аралашмасидан олиб, сувли идишга солиб құйилади. Бир неча ҳаfta ўтgaч новдаларнинг ривожланғанлигі эфир таъсирида ўсиш жараёнлари бошланғанligini күрсатади (127- расм).

«Иссик ванна»лар усули. Бунда кесилған дарахт новдалары 30—35°C ли сувда 10—12 соат сақланади. Нормал шароитда 2—3 ҳаfta ўтgaч новда күrtакларida барг ва гуллар пайдо бўлади.

Органик ва анерганик моддалар таъсирида ўсимликларни чуқур тиним давридан «үйғотищ» мумкин. Масалан, жўка (*Tilia parviflora*) ва соxта каштан (*Aesculus hippocastanum*) дарахти күrtакларiga концентрик H_2SO_4 эритмасини 20 секунд давомида таъсир эттирилғанды, уларда ўсиш жараёнлари бошланади. Картошка тугунагини чуқур тиним давридан этиленхлоридрин ($C_1CH_2—CH_2OH$) бирикмаси таъсир этиб, «үйғотиш» мумкин (128- расм).



128- расм. Этиленхлоридрин таъсирида картошка тугунакларини тиним давридан «үйғотиш»:

a — контроль; *b* — этиленхлоридрин таъсир этиленхлоридрин картошка.

Айрим ўсимлик уруғи тұла етилиши учун паст температура ёки ёруғлик таъсир эттириб, стратификациялаб етилмаган уруғларнинг тұла етилишини таъминлаш мүмкін. Бу усул қишлоқ хұжалигіда кенг құлланилади. Асосан олма, нок, ўрик, шафтоли каби мевали дараҳтларнинг данаклари ва уруғлар стратификацияланади. Бунда уруғ ва данаклар $+5^{\circ}\text{C}$ нам қум ичидә баҳоргача сақланади. Стратификацияланган уруғларнинг деярли ҳаммаси униб чиқыш қобилиятига ега бўлиб, ўсимликларнинг гуллаши ва ҳосилга кириши тезлашади (129-расм).

Етилган уруғлар қулай шароит яратилгунга қадар кўп йиллар давомида тиним даврини сақлаб туради. Бундай тиним даври мажбурий тиним даври деб аталади. Мажбурий тиним давридаги уруғларга намлик, оптималь температура ва аэроб шароит яратилса, уларда ўсиш жараёнлари бошланади.


Қалин пўстли уруғларнинг униб чиқишини тезлаштириш мақсадида скарификациялаш усули құлланилади. Бунда қаттиқ ва қалин пўстли уруғлар құмланади. Уруғ пўсти қум билан ишқаланганда унинг пўсти шикастланади. Натижада уруғ тўқимасига сув ва ҳаво кириши яхшиланиб, уруғ бўқади ва униши тезлашади.

Ўсимликларнинг тиним даврини узоққа чўзиш ҳам мүмкін. Масалан, картошка тугунағининг тиним даврини чўзиш учун α -нафтилсирка кислотанинг метил эфири ва радиоактив



129-расм. Стратификация қилинган ва стратификация қилинмаган уруғлардан ўси чиққан мева ниҳолларининг ривожланиши:

1, 2, 3 — олма; 4 — нок ниҳоллари; а — стратификация қилинмаган, б — стратификация қилинган уруғлардан ўси чиққан ниҳоллар.



130-расм. М- I- α — нафтилсиরка кислотасининг метил эфири таъсирида картошкани тиним даврида сақлаш:

1 — контрол; 2 — М- I препарати билән ишланган картошка тугунағи.

кобалт нури ишлатилади. Бундай картошка тугунагининг сифати бузилмайди ва ёз ойларигача деярли тўла сақланади (130-расм).

Мева ва уруғлар етилишидаги биохимиявий ўзгаришлар. Уларни сунъий етилтириш усуллари

Ўсимликлар гули чангланиб, тухум ҳужайраси уруғлангандан кейин унинг тўқималарида бўлажак илдиз, биринчи барг ва ўсиш нуқтаси (конуси) шаклланади. Уруғлар тўқимасида булардан ташқари, катта биохимиявий ўзгаришлар содир бўлади.

В. В. Ракитин маълумотига кўра, уруғ ва меваларнинг етилиши икки босқичда боради.

Биринчи босқичда перикарпда ва уруғ ҳужайраларида синтез жараёнлари жадаллашади, цитоплазма миқдори орта боради. Баргларда ҳосил бўлган оддий органик моддалар (шакарлар, аминокислоталар ва бошқалар) ҳисобига уруғ ва перикарп ҳужайраларида крахмал, органик кислоталар, ёғ ва оқсиллар тўпланади. Бу босқич мева пўстида ва уруғларда бир хил кечади.

Иккинчи босқичда уруғ түқимасининг ҳужайралари сувсизланади, яъни уруғ етила бориши билан таркибидаги сув миқдори камая боради. Буни қўйидаги жадвалдан кўриш мумкин (Новацкий, 1870).

89- жадвал

Буғдоқ донининг етилиш фазалари	100 донасининг			
	умумий массаси	таркиби- даги қуруқ модда миқдори	сувнинг массаси	%
Сут пишиқликнинг бошланишида	5,89	2,86	3,03	51
Сут пишиқликнинг охирида	7,23	3,58	3,65	50
Мум пишиқлик даврида	5,65	4,19	1,46	25
Тўлиқ етилиш даврида	4,59	4,22	0,37	8,06

Уруғлар түқимасидаги сув миқдори камая бориши билан бирга оддий органик моддалардан крахмал, ёғ ва заҳира оқсиллар синтезланади. Крахмалли уруғларда моносахаридлар ҳисобига крахмал, ёғли уруғларда ёғлар тўпланади.

Углеводлар ҳисобига ёғлар синтезланишини Ленкери-дю-Саблон жадвалидан кўриш мумкин.

90- жадвал

Текшириш вақти	Ўрмон ёнғоги мағзининг таркиби. % ҳисобида			
	ёғ	глюкоза	сахароза	Крахмал вч декстропилар
6 ичслда	3	7,6	0	21,8
1 августда	16	2,4	0,5	14,5
15, августда	42	0	0,6	3,2
1 сентябрда	59	0	0,8	2,6
4 октябрда	62	0	1,6	2,6

Углеводлар ўзгаришидан глицерин ва тўйинган ёғ кислоталар ҳосил бўлишини, кейинчалик тўйинган ёғ кислоталар тўйинмаган ёғ кислоталаргача ўзгаришини С. Л. Иванов аниқлаган. Тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталар глицерин билан бирикиб, ёғ синтезланиши аниқланган.

Уруғ ва мевалар таркибида органик моддалардан ташқари, K, Ca, Mg, P ва бошқа элементлар ҳам бор. Мевалар этининг етилишида борадиган турли биохимиявий реакциялар натижасида органик моддалар катта ўзгаришларга учрайди. Пектин, оқсиллар, крахмал ва бошқа мураккаб органик моддаларнинг парчаланишидан шакарлар, аминокислоталар, органик кислоталар, витаминлар, эфир мойлари ҳосил бўлади. Меваларнинг аччиқ, нордон ва тахир таъми (мазаси) йўқолади. Пектин бирикмаларининг парчаланишидан мева эти юмшоқ ҳолга келиб, ёқимли таъмни эгаллайди. Хлорофилл парчаланишидан меваларга ранг берувчи пигментлар синтезланади.

Шафтоли меваси етйлиш даврида шакар, кислота ҳамда шакарнинг кислотага бўлган нисбатининг ўзгаришига оид В. Абрамович далиллари.

91- жадвал

Анализ кунлари	Шакар, %	Кислота, %	Шакарнинг кислотага нисбати (коэффициенти)
II.VI	5,57	0,61	9,1
24.VII	7,54	0,58	13,0
10.VIII	8,43	0,51	16,3

Мевалар етилишида таркибидаги шакар миқдорининг ортиб боришини кўйидаги жадвалдан кўриш мумкин

92- жадвал

Мевалар	Меванинг ҳўл масасига нисбатан шакар миқдори, %				
	ёш меваларда	етилаётган меваларда	•	етилган меваларда	
Олма	3,70	5,42	7,02	8,10	9,24
Шафтоли	3,80	4,52	7,58	11,0	15,81
Ўрик	1,70	3,15	3,03	6,15	7,95
Ўзум	0,91	2,10	12,90	14,56	21,40
Қовун	3,70	3,70	5,53	9,84	10,26

Мевалар етилгач, мева бандида ажратувчи қатlam ҳосил қилиниб, мева ўсимлик танасидан ўз массасига кўра ажралиб, ерга тушади. Йирик мевалар ҳосил қилиш мақсадида баъзи боғонлар мева белбоғи деган усулни қўлланадилар.

Мевалар турлича етилади. Масалан, ёзги олма узилмасдан тупида етилса, қишки олма узуб олингандан кейин бир қанча вақт ўтгач етилади.

Р. Гарвей таклифига кўра (1918) етилмаган меваларни сунъий етилтириш учун бир ҳисса этилен, 1000 ҳисса (1:1000) ҳаво билан аралаштирилади. Герметик камерадаги намлик даражаси 70—85%, температура 18—21°C бўлганда, мевалар 2—3 кунда етилади. Этилен гази таъсири эттирилиб лимон, хурмо, помидор ва бошқа меваларнинг етилишини тезлаштириш мумкин. Бу усулнинг моҳияти шундаки, этилен гази таъсирида цитоплазманинг ўтказувчанилиги ортади, ҳужайраларга кислород кириши тезлашади, ферментлар фаолияти кучаяди. Оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари тезлашади ва натижада органик кислоталарнинг, ошловчи, пектин каби мураккаб моддаларнинг тез парчаланишидан меваларнинг етилиши ҳам жадаллашади.

Ҳўл мевалар таркибидаги сув кўп бўлишига қарамай, уруғ ўз-ўзидан унмай, тиним даврида бўлади. Бунинг сабаблари



131-расм.

а — тизин даврини ўтказмасдан тарвуз ичидаги уруғларнинг униши; б — пнёз уруғининг униши (Г.Д. Мустақимов, 1953, 1972).

жозиргача тўла аниқланмаган. Олимларнинг фикрига кўра, баъзи уруғлар ҳужайраси таркибида бўладиган айрим бирикмалар, ингибиторлар уруғнинг униб чиқишига тўсқинлик қиласди. Шунга қарамай, айрим вақтларда унишга тўсқинлик қиласдиган моддалар етишмаслигидан ёки бошқа сабабларга кўра мева ичидаги уруғнинг кўпи униб чиқиши кузатилган (131-расм).

Қўпгина ўсимликларнинг гули уруғланмасдан ривожланганда меваси ичидаги уруғ ҳосил бўлмайди, ҳосил бўлса ҳам, уруғи пуч бўлиб, муртаксиз (эмбрионсиз) қолади. Бундай мевалар партенокарп мевалар деб аталади. Масалан, кишишиб нав узум, ток, қовоқ, мандарин, бодринг, банан ва ананас каби ўсимликларда партенокарп мевалар ҳосил бўлиши кузатилади.

Партенокарп меваларни сунъий ҳосил қилиш ҳам мумкин (Ю. В. Ракитин, А. В. Крилов, 1947). Бунинг учун 1 л сувда 25—50 мг, 2, 4,5-трихлорфеноксисирка кислотани ёки 5—20 мг, 2,4-дихлорфеноксисирка кислота эритмаси ўсимликлар гулига пуркалади. Натижада мевалар уруғ ҳосил қилмасдан, контролга нисбатан 8—18 кун эрта пишади. Бундан ташқари, ҳо-

сили 25—50% ортиб, таркибидаги С витамини миқдори 40—50% га етади.

Гербицидлар, дефолиантлар ва десикантлар

Уларнинг қишлоқ хўжалигига ишлатилиши

Маданий ўсимликлар орасида ўсадиган бегона ўтларни ҳамда автомобиль ва темир йўлларида, канал ва қурилиш майдонларида ўсадиган ўсимликларни йўқотиш мақсадида ишлатиладиган фаол бирималар гербицидлар деб аталади. Ўстирувчи модда — ауксинларнинг кучли эритмаси ҳам ўсимликларга салбий таъсир этганлигини, яъни гербицидлар қаторига кирганлигини Н. Г. Холодний (1924) аниқлаган. Гербицидлар химиявий тузилиши ҳар хил бўлиши билан ўсимликнинг ўсиш конуси (нуқтаси) га ёки тўқималарига таъсир этиб, нобуд қилиш хусусияти бир хил.


Ўсимликларга таъсир этиш табиатига кўра гербицидлар 2 гуруҳга бўлиниади.

1. Барча ўсимликларга ялпи таъсир этувчи гербицидлар.

2. Танлаб таъсир этувчи (селектив) гербицидлар. Бундай гербицидлар айрим ўсимликларга кучли таъсир этиб, уларни ҳалок қилса, бошқа тур ўсимликларнинг ўсишини тезлаштиради.

Агар гербицидларнинг концентрацияси кучли бўлса, уларнинг ҳаммаси ҳам ялпи таъсир этувчи гербицидлар қаторига киради. Масалан, монурон ва диурон (1,2—1,6 га/кг) фўза даласидаги фақат бир паллали ўтларга таъсир этиб, уларни нобуд қилса, кўпроқ берилганда даладаги ҳамма ўсимликларни, шужумладан, фўзани ҳам нобуд қиласди.

Ўсимликларга таъсир



132- расм.

б — контрол; а — 2, 4 — дихлорфенолсирка кислота (гербицид) таъсиринда уч кундан сўнг икки паллали ўсимликларнинг нобуд бўлиши: 1 — олабўта; 2 — буғдой; 3 — бўзти-кан; 4 — хартол.

этиш формасига кўра контакт ва системли гербицидларга бўлинади. Ўсимлик тўқималарига бевосита ёпишган ҳолда таъсир қилса, контакт гербицидлар дейилади. Масалан, ДНОК пентахлорфенолятнатрий кабилар.


Ўсимликнинг ўтказувчи найлари орқали ҳаракатланиб, таъсир қиласидиганлари системали гербицидлар деб аталади. Улар таъсир этса, барг ва поя табиий ҳолатини йўқотиб, мўртлашади. Ўсимликнинг ўсиши сустлашади, барглари сарғаяди, ўсимлик уруғ ҳосил қилиш хусусиятини йўқотади (132- расм).

Гербицидлар ўсимликка барг ёки илдиз орқали етказиб берилади.

Гербицидлар эритма, порошок ва паста шаклида ишлатилади. Улар билан ишлаганда унинг концентрациясига, иқлим шароитига, экин турига ва агротехника тадбирларига амал қилиш зарур.

Таъсирига кўра гербицидлар қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) оксидловчи-қайтарувчи ферментларга таъсир этувчи гербицидлар;



133- расм.

а — магний хлорат билан пуркалган тўза;
б — пуркалмаган тўза.

б) хлорофилл жадаллигини сустлаштирувчи гербицидлар;
в) оқсил ва углеводларни синтезлашда қатнашадиган ферментлар жадаллигини сустлаштирувчи гербицидлар.

Дефолиантлар ва десинкантлар олма, олча, нок, ўрик, ток ва бошқа ўсимлик баргларини тўкишда ишлатилса, бизнинг шароитда ғўза баргини тўкиш учун қўлланилади.

Дефолиантлар таъсирида ўсимлик баргидаги хлорофилл миқдори камаяди, фотосинтез жараёни сустлашади, ўсимлик тўки-

маларида сув камаяди, оқсил ва бошқа турли мураккаб бирикмаларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган моддалар ҳисобига барг бандида ажратувчи қават пайдо бўлиб, барг тўкилади (133-расм).

Дефолиантлар барг тўкимасига ўтгандан кейин, баргнинг тўкилишини, кўсакларнинг етилишини тезлаштиради. Ёзада 1—3 та кўсак очилгандан кейин дефолиантларни қўллаш тавсия қилинади.


Картошка ҳосилини йиғиб олишдан олдин, унинг ер устки қисмлари десикантлар ёрдамида қуритилади. Десикант сифатида 1 га ерга 12—15 кг магний хлорат сарфланади. Десикантлар таъсирида барг, поя ва новдалар қуриб, ёзда кўсаклари тез очилади. Кўсаклар 60—70% очилгандан кейингина ёзаларга десикант препаратлар пуркалади.

Ўсимликларда учрайдиган коррелятив ҳодисалар

Ўсимликнинг ўсиш жараёнлари ичидан коррелятив ҳодисалар диққатга сазовордир. Ўсимлик муайян шаклини эгаллаб ўсиши ва ривожланиши, организмни ташкил этган органларнинг зич муносабатда бўлиши коррелятив ҳодисанинг фаолиятига боғлиқ. Ўсимликнинг ҳар қайси органи мустақил равишда функциясини ўз вақтида бажаргандагина ҳаёт жараёнлари нормал ўтади.

Агар бирорта орган ўз функциясини тўла ва ўз вақтида ижро этмаса ёки бирор сабабга кўра ишдан чиқиб қолса, қолган органлар иши ҳам бузилади. Бирламчи меристема тўкимаси шикастланганда ўсимлик танаси ўзининг муайян шаклини йўқотади. Масалан, кунгабоқар ўсимлиги вегетация охирида биттагина катта саватча етиштириб ҳосилга киради. Гуллашдан олдин кунгабоқарнинг поя учи кесиб олинса, барг қўлтиқларида жойлашган куртаклардан шохчалар чиқиб, ҳар қайси шохчада кичик саватчалар ҳосил бўлади (134-расм).

Бирламчи меристема шикастланганда ўсимликда шохланишнинг сабаблари ҳали тўла аниқланмаган.



134-расм. Корреляция ҳодисасининг кунгабоқарда кузатилиши:

А—учки ўсиш меристемаси шикастланмаган;
Б — учки ўсиш меристемаси кесиб олинган ўсимликнинг тармоқларидан ўшиши.

Айрим олимлар фикрича, бирламчи меристемада ҳосил бўлгани ауксин пастроқ жойлашган куртакларда кўпроқ/ тўпланиб, уларнинг ўсишига имкон бермайди. Поя учи кесилганда тиним давридаги куртаклар таркибида ауксин концентрацияси камайиб, уларда ўсиш жараёнлари бошланади. Бошқа олимларнинг айтишича, учки ўсиш нуқтаси шикастланмаганда кўпчилик озиқ моддалар новда учидаги куртакка оқиб бориши туфайли кунгабоқар новдасида биттагина саватча етилади. Тиним давридаги куртакларда озиқ моддалар етарли бўлмаганлигидан, уларда чуқур тиним даври сақланади.

Помидор, қалампир кўчкатларининг илдиз учлари қирқилади. Бу усулга пикрорвка дейилади. Мевали ва манзарали дарахтларнинг шохланишини тезлатиш ва уларга истаганча шакл бериш мақсадида ҳам поя учлари қирқиб турилади.

Ўсимликнинг морфологик тузилиши билан физиологик, биохимиявий ва биологик хусусиятлари ўртасидаги муносабатлар ҳам коррелятив ҳодисалар қаторига киради. Жумладан, М. Н. Чайлехян далилларига асосан, ранги ва секин қурийдиган сёмиз косача баррли наъматак С витаминига бой бўлса, косачабарғи пастга қараган ва тез қурийдиган наъматак турида С витамини кам бўлади. Кечпишар ғўза нави ҳужайраларидағи органоидлар ҳажми тезпишар навларнига нисбатан йирик бўлади. Бироқ, тезпишар навларда органоидлар сони кечпишар навлардагига нисбатан кўпdir.


Вегетация бошида тезпишар ғўза нави 1306—ДВ тўқимасидан SH груҳи, заҳира оқсил, фосфолипид ва аскорбин кислота миқдори кечпишар C-1622 навига нисбатан анча кўп бўлади.

Яхши навларни яратишда И. В. Мичурин ҳам коррелятив ҳодисалардан кенг фойдаланган. Унинг айтишича, ўсимликнинг морфологик белгилари билан сифат белгилари зич муносабатда бўлади. Жумладан, дурагайлардан яхшиларини ажратиб олишда баргнинг рангига ва ҳажмига эътибор бериш зарур. Палла баргнинг ранги бўлажак меванинг рангини белгилайди. Поянинг қорамтири бўлиши навнинг кечпишарлигини кўрсатади. Тез шохланадиган ва бўғим оралиқлари қисқа бўлган олма ниҳоллари шу навнинг тезпишарлигини кўрсатади (Н. П. Кренке).

Ўсимликларни вегетатив органларидан кўпайтириш. Қаламчалардаги қутблилик. Пайвандлаш усуллари

Ўсимлик қандай орган бўлакчасидан тикланишидан қатъназар, ундан бир бутун ўсимлик ўсиб, тўла ривожланиш ҳодисаси рёгенерация (реституция) деб аталади.

Баъзи ўсимликлар барг тўқимаси ҳужайраларидан (бегония, тошёрап), бошқалари эса поя ва илдиз бўлакчаларидан, бўғимли кактус ва зарпечак кабилар танадан ажратилган жуда кічик бўлакчадан, лишайниклар бир парча тўқимадан



135- расм. Тириктуғар бриофиllum баргыда ёш ниҳолларнинг ўсиб, тикланышы:

а — фото ва *б* — құлдаға чизилған расм.

әки соредий деб аталған махсус бўлакчалардан ҳам кўпайиб, янги ўсимлик танасини тиклаб олади.

Жигар мохлари махсус «ўсувчи куртак» (таллидия)лар во- ситасида вегетатив кўпаяди. Қулай шароитга тушган «ўсувчи куртак»дан янги ўсимлик (жигар мохи) тўла тикланади. Брио- филлум ва бошқа тириктуғар ўсимликларнинг барг четларида етиладиган куртакчалардан кўпаяди. Барглардан ажралиб тушган ўсимлик майсаси мустақил ҳаёт кечира бошлайди (135- расм).

Ўсимликларнинг регенерация хусусиятидан фойдаланиб, юқори сифатли хусусиятларини сақлаб қолиш мақсадида, вегетатив кўпайтириш усууллари қишлоқ хўжалигига кенг қўлланилади.


Ўсимликларни вегетатив органлардан кўпайтириш учун ўсимликдан кесиб олинган бўлакчага қаламча дейилади. Қаламча сифатида поя, илдиз ёки барг бўлакчалари ишлатилади.

Қаламча узун-қисқа бўлишидан қатъи назар, унинг учки ва пастки томонлари бўлиб, учки томонидан поя, шох ва барглар, пастки томонидан эса илдизлар ривожланади. Қаламчаларнинг қутблилигини аниқлаш учун узуунлиги ва йўғонлиги бир хил бўлган иккита новда кесиб олинади (февраль — мартда). Новдаларнинг бирини морфологик паст томонини пастга, учки томонини юқорига қаратиб, иккинчисини тескари, яъни пастки томонини юқорига қаратиб қўйилади. Новдалар нам ерда 5—6 ҳафта сақланади. Тажриба, новдаларнинг тўғри ва тескари осиб қолдирилишидан қатъи назар, учки томонида барг ва новдалар, пастки томонида илдиз ҳосил бўлганлиги кузатилида (136- расм).

Шуни эътиборга олиб, ерга ўтқазиладиган қаламчаларни ҳамма вақт пастки томонини тупроққа жойлаштириб, учки томонини ер устида қолдириш зарур.


Вегетатив органлар орқали кўпайтиришда 20—60 см узунликдаги бир-икки йиллик баргли ва баргсиз қаламчалардан фойдаланилади. Ёзги яшил қаламчалар кесиб олиниши биланоқ қумга, торф ёки гўнг аралаштирилган юмшоқ тупроққа қия қилиб ўрнатиб кўкартирилади. Кузда кесиб олинган қаламчалар эса нам қумда сақланиб, эрта баҳорда ерга ўтқазилади. Олхўри, олча, дўлана ва бошқа ўсимликларнинг ёш илдизлари, ток, тол ва атиргул каби кўлгина ўсимликларнинг пояларидан қаламча сифатида фойдаланилади.

Баъзи ўсимликларнинг (тол, терак) қаламчалари ерга ўтқазиш билан тезда илдиз отиб, кўкариб кетади. Айниқса нинабаргли ўсимликлар қаламчасининг илдиз отиши учун кўп вақт талаб қилинади. Шунинг учун бундай қаламчаларнинг илдиз отишини тезлатиш мақсадида турли тумац ўстирувчи моддалар — стимуляторлар (α




136-расм. Ўсимлик қаламчалари қутблilikини кўрсатиш:

1 — қаламчанинг учки томони юкорига қаратиб қўйилган; 2 — қаламчанинг учки томони пастга қаратиб қўйилган.



137-расм. Шивил (учқат) *Ionicera taftagica* ниҳолларининг илдиз ҳосил қилишида гетероауксиннинг таъсири:

1, — 2 — гетероауксин эртмасида; 3, 4 — сувда сақланган (контролда).



138-расм.

а — контрол; б — 50 мг/л концентрацияли гетероауксинг эритмасида 8 саат сақланған чинніңгүл қаламчалары.

нафтилсирка кислота, β-индолил, γ-мой кислоталари, 2—4-дихлорфенолсирка кислота) құлланилади. Масалан, 100 мг/л β-индолил мой кислота эритмасида 3—6 соат сақланған қаламчалар ерга ўтқазилганда тез илдиз отади (137, 138-расмдар).

Құчатларни бир ёрдан иккинчи ерга күчириб ўтқазилганда илдизига 0,001% ли 2,4 ДУ ёки гетероауксинг калийли тузи эритмаси пуркалади. Катта дараҳтларни бир ёрдан иккинчи ерга күчириб ўтқазилганда шикастланған илдизларга лой ва торфға аралаштирилған стимуляторлар суркалади. Ерга күмилған ўсимликтер стимуляторлар қўшилған сув билан суғорилади.

Ўсимликтерни вегетатив кўпайтиришда пархии усули кенг құлланилади. Бунинг учун ўсимликнинг бирор узунроқ новдансины она ўсимликтан ажратмасдан, илдиз отгунча ерга кўмиб қўйилади. Кўмилған новда илдиз отгандан кейин она ўсимликдан ажратилилади ва у новда мустақил равишда ривожлана бошлайди.

Ўсимликтерни пайвандлаш усулида кўпайтириш қадимдан құлланиб келинмоқда. Пайвандлаш деб, ўсимликтан кесиб олинған қаламча ёки куртакни иккинчи ўсимлик танасиға улаб кўпайтириш усулига пайвандлаш ёки трансплантация дейилади. Пайвандланадиган ўсимлик — пайвандтаг, пайванд учун ишлатиладигани пайвандуст дейилади. Кўпинча, пайвандлашнинг қўйидаги усувлари кенг қўлланылади:

а) куртак пайванд (окулировка). Бунда пайвандтаг пўсти

«Т» ҳарфи шаклида кесилиб, ёғоч қисмигача бир оз очилади ва пайвандланадиган ўсимликнинг юпқа қилиб кесиб олинган куртаги жойлаштирилади;

б) исказа пайванд. Бунда пайвандтаг танаси бутунлай кесилади, тўнкаси ўртасидан ёрилади. Учи ўткир қилиб кесилган пайвандуст қаламчалари пайвандтаг ёриғига ўтказилади;

в) яқинлаштириш (облактировка) усулида пайвандлаш. Бунда бир-бирига яқин ўстирилган ўсимлик пояларининг бир томонидан пўстлари олингандан кейин, улар бир-бирига ёндаштириб боғланади. Шикастлантирилган қисмлари битиб бўлгач, кераксиз ўсимлик илдизи кесилади;

г) қаламча пайванд (копулировка). Бунда пайвандуст ва пайвандтаг новдаларининг йўғонлиги тенг бўлиши керак. Пайвандуст қаламчаси ва пайвандтаг новдаси бир хилда қия кесилиб, бир-бирига қўшиб боғланади. Қаламча пайвандлашда пайвандустнинг ўтказувчи найлари (ксилема ва фолоэма элементлари) пайвандтаг ўтказувчи найларига тўғри келиши зарур.

Умуман пайванд қилинган жой чипта билан ўраб боғлаб қўйилади.

Пайвандтаг ва пайвандуст ўртасидаги муносабат.

И. В. Мичуриннинг ментор усули ва унинг аҳамияти

Пайвандтаг илдиз орқали пайвандуст учун зарур бўлган минерал моддаларни, сув ва бошқа бирикмаларни етказиб беради. Пайвандуст эса ўз навбатида баргларда ҳосил бўлган органик бирикмалар билан бирга пайвандтаг ва унинг илдизларини таъминлайди. Демак, пайвандуст билан пайвандтаг ўзаро анатомик жиҳатдан боғланибгина қолмай, балки моддалар алмашиниши жараёни ҳам икки турли ўсимлик тўқимасида ўзаро боғлиқ ҳолда ўтади.

Пайвандлаш усули қадимдан қўлланиб келинган бўлишига қарамай, пайвандуст билан пайвандтаг ўртасидаги муносабат ҳали тўла аниқланмаган. Пайвандтаг таъсирида ўзининг ирсий белгиларини сақлаб қолган пайвандустнинг мустақил ривожланганилигини қуйидаги мисоллардан аниқлаш мумкин.

Кўпгина боғбонлар бир дарахтга бир неча навни пайванд қилиб, ҳар хил сифатли меваларни парвариш қилмоқдалар. Масалан, Молдавия республикаси «Родина» колхозининг боғбони И. И. Мания битта олма дарахтига 42 хил навни, шафтоли, нок ва олхўри дарахтларининг ҳар қайсисига 10—12 хил навлардан пайванд қилиб, сифати ўзгармаган мевалар олишга эришган.

Топинамбур поясига кунгабоқар қаламчаси пайвандланганда, топинамбур тугунагида шу ўсимликка хос инулин, пайвандуст — кунгабоқарда крахмал тўпланган.

Иирик биолог олимлар фикрича, пайвандтаг билан пайвандуст зич муносабатда бўлиб, улар бир-бирига кучли таъсир кўрсатади. Жумладан, тамаки ўсимлигига картошка қаламчаси

пайвандланса, тамаки ўсимлигининг илдизида ҳосил бўлган баъзи бир алкалоидлар картошка қаламчаси тўқимасида тўпланади.

Пайвандланадиган ўсимликлар ўртасидаги мавжуд муносабат сабабларини И. В. Мичурин қўйидагicha тушунтиради.

а) пайвандланадиган ўсимликларнинг ирсий белгилари тўла тикланган бўлса, уларнинг бир-бирига кўрсатган таъсири сезиларли даражада кузатилмайди;

б) пайвандланадиган ўсимликлардан бири ёш (дурагай) бўлиб, иккинчиси қари, яъни ирсий белгилари тикланган бўлса, ирсияти тикланган ўсимлик ёш ўсимликка, яъни ирсий белгилари тикланмаган компонентга кучли таъсир этиб, кела жакда унинг ирсий хусусиятларини белгилайди.

Дарҳақиқат, икки тур ўсимлик чатиширилганда ҳосил бўлган ёш ўсимлик дурагайга «ота» ва «она» белгилари деярли баравар тақсимланганлигидан, унинг ирсий белгилари тўла тикланиб улгурмайди, хар хил ирсий белгиларни сақлаган ёш ўсимликка ирсий белгилари тўла тикланган организм билан таъсир этилганда ёш ўсимлик шу организмнинг ирсий белгиларини сингдириб олади. Шундай хусусият борлигини И. В. Мичурин иссиқ иқлимли шароитда ўсадиган Кандиль синап билан совуққа чидамли Китайка навини чатишириб. Кандиль-Китайка олма навини яратди. Бир неча йилдан кейин Кандиль-Китайканинг совуққа чидамлилиги пасайди. Унинг совуққа чидамлилигини ошириш мақсадида Кандиль-Китайка куртагини Китайкага пайвандлагандан кейин унинг совуққа чидамлилик хусусияти тикланган. Совуққа чидамли Кандиль-Китайка навини яратишда дурагайнини тарбиялашда қатнашган Китайкани ментор деб атайди.

П. Н. Яковлев Уссурияда ўсадиган нок билан жанубдаги Рояль нок навини чатишириб, Бере зимняя Мичурина дурагайнини яратган. Шу Бере зимняя Мичурина номли нок дурагайига бир йиллик лимон қадамчасини ментор сифатида пайвандлаб, баргларини тўкмайдиган нок навини яратган. Тажриба пайвандланадиган ўсимликлар бир-бирига чуқур таъсир этганлиги ва систематика жиҳатидан бир-биридан узоқ жойлашган ўсимликларни пайвандлаш мумкинлигини тасдиқлайди. Пайвандлашда қатнашадиган ўсимликларнинг бири иккинчи сига кўрсатган таъсирини кучайтириш мақсадида пайвандуст ёки пайванддаг барглари камайтирилади.

Кўриб ўтилган ишларга назар ташланса, Кандиль-Китайка олма навини совуққа чидамли қилишда тарбияловчи (ментор) вазифасини пайвандтаг, Бере зимняя Мичурина навини етиширишда пайвандуст лимон — менторлик вазифасини ўтаганлиги аниқланади.

Яковлевнинг ишлари, ўсимликлар қандай оиласа мансуб бўлишига қарамай, пайвандлаш имкониятига эга эканлигини кўрсатди.

Систематика жиҳатидан бир-биридан узоқда турган ўсимликларни чатиштириб, дурагай ҳосил қилиш учун аралаш чанг ёки вегетатив яқинлаштириш усулларини ҳам И. В. Мичурин ишлаб чиққан.


Бир ҳужайрадан ёки каллусдан ўсимликларнинг тикланиши

Ҳар қандай ҳужайра таркибида шу организмга хос ирсий белгилар сақланади. Бошқача айтганда, тенг даражада ўзининг потенциал имкониятига (тотипотентлик) хусусиятига кўра ягона ҳужайрадан бутун бир организм тикланиши мумкинлиги аниқланди. Лекин шундай хусусият ҳамма ҳужайраларда ҳам учравермайди. Чунки баъзи бир ҳужайраларда айтилган имкониятга зарба берадиган (репрессив) генлар сақланганлигидан улар ҳужайранинг ривожланишига салбий таъсири этади. Шуларни ҳисобга олиб, организмдаги ҳужайралар потенциал (тотипотент) фаол ёки пассив бўлиши мумкин.

Потенциал фаол моддаларга қулай шароит ва зарур бўлган ўстирувчи модда (фитогормон) лар маълум даражада бўлишини таъминлаш зарур. Шундай шароитдагина битта ҳужайрадан ёки каллус (органик моддалар тўплами) дан ажратиб олинган бўлакчадан бутун бир ўсимлик нусхасини тиклаб олиш мумкин. Бу усулга ажратилган тўқима, яъни бутун ўсимликни тиклаш культураси дейилади.

Бу масада устида Ф. Уайтсон билан Р. Гётренинг (1932, 1934) ишлари диққатга сазовордир. Тажриба ўтказиш учун улар сахароза, РР, В, биотин, мезонинозит витаминлари ва микро-макроэлементлар аралашмаси ҳисобига сунъий озиқ муҳитидан фойдаланганлар. Шу аралашмага маълум миқдорда желатина қўшиб, пробиркалардаги қаттиқ ҳолатга келтирилган озиқ муҳитига бир бўлак помидор илдизидан жойлаштирганлар. Озиқ муҳитига жойлаштирилган илдиз бўлагининг бир кечакундуз давомида 0,8 см га ўсганлиги кузатилган.

К. А. Тими裡ев номидаги Ўсимликлар физиологияси институтининг ходими Р. А. Бутенко (1957) шу масалани ўрганиш мақсадида илмий тадқиқот обьекти сифатида сабзи флоэма



139-расм.

1 — ҳужайралар пўстидан чиқарилган цитоплазма; 2 — цитоплазмаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган дурагай; 3 — дурагайшининг ривожланиши ҳисобига ҳосил бўлган (каллус) органик моддалар тўплами.

түқималаридан олинган бир бўлакчадан гуллаб, уруғ туккан бутун бир ўсимликни яратган.

Хозирги вақтда шу усул ёрдамида селекционерлар янги тур дурагайларини яратишда кенг фойдаланмоқдалар. Бунинг учун бир-бирига чатишириб қўйиладиган ҳужайралардан, 139-расмдагидек, цитоплазма чиқазиб олинади. Сўнгра цитоплазмалар бир-бири билан муносабатга киришгач, дурагай пайдо бўлади. Қулай шароитда қолдирилган дурагай массаси кундан-кунга ортиб бориши ҳисобига каллус (органик моддалар тўплами) ҳосил этилади.

Ҳосил бўлган каллус бўлакчасидан поянинг ёхуд илдианинг ўсиш нуқтаси (конуси) ни ривожлантириш мақсадида ауксин ва цитокинин фитогормонлари маълум нисбатда бўлиши зарурлиги тубандаги жадвал рақамларидан кўринади.

93- жадвал

Индолил сирка кислота (ауксин)	$3 \cdot 10^{-6}$	$3 \cdot 10^{-6}$	$3 \cdot 10^{-8}$
Кинитин	$3 \cdot 10^{-7}$	$2 \cdot 10^{-8}$	$1 \cdot 10^{-6}$
Тикланадиган ўсиш нуқтаси (конуси)	каллус	илдиз	поянинг

ривожланиши учун

Жадвал далилларига кўра каллус ва илдизнинг ривожланишини таъминлаш учун ауксиндан кўпроқ ($3 \cdot 10^{-6}$), кинитиндан камроқ ($3 \cdot 10^{-6}$), поянинг ҳосил бўлиши учун ауксиндан камроқ ($3 \cdot 10^{-8}$), кинитиндан кўпроқ ($1 \cdot 10^{-6}$) миқдорда физиологик актив моддалар бўлиши зарурлиги аниқланган.


Ўсимликларда ҳаракатланиш жараёнлари

Ўсимликлар махсус орган (хивчин) лар ёрдамида ҳужайра (тўқима) ларнинг ўсиши ҳисобига ва тургор ҳодисасига асосан ҳаракатланади. Хивчинлар ёрдамида бактериялар, бир ҳужайрали сувўтлар ва ўсимлик зооспоралари жадал ҳаракатланади. Тургор ҳодисаси ва цитоплазманинг ўтказувчанлигига асосан уятчан мимоза ва ҳашаротхўр ўсимликлар ҳаракатланади. Гулларнинг очилиши, юмилиши ёки ўсимлик органларининг бир томонга қараб интилиши ёки ундан қочиши ҳужайраларнинг ўсиш тезлигига боғлиқ.

Ўсимликларда ҳаракатланиш жараёни уч хил кўриннишда учрайди:

1. Тропизмлар. Ўсимлик органининг таъсир қилган омил томон интилиши ёки қочишига тропизм дейилади. Қўзғатувчига қараб интилса — мусбат тропизм, шу фактор таъсиридан қочса — манфий тропизм ҳодисаси дейилади. Ташки омиллар турлича бўлганлиги учун тропизмлар шу омилноми билан юритилади (140-расм).

а) Ўсимликнинг ёруғлик тушган томонга қараб эгилишига фототропизм дейилади. Ер устки органларига мусбат, илдизларида манфий фототропизм ҳодисаси юз беради. Бошқача айтганда, ўсимлик илдизи ёруғлик таъсиридан қочса, ер



140-расм. Ташқи ғомиллар ғатъсирида ўсимликларнинг ҳаракатланиши:
1 — фототропизм; 2—геотропизм ҳодисалари.

устки қисмлари, аксинча, ёруғликка интилади. Лекин ёруғлик нури нормадан ошиб кетса, ўсимликнинг ер устки қисмларидаги ҳам манфий фототропизм ҳодисаси кузатиласди.

Ўсимлик баргларининг ёруғликни тўсмайдиган қилиб мозаик жойлашиши фототропик ҳодисасига асосланган (141-расм).

Буғдой, арпа вабошқа ўсимлик майсаларига бир томондан ёруғлик тушириб, фототропизм ҳодисасини аниқ кузатиш мумкин.

Ўсимликларда фототропик эгилиш сабабларини Чарльз Дар-



141-расм.

1 — печакгул (плющ) ва 2 — қайрагоч ўсимликлари баргларининг ёруғликка ишбатан мозаик ўнашиши.

вии ва унинг ўғли Френсис Дарвин экспериментал тажрибалар ўтказиб, натижаларини 1880 йилда «Ўсимликларнинг ҳаракатланиш қобилияти ҳақида» деган китобларида нашр этдилар.

Тажриба учун ғалладошлардан — *phalaris canariensis* Z. (канареечная трава) ўсимлиги майсаларини олиб, икки гурухга бўлинади. Биринчи гуруҳдаги майсаларнинг ўсиш нуқтаси қора қофоздан ясалган қалпоқча билан беркитилиб, иккинчи гуруҳдаги майсаларнинг ўсиш нуқтаси очиқ қолдирилади, поялари қора қофоз билан ўраб қўйилади. Уларга бир вақтнинг ўзида бир томондан ёруғлик бериб таъсир этилади. Тажриба охирида ўсиш нуқталари беркитилган майсалар тик ўсиб, пояси беркитилмаган майсаларнинг ўсиш нуқтаси ёруғликка қараб эгилгани кузатилади.

Бундан аниқланадики, ёруғлик ўсиш нуқтасига таъсир қилиб, чўзилиш фазасидаги ҳужайраларнинг ўсишини жадаллаштириб, фототропик эгилишни вужудга келтирад экан:

А. Г. Генкель (1904) фикрича, ўсимлик тўқималарининг бир томонлама ҳаракати цитоплазманинг тақсимланишидан вужудга келади. Бошқача айтганда ёруғлик тушган ҳужайралардаги цитоплазма соя томондаги ҳужайраларга ўтиб, уларнинг ўсишини жадаллаштиради, натижада ўсимлик эгилади.

Н. Г. Холоднийнинг (1926) ва Ф. В. Вент (1927) назарияларига асосан, фототропик эгилиш ўсиш нуқтасидаги ўстирувчи гормон — ауксин миқдорига боғлиқ. Ёруғлик таъсирида ўсимликнинг ёруғлик томонидаги ҳужайраларда жойлашган ауксин соядаги ҳужайраларга ўтади. Натижада ауксин концентрацияси кўпайиб, соядаги ҳужайраларнинг ўсиши жадаллашади, ёруғлик томондаги ҳужайраларда, аксинча, ауксин миқдори камайганлигидан ўсиш сустлашади. Натижада ўсимлик ёруғликка қараб эгилади ёки ундан қочади.

Фототропик эгилишнинг тез муддатда ёки бир қанча вақт ўтгандан кейинн ўрёбга чиқиши ёруғлик кучига боғлиқ. Фототропик эгилишнинг содир бўлиши учун сарф бўлган муддат презентация вақти дейилади.

Ёруғлик кучига қараб презентация вақти ҳар хил бўлади. Бу қўйидаги жадвалда келтирилган.

Ёруғлик кучи ўзгара бориши билан презентация вақти ҳам тезлашади. Фототропик эгилишни вужудга келтириш учун та-

94- жадвал

Ёруғлик кучи (1 м масофадан тушган 1 шам ёруғлигига нисбатан)	Презентация вақти
0,00017	43 соат
0,00064	10 соат
0,00477	1 соат
0,0898	4 минут
5,456	4 секунд
511,0	0,04 секунд
26520,0	0,01 секунд

лаб этилган ёруғлик миқдори 1 секундда тушган ёруғлик кучи билан ўлчанади. Бу ўртача 18,8—26,3 оралиғида бўлади. Ёруғлик миқдори ёруғлик кучини презентация вақтига кўпайтириб аниқланади.

Диафототропизм ҳодисасида компас ўсимлик латукнинг *Lactuca serriola*) барг паллалари шарқдан ғарбга томон жойлашади. Бунда баргнинг бир томонига эрталабки, иккинчи томонига кечки ёруғлик тушади.

б. Геотропизм. Ернинг тортиш кучига нисбатан ўсимлик органларининг ҳаракатланиши геотропизм дейилади. Ўсимликнинг ўқилдизи ернинг тортиш кучи таъсирида пастга эгилиб ўсиши мусбат, поянинг ер юзидан юқорига интилиб ўсиши эса манғий геотропизм дейилади.

Кўпчилик олимлар фикрига кўра, геотропизм ҳодисаси фототропизм сингари ўсимлик тўқимасидаги ауксин миқдорига боғлиқ. Бошқача айтганда ўсимликнинг баъзи органларида ўсиш жараёнлари жадал ўтиши учун ауксин миқдори кам талаб этилса, бошқа органлари учун ауксин концентрацияси кўпроқ бўлиши зарур. Бу 297-бетдаги графикда яқъол кўринади.

Геотропик эгилишда илдиз қини (филофи) ҳужайраларида статолит деб аталган оғир крахмал заррачалари бор. Улар қаторига йирик крахмал заррачаларидан бўлак оқсил кристаллоидлари ва органоидлар массасига биноан илдиз пастга қараб энгашади (Г. Габердант, 1930).

в. Хемотропизм. Ўсиш жараёнида ўсимлик органларининг органик ёки анерганик бирималарга қараб эгилиши хемотропизм дейилади. Бу тубан ўсимликларда яқъол кўриниб, хемотаксис деб ҳам юритилади. Илдиз тўқималарида хемотропизм ҳодисаси (Ф. М. Породко) электролит моддалар таъсирида вужудга келади.

г. Аэротропизмда илдиз кислородли муҳитга қараб эгилади.


д. Гидротропизмда илдиз сувга, намлика томон эгилиб ўсади.

е. Термотропизмда ўсимлик органларида иссиқликка ёки совуқликка қараб интилиш пайдо бўлади. Кўрсатиб ўтилган тропизмлар хемотропизмнинг бир кўринишидир.

ж. Травмотропизмда илдиз учи (ўсиш нуқтаси) биронта қаттиқ жисмга тегиб қолиши билан шу жисмдан четга ўтиб, ўзининг ўсиш жараёнларини давом эттиради.



142-расм. Термонастик ҳодиса:
Заъфарон — бойчечак гулининг иссиқлик таъсирида очилиши.



143-расм. 1 — фотонастик ҳодиса;

I — ловия; II — себарга баргларининг; III — қоки гулнинг; а — кундузи ёзилиши; б — қорогилніңда юмилиши.

2. Настик ҳаракатлар. Ўсимликлар ташқи омилларнинг баравар диффузион таъсирига жавобан ҳаракатланишига нәстик ҳаракатланиш дейилади. Настик ҳаракатланиш симметриялы түзилған органларда күзатылып, таъсири этүвчі омилноми билан юритилади.

a. Термонастик. Температуранинг ўзгариши билан ўсимликларда содир бўладиган ҳаракатлар, масалан, лола гули паст температурада юмилса, юқори температурада очилади (142-расм).

б. Фотонастик ҳаракатланиш ёруғликка боғлиқ. Масалан, кўпчилик ўсимликларнинг гули эрта тонгда очилиб, кечаси юмилади. Баъзи ўсимлик гули кечаси очилиб, кундузи юмилади (143-расм).

Термонастик ва фотонастик ҳаракатланишлар фақат ўсимлик гулларидагина эмас, балки баргларга ҳам хос бўлиб, ҳужайраларнинг ўсиш жадаллиги билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан, ўсимлик қоронғиликдан ёруғликка ёки паст температурадан юқори температурага ўтказилса, гултожибарглар ички томонидаги ҳужайраларнинг тез ўсиши туфайли гултожибарг очилади. Аксинча, ёруғликдан қоронғиликка ўтказилса ёки тем-


пература пасайтирилса, гултожибаргнинг ташқи томонидаги ҳужайралар ички томонидаги ҳужайраларга нисбатан тезроқ ўсади, натижада гул юмилади.

Қўзғатувчи таъсирида гулни очилиши эпинастик, юмилиши ги понастик ҳаракат дейилади. Айрим ўсимлик гулларининг очилиб-юмилиш вақтига асосланниб К. Линней «Флора соати»ни ишлаб чиқкан. Бунинг учун у қўйидаги ўсимликлардан фойдаланган (324-бетга қаранг).

Соатнинг марказида кунгабоқар ўсимлигини ўтқазади.

в. Сейсмонастик ҳаракатланиш тургор ҳодисасиңга асосланган. Бу уятчан мимоза ўсимлигида яққол кўринади (144-расм). Мимоза пудика (*Mimosa pudica*) мураккаб баргли ўсимлик бўлиб, унинг барглари япроқчалардан ташкил топган. Баргга чертилса, барг япроқчалари 0,1 секунддан кейин, механик таъсирга жавобан кетма-кет бўшашиб, барг япроғи паstra энгашади. Баргнинг паstra энгашиши ҳужайра таркибидағи сувнинг ҳужайра оралиғига ўтиб қолишиданadir (С. А. Рачинский, 1858; П. Пфеффер). Н. Ф. Леваковский фикрича, сейсмонастик ҳаракат оқсил бирикмаларининг фаол қисқаришидан юзага келади.

Ҳашаротхўр ҳамда ҳашаротлар ёрдамида чангланадиган ўсимликларда ҳам сейсмонастик ҳаракатланиш кузатилади. Росянка (*Drosera rotundifolia*) ва Венера пашшахўри (*Dionaea muscipula*) деган ҳашаротхўр ўсимликларда актив ҳаракатланиш кузатилади. Ҳашаротлар ёрдамида чангланадиган ўсимликлардан Зирк (*Berberis*) гулбарги асосида маҳсус нектарли дўмбоқчалар жойлашган. Ҳашарот дўмбоқчага тегиши билан



144-расм. Сейсмонастик ҳодиса. Уятчан мимозага механик таъсир этиш билан унинг барглари йигилишиб қолинади:
а — таъсир этгучча; б — таъсир этгандан сўнг.

Гулларнинг

Ўсимликлар номи	Очилиш		юнилиш вакти
Наъматак	эрта тонгда 4		кечаси 7
Сағратқи	—“— 5		кундузи 3
Лолақизғалдоқ	—“— 6		кундузи 2
Қоқи ўт	эрта тонгда 6		кундузи 3
Эчкимия	эрталаб 9		кечаси 9
Тирноқгул	эрталаб 9		кундузи 4
Дастаргул	эрта тонгда 5		кечаси 8
Чиннигул	эрталаб 8		кундузи 1
Тамакігүл	кечаси 8		
Оксалис	эрталаб 10		кечаси 11

чангчи эгилиб, оналик тумшуқласини чанглайди. Бўтакўз (*Sepiauga depressa*) ўсимлиги чангчи ипига ҳашарот тегиши билан чангчи или қисқарив ҳашарот устига чанг тўклилади. Ҳашарот устидаги чанг бошқа гулни чанглантиришда хизмат қилади.

Ўсимликларнинг ривожланишига доир масалалар

Табиатда турли хил ўсимликлар тарқалган бўлиб, уларнинг баъзилари жуда қисқа (дақиқа, соат, ҳафта) умр кўрса, бошқалари бир неча ўн ва юз йиллар давомида ҳаёт кечиради. Ҳажм жиҳатдан ҳам ўсимликлар бир-биридан анча фарқ қиласди. Улар орасида кўзга кўринмайдиган майдаги ўсимликлар ҳамда бўйи 150—160 м га етадиган улкан дараҳтлар ҳам учрайди.

Ўсимликлар орасида бир неча ой ёки кўп йиллар ҳаёт кечириб, ўз онтогенезида бир марта ҳосил бериб нобуд бўлса, бошқа турлари вояга етгандан кейин бир неча йил давомида гуллаб ҳосил беради. Шуударни назарда тутиб, Ер шаридаги ўсимликлар 2 гурухга бўлинади:

1. Монокарп ўсимликлар онтогенезида бир марта ҳосил бериб, ҳаёт фаолиятини тугатади. Монокарп ўсимликлар онтогенезининг давомийлигига кўра қуйидагиларга бўлинади:

а) чўл, яримчўл, дашт, қир ва тоғ бағирларида ҳаёт кечирадиган эфемер ва эфемероидлар. Уларнинг вегетация даври ҳаво ва тупроқ намлигига боғлиқ. Типик эфемерлар эрта баҳорда униб, қиши жунлари тупроқда тўпланган намлик ҳисобига ўсиб ривожланади ва ҳосил бериб нобуд бўлади. Уруғларида кузда унайдиган эфемероидларнинг майсалари қор остида қолиб, эрта баҳорда гуллаб, ҳосилга киртандан кейин нобуд бўлади. Уларнинг умри 45—75 кундан ортмайди. Узбекистонда итгунафша, момосирка, ялтирибош, арпағон ва читир каби эфемерлар кўп тарқалган.

Эфемероидлар кўп йиллик ўсимликлар бўлиб, уруғ, пиёзча, илдизпоя ва илдиз тугунаклари ёрдамида кўпаяди. Лолақизғалдоқ, эшакқулоқ, бойчечак ва қўнғирбош кабилар эфемероидларга мисол бўлади.

Ўрта Осиё яйловларида тарқалган эфемер ва эфемероидлар-

нинг кўпчилиги чорвачиликни ривожлантиришда ем-хашак сифатида катта аҳамиятга эга.

б) бир йиллик монокарп ўсимликларнинг уруғлари қулай шароитга тушиб қолса ривожланиб, вегетация даврининг охирида ўсиш жараёни секинлашиб, генератив органлар тикланади. Бундай ўсимликлар онтогенезида бир марта ҳосил бериб, нобуд бўлади.

Маданий ўсимликлардан фўза, буғдой, шоли, тарвуз, қовун ва бошқалар бир йиллик ўсимликлар қаторига киради.

в) икки йиллик ўсимликлар онтогенезининг биринчи йилида вегетатив массаси ортади, яъни заҳира озиқ моддалар тўплайди. Иккинчи йили тўпланган озиқ моддалар ҳисобига генератив органлар пайдо қилиб, ҳосилга киради. Бундай ўсимликларга лавлаги, пиёз, карам, сабзи ва бошқалар мисол бўлади.

г) кўп йиллик монокарп ўсимликларнинг вегетатив органлари узоқ йиллар давомида ўсиб ривожланади. Онтогенез охирида генератив органлар пайдо қилиб, гуллаб ҳосил бергандан кейин, улар нобуд бўлади. Кўп йиллик монокарп ўсимликлар, ағава табии шароитда 8—10 йил, оранжерея шароитида 20—50 йил давомида вегетатив массаси ортиб, ҳосил бергандан кейин нобуд бўлади. Урта Осиёдаги каврак ўсимлиги 8—10 йилда бир марта ҳосил бериб, нобуд бўлади. Бамбук 20—30 йилда бир марта ҳосил бериб, нобуд бўлади.

2. Поликарп ўсимликлар бир неча йиллар давомида ҳосил бериш қобилиятига эга. Уларнинг баъзилари биринчи йилдан бошлаб ҳосилга кирса, бошқаларни бир неча йилдан кейин ҳосилга киради. Масалан, себарга биринчи йили ҳосилга кирса, секвоя дарахти 150 йилдан кейин ҳосил бера бошлайди.

Ташқи омиллар таъсирида ва инсоннинг жадал фаолияти натижасида ўсимликлар ҳаёт жараёнларининг ўзгарувчалигини назарда тутиб, монова поликарп гуруҳларга бўлишининг қатъий чегараси йўқ. Масалан, тропик мамлакатларда ўсадиган канакунжут ва фўза кўп йиллик поликарп ўсимликлар бўлиб, бир неча йиллар давомида гуллаб ҳосилга киради. Фўза ва канакунжутнинг маданийлаштирилгани типик монокарп ўсимликларидир. Бизнинг шароитда ўсадиган поликарп себарга Шимолий Американинг Шарқи-жанубий районларида монокарп ўсимлик ҳисобланади.

Поликарп ўсимликлар монокарп ўсимликлардан танасининг катталиги ва кўп йиллар давомида ҳаёт кечириши билан ҳам фарқ қилганларни губандаги 95-жадвал рақамларидан кузатилади.

Япониянинг Якусима оролида айланаси 16 м ли кедр дарахтининг ёши 7200 йил эканлиги электрон асбоблар ёрдамида аниқланган. Диаметри 11 м ли секвоя дарахти тўнкасида пианино ва тўртта музикачи жойлашиб, 16 жуфт киши рақс тушиши учун жой қолган. Шундай бир туп секвоя дарахтидан 5 хонали 40 та уй қуриш мумкин экан.

Үсімліктар түри	Бүйі, м	Танаси- нинг дұ- гонлышы, м	Үсімліктегі да- хьтчанлық әріл- хисобида
Ратанғ пальмасы (лиана)	300	0,05	
Эвкалипт	152	11	
Секвойя	140	11-15	3000-6000
Каштан, кипарис	35	20	2000-3000
Қарағай	50	1-2,5	570
Арча	60	2,5	1600
Чинот			600-800
Төк, толма			200
Нок			300
Оқ, терак			600
Беда			10-50

Үсімліктарда ривожланиш босқичлари

Репродуктив фазага үтиш шароити

Үсімліктарнинг ўртасида шүнчалик фарқ бўлишига қарамай, уларнинг ривожланиш босқичлари дёйрли бир хилдири. Ҳар қандай тубан ва юксак үсімліклар онтогенезидә икки босқични ўтади.

Биринчи босқичда үсиш жараёни ҳисобига үсімліктарнинг массасы ортади. Иккинчи босқичда, үсиш билан бир қаторда, тубан үсімліклар ривожланиб, бўлинниб кўпайса, юксакларида генератив органлар пайдо бўлади. Бошқача айтганда, үсімлік қайси туруга киришидан қатъи назар, унинг онтогенезидә үсиш ва ривожланиш жараёnlари мавжуд. Үсиш янгидан ҳосил бўлган ҳужайра ҳисобига бўлса, ривожлациш үсімлік организмида турли сифат ўзгаришлари ҳисобига юз беради. Бу ўзгаришлар эмбрионал уруғ ҳосил бўлишидан бошланиб, үсімлікда кўлашиб органларининг пайдо бўлиши ва ҳосилга кириши билан туталланади.

Үсиш ва ривожланиш жараёnlари бир-биридан фарқ қилишига қарамай, ўзаро чамбарчас боғлиқ. Ташқи омиллар таъсирда үсімлік тўқималарида юз берадиган сифат ўзгаришларни туфайли үсиш ва ривожланиш жараёnlари ўртасидаги муносабат ҳам ўзгариб туради. Жумладан, қулай шароитда үсімлік тез үсиб ва ривожланиб, ҳосилга киради. Үсімлікка ташқи омиллар салбий таъсир этса, үсімлік секин үсиб, тез ривожланиди.

Үсиш жараёnnини тезлаштирувчи омиллар билан таъсир этилганда үсімлік тез үсиб, суст ривожланиди. Шароит бутунлай ноқулай келса, үсімлік секин үсади ва секин ривожланиди (145-расм).

Ҳар қандай үсімлік уруғдан униб чиқишидан ҳосилга киргунга қадар бир неча фазаларни ўтайди. И. В. Мичурни дарахтларнинг үсиш ва ривожланиш фазаларини қуйидагиларга бўлади:



145-расм. Ҳар хил шароитдаги ғүза ўсимлигининг ўсиш өсөн ривожланыш жадаллiği;

1 — тез ўсан, аммо секин ривожланган; 2 — тез ўсан ва тез ривожланган; 3 — секин ўсан, лекин тез ривожляяган ғүза (бүйнгә секин ўсиб, тезда ҳосилга кирган).

1. Уруғлик фазаси. Бунга уруғнинг униши ёки куртакнинг ўса бошлаши киради.

2. Ёшлик фазаси. Бу ўсимлик биринчи марта гуллаб, ҳосилга кирган вақтни ташкил этади.

3. Етилиш фазаси. Бунда чуқур биохимиявий ва физиологик ўзгаришлар юз береб, ўсимликнинг ирсий белгилари тикланади, ўсимлик морфологик жиҳатдан шаклланади. Бу фаза 3—5 йил давомида мева бергандан кейин бошланади.

4. Тўла етилиш фазасида ўсимликнинг вегетатив органлари йилдан-йилга ортиб, узлуксиз ҳосил бера бошлайди.

5. Ўсимликнинг айрим вегетатив органларининг нобуд бўлиши ва ҳаёт фаолиятининг сустлашиши қариш фазасидан далолат беради.

Фалла ўсимликларида ҳам ривожланиш беш фазадан ташкил топган (Л. И. Руденко):

1. Уруғ униб чиқиш-фазаси.
2. Тупланиш ва шохланиш фазаси.

3. Шоналаш фазаси.
 4. Уруғланиш ва мева тугиши фазаси.
 5. Уруғ ҳосил қилиш фазаси.
- Ғўзанинг ривожланиши қўйидаги фазалардан иборат:
1. Чигитнинг униб, палла баргларининг ёзилиш фазаси.
 2. Ҳақиқий барг ҳосил қилиш фазаси.
 3. Шоналаш фазаси.
 4. Уруғланиш ва гуллаш фазаси.
 5. Кўсақлар ва уруғларнинг етилиш фазаси.

Ўсимликлар тўқимасида ташқи ва ички омиллар таъсирида чуқур сифат ўзгаришлари содир бўлиб, генератив органлар тикланади, натижада ўсимлик ҳосилга киради.

Ўсимлик ҳаётини ўрганишда тўқималарда моддалар алмашинуви жараённида содир бўладиган чуқур ўзгаришларни ва ташқи омиллар таъсирини бир-биридан ажратмасдан олиб борилгандагина ўсимликнинг вегетатив ўсиш фазасидаги генератив органлар тикланиб, ҳосилга кириш сабабларини тушунтириш мумкин.

Ўсимликларнинг ривожланиш босқичлари

Илмий-тадқиқот ишларига асосан ўсимликлар онтогенезда бир неча ривожланиш босқичларини ўтади. Шулардан яровизация ва ёруғлик босқичлари чуқур текширилган.

Яровизация босқичини ўтиш учун уруғ ва майсалар етарли даражада температура, намлик ва ҳаво билан таъминланган бўлиши лозим. Шулардан температура ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Яровизация босқичини ўтиш учун сарфланган вақт, температура ва сув миқдори ўсимлик турига кўра ҳар хил талаб қилинганилиги қўйидаги 96- жадвалда келтирилган.

96- жадвал

Ўсимликлар номи	Яровизация учун		100 г уруғни тўйинтириш учун сарфланган сув миқдори, мл
	сарфланган кун	Температура °C	
Баҳори буғдой	5—7	10—12	31
Кузги арпа	25—35	0—2	37
Баҳори арпа ва сули	10—14	2—5	35
Таріқ	7—10	18—20	26
Маккажӯхори	10—15	20—25	30
Ғўза майсалари (палла барглар ҳосил бўлгунча)	5—6	20—25	60—80

Үртacha иқлимили ва шимолий районларда ўсадиган ўсимликлар яровизация босқичини ўтиши учун паст температура, жанубий районларда ўсадиган ўсимликлар юқори температура талаб қилганлиги жадвал рақамларидан кўринади.

Яровизация босқичининг ҳар хил даврга түғри келиши ўсимлик турига боғлиқ. Кузги ва баҳори буғдой, вика, ясмиқ, нўхат, фўза ва бошқалар яровизация босқичини унган уруғ ҳолатида, лавлаги, сабзи, шолғом, карам кабилар майсалигида, тамаки ўсимлиги 9—10 та ҳақиқий барг ҳосил қилгандан кейин яровизация босқичини ўтайди.

Яровизация босқичи ўсиш нуқтасидаги ҳужайраларда ўтади. Бунда каталаза ва пероксидаза ферментлари жадаллашади. Гидролиз жараёнлари синтез жараёнларидан устун келади, оқсил липоид бирикмаларнинг изоэлектрик нуқтаси (ИЭН) кислотали томонга сурилади (А. А. Рихтер). Яровизацияланган ўсимлик тўқималарида амилаза, каталаза ва протеолитик ферментлар жадаллашади (В. И. Демовский, 1932).

Текширишлардан маълумки, яровизация босқичининг боришида цитохромоксидаза, ундан кейин (20 кун ўтгач) аскорбин-оксидаза ферментларининг жадаллиги ортади. Яровизация босқичини ўтган ўсимлик тўқималарида С витамини кундан-кунга ортиб борган (В. М. Образцов, 1940 ва И. И. Проскуряков, И. В. Строжевская, 1954).

Яровизация босқичини ўтмаган ўсимлик тўқималарида физиологик-биохимик ўзгаришлар кузатилмайди. Яровизация босқичини ўтмаган ўсимлик тўқималари ривожланиш жиҳатдан яровизация босқичини ўтган тўқималарга иисбатан ёш ҳисобланади.

Уруғнинг яровизация босқичини ўтган-ўтмаганлигини аниқлашда М. Н. Бассарская усули қўлланилади. Бунинг учун ўсимликнинг ўсиш нуқтасини кесиб, унга $K_4[Fe(CN)_6]$ сарик қон тузи ва $FeCl_3$ (темир уч хлорид) эритмалари билан таъсир этилганда кўк-бинафша ранг (берлин лазури) ҳосил бўлади. Бу уруғнинг яровизация босқичини ўтганлигига далолат беради.

Яровизацияланган кузги буғдойни баҳорда экиш мумкинлиги ва ҳосилнинг бирмунча (1—1,5 га ц) оргтанлиги аниқланди.

Бундан ташқари, сабзи, лавлаги қаби икки йиллик ўсимлик майсаларига паст температура таъсир этилса (яровизацияланса), улар биринчи йили ёқ гуллаб, ҳосилга киради. Буни У. Гаснер, Н. А. Максимов ва бошқа олимлар кузатган.

Ўсимликларда яровизация босқичидан кейин ёруғлик босқичи бошланади. Ривожланишнинг бу босқичида ташқи омиллардан энг муҳими ва ҳал қилувчиси ёруғлик—кун узунлигидир. Ўсимликларнинг гуллаб, ҳосилга кириши кун ва тун узунлигига боғлиқ (У. Гаснер, Г. А. Аллард, 1920). Ёруғлик ва қоронғиликнинг давомийлигига кўра ўсимликларнинг ҳар хил муддатда гуллаб, ҳосилга кириш ҳодисасига фотопериодизм дейилади.

Ер юзининг турли зоналарида тарқалган ўсимликлар келиб чиқишига кўра бир-биридан кескин фарқ қиласи, уларнинг баъзилари узун, иккинчилари эса қисқа кунда ўсиб, ривожланишга мослашган. Шунга кўра, уларни узун кун ва қисқа кун ўсимлик-

лари деб юритилади. Узун кун ёки қисқа кунга бетараф бўлган ўсимликларга нейтрал ўсимликлар дейилади.

Узун кун ўсимликлар қисқа кунда қолдирилса, уларнинг фақат вегетатив массаси ортиб, ҳосилга кириш учун ривожланиш даври анча чўзилади. Шимолий районларда тарқалган ўсимликлар узун кунда ривожланиб, гуллаб, ҳосилга киришга мослашган. Масалан, баҳори буғдой узун кун ўсимлиги Санкт-Петербург вилоятида 35—37 кунда гуллаб, ҳосилга кирса, Қрим шароитида унинг ҳосилга кириши учун 48—50 кун талаб этилади.

Тариқ, маккажўхори, тамаки ва соя, помидор каби қисқа кун ўсимликлари асосан жанубий районлардан келиб чиқиб, вегетация даври қисқа муддатда тугайди.

Масалан, тариқ Қрим шароитида 35—37 кунда гуллаб, ҳосилга кирса, Санкт-Петербург районида бу ўсимлик учун 65—70 кун талаб этилади. Бу ўсимликларда чуқур биохимиявий ўзгаришлар қоронгиликда содир бўлар экан.

Ёруғликнинг давомийлигига бетараф бўлган кунгабоқар, нўхат каби ўсимликлар узун ва қисқа кунда ҳам деярли бир вақтда гуллаб, ҳосилга киради.


Қисқа кун ўсимликларига гуллаш олдидан маълум вақт ичida қисқа кун берилиб, вегетациянинг қолган кунлари узун кун билан таъминланса ҳам, улар ўз вақтида гуллаб, ҳосилга киради. Масалан, тариқ майсасини 10—15 кун қисқа кунда қолдириб, кейин вегетация охиригача узун кун берилишига қарамай, у гуллаб, ҳосилга кирган.

Шундай ҳолатни узун кун ўсимликларида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, швидга 3—4, сули ва буғдойга 20—30 кун давомида узун кун берилиб, вегетациянинг қолган кунлари қисқа бўлишига қарамай, улар гуллаб, ҳосилга кирган. Бу ҳодиса фотoperiodik индукция деб аталади (С. А. Эгиз, 1928; В. И. Разумов, 1931).

Фотопериодик индукциянинг тез ёки секин пайдо бўлиши температурага боғлиқ. Масалан, соя ўсимлигида фотопериодик индукциянинг содир бўлиши учун 21—26 °C талаб қилинади. Мұхит температураси 38 °C га кўтарилса ёки 13 °C гача пасайса, фотопериодик индукция бўлиши учун вақт 2 марта кўп талаб этилади.

Ўсимликларнинг нормал ривожланиши учун ёруғликнинг сифати катта аҳамиятга эга. Жумладан, спектрда кўринган қизил нурни ўсимлик кун қаторида қабул қилиб, кўк-бинафша нурларини тун сифатида қабул қиласди. Демак, қисқа кун ўсимликларида ривожланиш жараёнларининг ўсиши учун қоронгилик талаб қилинса, узун кун ўсимликлари ёруғликни талаб қиласди.

Фотопериодик таъсирни қабул қилишда барглар асоcий ва ҳал қилувчи органлардир (М. Х. Чайлехян, В. С. Мошков, 1937). М. Х. Чайлехян тажрибаларида қисқа кун ўсимлиги хризантема-нинг бири қисқа кунда нормал ривожланиб гуллаган. Иккинчи-




146-расм. Қун узунлигининг хризантема ўсимлиги гуллашыга таъсирі:
1 — узун кунда; 2 — барглари қисқа, ўсиш конусы узун кунда; 3 — барглари узун, ўсиш конусы қисқа кунда қолдирилган; 4 — қисқа кунда.

си узун кун билан таъминланган. Натижада хризантема гулламаган. Учинчи ўсимлик барглари қисқа кунда, ўсиш нүктаси эса узун кунда қолдирилганда ўсимлик гул ҳосил қилған. Тұрттынчи ўсимликнинг ўсиш нүктаси қисқа кунда, барглари узун кун шароитида қолдирилганда гулламасдан қолғанлығы 146-расмдан күрінади. Ўсимликнинг ўсиш нүктаси фотопериодик таъсирни қабул қылмаган.

Ёруғлик босқичини ўтиб олиш учун шимолий районларда ўсувлы ўсимликтер температуранинг пастроқ бўлишини, жанубий районларда ўсувлы ўсимликтер эса температура юқори бўлишини талаб қиласди. Масалан, Иркутск шароитида парвариш қилинадиган тарық ўсимлиги ёруғлик босқичини ўтиш учун 11°C температура талаб қиласа, Италиядада шу ўсимлик учун 30°C дан кам бўлмаслиги керак.

Ўсимликларда чуқур ўрганилган шу икки босқичдан ташқары, учинчи, тўрттинчи босқичлар ҳам мавжуд.

В. А. Новиков (1953) далилларига асосан, учинчи босқич ёруғлик босқичидан бошланиб, жинсий ҳужайралар ҳосил бўлишигача давом этади. Бу босқичнинг ўтиши учун ёруғлик айrim спектр нурларидан ташкил топган бўлиши зарур. Тўрттинчи босқич жинсий ҳужайраларнинг уруғланишигача давом этади. Бун-



147-расм. Буғдойнинг ривожланиши ва органларининг (органогенез) фаза (даври)лари:

I — дифференциялланмаган ҳужайралардан ташкил топган ўсиш нұктаси (конуси) ни ўсиши; II — башланғыч поянинг бүрим ва бүрим оралиқларигача дифференциялланған (поянниң башланғыч барглары тиклана башлаши); III — башланғыч үрама (қолпама) барглар вә ўсиш нұктасини юқори қисміда бүгімләниши; IV — бошоқта бүртмаларининг тиклана башлаши; V — бошоқларда гулларининг тикланиши; VI — ҹандон (микроспорангенз) нинг ва уругчи (мегоспорангенз) нинг тикланиши; VII — жинсін ҳужайралар (гаметогенез) нинг тикланиши; бошоқ үкі бүйнеларияның узунасига ўсиши, бошоқ ва гулларниң қолповын түкіманинг тикланиши; VIII — башоқтаниши; IX — гуллаши; отала-ниши — уругланиши, зигота (зиготагенез) ҳосил бўлиши; X — донникнинг тикланиши; XI — суттама етилиши (озиқ мөддаларининг түпланиши); XII — муметилиши (озиқ мөддаларининг жімланиши) ва урганинг тўла етилиши.

да ҳал қилувчи омил ёруғлик қувватидир. Бешинчи босқич уруғ ва мевалар етилиши бўлиб, бунда ўсимлик минерал элементлар ва, айниқса, микроэлементларга талабчан бўлади.

Ўсимлик морфогенези (органлар ҳосил бўлиши) ни текширган Ф. М. Куперман (1959, 1963) ўсимликларининг ривожланишини 12 босқичга бўлган (147-расм.).

IX б о б. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ТАШҚИ МУХИТ ОМИЛЛАРИГА МОСЛАШИШИ ВА ЧИДАМЛИЛИГИ

Мусбат ва манфий температуранинг ўсимликларга таъсири ва уларниң ташқи шароитга мослашиши

Ташқи шароит ўсимликларда содир бўладиган физиологик ва биохимиявий жараёнларниң ўтишига таъсир этади.

Ташқи температуранинг максимумдан юқори ва минимумдан паст бўлиши, тупроқ эритма концентрациясининг кучли бўлиши, ҳаво ва тупроқниң қуруқ келиши ва бошқалар ўсимликлар учун ноқулай шароит ҳисобланади. Ўсимликларда ана шу ноқулай шароитга нисбатан жавоб реакцияси ва шу шароитга мослашиш хусусияти бор. Ноқулай ташқи шароит таъсирида ўсимлик тўқималарида турли-туман физиологик-биохимиявий ўзгаришлар рўй беради. Моддалар алмашиниши ўзгаради, натижада ўсимлик шу шароитга мослашади ва келажак авлодларниң ноқулай шароитга бўлган чидамлилиги орта боради.

Ўсимлика мусбат паст ($+3+5^{\circ}\text{C}$) температуранинг таъсири. Шундай температурада ҳаёт жараёнларини ўтаган ўсимликлар паст температурага чидамли ҳисобланади. Бундай ўсимликлар шимолий ва ўрта иқлимли районларда тарқалган.

Ғўза, ловия, қовун, ерёнгоқ, бодринг каби иссиқсевар ўсимликлар $+3+5^{\circ}\text{C}$ да қолдирилса, бир неча кундан кейин улар нобуд бўлади (148- расм).

Ю. Сакс (1860) салқинга чидамсиз тамаки, ловия, қовоқ каби ўсимликларниң сўлиб қолганини кузатиб, мусбат паст температура ўсимлик организмида сув алмашиниши жараёнларининг ўзгаришига олиб келади, деган хуносага келган.

Мусбат паст температура таъсирида цитоплазманинг ёпиш-қоқлиги ортади (П. А. Генкель ва К. П. Марголина, 1949), хлорофилл молекулалари парчаланади, моддалар алмашиниши сустлашади ва оқсилнинг парчаланишидан ҳосил бўлган бирик-



148-расм. Паст ($+5-6; 5^{\circ}\text{C}$) температура таъсирида ғўза май-саларининг: 1 — 12 соатда; 2 — 36 соатда; 3 — 60 соатда; 4 — 84 соатда нобуд бўлиши.

малар иштирокида цитоплазманинг биоколлоидлари коагулланади. Мусбат паст температурада фотосинтез жараёни тўхтаб қолади, синтез жараёнларига нисбатан гидролиз жараёнлари жадаллашади (Б. Н. Жолкевич).

Ўсимликларнинг мусбат паст температурага чидамлилиги цитоплазманинг ёпишқоқлик даражасига боғлиқ (П. А. Генкел). Бошқача айтганда, цитоплазма ёпишқоқлиги кучсиз бўлган ўсимликлар мусбат паст температурага чидамли бўлса, цитоплазма ёпишқоқлиги кучли бўлган ўсимликлар мусбат паст температурага чидамсиз ҳисобланади. Мусбат паст температура таъсирида заифлашган илдиз бўғзида паразит замбуруғлар ривожланиб ўсимликни нобуд қиласди.

Иссиқсевар ўсимликларни паст температурага чидамлилигини ошириш учун қуйидаги усуслардан фойдаланилади.

Ғўза майсаларининг паст температурага чидамлилигини ошириш учун экишдан олдин чигит 20 соат давомида 0,25% ли аммоний нитрат (NH_4NO_3) эритмасида ивтилади. Бунда майса ҳужайраларида цитоплазманинг ёпишқоқлик даражаси камаяди, натижада моддалар алмашиниши жараёнлари жадаллашиб, майсалар нормал ривожланади (Х. Х. Енилеев).

Ўсимлик кобальт, молибден ва рух каби микроэлементлар билан тўла таъминланганда ҳам уларнинг мусбат паст температурага чидамлилиги ортган.

Ўсимликларнинг совуққа чидамлилиги

Франциялик олимлар Ж. Л. Бюффон ва Х. Дюамель (1737) ўсимликларга манфий паст температуранинг салбий таъсири этишини кузатиб, манфий паст температура таъсирида ўсимлик тўқималарининг музлаш ва эриши туфайли ўтказувчи найлар шикастланади, натижада ўсимликлар нобуд бўлади, деган фикрга келишган. Ю. Сакс ҳужайра оралиғида муз кристалларининг пайдо бўлиши ҳамда унинг эришидан ўсимлик нобуд бўлади, деган холосага келди. Музлаш вақтида ҳосил бўлган муз кристалларининг таъсирини Ю. Сакс ҳисобга олмайди. Муз кристаллари ҳужайра таркибидаги сувни шимиб, уни сувсизлантиради ва муз кристаллари катталашиб ҳужайра пўстини шикастлантиради, натижада ўсимлик нобуд бўлади (Мюллер-Тургау, 1886). Австриялик олим Г. Молиш (1897) муз кристалларининг ҳосил бўлишини микроскоп орқали кузатиб Мюллер-Тургау ишларини қувватлаб чиқкан.

Академик Н. А. Максимов (1913) бу масалани ҳар тарафла ма текшириб, паст температура таъсирида муз кристаллари ҳужайра оралиқларидагина эмас, балки ҳужайра ичидаги ҳам ҳосил бўлишини, муз кристаллари томонидан суви тортиб олинган цитоплазма биоколлоидлари сувсизланниб коагулланишини исботлаб берди. Унинг далилларига асосан ўсимликларнинг шикастланиш даражаси ва нобуд бўлиши тўқималарда ҳосил бўлган муз миқдорига боғлиқ экан.

Күпчилик ўсимликлар куз ва қиши ойларини уруғ, тугунак ҳамда илдизпоя ҳолатида ўтказади. Кузги экин ва дараҳтлар куз ҳамда қиши фаслларини очиқ жойда ўтказади. Шунинг учун уларни паст температурага чиниқтириш зарур.

Ўсимликларни манфий паст температурага чиниқтириш икки фазадан иборат (И. И. Туманов, 1940). Биринчи фазада кузги экинлар учун температура 0°C атрофида бўлиши, ёруғлик билан тўлиқ таъминланиши зарур. Манфий паст температура таъсирида ўсимлик тўқималарида нафас олиш сустлашади, ёруғлик таъсирида фотосинтез жараёни жадаллашади, натижада кузги экин майсаларида қиши фаслини ўтказиб олиш учун етарли озиқ моддалар тўпланади. Куз ва қиши фаслларини кузги экинлар майса ҳолатида ўтказади.

Чиниқишининг иккинчи фазасида ёруғлик талаб қилинмайди, аммо температура нолдан паст бўлиши зарур. Шундай шароитда ўсимлик тўқималарида сув миқдори камаяди, цитоплазма биоколлоидларида чуқур ўзгаришлар содир бўлиб, ўсимликнинг манфий паст температурага чидамлилиги ортади. Манфий паст температурага чиниқкан кузги ғалла ўсимликлари қорсиз шаронтда -15 — 20°C совуқда ҳам ҳаёт жараёнларини сақлаб қолган.

Дараҳтларни чиниқтиришнинг биринчи фазасида юқорида кўрсатилган шароит талаб қилинса, иккинчи фазасида температура -10 — 15°C бўлиши керак. Совуққа чиниқкан ноксимон олма нави -40 , арча -50 ва оқ қайин -65°C совуққа ҳам бардош берган. Ҳаддан ташқари паст температура (150 — 200°C) таъсирида сув зудлик билан ойнасимон аморф ҳолатга ўтади. Бу ҳодисага витрификация дейилади.

К. А. Тими裡язев номидаги ўсимликлар физиологияси институтининг фитотрон (ўсимликлар устида иш олиб борадиган маҳсус бино) совутгичларида оқ қайин, қарағай ва қора қорақат ўсимликларини аста-секин ва изчиллик билан -195°C гача музлатиб, кейин эритилгандан новда ҳужайралари тириклик хусусиятини сақлаб қолганлиги аниқланган.

Н. А. Максимовнинг фикрича, совуққа чиниқкан ўсимлик ҳужайраларида гидрофил коллоидларга ва осматик фаол бирикмаларга боғланган сув қолиб, диффузион сув буғлантирилади. Цитоплазманинг плазмолемма қаватида ошловчи моддалар билан оқсилиларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган комплекс бирикмалар тўпланади. Ўсимликларнинг совуққа чидамлилигини оширишда қиши ойларида ҳужайра таркибидаги крахмалнинг шакарга айланишидан ҳосил бўлган концентрик шакар эритмасидир. Кучли шакар эритмаси паст температурада цитоплазма биоколлоидларини коагулланишдан сақлайди. Н. А. Максимов шакарлардан ташқари ўсимликларни совуққа чидамлилигини оширишда эвтектик (музлаш нуқтасини пасайтирувчи) анорганик моддалар борлигини ҳам аниқлади.

Бундан ташқари плазмолемма қаватида липоидларнинг тўпланиши, плазмодесма кўприкчаларининг ҳужайра ичига тортилиши ва моддалар алмашиниши жараёнларининг сустлашиши


каби чуқур ўзгаришлар, ўсимликтиннинг тиним даврига ўтиши, уни паст температурага чиниққанлигидан далолат беради (П. А. Генкель Е. З. Окнина, 1948), (149- расм).

Хужайра таркибида сувнинг кўп бўлиши, кислоталиликнинг ортиши, узоқ вақт давомида қор остида қолиб кетиши, глутатион, цистein ва аскорбин кислоталарининг кўп тўпланиши, ўсиш жарабёнларининг давом этиши ва ташқи температуранинг дам паст, дам юқори бўлиши ўсимликларни совуққа чидамлилигини кескин пасайтиради. Ўсимликларни нобуд бўлишига қишиш ва эрта баҳорда бўладиган турли ҳодисалардан димиқиш, ҳўлланиш ва бошқалар сабаб бўлади.

Димиқиш 2—3 ой давомида қалин қор остида қолган ўсимликларда кузатилади. Эрта баҳорда қор остида қолган ўсимликлар кислород етишмаслигидан димиқиб нобуд бўлади, деб келинган. Бу фикрни И. И. Туманов рад этиб, қор остида 20% гача кислород борлигини анализлар билан исбот қилди.

И. И. Туманов далилларига асосан, қор остида температура $0+3^{\circ}\text{C}$ бўлганлигидан ўсимликларда нафас олиш жадаллашади. Натижада тўпланган озиқ моддаларнинг кўпи нафас олишда сарфланганлигидан ўсимликлар баҳоргacha заифлашади. Бундай ўсимлик тўқималарида мөғор замбуруғлари ривожланишидан, улар тез нобуд бўлади.

Ҳўлланиш ҳодисаси эрта баҳорда ёғингарчилик кўп бўлади-



149-расм. Плазмодесманинг вегетация ва тиним давридаги кўриниши:

1 — ўсиб турган ўсимлик ҳужайраларида; 2 — тиним давридаги ҳужайраларда;
с — ботиқ (тиним давридаги ҳужайраларда); б — қаварик (плазмолиз ҳолати
даги ҳужайра, В. А. Ситников).

ган Белорусь Республикаси ва Санкт-Петербург вилоятида ўсадиган ўсимликлар ва мевали дараҳтларда учрайди. Баҳорда эриган қор сувларининг түпланиши ва тупроқнинг нам бўлишидан, сув остида қолган ўсимликларда кислород етишмаслигидан анаэроб нафас олиш бошланади. Анаэроб шароитда ҳосил бўлган заҳарли моддалар ҳамда тунда ҳаво температурасининг пасайишидан сувлар музлаб, ўсимлик танаси сиқилиб нобуд бўлади.

Эрта баҳорда эриган қор сувлари (тупроққа сингиб) кечаси музлаб кенгаяди, натижада кесаклар сиқилиб кўтарилади. Бунда илдизлар шикастланади ва ўсимлик нобуд бўлади.

Қишки қурғоқчилик ўсимликларга ва, айниқса, дараҳтларга катта зарар келтиради. Ёруғлик ва шамол таъсирида ўсимлик танасидан сув кўп буғланади. Тупроқ температураси паст бўлганлигидан ўсимлик сув танқислигини қоплаб улгурмаслиги туфайли ҳужайралар сувсизланади.

Ўсимликларни қишки ноқулай шароитдан сақлаш учун экин далаларидағи қорни тўплаш, ерга гўнг солиш, ўсимликларни макро-ва микроэлементлар билан таъминлаш каби агротехникикавий тадбирларни ўтказиши ҳамда ноқулай шароитга бардош берадиган навларни етиштириш зарур.

Ўсимликларнинг шўр тупроққа чидамлилиги

Шўр тупроқлар иссиқ ва қуруқ иқлимли зоналарда кенг тарқалган бўлиб, Ер шаридаги қуруқликнинг деярли 25% ини ташкил этади.

Таркибидаги туз миқдорига кўра тупроқлар бир неча гуруҳга бўлинади, бу қуйидаги жадвалда кўрсатилган (Б. П. Строгонов, 1958).

97- жадвал

Тупроқнинг шўрланиш даражаси	100 г тупроқ таркибидаги туз миқдори, г ҳисобида
Чучук тупроқ	0,1 дан кам
Жуда оз шўрланган	0,20—0,25
Оз шўрланган	0,25—0,50
Үртacha шўрланган	0,50—0,7
Кучли шўрланган	0,7—2

Шўр тупроқларда натрий, кальций ва магнийнинг хлоридли, сульфат ва карбонатли тузлари кўп учрайди. Шулардан натрий карбонат (Na_2CO_3), натрий гидрокарбонат (NaHCO_3) тузи ўсимликлар учун жуда заарлидир. Шўр тупроқлар хлоридли, сульфатли, содали ва хлор сульфат анионларининг Cl/SO_4 нисбатига кўра хлорид-сульфатли ва сульфат-хлоридли деб юритилади.

Хлорид-сульфатли шўр тупроқларда хлорид тузлари, сульфат-хлоридларидаги сульфат тузлари кўпчиликни ташкил этади. Туз миқдорига ва унинг қатламларда тарқалишига кўра шўр тупроқлар шўртоб ва шўрхок тупроқларга бўлинади.

Шўртоб тупроқларда тузлар тупроқнинг пастки қатламларида (80 см) тўпланади. Бу типдаги тупроқларда уларнинг устки қаватида туз бўлмасада, у структурасиз бўлганлигидан, намлан-

тирилганда тупроқнинг ёпишқоқлиги кучайиб, ўзидан сув ва ҳавони ўтказмайдиган ҳолатга келади. Қуриган шўртоб тупроқларнинг ер устки қатлами қотиб, айрим бўлакларга бўлинниб кетганинги қуруқ дашт ва ярим чўлларда кузатилади. Таркибида 1—3% гача туз сақлаган тупроқлар шўрхок тупроқлар дейилади, шўрхок тупроқларда маданий ўсимликлар ўсиб ривожланмайди. Ўрта Осиё шўрхок тупроқларида NaCl , Na_2SO_4 , Na_2CO_3 , CaCl_2 , MgCl_2 ва MgCO_3 тузлари кенг тарқалган. Шўрхок тупроқларда тузлар тупроқнинг устки қатламларида қаттиқ ёки юмшоқ қават бўлиб тўпланади,

Кўпчилик ўсимликлар учун шўр тупроқлар заарли ҳисобланса-да, айрим ёввойи ўсимликлар учун қулайдир. Бундай шўр тупроқларда ҳаёт кечиришга мослашган ўсимликлар галофитлар деб аталади. Галофитлар тузларга бўлган муносабатига кўра 4 гуруҳга бўлинади:

1. Танасида туз тўпловчи ўсимликлар—эвгалофитлар. Буларга қора шўра (*Salicornia herbacea*), олабўта (*Atriplex convertifolia*), шўра (*Suaeda maritima*) ва сорсазан (*Nolochetum strobilaceum*) ни кўрсатиш мумкин. Бу ўсимликларнинг цитоплазма ўтказувчанилиги кучли бўлганлиги учун уларнинг ҳужайраларида 7—10% гача туз тўпланади (Б. А. Келлер, 1940). Тўпланган туз ҳисобига ҳужайранинг осмотик босим кучи 100—200 атмосфера босимигача кўпаяди, натижада бу ўсимликлар кучли эритма таркибидаги сувдан ҳам фойдаланадилар.

2. Криногалофитлар. Буларга кермек (*Statica Gmelii*), жингил (*Tamarix laxa*) ва жийда (*Elaeagnus angustifolia*) каби ўсимликлар мисол бўлиб, улар органларидаги ортиқча тузни маҳсус безчалар орқали ташки муҳитга чиқарадилар. Баъзи криногалофитлар кўп миқдорда туз тўплаган баргларини тўкиш хусусиятига эга.

3. Гликогалофит ўсимликлар цитоплазмасидан тузлар ўтмайди, натижада ўсимлик тўқималарида туз тўпланмайди. Гликогалофитларнинг осмотик босим кучи углевод ва бошқа органик бирикмалар ҳисобига кўпайганлигидан улар кучли тупроқ эрйтмасидаги сувдан фойдаланадилар. Гликогалофитларга тури шувоқ (*Artemisia maritima*, *Artemisia salina*) ларни мисол қилиб келтириш мумкин.

4. Шўр олабўта (*Atriplex tatarica*) ва батяга (*Festuca valsiaca*) каби ўсимликларнинг барг шапалоғининг устки ва остки томонида зич пуфакчасимон тукчалар ҳосил бўлади. Пуфакчалар ичидаги туз кристаллари тўпланади. Чучук тупроқларда парвариш қилинганларида бундай пуфакчалар ҳосил бўлмайди.


Ўсимликларнинг шўр тупроққа мослашиши

Тупроқнинг шўр бўлиши ўсимликларга катта зарар келтирсада, бироқ бир хил қуруқликда яшовчи ўсимликлар ўзининг филогенезида шу шароитга мослашиб келган. Масалан, денгиз қирғоқларида ўсуви вивипариянинг *Rhizophora* ва *Kandelia* турларининг мевалари ичидаги ягона уруғ униб, 30—50 см узун-

ликда майса ҳосил қилиб, танасида 3,5% гача туз тўплагандан кейин она ўсимликдан ажралиб ерга тушган майса илдиз отиб ривожланади (150- расм).

Чучук ва паст даражада шўрланган (0,3%) тупроқларда ҳаёт кечиришга мослашган ўсимликлар глюкофитлар деб аталади. Глюкофитлар онтогенезида тузлар таъсирида шўр ерларга мослашиш қобилиятига эга. Масалан, фўза, лавлаги ва кунгабоқар ўсимликлари помидор, карам, пиёс ва бодрингга нисбатан шўрга анча чидамли ҳисобланади.

Мевали дараҳтлардан жийда, бодом, ўрик, олхўри ва нок таркибида 2—3% туз сақлаган шўрхок тупроқларда, тут ва олма дараҳтлари кучли шўрланган тупроқларда (1,2—2% туз) ривожланса, маймунжон, Кавказ хурмоси ва, айниқса, жануб хурмоси кам шўрланган (0,3—0,5%) тупроқларда ўсади (А. П. Огонесян, 1954). Шўрга чидамлилик ўсимликнинг ривожланиш фазалари га кўра ўзгарувчандир. Ёш ўсимликлар шўрга чидамсиз бўлади, айниқса, гуллаш фазасида ўсимликларга туз салбий таъсир этади. Улар туз таъсирига сезгир бўлиши туфайли заиф ўсади, ўсимлик ўсан сари унинг шўрга чидамлилиги орта боради.



150- расм. Мангрозорлардаги тириктуғар ўсимлик:

1 — она ўсимлик; 2 — ёш ниҳолларнинг она ўсимлик баргига ўсиши; 3 — етилган ниҳол.




151-расм. Тупроқнинг шўрланиш турига ва тупроқдаги туз концентрациясига кўра ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши:

a — хлорид-сульфатли; *b* — сульфат-хлоридли шўр тупроқларда:

1 — контрол — тузсиз тупроқларда; 2 — 0.3; 3 — 0.5; 4 — 0.8; 5 — 1,4% туз саклаган тупроқларда ўстирилган ғўзалар.

Тузлар таъсирида ўсимлик тўқималарида нафас олиш жараёни жадаллашиб, фотосинтез сустлашади, оқсилларнинг парчалинишидан (NH_4) гуруҳлари ажralиб чиқади. Булар ҳисобига ўсимликлар учун зарарли аммиак ҳосил бўлади.


Аргинин аминокислотадан қўйидаги схема бўйича ўсимлик учун зарарли путресцин синтезланади:



Шўр тупроққа мослашган ўсимликларда фотосинтез жараёни нафас олишга нисбатан устун келади, ҳужайра биоколлоид зарачалари майдалашиб, уларнинг гидрофиллик хусусияти кучаяди, натижада цитоплазма ёпишқоқлиги ортади. Оқсил ва органик кислоталар билан қўшилган ионларнинг салбий таъсири бирмунча нейтраллашади.

Ғўзанинг ўсишига ва ривожланишига тупроқ тузлари концентрациясининг таъсири (Б. П. Строгонов, 1950), (151-расм).

Тупроқдаги туз таъсирида ўсимлик биоколлоидларининг физик-химиявий хусусиятлари ва моддалар алмашиниши жараёнигина ўзгариб қолмай, балки ўсимлик органларининг морфологик ва анатомик тузилиши ҳам ўзгаради (152-расм). Масалан, шўр тупроқларда ўсан ғўза баргининг сатҳи камайиб, булутсимон ҳужайраларнинг йириклиши ҳисобига барг қалинлашган (В. А. Буригин, 1947).



152-расм. Тупроқнинг шўрланиши турига кўра ғўза барги анатомик тузилишининг ўзгариши:

A — контрол; *B* — сульфатли; *C* — хлоридли тупроқларда;

1 — эпидермис; *2* — баргининг қалинлиги; *3* — баргининг юза ҳажми. (Б.П. Строгонов, Е.Ф. Иваницкая ва М.К. Кеферова, 1954).

Қуйидаги жадвалда ҳар хил даражада шүрланган тупроқда үсгән ғұза ўсимлигига тупроқ шүрининг таъсири күрсатылған (Б. П. Строганов, Е. Ф. Иваницкая ва М. К. Қеферова, 1954).

98- жадвал

Шүрланиш тури	Тупроқ таркибидаги туз миқдори, %	Барг саты, см ²	Микроскоп майдоннанда күрінгандай оғычалар сони	Барг қалинлеги, мкм	Паренхима тұқымасы баландалығы, мкм	
					устунсізмон хужайра-лар	булутсіз-мон хужайра-лар
Контрол (чуучу)	—	50,2	13,5	210,6	90,0	90,8
Сульфатлы	0,8	25,1	14,0	280,8	136,0	137,6
Хлоридлы	0,8	20,5	7,4	315,8	138,4	149,7

Тупроқнинг шүрланиш даражасыга ва типига күра ғұза ўсимлигидан олинадиган ҳосил (В. П. Строганов ва Н. Д. Мурадова, 1956).

99- жадвал

Шүрланиш типи	Шүрланиш даражасы	1 га майдондаги ўсимлик сони	Битта құсакдан олинған ҳосил, г	Бир туп ўсимликтің олинған ҳосил, г	1 га ердан олинған ҳосил, г/д
Сульфат-хлоридлы	жуда оз шүрланиш	77,400	5,6	61,6	47,7
Сульфат-хлоридлы	үртата шүрланиш	65,200	4,6	46,0	30,0
Хлорид-сульфатлы	жуда кам шүрланиш	69,500	5,2	72,8	50,6
Хлорид-сульфатлы	үртата шүрланиш	59,000	4,1	26,7	15,7

Жадвал рақамларига күра хлор ионлари күп сақлаган (хлорид-сульфатлы) тупроқтарда парвариш қилинганды ғұздадан олинған ҳосил сульфат ионлари күп болған (сульфат-хлоридлы) тупроқтарда үсгән ғұзага нисбатан анча паст эканлиги күзатылды.

Тупроқдаги туз миқдори ўсимликтар учун зақарлы бўлибина қолмай, балки баъзан уларни нобуд этадиган даражада таъсир қиласы ҳам. Бунда концентрацияси кучли бўлған тупроқ эритмаси таркибидаги сувдан ўсимликлар фойдаланиши учун илдиз ҳужайрасининг осмотик босим кучи тупроқ эритмасининг босим кучидан күп бўлиши керак.

Ўсимликларнинг шўрга чидамлилигини ошириш

Шўр тупроқли ерлардан тўла фойдаланиб, маданий экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида:

1. Шўр тупроқли ерларда ўсадиган ўсимлик уруғларидан шўрга чидамли навларини яратишда танлаш усулидан фойдаланиш. Масалан, помидор ўсимлигини шўр тупроқтарда ўстириб,

шүргө чидамли навларни танлаб борган Г. Р. Матухин ва Л. А. Бойко 5—6 авлоддан кейин шүргө чидамли навни яратган.

100- жадвал

Вариантлар	Помидор үсімнінг қуруқ массасы, г	Мевасининг массасы,	
		г	%
		Хисобида	
Түзсиз ерда	32,02	344,85	308,4
Биринчи йилда	11,37	111,80	100,0
Иккинчи йилда	14,85	124,87	110,8
Учинчи йилда	16,30	133,20	119,1
Тұрттынчи йилда	17,06	139,59	124,1
Бешинчи йилда	18,78	168,97	151,1

Жадвал рақамларига эътибор берилса, биринчи йилда олинған ҳосилни 100% деб олсак, бешинчи йилга бориб ҳосил 51,1% гача орттанлиги күзатылади. Бу ҳодиса үсімликларни онтогенезіда шүрге мослаша олғанлығыдан далолат беради.

2. Тупроқ шүріни йүқотишида әкин майдонларидаги тузларни ювіш учун дренаж ва зовурлар қазиши, яғни әкин әкіладын майдонларнің мелиорация қолатини яхшилаш.

3. Экин майдонларига макро- ва микроэлементларни сақлаган ўғитларни солиши.

4. Үсімликларни шүрге чидамлилігіні ошириш мақсадида П. А. Генкель ва И. В. Цветкова таклифига биноан, бўқтирилган уруғларни 3 ва 6% ли NaCl әритмасида бир соат сақлаб, 1,5 соат давомида сувда ювіб шүр тупроққа әкиш афзаллігіні қуидағи жадвал рақамлари тасдиқлайди.

101- жадвал

Тупроқнің шүрланиш даражасы	Тажриба вариантлари	Ҳосил	
		Га/ц	%
Үртача шүрланған	Уруғи NaCl әритмасида ивитилмаган үсімликларда	7	100
	Уруғи 3% ли NaCl әритмасида ивитилган үсімликларда	10	147
	Уруғи 6% ли NaCl әритмасида ивитилган үсімликларда	9,5	135
	Уруғи NaCl әритмасида ивитилмаган үсімликларда	6,0	100
	Уруғи 3% ли NaCl әритмасида ивитилган үсімликларда	7,8	130
	Уруғи 6% ли NaCl әритмасида ивитилган үсімликларда	8,7	145
Күчли шүрланған			

5. Фұзані шүр тупроққа чидамли қилиш учун гуллаш олдидан уни ёки айрим шохларини 1,2 ва 2,4% ли NaCl әритмасига ботириб, 15 минут сақланади. Ҳар 10 кун ўтиши билан иш яна 2 марта такрорланади. Шу усулда ишланған фұза чигитларидан үсгап үсимлик шўрга чидамли бўлибгина қолмай, балки ҳосилнинг ортганлиги ҳам аниқланган. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин (Д. А. Агакишев, 1954).

102-жадвал

Вариантлар	Бир туп үсимлиқдак олинган пакта ҳосили	
	г	%
	хисобида	
Контрол	27,2	100,0
1, 2% NaCl әритмаси билан ишланған фұза	42,1	154,7
2, 4% ли NaCl әритмаси билан ишланған фұза	43,1	158,4

Үсимликларнинг иссиққа чидамлилиги

Үсимликлар дунёсига кирган баъзи термофилл бактериялар ва сувўтлар 60—80 °C иссиқлика ҳам яшайверади. Шунинг учун бундай бактериялар ва сувўтлар иссиқ булоқларда тарқалган. Кўпчилик юксак ва тубан үсимликлар максимум (40—50 °C) гача ўз ҳаёт фаолиятини давом эттиради (Лундегорд). Бошқа үсимликларда, масалан, картошкада бу 42,5 °C дан ошмаслиги мумкин.

Иссиқлика чидамли үсимликларнинг цитоплазма ёпишқоқлиги ва эластиклиги кучли бўлади. Бундай үсимлик тўқималарида маҳкам боғланған сув миқдори мезофит үсимликлардагига нисбатан бир неча марта (56—70%) кўп бўлади. Буни қуйидаги П. А. Генкель ва К. П. Морголина жадвалидан кузатиш мумкин.

103-жадвал

Үсимлик тuri	Боғланған	Эркин
	сув миқдори, %	
Rudbeckia bicolor — мезофит (нашагул)	8,8	75,1
Tritium vulgare (қизил бүғдой) мезофит	30,2	53,2
Opuntia sp. (кактус) суккулент	67,7	26,2
Mamillaria wildii — суккулент	58,6	39,5
Aloe sp.	70,0	25,0
Sedum acre (семизак)	56,0	36,0

В. Ф. Альтергот (1936) фикрича, юқори даражадаги температура таъсирида оқсил парчаланиб, үсимликларни заҳарлай-

диган аммиак ҳосил бўлади. Унинг маълумотига кўра, юқори даражадаги иссиқлик цитоплазманинг микроструктурасига салбий таъсир қилиб, ундаги оқсил-липоид бирикмалар ва пластидлар парчаланиб кетади. Нафас олишда ҳосил бўлган энергиянинг кўп қисми эса ташқи муҳитга иссиқлик шаклида тарқалади.

Иссиқликка чидамли ўсимликларнинг нафас олишида углеводлар тўла парчаланмаганидан органик кислоталар тўпланди. Органик кислоталар аммиак билан реакцияга киришиб, аспарагин, глутамин амидлари ва аминокислоталар ҳосил қиласди. Натижада аммиак нейтралланиб, ўсимликларга унчалик зарар келтирмайди.

Н. А. Сатарова маълумотига кўра, ўсимликнинг иссиқликка чидамли бўлиши унинг тиним даврини ўтказган температурага боғлиқ. Масалан, лола пиёзчаси тиним даврини $+25^{\circ}\text{C}$ да ўтказса, ундан ўсан ўсимлик иссиқликка чидамли, тиним даврини $+5^{\circ}\text{C}$ да ўтказгани эса иссиқликка чидамсиз бўлади.

А. И. Опарин, Т. Н. Евреиновалар фикрича, таркибида РНК молекулалари кўп бўлган ўсимликлар иссиқликка чидамлидир.

Ўсимликнинг қурғоқчиликка чидамлилиги

Узоқ вақт (50—70 кун) давомида ёғин бўлмаслиги, температура юқори даражада бўлиб, ҳавонинг нисбий намлиги камайиб қелишидан айрим районларда ёки Ер шарининг кўпгина ҳудудларида қурғоқчилик ҳодисаси кузатилади.

Волгабўйи, Ростов, Воронеж вилоятларида, Украина, Шимолий Қозогистон ва Ўрта Осиё республикаларида қурғоқчилик тез-тез такрорланиб туради.

1891, 1911, 1921, 1936, 1946 ва 1951 йилларда бўлган қурғоқчилик халқ хўжалигига жуда катта заар келтириди. Шуларни ҳисобга олиб қурғоқчиликка қарши курашиш, унга чидамли маданий ўсимлик навларини етиштириш зарурий агротехник тадбирлардан ҳисобланади.

Табиатда атмосфера ва тупроқ қурғоқчилиги мавжуд. Атмосфера қурғоқчилиги нисбий намликнинг (10—20%) камайиши, ҳавонинг қуруқ келиши ва температуранинг кўтарилиши билан характерланади. Иссиқ ва қуруқ шамол (гармсел) эсганда вужудга келадиган атмосфера қурғоқчилиги ўсимликлар учун жуда хавфли. Гармсел вақтида, тупроқда сувнинг бўлишига қарамай, ўсимликнинг ер устки органларидаги сув кўплаб сарфланиб, маданий ва ёввойи ўсимликлар нобуд бўлади.

Тупроқ қурғоқчилиги атмосфера қурғоқчилиги билан зич боғлиқ. Ҳавонинг қуруқ келиши натижасида тупроқдаги сув ер юзасидан ва ўсимликлардан тез буғланиб, тупроқнинг қуриб қолиши кузатилади, яъни тупроқ қурғоқчилиги бошланади.

Ер шаридаги баъзи ўсимликлар қуруқ ва иссиқ иқлими шароитда ҳаёт кечиришга мослашган. К. А. Тимирязев фикрича, тирик организмнинг шароитга мослашиши ноқулай омил таъсирда вужудга келади.

Үсимликларнинг қурғоқчиликка чидамли бўлишига ҳам қурғоқчиликнинг ўзи сабабчидир. Қурғоқчиликка бардош бериш хусусияти ўсимликтин тарихий ривожланишида — филогенезида яратилган. Қурғоқчиликда ўсувчи органларнинг морфологик ва анатомик тузилиши сув билан ўртacha таъминланган ёки серсув шароитда яшайдиган ўсимликлардан кескин фарқ қиласди.

Қуруқ даштларда ҳаёт кечириувчи ва қурғоқчиликка чидамли ўсимликларни ксерофитлар дейлиб, уларнинг барг кутикуласи яхши ривожланган, барг оғизчалари барг тўқимасида чуқур жойлашган бўлади. Ксерофитларнинг барги жуда кичик бўлиб, тикан (яントқ) ва тангачага айланган. Қуруқ ва иссиқ шароитда ўсадиган айрим ўсимликлар илдизи жуда чуқур жойлашган бўлиб, еrosti сувларигача етиб боради.

Ўсимлик баргининг анатомик тузилиши билан ўсимликтин қурғоқчиликка чидамлилиги ўртасида зич муносабат бор (В. Р. Заленский). Сув билан етарли таъминланган ўсимлик баргларига нисбатан сув танқислигига ўсган ўсимлик барглари сертомир, барг оғизчаси диаметри кичик, лекин оғизчалар сони кўп бўлади (Келлер ва Лейсле). Буни қўйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

104- жадвал

Рўяндошларга кирадиган ўсимлик турлари	Яшаш шароити	Маълум юзада		Транспирация интенсивлиги		
		томирлар узунлиги	баргдаги оғизчалар сони	I	II	III
% ҳисобида						
Asperula glauca	даштда	100	100	100	100	100
Asperula odarata	ўрмонда	30	14	31	46	56

Жадвалдаги рақамларга эътибор берилса, дашт шароитида ўсган ўсимлик баргининг томирланиши, барг юзасидаги оғизчалар сони ва транспирация жадаллигини 100% деб олсак, ўрмонда ўсган ўсимликда бу кўрсаткичлар анча кам эканлиги кузатилади.

Бир ўсимликтин ўзида баргларнинг жойлашишига кўра қурғоқчиликка чидамлилиги турлича бўлиб, уларнинг морфологик тузилиши ҳам ўзгариб борганлигини В. Р. Заленский аниқлаган.

В. Р. Заленский қонуниятига асосан, ўсимликтин ер юзидан узоқлашган барглари сув танқислигига учраганинидан, уларнинг морфологик ва анатомик тузилиши пастда жойлашган барглардан кескин фарқ қиласди. Юқорида жойлашган барг шапалофи, ксерофит ўсимликлардагидек, сертомир, оғизчалари сони кўп ва зич жойлашган (152-расм). Бундай баргларнинг ҳужайраси ва ҳужайра оралиқлари ҳам кичикдир. Иҳотасимон ҳужайралари булутсимонларга нисбатан яхши ривожланган. Акад. Н. А. Максимов (1916) А. Ф. Шампер назариясини рад қилиб, ксерофит ўсимликларда транспирация жараёни мезофитларга нисбатан бирмунча жадал ўтганлиги ёки мезофитларга тенг келганигини аниқлади. Буни 105- жадвалдан кўриш мумкин.

Бироқ суккулент ксерофитлардагина транспирация жадаллиги мезофитларга нисбатан кам бўлади. Суккулентларда сувнинг кам буғланиши ҳужайра цитоплазмасининг эластиклиги кучли ва гидрофилл коллоидларининг кўп бўлишига боғлиқ. Шу сабабли улар қиш ва баҳорда тўпланган сувни тежаб сарфлайдилар.

Қурғоқчилик ўсимлик баргларининг анатомик ва морфологик тузилишини ўзгаририбгина қолмай, балки моддалар алманиши жараёнига ҳам кучли таъсир этади.

Ўсимликларда қурғоқчилик вақтида синтез жараёнлари сустлашади. Сўлиган барг тўқимасида гидролиз жараёнлари тез-

105- жадвал

Ўсимликлар тури	Транспирация интенсивлиги, 1 соатда 1 см ² барг юзасидаги буғланган сув миқдори, г	Баргининг тузилиши
Ксерофитлар		
<i>Stachys Kotechyi</i> (тоғ қудуси)	12,7	сертук, зич тукланган барг усти қаттиқ ва мумланган суккулент сезмиз баргли
<i>Falcaria Rivini</i> (резак)	13,7	
<i>Salvia vertellata</i> (маврак)	9,9	
<i>Sedum maximum</i> (семизак)	2,8	
Мезофитлар		
<i>Cotyledon</i> ўсувлчилар <i>Lamium album</i> (глухая крапива)	3,6	
<i>Viola odorata</i> (гунафша)	4,0	
<i>Campanula rapunculoides</i> (қўнғироқгул)	4,8	
Ергугда ўсувлчилар		
<i>Sisymbrium Eoeslii</i>	8,3	
<i>Hirschfeldia</i> (қуртэна) <i>odpressa</i>	9,8	
<i>Erodium ciconium</i> (лайлактумушук)	9,2	

лашганлигидан крахмал ва оқсилик парчаланади. Гидролиз вақтида ҳосил бўлган осмотик фаол бирикмалар ҳисобига барг ҳужайраларининг осмотик босим кучи ортади. Натижада барг ҳужайралари шона, гул, мева ва ўсиш нуқтаси тўқималаридағи сувни шимиб, уларни сувсизлантиради. Оқибатда ўсимликлар ўсишдан қолади (Н. М. Сисакян).

Фалла экинларида сувсизланган фалла бошоқлари оқариб, уруғлари пуч бўлиб қолади (тўла етилмайди).

Ксерофитлик хусусиятларини сақлаган, юқорида жойлашган барг тўқималарининг шимиш кучи пастда жойлашган барг тўқималарининг шимиш кучига нисбатан кўп бўлади. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган.

106- жадвал

Бук дарахти баргларининг жойлашган баландлиги, м	Шимиш кучи, атмосфера ҳисобида			
	юқориги	пастки	булутсимон	иҳотасимон
	эпидермис ҳужайраларида		барг ҳужайраларида	
2,7	7,5	5,9	11,1	15,0
8,7	9,3	8,4	12,4	15,6
11,1	9,9	9,3	14,3	17,1

Қурғоқчиликка чидамли ўсимликларда моддалар алмашиниши жараёни ўзига хос бўлиб, тўқималарда углеводлар ва оқсиллар синтезланади. Қурғоқчиликка чидамсиз ўсимликларда, аксинча, шу моддаларнинг гидролизланиши жадаллашади.

Ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлилик даражаси ўсимлик онтогенезининг айрим ривожланиш фазаларига кўра ўзгариди. Масалан, ғалла экинлари бачкилаш ва бошоқлаш фазаларида қурғоқчиликка учраса, жуда хавфли ҳисобланади, бу оралиқни критик давр дейилади.

Критик давр ўсимликнинг турига қараб ҳар хил фазага тўғри келади. Бу Ф. Д. Сказкин китобидан олинган ва бирор қисқартилган ҳолда қўйидаги жадвалда берилган.

/

107- жадвал

Экинлар тури	Критик давр
Кузги ва баҳорги буғлой, арпа, сули Маккажӯхори Кунгабоқар	Най ўраш, бошоқлаш Гуллаш, сут пишиқлиги Саватча ҳосил қилиш ва гуллаш Гуллаш ва кўсак ҳосил қилиш
Ғўза	Гуллаш ва мева туғиш
Помидор	

Бундан маълум бўлдики, ҳамма ўсимликларда ҳам критик давр генератив органлар ҳосил қилиш фазасига тўғри келар экан.

Ўсимликларнинг иссиқликка чидамлилигини ошириш мақсадида уларни 0,05 % ли рух тузлари билан ишлаш тавсия этилади (Н. С. Петинов). Кальций ва бор элементлари таъсирида ҳам ўсимликларнинг иссиқликка чидамлилиги ортган.

Бундан ташқари ниш отган уруғларни бир неча марта қуритиш ҳам яхши натижа беради. Шу усулда чиниқтирилганда, ўсимлик цитоплазмасининг ёпишқоқлик ва эластиклик даражаси ортади, оқсил бирикмалари одатдагидек юқори температурада ҳам коагулланмайди. Чиниқкан ўсимлик тўқималарида макроэргик боғламли энергияга бой моддалар бўлиб, уларнинг ёпишқоқлик даражаси кўп бўлишига қарамай, моддалар алмашиниши жараёни ҳам иссиқликка чиниқмаган ўсимликларга нисбатан юқори бўлади.

Маданий ўсимликларни қурғоқчиликдан ҳимоя қилиш учун ирригация (суфориш) ишларига катта эътибор бериш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади.

АДАБИЁТ

Асанов Н. Р. Микробиология. «Колос» нашриёти, М., 1980.
Бакунина Н. А., Каравея Э. Л. Микробиология. «Медицина» нашриёти, 1980.

Белоусов М. А. Ёззанинг ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари. «Узбекистон» нашриёти, Тошкент, 1965.

Бетина. В. Путешествие в страну микробов. «Мир» нашриёти, М., 1976.

- Блукет В. Т., Емцев В. Т. Ботаника с основами физиологии растений и микробиологии, «Колос» нашриёти, М., 1974.
- Бутенко Р. Г. Экспериментальный морфогенез и дифференциация в культуре клеток растений, «Наука» нашриёти, М., 1975.
- Генкель П. А. Физиология растений, «Просвещение» нашриёти, М., 1975.
- Гребинский С. О. Биохимия растений, «Высшая школа» нашриёти, Львов, 1967 ва 1975.
- Енилеев Х. Х. Усмилклар нима билан ва қандай озиқланади. «Узбекистон» нашриёти, Тошкент, 1964.
- Ермолаев М. В. Биологическая химия. «Медицина» нашриёти, М., 1983.
- Зокиров К. З., Жамолхонов Ҳ. А. Ботаникадан русча-узбекча энциклопедик луғат. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1973.
- Имомалиев А., Зикиреев А. Усмилклар биохимияси. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1978.
- Кисилева Н. С. Анатомия и морфология растений, «Высшая школа» нашриёти, Минск, 1971.
- Кретович В. Л. Основы биохимии растений, «Советская школа» нашриёти, М., 1952 и 1986.
- Куперман Ф. М., Ржанова Е. И. Биология развития растений, «Высшая школа» нашриёти, М., 1963.
- Кушнер В. П. Биополимеры. «Наука» нашриёти, М., 1965.
- Максимов Н. А. Усмилклар физиологиясининг қисқа курси. «Ўрта ва олий мактаб» нашриёти, Тошкент, 1960.
- Мишустин Н. Н., Емцев В. Т. Микробиология, «Колос» нашриёти, М., 1970.
- Мустақимов Г. Д. Усмилклар физиологияси ва микробиология асослари. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1978.
- Насыров Ю. С. Фотосинтез хлопчатника. Хлопчатник. IV т.
- Узбекистон Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1960.
- Нобель П. Физиология растительной клетки (перевод с английского), «Мир» нашриёти, М., 1973.
- Овчинников Н. Н., Шиханова Н. М. Фотосинтез. «Просвещение» нашриёти, М., 1972.
- Петербургский А. В. Агрохимия и физиология питания растений. Россельхозиздат, М., 1971.
- Полевой В. В. Физиология растений. «Высшая школа» нашриёти, М., 1989.
- Прянишников Д. Н., Избранные произведения в трёх томах, изд. «Сельхозлитература», М., 1952—1953.
- Пяткин К. Д., Кривошеин Ю. С., Микробиология. изд. «Медицина», М., 1981.
- Рвавич-Шербо М. И., Новиков В. В., Физическая и коллоидная химия. изд. «Высшая школа», М., 1975.
- Раскатов П. Б., Физиология растений с основами микробиологии. изд. «Советская школа», М., 1958.
- Раҳмонов Р., Ёқубов А., Микроэлементлар қишлоқ хўжалигида. Уз ССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1964.
- Рубин Б. А., Курс физиологии растений. изд. «Высшая школа», М., 1976.
- Сабинин Д. А., Избранные труды по минеральному питанию растений. изд. «Наука», М., 1971.
- Саляев Р. К., Поглощение веществ растительной клеткой. изд. «Наука», М., 1969.
- Смирнов П. М., Муравин Э. А., Агрохимия. изд. «Колос», М. 1981.
- Строгонов В. П., Растения изасоленные почвы. изд. АН СССР, М., 1958.
- Тимирязов К. Н., Избранные сочинения в 4-х томах. изд. Сельхозгиз, 1948.
- Тўрақулов Е. Х., Биохимия. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1970.
- Федоров М. Ф., Микробиология. Сельхозиздат, М., 1963.
- Холодный Н. Г., Избранные труды, I—III тт. изд. АН Украинской ССР, Киев, 1956.
- Кржановский В. Г., Пономаренко С. Ф., Ботаника. Агропромиздат, М., 1988.
- Шабельская Э. Ф., Физиология растений. «Высшая школа», Минск, 1987.
- Шлегель Г., Общая микробиология. изд. «Мир», М., 1972.
- Якушкина Н. И., Физиология растений. изд. «Просвещение», М., 1980.

АТАМАЛАР РҮИХАТИ

- Абсциз кислота 74, 299
Автотроф 74
Аденин 128
Аденозиндифосфат 128
Аденозинтрифосфат 128
Адсорбент 31
Адсорбтив 31
Адсорбция 156
Азот 157
Азотобактер 145
Азотобактерин 145, 163
Азотоген 163
Активатор 173
Актиномицет 259
Акцептор 100
Аланин 140, 193
Алколоид 205
Аллелопатия 3010
Аллиин 301
Альдронанда 149
Амилаза 167, 180
Амилопласт 21
Аминоавтотроф 271
Аминогетеротроф 271
Аммиак 91, 138
Аммонификация 141
Амфитрих 256, 257
Амфотерм бирикма 193
Анаэроб 273
Антибиоз 280, 375
Антибиотик 206, 281
Антикол 200
Антикодон 200
Апатит 161
Апикал ўсиш 286
Аптомик 233
Аргинин 174, 342
Аскорбин кислота 203
Ассимиляцион сон 117
Аспарагинамид 139
Аспарагин кислота 139
Ауксанометр, ауксанограф 291
Ауксин 290, 312
Ацетат 93
Ацетил КоA фермент 226
Аэроб 273
Аэрозол 26
Аэросома 254
Аэротропизм 323
Базал ўсиш 288, 289
Бактерия 78, 250
Бактериовиридин 80
Бактериал резосфера 159
Бактериопурпурин 269
Бактериостатик 281
Бактериохлорин 269
Бактериоцид 281
Бактериофаг 249, 262
Бижриш 239, 272
Биологик ютилиш 156
Бир компонентли фермент 173
Бирламчи меристема 288, 290
Биос 289
Биринчи фотосистема 96
Блекман реакцияси 95
Блеофоропласт 252
Бор 134
Бром 131
Вакуол 18
Ваккуминфильтрация 173
Вақтингча сўлиш 68
Везикула 254
Вибрион 250
Витаминлар 202
Витамин А 202
Витамин Д 202
Витамин Е 202
Витамин К 202
Вирон 262
Вируслар 261
Витрификация 337
Водород пероксид 99
Водород сульфит 79, 269
Гелофитлар 340
Гель 30

- Гелиофитлар 110
 Гетеротроф-органотроф 76
 Гетероферментатив 242
 Гиббереллин кислота 299
 Гибберелла фуюкурон 299
 Гигрофитлар 69
 Гидротропизм 323
 Гидроксиламин 138
 Гидроксиламин редуктаза 138
 Гидролазалар 17, 180
 Гидроскопик сув 60
 Гидратод 55
 Гидроактив 63
 Гидрофилл 24
 Гидрофитлар 68
 Гидропассив 63
 Гидрофоб 24
 Гипонастик 325
 Гипонитрит 138
 Гипонитрит редуктаза 138
 Гистидин 174
 Гликогенофитлар 340
 Гликолиз 139
 Гликокол — глицин 193
 Глиоксилат циклы 235
 Глиоксимома 18, 136
 Глутамин амид 139
 Геотропизм 323
 Гемиксерофит 70
 Гербицид 310
 Генетик бօгланиш 237, 239
 Гетероауксин 297
 Гетероморф 257
 Гомоферментатив 242
 Гравитацион сув 60
 Грам манфий 253
 Грам мусбат 253
 Гранула 162
 Гуанин 128
 Гумус 125, 260
 Гуттация 55
 Глутамин кислота 139
 Глюкоза 184
 Глюкозид 205, 301
 Глюкофитлар 341
 Глютатион 130
 Голофиллар 277

 Дағал дисперс система 25
 Дегидрогеназа 175, 222
 Дейтрий 50
 Денитрофикация 142
 Деплазмолиз 42
 Десикант 310
 Дефолиант 310
 Диализ 27
 Диктиосома 10, 17
 Диплококки 250
 Дисперс мүхит 25
 Дисперс система 25, 26
 Дисперс фаза 280

 Дисульфит 129
 Дифференциал фаза 280
 Диффузия 38
 Донатор 140
 Дихатомик 233

 Еруғлик культураси 114
 Еруғлик босқичи 121
 Еруғлик фазаси 95
 Еглар — липондлар 186, 187
 Желатинланиш 30
 Жирянка 147
 Замбуруғлар 263
 Заленский қонуни 347
 Зеатин 300
 Золь 29
 Изолейцин 174
 Изомераза 183
 Изоморф 257
 Изотоник коэффициент 41
 Иккиминчи меристема 288
 Икки компонентли ферментлар 174
 Иккиминчи фотосистема 96
 Илдиз босым кучи 54, 58
 Имбидицион сув 60
 Ингибитор 173, 287
 Индолил мой кислота 300 315
 Индолил сирка кислота 300, 315
 Интеркаляр ўсиш 288
 Интина 251
 Информацион рибонуклеин кислота
 (и-РНК) 13, 199
 Иссиқ ванналар 304
 Иглаш ҳодисаси 55
 Иод 131
 Иод сони 189
 Каталаза 179
 Камбий 286
 Қапсид 262
 Қапсомер 262
 Кетоглутар кислота 139
 Қвантосома 85
 Қислород (изотоплар) 50
 Қислотали сон 189
 Кластер 52
 Қлостиридиум пастеурианум 144
 Компартмент 17, 166
 Компенсацион нүқта 115
 Комплémentар 166
 Комплекс бирикма 226
 Коагуляция 28
 Қални 131
 Қаллус 300, 320
 Қальвин схемаси 86, 105
 Қальций 132
 Қапилляр сув 60
 Қариоплазма 13
 Қариолимфа 57
 Қаротин 87

- Ксилема 58
 Кутин 11
 Кутикула 54
 Күпиклар 26
 Коацерватланиш 28, 29
 Код 199
 Кодон 193
 Колин 301
 Коллоид дисперс система 33
 Конидия 259
 Конъюгация 252, 258
 Кребс циклы 227
 Корнелит 163
 Коррелятив ҳодиса 312
 Кремний 131
 Кретович схемаси 146
 Криногалофит 340
 Кристлар 14
 Критик давр 350
 Ксантофилл 87
 Ксерофит 347
 Лактаза 288
 Ламелла 85, 19
 Леггемоглобин 144
 Лейкопласт 18
 Лиаза 182
 Лигаза 183
 Лигнин 11
 Линзин 174
 Лизосома 10, 17, 22
 Липаза 17, 169
 Литотроф 74
 Лишайниклар 266
 Лог фаза 258
 Лофтрих 257
 Магний 132
 Мальтаза 169
 Макрофибрилла 11
 Макроэргик боғлам 197
 Макроэлементлар 127
 Манфий паст температура 335
 Маразмлар 301
 Марганец 135
 Матрикс 14
 Махсулотли энергия 211
 Магнезий 10, 12
 Мевалон кислота 299
 Мезоплазма 24
 Мезосома 254
 Мезофилл 116
 Мезофитлар 69
 Ментор — тарбиячи 318
 Меристема 287
 Метабиоз 280
 Метил спирт 80
 Метионин 200
 Метогенетик нур 213
 Механик ютилиш 155
 Микробактериялар 260
 Микориза 159
 Микрококклар 250
 Микрофибрилла 11
 Микроэлемент 133
 Миксомицет 263
 Мис 135
 Мис ацетат 90, 91
 Митохондрий 13
 Мицелла 10
 Мой кислотали бижгиш 242
 Мой кислоталари 243
 Молибден 137
 Молекуляр ва ион дисперс система 26
 Монокарпик ўсимлик 326
 Моносахарид 184
 Монотрих 256, 257
 Мувозанатли эритма 153
 Муреин қават 253
 Мураккаб оқсил — протеин 195
 Мусбат паст температура 335
 Настик ҳаракатланиш 324
 Нафас олиш интенсивлiği (жадаллиги) 215
 Нафас олиш көэффициенти 213
 Нафас олиш ингементи 222
 Нафтил сирка кислотанинг метил эфири 315
 Непентес 149
 Никотинамидадениндинуклеотид (НАД) 138
 Никотинамидадениндинуклеотид-фосфат (НАДФ) 98
 Никотин кислота 204
 Нисбий транспирация 66
 «Нитрагин» 144
 Нитрат 138
 Нитрит 142
 Нитратредуктаза 138
 Нитритредуктаза 138
 Нитробактер 81
 Нитрификация 141
 Нитрозомонас 81
 Ноциклик фотофосфорланиш 96
 Нуклеин кислота 196, 197
 Нуклеозидлар 196, 197
 Нуклеитидлар 255
 Оксидаза 179
 Оксигеназа 221
 Оксидоредуктаза 175
 Олеопласт 21
 Олигосахарид 185
 Оддий оксил — протеин
 Оксалатирка кислота
 Оксидланиш-қайтарилиш потенциали
 Солтингугурт
 Органик кислоталар 205
 Ортофосфат кислота 128
 Осмометр 41
 Осмос 40
 Осмотик босим 41
 Осмотик ҳодиса 40

- Ошловчи модда 205
Осмофил 277
Оқсил молекулаларининг тузилиши 194
Оқсиллар 192
Оғизча (устынца) лар 64
Пайвандтаг 316
Пайвандлаш 316
Пайвандуст 316
Паренхима 8
Парда сув 60
Партонокарник мева 309
Пастга йўналиш оқими 57
Пастерлаш 275
Пашшахур 148
Пектиннинг парчаланиши 251
Пентозофосфат цикли 233
Пепсин 168
Пептид боғлами 193
Перенуклеар бўшлиқ
Перетроф 160
Перетрихи 256, 257
Пермиаз 37, 254
Пероксидаза 179
Пероксисома 17
Перуваутдегидрогеназа 226
Пигментлар 82
Пикировка 313
Пили 252
Пиноцитоз 17
Плазмид 255
Плазмодесма 11
Плазмолиз 33
Плазмолемма 23
Пластидалар 18
Пластик чўзилиш 290
Пластохинон 96
Пластоцианин 96
Пойкилоксерофит 70
Пневматофор 212
Поликарп ўсимлик 327
Полисахарид 185
Полисома 16
Презентация вақти 322
Прозенхим 8
Прокариот 12
Протеопласт 20
Протий 50
Протозоолар 266
Прототроф 269
Протохлорофиллид 93
Профобилиноген 93
Прянишников схемаси 140
Психодифил 375
Пуаз 32
Пузирчатка 147
Ретордант 300
Реципиент 253
Рибосома 13
Рибосома рибонуклеин кислота (р-РНК) 199
Рибофлавин 204
Ризосфера 286
Риккетсиялар 260
Рибонуклеин кислота (РНК) 13
Росянка 147
Рух 136
Рухацетат 90, 91
Сальвинит 163
Серин 200
Соррацения 147
Сарцина 250
Сейсманастик ҳаракат 325
Симбиоз 279
Сирка кислотали бижгиш 241
Скарификация 305
Совунланиш сони 189
Страфилакокк 250
Стрид-стероид 190
Стратификация 305
Стрептококки 250
Строма 18
Суберин 11
Сувда эрийдиган оқсиллар 195
Сув культураси 127
Сув молекулаларининг илашиш кучи 58
Сувни сарфлаш тезлиги 66
Сульфидрил 129
Суккулентлар 70
Сўлиш коэффициенти 60
Сўлиш ҳодисаси 66
Суспензия 26
Сут кислотали бижгиш 242
Сферосома 17
Сциофтитлар 110
Спектроскоп 91
Спирохета 261
Спора 251
Тангентал ўсиш 286
Температура коэффициенти 217
Темир 133
Терманастик 324
Термотропизм 323
Термофил 345
Тетракокклар 250
Тетрапиррол 93
Тиамин 297
Тилакоид 19, 85
Тимин 128
Тиндарль конуси-27
Тиним даври 299
Трипксин 281
Тонопласт 24
Тотипотент 319
Транскрипция 199
Транспирация 60
Транспирация жадаллиги 64
Транспирация коэффициенти 65
Транспирация маҳсулоти 66
Транспорттив рибонуклеин кислота (т-РНК) 199

Трансфераза 181
Трипсин 168
Тропизмлар 320
Тритий 50
Түгунак бактериялар 143
Түрлөк культурасы 154
Түрлөкнинг ютиш қобиляя-
ти 155
Тур (ССС) 300
Турогор босим күчи 42

Углеводлар 183
Узоқ давомли сўлиш 68
Узоқ давомли тиннм 302
Узун кун ўсимликлари 332
Уреаза 181
Урацил 128
Факультатив анаэроб 273
Ферментлар 79
Феофитин 89
Ферродоксин 96
Физик ютилиш 156
Физик-химик ютилиш 156
Физиологик нордон туз 154
Физиологик қуруқ түпроқ 59
Физиология ишқориј туз 154
Фикобилин 94
Фикоксантин 88
Фикоцианобилин 94
Фикоцианин 88
Фикоэрнитробилин 94
Фикоэрнитрин 88
Фимбрый 252
Фитоцид 18
Фитол спирти 89
Фитобентос 69
Фитопланктон 68
Фитоплейсон 68
Флавинадениндинуклеотид
(ФАД) 176
Флавин фермент 177
Флоэма 58
Флюоресценция 92
Фотоактив 62
Фотонастик 324
Фотопериодик индукия 332
Фотопериодизм 331
Фототропизм 321
Фототропик ҳодиса 321
Фоторедукция 79
Фотолиз 99
Фотооксидация 99
Фотосинтез 74
Фотосинтетик 78
Фотосинтезнинг қоронғилик фа-
заси (C_3 йўналиши) 105
Фотосинтезнинг C_4 йўналиши 106
Фосфор 127
Фосфоритлар 127
Фосфорланиш 128
Фосфотидлар 127 129

Фотофосфорланиш 196
Фторапатит 161
Фуксии 277
Фунгестатик 281
Фуницид 281
Хемосинтетик 78
Хемосинтез 142
Хемотропизм 323
Хемотрипсин 171
Хемотаксис 323
Хетч-Слэк-Карнилов цикли 11
Хивчин 252
Хилат 133
Химиявий ютилиш 156
Хлор 131
Хлорапатит 161
Хлоропласт 18
Хлороз 94
Хлор-Холин-Хлорид 300
Хлорофил 75
Хлорофиллид 93
Хлорофиллаза 93
Хроматофор 18
Хроматид 13
Хроматин 13
Хромонема 13
Хроматик адаптация 88
Хромопласт 18
Хромосома 13

Целлюлоза 10
Целлюлозани парчаланиши 24
Циклик фотофосфорланиш 96
Цистени 130
Цистин 130
Цитозин 195
Цитокинин 299
Цитоплазма қовушқоқлиги 33
Цитоплазма ўтказувчалиги 26
Цитоплазма эластиклиги 33
Цитохром b_6 96, 97
Цитохром 96
Цитохромлар 179
Циттофирз 44
Чўзилиш фазаси 290
Шимиш кучи 45, 73
Шўрланиш ҳодисаси 29
Эвгалофит 340
Эвксерофит 70
Экзина 251
Экзотоксин 281
Эктотроф 159
Эластик чўзилиш 290
Электрон микроскоп 248
Электрон ҳаракатланиш занжи-
(ЭҲЗ) 231, 232
Эмбрионал фаза 289
Эмульсия 26
Эндоплазматик түр 10, 17
Эндотоксин 281

Эндотроф 159
 Энхилема 12
 Эпинастик 325
 Эпитема 56
 Эстэраза 80
 Этилен 300
 Этиленхлоргидрин 304
 Этинг спиртли биженши 239
 Этрель 300
 Эфимер 72
 Эфимеронд 326
 Эфирлаш 304
 Эфир мойи 206
 Эуикарнот 12

Юқорига йұналадиган оқим 57

Яровизация босқичи 330

Қайта аминланиш 140

Қисқа күн үсімлігі 332

Коронгилік фазаси 95

Құм қультураси 154

Қаламча пайванд 314

Қаламчадардан тұбапшылыш 34

~~Хашаротхүр~~ 146

~~Хужайра~~ 147

~~Мемлекеттік~~ 148

~~Институты ИН~~ 149

~~57032~~

МУНДАРИЖА

Иккінчи нашрга сүз боши	18
Кириш	19
I боб. Үсимлик ҳужайраларида күзатыладиган ҳодисалар	71
Үсимлик ҳужайраларининг шакли, ҳажми ва хусусиятлари	72
Ҳужайра органоидларининг тузилиши, химиявий таркиби, физикавий хоссалари ва физиологик функциялари	73
Цитоплазманинг тузилиши ва химиявий таркиби	76
Дисперс системалар	77
Цитоплазманинг коллоид ва физик хоссалари	231
Цитоплазманинг ўтказувчанлығы ҳақидағы назариялар	252
Ҳужайрага сув ва сұндағы әріган моддаларнинг қабул қылинишида осмотик босим ва шимиш күчларининг аҳамияты	32
Тирик организмлар ва табиатнинг жонсиз жисмлари ўртасидаги ғарфқлар	34
I боб. Үсимликтарда сув алмашиныш ҳодисалари	40
Табиатда сувнинг тарқалиши, физик ва химиявий хоссалари	45
Үсимликтар учун сувнинг аҳамияти	49
Үсимлик тұқымасыннан сув қабул қылиши. Илдіз босим кучи	50
Үсимликтарда «йиғлаш» ва гуттация ҳодисалари	52
Үсимлик танаасида сув ва эритмаларнинг ҳаракатланиши, уларни ҳаракатлантирувчи күчлар	53
Илдіз системасыннан аҳамияти ва уннан ғаол ишлаши учун ташқы омылларнинг тәсіри	57
Тупроқдагы сув турлари	59
Транспирация жараёни ва уннан үсімлик учун аҳамияты. Барғ оғиз-чаларининг тузилиши	59
Оғизчалар ва күтикула орқали бўладиган транспирация. Транспирация кўрсаткичлари	60
Транспирация жараёнига ташқи мұхит омылларнинг тәсіри	64
Үсимликтарда сув баланси ва сўлиши	66
Үсимликтарни сувга бўлган талабига кўра гүрухларга ажратиш	68
Суфориладиган үсімликтар физиологияси	72
III боб. Үсимликтарнинг ҳаво билан озиқлапиши углеродларнинг ўзлаштирилиши	74
Карбонат ангидриднинг ўзлаштирилиш эволюцияси	78
Хлоропластнинг тузилиши, пигментлар, уларнинг химиявий таркиби ва физикавий хусусиятлари	82
Хлорофилл ва башқа пигментларнинг биосинтези	93
Фотосинтез жараёнида пигментларнинг тутған йўли	94
Фотосинтез табиатига дони назариялар	99

Маккаждыкори ва баъзи тропик ўсимиликларда фотосинтезнинг ўзига хос йўналиши	1
Фотосинтез жараёнига ички ва ташки мухит омилларнинг таъсири	1
Фотосинтез ва Ѹосил	1
IV боб. Ўсимиликларнинг тупроқдан озиқланиши (минерал элементларнинг ўзлаштирилиши)	
Ўсимиликлар учун минерал элементларнинг аҳамияти	1
Ўсимиликлар кулиниг химиявий таркиби	1
Макро ва микроэлементлар. Уларнинг аҳамияти	1
Ўсимиликларнинг азот ўзлаштириши	1
Аммонификациация, нитрификация ва денитрификация жараёнлари. Молекуляр азотни ўзлаштирувчи микроорганизмлар. Ҳашаротхўр ўсимиликлар	1
Тупроқда эркин ҳолда молекуляр азотни ўзлаштирадиган мавжудлар	1
Табиатда азотнинг айланиси	1
Мувозанатли эритмалар. Сув, қум ва тупроқ культураларини тайёрлаш усуллари. Физиологик ишқори ва нордон тузлар	15
Тупроқ таркибидаги минерал моддаларнинг шакли. Элементларнинг тупроқ заррачаларига ютилиши	15
Ўсимиликларнинг минерал элементларни қабул қилиши. Бактериал резосфера ва микориза	16
Ўсимиликларни ўстиришда ишлатиладиган минерал ўнитлар	16
Ўғит сифатида ишлатиладиган минерал элементларнинг физиологик аҳамияти	16
V боб. Ўсимиликлар тўқимасида учрайдиган органик биримлар, уларнинг ўзгариши ва ҳаракатлашиши	166
Ўсимиликлар тўқимасида учрайдиган органик биримлар	166
Ферментлар	167
Ферментлар классификацияси	175
II. Гидролазалар	180
III. Трансферазалар	181
IV. Лиазалар (ажратувчи-парчаловчи ферментлар)	182
V. Лигазалар (синтетазалар)	183
VI. Изомеразалар	183
Углеводлар	183
Ёллар ва ёғимон биримлар, яъни липонидлар	186
Оксиллар	192
Оддий ва мураккаб оксиллар. Оксил молекулаларининг синтезланиши	197
Оддий оксиллар—протеинлар	198
Мураккаб оксиллар—протеидлар	199
Витаминалар	200
Моддалар алмашинувида Ѹосил бўлгани иккичи даражали органик биримлар	205
Ўсимиликлар танасида моддаларнинг ҳаракатланиши	207
VI боб. Тирик мавжудотларда нафас олиш ва бижигитиш ҳодисалари	211
Ўсимиликларнинг нафас олиши. Нафас олиши жараёнида ажраладиган энергия	211
Нафас олиш жараёнида сарфланадиган органик моддалар. Нафас олиш коэффициенти	213
Ўсимиликларнинг нафас олиш жадаллиги интенсивлигига ташки ва ички факторларни таъсири	215
Нафас олиш жараёнини текшириш усуллари	219
Нафас олиш жараёни ҳақида олимларнинг мулоҳазалари	220
Нафас олиш ҳодисасининг биохимиявий томонлари	220
Нафас олиш жараёнининг пеңтозофосфат цикли	233
Глиоксилат цикли	235

Алаэрб нафас олиш билан аэроб нафас олиш ҳодисаларининг узвий (генетик) боғланиши	237
Бижгиш жараёнлари	239
Сут кислотали бижгиш	242
Мой кислотали бижгиш	242
Целлюзозанинг парчаланиши	243
Пектиннинг парчаланиши	244
Нафас олишда ажралган энергиянинг сарфланиши. Нафас олиш билан фотосинтез жараёнлари ўртасидаги муносабат	244
о б. Микробиология фан асосларига доир масалалар	246
Микробиология фанининг ривожланиши	246
Микробиология фанида ўрганиладиган мавжудотлар	250
Бактериал ҳужайранинг тузилиши	252
Бактерияларнинг ҳаракатланиши	256
Бактерияларнинг кўпайиши	257
Бактерияларнинг ривожланиш цикллари	258
Микроорганизмларнинг химиявий таркиби ва озиқланиши	268
Углероднинг ўзлаштирилиши	269
Азотнинг ўзлаштирилиши	271
Микроорганизмларнинг кислородга бўлган талаби	272
Микроорганизмларга ташқи омилларнинг таъсири	273
Микроорганизмларга концентрик эритмаларнинг таъсири	276
Микроорганизмларга физик ва химик омилларнинг таъсири	277
Микроорганизмларнинг табнатда тарқалиши	281
Хаво микрофлораси	282
VIII б о б. Ўсимликларда ўсиш, ҳаракатланиш ва ривожланиш жараёнлари	287
Ўсимликларнинг ўсиши. Меристема ҳужайраларининг ўсиш фазалари	287
Ўсимликларнинг ўсиши жадаллигини аниқлаш	291
Ўсимликларнинг ўсишига ташқи омилларнинг таъсири	292
Ўсимликларнинг ўсишини жадаллаштирувчи фитогормонлар	296
Ўсимликларда тиним даври	302
Мева ва уруглар етилишидаги биохимиявий ўзгаришлар. Уларни сунъий етиштириш усуллари	306
Гербцидлар, дефолиантлар ва десикантлар. Уларниң қишлоқ хўжалигига ишлатилиши	310
Ўсимликларда учрайдиган коррелятив ҳодисалар	312
Ўсимликларни вегетатив органларидан кўпайтириш. Қаламчалардаги кутблилик. Пайванлаш усуллари	313
Пайвандтаг ва пайвандуст ўртасидаги муносабат. И. В. Минчуриннинг ментор усули ва унинг аҳамияти	317
Бир ҳужайрадан ёки каллусдан ўсимликларни тикланиши	319
Ўсимликларда ҳаракатланиш жараёнлари	320
Ўсимликларнинг ривожланишига доир масалалар	326
Ўсимликларда ривожланиши босқичлари. Репродуктив фазага ўтиш шароити	328
IX б о б. Ўсимликларнинг ташқи муҳит омилларига мослашиши ва чидамлигиги. Мусбат ва манфий температуранинг ўсимликларга таъсири ва уларнинг ташқи шароитга мослашиши	335
Ўсимликларнинг совуққа чидамлилиги	336
Ўсимликларнинг шўр тупроққа чидамлилиги	339
Ўсимликларнинг шўр тупроққа мослашиши	341
Ўсимликларнинг ўзгур чидамлилигини ошириш	344
Ўсимликларнинг иссиққа чидамлилиги	346
Ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлилиги	347
Адабиёт	350
Атамалар рўйхати	352
Мундарижа	357

Мустақимов Г. Д.

Ўсимликлар физиологияси ва микробиология асо
Пед. ин-ти талабалари учун ўқув қўлланма.—2-
ишланган ва тўлдирилган нашри.—Т.: «Ўқит
1994.—3606.

28.57я73

№ 183—95

Алишер Навоий вомидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

Тираж 3000
Карт. тиражи 6000

Гумер Даудович Мустақимов

**ЎСИМЛИКЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ
ВА МИКРОБИОЛОГИЯ АСОСЛАРИ**

Қўлланма педагогика институтларининг талабалари
ва ўрта умумий таълим мактабларининг
ўқитувчилари учун мўлжалланган

Тошкент «Ўқитувчи» 1995

Таҳририят мудири Р. Авазов

Муҳаррир А. Иброҳимов

Қичик муҳаррир М. Иброҳимова

Техн. муҳаррир Т. Скиба

Мусаҳҳих З. Ғуломова

ИБ № 6442

Тернига берилди 9.08.94. Босиншта рухсат этилди 13.03.95. формати 60×90^{1/16}. Тип. қози.
Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 22,5. Шартли н
отт. 22,69. Нашр. л. 20,89. Тиражи 8000. Буюртма № 2710.

Тошкент, 700129, Навоий қўчаси, 30. «Ўқитувчи» нашриёти. Шартнома № 19—157—93.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошполиграфкомбинати. Тошкент
Навоий қўчаси, 30. 1995.

3

—

